

Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлиги

Қўқон Давлат педагогика институти

“ШАХС ВА ЖАМИЯТ”
фанидан

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

Қўқон – 2006 йил

Тузувчи:

**Ҳамрақулова М.
Алимова Г.**

Такризчилар:

*тарих фанлари
доктори, профессор
Саломов М. Ю.*

*Катта ўқитувчи
Мадаминов Т.*


Ушбу маъруза матни “Умумий тарих” кафедрасининг
26-декабрь 2006 йилдаги №5 сонли йиғилишида мақулланди.

I БОБ. ИНСОН: ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА МОҲИЯТИ ҲАҚИДА

1-мавзу. "Инсон ва ҷамият" курсининг мазмуни ва вазифалари

1. Фаннинг мазмуни ва вазифалари. Фанлар тараққиётида дифференциация ва интеграция жараёнлари

Маълумки, бизга ҳозирча маълум бўлган дунё уч қисмдан, яъни: а) қум заррасидан тортиб галактикагача бўлган моддий борлиқ, яъни табиатдан б) табиатнинг ривожланиб ўзига хос яшаш тарзини ўтаётган, ҳозирча фақат ерда кузатилган ва инсон жисми билан боғлиқ бўлган кўриниши – ҷамиятдан ҳамда в) ана шу иккала борлиқнинг инсон онгидаги инъикоси бўлмиш маънавий борлиқ – яъни руҳият дунёсидан иборатдир. Шу маънода оламни ўрганувчи фанларни шартли равишда уч йўналишга бўлиш мумкин: табиатшунослик, ҷамиятшунослик ва маънавиятшунослик. Уларнинг ҳар бири, ўз навбатида, яна бир қанча йўналишлар ва турларга бўлиниб кетади. Масалан, табиатшунослик химия, физика, биология, геология ва бошқаларга бўлинса, ҷамиятшунослик тарих, ҳуқуқшунослик, сиёсатшунослик, социология, эстетика, маънавият асослари ва шу қабиларга бўлинади, маънавиятшунослик эса – ахлоқшунослик, психология қабилари фанларни ўз ичига олади. Шунинг унутмаслик керакки, ушбу фанларнинг ҳар бири ҳам ўз навбатида, бир неча фанларга бўлиниб кетадилар. Масалан, химия – аорганик ва органик химияга, физика – механика, электродинамика, оптика, квант механикаси ва бошқаларга, биология – ботаника, зоологияга бўлинади ва ҳоказо. Шу билан бирга бу фанлар ҳам, ўз навбатида, янада кичикроқ, аммо янада аниқроқ фанларга бўлинадилар. Фанлар тараққиётидаги ушбу жараён уларнинг янада бойиб, инсон билимининг эса янада чуқурлашиб бораётганидан далолат беради. Илмий тилда бунга фанлар дифференциацияси деб аталади. Уни физика фани мисолида қуйидагича тасаввур қилиш мумкин:



Юқорида кўрсатилган йўналишларнинг ҳар бири яна бир қанча фанлардан ташкил топади, улар ҳам ўз навбатида янада "кичикроқ", "чуқурроқ" қисмларга бўлиниб кетади.

Фанлар тараққиётида дифференциацияга тескари бўлган, аммо фанларнинг янада ривожланаётганидан далолат берувчи бошқа бир ҳодиса ҳам юз берадики, унга фандаги интеграция жараёни дейилади. Бунда аксинча, фанларнинг ўз ичида янада чуқурлашуви эмас, балки бир неча фанларнинг ўзаро қўшилиши юз беради. Аслини олганда бу ҳол реал дунёдаги бир-бири билан боғланган жараёнларни акс эттиради, яъни уларнинг инъикоси сифатида амал қилувчи фанлар ҳам ўзаро қўшилиб кетадилар ва ўзига хос "синтез", "аралашма" фанлар ҳосил бўлади. Бунга биофизика, иқтисодий кибернетика, биогеохимия, радиоастрономия, иқтисодий география, астробиология, физик химия ва бошқа фанларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Шу пайтгача биз инсон ва жамият ҳаётининг турли томонларини (масалан, иқтисодий, ахлокий, диний, ҳуқуқий ва шу каби томонларини) алоҳида-алоҳида кўриб чиқдик. Энди эса мустақил ҳаётга қадам қўйиш арафасида инсоний муносабатлар, жамият, унинг тузилиши, мазмуни ва ривожланиш хусусиятларини умумий тарзда, уларни ташкил қилувчи томонларнинг бир-бирларига таъсири жараёнида кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

2. "Шахс ва жамият" предметининг мазмуни ва унинг бошқа фанлар орасида тутган ўрни

Шу пайтгача мактаб даврида олган билимларимизга таяниб инсон ва унинг турли-туман жамоалари жуда мураккаб ҳодисалар эканлигини англаб олдик. Масалан, мавжуд фанларнинг асосий кўпчилиги инсоннинг ўзини ҳар хил нуқтаи назарлардан тадқиқ қилади. Биология ва тиббиётга оид фанларда у жонли организмларнинг бири сифатида ўрганилиб, физиологик, жисмоний, анатомик, гигиеник, генетик ва бошқа томонлардан тавсифланади. Психологияда эса одамнинг руҳий олами, унинг хотираси, хиссиётлари, интилишлари, тафаккури ва шунга ўхшаш жиҳатлари ўрганилади. Тарих фанида эса унинг тарихий тараққиёти ва камолоти кўриб чиқилади. Сиёсатшунослик, диншунослик, фалсафа ва бошқа фанлар ҳам инсонни ўз предмети нуқтаи назаридан ўрганадилар. Хуллас, фанлар комплекси биргина инсоннинг ўзини ҳар жиҳатдан ўрганади ва унга ҳар хил таърифлар беради. Шу нуқтаи назардан инсоннинг ўзини бир неча тушунчалар ифодалашини кўришимиз мумкин: одам, инсон, организм, индивид, банд, тана, шахс ва бошқалар.

Жамият ҳақида ҳам юқоридаги каби фикрларни айтишимиз мумкин. Уни ҳам турли фанлар ўз нуқтаи назарларидан ўрганадилар ва унинг ҳам кўплаб, баъзан бир-бирига мутлақо мос келмайдиган таърифлари мавжуд. Сиз улар ҳақида тарих, ҳуқуқшунослик, иқтисодиёт асослари каби предметларни ўрганиш пайтида муайян тушунча ҳосил қилгансиз. Масалан, "китобсеварлар жамияти", "овчилар жамияти", "файласуфлар жамияти", "киборлар жамияти" каби тушунчаларга дуч келган пайтимизда "жамият" сўзи остида ягона қизиқиш, бираликда фаолият кўрсатиш, бир-бирига қўмаклашиш мақсадида бирлашган кишилар гуруҳини англаймиз. "Ибтидоий жамият", "феодал жамияти", "буржуа жамияти" ёки "америка жамияти" иборалари эса инсоният тараққиётининг муайян босқичларини ёки аниқ бир мамлакатни акс эттиради. Мазкур тушунчани янада умумлаштирадиган бўлсак, у табиатдан ажралиб чиққан, аммо барибир унинг бир қисми бўлиб қоладиган кишилар ҳамжамоасини, бир-бири билан турли-туман ва мураккаб муносабатларга киришадиган Ер юзидаги барча кишилар йиғиндисини англатади.

Кишиларнинг ўзаро алоқалари ва муносабатлари натижасида жамият ҳаётида бир биридан фарқладиган, аммо бир-бирига фаол таъсир қиладиган нисбатан мустақил бўлган бир қанча қисмлар, бўлақлар, элементлар амал қилади. Уларнинг биргаликдаги фаолияти жамиятнинг бир бутун ва доимий ўзгаришда бўлган динамик тизим сифатида амал қилишини таъминлайди. Умуман олганда "тизим" ибораси деярли барча нарса, объект ва ҳодисаларни тавсифлайди ва уларнинг нисбатан кичикроқ қисмлардан, бўлақлардан, элементлардан ташкил топганини ҳамда улар ўртасида муайян алоқалар, боғланишлар мавжудлигини билдиради. Тизимнинг нормал амал қилишида унинг турли қисмлари ўртасидаги алоқа ва муносабатлар белгиловчи рол ўйнайди. Динамик, яъни ўзгаришда

бўлган тизим жуда кўп, баъзан сон-саноксиз доимий ўзгаришда бўлган қисмлар ва элементлардан иборат. Уларнинг ҳар бири ўз навбатида янада кичикроқ бўлган тизим ва элементларга ажралади, ёки аксинча, ҳар бир тизим унга нисбатан каттароқ, кенгрок ҳодисага нисбатан элемент сифатида амал қилиши мумкин.

Жамият мустақил бўлган, лекин нисбатан торроқ, (кўпинча фанда "подсистема" дейилувчи) кичикроқ, **ижтимоий ҳаёт соҳалари** деб аталувчи тизимлардан иборат. Масалан, иқтисодий (моддий ишлаб чиқариш жараёнидаги муносабатлар), ижтимоий (гуруҳлар, табақалар, синфларнинг муносабатлари), сиёсий (давлат ташкилотлари, сиёсий партиялар фаолияти), маънавий (ахлоқий, диний, маданий, фалсафий, илмий тизим ва ҳоказо). Буларнинг ҳар бири мураккаб ҳодиса бўлиб, ўз навбатида янада кичикроқ, торроқ элементлардан, қисмлардан ташкил топади. Шунинг учун ҳар хил тадқиқотчилар жамиятни ҳар хил нуқтаи назардан: кимдир ташкилотлар сифатида, кимдир – ижтимоий муносабатлар сифатида, кимдир – кишилар гуруҳлари сифатида, кимдир – ижтимоий бирликлар алоқадорлиги сифатида ўрганадилар.

Жамиятнинг асосий элементларидан бири сифатида инсон жамият ҳаётида қандайдир (масалан, меҳнат, қасаба ташкилоти, этник, диний ва шу каби) жамоаларнинг аъзоси сифатида иштирок этади. Бу маънода жамият жамоаларнинг жамоаси сифатида юзага чиқади. Ана шу жамиятни ўрганувчи фанлар ҳам жамиятнинг ўзи сингари турли-туман бўлиб, улар жамиятни турли нуқтаи назардан очиб берадилар. Масалан, тарих фани турли-туман конкрет тарихларга ажратилади. Бунга у ёки бу мамлакат тарихи, ҳар бир фан тарихи, ҳар бир кашфиётлар тарихи, ҳар бир мамлакатдаги турли ҳудудлар, шаҳарлар тарихи, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, партиялар тарихи, қўйингки, ҳар бир оила ва шахс тарихи мисол бўлиши мумкин. Буларнинг ҳар бири ўз объекти бўлмиш нарса ёки ҳодисани пайдо бўлишидан тортиб у қачонгача босиб ўтган вақт мобайнида бошидан кечирган барча воқеаларни хронологик кетма-кетликда акс эттиради. "Шахс ва жамият" ўқув предмети жамият ёки инсон тўғрисидаги муайян масалаларни кўриб чиқаётган пайтда уларнинг тарихидаги ўзига хосликлар, турли воқеаларнинг мазкур ҳодисалар ривожига кўрсатган таъсирини эътиборга олиши, яъни уларнинг тарихини эътибордан четда қолдирмаслиги керак. Чунки у ёки бу мамлакат ўртасидаги ҳозирги муносабатлар ўрганилаётганда уларнинг узок тарих давомидаги ўзаро муносабатларида юз берган ҳодисалар албатта таъсирини кўрсатади. Уларни эътибордан четда қолдирмаслик эса ҳозирги пайтдаги муносабатларидаги баъзи "ноаниқ", "тушунарсиз" ҳолатларни тўғри англашда ёрдам беради. Бунга мисол тариқасида Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги муносабатларга бундан 550-600 йил илгари юз берган воқеалар кўрсатган таъсирни ёки Марказий Осиё ҳамда Араб дунёси, Муғулистоннинг ўзаро муносабатларига уларнинг узок тарихининг таъсирини кўрсатишимиз мумкин.

Ёки "Иқтисодиёт асослари" ва "Шахс ва жамият" предметларини бир-бирининг билимлари ва тушунчаларисиз тўлиқ тушуниш қийин. Чунки жамият ҳаётининг турли соҳалари ва инсон фаолияти иқтисодий қонунлар таъсири остида юз беради ва, аксинча, иқтисодиёт соҳаларидаги ўзгаришлар жамиятнинг сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ўзгаришлар таъсирида кечади. Улар доимо бир-бирини тақазо қилади. Уларни инкор этиш ёки тан олмаслик ҳам инсонга, ҳам жамиятга салбий таъсир этади.

Инсонни жуда кўплаб фанлар ўрганади. Масалан, унинг жисмоний-физиологик хусусиятлари биология, одам анатомияси ва физиологияси, генетика кабилар томонидан, ҳатти-ҳаракатлари ахлоқшунослик, педагогика, психология ва бошқа фанлар томонидан тадқиқ этилади. Аслини олганда фанларнинг барчаси у ёки бу даржада инсон масаласини ўз ичига олади. Шу маънода инсон, унинг табиий ва ижтимоий борлиги кўплаб фанларнинг ўрганиш мавзуини ташкил этади.

Инсонни ўрганишда унинг теvarак-атрофидаги ижтимоий ҳодисаларга яхшилик, ёмонлик, виждон каби ахлоқий хусусиятлар нуқтаи назаридан ёндошиш этика предметининг мавзуини ташкил этади. Худди шуларга нафосат, чиройлилик, хунуклик, улғуворлик, фожеалилик, кулгилилик нуқтаи назаридан ёндошилса эстетик билимлар ҳосил бўлади.

"Шахс ва ҷамият" предмети эса бу ҳодисаларни бирданига ҳам ахлоқий, ҳам эстетик, ҳам сиёсий, ҳам ҳуқуқий ва бошқа ижтимоий билимлар нуқтаи назаридан кўриб чиқади. Шу маънода ушбу фан инсон ва ҷамият ҳақидаги алоҳида фанларнинг ўзига хос бирлашуви, синтези ҳисобланади ва унда ана шу соҳаларга доир билимлар ўзига хос тарзда намоён бўлади.

Демак, "Шахс ва ҷамият" фанида фақат инсон ва ҷамият ҳақидаги конкрет фанларни ўрганиш асосидагина муваффақиятга эришиш мумкин. Бинобарин мазкур фан ҷамият ва инсон ҳақидаги фанлардан олган билимларни умумлаштиришга, уларнинг истиқболи қандай бўлиши тўғрисида муайян хулосалар чиқаришга ёрдам беради. Бу эса ҳар бир кишининг мазкур фанни ўрганиш орқали дунёда кечаётган воқеаларни тушунишини ва унда уларни таҳлил қилиш кўникмалари ҳосил бўлаётганини англатади. Ушбу фаннинг энг асосий хусусияти ҳам ана шундадир.

3. Ҷамият тараққиётига формациявий ва цивилизациявий ёндошувлар

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, инсониятнинг тараққиёти жуда узок давом этган жараён бўлиб, кўп босқичларни ўз ичига олади. Тарихчилар, файласуфлар, иқтисодчилар, сиёсатчилар ва ҷамиятнинг турли-туман соҳаларини ўрганувчи бошқа илм вакиллари ана шу тараққиёт босқичларини бир қанча белгиларга кўра бир-биридан ажратиб ўрганишади. Шунинг учун ҳозирги пайтда ҷамият тараққиётининг босқичлари ҳақида бир-биридан фарқ қиладиган бир қанча қарашлар мавжуд. Буларнинг бири ижтимоий тараққиётга ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг кетма-кет босқичлари сифатида назар ташласа, иккинчиси уни цивилизацияларнинг ўзига хос синтези сифатида талқин қилади, учинчиси ҷамият тараққиёти босқичларини бир-биридан технологиялар тараққиётига кўра ажратишни таклиф этади, тўртинчиси эса маданиятларнинг ўзига ҳослигини асосий белги сифатида олға суради ва ҳоказо. Албатта, бундай ёндошувларнинг ҳар бирида ўзига хос мантиқ, ўзига хос хусусиятлар, ўзига хос ижобий жиҳатлар, ҳамда, айтиш мумкинки, уларнинг эътиборидан четда қолган жиҳатлар, камчиликлар мавжуд. Аслини олганда уларни яқин-яқинларгача бўлгани каби, бир-бирига қарама-қарши қўйиш эмас, балки умуман олганда жаҳон тараққиётига турли нуқтаи назарлардан ёндошиш сифатида қараган маъқулроқ. Ана шунда эҳтимол улар бир-бирини тўлдирар, қайсидир муаммоларни бир неча бор тафаккур силсиласидан ўтказишга, уларни турли жиҳатлардан изоҳлашга имкон берар. Шу маънода баъзан ижтимоий фанларда ўзини намоён қиладиган баъзи бир оғмачилик кайфиятларига, мода бўлган сўз ўйинларига берилишдан кўра, муаммога турлича қараб, уларни таҳлил қилиш, кўр-кўрона танқидбозлик ёки мактовлардан кўра натижаси илм-фанни олға етаклайдиган назарий ва амалий натижалар олингани маъқул.

Ҷамият тараққиётига ижтимоий-иқтисодий формациялар кетма-кетлиги сифатида ёндошув асосан XIX асрда диалектик ва тарихий материализм назариясининг ғояси сифатида вужудга келди. Уни кўпинча иқтисодий детерминизм деб ҳам аташади. Чунки унда ҷамият ҳаётида иқтисодий соҳанинг етакчилик ва белгиловчилик ролига алоҳида аҳамият берилади. Ижтимоий-иқтисодий формациялар назариясига кўра ҷамият ҳаётида инсоннинг ишлаб чиқариш фаолияти, иқтисодий соҳа, ишлаб чиқариш қуролларига муносабат, ҳуллас мулкчилик муносабатлари асосий аҳамиятга эга. У ҷамият ҳаётининг қолган барча соҳаларини белгилаб беради. Шунинг учун Ер юзининг исталган минтақасида, исталган пайтда ҳар қандай ҷамиятни характерлайдиган, инсониятнинг барча даври, барча ижтимоий тизимлар учун умумий бўлган ижтимоий-иқтисодий қонунлар мавжуддир. Улар орқали исталган ҷамиятни таҳлил қилиб, характерлаб бериш мумкин. Булар асосан материалистик диалектиканинг ҳамда сиёсий иқтисоднинг асосий қонунларидир. Шу маънода формациявий ёндошув ҷамият тараққиётининг умумий қонуниятларини тушунтириб беради. Бу ёндошувга асосланиб инсоният ҷамиятидаги айрим қайтарилмас хусусиятлар, у ёки бу халқ маънавияти, маданияти, тарихий ривожланиши, руҳий-психологик хусусиятлари, уни бошқа халқлардан ажратиб турувчи жиҳатлар, уни айнан ўша халқ қилиб турган муайянликларни тушунтириб бўлмайди. Аксинча бунда ҷамиятни, ундаги бирор ҳодиса ва жараёнларни

тушунтиришга бўлган ана шундай нуқтаи назарларга «ўнг», «сўл» ва бошқа «ёрлиқлар» ёпиштирилиши характерлидир. Бундай фикрларни баён этувчиларнинг тақдири эса кўпинча фожиали тугаган пайтлар ҳам бўлганлиги яқин тарихимиздан бизга маълум.

Албатта, жамият тараққиёти босқичларини ижтимоий-иқтисодий формацияларга бўлиб ўрганишнинг ҳам ўзига яраша ўрни бор. У ижтимоий тараққиётнинг умумий, такрорланувчи томонларини, йўналишларини тадқиқ қилишда катта аҳамиятга эга. Аммо бу унинг тарихий жараёни таҳлил қилишга қодир бўлган ягона усул эканини билдирмайди. Афсуски бу ҳақиқатни бизнинг жамиятимиз жуда кеч англади.

Жамият тараққиётига цивилизациявий (баъзи муаллифлар бу иборани "тамаддун" деб аташади) ёндошув эса, аксинча, юқорида эслатиб ўтилган умумий қонуниятлар, умумий хусусиятларни эмас, аксинча ҳар бир халқ, миллат, элат ва ундан ҳам кичикроқ бўлган ижтимоий бирлашмаларнинг қайтарилмас жиҳатларини, таъбир жоиз бўлса, уларнинг «менталитети»ни, руҳияти, маънавияти, маданияти ва шу кабилардаги ўзига хосликларнинг аҳамияти борлигини таъкидлайди.

Ана шу ёндошувга асосланган ҳолда планетамизнинг турли-туман нуқталарида вужудга келган халқлар, миллатлар ва элатларнинг тарихида кузатилган ва кузатилаётган маданий, диний, илмий, ҳуллас, интеллектуал «портлаш»ларнинг табиатини ва хусусиятларини англаш мумкин. Масалан, қадимги Мисрдаги цивилизациялар ва пирамидалар қурилиши масаласи, Лотин Америкасидаги инклар цивилизацияси, Қадимги Ҳиндистон, Хитойдаги цивилизациялар, ҳозирги замонда – Жанубий Кореянинг иқтисодий ривож, Япония, Малайзия, Сингапур ва бошқа Жанубий Шарқий Осиё мамалакатларидаги кескин олға сакрашларнинг цивилизациявий асосларини ана шу ёндошув орқали тушунтириб бериш мумкин.

Лекин жамиятни ўрганишда шуни эътиборга олиш керакки дунёда бир-биридан тарихий тараққиётининг ўзига хосликлари билан фарқ қиладиган, турфа хислатларга эга бўлган халқлар ва давлатлар мавжуд экан, уларнинг манфаатлари турлича эканлигини, ана шу манфаатларни англаш даражаси ҳам турличалигини, уларнинг барчаси у ёки бу даражада сиёсийлашганини тан олмай илож йўқ. Бунинг натижасида уларнинг инъикоси бўлмиш барча "мафкуравий омиллар турли халқлар, маданиятларнинг ўзаро алоқасига, ўзига хослигига салбий таъсир кўрсатиши"¹ табиийдир. Бу цивилизацияларнинг кўп ҳолларда ички ва ташқи ўзаро низолар, курашлар, бўлинишлар, тахт талашишлар, манфаатлар тўқнашувининг таъсирига учраганлигини, учраётганлигини ва бундан буён ҳам учрашини тушунишимизга ёрдам беради.

"Цивилизация" ибораси лотин тилидаги *civilis* - давлатга, фуқаровийликка хослик, фуқарога монандликни билдиради ва бир-биридан фарқ қилувчи бир неча маъноларга эга. 1) Мазкур тушунчага тарихий ёндошувга кўра у инсоният ҳаётининг **ёввойилик** ва **вахшийлик** босқичларидан кейинги, соф инсоний маънодаги **ижтимоий муносабатларнинг вужудга келиши**, бир сўз билан айтганда **маданийлашув** даврининг бошланиши ва кейинги барча даврларни англатади. Бунда кўпроқ тарихий жараёнинг нисбатан фарқланувчи икки босқичини бир-биридан фарқлаш кўпроқ аҳамият касб этади. Айни ёндошувда формациялар умумцивилизациявий тараққиётнинг босқичларига айланиб қоладилар. 2) Кенг тарқалган бошқа ёндошувга мувофиқ цивилизация моддий ва маънавий маданият, ижтимоий ривожланишнинг турли даражалари, босқичларини англатади. Бунда инсониятнинг ана шу вахшийликдан кейин бошланган тараққиётини хронологик кетма-кетликда ёки географик мазмундан ёхуд ижтимоий ҳаёт соҳалари хусусиятларидан келиб чиқиб тушуниш ва улардан ҳар бирининг ўзига хослигига урғу бериш кўпроқ аҳамиятга эга (масалан, антик ва ҳозирги цивилизация, Шарқ ва Ғарб цивилизацияси, Бобил, Рим ва Турон цивилизацияси, аграр ва индустриал цивилизация, ислом ва христиан цивилизацияси ва ҳ.к.). Асосийси, шу пайтгача тарихда бўлганидек уларни бир-бирига қарама-қарши қўймасдан, уларнинг ҳар бири ўзига хосликларга, ноёбликларга, қайтарилмас жиҳатларга эга эканлигига эътибор қаратишимиз

¹ Эргашев И. Тараққиёт фалсафаси. Т., Академия, 2000, 41-бет.

муҳим. Барча нарса ва ҳодисаларга ҳар томонлама назар ташлаш тамойилидан келиб чиқиб, ушбу ёндошувларнинг ҳар иккиси ҳам тўғри эканлигини таъкидлашимиз керак.

Юқорида келтирилган ёндошувларнинг турличалигига мисол тариқасида қуйидагиларни илова сифатида келтирамыз:

I. Н.Я.Данилевскийнинг (1822-1885) фикрича ҳар бир цивилизацияни жамиятнинг "маданий-тарихий типи" сифатида қараш мумкин. Ҳар бир типнинг ядросини ўзига хос ғояга ва вазифаларга эга бўлган "тарихий халқ" ташкил этади. Шу маънода у цивилизацияларни хронологик кетма-кетликда қуйидаги тартибда жойлаштиради: 1) мисрликлар цивилизацияси, 2) хитой цивилизацияси, 3) ассирия-бобил-финикияликлар, халдей ёки қадимий семитлар цивилизацияси, 4) ҳинд, 5) эрон, 6) яҳудий, 7) юнон, 8) рим, 9) янгисемит ёки араб, 10) герман-роман ёки европа цивилизацияси. "Ана шу маданий-тарихий типларни ташкил этувчи халқларгина инсоният тарихида ижобий арбоблардир; уларнинг ҳар бири ўз руҳий табиатларининг хусусиятларида ва ўз яшаш тарзларининг ташқи хусусиятларида мужассамлашган ибтидои мустақил равишда ривожлантирдилар ҳамда шу билан инсониятнинг умумий хазинасига ўз ҳиссаларини қўшдилар"².

II. Инглиз тарихчиси А. Тойнби (1889-1975) ҳам мустақил локал цивилизациялар мавжудлиги ғоясини ёқлаган. Уларнинг ҳар бири, Тойнбининг фикрича, вужудга келиш, ривожланиш, чўққига эришиш, вайрон бўлиш ва йўқолиш босқичларини босиб ўтади. Шу маънода ҳар қандай цивилизация тўлиқ доира ясаб тарих сахнасини тарк этади. Цивилизациялар ривож, унинг фикрича, "чақириқ - жавоб" қонуни асосида содир бўлади. Тарих жамиятга доимо "чақириқлар" ташлайди. Унга мос келувчи "жавоблар", вужудга келган муаммолар ечими ижодий фикрловчи озчилик – элита томонидан амалга оширилади. Элита мавжуд чақириқларга жавоб топиш қобилиятини йўқотса ўзининг жамиятдаги ҳурматини йўқотади ва уни куч билан сақлаб қолишга интилади. Ана шунда ижтимоий бирликка путур этади, ажралиш юз беради. Бу эса цивилизацияни ҳалокатга олиб келади. Унинг қарашлари, айниқса цивилизациянинг босқичлари ва унинг доирасимонлиги ҳақидаги фикрлари О.Тоффлер (1928 й. туғилган) ва У.Ростоу (1916 й. туғилган) томонидан иқтисодий нуқтаи назардан янада такомиллаштирилди. Жумладан, О.Тоффлер жамият тараққиёти унинг бошланишидан то ниҳоясигача уч босқични босиб ўтади, дейди. Булар а) анъанавий жамият (индустриалгача бўлган давр), б) индустриал жамият, в) ахборотлашган жамият (постиндустриал жамият)лардир.

III. Ўзбекистоннинг бир қатор тарихчилари ҳам бу масаланинг ўзига хослигини таъкидламоқдалар. Маълумки, шўролар даври тарих фанида кишилиқ жамияти тарихини 5 та ижтимоий-иқтисодий формациялар (ибтидоий жамоа тузуми, қулдорлик, феодализм, капитализм ва социализм)га бўлиб ўрганиш услуби қўлланилди. Олимларнинг фикрича жамиятнинг ривожланиш қонуниятларини 5 та формацияга бўлиб ўрганиш эндиликда замон талабига тўғри келмай қолди. Чунки Ўрта Осиё халқлари тарихи мисолида оладиган бўлсак, қулдорлик тузуми махсус ижтимоий-иқтисодий формация сифатида бизда бўлмаган. Социалистик жамият эса тарих тақазо этмаган ҳаёлий бир уйдирма бўлиб чиқди. Ўрта Осиё шароитида ана шу 5 ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг фақат учтасигина (ибтидоий жамоа тузуми, феодал жамияти ва капиталистик муносабатларнинг дастлабки босқичлари) юз берганлигини таъкидлаш мумкин. Совет даври жамияти эса колониал давлат капитализми шаклида ривожланди. Энг қадимги даврлардан то ҳозирги кунимизга қадар бўлган жараёни даврлаштириш масаласи ҳозиргача ўзининг тўлиқ илмий ечимини топгани йўқ. Цивилизацион даврлаштириш асосида инсоният тарихида юз берган маданий юксакликлар ётади. Шу маънода кишилиқ тарихи ўз тараққиёт йўлида 5 марта цивилизацион юксалишларни бошидан кечирди. Биринчи цивилизация милoddан аввалги учинчи минг йилликда Евфрат ва Дажла, Нил ва Ҳинд дарёлари ҳавзаларида юз берди. Шунинг учун у тарихга "Қадимги Шарқ цивилизацияси" номи билан кирди. Унинг таъсир доираси милoddан аввалги 3-минг йилликнинг охирида Хуросонга ва 2-минг йиллик бошларида

² Данилевский Н.Я. Россия и Европа. М., 1991, 85-бет.

Мовароуннахрга ёйилди. Иккинчи жаҳон цивилизацияси милoddан аввалги биринчи минг йилликнинг ўрталарида Греция ва Римда юз берди. У тарихда "Антик давр цивилизацияси" номи остида маълум. Унинг таъсир доираси македониялик Александрнинг Қадимги Шарққа томон ҳарбий юришларидан сўнг Ўрта Осиёга кириб келди. У "Осиё-Европа эллинизм цивилизацияси" шаклланишига олиб келди. Учинчи цивилизация ўчоғи Мовароуннахр ва Хуросон бўлиб, ушбу ҳудудларда милодий IX-XIII асрларда юз берди, унинг таъсирида Европа уйғонди. Тўртинчи цивилизация XIV-XV асрларда Европа ва Осиёда юз берган уйғониш даври билан боғлиқ. Бешинчи цивилизация бутун жаҳонни қамраб олган XX аср цивилизациясидир. Цивилизациялар оралиғида нотекис ривожланишлар, турғунликлар, инқирозлар юз бериб турган. Шунинг учун кишилик тарихи цивилизацияларнинг узлуксиз тарихидан иборат эмас.

IV. Ҳозирги пайтда тарафдорлари кўп концепциялардан бири планетамизнинг ягоналиги, "умумий уй" эканлигини асослашга йўналтирилган **ягона цивилизация** концепциясидир. Бунинг исботи сифатида бу қараш тарафдорлари Ер юзи бўйича - а) жаҳон ҳўжалиги ва бозорининг мавжудлиги, б) глобал муаммоларнинг умумийлиги, в) жаҳон фанининг мавжудлиги, г) дунёда ҳарбий мувозанат борлиги ва шу кабиларни кўрсатадилар.¹

Таянч тушунча ва иборалар: *фан; фан тармоқлари; табиатишунослик; ижтимоий; руҳишунослик; фанлар дифференциацияси ва интеграцияси; фанларнинг ўзаро алоқадорлиги; "Шахс ва жамият" предметининг бошқа фанлар орасида тутган ўрни; жамият тарихига формациявий ва цивилизациявий ёндошувлар.*

Такрорлаш учун саволлар

1. Оламни ўрганувчи фанлар қандай йўналишларга бўлинади?
2. Ижтимоий фанларда рўй берувчи дифференциацияга оид мисолларни айтиб бера оласизми? Ижтимоий фанлар интеграциясига оид мисолларничи?
3. "Шахс ва жамият" фани ривожига кучли таъсир кўрсатувчи қайси фанларни кўрсата оласиз?
4. Жамият тараққиётига формациявий ёндошув нимани англатади?
5. Ижтимоий тараққиётни цивилизациявий ёндошув қандай тушунтиради?
6. Жамият ҳаётининг қандай соҳалари мавжуд?

2-мавзу. Инсон биоижтимоий мавжудот

1. Инсон ҳаётида физик-химик, биологик-физиологик томонларнинг ўрни ва аҳамияти.

Инсон шундай бир борлиқки, табиатда ундан улуғ ва мўътабар бошқа бирон бир мавжудот йўқ. Инсон табиат яратган жаъми мўъжизаларнинг султони, жумлаи жаҳон деб аталувчи табиатнинг гултожидир.

Инсон муаммоси кўплаб ижтимоий ва аниқ фанларнинг ўрганиш манбаидир. Жумладан, иқтисодиёт назарияси ва социология, биология ва тиббиёт, психология ва этнография, тарих ва география каби қатор фанлар инсонни у ёки бу жиҳатдан тадқиқ қиладилар, унинг характерли томонларини очиб берадилар.

Шуни айтиш керакки, инсон ҳақида тўлиқ, чуқур, ҳар томонлама ва кенг билим берадиган бирор бир махсус фан йўқ. Лекин инсон ҳақида турли фанлар бераётган маълумотларни умумлаштириш, уларни бир бутун система сифатида ишлаб чиқиш эҳтиёжи мавжуд.

Ўтган дарсда таъкидланганидек, инсон бирданига бир неча жиҳатдан характерланиши мумкин. Ў ўз танаси, жисмининг хусусиятларига кўра дунёдаги сон-саноксиз нарсалар каби жисмоний, физик жисм саналади. Физиологик хусусиятлари, кун

¹ Бу масала ҳақида атоқли ҳинд жамоат арбоби Ж. Неру (1889-1964) ҳам ўзига хос ажойиб фикрлар баён этган. Нерунинг бу ҳақдаги қарашларини "Тафаккур" журналининг 2003 йил 3-сонида чоп этилган унинг "Жаҳон тарихига бир назар" китобидан олинган парчалардан билиб олишингиз мумкин.

кечириши, овқатланиши, авлод қолдириши ва ҳоказоларга кўра эса у ердаги жониворлар, ҳайвонот дунёси вакилларида бири саналади. Аммо у фикрлаши, меҳнат қилиши, яратувчилигига кўра эса алоҳида ҳилқат бўлиб, айна ана шу жиҳатлар унинг одам, инсон, шахс деб аталишига, ижтимоий ҳодиса эканлигига асос бўлади.

Кўриниб турибдики, инсонни дунёдаги бошқа жисмоний, физик-кимёвий, биологик ҳодисалар билан боғлаб турувчи, уларнинг умумийлигини таъминловчи асослар ҳам, уни ана шу ҳодисалардан ажратиб турувчи, фақатгина унга хос бўлган асослар ҳам мавжуд. Ҳозирги пайтда фанда инсонни **биоижтимоий мавжудот** деб тасаввур қилиш кенгрок тарқалган. Бунда кўпроқ унинг биологик ва ижтимоий томонларига, тўғрироғи уларнинг бирлигига кўпроқ эътибор берилади. Ана шу нуқтаи назарни қуйидаги бир-икки ҳолатни эсдан чиқармаган ҳолда тўғри деб аташ мумкин: *биринчидан*, инсон танаси жисмоний ҳисобланувчи қисмлардан иборат, шунингдек унда химиявий қонуниятларга бўйсунувчи жараёнлар юз беради, яъни у ўзига хос физик жисм ва кимёвий моддадир, шулардан келиб чиқиб уни **физикохимик хусусиятли танага эга бўлган биоижтимоий мавжудот** дейилса тўғрироқ бўлади; *иккинчидан*, фақатгина инсон эмас, балки бошқа кўплаб жониворлар ҳам ижтимоий деб аталувчи яшаш шаклларига бўйсунди. Шу маънода «биоижтимоий» атамасида инсонга торроқ назар ташланган, ундаги баъзи жиҳатлар ана шу атама доирасидан ташқарида, диққатдан четда қолган, дейиш мумкин.

Инсон ундаги барча турли-туман табиий жиҳатлари ва хусусиятлари билан бирга табиатнинг меваси ҳисобланади, шу билан бирга у ўзига табиийликдан фарқ қилувчи маданиятни ҳам узвий равишда сингдирган. Шу маънода у Ердаги табиат эволюциясининг гултожи ҳисобланади. Ўзига хос маданий ҳислатларга эга бўлишига қарамай бу мавжудот табиат қонунлари доирасидан ташқарига чиқа олмайди.

Антик фалсафадан тортиб ҳозирги кунгача инсоннинг табиатини аниқлашга муайян эътибор берилган. Масалан, киниклар¹ инсон табиатини табиий яшаш тарзи ҳамда моддий эҳтиёжлар ва истакларни чеклашда кўрганлар, Эпикур эса уни инсон ва ҳайвонлар учун умумий бўлган сезгиларда, Сенека ва стоиклар эса – ақлда кўришган. Марксизм таълимотида эса инсоннинг ижтимоий моҳиятига урғу берилган.

Инсон табиий-илмий изланишлар объекти сифатида уч аспектда кўриб чиқилади: 1) вужудга келиши жиҳатидан; 2) ундаги табиийликка оид ва ижтимоийликка оид томонларнинг ўзаро муносабати жиҳатидан; 3) инсоннинг турли-туман хусусиятларини махсус табиатшунослик усуллари билан ўрганиш жиҳатидан. *Биринчи йўналиш* – *антропология* – одам қачон, нимадан, қандай қилиб вужудга келганлигини ва унинг ҳайвонлардан қандай фарқи борлигини ўрганади. *Иккинчи йўналиш* – *социобиология* – инсон фаолиятининг генетик асосларини ҳамда инсонда физиологик, психик ва ижтимоий томонларнинг ўзаро муносабатини ўрганади. *Учинчи йўналиш* эса инсон танаси, мияси, унинг онги, руҳияти ва шу кабиларни ўрганувчи *табиий-илмий* ва *ижтимоий-гуманитар* фанлардир.

Умуман одам боласи пайдо бўлганидан буён ва токи у мавжуд экан, унда бир-биридан фарқ қиладиган икки ибтидо мавжуд. Унинг вужуди, танаси талаблари одамни дунёдаги бошқа барча жониворлар, ҳайвонлар оламига, табиатга яқинлигини, улар билан умумий томонларини англатади. Инсоннинг маънавий, руҳий баркамолликка эришиш истаги эса унда руҳиятга хос асос ҳам бор эканлигини билдиради. Бошқача сўзлар билан айтганда эса, бу унинг айна пайтда илоҳиётга тааллуқли ҳилқат эканлигини ҳам англатади. Ана шу маънода, бир томондан, инсоният, шу жумладан ҳар бир одам, тирик модда сифатида Ернинг муайян моддий-энергетик жараёнлари доираси, яъни биосфера билан чамбарчас боғланган. У ҳеч қачон жисмоний жиҳатдан ана шу жараёнлардан ҳаттоки бирор минут ҳам мустақил, алоҳида бўла олмайди. Бошқача сўзлар билан айтганда кишилар ўз таналарининг таркиби жиҳатидан Ер юзидаги бошқа жонзотлар билан айнан бир хилдирлар. Уларнинг барчаси

¹ Қадимги Грециядаги соқратчилар мактабларидан бири, вакиллари Антисфен, Диоген ва бошқалар. Улар индивиднинг чексиз маънавий эркинлиги ғоясини илгари суриб, ижтимоий институциялар, одатлар ва маданиятга оид қоидаларни писанд қилишмаган.

химиявий элементларнинг комбинацияларидан иборат. Улар физик жисм сифатида физик қонунларга бўйсундилар. Организмлардаги ўзгаришлар эса химиявий жараёнлар ҳисобланади. Бошқа томондан эса, у ўзининг ана шу жисмий чекланганлиги билан яшашдан қоникмайди. У ақлга, маънавиятга, руҳиятга тааллуқли асосга эга бўлганлиги туфайли орзу-умидлар, мақсадлар, «ҳар томонлама асосланган» ғоя ва назариялар ишлаб чиқиш орқали янада мукамалроқ, янада баркамолроқ бўлишга ва ўз атрофидаги моддий борлиқни ҳам ана шу «маънавий» моделларга мослаб қайта қуришга интилади.

Шу жиҳатдан кўп асрлардан буён инсонни ўрганувчи тадқиқотчиларни ўзига жалб қилиб келатган инсондаги маънавий томон, унинг руҳияти, таъбир жоиз бўлса, унинг "ўзлиги" (баъзи манбаларда "Мен"и) нима эканлиги ҳам ҳалигача тўлиқ аниқланмаган бўлиб, илмий изланишлар объекти ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам, бизнинг ички дунёмиз, бизнинг руҳимиз, "Мен"имизнинг ўзи нима? У қандай вужудга келади? У қаерда жойлашган?

"Мен кўряпман", "Мен эшитяпман" каби фикрлардан шу нарса аниқ бўладики, кимдир кўряпти, эшитяпти. Ана шу кимдир менман. Демак, "Мен" – бу ана у нарсанинг китоблигини, бу нарсанинг эса гулдасталигини тушунадиган, уларни фарқлайдиган одамдир. Инсон туғилади, ўсади ва ўзини "мен" деб атайдиган бўлади. Айнан у қувонч ва оғриқни, жаҳл ва завқни ҳис қила олади. У ўзини "Мен" деб атайди, ўзининг дунёда мавжудлигини англайди ҳамда дунёдаги барча бошқа нарса ва ҳодисаларни "Мен эмасман" деб ўзидан ажратади. Аслини олганда бизнинг ўзимиз ҳам, шунингдек, биздан бошқа кишилар ҳам ўзини "Мен" дейишга қодир бўлган, фаолият кўрсатувчи, фикрлайдиган жисмоний таналардир.

"Мен кўряпман" деган ибора нимани англатади? Қатъий равишда таъкидлаш мумкинки, жисмимиз, танамиз кўрмоқда. Демак, бизнинг кўришга, эшитишга қобил бўлган жисмимиз, танамиз – "Мен"имиздир. Бошқача сўзлар билан айтганда ўзини бошқалардан ажрата оладиган, улардан фарқли эканлигини ҳамда ўзининг алоҳидалигини ҳис қила оладиган тана, жисм қисқача "Мен" деган кишилик олмоши билан аталади. Бизнинг фикримизча, ўзбек тили хусусиятларини эътиборга оладиган бўлсак, мазкур тушунчани инсоннинг "Мени" деб эмас, инсоннинг "ўзлиги" деб атаган маъқулроқ.

Инсон дунёдаги энг юксак ривожланган жонзот. Унда тана, жисмийлик билан чамбарчас боғланган "онг", "жон", "руҳ", "ўзлик", "маънавият" ва бошқа сўзлар билан аталувчи томонлар ҳам бор. Келинг, ана шулар нима эканлигини тушунишга ҳаракат қилайлик. Образли қилиб айтадиган бўлсак, одамдаги сезгилар "маънавийлик"нинг "эшик-деразалари" ҳисобланади. Чунки сезгилар, ҳиссиётларсиз руҳиятнинг ўзи бўлмайди, бошқача айтганда, ҳар қандай фикр ҳис-туйғулар "кийимида" юзага чиқади. "Ўзлик"нинг навбатдаги пиллапоysi туйғулар, кейингиси эса тасаввурлардир. Айнан тасаввурлар инсон онги, тафаккурида мавжуд мазмуннинг мавҳум шаклдалигини таъминлай олиш қобилияти ҳамдир. Шу маънода фикрлар, тафаккур, аклимиз, унинг барча мураккаблиги (орзулар, хаёллар, ғоялар, фантазиялар, хотиралар, ирода, истаклар, қадриятлар ва шу каби абстрактлик "кийимини кия оладиган" "ўзлимиз"нинг бошқа элементлари) тасаввурлар билан бирлашиб, омихта, баъзан маҳзун, баъзан қувноқ, баъзан жаҳлдор, баъзан яна бошқа бир кайфиятларни намоён этади.

Онг, тафаккур инсон "ўзлиги"нинг юксак босқичи, у ҳиссиёт, туйғу ва тасаввур негизида, уларнинг натижаси сифатида вужудга келади. Тафаккур фақатгина акс-инъикос эмас, у ижод ҳамдир. У табиатда "соф" ҳолда мавжуд бўлмаган қадриятлар ижодидир. Масалан, "Чўли ирок"ни тинглашда бизда вужудга келувчи ҳаёт наволари чолғу асбобларидан янграётган акустик тебранишларда мавжуд эмас, ёки, Ўрол Тансиқбоевнинг "Чорвоқда окшом" картинаси, Левитаннинг пейзажларида акс этаётган маҳзунлик холстга сурилган бўёқлар химиясида йўқдир. Улар бизнинг маънавиятга оид онгимиз хусусиятлари, "ўзлимиз"да мавжуддир, холос. Шу маънода инсон онгининг, "ўзлик"нинг сирлилиги шундаки, табиатдаги, физик, химик ва бошқа хусусиятлар қандай қилиб гўзаллик, яхшилик, фойдалилик, ор-номус, ҳақиқат, адолат каби инсон ҳаётининг асоси ва мақсадларига айлана

оладилар? Бу масала инсоннинг ўзи каби қадимийдир, токи инсон бор экан у доимо янги тортишувлар мавзуси бўлиб қолаверади.

2. Инсон ижтимоий мавжудот сифатида. Инсон, индивид, шахс тушунчалари.

Одамнинг ҳайвонот олаmidан ажралиб чиқиши нотирик табиатдан тирикликнинг келиб чиқишига ўхшаш буюк бир ходисадир. Лекин бу соҳада ҳали анчагина афсонавий ва сирли муаммолар йўқ эмас.

Антропосоциогенез масаласини объектив равишда тадқиқ қилиш ҳайвонот ва инсониятни бир-биридан ажратиб турадиган асосий белгилар *меҳнат, тил, тафаккур* тушунчалари билан боғлиқлигини кўрсатади. Бу борада асосий сўз марксизм асосчиларигача ҳам айтиб ўтилган эди, улар эса ўзларигача мавжуд бўлган илмий ютуқларни умумлаштириб бера олдилар. Масалан, буюк аждодимиз Абу Наср Форобийнинг "Фозил одамлар шахри" асарида одам жамоавий мавжудот, деган фикрни учратиш мумкин, америкалик маърифатпарвар Б. Франклин (1706-1790) ҳам одамни меҳнат қуроллари яратувчи махлук, деган фикрни айтган эди.

Баъзибир илмий фаразларга кўра энг дастлабки оддий ишлаб чиқариш қуролларининг вужудга келиши жуда узоқ давом этган жараёндир. Бу ўринда шуни унутмаслик керакки, антропосоциогенез жараёнида меҳнатнинг роли масаласини натуралистик, айниқса механистик тарзда изоҳлаш мутлақо нотўғри. Бунга бир бутун жараён сифатида ёндошмоқ керак. Борди-ю, биз агар аввало "меҳнат" пайдо бўлиб, кейин "жамият", ундан кейин "тил", "тафаккур", "онг" деб қарайдиган бўлсак, мутлақо хато қилган бўламиз.

Яна шундай қарашлар ҳам борки, уларга кўра онг пайдо бўлгунга қадар содир бўлган қурол ишлаб чиқариш фаолияти қадимги одамларнинг пода-пода, гала-гала яшашларига таъсир қилиб, уларнинг аста-секин жамиятга бирлашишларига олиб келган. Масалан, энг дастлабки ишлаб чиқариш қуроллари *ов қилишга* (бинобарин, ҳайвонларни ўлдиришга) мўлжалланган. *Бу қуроллар ёрдамида қадимги аждодларимиз орасида кўтарилган тўқнашувлар бостириб турилган.* Бундай жанжаллар, тўқнашувлар асосан эркаклар орасида урғочилар (яъни аёллар)ни ҳимоя қилиш, "урғочилар галаси"ни қўриқлаш шаклида юз берган.

Энг асосий масала шунда эдики, эндигина туғилиб келаётган меҳнат гала-гала бўлиб яшаётганлар дунёсида ўз ривожини топиши керак эди. Уни кенг қўллай билиш йўл-йўриқларини ўрганиш керак эди. Ва бундай жараён... миллион йиллар эвазига... ўзаро уюшган кишилиқ жамиятини вужудга келтирди.

Инсоннинг икки хил табиатга эгаллиги (бинар хусусиятлилиги) унга икки томондан назар ташлаганда намоён бўлади. Бир томондан, инсон озиқ-овқат ейиш, сув ичиш, авлодни давом эттириш, хавфсиз бўлишга интилиш каби эҳтиёжларига кўра биологик мавжудот саналади. Шу маънода унда бошқа ҳайвонотлар каби генетик мустақамланган қайтарилмас ўзига хослик ва ноёбликлар, инстинктлар мавжуд. Бу жиҳатдан инсон ҳайвонлардан ўрганишга, билишга қобиллиги, бошқа кишилар билан ўзаро муносабатлари туфайли ўз ҳатти-ҳаракатини ўзгартириши билан фарқ қилади.

Бошқа томондан эса, инсон ўзининг тафаккурини, индивидуал характерини ва атроф-муҳит ҳақидаги билимларини бошқа кишилар билан бўладиган мулоқотлари ёрдамида доимо ривожлантириб боради. Бошқа одамларнинг таъсирисиз инсон ҳайвонлар даражасида қолган бўларди. Демак, уни бошқа индивидлар билан алоқадорликлари туфайли, одамлар жамоаси қуршовида таркиб топган ижтимоий мавжудот дейиш мумкин.

Ижтимоий воқеликни ўрганаётганда инсон табиатининг ана шу хусусияти доимо ҳисобга олиниши керак. Чунки у баъзи ҳолларда ўзидаги биологик эҳтиёжлар ва инстинктлар бошқарувида бўлади, бошқа вазиятларда эса унинг ҳатти-ҳаракати маданият ва ижтимоий муносабатларнинг белгиловчилиги таъсирида юз беради.

Инсон табиатининг икки хиллиги унинг моҳиятини, инсондаги асосий хислатларни ифодаловчи тушунчаларга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Инсоният жамиятининг аъзолари

ҳақида гапирганимизда биз турли нуқтаи назарлардан келиб чиқамиз ва бунда турли тушунчалардан фойдаланамиз.

Энг кўп учрайдиган тушунча *индивид* тушунчасидир. Бу тушунчадан фойдаланганда инсоният жамиятининг алоҳида бир аъзосини ажратиб кўрсатамиз. Бунда инсоннинг сифатлари эътиборга олинмайди, улар иккинчи планга кетади. Шунинг учун "индивид" деганда унинг шахсизлигини таъкидлаймиз, бу тушунча орқали истаган ҳар бир киши акс эттирилиши мумкин.

Биз кўпинча инсон шахси ҳақида гапирганимизда "*индивидуаллик*" тушунчасини ҳам ишлатамиз. Шунини айтиш керак-ки, бу тушунча шахснинг бир бутунлигини, унинг ҳамма томонларини акс эттирмайди, балки инсоннинг ўзига хос жиҳатларини, уни бошқалардан ажратиб турувчи, фақатгина ана шу инсонда мавжуд бўлган хусусиятларни, ноёб хислатларни билдиради. Масалан, "ёркин индивидуаллик" сўзлари ўша сўз қаратилган кишида ўзига хос сифатларнинг бир нечаси намоён бўлганлигини билдиради. Аслини олганда ҳар қандай инсон дунёда ягона ва қайтарилмасдир.

"*Шахс*" тушунчаси индивид ўзида бошқа кишилар билан мулоқотдагина таркиб топдирадиган алоҳида сифатлар борлигини кўзда тутди. *Ижтимоий тараққиётнинг маҳсули бўлган индивид сифатида ижтимоий муносабатлар тизимига кирган инсондаги ижтимоий хусусиятларнинг бир бутунлиги, яхлитлиги шахс тушунчасида акс этади.* Демак, ҳар қандай жамиятда одамнинг социал структура ва ижтимоий жамоалар томонидан камраб олинганлиги, уларга кирганлиги нуқтаи назаридангина инсонга шахс сифатида қараш мумкин. Ҳар бир шахснинг ўзи бир оламдир. Шу маънода Гёте: «Ҳар бир инсон бутун бир дунёдир. Бир шахснинг вафоти билан бутун бир олам йўқ бўлади», деганида бениҳоя ҳақ эди.

3. Шахснинг таркиб топишига таъсир кўрсатувчи омиллар.

Шахснинг таркиб топиши жуда кўп таъсирлар остида кечади. Улар табиий атроф-муҳитнинг хусусиятлари ёки инсонни ўраб турган ижтимоий характердаги турли ҳодисалардир. Уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардир:

1. Шахснинг таркиб топишига энг аввало у туғилган пайтда олган *индивиднинг генетик хусусиятлари* таъсир кўрсатади. Авлодлардан ирсият йўли билан ўтган хусусиятлар инсон характери, унинг дунёни қабул қилиш ва бошқаларни баҳолаши каби томонларига таъсир кўрсатиб, шахс таркиб топишининг асоси ҳисобланади.

2. Инсон шахси таркиб топишига *жисмоний қуриш* катта таъсир кўрсатади. Бунга атрофизимдаги табиий муҳит иқлимини кўрсатиш мумкин. Турли иқлимда яшовчи кишилар бир-биридан фарқ қилишади. Масалан, тоғда, чўлда ёки тропик чангалзорларда яшовчи кишилар ҳаёти ва юриш-туриш шакли, дунёни қабул қилиши ёки фаолиятлари билан фарқланадилар. Ҳатто бир уруғ, элат ёки миллатга мансуб кишилар бир бирларидан уларнинг қуриш хусусиятларига кўра кескин фарқланадилар. Буни уларнинг одатлари, анъаналарида очиқ кузатиш мумкин.

3. Инсон шахси таркиб топишига таъсир қилувчи учинчи омил *маданиятнинг таъсири*дир. Ҳар қандай маданият муайян ижтимоий нормалар ва қадриятлар йиғиндисига эга. Улар муайян жамият ёки ижтимоий гуруҳ учун умумий ҳисобланади. Шу сабабли ҳар бир маданият вакиллари ана шу нормалар ва қадриятлар тизимига нисбатан сабр-тоқатли бўладилар, улар ўз маданиятларига тегишли ва унга яқин кишилар билан алоқага, ҳамкорликка тез ва енгил киришадилар.

4. Шахс таркиб топишига *ижтимоий (социал) қуриш* ҳам таъсир қилади. Ана шу омилни индивидда шахсиятга оид сифатларни вужудга келтирувчи асосий омил деб ҳисоблаш мумкин. Ижтимоий воқеликнинг таъсири ижтимоийлашув (социаллашув) жараёни орқали амалга оширилади. Социаллашув жараёнида индивид ўз гуруҳига тегишли нормаларни ўзлаштиради ва ана шу индивидда унинг ўзига хослигини, ягоналигини, қайтарилмаслигини ифодаловчи шахсий "ўзлиги" вужудга келади. Шахс бир неча шаклларда, масалан, тақлид қилиш, бошқа кишиларнинг таъсири, турли ҳатти-ҳаракат шакллари умуллаштириш орқали ижтимоийлашиши мумкин. Индивиднинг жамоавий

маданий нормаларга ижтимоийлашуви муваффақиятсиз амалга ошган тақдирда можаролар ва ижтимоий четланишлар, оғишлар, тартибсизликлар юз бериши мумкин.

5. Шахс таркиб топишининг бешинчи омили *инсоннинг шахсий тажрибасидир*. Бу омил таъсирининг ўзига хослиги шу билан ифодаланадики, ҳар бир киши ўз ҳаёти давомида турли хил вазиятларга тушади ва бунда бошқа кишилар ва атроф муҳитнинг таъсирини ҳис қилади. Ана шундай вазиятларнинг кетма-кетлиги ҳар бир киши учун қайтарилмас аҳамиятга эга, у юз берган ижобий ёки салбий вазиятлардан келиб чиқиб келгуси вазиятларга тайёргарлик кўради. Шахс таркиб топишида инсоннинг ўзига хос, қайтарилмас индивидуал тажрибаси катта аҳамиятга эга.

4. Жамият ҳаётида инсоннинг ўрни. Буюк шахс мақоми.

Жамият унда яшаётган ва биргалашиб фаолият юритаётган кишиларнинг ўзаро муносабатлари туфайли ривожланади. Минглаб йиллар давом этган узоқ тарих давомида ер юзидаги ҳар бир халқ, ҳар бир миллат, ҳар бир давлат унинг тараққиётига озми-кўпми таъсир қилган кўплаб кишилар номини тилга олиши мумкин. Шу йўналишда фикр юритиш бизни кишиларнинг жамият ҳаётига таъсири ҳақидаги масалани кўриб чиқишга олиб келади.

Бу масалага киришишдан илгари шуни эслатиб ўтиш жоизки, муайян халқ, миллат ёки давлат учун ўз хизматини сингдирган, унинг тарихида из қолдирган ва шу билан бирга ўз номини ҳам тарихда қолдирган конкрет шахслар ана шу халқ, миллат ёки давлат билан ёнма-ён мавжуд бўлган бошқа халқ, миллат, давлатлар учун ҳам худди шундай аҳамият касб этади, дейиш катта хатодир. Аксинча, бирор халқ, миллат ёки давлат учун дохий ҳисобланувчи кишилар, бошқа халқ, миллат ёки давлатлар учун салбий аҳамият касб этиши мумкин. Бу ўринда мисол тариқасида қадимги грек ҳукмдори Александр Македонскийнинг ёки муғул халқи вакили Чингизхоннинг, француз императори Наполеоннинг ёки форс ҳукмдори Кирнинг, ўзбек саркардаси Амир Темурнинг ёки сомонийлар давлати асосчиси Исмоил Сомонийнинг ва бошқа кўплаб номи тарих саҳифаларида қолган кишиларнинг фаолиятига улар тегишли бўлган халқ ва уларга тобе бўлган халқлар вакили сифатида назар соладиган бўлсак, уларнинг тарихдаги ўрни ва фаолиятига бериладиган баҳолар бир хил бўлмайди, албатта. Шу маънода тарихда барчани қониқтирадиган, ҳамма учун умумий бўлган баҳо бўлмаган, йўқ ва бўлмайди ҳам. Инсонларга, уларнинг фаолиятига, у ёки бу жамиятга бериладиган баҳолар хусусида ҳам худди шундай дейиш мумкин.

Ана шу фикрлардан маълум бўладики, жамият тарихида ҳар бир киши ўзига хос ўринга, аҳамиятга эга. Улар орасида эса ўз халқи, миллати, жамоаси, жамияти, давлатига ўзининг билими, фаолияти билан бошқалардан кўра кўпроқ хизмат қилган, таъсирини ўтказган кишилар ҳам мавжуд. Атоқли шахс, буюк арбоб ёки буюк шахс мақоми ана шундай кишилар фаолиятини, уларнинг аҳамиятини эътироф этиш учун ишлатилади.

"Шахсларнинг буюклиги ўзлари мансуб бўлган ижтимоий гуруҳ, эл-элат ёки халқнинг фикр-ўйини тўла ифодалаб, уларнинг асосий мақсад-вазифаларини тарихий жараён кечишининг объектив мантиғи талабларига мос равишда амалга оширишда ҳал қилувчи ишларни бажара олишидадир"², - деб таъриф беришади бунга таниқли жамиятшунос олимлар Н. Жўраев ва Ш. Азизовлар.

Ҳар бир жамият, ҳар бир алоҳида, нисбатан мустақил, ўзига хос хусусиятлари билан бошқалардан ажралиб турувчи жамоа, халқ унга мос келувчи шахсларни вужудга келтиради. Шу маънода шахс жамиятнинг маҳсули.

Жамиятнинг тарихий тараққиётини кўздан кечиран эканмиз давлат тизими хусусиятлари ҳам маълум маънода шахснинг вужудга келиши ва унинг тарихдаги ролига таъсирида ўз ўрнига эгаллигини кўрамыз. Давлат бошқарув шакллариининг монархияга, яъни яқка ҳукмронликка асосланган шаклларида алоҳида олинган шахсларнинг аҳамияти катта бўлган. Буни тарихдан кўплаб мисоллар билан тасдиқлаш мумкин.

² Жўраев Н., Азизов Ш. Ижтимоийёт асослари. Т., 2003, 82-83 б.

5. Ватанпарвар, фидойи ва баркамол шахсларни тарбиялаш масалалари.

Инсон вужудга келибдики ўсишда, улғайишда, камолотга томон интилишдадир. Бу ҳол қадимги дунёдан токи ҳозиргача давом этиб келмоқда. Барча даврларда инсониятнинг кўзга кўринган даҳолари инсонни маънавий такомиллаштириш масаласига қайта-қайта мурожаат қилишган. Ҳар бир инсоннинг орзу армонлари, илми, тафаккури, кечинмалари, ҳис-туйғулари беҳисоб. Ана шуларнинг барчаси жам бўлиб, тартибга келтирилиб, таълимотлар сифатида таркиб топган. Инсоният тарихи бундай таълимотларга бой.

Ҳозирги пайтда инсонга билим бериш ва уни тарбиялаш масаласига турлича ёндошувлар мавжуд. Уларнинг ҳар бири яна бир қанча йўналишларга бўлиниб кетади. Собик Иттифок таълим тизимида ва унинг ўрнида пайдо бўлган мустақил давлатлар ҳудудида анъанавий равишда таълим бериш ва тарбиялашга биринчи даражада аҳамият берилган ва бу унчалик катта ўзгаришсиз ҳозир ҳам давом эттирилмоқда. Бунда асосий эътибор ўқувчилар ва талабаларни бир-бирига яқинлаштирувчи, улар учун умумий бўлган жиҳатларга қаратилади. Яъни жамият учун аҳамиятга молик бўлган умумий талаблар, нормалар, меъёрлар уларни ўзлаштирувчиларнинг индивидуал хусусиятларидан қатъий назар барчага бирдай сингдирилади ва уларда у ёки бу муайян қадриятлар бўлиши талаб қилинади.

Оиладаги тарбиянинг асосий хусусияти эса қуйида келтирилаётган парчада ўзининг ифодасини топган:

Овруналиклар бизнинг бола тарбиялаш тарзимизга балки қулиб қарар! Сабабки, улар бола деб қад букмайди. Суяғи сал ростлангунча бош-қош бўлади-ю, у ёғига болалар маънан ҳам, моддиян ҳам ўз ёғига қоврилади... Бундоқ қарасангиз, ишлари пишиққа ўхшайди: ўзи ҳам бутун, боласи ҳам бизникидан эртароқ пишиб, эртароқ елкадан тушади...

"Ўзига бир марта бериладиган умрни хорлайди булар" деганлар бир зум синчковлик қилсин: мен уйлаб, жойлагунимча фарзандим ўйин боласи бўлиб юриши мумкин, аммо унинг нигоҳларига, хотирасига жонсарақ сураатларим, у деб тортган азиятларимни муҳрлаб борганман – ўзига ота-оналик навбати келганда, иймоним комилки, боласига мендай фидойи бўлади. Шу тарзда ОҚИБАТ, ҚАДР, БУРЧ каби миллатни бақувват қиладиган устунларни тиклаб борамиз. Соддалик қилиб, буюклик сари юрганимизни билмай қоламиз.

Турсуной Содиқова

Ғарб мамлакатларида ўқитиш асосан тингловчиларнинг индивидуал хусусиятларини ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, умумий хислатларни, қадриятларни вужудга келтиришга иккинчи даражадаги вазифа сифатида қаралади. Бошқача сўзлар билан айтадиган бўлсак, бизда анъанага кўра – билимлар берувчи таълим тизими, Ғарбда эса – яшаш кўникмаларини берувчи таълим тизими шаклланган. Образли ифода этадиган бўлсак, бизда кўпроқ дунёвий билимлар берилади, аммо у ёки бу вазиятда мен нима қилишим, вужудга келган вазиятда қандай иш тутишим лозимлиги чуқур ўргатилмайди. Ғарбда эса, аксинча одам қандай вазиятда ўзини қанақа тутиши, қандай қарор қабул қилиши кераклиги кўпроқ ўргатилади, аммо ҳар доим ҳам дунёвий билимлар берилавермайди. Шу боис Америка, Англия каби мамлакатларнинг ўқувчилари баъзан энг оддий нарсаларни ҳам билишмайди. Бизнинг ўқувчилар эса аксинча, одатдаги шароитлар ўзгарганда нима қилишларини ва ўзини қандай тутишларини ҳамиша ҳам билаверишмайди.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, таълим ижтимоий ўзгаришларнинг энг муҳим омилларидан бирини ташкил қилади. Таълимга ажратилган капитал нафақат иқтисодий, балки, шу билан бирга, ижтимоий тараққиётни ҳам белгилайди. Аммо бу бирданига эмас, нисбатан секинлик билан, билимли авлоднинг жамиятдаги бошқарув тизимига сингиб бориши эвазига юз беради.

1999 йил февралида, 2004 йил март ва июлида юртимизда юз берган кўпуровчиликлар ғанимларимиз ҳамон биз барпо этаётган фаровон ва осуда ҳаётни бузиш, тобора кучга кириб бораётган давлатимизни ағдариш, танлаган йўлимиздан қайтаришдек разил ниятларидан қайтмаганини кўрсатади. Содир этилган бу каби фожиали воқеалар ва уларни амалга ошириш усуллари таҳлил этиш шуни кўрсатадики, улар ўз разил мақсадларига эришишда одамларни, аввало, дунёқараши шаклланмаган, ҳаёт тажрибаси кам ёшларни ўз найрангларига жалб этмоқда.

Шу маънода давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 29 апрелда Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ 14-сессияси минбаридан кенг жамоатчиликка қилган мурожаати бу борада дастуриламал вазифасини ўташи шубҳасиз: *"Ҳозирги кунда диний экстремизм мафкурасига, кўпуровчилик-террорчиликка қарши қураидаги асосий вазифа – аҳоли ўртасида, айниқса ёшлар билан олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ва тарбиявий ишларни изчил, чуқур ўйланган тизим асосида ташкил этиш ва уларнинг таъсирчанлигини кескин кучайтиришни бугун бошимиздан кечираётган ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда."*

Бу каби хавфларни бартараф этишда энг аввало халқимизнинг жипслигини ошириш, олдимизга қўйган нурли режаларни амалга оширишда қатъиятни янада кучайтиришимиз лозим. Уларни эса конкрет кишилар амалга оширади. Шу маънода таълим-тарбия ишларини янада кучайтиришимиз керак.

Шундан келиб чиқиб мамлакатимиз нинг келажаги маънавий ва жисмоний жихатдан баркамол бўлган ёшлар қўлида эканлигини яна бир бор таъкидлаш жоиз. Бу масала умумдавлат миқёсидаги вазифа бўлиб бугунги сиёсатимизнинг марказида турибди.

Амалга оширилаётган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг пировард мақсади ҳам шундан иборат. Ёшларда онглиликнинг, шу жумладан, мафкуравий онглиликнинг шаклланишида уларнинг мустақил фикрлаш кўникмаларининг ҳосил қилиниши катта аҳамиятга эга. Бунга уларнинг мафкуравий таҳлил қилиш қобилиятини, ижодий салоҳиятини, танқидий фикрлашга мойиллигини, шахсий, жамоа ва миллий манфаатларнинг бирлиги ва фарқини ифодаловчи масалаларни мустақил еча олишини мисол сифатида кўрсатиш мумкин. Айни пайтда уларнинг олган назарий билимларини амалий қўллаш, шу йўналишда мураккаб вазиятлар хусусида мустақил фикрлаш билан қўшиб олиб бориш ҳам муҳимлигини айтиш керак.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз келажаги билимли, доно, мустақил фикрлайдиган қатъий ёшлар қўлидадир.

Таянч тушунча ва иборалар: *инсон; индивид; шахс; шахснинг таркиб топишига таъсир кўрсатувчи омиллар; табиий сифатлар; табиий эҳтиёжлар; ҳиссиётлар; тафаккур; маънавият; қадриятлар; шахс мақомининг ўзгарувчанлиги; инсонпарварлик ва ёвузлик; шахсиятпарастлик; альтруизм; индивидуализм; буюк шахс мақоми.*

Такрорлаш учун саволлар:

1. Инсонни қандай фанлар ўрганади?
2. Инсон ва жониворлар учун умумий бўлган қандай хусусиятлар мавжуд?
3. Инсонни бошқа жонзотлардан ажратиб турувчи қандай хислатларни кўрсатиб бера оласиз?
4. Инсоннинг "ўзлиги"ни қандай таърифлаш мумкин?
5. "Индивид" ва "индивидуаллик" тушунчалари нимани акс эттиради?
6. "Инсон" ва "шахс" тушунчаларининг бир-биридан қандай фарқи бор?
7. Шахснинг таркиб топишига таъсир кўрсатувчи қандай омиллар мавжуд?
8. Шахс жамият тарихида қандай роль ўйнайди?

3-мавзу. Инсоннинг вужудга келиши ва камолоти ҳақидаги концепциялар

1. Инсоннинг вужудга келиши ҳақидаги концепциялар

Инсоният тараққийетининг барча даврларида, шу жумладан, ҳозирги пайтда ҳам барчани ўзига тортиб келаётган муаммолардан бири – инсоннинг ўзи қандай қилиб дунёга келган, унинг моҳияти нимада, деган муаммодир. Бу масала тарих давомида турлича нуқтаи назарлардан таҳлил қилинган бўлсада, ҳамон унинг узил-кесил ечими топилганича йўқ. Мазкур масала илмий тилда *антропогенез муаммоси* дейилади. Бунда грекча "антропос" ибораси – инсон, грекча "генезис" ибораси – илдишлар, манбалар, вужудга келиш, маъноларини билдиради, яъни "антропогенез" – инсоннинг вужудга келиши ҳақидаги масаладир. Масаланинг мунозарали томони шундаки, бу борада шу пайтгача кўпчиликини қониқтирадиган, аксарият кишилар ҳеч бир истисносиз қабул қиладиган бирор бир ечимга, ҳулосага келинган эмас. Бу масала кишилар ўзаро муносабатларининг амал қилиши сифатида мавжуд бўлган жамиятнинг вужудга келиши масаласи билан ҳамбарчас боғланиб кетган. Шу маънода антропогенез социогенез масаласи билан бирга кўриб чиқилмоғи керак бўлади. "Социогенез" сўзларидаги (лотинча) "социо" ибораси – жамият, жамиятга оид бўлган ҳодисаларни, "генезис" – улар вужудга келишининг илдишлари, яъни ибтидосини билдиради. Инсонсиз жамият, жамиятсиз инсон бўлмагани каби уларнинг вужудга келиши масаласини ҳам бир-биридан ажралган ҳолда кўриб бўлмайди. Инсон ва жамиятнинг вужудга келиши, шаклланиши муаммолари илмий тилда *антропосоциогенез муаммоси* дейилади. Мазкур муаммонинг ўзи қадимий бўлгани каби унга турлича ёндошувлар ҳам қадимий илдишларга эга. Бундай ёндошувлар фанда "концепциялар" деб ҳам аталади. "Концепция" сўзи лотинчадан олинган бўлиб, тушуниш, система маъносини англатади ва бирор бир масалани муайян бир нуқтаи назардан тушуниш, уни ёритиб беришда суяниладиган муайян ғоя ёки масалага ёндошувлар тизимини билдиради. Инсон ва жамиятнинг вужудга келиши масаласида ҳам бир-биридан фарқ қиладиган бир қанча концепциялар мавжуд. Мазкур концепцияларда кўпинча инсоннинг вужудга келиши масаласи Борлиқнинг юзага келиши масаласи билан қоришиб кетган. Улар орасида одамнинг илоҳий яратилиши концепциясидан тортиб дастлабки инсондан тарқалганлик, шунингдек, ҳайвонлардан, ҳатто ўсимликлардан вужудга келганлиги ҳақидаги қарашлар учрайди. Масалан, ҳинд мифологиясига кўра дунёнинг ўзи дастлабки ибтидо – Пурушадан вужудга келган. Ёки, кўплаб ибтиодий қабилаларда уларнинг аجدодлари ҳайвонлардан вужудга келганлиги тан олинган (тотемизм), ҳозирги кунларда НУЖ билан боғлиқ қарашлар, яъни аجدодларимизнинг бошқа планеталардан келганлиги ҳақидаги фикрлар кучайиб бормоқда. Энди уларнинг баъзиларини кўриб чиқамиз.¹

1. Физик-химик эволюция концепцияси. Мазкур концепция ҳозирги давр табиий-илмий ва ижтимоий билимлари соҳаларида энг кенг тарқалган концепция ҳисобланади. Унинг илмий асосларини И. Кант (1724-1804) ва П. Лапласнинг (1749-1824) қуёш системасининг вужудга келиши тўғрисидаги космогоник гипотезалари, инглиз олими Чарлз Дарвиннинг (1809-1882) 1871 йилда "Инсоннинг вужудга келиши ва жинсий танланиш" асарида олға сурган гипотезалари, совет олими, академик А.И.Опариннинг (1894-1980) 1922 йили "Қаётнинг вужудга келиши" асарида олға сурган "қооцерват моддалар" ғояси ва биология фанларининг ютуқлари ташкил қилади. Ана шу асосларга қисқача тўхталиб ўтамиз.

а) Кант-Лаплас гипотезасида қуёш системасидаги юлдузлар ва планеталар диффуз ҳолатидаги моддаларнинг (асосан космик чангларнинг) секин-асталик билан тўпланиб бирикканлиги, улардан туманлиқлар, Қуёш ва планеталар ҳосил бўлганлиги айтилади. (*Шу билан бирга дастлабки модданинг жуда зич ҳолатга ўтгани (унда ҳар бир куб сантиметр бир неча тонна босимга эга бўлган), кейин эса ана шу дастлабки ягона массанинг (бундан 15-20 млрд. йил илгари) портлаши натижасида ҳар тарафга сочилиб кетаётгани ва кенгайиб бораётган Коинот ҳақида ҳам қарашлар мавжуд*) Ушбу гипотеза ҳозирги пайтда астрономия соҳасида мавжуд бир қанча назариялар билан бойитилган ва астрономик

¹ Бу ҳақдаги ўзига хос нуқтаи назар билан кенгрок танишишни истовчиларга Абдулла Аъзамнинг "Тафаккур" журналининг 1999 йил 1-сонида чоп этилган "Фан ва дин: муносабат диалектикаси" ва 4-сонида чоп этилган "Фан ва дин: одамзотнинг пайдо бўлиши" мақолаларини ўқиб чиқишни тавсия этамиз.

асбобларнинг такомиллаштирилиши билан янада чуқурлаштирилиб, тўлдирилиб борилмоқда.

Ҳозирги пайтдаги илмий тасаввурларга кўра, Қуёш системаси Сомон йўли галактикасининг бир элементи саналади ва у 150 млрд. юлдуздан иборат. Мазкур галактиканинг ўлчами – 100 минг ёруғлик йилига тенг. Қуёш системаси галактиканинг марказидан 30 минг ёруғлик йили масофасида жойлашган. Сомон йўлига энг яқин галактика – "Андромеда туманлиги" бўлиб, у биздан 2 млн. ёруғлик йили масофасидан кейин бошланади.

1963 йилда квазарлар кашф қилинди, улар Коинотдаги энг кучли радионурланиш манбалари бўлиб, ўзлари галактикалардан ўнлаб марта кичик бўлишига қарамасдан юзлаб марта кучли нурланиш тарқатадилар. Бу ҳол квазарлар янги ҳосил бўлаётган галактикаларнинг ядролари бўлса керак, деган тахминларга сабаб бўлиб, коинотда янги галактикалар пайдо бўлиши давом этаётганлигини билдиради.

б) Инсоннинг вужудга келиши масаласи умуман ерда ҳаётнинг вужудга келиши масаласи билан боғланиб кетади. Бу борада фан ҳаётнинг мураккаб физик ва химик жараёнлар натижаси эканлигига асосий эътиборни қаратади. Бу ҳақдаги илмий қарашлардан бири – академик А.И.Опариннинг ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги ғоясидир. Унинг фикрича, Ернинг дастлабки пайтдаги атмосфераси ҳозиргидан бошқача бўлган. Назарий жиҳатдан фикрлаган Опарин органик моддалар, шу жумладан, углеводородлар океанда оддийроқ бўлган бирикмалардан вужудга келган бўлиши мумкин, бундай синтез учун энергияни озон қатлами ҳали вужудга келмаганлиги боис қуёш нуридан келаётган интенсив ультрабинафша нурлар ҳосил қилган, деган фикрни билдиради. Унинг фикрича океанда мавжуд оддий бирикмаларнинг турли-туманлиги, Ер юзаси майдонининг улканлиги, энергия даражасининг ва вақтнинг етарли эканлиги океанларда секин-асталик билан органик бирикмаларни, улардан эса ҳаёт пайдо бўлиши имконияти бўлган «дастлабки шурва (бульон)»ни вужудга келтирган. Хуллас, ана шу «дастлабки шурва (бульон)»да ташқи муҳит билан модда алмашадиган, ўзида турли бирикмаларни йиғишга қобил бўлган шилимшиқ хусусиятли кооцерватлар вужудга келган. Улар билан ташқи муҳит ўртасида мураккаб углевод бўлган липид молекулалари тизилиб, дастлабки содда хужайра мембранасини ташкил қилган. Яъни дастлабки хужайра таркиб топган. Бу эса ҳаёт вужудга келганини англатади.


Опарин назарияси кўпчилик томонидан эътироф этилган бўлса-да, у мураккаб органик моддалардан содда тирик организмларга қандай ўтилганлиги билан боғлиқ масалаларда кўплаб ечилмаган саволларни вужудга келтиради.

1953 йилда америка олими Л.С.Миллер CO_2 ва H_2O аралашмаси орқали электр зарядларини ўтказиб бир неча аминокислоталар олишга эришди, бу билан ноорганик жисмдан органик бирикмаларнинг нобиологик синтез орқали олиш имконияти борлигини исбот қилди. Аммо тирик молекуланинг қатъий кетма-кетликдаги аминокислоталарнинг жуда мураккаб спиралидан иборатлигини ёддан чиқармаслик керак. Шу маънода «дастлабки шўрва»дан иборат бирикмага электр зарядларининг неча марталаб тушиши лозимлигини, ундан эса аминокислоталарнинг керакли комбинацияси ҳосил бўлиши эҳтимоли қандайлигини кўз олдимишга келтиришимизнинг ўзи қийин. Америкалик олим Дж. Хилденнинг ҳисоб-китобларига кўра бунинг учун 10^{600000} комбинация бўлиши лозим экан. Бу жуда катта сон – 1 дан кейин 600000 та нул қўйилиши керак. Агар секундига миллион комбинация юз берганида ҳам ҳамма комбинациялар учун 100 миллиард йил керак бўлар экан. Катта портлашдан кейин 15-20 млрд. йил ўтганлигини эътиборга олсак, унинг бўлиши мумкин эмаслигига амин бўламиз. Демак, бу концепция йўналишида биргина фараз қолади, у ҳам бўлса - *ҳаёт ва ДНК тасодифий пайдо бўлган эмас, балки улар ҳамма нарсага қодир қудратли куч ёки субстанциянинг мақсадга аниқ йўналтирилган фаолияти натижасида пайдо бўлган.*

Ундан кейинги ҳолатни кўз олдимизга келтиришимиз унчалик қийин эмас. Бир хужайрали организмлар, кўп хужайрали организмлар, сувда ва қуруқда яшовчилар, ... ҳайвонлар, ва ниҳоят, уларнинг юқори вакили бўлган «ақлли» мавжудот - инсон вужудга келган.

в) Бу ҳақдаги энг машҳур ғоя инглиз табиатшуноси Ч. Дарвиннинг тадрижий ривожланиш (эволюцион) назариясидир. Лекин шуни айтиш лозимки эволюцион назария фақат Дарвиннинг номи билан боғлиқ эмас. Унгача француз олими Жан Батист Ламарк (1744-1829) томонидан барча ҳайвон ва ўсимлик турларининг ташқи муҳит таъсирида ўзгаришга учраши ҳақида илмий фикрлар айтилган эди. Аммо у ана шу жараённинг ҳақиқий сабабларини очиб беролмаганди. Эволюция назариясига катта ҳисса қўшган олим Англиялик Алфред Рассел Уоллесдир (1823-1913). Зоогеографиянинг асосчиларидан бири бўлган Уоллес Малайя архипелаги флора ва фаунасини ўрганиш асосида мустақил ҳолда табиий танланиш назарияси яратади. Шундай бўлса-да у Дарвиннинг устунлигини тан олади. Ана шу назарияни ифодаловчи «дарвинизм» иборасини ҳам илк бор Уоллес таклиф қилган эди. Бу назарияга кўра эволюция **ўзгарувчанлик, ирсият ва табиий танланиш**дек уч асосий омилга мувофиқ амалга ошади. Уларнинг таъсири натижасида организмлар муҳитга мослашишнинг янги-янги белгиларини тўплай боришади ва, ниҳоят, бу нарса янги турларни вужудга келтиради.

Дарвин 1871 йилда чоп этилган «Одамнинг вужудга келиши ва жинсий танланиш» асарида кишиларнинг маймунсимон аجدодлардан келиб чиққанлиги тўғрисидаги фаразни илгари суради.



Ер инсонни қабул қилиш учун жуда узоқ тайёрланди, бу таъкид инсон ўзининг амал қилаётгани учун аجدодларининг узундан узоқ қаторига боғлиқлиги жиҳатидан ҳам қатъий адолатлидир. Ана шу занжирнинг қайсидир ҳалқаси бўлмаганда инсон инсон бўлмай қолар эди. Эски Дунё (Европа, Осиё ва Африка – А.Х.) маймунларидан вақт жиҳатдан жуда узоқ бўлган замонларда дунёнинг мўъжизаси ва ифтихори бўлган инсон вужудга келди.

Чарлз Дарвин

Таниқли фин олими Пекка Кууси бу масалага анча кенгроқ назар ташлаш лозимлигини уқтириб, умуман олганда эволюцион жараённи уч босқичга ажратади: космик эволюция, биологик эволюция ва маданий эволюция. Унинг қуйидаги фикрларига эътиборингизни қаратамиз: «**Ҳаётга асос солган Борлиқдаги космик эволюция, тахминан 10 миллиард йиллар илгари бошланган, ана шу даврлар мобайнида космос, Қуёш ва бошқа юлдузлар тўхтовсиз ўзгаришда бўлган. Ерда ҳам ўзгаришлар доимо юз беради: қитъалар кўчиши ва музлик даврлари бунинг исботидир. 3-4 миллиард йиллар олдин планетамиздаги эволюция натижасида ҳаёт пайдо бўлиши учун қулай шароитлар вужудга келди. Ҳаётнинг**

кейинги ривожни космик эволюцияга шакл-шубҳасиз боғлиқ бўлсада, аммо у кўп жиҳатдан биологик эволюция орқали белгилаб берилган. Бунинг натижасида ҳозирги пайтда Ер юзида камида 2 миллион атрофида биологик турлар мавжуд бўлиб, улар орасидаги чегаралар ушбу турлар фақатгина ўз турига оид организмлар билан қўшилиши мумкинлиги сабабли сақланиб турибди. Бу турлардан бири – инсониятдир»².

Инсоннинг табиий-биологик мавжудотдан ижтимоий мавжудотга айланиши масаласи эса диалектик материализм вакиллари томонидан ўзига хос тарзда асослаб берилган. Биз бу ерда мазкур концепцияларнинг тўғри ёки нотўғрилиги ҳақида фикр юритмоқчи эмасмиз, балки ана шундай ғоят мураккаб жараёнлар тўғрисида ўзига хос нуқтаи назарларнинг мавжудлигини таъкидламоқчимиз, холос. Ҳаётнинг ўзи, тўғрироғи унинг келажақдаги эҳтимол тутилган кашфиётлари уларнинг ҳар бирига муносиб баҳо беради. Нима бўлганда ҳам, биз билган барча мураккабликлардан минг чандон мураккаброқ бўлган дунёнинг сир-синоатлари биз ўйлаганчалик оддий эмасдир, биз олға сураётган тахминлар (ҳақиқатан ҳам улар кўп жиҳатдан тахминлар, холос) ана шу чексизликнинг у ёки бу томонини ёритишга бўлган интилишлардир. Ҳар бир киши унга қўшилиш ёки қўшилмаслик масаласини ўзи ҳал қилгани маъқулроқ. Ғоят ранг-баранг бўлган дунёда эса турлича дунёқарашлар, нуқтаи назарлар билан қаторда биз тилга олаётган концепцияларнинг ҳам амал қилишга ҳаққи бор.

2. Креационизм³ концепцияси (диний концепция) Дунёнинг ва инсоннинг вужудга келиши ҳақида мавжуд дунёвий ва миллий динлар ўзига хос қарашларни ишлаб чиқишган. Сиз улар ҳақида "Жаҳон динлари тарихи" Бизнинг мақсадимиз уларнинг барчасини баён қилиш эмас, балки улардаги умумийликни қайд қилишдир.

Бу концепцияга кўра ҳаёт ўтмишда юз берган ғайритабиий воқеа натижасида вужудга келган. Бу таъкид дунёда кенг тарқалган кўплаб диний таълимотларнинг барчасига хосдир. Иудаизм ва христианликдаги анъанавий тасаввурга кўра дунёнинг вужудга келиши ҳақидаги фикрлар Эски Аҳдга тегишли Борлиқ Китобида ўз аксини топган. Гарчи христианларнинг барчаси Библияни Худонинг кишиларга ўғитлари деб тушунсалар-да, уларда мазкур китобда куннинг узунлиги қанча бўлганлиги ҳақидаги масалада фикрлари ҳар хилдир. Баъзилар дунё ва ундаги барча нарса-ҳодисалар ҳар бир куни 24 соатдан иборат бўлган олти кун мобайнида яратилган, деб ҳисоблайдилар. Бошқалар эса, жонли оламни яратиш масаласи «қандай қилиб» деган масала бўлмай, балки кўпроқ «нима учун» деган масалага тааллуқлидир.

1650 йилда Ирландиянинг Арма шаҳри архиепископи Ашер Библия генеалогиясида эслатиб ўтилган барча кишиларнинг ёшини Адамдан Иисусгача («ким кимдан туғилган» белгисига кўра) бир-бирига қўшиб чиқади. Бу арифметикага мувофиқ Адам Яқин Шарқда шаҳарлар цивилизацияси гуллаб-яшнаган даврларда яшаган экан. Мазкур ҳисобга кўра Худо дунёни милoddан олдинги 4004 йил 23 октябр куни эрталаб соат 9 да яратган экан.

Барча диний дунёқарашлар мавжуд моддий борлиқни, ундаги барча нарса ва ҳодисаларни, шу жумладан инсонни ҳам Оллоҳ, Муқаддас руҳ, Тангри (ва шунга ўхшаш бир неча ўнлаб номлар билан аталадиган) номоддий, руҳий ибтидо вужудга келтирган деб ҳисоблашади. Бунга ишониш ёки ишонмаслик ҳар бир кишининг шахсий иши. Илм-фанда ҳақиқатни қидиришда асосий эътибор кузатиш ва экспериментга асосланса, илоҳиётда ҳақиқатга илоҳий ваҳий ва ишонч орқали эришилади. Ишонч шундай нарсаларни ҳам тан оладики, уларга соф илм-фан нуқтаи-назарида исботнинг ўзи йўқ. Бу шуни билдирадики, дунёнинг яратилиши масаласидаги илмий ва илоҳий тасаввурлар орасида мантикий зиддиятнинг бўлиши мумкин эмас, чунки тафаккур қилишнинг бу икки соҳаси ўзаро бир-

² П.Кууси. Этот человеческий мир. М.,1988, 47-бет

³ Креационизм – (лотинча creatio - яратилиш) дунёнинг худо томонидан ҳеч нимадан яратилгани ҳақидаги диний таълимот. Теистик характердаги динлар - иудаизм, христианлик ва исломга хосдир.

бирини инкор қилади. Олим учун илмий ҳақиқатда доимо фараз (гипотеза) элементлари мавжуд бўлса, динга ишонувчи киши учун илоҳий ҳақиқат абсолютдир.

Дунёнинг илоҳий яратилиши жараёни фақат бир марта юз берган, деб тасаввур қилинади ва шунинг учун уни кузатиш мумкин бўлмаган. Чунки акс ҳолда кузатувчи ҳам ана шу жараёнга параллел равишда мавжуд бўлиши керак-ку. Худди ана шу ҳолнинг ўзи дунёнинг илоҳий яратилиши концепциясини илмий изланишлар доирасидан ташқарига чиқариб юборишга етарлидир. Илм-фан эса кузатиш мумкин бўлган ҳодисалар билангина шуғуллана олади, шунинг учун у ҳеч қачон креацион концепцияни на инкор ва на исбот қила олади.

3. Ўз-ўзидан вужудга келиш концепцияси Бу концепция нотирик жисмлардан ҳаётнинг пайдо бўлиши мумкинлиги ҳақида бўлиб, креационизмга муқобил концепция сифатида Қадимги Миср, Бобил ва Хитойда тарқалган эди. Аристотелни ҳам мазкур концепция тарафдорлари сафига киритишади. Унинг қуйидаги фикрларига эътибор беринг:

- *«Фактлар шундайки - ҳайвонлар фақатгина уларни чапиштириши йўли билангина эмас, балки тупроқнинг парчаланиши натижасида ҳам вужудга келиши мумкин. Ўсимликларда ҳам худди шундай ҳолат мавжуд: уларнинг баъзилари уруздан ривожланади, бошқалари эса гўёки бутун табиатнинг ҳаракати билан, ернинг чириши ёки ўсимликларнинг баъзи қисмларидан, ўз-ўзидан вужудга келади».*
- *«Табиат жонсиз объектлардан ҳайвонлар томон шундай равон изчиллик билан, улар орасида ўзлари ҳайвон бўлмаса-да яшай оладиган жониворларни жойлаштириб, ўтадики, бунда ўзаро қўшни бўлган гуруҳларнинг фарқини улар бир-бирига жуда яқин эканлиги сабаб деярли илгамаймиз».*

Христианликнинг кенг тарқалиши билан ўз-ўзидан вужудга келиш ғояси таназулга учради, уни фақат сеҳргарликка ишонувчиларгина тан олардилар, холос. Шундай бўлса-да, бу ғоя унчалик кўзга ташланмаган ҳолда яна кўп асрлар мобайнида яшаб келди.

1579 – 1644 йилларда яшаган анчагина таниқли ва омадли голланд олими Ян Баптист ван Гельмонт (у биринчи бўлиб фанга «газ» атамасини киритган) ўзининг бир эксперименти ҳақида ёзади, бунда у гўёки уч ҳафта мобайнида ифлос қуйлак, қоронғи шкаф ва бир ҳовуч буғдойдан сичқон яратган.

1666 йилда итальян биологи ва врач Франческо Реди (1626-1698) ҳаётнинг ўз-ўзидан вужудга келиши ғоясига катта шубҳа билан қараб, уни инкор этувчи кўплаб экспериментлар ўтказган. У чириётган гўштда пайдо бўлувчи кичик оқ куртлар пашшаларнинг личинкалари эканлигини исботлади.

«... июлнинг ўртасида мен оғзи кенг бўлган тўртта идиш олдим, уларнинг бирига илонни, иккинчисига – балиқ парчасини, учинчисига – Арно дарёсидан тутилган илонбалиқни, тўртинчисига – бузоқ гўштини солдим ва уларни яхшилаб бекитиб, оғзини муҳрлаб қўйдим. Сўнгра юқоридаги тўртта нарсани худди шундай бошқа тўрт идишга жойлаштирдим, аммо уларнинг оғзини очиқ қолдирдим... Тезда очиқ идишлардаги гўшт ва балиқ қуртлаб кетди; бу идишларга пашшаларнинг эркин кириб-чиқиб тургани кўриниб турарди. Аммо орадан кўп кунлар ўтган бўлса-да, мустаҳкам бекитилган идишларда қуртлар пайдо бўлганини кўрмадим», - деб ёзади Реди.

Унинг экспериментлари **ҳаёт фақат ўзидан олдинги ҳаётдан вужудга келиши мумкинлигини** кўрсатди (биогенез концепцияси).

1765 йилда Ладзаро Спалланцани гўшт ва сабзавотларни бир неча соат мобайнида идишда қайнатади, сўнг уларни оловдан олмасдан идишларни мустаҳкам бекитади. Бир неча кундан кейин идишларни очган Спалланцани уларда ҳаёт нишонларини тополмайди. Бу тажриба уни юқори температура тирик жониворларнинг барча шакллари йўқотар экан, деган хулосага олиб келди.

1860 йилда Спалланцани усулидан фойдаланиб тажрибалар ўтказган Луи Пастер бактерияларнинг жуда яшовчанлиги, яхши стерилизация қилинмаса, нотирик материалларнинг осонликча бактериялар билан зарарланишини кўрсатиб берди. Бу билан у биогенез назариясининг ҳаққонийлигини, ўз-ўзидан вужудга келиш ғоясининг

нотўғрилигини исботлади. Аммо биогенез назарияси яна бир муаммони келтириб чиқарди. Ҳар қандай тирик организм бошқа тирик организмдан вужудга келар экан, у ҳолда биринчи тирик организм қандай пайдо бўлган? Фақат ўз-ўзидан вужудга келиш назариясигина бу саволга жавоб талаб қилмайди, бошқа назариялар эса тарихнинг қайсидир босқичида нотирикдан тириклик келиб чиққанини эътироф этадилар. Муаммо шундаки худди шу нарса энг дастлабки ўз-ўзидан вужудга келиши?

Шу муносабат билан атоқли олим В.И.Вернадскийнинг қуйидаги фикрларига эътиборингизни қаратамиз. Ҳаётнинг вужудга келиши масаласида В.И.Вернадский учта мумкин бўлган вариантни кўрсатади: «Нотирик нарсадан тириклик вужудга келишида икки ҳодисани фарқ қилишимиз керак: бир томондан, тирик организмларнинг тошлар, қоялар, сув, тупроқ каби ҳеч қачон тирик бўлмаган табиатнинг ўлик жисмларидан вужудга келиши. Бу *абиогенез* – жониворлардан ташқарида вужудга келиш ёки *археогенез* – дастлабки туғилишдир. Бошқа томондан, биз янги организмларнинг ўлган ёки ўлаётган тирик организмдан туғилишини, янги организмларнинг эски организмларнинг чиришидан ва парчаланишидан вужудга келишини – *гетерогенезни* – турлича туғилишни фарқ қилишимиз керак. Ниҳоят, учинчи ҳодисани – *биогенезни* – тирикликдан туғилишни, теваарак атрофимизда юз бераётганидек, яъни инсон ва бошқа организмларнинг ўзига ўхшаш тирик жонзотлардан туғилаётганини фарқ қилишимиз керак»⁴.

Вернадский ҳаётнинг абиогенез (археогенез) ва гетерогенез йўли билан вужудга келиши эҳтимолини рад қилиб, ҳозирги пайтгача табиатшунослик фанларида тўпланган материаллар барча тирик организмларнинг фақат тирик жонзотлардан пайдо бўлганини кўрсатади, деб биогенезнинг ҳақиқатини тан олган эди.

Унинг фикрлаш йўналиши қуйидагичадир: «*Илмий қузатишларга мувофиқ биогенезни тирик организм туғилишининг ягона шакли деб тан олар эканмиз, муқаррар равишда қуйидаги фикрни айтмасдан иложимиз йўқ: биз ҳозир кўриб турган Космосда ҳаётнинг бошланиши бўлмаган, негаки ушбу Космоснинг ўзининг ибтидоси йўқ. Космос абадий бўлгани сингари ҳаёт ҳам абадийдир ва у доимо биогенез йўли билан (авлоддан авлодга – А.Х.) узатиб келинган. Архей эрасидан бизнинг кунларимизгача давом этган ўнлаб ва юзлаб миллион йилларга нисбатан тўзри бўлган бу нарса Ер тарихининг космик даврларига оид саноқсиз вақт оқимида нисбатан ҳам ва барча Коинот учун ҳам тўғридир*»⁵

Шундай қилиб, В.И.Вернадский фикрича, ибтидоси бўлмаган Космосда унинг тўртта ажралмас компонентлари бўлган материя, энергия, эфир ва ҳаёт ибтидосиздир, яъни уларнинг ибтидоси ҳам, интихоси ҳам йўқдир.

Агарда ҳаёт космоснинг абадий йўлдоши бўлса, у Ерда, Космоснинг кичик бир заррачасида қандай пайдо бўлиб қолди? Яна Вернадскийнинг бу ҳақдаги хулосаларига эътибор берайлик:

«*Биз учун Тасодиқф гипотезаси худди илоҳий жиҳатдан махсус яратилиш гипотезаси каби илмий изланишлардан четда турувчи нарсадир...*

...Учта имконият қолмоқда: 1) ҳаёт ерда, кейинги геологик даврларда бошқа қайтарилмаган ер тарихининг космик босқичлари шароитида яратилган; 2) ҳаёт Ерда унинг узоқ космик даврида ҳам бўлган эди, у **абадийдир**; 3) Борлиқда (Коинотда) доимо мавжуд бўлган ҳаёт Ер учун **янги** ҳодисадир, унинг уруғлари Ерда доимо келтириб турилган, аммо у Ерда унинг учун қулай имконият пайдо бўлгачгина барқарорлашиб, мустаҳкамланган».

В.И.Вернадскийнинг ўзи ҳаёт шакллариининг Ерда космосдан келганлиги ҳақидаги учинчи вариантни - ҳаётнинг латент (яширин) ҳолатда узоқ вақт сақланиб, кейин турли шаклларда тараққий этганини – тан олган.

«...Ер мавжудлигининг космик даврларида, Ерда ҳозиргидан фарқ қиладиган вазият мавжуд пайтда, яъни унда ҳаёт учун зарур шароит бўлмаган пайтда ҳаёт қандай пайдо бўлди... У (Ерда) яшовчи организмлар ҳаёт кечириши учун зарур температура, босим,

⁴ В.И.Вернадский. Начало и вечность жизни. М., 1989, 87-88 бетлар

⁵ Ўша ерда, 102-бет

химиявий шароитлар вужудга келгачгина пайдо бўлиши мумкин. Аммо ана шу организмлар, улар вужудга келишининг биргина шакли борлиги сабаб (яъни Реди тамойилига кўра тирик нарса фақат тирикдан вужудга келиши мумкин – А.Х.) Ерда қандай пайдо бўлди?...

Бу саволга мантиқий тўғри жавоб XIX аср бошиларида берилди... Бу даврга келиб... Ер космик фазо билан доимий моддий... алмаишида эканлигига, шу жумладан, унга доимо (космосдан) жисмлар тушиб туриши, унинг ўзи ҳам фазодан кичик ва катта жисмларни тортиб тушириб туришига ишонч ҳосил қилинди.

...Биз учун ҳаётнинг фақат Ерга оид алоҳида ҳодиса эмас, балки космик ҳодиса эканлиги аниқ бўлиб бормоқда. Бизга энди Ер ва бошқа планеталар ўз-ўзича, алоҳида эмас, балки ўзаро алоқадорликда эканлиги маълум. Космик модда доимо ва турли шаклларда Ерга тушиб туради ва Ер (моддаси) космик фазога чиқиб кетади. Планетамизга ҳаётни ўзининг алоҳидалигини қаттиқ ёки суяқ шаклда ҳам сақлаб тура оладиган, демакки ҳамма жойга кириб кетаверадиган – ернинг тортиши кучидан ҳам чиқиб кета оладиган - материянинг энг нозик заррачалари бергандир эҳтимол. Ҳаёт эса латент (яширин) ҳолатида – спораларда, уруғларда... номаълум муддат, эҳтимол, геологик асрлар мобайнида сақланиб туриши мумкин...»⁶

МАЪЛУМОТ УЧУН

Америкалик бир математик ҳаётнинг тасодифий вужудга келиши эҳтимолини ҳисоблаб чиқишда қуйидаги бир мисолни келтирган экан. Катта бир босмаҳонанинг портлаб кетганини кўз олдингизга келтиринг. Ундаги барча шрифтлар бир километр баландга учиб кетган. Шу маънода ҳаётнинг тасодифан вужудга келиш эҳтимоли ана шу ҳарфларнинг ерга тушиб 46 томдан иборат Британия энциклопедияси матнларини ҳосил қилиши эҳтимоли билан баравардир.

4. Доимий (стационар) ҳолат концепцияси Бу концепцияга мувофиқ Ер ҳеч қачон пайдо бўлган эмас, у доимо мавжуд бўлган; у ҳамма вақт ҳаёт учун мос бўлиб, жуда кам даражада ўзгарган. Жонивор ва ўсимлик турлари ҳам доимо мавжуд бўлган, демак, Ердаги ҳаёт турғун, доимий ҳолатдадир.

Ҳозирги ҳисоб-китобларга кўра, Ернинг ёши 5 миллиард йилга тенг экан. Аммо мазкур миқдор доимо янгиланиб турибди, бунга янги-янги ўрганиш усуллариининг кашф қилиниши билан олинаётган кўрсаткичлар Ернинг ёшини тобора биздан «узоқлаштираётгани» сабаб бўлмоқда. Бу эса, иккинчи томондан, доимийлик ҳолати концепцияси тарафдорларининг Ер доимо бўлган, деган фикрлар чиқаришига олиб келмоқда. Мазкур концепция вакиллариининг фикрича турлар ҳам ҳеч қачон пайдо бўлмаган, улар доимо мавжуд бўлишган, ҳар бир турда икки имконият мавжуд –улар ёки миқдор жиҳатдангина ўзгариши ёки қилиб кетиши мумкин.

Бу концепция тарафдорлари ҳозирги пайтда яшаётган турларни ўрганиб ва уларни топилган қолдиқлар билан солиштириб қилиб кетганлик ҳақида хулоса чиқариш мумкин, дейишмоқда. Бунда ҳам, уларнинг фикрича, чиқарилган хулосаларнинг нотўғри бўлиш эҳтимоли кўпроқ. Бунда кўпинча мазкур назария вакиллари латемерия номли панжақанотли балиқлар билан боғлиқ воқеага суянишади. Палеонтология маълумотларига кўра, панжақанотлилар бундан 70 миллион йил илгари бўр даврида қилиб кетишган. Бирок яқинда Мадагаскар яқинида мазкур турга мансуб балиқлар топилгач, мазкур хулосани қайта кўриб чиқишга тўғри келган. Шу маънода мазкур концепция вакиллари ўз қарашларини исботлаш учун кўпинча палеонтология соҳаси мисолларидан фойдаланадилар. Улар муайян заминда бирор тур қолдиқларининг пайдо бўлишини ана шу турга оид популяция сонининг кўпайиши ёки уларнинг ўзларига фойдали бўлган жойга кўчиб келиши билан боғлаб тушунтирадилар. Мазкур концепция эволюция жараёнидаги ҳозирча номаълум бўлиб турган муаммолар ва йўналишларда, масалан, палеонтологик йилномалар кетма-кетлигининг узилиш нуқталарида кўпроқ мустаҳкамланиб олган.

⁶ Ўша ерда, 102-105 бетлар.

5. Панспермия⁷ концепцияси Бу концепция ўз эътиборини ҳаётнинг пайдо бўлиши масаласига қаратмайди, балки унинг тўсатдан вужудга келиши ҳақида фикр юритади. Шунинг учун уни ҳаётнинг пайдо бўлиши ҳақидаги жиддий назария деб бўлмайди; у ҳаётнинг вужудга келиши муаммосини Коинотнинг бошқа бирор жойига кўчиради. Бу қараш тарафдорлари ҳаётнинг Борлиқда бир космик жисмдан бошқа космик жисмга уларнинг чексиз вақт мобайнидаги ўзаро алоқадорлиги, масалан, улардан кўтарилган чанг ёки бошқа космик зарралар орқали кўчишини ёқлаб чиқишади. Унга мувофиқ коинотда ёйилиб кетган ана шундай ҳаёт заррачалари (масалан, микроорганизмлар споралари) бир космик жисмлардан бошқаларига метеоритлар ёки Қуёш нури босими остида ўтиб туради. Ерда ҳаёт ана шундай йўл билан вужудга келган, яъни у аслида мавжуд бўлган ҳаётнинг ер шароитида намоён бўлишидир.

Панспермия концепцияси ҳаёт турли даврларда ва Коинотнинг ёки Галактиканинг турли қисмларида бир ёки бир неча марта вужудга келган бўлиши мумкин, деб таъкидлайди. Улар фикрларидаги биринчи вариант бўйича Ерда ижтимоийлик «уруғи» космосдан келтирилган. Бошқа бир вариант бўйича эса одам ва инсоният Ердан бошқа жойда «лойихалаштирилган» ва антропосоциогенез жараёни Ердан ташқаридаги «оператор» томонидан бошқариб турилади. Биринчи ҳолда ер материалидан фойдаланилган Янги Библия варианты ғояси вужудга келади. Иккинчи ҳолда эса антропосоциогенез вазияти сунъий равишда космик «лаборатория колбасида» вужудга келтирилади, бунда ривожланаётган гоминидларга (демак, одамлар)га юқори даражада ривожланган баъзи цивилизация вакиллари томонидан «тажриба қилинаётган қўёнчалар»нинг пассив роли берилади. 1978 йили Дюссельдорфда бўлган XVI Жаҳон фалсафа конгрессида француз олими Э.Марке одамгача бўлган босқичда маънавийлик бўлмаган, демак моддийлик ўз тараққиётида ўзида бўлмаган нарсани унга беролмайди. Бунга гоминидлар ана шу «оператор» мансуб бўлган турга кириш орқали эришганлар, «оператор» уларга эркинлик ва ўз-ўзини англаш, яъни «мен»ни кашф қилиш йўлини кўрсатган, деб таъкидлаган эди⁸. Маркенинг фикрича, ана шу манба, «оператор» Дунёвий ақлдор.

Бундан ташқари, мазкур концепция тарафдорлари НУЖ (номаълум учар жисм)лар, баъзан қоятошларда учровчи ракета ва «космонавтлар»ни эслатувчи расмларга, шунингдек ўзга планеталарда яшовчилар билан (ҳозирча қатъий илмий) тасдиқланмаган учрашувлар ҳақидаги хабарларга суянишади. Космик нурларнинг ва радиациянинг жонли организмларга таъсири ҳақидаги кашфиётлардан сўнг мазкур концепция ўз аҳамиятини йўқотиб бормокда.

Ҳозирги пайтда Қуёш системасига кирувчи космосни ўрганиш тажрибаси бу системада Ердан бошқа ҳаётни учратиш имконияти деярли йўқ эканини кўрсатмоқда. Аммо бу Қуёш системасидан бошқа планеталар системалари, Галактикалар ва Коинот системаларида ҳаёт йўқ ва бўлиши мумкин эмас, деган маънони билдирмайди. Шу маънода ҳозирги пайтда фан томонидан ўрганилган баъзи комета ва метеоритлар материалларида «жонли нарсанинг ибтидоий уруғлари»ни эслатувчи моддалар (цианогенлар, синил кислотаси, органик бирикмалар) топилганлиги фактларини ана шундай метеоритлар ва кометаларнинг ўтмишда ерга тушиб, унда ҳаёт уруғларини «сочишганлиги» сифатида қабул қилиш мумкин. Ёки Коинотнинг марказига яқин жойлашган бирор бир номаълум планета системаларида онгли мавжудотлар, фикрловчи «қариндошлар»нинг мавжудлиги, уларнинг тараққиётда биздан жуда илгарилаб кетганлиги, уларнинг вақт ва замон чегараларини енгиб ўтишгани, эҳтимолки, улар Ерда «ҳаётнинг ривожланиш» сценарийларидан бирини тажрибадан ўтказишаётгани ҳақида фикр юритишимиз, ҳар ҳолда мантиққа зид эмас.

ЭЪТИБОР БЕРИНГ

2002 йил июл ойида жаҳон оммавий ахборот воситалари Чадда (Африка) топилган одамсимон мавжудотнинг бош чаноғи ҳақидаги хабарни эълон қилдилар. Ҳисоб-китобларга кўра унинг ёши 7 миллион йилга тенг экан! Агар у тўғри бўлса, шу пайтгача одамнинг вужудга келиш муддатларига оид қарашларнинг барчасини қайта кўриб чиқишга тўғри келса

⁷ Грекча "пан..." - ҳамма, барчани камраб олиш, грекча "спермия" – (бу ерда) ҳаёт уруғлари

⁸ Каранг: Дубинин Н.П. Что такое человек. М., 1983, 262-263 бетлар

Ҳар қандай илм-маърифатли киши, албатта у инсон пайдо бўлишининг физик-химик эволюцияси концепциясининг тарафдори бўлса, одамнинг қадимий маймунсимон аждоди «қаддини ростлаб» қўлига тош олгандан бошлаб токи ҳозирги замон одами қарор топгунча босиб ўтилган давр жуда катта вақтни ўз ичига олишини, бу бирданига юз берган ҳодиса эмаслигини, ҳайвонот дунёсидан одамзот дунёсини ажратиб турган жарлиқдан оддийгина сакраб ўтиш эмаслигини, балки жуда узоқ давом этган қийин ва зиддиятли жараён эканлигини ҳис этади. Шу маънода биз антропосоциогенезнинг хронологик рамакаларини, унинг асосий босқичларини фақат элас-элас белгилаб чиқишимиз мумкин, холос.

Ана шу ҳолни кўз олдимизга келтиришимиз учун таниқли даниялик этнограф Й. Бьерренинг қуйидаги жуда ажойиб ўхшатишини келтирамиз: «*Борди-ю, биз Ернинг бутун тарихини бир йилдек қилиб кўрсата оладиган сеҳрли биноклга эга бўлганимизда эди, тахминан қуйидагиларни кўрган бўлардик: ноябрда илк бор ҳаёт пайдо бўлади – амёбалар, калтакесаклар, қўзиқоринлар... Декабрнинг ўрталарида баҳайбат ҳайвонлар вужудга келади, Янги йилга чорак соат қолганда эса, тахминан 23.45да саҳнада дастлабки инсон пайдо бўлади. Бизнинг бутун эрамыз кетаётган йилнинг энг сўнгги минутларини эгаллайди... олтмиш секунд...*»⁹

2. Антропосоциогенезнинг космик, геологик, психологик асослари

Умуман олганда Ер юзида инсоннинг вужудга келиши жараёни кўпчилик ўйлагандек жуда оддий ҳодиса эмас. Табиатшунослик фанларининг сўнгги ўн йилликлардаги муваффақиятларига таяниб олимлар биогеносфера ташкилий иерархиялари (организмлар, колониялар, популяциялар, биоценозлар) ва Коинот ташкилий тузилмалари (юлдузлар, юлдуз тўпламлари, галактикалар, галактика тўпламлари), эволюцион ўзгариш цикллари ҳамда геофизик ва космик жараёнлар ритмлари орасидаги бевосита алоқадорликни тобора аниқ-равшан қайд этиб бормоқдалар.

Ердаги жониворлар мураккаб космик жараённинг ва мукамал космик механизмнинг қонуний бир қисмидир, унда эса, бизнинг фикримизча, тасодифлар бўлмайди.

В.И.Вернадский

Бир сўз билан айтганда, антропосоциогенез жараёни унга фақатгина бизнинг планетамиз тарихига боғлиқ ҳолда эмас, балки умуман Коинот жараёнлари тарихи билан боғлиқ ҳолда назар солишни талаб қилади. Масалан, Ерда юз берувчи биологик жараёнлар, иқлим ва ландшафтлар ўзгаришининг Қуёш активлиги даврлари билан боғлиқлиги исбот талаб қилинмайдиган фактга айланди. Жумладан, 1930-йиллардаёқ А.Л.Чижевский Қуёш магнит қутблари даврий ва эпизодик тебранишларининг асаб системасига таъсирини кўрсатиб берганди. Антропосоциогенез «арафасидаги» ана шундай стресслар генетик даражада муайян мутацияларни (яъни хромосома ва генлардаги ўзгаришлар натижасида организмнинг ирсий ўзгаришга учрашини) вужудга келтирган бўлиши мумкин. Бундан ташқари Ер магнит қутблари ҳам бир неча марта алмашгани маълум. Ана шундай геомагнит инверсиялари пайтида Ернинг электромагнит «қалқони» шунчалик кучсизланиб қоладики, ундан ионлашган космик радиациянинг 60 % бемалол ўтиб кетади. Бу ҳол эса гоминидлар авлодларидаги мутацияларни икки баравар оширганлиги маълум. Олимларнинг ҳисобларига кўра кейинги 4 миллион йил мобайнида Ернинг магнит қутблари тўрт марта ўзгаришга учраган. Уларнинг ҳар бирининг оралиғида ҳам тез-тез магнит қутбларининг ўзгаришлари юз бериб турган. Шу муносабат билан археолог Г.Н.Матюшиннинг Африкадаги гоминид қолдиқларидаги ўзгаришларнинг геомагнит майдони инверсиялари даврийлиги ўртасидаги боғлиқлик ҳақида айтган фикрлари ўзига хос аҳамиятга эга.

⁹ Бьерре Й. Затерянный мир Калахари. М., 1963., 21-бет

«Энг қадимий одам – Homo erectus habilis (уқувли тик юривчи одам) Ернинг магнит қутблари ҳозиргига тескари бўлган даврда яшаганлиги тасодиф эмас, шекилли, - деб ёзади Г.Н.Матюшин. Одамнинг кейинги тури – питекантроп - бундан 690 минг йил аввал магнит қутбларининг навбатдаги инверсияси юз берганда уқувли одамнинг ўрнига юзага келди. Палеомагнитологларнинг таъкидлашларича, ана шу даврдан ҳозирги замон геомагнит даври (Брюнес даври) бошланган. Бундан 110 минг йиллар илгари қутбларнинг қисқа алмашуви юз берди (Блейк эпизоди). Ана шу даврда питекантроплар тамоман қирилиб кетишади ва одамнинг такомиллашганроқ тури ҳисобланувчи неандерталлар пайдо бўлади. Бундан 40-30 минг йиллар илгари неандерталлар ўрнига ҳозирги замон одами – Homo sapiens вужудга келади. Тахминан ана шу даврларда – бундан 42-40 минг йиллар илгари магнит қутбларининг алмашинуви юз берган эди... Шундай қилиб, инверсия даврлари билан одамнинг жисмоний тузилишидаги ўзгаришлар юз берган даврларнинг бир бирига мослиги яққол кўриниб турибди»¹⁰.

Албатта, инсоннинг вужудга келишига таъсир кўрсатган омиллар жуда кўпдир. Уларнинг ҳар бири ўзига хос аҳамиятга эга. Лекин асосийси антропосоциогенез жараёнига улардан қайси бирлари кўпроқ, қайси бирлари камроқ таъсир кўрсатганлиги масаласидир. Бу борада ҳам кўплаб нуқтаи назарлар мавжуд. Биз улардан баъзиларини келтирамыз, холос.

Геологик жараёнларнинг таъсири ҳақида кўплаб илмий адабиётларда гапирилади. Уларнинг қисқача мазмуни қуйидагичадир. Ер қобиғидаги ўзгаришлар – тоғлар ҳосил бўлиши ва вулқонлар билан боғлиқ ҳодисалар, ер силкинишлари, магманинг ер сиртига чиқиб қолиши, улардан янги типдаги рудалар ҳосил бўлиши ва бошқалар – яъни геологик жараёнлар зоологик жараёнга, жонли табиатга таъсир кўрсатган. Кўпчилик тадқиқотчилар фикрича, эволюцион жараённинг ана шу икки босқичларини бир бири билан боғловчи нарсa радиация ҳисобланади. Вулканизм, ер қимирлашлари, ер юзасига магманинг чиқиб қолиши, уран рудалари тўплamlари, айниқса уларнинг очиқ, ер юзида жойлашганлиги ҳолатлари – буларнинг барчаси радиациянинг таъсири кучайишига олиб келган, у эса, ўз навбатида, бирданига ҳам иқлимга, ҳам ўсимликлар дунёсига, демакки, ер юзидаги жониворларга, шу жумладан «одамсимонлашиб» бораётган жониворларга ҳам таъсирини ўтказган, уларда ўзига хос мутациялар, ирсий ўзгаришларни вужудга келтирган. Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, бу ўзгаришлар бевосита радиациянинг эмас, балки унинг таъсирида вужудга келган ирсий ўзгаришлар ва табиий танланишнинг, шунингдек, илк меҳнат малакаларининг мураккаб ўзарo алоқадорлиги натижасидир.

Одам эволюцияси фақат ташқи таъсирлар натижасида эмас, балки ундаги ички таъсирлар натижасида ҳам амалга ошган. Бундай таъсирлар қаторига унинг психологик хусусиятлари ҳам киради. Халқаро психологлар иттифоқининг президенти Ф. Кликснинг фикрича, Африка саванналарида ҳаётий ресурсларнинг камёблиги, асосий биологик эҳтиёжлар (очлик, қўрқув)нинг доимо ҳам қониқтирилавермаслиги аجدодларимиздаги доимий стресс ҳолатига сабаб бўлган. Бу ҳолат эса уларнинг психикасида руҳий сиқилиш, дилгирлик каби кайфиятларни вужудга келтириб, руҳиятни ҳатти-ҳаракатлар стереотипини такомиллаштиришга томон, гуруҳдаги ички ҳатти-ҳаракатларни бир-бирига мувофиқлаштиришга томон йўналтирган. Кликснинг таъкидлашича, *табиий танланишнинг кучи билан янгиликни уқиш ва хотиранинг ривожлантирилиши кейинчалик билишга оид фаоллик ёки қисқача айтганда, интеллект, ақл-идрокни вужудга келтирган бўлса ажаб эмас*¹¹.


Антропосоциогенез жараёнининг ижобий йўналишда юз беришига у ёки бу даражада «қатнашган» табиий омилларни схема тарзида қуйидагича акс эттириш мумкин.¹²

Коинот
Яқин космос
Қуёш

¹⁰ Матюшин Г.Н. У истоков человечества. М., 1982, 118-бет

¹¹ Каранг: Кликс Ф. Пробуждающееся мышление: У истоков человеческого интеллекта. М., 1983, 40-41 бетлар

¹² И.Л.Андреев. Происхождение человека и общества. М., 1988., 48-бет



Юқорида кўрсатилган омилларнинг инсон танасига, унда кечувчи жисмоний-физиологик, кимёвий-психологик жараёнларга таъсири натижалари эса ушбу омилларни алоҳида ўрганишга қаратилган фанлардаги қонуниятлар орқали бизга аён бўлади. Улар ҳақида сиз кўпгина табиатшунослик ва аниқ фанлардан ўргангансиз. Бундан кейинги ҳаётингизда эса улар ҳақида янада тўлиқроқ маълумотларга эга бўлиб борасиз, албатта.

Таянч тушунча ва иборалар: концепциялар: биохимик эволюция, диний қарашлар, доимийлик ҳолати, таъқиддан келтирилганлик; антропогенез; социогенез; антропогенезнинг геологик, космик, антропологик, ижтимоий асослари.

Такрорлаш учун саволлар:

1. "Антропогенез" ва "социогенез" иборалари нимани англатади?
2. Инсоннинг вужудга келиши ҳақида қандай концепциялар мавжуд?
3. Инсон пайдо бўлишининг физик-химик концепцияси қандай асосларга суянади? Унинг асосий вакиллари кимлар?
4. Академик А.И.Опариннинг ҳаётнинг пайдо бўлиши ҳақидаги фикрига қандай қарайсиз?
5. Инсоннинг яратилиши ҳақидаги диний қарашларда қандай асослар мавжуд?
6. В.И.Вернадскийнинг ҳаётнинг вужудга келишига оид мулоҳазалари ҳақида қандай фикрдасиз?

4-мавзу. Қадимги дунёда ижтимоий фикрлар

1. Қадимги Миср ва Месопотамияда инсон ва жамият ҳақидаги қарашлар.

Маълумки инсоният маданий тараққиётининг сарчашмаларини дастлаб қадимги Месопотамия, Миср, Хитой, Ҳиндистон, Марказий Осиё, Қадимги Греция ва Римда учратамиз.

Қадимги Миср. Қадимги Мисрдаги кишиларнинг дунё, жамият, инсон ва инсоний муносабатлар ҳақидаги қарашларини милoddан олдинги III – II минг йилликларда ушбу халқнинг афсоналарида, Плутархнинг "Исида ва Осирис ҳақида", Геродотнинг "Тарих" асарларида учратамиз.

Қадимги дунё кишиларининг, шу жумладан, қадимги мисрликларнинг дунёқарашининг афсонавийлиги (мифологик характери) билан ажралиб туради. Уларнинг қарашларида борлиқ ва оламнинг амал қилиши (онтология), инсоннинг дунёни билиш имкониятлари масалалари (гносеология) ҳали ўзининг қатъий ва тугалланганлигига етиб келмаган (бунга антик Грецияда эришилади). Улар дунёнинг вужудга келиши, табиий тартибот мазмуни, инсон мавжудлигининг мазмуни нимада эканлиги тўғрисидаги дастлабки табиий саволларга кўпроқ афсоналар тарзидаги жавоблардир. Афсонавий дунёқараш эса кўпинча диний дунёқараш билан уйғунлашиб кетади. Плутархнинг фикрича, мисрликлар Ра худосини дунёнинг яратувчиси деб ҳисоблашади. Бу худо шунингдек Осирис, Исида, Сета ва бошқа худоларни ҳамда дастлабки инсонларни яратган. Вакт ўтиши билан қариб ва қучсизланиб қолган Ра худосига бошқа худолар ва кишилар бўйсунмай қўйишади. Ана шунда Ранинг ташаббуси билан худолар кенгаши чақирилади ва унда кишиларни жазолашга

қарор қилинади. Уни амалга ошириш Хатор худосига топширилади, у ерга тушиб кишиларни ҳалок қилишга киришади. Ниҳоят Ра кишиларга раҳм қилади ва қирғинбаротга чек қўйилади. Қартайиб қолганлиги боис Ра подшоҳлик қилишдан воз кечади. Радан сўнг кетма-кет унинг уч жуфт фарзандлари - жуфт худолар подшоҳлик қилишади. Подшоҳлик қилган сўнгги жуфт худолар – Осирис ва Исида ҳисобланади. Улар кишиларни яхши хулқли қилиб тарбиялашга интиладилар ва улар орасида маданиятни кенг ёйишга ҳаракат қиладилар. Осириснинг вафотидан сўнг подшоҳлик қилиш ярим худоларга ўтади. Улардан сўнг эса подшоҳлик қилиш кишиларга насиб этади.

Ўзларининг ҳукмронлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида шоҳлар ўзларини у ёки бу худонинг ўғли деб эълон қиладилар. Мисрда ҳукмдорлар фиравн деб аталган. Қадимий подшоҳликлар даврида фиравн шахсини улуғлаш, уни худонинг ўғли деб эълон қилиш, тўғрироғи уни ердаги худо деб билиш ўша давр учун табиий ҳолат эди. Юз бераётган барча сиёсий ҳодисалар ер ва осмондаги худолар истагининг кўриниши деб тушуниларди. Бу ҳақда Мисрдаги пирамидаларининг ички деворларида ҳозиргача сақланиб қолган ёзувлар, фиравнлар шаънига тўқилган гимнлар далолат беради. Шундай ёзувлардан бизгача сақланиб қолганларидан бири – "Птахотеппнинг насиҳатлари"дир. У мил.о. III минг йилликда яратилган бўлиб, шу номдаги вазирнинг номидан олинган. Унда кишиларнинг тенгсизлигига табиий ҳодиса сифатида қаралади. Паст табақадаги киши ёмон, юқори табақа кишиси эса яхши, аҳамиятли, мурувватли киши деб ҳисобланади. Паст киши юқори табақадаги кишига бўйсуниши лозим. Айни ҳолда юқори табақа кишиси паст табақа кишиларига раҳм-шафқат қилиши лозим, уларни хўрламаслик ва уларга ёмонлик қилмаслик керак. Бу Мисрда ўша пайтда кўпхудолик – политеизм мавжудлигидан далолат беради. Фиравн Аменхетон IV (Эхнатон) даврига келиб (мил.о. 1419-1400 йиллар) Куёш худоси ҳисобланмиш Атонга ягона худо сифатида сиғиниш жорий қилинган.

Месопотамия. Милоддан аввалги IV минг йилликда Тигр ва Евфрат дарёлари атрофидаги водийлар (Меопотамия деб аталган) дастлабки қулдорлик давлатлари вужудга келган ҳудудлар ҳисобланади (ҳозирги Ироқ, Эрон, Сурия, Қувайт ҳудудлари). У ерда аввал Аккад шаҳар-давлати, сўнгра Ур шаҳар-давлатига асос солинган. Ана шу давлатлар негизида милоддан олдинги II минг йилликнинг дастлабки юз йиллигида Бобил (Вавилон) шаҳар-давлати қад кўтаради. Бобил давлати ўз тараққиётининг чўққисига милоддан олдинги XVIII асрда, Хаммурапи подшоҳлиги даврида эришади. Бу подшоҳнинг ҳукмронлиги даврида машҳур Хаммурапи қонунлари ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур қонунлар худоларнинг иродаси сифатида тақдим қилинган.

Худди шу даврда гуллаб-яшнаган Шумер қулдорлик давлатида ҳам мавжуд ижтимоий муносабатлар худоларнинг иродаси сифатида тушунтирилган ва уларни ўзгартириш инсонларнинг қўлидан келмаслиги ўқтирилган. Унинг ёрқин ифодаси "Хўжайиннинг қул билан суҳбати" номли фалсафий асарда ўз ифодасини топган. Унда ҳам мавжуд тартибларга қарши чиқиш худолар иродасига қарши чиқиш ҳисобланган, подшоҳ иродасини, мавжуд давлат тузумини ўзгартириш мумкин эмас, деб хулоса чиқарилган.

2. Қадимги Ҳиндистон ва Хитойдаги ижтимоий фикрлар.

Қадимги Ҳиндистон. Қадимги Ҳиндистон инсоният маданий тараққиётига катта ҳисса қўшган мамлакатлардан бири саналади. Агарда ҳозирги пайтгача ноаниқлигича қолаётган, яратилиш даври милоддан олдинги 2500 – 1700 йилларга тааллуқли ҳинду (харрап деб аталувчи) маданиятига назар солсак унинг нақадар қадимий илдизларга эгаллигига имон келтирасан киши. Бизга маълум бўлган манбаларга эса милоддан олдинги 1500 – 600 йилларда яратилган Ведалар, кейинроқ ёзилган Упанишадлар, ҳинд эпослари "Маҳобҳорат", "Рамаяна" киради.

Ведаларнинг яратилиши Қадимги Ҳиндистонга шимолдан орийларнинг кириб келиши, уларнинг кўчманчи чорвачиликдан ўтроқ деҳқончиликка ўтиши, дастлабки давлатларнинг вужудга келишидек мураккаб ижтимоий воқелик билан биргаликда кечган.

Шуни эслатиб ўтиш жоизки, орийлар милоддан олдинги иккинчи минг йилликларда Болқондан Енисейгача ва шимолий Хитойгача бўлган ҳудудда яшаганлар. Милоддан олдинги иккинчи минг йилликнинг сўнгги чорагида улар иқлимнинг ўзгариши сабабли ўз жойларидан тўрт тарафга қараб кўча бошлаганлар. Уларнинг баъзи қабилалари Европага келишган ва улардан юнонлар, лотинлар, кельтлар, тевтонлар келиб чиққан, деган илмий фикрлар мавжуд. Орийлар ва уларнинг Европадаги қариндошлари (германлар, славянлар, грекларнинг аجدодлари) мажусий (бутпараст, яъни кўп худоларга сиғинувчилар) бўлишган ҳамда ўсимликлар, ҳайвонлар, табиат ҳодисаларини муқаддаслаштиришган. Орийлар териси қора халқлар орасида тарқала бошлагач, ўзларининг қонини тоза саклашга алоҳида эътибор беришган, шу мақсадда уларда кишиларнинг табақавий бўлиниши вужудга келган. Ҳиндистонда улар тўрт табақани вужудга келтирганлар: *руҳонийлар–брахманлар, ҳарбийлар–кшатрийлар, деҳқонлар–вайшилар, хизматкорлар–шудралар*.

Бу эса жамият ҳаётининг иерархиясини (яъни кишилар ижтимоий қатламларининг муносабатини) акс эттирган қарашларни ҳам вужудга келтирган. Шунинг учун Ведаларда кишиларнинг 4 варнага (табақага) бўлинишини даврнинг акси сифатида тушунмоқ керак. Бу қуйидагича изоҳланган: *Олам космосдек гигант масштабга эга ва айни пайтда ўзида "барча нарсани – шу жумладан ўтмиш ва келажакни ҳам ифода этувчи" ибтидо – Пурушанинг турли қисмларидан бунёд бўлган*. Ундан Ер, осмон, Қуёш, Ой, ўсимликлар, ҳайвонлар, инсонлар, ижтимоий гуруҳлар (варналар), ибодатга оид предметлар ва гимнлар вужудга келган. "Унинг овози брахманларга (яъни *руҳонийларга*), қўллари кшатрийларга (яъни *ҳарбийларга*), сонлари вайшиларга (яъни *деҳқонлар, ҳунармандлар, савдогарларга*) ва оёқлари шудраларга (яъни *қора халққа*) айландилар".

Уларнинг диний эътиқодларида маъбудларга қурбонлик келтириш алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Ана шундай пайтда қуйланадиган маросим кўшиқлари, тантанали гимнлар, қурбонлик урфлари кейинчалик ҳинд орийларида алоҳида Ведалар сифатида намоён бўлади. Ана шундай Ведалар тўрттадир – Ригведа, Самаведа, Яджурведа, Атхарваведа.

Милоддан олдинги VI асрда Шимолий Ҳиндистонда **буддизм** вужудга келди. Унинг асосчиси (тахминан э.о. 583-483 йилларда яшаган) Сиддхартха Гаутама ҳисобланади. У 29 ёшида уйини ташлаб кетади ва бир неча йиллик саргардонлик ҳаётидан сўнг ҳаётнинг моҳиятини тушуниш даражасига эришади. У кейинчалик Будда (*Ўйгонган*) номини олади. Унинг таълимоти марказида тўрт ҳақиқат ғояси ётади. Унга мувофиқ инсоннинг мавжудлиги *азоб-уқубат чекиш* билан чамбарчас боғланган. Туғилиш, касалликлар, қарилик, ўлим, яхшилик ва ёмонликка дучор бўлиш, истакларга эришишнинг қийинчилиги – буларнинг барчаси азоб-уқубат чекишга олиб келади (1). Азоб-уқубатларнинг сабаби хурсандчилик ва орзуга эришишга *чанқоқликдир* (2). Азоб-уқубат сабабларини йўқотишга уларга эришишга чанқоқликни йўқотиш орқали содир бўлади (3). Азоб-уқубатларни йўқотишга саккиз пиллапояни босиб ўтиш билан эришилади – тўғри фикрлаш, тўғри ечим, тўғри нутқ, тўғри ҳаёт, тўғри интилиш, тўғри эътибор. Бунда ҳиссий ҳузур-ҳаловатга асосланган ҳаёт кечириш ҳам, шунингдек, зоҳидларча бефарқлик ва ўз-ўзини қийнашга асосланган ҳаёт ҳам рад этилади (4). Уларнинг ҳар бири янада мураккаб тузилган қисмлардан иборат. Масалан, тўғри ҳаёт будда ахлоқининг қуйидаги *беи насиҳати (тамойили, қондаси)*дан иборат: тирик жониворларга ёмонлик қилмаслик, бегона (мулкни) олмаслик, тақиқланган жинсий алоқалардан тийилиш, ёлғон ва дабдабали нутқ сўзламаслик ва маст қилувчи ичимликларни истеъмол қилмаслик.¹

Қадимги Хитой. Қадимги Миср ва Ҳиндистондан фарқли равишда қадимги Хитойдаги илк фалсафий фикрларда диний характер кучли эмас. Бу ерда ижтимоий ахлоқ ва маъмурий амалиёт ҳамма вақт мистик абстракциялар ва шахснинг охиратда яхши яшашга умидидан кўра катта аҳамиятга эга бўлган. Агар ҳинд ва мисрлик киши ўз ҳаётининг мазмунини келгуси ҳаётида яхши яшаш умидида руҳларга боғласа (шу маънода аскетик ҳаёт тарзи, йога машқлари, монахликка берилган бўлса), хитойлик киши биринчи навбатда доимо моддий

¹ Бу ҳақдаги қизиқарли маълумотларни "Тафаккур" журналининг 1997 йил 3-сонидан чоп этилган В.Алимасовнинг "Буддавийлик" мақоласидан олишингиз мумкин.

хаётга, ўз хаётига эътибор билан қараган. Бу ерда умум тан олинган қоидаларга риоя қилиб яшаш, нариги дунёда эмас, балки мана шу дунёда яхши хаёт кечириш учун яшаш олий мақсадлар сифатида қабул қилинган.

Хитойда ҳам олий илоҳий ибтидо – Осмон тан олинади. Аммо у Яхве, Иисус, Брахман ёки Будда эмасдир. У олий умумийлик бўлиб, абстракт (мавхум), қатъий ва совуқ, инсонга бефарқ ибтидодир. Уни севиб бўлмайди, у билан бирлашиб кетилмайди, унга тақлид қилиб бўлмайди ва унга махлиё ҳам бўлолмайсиз. Хитой диний-фалсафий дунёқарашида милоднинг бошларида Хиндистондан кириб келган Будда ва Дао (қонун ёки □ақиқат ва Олийжанобликка элтувчи Улуғ Йўл маъноларини билдиради) ҳам мавжуд. Аммо улар Хитойда Осмондек катта аҳамиятга эга эмас.

Қадимги Хитойнинг яна бир ўзига хослиги шундаки, бу ерда руҳонийлик ҳеч қачон катта аҳамиятга эга бўлмаган. Бу ерда □индистон ёки Мисрдаги каби барча ҳурмат билан қарайдиган руҳонийлар табақаси бўлмаган. Конфуцийчиликни тарқатувчи кишилиар эса асосан руҳонийлик ролини эмас, аксарият ҳолларда маъмурий ва амалдорлик вазифаларини бажаришган, диний амаллар улар учун ҳеч қачон биринчи даражали аҳамиятга эга бўлмаган.

Милоддан олдинги II минг йилликнинг ўрталарида Хуанхэ дарёси бўйларида шаҳар типидagi Ин цивилизацияси вужудга келган. Худди шу пайтда □индистонда орийлар цивилизацияси вужудга кела бошлаган эди. Худди орийлардаги каби инлар ҳам кўплаб ҳудодлар ва руҳларга сиғинишар ва уларга қурбонликлар келтиришарди. Аста секинлик билан кўплаб худо ва руҳлар орасидан инлар қавмининг ибтидоси ва саркардаси Шанди олий худо аҳамиятига эга бўлган. Ин сулоласининг ҳукмдорлари Шандининг авлодлари ва давомчилари сифатида тан олинган. Аждодларга сиғиниш ва уларга ҳам қурбонликлар қилиш одати бўлган. Ўша пайтдан сақланиб қолган ёзувлар гувоҳлик беришича, ҳатто одамлар ҳам қурбонлик қилинган: "Аждодимиз Гэнга цян қабиласидан уч юз кишини қурбонлик қияпмиз".

Шан-Ин даври кўпга чўзилмади. Милоддан олдинги 1027 йили бошқа қабилалар чжоу қабиласи бошчилигида уларни тор-мор қилади. Аста-секинлик билан Чжоу қабиласи эътиқод қиладиган Осмон барча бошқа худо ва руҳларни сиқиб чиқаради. Чжоу подшоҳлари Осмон ўғиллари сифатида тан олинади ва бу анъана, яъни давлат бошлиғини Осмон ўғли деб тан олиш Хитойда ҳозирги кунгача сақланиб қолган.

Улуғ Осмон олий худодан кўра кўпроқ ақлнинг, мақсадга мувофиқликнинг, адолатнинг ва олийжанобликнинг синтези сифатида одамлар руҳиятидан ўрин олган. Осмонга қариндошлигини янада кучайтириш учун Чжоу ҳукмдорлари ўз мамлакатини "Осмон остидаги мамлакат" деб атаб бошладилар.

Ана шу пайтдаги фикрларга мувофиқ инсон иккита – моддий (по) ва руҳий (хунь) жонга эга. Биринчиси инсон вафот қилганда тана билан ерга киради. Унинг нариги дунёда қийналмай яшаш учун мархум билан бирга унинг нарсаларини, хотинларини, хизматкорларини ҳам кўмиб юборишар эдилар. Иккинчи жон эса осмонга йўл олади ва у ерда эгасининг хаётда тугган мавқеига мувофиқ ўз жойига эга бўлади. Қадимги Хитой жамиятининг паст табақаларини асосан деҳқонлар ташкил қилган. Улар асосан Ерга эътиқод қилишган ва улар орасида сеҳргарлик, шаманлик кўпроқ тарқалган. Руҳларга эътиқод қилиш уларда ҳосил билан боғлиқ бўлиб, кўпинча сув тақчиллигида ёмғир чақириш анъаналарини шаман аёллар бажаришарди. Агар уларнинг хатти-ҳаракатлари фойда бермаса, уларни қурбонлик қилишган. Бошқа мамлакатлардан фарқли равишда руҳонийлик вазифалари ҳукмдорлар ва уларнинг мансабдорлари томонидан бажарилган. Халқ орасида эса шаманлар, фолбинлар уларнинг эҳтиёжларини бажариб туришган.

Милоддан олдинги VIII – V асрларда Чжоу давлати чуқур кризисни бошидан кечириди. Патриархал-уруғчилик қоидалари таназзулга йўл тутади, ўзаро курашларда аристократия ҳалокатга учраб, бир мамлакат бир қанча марказлашган давлатларга бўлиниб кетади. □укмдорлар ва уларнинг қариндошлари, мансабдорлар давлат учун курашда ҳеч нарсадан қайтмасдилар, ҳаттоки ўз қариндошларини ҳам қириб юбориш ҳодисалари ҳеч қимми ажаблантирмасди. Ана шуларнинг барчаси жамиятда янги даврга, унинг янги қоида ва

анъаналарига танқид руҳини, ўтмишга қайтиш интилишларини вужудга келтирди. Бироқ бу интилишлар барча тан оладиган авторитетларга суянмоғи лозим эди. Ўтмишнинг ана шундай ярим афсонавий авторитетларини Конфуций ўз таълимоти орқали кўрсатиб берди.

Конфуций (Кун-Цзи, мил.о. 551-479). У ўз даврининг ижтимоий воқелигини танқид қилди ва ўтмиш даврларни кўкка кўтариб барча кишилар интилиши лозим бўлган баркамол, комил инсон (*цзюнь-цзи*) идеалини кўтариб чиқди. Барча кишилар тақлид қилиши лозим бўлган юксак ахлоқли цзюнь-цзи, Конфуций фикрича, қуйидаги икки сифатга - инсонийлик ва бурч (инсоф) ҳиссига эга бўлиши лозим. Инсонийлик Конфуций томонидан жуда кенг тушунилган ва унда қуйидаги сифатлар - оддийлик, адолатлилик, вазминлик, яхши хислатлилик, беғаразлик, инсонни севиш ва ҳоказолар акс этиши айtilган. Инсонийлик (жэнь) – олий, деярли эришиб бўлмайдиган идеалдир, у барча конкрет етуклик, такомилликларнинг йиғиндиси бўлиб, унга фақат ўтмишда яшаганлар эришгандилар; мазкур кишилар қаторига Конфуций ўзини ва анча эрта вафот этган шогирди Ян Хуэйни ҳам киритади. Аммо баркамол инсон бўлиш учун жэннинг ўзи кифоя қилмайди. Бунинг учун бурч ҳисси (*и*) ҳам бўлиши зарур ва у бошқача эмас, айнан ана шундай хатти ҳаракат қилишга ички ишончдан келиб чиқади. Бурч – ахлоқий мажбурият бўлиб, у инсонпарвар кишининг ўзига қўядиган талабларини билдиради. Бурч ҳисси одатда ҳисоб-китоб билан эмас, билим ва олий тамойиллар билан белгиланади. "Олийжаноб киши бурч ҳақида ўйлайди, паст киши эса фойдани", - дейди Конфуций. Шунинг учун Конфуций "*и*" тушунчасига билимга интилиш ва ўтмишдагиларнинг донолигини англашни ҳам қўшади. Бундан ташқари, Конфуций томонидан баркамол инсон содиқлик ва софдиллик (*чжэнь*), одоблилик, одат ва анъаналарни бажариш каби хислатларга ҳам эга бўлиши лозимлиги таъкидланади.

Ана шу тамойилларга риоя қилиш олийжаноб цзюнь-цзини ҳақиқий инсонликка олиб келади, у ёшлигида шахвоний интилишлардан (сукланишдан), етуклигида жанжалдан ва кексалигида хасислик-курумсоқликдан ўзини тийиши лозим. □ақиқий цзюнь-цзи овқатга, бойликка, фойдага ва ҳаётий қулайликларга бефарқ бўлиши керак. У ўзини бутунлай олий мақсадларга, кишиларга хизмат қилишга ва ҳақиқатни излашга бағишлаши керак.

Шундай қилиб, Конфуцийнинг "олийжаноб кишиси" – ижтимоий идеал бўлиб, инсонга тиланадиган яхши фазилатлар комплексида иборат. Конфуцийнинг ҳурмати оша бориши билан унинг мазкур абстракт-хаёлий идеали барча учун, айниқса милoddан олдинги III асрдан милoddнинг III асригача Хитой конфуцийлик империяси сифатида ном чиқарган Хань даври олим-мансабдорлари, маъмур-бюрократлари учун намуна (эталон) вазифасини бажарган.

Кўриниб турибдики, Конфуций ҳақиқатан ҳам ўз атрофидаги мавжуд адолатсизликка зид равишда олий ахлоқ учун курашувчи, яхши хислатли олийжаноб инсон идеалини яратишга ҳаракат қилган. Аммо ҳаётда кўпинча юз берганидек, унинг таълимоти расмий тус ола борган сари унинг мазмуни эмас, балки ўтмишга кўр-кўрона интилиш, ёлғондакам соддалик ва хушфазилатлилик каби ташқи шаклий томонлар олдинги ўринга чиқа бошлаган. Ўрта асрларда Хитойда ҳар бир кишининг ижтимоий табақанинг қайси даражасини эгаллаганига қараб бажарадиган хатти-ҳаракатларининг қатъий ишлаб чиқилган қоидалари ва стереотиплари пайдо бўлди ва мустаҳкамланди. "Хитой маросим ва удумлари" тушунчасида кўпинча ана шундай қатъий хатти-ҳаракатлар йиғиндиси кўзда тутилади. □аётнинг ҳар қандай даврлари, ҳар қандай воқеа, хурсандчилик ва ғамгинлик пайтлари, туғилиш ва ўлим, мактабга бориш ва мансабга кўтарилиш – ҳамма ҳаммаси учун қатъий белгиланган ва бажарилиши мажбурий бўлган юриш-туриш қоидалари амал қилган. Хань даврида ана шу удумлар жамланиб юриш-туриш кодекси бўлган Лицзи трактати ишлаб чиқилди. Шундай қилиб, Конфуцийнинг цзюнь-цзи таълимоти кучли бюрократик аппаратга эга бўлган марказлашган империянинг мақсадларига уйғунлаштирилди ва ана шундай асосларда кейинчалик хитой давлатчилигининг ҳашаматли биноси қурилди.

Конфуцийнинг жамият ҳақидаги таълимоти. Конфуцийнинг фикрича жамиятни (давлатни) илоҳийлаштирилган император ва мутафаккирлар, адабиётчилар ва

мансабдорлардан иборат гуруҳ бошқариши лозим. Конфуций давлатни катта бир оила сифатида тушунган, унинг бошқарувчиси – "Осмон ўғли" бўлиб, у халқнинг ҳам отаси, ҳам онаси ҳисобланади, фуқаролар эса унинг ўғилларидир. "Осмон ости мамлакати" қандай бўлиши кераклиги ҳақида шундай дейди: "Ота ота бўлмоғи, ўғил - ўғил бўлмоғи, подшоҳ – подшоҳ бўлмоғи лозим". Бу дунёдаги бетартиблик ва хаосда ҳамма нарса ўз ўрнига эга бўлиши керак, ҳамма ўзининг бурчи ва мажбуриятини билиши ва ўзининг ишини бажариши керак, деган фикрни англатади. Ана шу тахлит тузилган жамиятда икки асосий категориядаги: *юқори даражадаги* - фикрлайдиган ва бошқарадиган кишилар ва, *паст даражадаги* – меҳнат қиладиган ва бўйсунадиган кишилар мавжуд бўлиши керак. Ана шундай ижтимоий тартиботни Конфуций ҳам, унинг шогирди ва конфуцийчиликнинг иккинчи асосчиси Мэн-цзи (мил.о. 372-289) ва уларнинг барча издошлари ҳам афсонавий ўтмиш донолигидан бошланувчи, абадий ва ўзгармас нарса деб ҳисоблаганлар. Жамиятнинг юқори ва паст даражага бўлиниши кишининг бой ёки таниқли оилада дунёга келишига эмас, балки унинг билимдонлиги ва хушхўлигига қараб белгиланиши керак – яъни у кишининг цзюнь-цзига қанчалик яқин бўлиши билан боғлиқ.

Бундай мезон (критерий, ўлчов) ҳар қандай кишига ижтимоий пиллапояларда юқори даражага кўтарилишга имкон беради. Амалда эса бу жуда қийин эди: чунки амалдорлар табақаси оддий халқдан енгиб ўтиш жуда қийин бўлган тўсиқ – "иероглифлар девори", яъни савод даражаси билан ажратиб қўйилган эди.

3. Қадимги Греция ва Римдаги ижтимоий гоялар тизими.

Қадимги Греция. Қадимги Юнонистонда дастлабки фалсафий фикрлар милoddан олдинги VII –VI асрларда Милет мактаби донишмандлари қарашлари сифатида вужудга келган. Ундан илгари эса дунёқараш тарзи бошқа халқларда бўлганидек афсонавий характерда эди.

Милет мактаби вакиллари Фалес (мил.о. 640-562), Анаксимандр (мил.о. 611- 546), Анаксимен (мил.о. 585-524)лар дунёнинг, демакки инсоннинг яратилишини ғайритабиий ибтидоларга боғловчи афсонавий қарашларга зид ўлароқ моддий ибтидо билан боғлашади. Бундай моддий асос Фалесда – сув, Анаксимандрда – апейрон, Анаксименда – ҳаводир. Масалан, Анаксимандрнинг фикрича, апейроннинг қуюқлашуви ва суюқлашувидан иссиқлик ва совуқлик ажралиб чиқади ҳамда ер ва унинг устини ўраб олган оловсимон булут юзага келган. □аракатчан ҳаво оловсимон булутни ёриб ўтиб уч халқани яратади. Шундай қилиб юлдузлар, қуёш ва ойнинг учта доираси вужудга келган. Ер ҳаракатсиз ҳолда дунёнинг ўртасида жойлашган. *"Дастлабки хайвонлар намликда пайдо бўлишган, уларда қобиқлар ва пайпаслагичлар мавжуд бўлиб, қирғоққа чиққанларидан кейин қиёфаларини ўзгартиришган"*. Одамлар эса хайвонлардан пайдо бўлишган. Худолар дунё ва инсоннинг вужудга келишида иштирок этишмайди.

Гераклит (мил.о. 540-480). Унинг фикрича, барча нарсаларнинг ибтидоси оловдир. *"Дунёни худолардан ҳам инсонлардан ҳам ҳеч ким яратмаган, у доимо гоҳ алангаланиб турувчи, гоҳ ўчаётган олов бўлган, ҳозир ҳам шундай ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади"*.

Гераклит келиб чиқишига кўра аристократ оиладан, шунинг учун уларни ёқлаб чиқади ва ҳокимият уларнинг, яъни "яхшиларнинг" қўлида бўлмоғи керак, деб ҳисоблайди. У бу яхшиларни ёқлаб шундай деб ёзади: *"Биргина энг яхши нарса ҳамма нарсадан аъло: абадий шухрат барча ўткинчилардан аъло. Халқ хайвонга ўхшаб қорнини ўйлайди"*.

Унинг фикрича кишилар табиатан тенгдирлар. Аммо кимдир ўз ҳаётида оловнинг моддий турига бўйсунди, бундай кишилар кўпроқ ҳиссиётларига кўра ҳаракат қиладилар, аксинча ўз ҳаётида ақлини устун қуювчи кишилар учун олов логосдир, яъни ақли ва илоҳийдир. Кишилар ўзларидаги ана шундай логослари (ақллари) билан фарқ қиладилар. *"Қўпол руҳга эга бўлган кишиларнинг кўзлари ва қулоқлари ёмон гувоҳлардир"*, - дейди у. Бундан унинг ақлий билишни ҳиссий билишдан устун қўйиши кўринади. Бу билан юқори табақа вакиллари, яхши кишилар, ақли кишилар оддий халқдан юқори қўйилади. Демак, кишилар табиатан тенг бўлсаларда, аммо ҳақиқатда барибир тенг эмаслар. Уларнинг кўплари

логос бўйича яшамайдилар, балки ўзларининг хоҳиши ва фикрлари бўйича яшайдилар. Бундай кишиларнинг ҳаёти – "болаларнинг ўйинига" ўхшайди, яъни улар ўз хоҳишларининг қулидирлар. У дунёда барча нарсалар ва муносабатларнинг нисбий эканлигини кўра олган:

- *"Денгиз суви айни пайтда ҳам тоза, ҳам ифлосдир: у балиқлар учун фойдали ва керакли, одамлар учун эса ифлос ва зарарли".*
- *"Энг чиройли маймун одамга нисбатан жуда хунукдир".*

Бахт тананинг фароғатидан эмас, балки тўғри фикрлаш ва тўғри гапириш ҳамда табиатга мувофиқ ҳаракат қилмоқ, унга қулоқ солмоқдан иборат. Олам ҳеч ким – на худолар, на кишилар томонидан яратилган. Дунё каби худоларнинг ўзи ҳам оловдан ташкил топган.

Демокрит (мил.о. 460-370). Атомистик таълимот асосчиларидан бири. Унинг фикрича дастлабки кишилар сув ва балчикдан пайдо бўлган. Кишилар чувалчангга ўхшаб, ҳеч қандай илоҳий кучсиз, ердан пайдо бўлишган. □атто инсоннинг жони ҳам думалоқ, тез ҳаракатчан, майда зарра (атом) лардан тузилган. Жон тана билан бирга ўлади. Худолар ҳам инсонлар каби атомлардан тузилган, улар ҳам инсонлар каби ўткинчидир, фақат улар узокрок яшайдилар. Унинг фикрича кўрқув ҳиссидан динлар келиб чикқан. У шундай деб ёзади: *"Кишилар ўзларининг ақлсизликларини яшириш мақсадида бутларни ўйлаб топганлар"*.

Демокрит жамиятнинг "табиий равишда" келиб чиқишини табиий эҳтиёжларни қондиришнинг содда усули сифатида тушунтириб берган. Унинг фикрича кишилар дастлабки пайтларда *"тартибсиз ва ҳайвонларча яшаганлар... улар далаларда кезиб юришар ва ейишга яроқли ўтлар ҳамда ёввойи ўсимликларнинг меваларини териб ейишарди. Ёввойи ҳайвонлар ҳужум қилган тақдирда улар бирлашиб бир-бирларига ёрдам беришарди. Қиш пайтида улар горларда яшар ва у ерда узоқ сақланадиган меваларни сақлардилар. Сўнгра улар оловни ва бошиқа нарсаларни билиб олдилар, сўнгра эса санъат ва биргаликда яшашига фойдали бўлган нарсалар кашф қилинди. Чунки эҳтиёж кишиларга барча нарсаларни англадиган устоздир"*.

Яхши хислатли бўлишнинг асосий усули ишонч ва ахлоқий тарбиядир. Инсонни мажбур қилиш йўли билан яхшилаб бўлмайди. Унинг ижтимоий қарашлари мулкдорлар синфини, грек қулдорлик демократиясини ёклашга бўйсундирилган. Масалан, у қулларни одам деб ҳисобламаган – улар жонли қуроллардир ва ҳўжайиннинг буйруғига итоат этишлари керак. Қуллар у илгари сурган ахлоқий нормалардан маҳрумдирлар. Бу ахлоқий нормалар эркин кишиларга тааллуқли. Қулдорлик тузумининг кўрғони – давлатдир. Давлатнинг емирилиши билан барча нарса ўлади. Шу нуқтаи назардан у давлат қонунларини бузган кишиларни қаттиқ жазолаш керак, жазога лойиқ кишига раҳм-шафқат қилинмаслиги лозим, дейди.

Унинг фикрича барча нарсада меъёр бўлиши лозим, у эзгу ва бахтли ҳаёт учун зарурдир. Меъёрдан ортиқ лаззатга берилган, чегарани билмаган кишилар Демокрит фикрича ахлоқ ва тентак бўлиб, ўз қулоқларига ўзлари айбдордир. Фақат донишманд кишигина ўз эҳтиросларини енгиши мумкин.

Барча гўзаллик ўртачалиқдир, менга на мўл-қўлчилик, на етишмовчилик ёқади, дейди Демокрит. У барча нарсада "олтин ўрта" яхшидир, дейди. Жисмоний жиҳатдан ўз душмани олдида кучли бўлган киши эмас, балки ўз хоҳишларини тия оладиган киши кучлидир, деган эди у. Шундай кишилар борки, ўзлари шаҳар устидан ҳукмрон бўладилару, лекин аёллари олдида қулга ўхшаб таъзим қиладилар. Қуйида унинг баъзи фикрларини келтирамыз:

- | |
|---|
| <ul style="list-style-type: none">- <i>Эга бўлмаган нарсаларга афсусланмай, бор нарсасига қувонадиган киши донодир;</i>- <i>Жасур киши нафақат душманининг устидан ғалаба қозонувчи эмас, балки ўз эҳтиросларини тия оладиган кишидир;</i>- <i>Меъёр бузилса, энг ёқимли нарса энг ёқимсиз нарсага айланади;</i>- <i>Шуҳрат ва бойлик телбалик ва мустаҳкам бўлмаган мулк.</i> |
|---|

Платон (мил.о. 427-347). Унинг фикрича моддий дунё ғоялар, идеялар дунёсининг соясидир. Шунинг учун дунёдаги барча нарса ва ходисалар ўткинчи, улар дунёга келади, ўзгаради ва таназулга юз тутади. Ғоялар эса доимий, ўзгармас ва абадийдир.

Платон космологияси ҳам идеалистик руҳдир. Унинг фикрича Космос ягона ва шарсимон шаклга эга бўлиб, абадий эмас, балки яратилгандир. Космоснинг марказида Ер жойлашган бўлиб, у планеталар ва еттинчи осмондаги кўзгалмас юлдузлар билан қуршалган. Осмон жисмларини у жонли нарсалар, худолар деб қараган. Улар жонли бўлгани сабабли ҳаракатлана оладилар.

Платоннинг фикрича, давлат кишиларнинг ўз асосий эҳтиёжларини қондира олмаганликлари натижасида вужудга келган. У ўз ижодида реал амал қилаётган жамиятни таҳлил қилишни эмас, балки унинг таълимотининг мантиқий оқибати бўлган идеал давлат ғоясини яратишга ҳаракат қилган. Идеал давлат учта ижтимоий гуруҳнинг жамияти сифатида вужудга келади. Улар ҳукмдорлар – файласуфлар, қўриқчи-стратеглар – ҳарбийлар ва ишлаб чиқарувчилар – деҳқонлар ва ҳунармандлардир. Мазкур уч гуруҳ руҳнинг, жоннинг уч қисмига мос тушишади, яъни файласуфларда жоннинг ақлий қисми кўпроқ, ҳарбийларда унинг ирода қисми белгиловчилик қилади, деҳқон ва ҳунармандларга эса руҳнинг ҳиссиёт ва майллари раҳбарлик қилади.

Платон тилга олган тўрт яхши ҳислат улар ўртасида қуйидагича тақсимланган: *донолик* файласуфлар ҳислати, *жасурлик* ҳарбийлар ҳислати, *ўртачалик* меҳнаткашлар ҳислати. Тўртинчи ҳислат *адолатлилик* эса уларнинг барчаси устидан ҳукмронлик қилиб туради ва уларнинг ҳеч бирига махсус тегишли эмас.

Платон қуйидаги амал қилаётган давлат идора қилиш шаклларини кўрсатиб ўтади: аристократия (у аристократик монархиядан аристократик республикани устун қўяди), тимократия (ҳалокатга томон бораётган шакл, у ҳарбий кучга таянадиган бир неча кишилар ҳокимияти), ундан пастроқда савдогарларга, судхўрларга суянувчи бир неча кишилар ҳокимияти бўлган олигархия, ундан ҳам пастроқда қора халқ, омманинг ҳокимияти бўлган демократия ва ниҳоят, аристократияга қарши турувчи диктатура бўлган тирания. Платоннинг фикрича давлатнинг ёмон шакллари, салбий моделлари тимократия, тирания ва олигархия ҳисобланади.

Тимократия - ҳарбийлар ҳокимияти, Платоннинг фикрича улар фақат ўз тубан манфаатларини ўйлайдиган озчилик ҳокимиятидир. Бундай бошқарув тирания ва олигархия даврида бойлар ва камбағаллар орасида мавжуд бўлган зиддиятларни янада кучайтириб юборган.

Тирания – фақат ўз манфаатини ўйловчи бир кишининг ҳокимияти. Бунда якка ҳокимиятчилик тамойили амал қилади. Платон фикрича тирания – идеал давлат моделидан чекинишнинг энг ёмон шаклидир. У якка бир кишининг хоҳиш-истагига асосланади.

Олигархия – бунда давлатга оз сонли, аммо кучли уруғлар бошчилик қилади. Платон фикрича олигархия аристократиянинг бузилган шаклидир. Бу шаклга Платон давлатнинг салбий шакли сифатида баҳо беради.

Ана шулардан келиб чиқиб Платон ўз идеал давлатини амалга оширишда тарбиянинг роли катталигини таъкидлайди. Унинг фикрича энг аввало ҳарбийлар ва ҳукмдорларни тарбиялаб етказиш керак. Унинг фикрича ҳарбийлар ва олимлар хусусий мулкка эга бўлмасликлари лозим. Мазкур тизимда Платон одамларнинг ҳудожулиги ва худоларга сиғинишнинг аҳамияти катталигини таъкидлайди. Санъат тақдидга тақдид, яъни сояларнинг сояси, ҳисоблансада, давлатни мустаҳкамлаш ва динни ривожлантиришда яхши усул саналади.

Платоннинг фикрича, адолат ҳар бир одамнинг жамиятда тутган ўрни (социал статуси)га мувофиқ ўз вазифаларини қатъий бажаришдан иборат. Мавжуд тузумнинг барча қонун-қоидаларига риоя қилмоқликнинг ўзи адолатдир: ҳар бир ижтимоий табақага мансуб кишилар (аёнлар аёнларча, қуллар қулларча) фақат ўзларининг вазифаларини бажаришлари керак. Мавжуд қонун-қоидаларни бузишга ёки ўзгартиришга қаратилган ҳар қандай ҳатти-ҳаракат адолатсизлик ҳисобланади. Демак, Платон фикрича, адолат ҳар бир

кишининг жамият ҳаётидаги ўрнини белгилаб берувчи тамойил сифатида жамиятнинг яхлитлигини таъминловчи ва уни мустаҳкамловчи омил саналади.

Аристотель (мил.о. 384-322). Унинг мактабини кўпинча *перипатетиклар мактаби* деб ҳам аташади (перипатео – сайр қиламан), чунки у ўз ғояларини шогирдлари билан сайр қилиш жараёнида муҳокама қиларди. Аристотель антик даврдаги билимларнинг илк илмий тизимини яратган мутафаккирдир.

Унинг фикрича инсон *ижтимоий мавжудотдир*. Давлат жамоалар иттифоқининг ривожланган шаклидир, жамоа эса – ривожланган оиладир. Аристотел кулдорлар синфининг вакили сифатида ўз ижтимоий қарашларида уларнинг фикрларини акс эттиради. Унинг фикрича баъзиларнинг тақдирига туғилгандан ҳукмронлик қилиш, баъзиларга эса ижрочилик ёзилган бўлади. Ана шу табиий ҳолатга жамиятнинг куллар ва кулдорлардан тузилганлиги мос келади. Шундай бўлсада у хаддан ортиқ бойиб кетишга жамиятдаги муътадилликни бузиш сифатида қарши чиқади.

Аристотел фикрича эркин кишилар жамияти уч синф вакилларида ташкил топган. Булар - хаддан ташқари бойиб кетганлар, уларнинг қарама-қаршиси бўлган хаддан ортиқ камбағаллар ва ана шу синфлар орасида жойлашган ўрта табақадагилар. Давлатнинг моҳияти муайян бахт-саодат (бойлик)ка эришиш учун ўзаро бирлашган кишиларнинг сиёсий ташкилотидир. Унинг фикрича уч хил яхши ва уч хил ёмон давлат шакллари бор. Монархия, аристократия ва полициялар давлатнинг яхши шаклини, тирания (монархиянинг бузилгани), олигархия (аристократиянинг бузилгани), демократия (полициянинг бузилгани) эса давлатнинг ёмон шаклини ташкил қилади.

Монархия (ёки подшоҳ ҳокимияти) – Аристотелнинг фикрича энг қадимий ҳокимият шаклидир, у бир кишининг бошқарувини англатади. Бунда бошқарувчи ҳаммага мос келувчи умумий манфаатни кўзлайди.

Аристократия – кўпчилик манфаати йўлида хизмат қилувчи камчиликнинг ҳокимияти.

Полиция – нисбатан мустақил иқтисодий мавқега, муайян таълим цензига ва тўлиқ сиёсий ҳуқуқларга эга бўлган жамиятдаги ўрта табақага суянувчи давлат тизими. Бу тизим Аристотель фикрича энг яхши давлат бошқарув шаклидир. Чунки у бойларнинг манфаатларини чегаралаб туради ва жамиятдаги камбағал табақаларни ҳам давлат бошқаришда иштирок этишини таъминлайди.

Аристотель фикрича айнан ўрта синфлар бошқарувчи куч бўла олсалар, жуда ҳам катта бойлик ва хаддан ортиқ камбағалликдек қарама-қарши қутблар ўртасидаги зиддиятни енгишга қодирдирлар.

Ақлга монанд (яъни яхши, "тўғри") давлат бошқарув шаклларида (монархия, аристократия, полиция) ҳукмдорлар умумий манфаатни мақсад қилиб оладилар. **Ақлга монанд бўлмаган** (яъни ёмон, "нотўғри") давлат шаклларида эса ҳукмдорлар ўз шахсий манфаатларини ўйлайдилар.

У идеал давлат деб қанчалик кўп ҳукмдордаги кулдорларга яхши ҳаёт кечиришнинг максимал имкониятини яратиб бера оладиган давлатни тушунади. Эркин фуқаролар (камбағаллар) ва куллар сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум бўлиши керак. Идеал давлат меҳнат қуроллари, ер ва кулларга хусусий мулкчиликка асосланган давлатдир.

Шуни эслатиб ўтиш керакки Аристотел барча соҳаларда, шу жумладан давлатда ҳам «олтин ўрта» қоида-сиғирига риоя қилиниши лозимлигини таъкидлаган.

Қадимги Рим. Милоддан олдинги III асрдан бошлаб Ўрта ер денгизи атрофидаги ҳудудда Римнинг мавқеи ўса бошлайди. У оддий шаҳар республикасида қудратли империяга айланади. Мил.о. II асрга келиб у қадимги дунёнинг асосий ҳудудларини тасарруф эта бошлайди. Қадимги Греция ҳам унинг иқтисодий ва сиёсий таъсири остига тушади. Ана шу даврдан бошлаб Римда грек фалсафий фикри таъсирида ўзига хос мактаблар, йўналишлар таркиб топади.

Марк Туллий Цицерон (мил.о. 106-45). Машҳур сиёсатшунос ва нотик. Ўзининг ижтимоий қарашларида Цицерон Рим жамияти юқори қатламларининг вакили сифатида энг

яхши жамият уч асосий давлат шаклларининг, яъни монархия, аристократия ва демократиянинг ўзаро синтезидан ҳосил бўлади, деб ҳисоблаган. Давлатнинг мақсади, унинг фикрича, фуқаролар учун хавфсизликни ва мулкдан эркин фойдаланишни таъминлашдан иборат.

Ахлоқий масалаларда Цицерон стоиклар каби инсондаги фазилатларни таҳлил қилишга қаратади. Инсон ақлга эга мавжудот сифатида худога монанд ҳислатларга эга. У *ҳаётнинг барча қийинчиликларини ирода кучи билан енгишни* энг улуғ фазилат ҳисоблайди. Бунда инсонга турли фалсафий йўналишлар ёрдам беради. Улар ана шундай фазилатларга эришишда одамга турли усулларда кўмак беради. Шу маънода Цицерон барча фалсафий мактаб ва йўналишларнинг ҳиссаларини бир бутунлик сифатида йиғишга маслаҳат беради.

"Ўз халқига олий ҳокимиятдан фойдаланиш имкониятини бера олган жамиятгина эркинликнинг ҳақиқий кўрғонидир", деган ажойиб фикр Цицеронга тегишлидир.

Тит Лукреций Кар (мил.о. 95-55). Грек файласуфлари Демокрит ва Эпикурнинг издоши ва атомистик таълимотнинг давомчиси. Унинг фикрича, Ер ва бошқа дунёлар табиий сабабларга кўра пайдо бўлишган.

Лукреций жамият вужудга келишини ҳам табиий ривожланиш оқибати деб ҳисоблайди. Унинг фикрича одамлар дастлаб "ярим ёввойи" ҳолатда, уй-жой ва олов нималигини билмай яшаганлар. Моддий маданиятнинг ривожини кишилар галасини жамиятга айлантирган. Унинг фикрича жамият, ижтимоий муассасалар (ҳуқуқ, қонунлар) кишилар ўртасида тузилган ўзаро келишув натижасидир.

Лукреций дунёқараши очиқ атеистик характердадир. У нафақат худоларга бу дунёда ўрин йўқ деб ҳисоблайди, балки уларга ҳар қандай ишончга ҳам ўрин бўлмаслиги керак, дейди. У ўлимдан кейинги ҳаёт ва шу каби диний афсоналарни қатъий танқид қилади. Унинг фикрича худоларга ишонч кўрқинч ва табиий ҳодисалар сабабини билмасликнинг натижасидир.

Ахлоқ соҳасида Лукреций Эпикурнинг *бахтли ва хотиржам ҳаёт кечириш тамойилини* давом эттиради. Бахтга эришиш йўли билимдир. Инсон бахтли ҳаёт кечириш учун кўрқувдан, хусусан, худо олдидаги кўрқувдан халос бўлиши керак.

Эпикурчилик ва стоиклар таълимоти Римда нисбатан узоқ вақт сақланиб қолди. Бироқ 313 йилда христианликнинг расмий давлат динига айланиши билан Лукреций таълимоти ва стоиклар дунёқараши қувғин остига олинади.

Рим стоиклари орасида кўзга кўринганлари Сенека, Эпиктет ва Марк Аврелий ҳисобланади.

Сенека (мил.о. 4 – мил.о. 65). Рим империясидаги "сенатор"лардан кейинги иккинчи қатлам бўлмиш "чавандозлар" қатламига мансуб. У император Нероннинг тарбиячиси бўлган. Нерон ҳукмронлигининг иккинчи йили унга бағишлаб "Раҳмдиллик ҳақида" асар ёзади. Унда Сенека Неронни ҳукмдор сифатида муътадил бўлишга ва давлат ишларида республика руҳини сақлашга чақиради. 64 йилги ёнғиндан сўнг у ҳам айбланиб, давлат ишларидан четлаштирилади ва ў ўз жонига қасд қилиб, вафот этади.

Унинг деярли барча асарлари ахлоқий масалаларга бағишланган. "Жаҳл ҳақида", "Бахтли ҳаёт ҳақида", "Бўш вақт ҳақида", "Яхши фазилатлар ҳақида" ва бошқа асарларида Сенека инсон ва инсоний муносабатлар, ҳислатлар тўғрисидаги фикрларини баён қилади.

Сенеканинг фикрича борлиқдаги барча нарса ва ҳодисалар *қатъий зарурият ҳукми остида* бўлиб, бу нарса худонинг иродаси билан белгиланган. Инсон табиат билан монанд яшаши лозим. Инсон ҳаётининг қандай кечиши унинг тақдири қандай белгиланганига боғлиқ.

Сенека яшаб турган даврда фуқаролик ҳуқуқларининг чекланиши ва республикага хос фазилатларнинг камайиши уни келажакка шубҳа билан қарашга олиб келади. "Ҳаёт уч даврга бўлинади: ўтмиш, ҳозир ва келажак. Улар ичидан биз яшаб турган давр қисқадир; энди яшашимиз керак бўлган давр эса шубҳа остидадир, фақатгина биз яшаб бўлган давр муайян. Фақат угина мустаҳкам, унга тақдир таъсир қилмайди, аммо уни ҳеч ким орқага қайтара ҳам олмайди".

Сенека инсон ҳаётида бойлик тўплаш, ҳурмат-эътибор ва мансабга интилишни қоралайди. "Киши қанчалик баландлаша бошласа, у шунчалик ҳалокатга яқинлашади", дейди у ижтимоий мавқе ҳақида. Лекин унинг ўзи ўзининг ана шундай чақириқларига риоя қилмаган ва ўз даврининг энг бой-бадавлат ва Римдаги ҳаётга таъсир қилувчи кишилардан бири бўлган. Шу маънода унинг ҳаётини "Мулланинг айтганини қил, аммо қилганини қилма" мақолига қиёслаш мумкин. Ана шу жихатга унинг эътиборини қаратганларида у бунга "Бахтли ҳаёт ҳақида" асарида шундай жавоб беради: "... барча файласуфлар ўзлари қандай яшаётганлари ҳақида эмас, балки қандай яшаш кераклиги ҳақида гапирадилар. Фазилатлар ҳақида гапираман, аммо ўзимники ҳақида эмас. Гуноҳларга қарши курашаман, бунда эса ўзимнинг шахсий гуноҳларимга ҳам қарши чиқаман, қачонки уларни енгиб ўтсам, қандай яшаш керак бўлса, шундай яшайман".

Сенека ҳаётнинг мазмуни руҳий жихатдан абсолют тинчланишга эришишда деб билади. Бунга эришиш йўлларида бири ўлимдан қўрқини енгишдир. Бунинг учун инсон фаол ҳаётдан четлашиши ва ўз индивидуал ҳаётига, фақатгина ўзигагина тааллуқли бўлган масалаларга эътибор қаратиши керак.

Марк Аврелий Антонин (121-180). Рим императори, стоикларнинг таниқли вакили. Унинг ҳукмронлиги даврида юз бераётган ижтимоий кризислар анча кучайган. Ҳукмрон табақалар мавжуд тартиботларни ўзгартиришга ҳаракат қилишмаган. Стоиклар ахлоқий таълимотида мавжуд тартибларни сақлаб қолиш усули сифатида қаралган. Марк Аврелий "инсон ҳукмига бўйсунадиган ягона нарса – унинг фикрларидир", деб ҳисоблаган. "Ўз қалбинга қара! У яхшилик манбаидир, унга эътибор бера олсак, у булоқ суви каби тўхтовсиз оқади".

Марк Аврелий дунё тўхтовсиз ўзгаришда деб ҳисоблайди. Инсон интилишларининг мақсади яхши фазилатларга эришишдир. У инсон ўз фикрларини, хатти-ҳаракатини адолатга бўйсундириши лозим деб ҳисоблаган. Аслини олганда Марк Аврелий сўнгги стоик ҳисобланади. Кейинчалик унинг қарашларидаги инсоннинг ўз-ўзини дунёвий ақлга, логосга, ҳудоба бўйсундириши лозимлиги ҳақидаги фикрлари кейинчалик христианлик таълимотида бўйсундирилган.

Таянч тушунча ва иборалар: *Қадимги Шарқ (Миср, Шумер ва Вавилон) цивилизациялари; асотирлар; Ведалар; ҳинд эпослари – «Маҳобҳорат», «Рамаяна»; чорвақлар, брахманизм ҳиндуизм мактаблари; даосизм, моизм ва конфуцийчилик; билимларнинг системалаштирилиши; қадимги грек ва рим файласуфларининг дунёқараши.*

Такрорлаш учун саволлар:

1. Қадимги Миср ва Месопотамиядаги ижтимоий фикрлар қандай характерда бўлган?
2. Одамлар орасидаги тенгсизлик Қадимги Ҳиндистон брахманлари томонидан қандай изоҳланган?
3. Буддизмдаги тўрт ҳақиқат ғоясининг мазмунини тушунтириб беринг.
4. Қадимги Хитой дунёқараши бошқа Шарқ мамлакатлари дунёқарашидан нимаси билан фарқланади?
5. Конфуцийнинг ижтимоий фикрларидаги асосий ғоянинг мазмуни нимада?
6. Қадимги Греция ва Рим ижтимоий фикри тараққиётга хисса қўшган мутафаккирларнинг таълимотлари ва уларнинг тарихий хизматларини тушунтириб беринг.

5-мавзу. Ўрта Осиё мутафаккирларининг инсон ва жамият ҳақидаги таълимотлари

1. Ўрта Осиёда исломгача бўлган ижтимоий фикрлар: зардуштийлик, монийлик, маздакийлик

Марказий Осиёнинг исломгача бўлган даврдаги тарихини, хусусан ижтимоий ҳаёт ҳақидаги тарихини ўрганиш учун қадимги ёзувлар, зардуштийликнинг "Авесто" номли

муқаддас китоби, қадимий Ўрхон-руний матнлари, хитой манбалари, қадимги грек муаллифлари Геродотнинг "Тарих" ва Страбоннинг "География" асарлари ҳамда шу каби бир қатор манбалар қатта аҳамиятга эга.

Баъзи фаразларга кўра, Авесто тахминан милoddан олдинги IX асрдан IV асрга қадар тузилган. Авесто зардуштийлик ҳукмронлик қилган турли мамлакатларда яратилган. Дастлабки қарашда Авесто гўё соф диний китобдек туюлади. Аммо бундай эмас, унда икки жиҳатни: диний-мифологик ва фалсафий жиҳатларни бир-биридан фарқ қилмоқ зарур.

Авесто таълимотига кўра, дунёда икки куч: яхшилик ва ёмонлик кучлари мавжуд бўлиб, улар бир-бирларига абадий ва мурасасиз душманлик қилиб келадилар. Яхшилик кучларига Ахура Мазда, ёмонлик кучларига Анхра Манью бошчилик қилади. Инсоннинг ҳаётини, унинг бахли ёки бахтсиз бўлишини ана шу курашнинг натижаси белгилаб беради. Бир томондан, зардуштийлик фалсафасида инсон субъект сифатида эмас, балки худо таъсир кўрсатадиган объект сифатида иш тутади, яъни инсондан йўлбошчилар, подшолар ва қохинларнинг "ўта инсоний" образлари келтириб чиқарилади. Бу жиҳатдан зардуштийлик христианлик ва иудаизм билан ўхшашдир. Бу иккала динда ҳам инсонни худо "ўз тани ва жонига" ўхшатиб яратган, гўё инсон ва худо айнан бир хилдир. Иккинчи томондан, инсон худоларнинг хизматкори, самовий ва дуёвий ҳокимлар хоҳиш-иродасини бажо келтирувчи ролида майдога чиқади. Аммо шундай бўлишига қарамай, зардуштийлик хоҳиш-ирода ва танлаш эркинлигини инкор этмайди.

Кишилар ўз амалий ишлари, ахлоқий сифатлари билан яхшиликка мойил эканликларини кўрсатишлари ва бу билан ёвуз кучларга қарши курашда эзгу руҳларга кўмалашишлари лозим. Зардушт ёмонликка ихлос қўйганлар учун абадул-абад азоб-укубатлар тайёрлаб қўйган. Ана шу сабабдан ҳам инсон ўз зиммасига муайян мажбурият олар экан, уни адо этиш учун жавобгар бўлиши даркор.

Авесто меҳнат моддий ноз-неъматлар манбаи бўлганлиги учунгина эмас, балки меҳнат ахлоқий хусусият, яхшилик манбаи деб билганлиги учун ҳам инсонни меҳнат қилишга чакиради. Зеро, зардуштийлик этикасига кўра, саховатли бўлиш учун инсон биринчи галда меҳнат қилиши, ўз қўли билан ноз-неъмат яратиши зарур. Шу боисдан ишқмаслик барча нуқсонларнинг қони, деб қаралиши тасодифий эмас.

"Дон эккан киши, таквадорлик уруғини экади, у Маздага ихлосмандлик эътиқодини олға суради, у имонни озиклантириб туради..." ("Ясна", 32). Бу қонунни бажариш 10 минг марта ибодат қилиш билан барабар, юзлаб қурбонлик қилишга тенг. Экин экиш – демак ердаги ёвузликни йўқотишдир, чунки "дон етилганда девларни тер босади, тегирмон пайдо бўлганда девлар гангиб қоладилар, ун чиққанда девлар саросимага туша бошлайдилар, нон пайдо бўлган пайтда девлар қўрққанларидан зўр бериб дод соладилар" ("Ясна", 32).

Меҳнатнинг фавқулodда улкан аҳамиятга эга эканлиги хусусида Авестодан кўп фикрларни келтириш мумкин. Унга кўра инсон олий мавжудот сифатида меҳнат қилиш, моддий ноз-неъматлар яратиш ва етиштириш қобилиятига эга. Борди-ю, у ана шу қобилиятни рўёбга чиқармаса, унда ўз инсонлик моҳиятидан маҳрум бўлади, ёлғончилик ва ёвузлик кучларига маъқул тушадиган ёввойига айланади. Меҳнат инсондаги инсоний кўрсаткичдир, у инсоннинг ахлоқий ҳуқ-атворига баҳо беришда мезон бўлиб хизмат қилади.

Зардуштийлик этикасининг характерли хусусиятларидан бири шуки, Авестода кўпгина ахлоқий тушунчалар инсоний тус берилган абстракция шаклида баён этилади. Яхши фикр – Ахура Мазданинг хусусияти, ёвуз фикр – Анхра Маньонинг хусусияти. Ёвуз руҳлар – девлар, жинлар, иблис ва бошқалар – гуноҳлар, адашишлар, иллатлар ва ҳоказоларнинг инсоний шаклда берилишидир.

Авестода ахлоқ-одоб қоидалари қуйидаги учликда: Хумата (Яхши фикр), Хукта (Яхши сўз), Хваршга (Яхши иш)да ифодаланади. "Мен яхши фикр, яхши сўз, яхши ишга шон-шавкат бахш этаман" ("Ясна", 14), деб таъкидлайди Ахура Мазда.

Инсоннинг фикри, унинг сўзлари ва ишларига бир-бирига карама-қарши икки куч: Воҳу Мана ("Эзгу фикр") ва Ако Мана ("Ёвуз фикр ") таъсир кўрсатади. "Барча фикрлар, сўзлар ва ишлар ичида аслида Эзгулик ва Ёвузлик ётади" ("Ясна", 30).

Авесто тадқиқотчиларининг фикрича, яхши фикр деганда илоҳий қонун руҳидаги, яқин кишисига меҳрибон бўлиш, муҳтожлик ва хавф-хатар остида қолганда кўмаклашишга шайлик, ёвузликка қарши, кишилар бахт ва саодати учун фаол курашишга шайлик, ҳамма билан аҳил ва тотувликда яшаш, дўстликка нисбатан мусаффо бўлиш ғоялари тушунилади. Инсон ўз фикр-хаёлида бошқаларга ҳасад қилмаслиги лозим, яхши ниятли киши дарғазаб бўлмайди ва жаҳолатга берилмайди, чунки бундай ҳолатда у яхши ниятини йўқотади, бурч ва адолатни унутади ва ножўя ҳаракатлар қилади.

Фикр, сўз ва ишнинг бирлиги ибтидоий инсоннинг ажралмас хислати эди. Унинг ахлоқ тўғрисидаги тасаввурлари – ўзи мансуб бўлган жамоа билан узвий боғлангандир. Жамоанинг фикри унинг ҳам фикри, жамоанинг сўзлари унинг ҳам сўзлари, жамоанинг ишлари унинг ҳам ишлари бўлган. Индивидуализм ибтидоий инсонга ёт эди. Хуллас, у жамоага, жамоа эса унга мансуб бўлган. Ижтимоий ва шахсий манфаатларнинг уйғунлиги – уруғчилик жамиятининг характерли белгисидир.

Вақт ўта бориши билан илгариги ахлоқий тушунчалар шахсий мазмун касб эта боради. Масалан, анча кейинги даврлардаги зардуштийликда "яхши сўзлар" деганда аҳдларга риоя қилиш, берилган сўзнинг устидан чиқиш, савдо-сотик ишларида ҳалол бўлиш, қарзларни тўлаш, ўғрилик ва талончилик қилмаслик, ўзгаларнинг молини ўзиники қилиб олмаслик, бузуқликдан ўзини тия билиш ва ҳоказолар тушуниланган. Зардуштийликнинг бу хилдаги йўл-йўриқлари уруғчилик тузумининг емирилиш даврига хосдир.

Милоднинг III асрига келиб, яъни Зардуштийликдан минг йил кейин Эронда монийлик (манихейчлик) вужудга келади ва у III-XI асрлар мобайнида Шимолий Африкадан Хитойгача бўлган улкан ҳудудда тарқалади. VIII-IX асрларда у Марказий Осиёда мустаҳкам ўрин эгаллайди ва уйғурларнинг давлат дини даражасига кўтарилади.

Монийликнинг асосчиси 216-276 йилларда яшаган форсийзабон Моний ҳисобланади. У ўз қарашларини Заратуштра, Будда ва Иисус Христос қарашларининг давоми деб ҳисоблайди. Монийлик жисм ва руҳнинг, яхшилик ва ёмонликнинг, ёруғлик ва зулматнинг ўзаро муносабатларини бир неча босқичлар мобайнидаги ўзаро таъсирини тадқиқ қилади ва ҳаётнинг ана шу босқичлардаги ўзига хосликларини тушунтириб беришга интилади.

Монийлик фикрича инсон моддийлик (зулмат)нинг ижоди бўлиб ўзига руҳни (ёруғлик учқунларини, ижобийликни) қамаб олган. Аммо у материянинг куёшда илғаган дастлабки инсон образида яратилган. Шунинг учун ҳам у ўзида дунёдаги бошқа моддий жисм ва жониворлардан фарқли равишда кўпроқ илоҳийлик хусусиятларига эга. Инсон танасида қамаб олинган руҳни қутқариш учун Муқаддас ота инсон киёфасини олган ўғли Иисусни юборади. У кишиларга зулматдан қутилиш йўли бўлмиш "билимларни", яъни Монийликнинг мазмуни ҳақидаги илмлар мажмуини етказиб беради. Шундан сўнг инсоният ўз-ўзини қутқариш йўлига ўтади.

Монийлик фикрича дунё – зиё ва зулматнинг кураш майдони, инсоннинг вазифаси ёвузликни йўқотиш ва эзгуликка кўмаклашишдир. Моний таълимотига кўра жамият икки тоифа кишилардан – мумтоз зодагонлар (қашшоқликда яшовчи аслзодалар), яъни кам миқдордаги моддий неъматлар билан қаноатланувчи, турмуш қурмайдиган, зоҳидларча яшовчи кишилардан ҳамда меҳнаткаш ва савдогарлар тоифасидан иборат.

Моний фикрича дунё иккитадир: бири – кишилар реал тарзда яшайдиган дунё бўлиб, унда адолатсизлик, зулм, зўравонлик ҳукм суради; иккинчи дунё – "зиё дунёси", "абдий муъжизакор" дунё бўлиб, унинг илоҳий қобиғи гўё олмосдан ясалган, у ҳеч қачон емирилмайди ва ёвуз ниятли киши унда юра олмайди.

Монийнинг фикрича Зиё ва Зулмат, Яхшилик ва Ёмонлик дунёси ўртасида муросасиз кураш боради. Ана шу курашда Яхшилик ғалаба қилмоғи учун инсон ўзининг барча фикрлари, ишлари билан яхшилик кучларига ёрдам кўрсатиши лозим. Моний таълимотига

кўра инсон соф мусаллоқликка, "гуноҳлардан холиликка" фақат таркидунё қилиб ҳаёт кечириш орқалигина эришиши мумкин.

V аср охири – VI аср бошларида, Кубод подшолиги даврида (488-531) Эронда вужудга келган халқ ҳаракатига раҳбарлик қилган эрон зардуштийларининг бош қўли Маздак ибн Ҳамадоннинг (470-529) қарашлари кенг тарқалган. У ўз таълимотида одамлар азалдан тенг бўлган, деган ғояни илгари суради. Улар ўртасидаги кескин дунёвий фарқни имкони борича йўқотиш ва қисқартиришни, катта бойларнинг ер ва мол-мулкни тортиб олиб, камбағалларга бўлиб бериш фикрини тарғиб қилди. Улар одамларни худо тенг яратган, шунинг учун улар неъматларни тенг тақсимлаши керак, деган фикрга таяниб баъзиларда кўп тўпланган бойликларни тортиб олиш қонуний, зеро улар ортиқча нарсалардир ва ноқонуний йўл билан тўпланган, деб ҳисоблаганлар.

Тарихий манбаларнинг хабар беришича, маздакчилар мулк борасида кескин фарққа чек қўйиш талабига амал қилишган ва буни амалга оширганлар. Маздак таълимоти қон тўкилишини фақат бир сабаб билан, яъни яхшилиқнинг ёмонлик устидан ғалабасини таъминлаш мақсадида оқлаш мумкин деб ҳисоблаган.

Ҳаётий неъматларни тақсимлашда адолатни жорий қилиш, шу йўл билан тенгсизликка барҳам бериш ва уни йўқотиш талаблари туфайли Маздак таълимоти кенг тарқалди, меҳнаткашлар уни қўллаб-қувватлади ва у кўпгина мамлакатларда оммавий таълимотга айланди. Унда ижтимоий зулмга қарши кураш муқаддас вазифа сифатида тарғиб этилди. Маздакия ҳаракати тарихда катта роль ўйнади. Бу ҳаракат қарийб 20 йилдан кўпроқ давом этди. Маздак таълимоти кўп асрлар мобайнида Эрон, Марказий Осиё ва Озарбайжонда халқ қўзғолонларининг ғоявий байроғи бўлиб хизмат қилди. Масалан, Абумуслим, Муқанна ва Бобек қўзғолонлари маздакизм таълимотининг кучли таъсири остида кўтарилган эди.

2. Ўрта Осиёлик атоқли илм-фан намоёндалари таълимотида инсон ва жамият масалалари

VIII-IX асрлар давомида Мавороуннахрга янги, ислом дини кириб келади. Кенг халқ оммасининг ташқи босқинчилар ва маҳаллий феодалларга қарши узоқ вақт мобайнида олиб борган шиддатли кураши (Маздак таълимотидан илҳомланган Муқанна раҳбарлигидаги қўзғолон мазкур курашнинг чўққиси бўлган эди) мағлубиятга учради. Ана шу улкан ҳудудда ислом ҳукмрон мафжурага айланди.

IX-X асрлар Марказий Осиёнинг тараққиётида муҳим давр бўлди. Араб халифалиги ҳукмронлиги тугатилди ва маҳаллий марказлашган давлатлар ташкил топди. Бу даврда Марказий Осиё халқларининг аجدодлари томонидан дунё илм-фани, маданияти ривожига дурдона бўлиб қўшилган янгиликлар вужудга келтирилди.

Абу Наср Форобий (872-950) -ўз таълимоти асосларини қадимий грек ва араб файласуфларининг асарларига таянган ҳолда яратган мутафаккир. У Аристотелнинг "Метафизика" асарига шарҳлар ёзган ва шу тариқа уни Европанинг кейинги авлодларига сақлаб қолган. Чунки IX-X асрларда Европада дин, схоластиканинг кенг ва мустаҳкам ҳукмронлиги туфайли Аристотелнинг дунёқараши у ерларда номаълум бўлиб қолганди.

Форобийнинг табиий-илмий, фалсафий ва ижтимоий қарашлари жаҳон фанининг ривожига муҳим роль ўйнади. Унинг қарашлари бой ва ранг-баранг бўлиб, моҳият эътибори билан ўз замонасида тараққийпарвар ва илғор бўлган.

Форобий ўсимликлар, ҳайвонот олами ва кишилар дунёси бир-биридан тубдан фарқ қилишини қайд этади. Ў ўзининг "Фалсафанинг асосий ғоялари тўғрисида" деган асарида инсоннинг муҳим фазилати – унинг сўзловчи мавжудот эканлигидир, дейди. Унинг фикрича барча кишилар тана тузилиши бўйича бир хилдир, бироқ улар характер нуқтаи назаридан муздек сув қайноқ сувдан, оқ қўйлақ қора қўйлақдан фарқ қилганидек, бир-биридан фарқ қилади, дейди. Форобий Аристотелнинг инсон ижтимоий ҳайвон, деган фикрига қўшилади.

Форобийнинг инсон ва жамият ҳақидаги фикрлари унинг "Фозил шаҳар аҳолиси" асарида кенг баён қилиб берилган. Унинг фикрича "Ақл ва нафс инсоннинг

бошланғичидир... аммо бу бошланғичлар одамзотнинг шу табиий бошланғичлар (яъни моддий борлик) таъсири остида камол топиб, инсонга айланиши учун кифоя қилмайди, чунки инсон инсоний камолотга эришуви учун сўзлаш, ишлаш (касб-хунар)га мухтождир".

Унинг фикрича инсон доимо камолотга интилади. "Лекин бу... куруқ интилиш билангина чекланиб қолмасдан, балки табиий мавжудотдаги жуда кўп предметлардан фойдаланиш йўли билан ёки шу табиатда бўлган жуда кўп ишларни амалга ошириш билан кўлга киритилади... Бир кишининг ўзи ёлғиз, бировнинг ёки кўпчиликнинг ёрдамисиз камолотга эришуви мумкин эмас,- дейди Форобий, - ҳар бир инсоннинг туғма табиатида ва унга лозим бўлган ҳар қандай иш-ҳаракат жараёнида бошқа бир инсон ёки кўпчилик билан муносабатда бўлиш, ўзаро алоқа қилиш хусусияти бор, одамзот жинсидан бўлган ҳар қандай инсоннинг аҳволи шу, у ҳар қандай камолотга эришувида бошқаларнинг кўмаклашувларига ва улар билан бирлашишга мухтож ёки мажбурдир"¹. Шундай қилиб, инсон ўз ижтимоий вазифаларини адо этиш учун бошқа кишилар билан мулоқотга мухтождир.

Форобийнинг фозил жамоа қуриш ҳақидаги таълимотига адолат ғояси асос қилиб олинган. Унда адолат жамиятдаги барча кишилар учун бахт-саодат эшикларини очиб берувчи, барча учун керакли ва фойдали бўлган буюк неъмат эканлаги таъкидланади. Унинг юзага чиқиши учун муайян ижтимоий шарт-шароитлар, энг аввало, юксак ахлоқий ва маънавий асослар устига қурилган фозил жамоа бунёд этилмоғи лозим. Фозил жамоада одамлар фақат саъй-ҳаракатлари, фазилатли ишлари, ҳамжихатлик ва ўзаро ҳамкорлик билан бахтга эришадилар. Жамият ҳаётида ҳамкорлик, ҳамжихатлик, осойишталик ва фаровонликнинг вужудга келиши адолатдандир. Демак, адолат фозил ҳукмдор раҳбарлигидаги мукамал давлатчилик фаолияти натижасида юзага чиқадиган эзгу ишлар натижасидир.

Форобийнинг фикрича, ҳамма учун бахт-саодат эшикларини очиш имкониятини вужудга келтириш фозил жамоанинг ўз олдига қўйган юксак мақсадидир. Бу мақсадни амалга ошириш учун донолик ва ақл-фаросат билан иш олиб бориш лозим. Фозил жамоанинг бошқа номукамал жамиятлардан фарқи шундаки, унинг фуқаролари инсоннинг ҳаётига боғлиқ бўлган фазилатли нарсаларга эришиш мақсадида бир-бирига кўмаклашадилар, жамият ҳаётида ўзаро ишонч, меҳр-муҳаббатни қарор топишига олиб келувчи ҳатти-ҳаракатларни амалга оширадилар. Чунки уларнинг мақсади битта – бахтга эришмоқ. Шу боис фозил жамоанинг мавжудлиги – ижтимоий адолатнинг қарор топганлигининг ифадасидир.

Форобий адолатнинг барча соҳаларга тарқалиши зарурлигини таъкидлайди. Унинг фикрича "адолат – бу авваламбор барча жамоа аъзолари қарамоғидаги ижтимоий неъматларнинг (тўғри) тақсимотидир, ундан ташқари, кишилараро тақсимланган неъматларни сақлаб қолиш ҳамдир. Бундай неъматлар қаторига фаровонлик, бойлик, иззат-икром, ҳар бир одамнинг жамиятда тутган ўрни ва фуқароларнинг турмушига алоқадор бошқа неъматлар киради. Чунки жамоа аъзоларининг ҳар бири ўзининг меҳнатига мувофиқ ҳолда бу неъматлардан тегишли ҳиссасини олиши керак. Шу боис агар бирор кишига бу неъматлар камроқ тақсим этилса, унга нисбатан адолатсизлик бўлади. Мабодо бу неъматларнинг тақсим қилинишида бир одамнинг улуши кўпайиб кетса, у чоғда бошқа жамоа аъзоларининг ҳақиқа нисбатан адолатсизлик содир бўлади"².

Маълумки, Форобий ўша пайтдаги ҳукмрон тасаввурларга мувофиқ дунёнинг, шу жумладан, инсоннинг худо томонидан яратилганини инкор қилмаган. Аммо инсон ҳеч нарсага қодир бўлмаган, кучсиз нарса эмасдир, у табиатдаги энг юқори жонзотдир ҳамда ақл-идроқи туфайли дунёни англаб олади ва ўзига зарур нарсаларни яратади, дейди у. Унингча барча кишилар бир-бири билан туғилиш жиҳатидан тенгдирлар, уларнинг тақдири кўп жиҳатдан ўзларига боғлиқ. Бироқ атроф-муҳит, тарбия ва шахснинг ахлоқий камол топишига боғлиқ ҳолда инсон ёки яхши, ёки ёмон йўлга кириб кетиши мумкин. Бу кўп жиҳатдан тарбиячиларга ва тарбияга масъул бўлган давлат бошқарувчиларига боғлиқ.

¹ Қаранг: М.М.Хайруллаев. Форобий. Т., ЎзССР ФА нашриёти, 1963, 187-бет.

² Фараби. Социально-этические трактаты. Алма-Ата. 1973, 224-бет.

Фаробий маърифатли подшоҳ ва давлатда оқил қонун-қоидаларнинг мавжудлиги билан табиатан бир хил яратилган кишилар ҳар томонлама камол топиши мумкинлигига ишонган. Унинг бу фикрлари умуман олганда ҳаёлий туюлса-да, аммо ана шу фикрлар бир неча юз йиллар кейин Европа мамлакатларидаги маърифатпарварлар томонидан қўтариб чиқилганлиги билан ҳам диққатга сазовордир.

Абу Райҳон Беруний (973-1048) - ўрта асрларнинг машҳур қомусий илм соҳиби, деярли барча илмлар соҳасида қалам тебратган, жуда кўплаб кашфиётлар қилган. Ўша даврдаги ҳукмрон қарашларга мувофиқ Беруний дунёнинг яратиши масалаларида расман диний дунёқарашни тан олган бўлса-да, кўпгина масалаларда унинг қарашлари чуқур илмийлиги ва ўзига хослиги билан ажралаб туради.

Беруний фикрича инсон табиат тараққиётининг гултожидир, чунки "инсон тури барча ҳайвонлардан етуқроқдир... унга ерни яхшилаш ва унда бошқаришни амалга ошириш учун... тафаккурдек куч ато этилган"³. Шунинг учун, дейди Беруний, у ўзига берилган мақсадга мос бўлиши учун юқори даражада маълумотли бўлиши керак. Унинг фикрича, инсоннинг маънавий қиёфаси у яшаётган ижтимоий муҳитдан келиб чиқади.

Беруний жамиятнинг вужудга келиши асосида кишиларнинг моддий эҳтиёжлари туришини таъкидлаган эди. "Инсон унда кўплаб эҳтиёжлар мавжудлиги, ўзини ҳимоя қилиш усуллариининг камлиги ва душманларининг кўплиги боис ўзига ўхшаш кишилар билан ўзаро қўмаклашиш ҳамда уни ва бошқаларни таъминлашга қодир ишларни амалга ошириш учун жамиятга бирлашишга мажбур бўлади"⁴.

Беруний асл инсоний ҳислатлар қаторига мурувватлиликни киритади. Мурувватли киши, унинг фикрича юксак маданиятли, доно, билимли, ахлоқий етуқ, илғор дунёқарашга эга инсондир. Ана шундай кишилар бошқаларга яхши муносабатда бўладилар, ортиқча зебу-зийнатларга интилмайдилар, деҳқончиликми, ҳунармандчиликми, савдогарчиликми бўлмасин, ўз меҳнати эвазига кун кечирадилар. Улар доимо сабр-тоқатли, мулойим, қатъий ва содда-оддий кишилардир.

Давлат раҳбарлари тўғрисидаги фикрларда Беруний ўз давридаги қарашлар доирасидан чиқиб кетолмаган. Жумладан, у жамиятдаги кўпгина ёмонликлар, зулм ва адолатсизликлар мамлакатга ҳукмдорлик қилувчи кишининг шахсига боғлиқлигини таъкидлаб, жамиятнинг яхшиланишини маърифатли, доно ҳукмдор бошқариши билан боғлаган. Бундай ҳукмдорнинг асосий вазифаси юқори доирадагилар билан паст табақадагилар, кучлилар ва кучсизлар орасида адолатни тиклашдан иборат деб тушунган. Унинг фикрича давлат ҳокимиятини бошқаришнинг наслдан-наслга ўтказилиши ўзини оқлайди. Шундай бўлсада, у кишилар ўртасидаги шафқатсизлик, ноинсоний муносабатларни танқид қилади.

Берунийнинг улуғлиги яна шундаки, у турли ирққа, динга мансуб бўлган ва турли ҳудудларда яшайдиган кишилар, халқлар ўртасидаги дўстликка катта эътибор беради. У айнан халқлар дўстлигида ижтимоий тараққиётнинг кучини, инсоний бахт-саодатнинг асосини кўради. Унинг фикрича ҳақиқий дўстликсиз ҳақиқий бахтнинг бўлиши мумкин эмас.

Беруний ўз даври диний дунёқараш доирасидан чиқиб, умуминсоний аҳамият касб этадиган ахлоқий сифатларга эга инсон ҳақида ҳам фикр юритади. Унинг фикрича, олижаноблик фақатгина диний қоидаларни ижро этишдангина иборат эмасдир (бу нарсa, ҳар қандай мусулмон учун зарурий талабдир). Олийжаноблик ҳар ким фақат ўзига ва ўзига яқин кишигагина эмас, балки барча кишиларга яхшилик тиласагина ўзининг тўлиқ мазмунини кўрсатади.

Абу Али ибн Сино (980 - 1037) ўз таълимотида асосан тиббиёт ва табиий фанларга кўпроқ ўрин беради. Ижтимоий ҳаёт ҳақида унинг махсус асари сақланиб қолмаган, аммо биз бу ҳақдаги унинг қарашлари тўғрисида бошқа асарларига суяниб фикр юритишимиз мумкин. Унинг фикрича, кишилар нормал ҳаёт кечиришлари учун уларни бирлаштириб ва

³ Беруний. Танланган асарлар. т.2. Минерология. Т., 1963. 9-бет.

⁴ Беруний. Танланган асарлар. т.3. Т., 1966, 83-бет.

бошқариб турадиган, қонун яратиш имкониятига эга бўлган бошқарувчига эҳтиёж сезадилар. Бу бошқарувчи (ёки пайғамбар) кишиларга қандай яшаш ва фаолият кўрсатишлари кераклиги ҳақида кўрсатмалар ишлаб чиқиши, уларни ҳаётга татбиқ этиши, вафотидан кейин эса уларга қолдириши лозим. Пайғамбар ўз ўрнига кимнидир халифа сифатида қолдириши керак. Бордию у бундай қилмаган бўлса, халифани сайлаш лозим. Янги доҳий, раҳбар давлат бошлиғи сифатида раҳбарлик сифатига эга бўлиши, мустақил бўлиши, ақлли, ахлоқий пок, билимларда ҳам кучли бўлиши керак.

Ибн Сино кишиларнинг табиатан тенг эмаслигини тан олган ва улар ўртасидаги ижтимоий тенгсизликка ҳам шунга биноан табиий ҳодиса сифатида қараган. Кишилар ўз ҳолатларини англаши ва шунга қаноат қилишлари керак.

Ибн Сино жамият ҳаёти меҳнатнинг бошқарувчилар, тартиб посбонлари ва ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги тақсимотида асосланишини, шунга асосан жамият иерархияли тузилишга эга эканлигини айтади. Жамиятда энг паст даражада қуллар туради (унинг фикрича географик муҳит таъсирида турклар ва эфиопларгина қул бўлиши мумкин, яъни улар "ўз табиатида кўра қулдир"). Фойдали меҳнат ҳар бир фуқаронинг бурчидир; меҳнат қилишга қодир бўлмаган ва ишлаб чиқариш соҳасидан бошқа иш билан шуғулланувчиларни (масалан, тартиб посбонларини) давлат боқиши керак. Давлат хазинаси мулк ва фойда солиқлари, шунингдек ўғрилар, қартабозлар каби ҳуқуқбузарларга солинадиган жарималар ҳисобига тўлиб боради.

Унинг фикрича жамият ҳаётида никоҳ муносабатлари бирламчи аҳамиятга эга. Давлат бошлиғи энг аввало никоҳ ҳақидаги қонунга аҳамият бериши керак, чунки никоҳ авлоднинг давом этишига, жамият фуқароларининг келажагига бевосита дахлдордир. Ижтимоий ҳаётда меҳнат қилмаслик, ўғрилик, саррофлик, қартабозлик ва бошқалар тақиқлангани каби, никоҳда ҳам бузғунчилик қатъий тақиқ осига олиниши лозим. Ажралишлар мумкин қадар қийинлаштирилиши керак: аёллар учун бу масала суд орқали ечилиши, эркеклар учун никоҳни бекор қилиш учун катта жарималар жорий қилиниши керак. Бу соҳада тушунмовчиликлар, мерос масалаларида очиқлик бўлиши учун никоҳга кириш масалалари очиқ бўлиши керак.

Эркек, оила бошлиғи оиланинг ҳолати учун жавобгардир, у йўқлигида оила ишларидаги жавобгарлик аёл, хотинга юкланади. Ибн Сино оилавий тарбия, болаларнинг келажаги масалаларига катта эътибор билан қарайди. Унинг фикрича оилавий тарбия энг аввало болаларга билим бериш, уларга аниқ бир ҳунар беришга йўналтирилган бўлиши керак. Бунда болаларнинг лаёқатларига эътибор берилиши, улардан имкон бўлмаган нарсани талаб қилишга интилмаслик керак.

Кишининг олий ахлоқий даражага эришганлиги унинг ўз ҳатти-ҳаракатларини, яхшилик кўрсатишини ўзи учун, ўз мақсадига эришиш учун эмас, бирор нарсага таъма қилиш учун эмас, яхши ёки илиқ тасаввур туғдириш учун эмас, балки ҳеч қандай таъмаларсиз бажарганлигида кўринади. Унинг фикрича, инсон энг олий бахтга ўзидаги ҳайвоний ҳислатлар, кучларни ақл кучига бўйсундирган тақдирдагина, ҳаёлан одатдаги истаклар дунёсидан олий истаклар дунёсига учиб ўтган тақдирдагина эришади.

Мана шулар ҳам кўрсатиб турибдики, Ибн Сино Форобийга ўхшаб "Фозил шаҳар" ҳақида махсус асар қолдирмаган бўлса ҳам, унинг инсон, унинг ҳислатлари қандай бўлиши, ана шундай жамоада яшайдиган кишиларнинг қандай бўлиши лозимлиги ҳақидаги фикрларида улар яқдилдирлар.

3. Марказий Осиёлик машҳур мутасаввуфлар ижодида шахс ва жамоа муносабатлари, ижтимоий адолат масалалари⁵

⁵ Мазкур масалани ёритишда салоҳиятли олим, марҳум Ғуломхон Ғафуровнинг "Шарқ жавоҳирлари" китобидаги материаллардан фойдаланилди.

Имом **Мухаммад ибн Исмоил ал-Бухорий** (809-870) номи ислом оламида алоҳида ҳурмат билан тилга олинади. Унинг "Ал-Жомеъ ас-Саҳийҳ" (Ишончли тўплам) ва "Ал-адаб Ал-муфрад" (Адаб дурдоналари) деган шоҳ асарлари бутун мусулмон оламига танилган. Мазкур асарларда унинг жамият ҳаётининг турли жабҳалари, кишиларнинг ўзаро муносабатларидаги мураккаб масалаларга оид фикрлари тўпланган. Улар ислом динининг асосчиси Мухаммад алайҳиссаломнинг ҳаётда учрайдиган мураккаб масалалар борасида айтган фикрлари, саъй-амалларига асосланиб тузилган кўплаб ҳадисларни ҳам ўз ичига олган. Шулар асосида биз мазкур алломанинг дунёқараши, ижтимоий фикрлари ҳақида сўз юритишимиз мумкин.

"Ал-Жомеъ ас-Саҳийҳ" (Ишончли тўплам) тўрт жилддан иборат бўлиб ислом оламида муҳаддислар тузган ҳадис китобларининг энг ишонарлиси ва мукаммали ҳисобланади. Тўпламга 600 минг ҳадисдан 7275 та саҳийҳ ҳадислар киритилган. Имом ал-Бухорий тўпламининг эътиборли жиҳати шундаки, унда Мухаммад алайҳиссалом ҳадиси шарифларидан ташқари фикҳ, ислом маросимчилиги, одоб-ахлоқ, таълим-тарбия ҳамда ўша давр тарихи, географияси ва этнографиясига доир маълумотлар ҳам мавжуд.

Имом Бухорийнинг "Ал-Жомеъ ас-Саҳийҳ" (Ишончли тўплам) китоблари ўзбек тилига таржима қилиниб "Ҳадис" номи билан тўрт жилдда нашр қилинди. Бу китоблар имон-эътиқодимиз ва маънавий қадриятларимизнинг тикланишига, ёшларни одоб-ахлоқли қилиб тарбиялашга, айниқса, уларда ҳалоллик, поклик, ростгўйлик, адолат, яхшилик, саҳийлик каби фазилатларни қарор топтириш ва мустаҳкамлашга бениҳоя кўп хизмат қилади.

У ёзган китоблар орасида "Ал-адаб Ал-муфрад" (Адаб дурдоналари) деган ҳадислар тўплами алоҳида қимматга эга. Бу улуғ китоб мусулмонларни яхши одоб-ахлоқ руҳида тарбиялашга ўн икки асрдан бери хизмат қилиб келмоқда. Бу асарга 1322 та ҳадис ва хабарлар жамланиб, улар 644 бобда баён этилган.

Бу китобга кирган ҳадисларда ота-онани ҳурмат қилиш, кексалар ва ёшлар орасидаги муносабатлар, қавм-қариндошлик одоби ва қоидалари, зиёрат қилиш, аёлларни эъзозлаш, хушомадгўйлик ва маддоҳлик, тежамкорлик ва исрофгарчилик, жоҳиллик ва зулмкорлик, дўстлик ва садоқат, шарм-ҳаё ва уятчанлик каби инсоний ва ғайри инсоний фазилатларнинг энг майда зарраларидан тортиб, энг катта ахлоқий тушунчаларигача сўз боради.

Абу Исо ат-Термизий (824-892) Сурхондарёнинг ҳозирги Шеробод шаҳрида туғилган. Ёшлигидан ҳадис мутолаасига киришиб, уларни тўплай бошлаган, кўплаб ҳадисчи олимлар билан мулоқотда бўлган. У ҳадисларни тўплаш ва жойида ўрганиш учун машаққатли сафарларга чиқиб, эшитган ҳадисларини батартиб ёзиб борган. У Ироқ, Исфаҳон, Хуросон, Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунавварада ўз билимини оширган. Нишопур шаҳрида устоз Имом ал-Бухорий билан учрашиб, у билан мулоқот қилади. Ундан фикҳи ҳадис илмини ўрганади.

Ат-Термизийнинг фикҳ - ислом қонуншунослиги бобларига мослаб ёзган "Сунан" номли китоби бу соҳадаги тегишли мавзуларни қамраб олганлиги сабабли "Ал-Жомеъ ас-Саҳийҳ" номи остида ҳам шухрат топган.

Ислом оламида ҳадис китобларининг биринчиси сифатида ал-Бухорийнинг, иккинчиси – Муслимнинг "Ал-Жомеъ ас-Саҳийҳ"лари, учинчиси сифатида ат-Термизийнинг "Сунани" умум эътироф этилган. Имом ал-Ансорий ат-Термизийнинг китобини ал-Бухорий ва Муслимнинг китобларидан ҳам устун қўяди. Чунки, унинг айтишича, ал-Бухорий ва Муслимнинг китобларидан фақат олимларгина фойдаланадилар, ат-Термизийнинг китоби эса, ҳар бир оддий инсон учун ҳам фойдалидир.

Ат-Термизийнинг "Китоб аш-шамоили ан-Набавия" рисоласи ҳам жуда машҳур бўлиб, исломшунос ва тадқиқотчиларни ўзига тортиб келади. Асарда келтирилган ҳадисларда пайғамбар алайҳиссаломнинг нафақат ташқи қиёфаси, шу билан бирга унинг ички дунёси, ахлоқий фазилатлари очиқ берилган. Жумладан, унинг катталару кичиклар, аёллару эркаклар, бойлару камбағаллар билан ўзини бир хил муомалада тутиши, рўзғор ва оила юмушларида ўз аҳли аёлларига астойдил қўмаклашиши, бирор гуноҳ қилиб қўйган

киши узр сўраса, унинг гуноҳини кечиргани, барча одамлар билан ўта латофатли муносабатда ва ширинсухан бўлгани, йўлида учраган барча кишиларга биринчи бўлиб салом бериб, ҳол-аҳвол сўрашишлари аён бўлади. Бу китобни ўқиган барча киши пайғамбаримизнинг хулқларини ўрганиб, ана шундай хушхулқ бўлишга интилиши табиийдир.

Ат-Термизийнинг ўзи ҳам таквадор, хушхулқ инсон бўлиб, кўп меҳнат ва ижод қилар, ахлоқсизликни қоралар эдилар. У киши доимо илм-фанни тарғиб қилар, кишиларни илм олишга даъват этардилар. Алломанинг асрлар давомида фозилу фузалоларга дастур бўлиб келган одоб-ахлоқ, инсоф-диёнат, адолат ва инсонпарварлик сингари ғояларни тарғиб ва ташвиқ этувчи асарлари давримизнинг мураккаб ва зиддиятли ахлоқий-маънавий масалаларини ҳал этишда ҳам улкан аҳамият касб этади.

Қуйида унинг асарларида келтирилган ҳадислардан намуналарни эътиборингизга ҳавола этамиз:

- *Дастлабки зарба кўрганингда сабрли бўл.*
- *Ўлган кишиларингизнинг яхши фазилатларини эслаб, ёмонликлари ҳақида оғиз очмангиз.*
- *Учта дуо, шак-шубҳасиз, мустажобдир: жабрланган мазлум кишининг дуоси, мусофирнинг дуоси ва отанинг ўз ўғлига қилган дуоси.*
- *Раҳм-шафқатсиз киши ҳеч вақт жаннатга кирмайди.*
- *Ўзал хулқидан ҳам тарозида ўлчаниб оғир келадиган нарса борми? Чунончи ўзал хулқ соҳиби ўз феъли атори билан муттасил намоз ўқиган ва рўза тутган мумин даражасига лойиқдир.*
- *Чинакам сабр-тоқатли деб, мусулмон кишининг мусибат юз бергандаги чидамлилигига айтилади.*
- *Яқин кишиси вафот этганда жоҳилият давридаги одат бўлган ёқа йиртиш, ортиқча наъра тортиб йиғлаш каби одатларга амал қилган зот мусулмон саналмайди.*
- *Ҳақиқий мўмин деб хушхулқ ва аёлига нисбатан хушмуомала кишига айтилади.*
- *Кимга олийҳимматлик берилган бўлса, унга ҳамма нарса берилган ҳисобланади. Кимга у берилмаган бўлса, унга ҳеч нарса берилмаган бўлади.*

Аҳмад Яссавий (1103-1166) Туркистонда суфийлик таълимоти асосчиларидан бири, туркий тасаввуф шеърятининг буюк вакили. У Абдухолиқ Гиждувоний билан бирга машҳур мутасаввуф Юсуф Ҳамадонийнинг шогирдларидан ва унинг давомчиларидан бири ҳисобланади. У 63 ёшга тўлгач, ер остида қурган чиллахонага тушиб яна 60 йил яшагани ҳақида кўплаб фикрлар бор. Унинг энг машҳур асари "Ҳикмат" китобидир.

Аҳмад Яссавий ахлоқ-одобга даъват, ғариблар кўнглига фароғат бағишлаш, айна пайтда нодонлардан қочиш, бу дунёни айшу ишрат дегувчиларни инсофга чақиришда ҳалигача улуг даъватчилардан бири бўлиб қолмоқда.

Яссавийчилик манзилма-манзил кезиб юрувчи сўфийлар тариқатидир. Унинг моҳиятини зоҳидона хилват ташкил этади. Яссавий ўз ахлоқий қарашларини – сўфийлик таълимотини ислом дини қонунларига мувофиқ баён қилади. Унинг фикрича, бу дунё – табиатнинг моҳиятини оллоҳ ташкил этади, шу маънода бу дунё комил эмас, у дунё эса комиллик оламидир. Шу боис бу дунёнинг ҳавасларидан кўнгил узиб, у дунё абадийлигига меҳр қўйиб яшамок керак. Инсоннинг мақсади Оллоҳ васлига етишиш, ўзликдан воз кечиш ва жаннатдан ўрин олишга интилишдир. Бунинг учун мусулмон киши ислом қонунларини бажариши, шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат босқичларидан ўтиши, ўзликдан воз кечиши, яъни жонни қафасдан – танадан озод қилиши, ўзни хилватга солиши, фикр ва зикрни Оллоҳга бериши шарт.

Унинг ахлоқий қарашларида поклик, адолат, инсоф, қаноат, Оллоҳ ишқи билан яшаш каби инсоний фазилатлар қуйланади. Айна пайтда куфр ва иблис васвасаси – нодонлик, гумроҳлик, жаҳолат, таъмагирликни қаттиқ қоралайди. Хусусан, ижтимоий ҳаётдаги

тенгсизлик ва адолатсизликка қарши чиқади. Унинг бу фикрлари қуйидаги мисраларда акс этган:

*Бешак билинг, бу дунё борча элдан ўтаро,
Ишонмагил молинга, бир кун қўлдан кетаро,
Ота-она, қариндош, қаён кетти, фикр қил,
Тўрт оёқли чубин от бир кун сенга етаро.*

*Дунё учун ғам ема, Ҳақдин ўзгани дема,
Киши молини ема, сирот узра тутаро,
Аҳли аёл, қариндош, ҳеч ким бўлмайди йўлдош
Мардона бўл ғариб бош, умринг елдек ўтаро.*

*Қул Хожса Аҳмад тоат қил, умринг билмам неча йил,
Аслинг билсанг, оби гил, яна гилга кетаро.*

Аҳмад Яссавий тариқатида ахлокий масалалар шу қадар теран таҳлил қилинганки, улар замонлар оша яшаб келмоқда. Иймон-этикод бу тариқатнинг мағзи-мағзига сингиб кетган. Маънавий қадриятлар қадрланмаса, адолат устунлари қуласа, олимлар ҳақ сўзни айтмасалар, "турлик-турлик егонлар, кимхоб чопон кийгонлар"дан хайр-саховат, қиз-жувонлардан шарм-ҳаё кўтарилса, одамлардан меҳр-оқибат қочса, ғофиллик ғолиб бўлиб, нодонлар кўпаяди.

У золим подшоҳлар, вазирлар, риёкор дарвешлар туфайли оёқ ости қилинган, эзилган, турли балолар остида қолган жафокаш халқ ҳақида қайғуради. Яссавий таълимотида "нодонлик" тушунчаси алоҳида аҳамиятга эга. Инсоннинг Ҳақни танимаслиги унинг нодонлигидир. Нодонлик қулфат келтиради. Нодонлик – ўз-ўзига ёвузлик қилишдир. Нодон кимса энг катта гуноҳкор ҳисобланади. Яссавийда "нодон" шу қадар пастназар, маломатли, тошбағир бир кимсаки, ҳатто у билан дўзахга ҳам кириб бўлмайди, ундан дўзах ҳам ҳазар қилади.

Баҳовуддин Нақшбанд (1318-1389) озга қаноат қилиш, хоҳиш-иродага кўра фақирона ҳаёт кечириш талаблари билан дунё мол-мулки ва дабдабадан воз кечган ва шуни тарғиб қилган. Нақшбанд ахлокий таълимотида хурфигкриликка кенг йўл берилган. Бу тариқатда меҳнат қилиш, илм олиш, ўз меҳнати билан топилган бойлик ҳалол бўлиши, ноз-неъматларни кўпчилик билан баҳам кўриш, фақирона ҳаёт кечириш, ҳаммага яхшилиқни раво кўриш ғоялари илгари сурилган.

Нақшбанд таълимоти бировлар ҳисобидан яшашни қатъий рад этган, фақат пешона тери, ўз қўл меҳнати билан топилган ризқ-рўзни ҳалол деб ҳисоблаган. Унинг асосий шиори "Дил ба ёру, даст ба кор" ("Дил Оллоҳда, қўл ишда"). Баҳовуддин Нақшбанднинг ўзи ҳам бир парча ерда деҳқончилик қилган ва косиблик қилиб кун кечирган. Унинг издошлари ҳам ҳунармандчилик, савдогарлик, адиблик, олимлик, меъморлик, ҳаттотлик каби касб-корлик билан шуғулланиб, ҳалол яшашни тарғиб қилганлар. Нақшбандийлик ҳар қандай таркидунёчиликка, мулкдорларнинг эса қашшоқларни эзишига қарши чиқди. Бу таълимот дарвешликнинг баъзи томонларини ислоҳ қилиб, уларнинг алғов-далғов, нотинч ҳаёт тарзини бутунлай ўзгартириб, осойишта, беҳавотир яшашлари, бировларнинг қўлига қарам бўлмаслик учун меҳнат билан шуғулланишни тарғиб қилди.

Баҳовуддин Нақшбанд тариқати инсонни маънавий-руҳий комилликка элтувчи исломий тариқатлардан шу билан фарқланадики, унинг соҳиблари моддий оламга ҳам ўта фаол, холис ва инсоний муносабатда бўладилар. Нақшбандий тариқати ахлокий тизими аввалги тасаввуфчилардан бир оз фарқ қилади. Мазкур таълимотда инсон табиат неъматларидан лаззатланиши, аммо бу лаззат ҳисси Оллоҳни эсдан чиқаришга, у дунёни унутишга хизмат қилмаслиги, инсон ботиний (ички) Оллоҳ билан, зоҳирий (ташки) халқ билан бўлиши, уни севиши лозим, деб тушунтирилади.

Нақшбанд таълимотича, инсонлардан холи, хилватда яшашда, ёлғизликда офат бордир. Жамоага уюшиш, бирлашиш – суҳбат-анжуман воситасида кўпчилик билан алоқада, мулоқотда бўлиш лозим. Бирлик ва ҳамжихат яшашликнинг асосий шартларидан бири – ўз кўл кучи, меҳнати билан ҳалол ризқ-рўз топиб кун кечириш, тирикчилик қилишдир. Бу ҳолат қул сақлаш, хожа бўлиш, ўз манфаати учун ўзганинг меҳнатидан фойдаланишни истисно қилади. Қул бўлишлик, хожалик бандаликка тўғри келмайди. Ҳамма Оллоҳнинг қули, хизматкори.

Инсон ҳар бир қадамини ўйлаб, фикрлаб босиши, бир иш қилишдан олдин ҳар бир хатти-ҳаракатини мулоҳаза: мушоҳада қилиб кўриши: иш сўнггида пушаймон бўлмаслиги: бахтсизлик: ғам-аламга юз бурмаслиги керак. Инсон ҳаёт қийинчиликлари олдида қаноат, сабр-бардошли бўлиши лозим, бунинг учун у фаолиятда бўлиши, бадан тан-сихатлиги, ақл қувватини ишга солиши, ҳар ишни тажрибада синаб кўриши, оз сўзлаб, оз ейиши, ҳуллас - нафсни жиловлаши, ёмон ишлардан парҳез қилиши, яъни инсон ўз нафсига ҳоким бўлмоғи лозим.

Биз юқорида кўриб ўтган ва кўриб ўтишга улгурмаган барча мутасаввуфлар меҳнати ўлароқ яратилган тасаввуф таълимотининг асосини таникли олим Н.Комиловнинг жуда ўринли таъкидлашича, "қуйидаги тамойиллар ташкил этади: а) илоҳсеварлик, Худога муҳаббат; б) ўз-ўзини тарбиялаш, ҳақ ва ҳақиқат сари жаҳд қилиб, нафсни маҳв этиш учун курашиш; в) ҳаётда ҳаммага ибрат бўлиб, покиза ахлоқ намунасини кўрсатиш; г) юксак инсонийлик сифатлари – қарам, саховат йўлида мардлик қилиш".⁶

4. Ўрта Осиёлик машҳур давлат арбобларининг ижтимоий тараққиёт, инсоний муносабатларнинг мураккаблиги ҳақидаги фикрлари

Марказий Осиёда 150 йил давом этган муғуллар истилоси даври тушқунлик ва харобаликлар даври бўлди. Минг-минглаб одамлар қириб ташланди ва яратилган маданий бойликлар хароб қилинди. Бу давр мобайнида халқ оммаси бир неча бор босқинчилар зулмига барҳам бериш учун кўзғолонлар уюшгирдилар. Масалан, Хуросондаги миллий озодлик кураши натижасида вужудга келган Сарбадорлар давлати деярли 45 йил яшади. Амир Темурнинг амакиси Ҳожи Барлос томонидан Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларида бунёд этилган ва бир неча йил фаолият кўрсатган давлат ҳам бўлганлиги тарихдан маълум.

Лекин Мовароуннаҳр халқларининг муғул истибодидан озод этилиши ва мазкур минтақада марказлашган давлат тузилиши **Амир Темур** (1336-1405) шахси ва фаолияти билан боғлиқ. 1370 йилда ўз рақиби Амир Ҳусайнни енгиб, Балхни босиб олгандан кейин Амир Темур Маворауннаҳрнинг ягона ҳукмдори деб эълон қилинади. Шундан сўнг у кетма-кет Бухоро, Хоразм, Олтин Ўрда, Эрон, Ироқ, Кавказ орти, Кичик Осиё, Миср ва Ҳиндистон каби жами бўлиб 27 мамлакатни ўз салтанатига бирлашгирди. Бу салтанат Балхаш кўли ва Хитойдан то Қора денгиз соҳиллари, Кичик Осиё, Сурия ва Мисргача, Орол денгизининг шимолий даштларидан то Ҳиндистонгача бўлган йирик ҳудудни ўзига қамраб олди. Бу миллий мустақиллик мазкур ва қўшни минтақалардаги мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида чуқур ўзгаришларни вужудга келтирди. "Амир Темурдек адолатпарвар ва маърифатпарвар ҳукмдор, довюрак саркарда ва узоқни кўра оладиган буюк алломанинг тарих саҳнасига чиқиши, - деб қайд қилган эди Президентимиз И.Каримов соҳибқироннинг 660 йиллик таваллудига бағишланиб Тошкентда ўтказилган халқаро илмий-назарий конференцияда, - тасодифий бир ҳол эмас, балки тарихий зарурият ва замона тақазосидир. Соҳибқирон Амир Темур шахси ва темурийлар даври Марказий Осиёда асрлар давомида шаклланиб қарор топган маданий-маънавий имкониятлар, йиғилган тарихий тажрибалар, бой анъаналар ва қадриятларнинг маҳсулидир."⁷

Амир Темурнинг буюк хизмати шундан иборатки, у нафақат Мовароуннаҳр халқларини муғул босқинчиларидан озод қилди, шу билан бирга муайян минтақадаги феодал парокандаликка барҳам бериб, марказлашган салтанатни вужудга келтирди.

⁶ Н.Комил. Комиллик тариқати. "Тафаккур", 1998, № 1, 66-бет.

⁷ Каримов И.А. Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз. "Халқ сўзи", 1996 йил 25 апрель.

Мамлакатда нисбатан тинчлик ва осойишталик ўрнатилди. Бу эса иқтисодий ва маданий ривожланишга сабаб бўлди. Кўплаб шаҳарлар қурилди, янги-янги саройлар, маданий-маиший обидалар, кутубхона ва мадрасалар барпо этилди. Қишлоқ хўжалиги, хунармандчилик, ирригация соҳалари тараққий топди. Фанлар ривожига мисли кўрилмаган эътибор берилди.

Албатта, Амир Темур ўз давлати асосига ислом дини қоидаларини қўяди. "Темур Тузуклари"да шундай таъкидлайди: "Давлат агар дину тартиб асосида қурилмас экан, тўра-тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шукухи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшайдирким, уни кўрган ҳар кимса (ундан) нигоҳини олиб қочади. Ёхуд ҳар хил қаланғи-қасанғи одамлар тап тортмай кириб-чиқадиган томсиз, эшиги-тўсиғи йўқ уйга ўхшайди. Шунинг учун ҳам мен ўз салтанатим биносини ислом дини, тўра ва тузук асосида мустақамладим"⁸. Амир Темур ўзининг ижтимоий-сиёсий фаолиятида иймон-этикодга суянган одам хиёнат қилмайди, қариндош-уруғлари, элу халқининг ор-номусини ҳимоя қилади, ҳалоллик ва покликни ажойиб фазилат деб билади, деб уқтирар эди.

Унинг давлат ишларига жалб қилинувчиларнинг қандай сифатларга эга бўлишлари лозимлиги ҳақидаги фикрлари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Уларда Темур фикрича, энг аввало қуйидаги тўрт хислат мавжуд бўлиши талаб қилинади: 1) асиллик, тоза наслик; 2) ақл-фаросатлилик; 3) сипоҳу раиятнинг аҳволидан хабардорлик, уларга нисбатан хушмуомалалик; 4) сабр-чидамлилик ва тинчликсеварлик.⁹

Давлат ишларининг олиб борилишида Амир Темур ўз фикрларини бошқа кишиларнинг фикри билан солиштириб кўришни маъқул кўрган. Шунинг учун унинг давлатида турли қурултой ва кенгашлар ўтказиш доимий аҳамият касб этган. Шунинг учун "Тузукларда" у ўз ишларининг тўққиз қисмини доно ва тажрибали кишиларнинг маслаҳатлари билан, бир қисмини эса қилич билан ечганлигини алоҳида таъкидлайди.

Амир Темур давлатни бошқаришда армиянинг аҳамиятига алоҳида эътибор беради. Умуман олганда унинг улуғвор салтанат тузишида ҳарбий маҳорати ва армияга берган эътибори катта аҳамиятга эга бўлганлиги аксарият тарихчи олимлар томонидан эътироф этилган фактдир.

Амир Темурнинг буюклигига унинг олдида тарих қўйган бир қанча масалаларни муваффақият билан ечгани сабабчидир. Биринчи вазифа – Марказий Осиёнинг бирлаштирилиши. Иккинчи вазифа – 1395 йилда Олтин Ўрдани ҳалокатга учратиш билан Россияни асоратдан сақлаб қолиши. Учинчи вазифа – 1402 йили Анқара ёнида Боязид I яқсон қилиш билан Усмонли турк империясини парчалаб юбориши ва Европани ҳалокатдан сақлаб қолиши.

Темур ва Темурийлар даврининг характерли белгиларидан бири шундан иборат эдики, шаҳарлар қуриш гуркираб ривожланди, фан ва маданият гуллаб яшнади. Маданият ва илм аҳлларига ғоят катта эътибор берилди. Шунинг учун бу давр Европа олимлари томонидан "Темурийлар Ренессанси" деб ҳам аталади.

Улуғбек (1394-1449) замонида аниқ фанлар: математика, фалакиёт жуда ривож топди, шунингдек, диний билимларга, тиббиёт, тарих, ахлоқ, нафосат ва шу каби фанларга муттасил эътибор берилди. Фундаментал фанларни ривожлантириш манфаатлари Улуғбекни янги олий мактаб – илмий тафаккур маркази барпо этиш қарорига олиб келди. Ана шу мақсадда Улуғбек айни бир вақтнинг ўзида учта мадраса: биринчисини 1417 йилда Бухорода, иккинчисини 1417-1420 йилларда Самарқандда ва учинчисини Ғиждувонда қурдирди.

Самарқандда 1428-1429 йилларда расадхона қурилиши Улуғбекнинг хизматларидан бири бўлиб, бу расадхонани Улуғбекнинг замондошлари ўз давларининг энг яхши расадхонаси деб билар эдилар. Ана шу расадхона туфайли Улуғбек 1437 йилда ўзининг машҳур "Зичи Кўрагоний" юлдузлар жадвалини тузиш ва тугаллашга муваффақ бўлди.

⁸ Темур тузуклари. Т., Ғ.Ғулом номли Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996, 72-бет.

⁹ Темур тузуклари. Т., Ғ.Ғулом номли Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996, 94-бет.

Улуғбек шундай ажойиб кутубхона яратган эдики, унда ўша замон фанининг деярли барча соҳаларига оид 15 000 китоб сақланар эди. Улуғбекнинг илм-фан борасида амалга оширган ишлари тўғрисида материалларнинг қўплиги боис ўқувчиларни ана шу манбаларга мурожаат қилишга маслаҳат берамиз.

Заҳириддин Мухаммад Бобур (1483-1530) ўзбек халқининг йирик мутафаккири, давлат арбоби, тарихчи, шоир ва таржимон. У темурийлар авлодидан бўлиб, Ҳиндистонда Бобурийлар салтанатига асос солган.

Тахт талашишлар ва ўзаро урушлар натижасида ўз юртида ҳокимиятни сақлаб қололмайди ва 1504 йилдан ва 1526 йилгача Афғонистонда ўз ҳукмронлигини ўрнатади. Шу давр ичида у бу ердаги тарқоқ қабилаларни бирлаштиради, мамлакатни иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлайди.

У 1526 йили Дехли султони Иброҳим Лоди қўшинини енгиб, Дехлини эгаллайди. Бобур бу ерда марказлашган кучли давлат барпо қилади. У мамлакат ободончилигига катта аҳамият беради, шаҳарларни обод қилади, суғориш иншоотлари қурдирди, боғлар барпо этди.

Бобур ўзбек адабиёти, тарих, география, фалсафа, мусиқашуносликка катта ҳисса қўшган аллома ҳамдир. Уни жаҳонга машҳур қилган асари "Бобурнома" ҳисобланади. Унда XV аср охири ва XVI асрнинг 30-йилларигача Мовароуннаҳр, Афғонистон, Хуросон ва Ҳиндистонда бўлган мураккаб тарихий воқеалар баён қилинади. Бу асарда ана шу ҳудудлар географияси, ўсимликлар (ботаника) ва ҳайвонот дунёси (зоология) ҳақида ҳам қимматли маълумотлар берилган. Бу асардан ташқари Бобур аруз вазни ва қофияга бағишланган "Муфассал" асарини, ҳуқуқшуносликка оид "Мубаййин" рисоласини, мусиқага бағишланган "Мусиқий илми" асарини ёзган ва Хўжа Аҳрорнинг "Волидия" асарини форс-тожик тилидан ўзбек тилига таржима қилган.

Бобур бошқа мутафаккирлар каби жамият ҳақида тугалланган таълимот яратган эмас. Аммо унинг асарларида, шеърларида жамият, инсоннинг жамиятдаги ўрни, давлат ва фуқароларнинг ўзаро муносабатлари, давлатни бошқариш каби масалалар ҳақида илғор гоялар, фикр-мулоҳазалар кўп учрайди. Бобурнинг бу фикрлари унинг узоқ йиллар давомида ўз подшоҳлигини тузиш, мустаҳкамлаш, ривожлантириш тажрибасига таянган ҳолда айтилгани билан қимматлидир.

Унинг фикрича жамият давлатсиз бўлмайди. Давлат илоҳий ҳодисадир, унинг бошлиғи – подшоҳ имомга монанд бўлиб, у Оллоҳнинг ердаги "халифаси" ҳисобланади.

Подшоҳдурки шаръ имом деди,

Ушбу элга "Халифа" ном деди.¹⁰

Бобур ижоди билан муфассал шуғулланган тадқиқотчиларнинг бири (Ш.Бобожонова) тўғри таъкидлашича Бобурнинг подшоҳнинг элга имом, Оллоҳнинг халифаси деб айтишдан мақсади яқка ҳокимиятчилик тузумини мадҳ этиш эмас, балки мамлакатни қўпчилик билан бошқариб бўлмаслигини, давлат ва мамлакатнинг бирлигини, осойишталигини сақлаш учун ҳамманинг подшоҳга итоат этиши кераклигини таъкидлашдир. Акс ҳолда "мулк вайрон бўлурига не шак"¹¹.

Бобур асарларининг таҳлили шуни кўрсатадики, у давлатни бошқаришнинг энг яхши шакли подшоҳлик деб ҳисоблайди, буни унинг 1508 йилда ўзини подшоҳ деб аташлари ҳақида фармон чиқарганидан ҳам билиш мумкин: *"Ушбу тарихқача Темурбекнинг авлодини... мирзо дерлар эди, ушбу навбат буюрдимким... мени подшоҳ дегайлар"*¹². У бир давлатга икки киши бош бўлишига ҳеч қачон имкон бермаслик кераклигини алоҳида таъкидлайди. Бундай ҳол гуруҳбозликка, турли фитналар авж олишига, оқибатда эса мамлакат парчаланиб хонавайрон бўлишига олиб келади: *"Бир вилоятқа икки подшоҳ ва бир черикка икки мирсилоҳ мужиби тафриқа ва вайронлик ва сабаби фитна ва паришонликдур"*.

¹⁰ Заҳириддин Мухаммад Бобур. Мубаййин. Т., 2000, 19-бет.

¹¹ Ўша жойда.

¹² Ўша жойда, 195-бет.

"Бобурнома"да у подшоҳ (мамлакат раҳбари) қуйидаги сифатларга эга бўлиши лозимлигини кўрсатади: нажҳати (омади) баланд, ҳиммати аржуманд (бағрикентлик), вилоят олмоғ (давлатни кенгайтириш), вилоят сақламоғ (мамлакатни мустаҳкамламоқ), маъмурлуғ (бунёдкорлик ва мамлакатни фаровон қилиш), фуқаро ва раиятга меҳрибонлик, қўшин ҳақида ғамхўрлик, адолатпарварлик¹³.

Шуниси эътиборлики, Бобур ислом эътиқодига риоя қилиш масаласига расмий давлат сиёсати миқёсидагина ёндошади. У ўқимишли киши ва олим бўлганлиги сабаб бир динни иккинчи дин устидан устун қўймайди, уларнинг халқлар ҳаётида муҳим роль ўйнашини тушунади. Шу маънода унинг Ҳиндистон шароитида исломга у ердаги бошқа динлар қатори бир кўзда қарагани ҳам халқ орасида диний асосдаги тушунмовчиликларнинг вужудга келишига тўсиқ бўлган. Гарчи унинг асарларида тасаввуф, хусусан нақшбандлик тариқатининг одамларни камтарликка, меҳнатсеварликка, маънавий баркамолликка чақиришига нисбатан кучли ҳурмат сезилсада, уни сўфий шоирлар қаторига киритиб бўлмайди.

Бобур ижодидаги яна бир томон – Ватан ва уни севиш ғояси марказий ўринда эканлигидир. Бунга унинг ўз ватанидан олисда эканлиги катта таъсир кўрсатган. У ўзга юртларда подшоҳликда кечирган ҳаётига қарамасдан ўз тақдирининг аччиқ қисматида фарёд чекади, ўз Ватанидан айрилиб қолишини тарих олдидаги "юз қаролик" деб ҳисоблайди.

*Ўз ерини қўйиб Ҳинд сори юзландим,
Ёраб, нетайин, не юз қаролик бўлди.*¹⁴

У ўзининг ўзга юртлардаги ҳаётини айрилиқ даштида елиб-югуриб, сувга етишдим деганда, саробга эришган кишининг ҳолатига ўхшатади.

Бобур ижодида дўстлик ғояси ҳам муҳим ўрин тутати. У дўстликни барча элатлар, халқлар дўстлиги ва ҳамкорлиги, кишиларнинг инсоний фазилатларидан бири деб тушунган.

Шотландиялик атоқли шарқшунос олим Уильям Эрскиннинг (1773-1852) "Бобур Ҳиндистонда. Бобур ҳукмронлиги давридаги Ҳиндистон тарихи" асарида Бобур фаолияти кенг ва батафсил ёритиб берилган. Унинг қуйидаги фикрларини эътиборингизга ҳавола қилиш билан ушбу масалани яқунлаймиз: "...умрнинг барча азоб-уқубатларини кўргандан кейин ҳам, яна саҳий қалб эгаси ва саховатли инсон қиёфасини сақлаб қолиш, юмшоқ кўнгил ва сабр-қаноат билан яна ўз фаолиятини давом эттириш ҳаммага ҳам хос бўлавермайди. Ҳукмдорлик ва улугворлик одатда кишининг нозик дидини ва сезгирлигини ўтмаслаштиради.

...Бобурнинг феъл-атворидаги энг олижаноб фазилатлар унинг инсонпарварлиги ва бегараз кўнглидир.

...Бобур...эрон, араб ёки ҳинд шоҳларидан фарқли ўлароқ (унга қарши фитнага бош қўшган укалари ёки амирларни улар ўз айбини тан олиб тавба қилиши биланоқ) уларни кечирибгина қолмай уларга нисбатан ҳеч қандай гина ҳам сақламас эди".¹⁵

Алишер Навоий (1441-1501) ижодиёти Ўрта ва Яқин Шарқ адабий-илмий мероси, жумладан, ўша даврда ўз анъаналарига эга бўлган туркий адабиёт намоёндалари – Дурбек, Атоий, Саккокий, Гадоий, Лутфий ва бошқаларнинг фаолияти ва бундан ташқари, ҳинд ва араб адабиётига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Навоий фалсафий дунёқараши ваҳдати вужуд, яъни борлиқнинг бирлиги таълимотига асосланади. Унинг фикрича, олам – худодир, чунки илоҳиёт (вужуди мутлақ) атрофдаги борлиқ (вужуди доира)да намоён бўлади ва ўз ҳуснини табиатда зухур этади. Навоий дунёқараши пантеистик руҳда бўлиб, оламдаги барча нарса ва ҳодисаларда оллоҳнинг изларини кўриш, табиатни, моддий нарса-ҳодасаларни, жумладан, инсонни мадҳ этиш орқали худони улуглашдан иборат. Инсон, Навоий фикрича, худонинг табиатда зухур этилишининг асосий мақсадидир. Ўз навбатида худо ҳам инсоннинг маҳбуби, унинг муҳаббати объектидир.

¹³ Захриддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Т., 1989, 356-бет.

¹⁴ Бобур шеърятдан. Т., 1982. 89-бет.

¹⁵ Уильям Эрскин. Бобур Ҳиндистонда. Т., 1995, 106-107 бетлар.

Табиат, Навоийнинг фикрича, бойликлар тумори, инсон бахти учун керак бўлган бойликлар хазинасидир. Навоийнинг тасаввуфга оид фалсафий асари "Лисон ут-тайр"да таъкидланишича, мавжуд ходисаларнинг ҳаммаси (кўплик) илк воқелик сифатидаги илоҳиётнинг (бирликнинг) зоҳир сифатлари, кўринишидир:

Бирлик ойинида зотидир онинг,

Лек мингдин кўп сифотир онинг.

Ул сифат офоқ аро шоеъ бўлиб,

*Борча онинг зотиға рожеъ бўлиб.*¹⁶

Илоҳиёт атрофдаги барча нарсаларда зухур бўлар экан, у инсоннинг қалбида ҳам ўз аксини топади. Шундай қилиб, худо ҳар кимнинг қалбадидир, лекин уни ақл (хирад) билан англаш мумкин эмас, уни англашга инсон ақли етмайди. Унинг фикрича худони топиш, сезиш учун инсондан риёзат (қалбни тозалаш), маърифат (дунёни билиш, ўзликни ва демак, худони билиш) талаб қилинади. Инсон унга ўзининг амалий ҳаракатлари, ахлоқий поклиги билан етиши мумкин. Навоий пантеизми моҳият-эътибори билан инсонпарварлик, табиатни улуғлаш, инсонни мадҳ этишдан иборат. Инсон, Навоий фикрича, худонинг табиатда зухур бўлишининг асосий мақсади.

Навоий ижодида адолатли подшоҳ орқали фозил жамоа қуриш ғояси катта ўрин эгаллайди. Хусусан, у "Хамса" асарида ана шундай подшоҳга қуйидагича мурожаат қилади:

Халойиққа кўрма қилиб бенаво,

Ўзунгга раво кўрмаганни раво.

Бундан кўриниб турибдики, Навоий адолат ғоясини чуқур инсонийлик мазмунида талқин қилади. Унинг фикрича, ҳукмдорлар фаолиятининг мезони – адолат, уларнинг маънавий киёфасининг белгиси инсонийликдан иборат. Мамлакатни идора этувчиларга авф, қарам, жавонмардлик фазилатлари ҳам хос бўлмоғи лозим. Шундай фазилатларга эга бўлган шох билан раият (халқ) ўртасида узвий равишда алоқа тикланади. Олижаноб ва ҳимматли шохга нисбатан халқда ваҳима ва қўрқинч бўлмайди. Шу туфайли шох ўз мамлакатадаги яхши ишлардан ҳам, ёмон ишлардан ҳам хабардор бўлади. Бундай фикрлар Навоийнинг "Ҳайратул аброр", "Садди Искандарий" каби асарларининг асосий мазмунини ташкил этади.

Алишер Навоий ижтимоий-сиёсий масалалар борасида Абу Наср Форобий сингари ижтимоий таълимот яратди. У барча даврлар учун муҳим бўлган мамлакатни бошқариш масаласига эътибор қаратди. Навоий буни вазир сифатида амалиётга татбиқ этишга уринди. Уни мамлакатни яқка ҳукмронлик (яъни монархия усули) билан бошқариш кўпроқ қаноатлантиради. Навоий "Садди Искандарий" ва бошқа асарларида шохни боғбонга, мамлакатни эса боғга қиёслайди. Унинг фикрича, агар боғбон оқил, меҳнатсевар бўлса, унинг боғи гуллаб яшнайди. Агар подшоҳ оқил, маърифатли, билимдон, адолатпарвар бўлса, халқини севса, унда мамлакат ҳам обод бўлади. Акс ҳолда у харобага айланади.

Навоий "Садди Искандарий"да идеал подшо образини яратади. Бу – Шарқ халқлари ривоятларида кенг тарқалган Искандар Зулқарнайн образидир. Искандар – етук олим, донишманд подшо, истеъдодли сардор ва халқпарвар давлат арбоби – ислохотчидир. Айни пайтда Искандарда комил инсонга хос хусусиятлар ҳам тасвирланади: у дили ва нияти пок, саховатли, камтарин ва мулоийм шахс; доно подшо ва дунё сирларини билишга қизиқувчи ақл-заковат эгасидир. Навоий бу образни яратар экан, ўзининг эзгу мақсади – жамиятни ҳикмат, адолат билан бошқариш керак, деган ижтимоий ғояни илгари суради. Шу маънода "Садди Искандарий"да Навоий инсонпарварлигига хос сиёсий назария (идеал давлат қуриш) ва ахлоқий назария (комил инсон таълимоти) бир-бирига узвийлашиб кетган.

Навоий халқлар ўртасидаги дўстликни тараннум этди. Навоий дostonларининг қаҳрамонлари турли мамлакатлар, турли миллат вакиллари: Ширин – арман қизи, Фарҳод – чин ўғлони, эронлик Шопур, ҳинди Маъсуд, Лайли ва Мажнун араб элига мансуб, Искандар ва унинг маслаҳатчилари бўлмиш Арасту, Бухрот, Сукрот кабилар – юнонлардир.

¹⁶ А.Навоий. Асарлар. XI том, Т., 1966, 19-бет.

Навоий нафақат назарий жиҳатдан, балки амалий жиҳатдан ҳам меҳнаткаш кишиларга хизмат қилиш намунасидир. 1469 йилда Ҳирот тахтига Навоийнинг мактабдош дўсти Ҳусайн Бойқаро чиқади. Навоий аввал муҳрдор, кейин Амир лавозимида унинг хизматида бўлади. Ушбу давлатнинг 40 йил мобайнида сақланиб туришида Алишер Навоийнинг хизматлари катта. Жуда оғир вазиятларда ишлаган Алишер Навоий давлат мустақиллигини, беҳатарлигини сақлаб қолиш мақсадида халққа мурожаатлар, панду-насихатлар қилди, шахзодаларнинг исёнларидан норози бўлиб уларга мактублар йўллади. Унинг теварагида мамлакат алоомаларининг "қаймоғи" тўпланди. Шайх Абдурахмон Жомий, Сайид Ҳасан Ардашер, Пахлавон Маҳмуд, шайх Сухайлийлар Навоийга ёндош бўлган ана шундай кишилар ҳисобланади.

Хондамирнинг маълумотларига кўра Навоий ўз маблағи ҳисобидан 52 работ, 20 ховуз, 16 кўприк, 9 ҳаммом ва кўплаб масжидлар қурдирган. Унинг "Ихлосия", "Халосия", "Шифоия" мадрасаларида юзлаб илми толиблар таҳсил олганлар.

Навоий насихатларидан яна бири – бу мамлакатни идора этишда ҳокимлар амал қилиши лозим бўлган қонун-қоидалардир. Навоий Астробод ҳокими бўлиб турган даврда Бойқаронинг давлатни бошқариш ишларидан хавотирга тушиб, унга мактублар ёзади. Мамлакатни идора этишнинг ҳамма жабҳалари қамралган "Муншоат"да айтиладики, эрталаб кишиларнинг арз-доди эшитилса; уларга адолат қилинса; кечкурунлари овқат еб бўлингандан сўнг қабулхонада аркони давлат билан мол-мулк ишлари муҳокама қилинса; аркони давлат кундалик ишлардан ҳисоб бериб турсалар; чоғир ичишдан қаттиқ сақланилса; бўш вақтларда китубхонада кироат қилинса; аркони давлатга, вазирларга тарих китоблари, хусусан, "Зафарнома"ни такрор-такрор ўқиб туриш буюрилса; мажлисларга таклиф этилмаган кишилар киргизилмаса; чегараларнинг дарвозалари қаттиқ қўриқланса; бошқа юртлардан келган савдогарларга ҳурмат-эътибор кўргизилса; гуноҳ қилганлар қаттиқ жазоланса ва бу ҳолат бутун мамлакатга тарқатилса...

Навоий "Маҳбуб ул-қулуб" асарида жамиятдаги кишиларнинг маънавияти, саводхонлиги, мансаби, ахлоқий фазилатлари, илми ва диний мақомига қараб тоифаларга ажратади ва уларнинг тавсифини беради. Ижтимоий гуруҳларга бўлишнинг энг асосий белгиси сифатида ахлоқий омил белгиловчи роль ўйнайди. Шу жиҳатдан одамлар яхши ва ёмон ҳислатлиларга бўлинади.

"Маҳбуб ул-қулуб"да Навоий кишиларнинг жамиятдаги мақомига қараб 34 гуруҳга ажратади: султонлар, беклар, вазирлар, садрлар, ясовулар, солиқ йиғувчилар, навкарлар, чериклар (навкарлар), савдогарлар, миршаблар, қоровулар, шайхлар, масжид имомлари, шайхулисломлар, сўфийлар, воизлар, муфтийлар, дарвешлар, деҳқонлар, косиб ва ҳунармандлар, ғариб ва муҳтожлар, гадоилар...

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Навоий олам ободлигини деҳқон меҳнатида кўради ва уни Одам Атога менгзайди: "Дунё ободлиги улардан, оламлар шодлиги улардан. Ҳар қаён қилсалар ҳаракат, халққа ҳам овқат етар, ҳам барокат... Камбағалларнинг шарбат ва сиркаси ундан, давлатмандларнинг емиши ва аъло шарбати ундан... Қўшчининг ундан муроди ҳосил, сомончи ундан мақсадга восил. Гадоилар у билан тўқ, хонадон ундан маъмур. Новвойнинг тандири у билан иссиқ, унфуруш бозори у билан қизиқ. Фуқаронинг ризки рўзи, ғарибнинг куч-қуввати дон биландур. Уни еган зоҳид ҳузур билан тоат қиладур... Тиланчи тўрваси бир бурда нондан муҳайёдир, хазиначида дарё ва кон моли ундан тайёрдир"¹⁷.

Навоий фикрича, тижорат аҳли – савдогарлар ҳалол ризқ топиш учун узоқ, машаққатли йўллارни босиб ўтади. Бир юртдаги сероб молларни бошқа юртга олиб бориб, у ердаги камёбликка барҳам беради. Савдогарлар деҳқон ва ҳунар эгаларининг меҳнати қадрсизланиб қолмаслигини, бозор мувозанатини, юрт ободонлигини таъминлайди.

Навоий жамиятдаги барча табақа аъзолари тенг эканлигини, уларнинг бир-бирига жабр ўтказмаслиги лозимлигини таъкидлайди. Қонун олдида бою камбағал тенгдир, дейди у. Навоий асарларида инсон ҳуқуқлари, унинг ор-номуси ва кадр-қиммати ҳимоя қилинади.

¹⁷ А.Навоий. Асарлар, 15 томлик, 13-том, 29-37-бетлар.

Инсон энг олий мавжудотдир, шунинг учун у юксак иззат-хурматга лойиқ, деган фикр Навоий асарларининг мазмунини ташкил этади.

5. Туркистон тафаккур аҳлининг ижтимоий қараишларида шахс ва жамият масалалари

XVII асрда ашгархоний ҳукмдорлар Абдулазизхон ва Субҳонқулихонлар даврида яшаб ижод этган, мавжуд ижтимоий тузум, жамият ҳаёти, инсонларнинг турмуш тарзи ҳақида ўз қарашларини баён этган таниқли адиблардан бири **Турди Фароғийдир**.

Турди ўз асарларини реал образлар билан бойитди, уларни реал ҳаёт воқеалари билан боғлади, ҳукмрон гуруҳларга кучли нафрат билдирди, уларнинг ёвузликларини фош қилди, сатирик ғазал ва мухаммаслар ёзиб, анъанавий жанрларнинг тақомилига ҳам ҳисса қўшди.

Турдининг шоҳ асари "Субҳонқулихон ва унинг амир-амалдорлари тўғрисида ҳажвия" мухаммасида ана шу тилга олинган шахсларнинг қабих ҳатти-ҳаракатларини фош қилди. У хонни давр фожиасининг бош айбдори сифатида қарайди. Субҳонқулихон саройида авжига чиққан фисқу-фасод, порахўрлик ва разилликларнинг ҳаққоний манзарасини чизиб, бутун зулм ўчоғига – сарой аҳлларига, юртни хароб қилган "бойқушлар"га, элни талаган "бўри"ларга қарши исён кўтарди, халқ манфаатини ҳимоя қилди:

*Едингиз барчангиз итдек фуқаронинг этини,
Ғасб ила молин олиб, қўймадингиз битини.*

XVII аср шароитида Бухоро хонлигида туркий, хусусан ўзбек уруғлари ўртасида ўзаро низолар кучайган бўлиб, шоир уларнинг бир-биридан узоқлашиб, мамлакатнинг майда бўлақларга бўлиниб кетишини уларнинг ўзлари учун ҳам ғоят хатарли деб билар, хонликнинг бошқарув вакилларини муттаҳам, бебош деб аташи эса аччиқ ҳақиқатга асосланган эди.

Бобораҳим Машраб (1653-1711) ижоди сўфийлик тараққиётида катта из қолдирган. У ҳам бошқа сўфийлар сингари ўзининг худога – яратганга бўлган муҳаббатини, ишқини шеърларида баён этади. Буни у кўпинча мажозий шаклда – парвонанинг шамга интилиши мисолида изҳор қилади. Унинг ижоди ҳаётийлиги ва халқчиллиги, инсоннинг шодлиги ва дард-аламларини ёрқин ва реал тасвирлаши билан ажралиб туради.

Машраб ижодидаги ижтимоий мазмун ва кучли танқидий йўналиш унинг илғор дунёқараши, халқчил фалсафаси, ўз давридаги салбий воқеа-ҳодисаларга аниқ танқидий муносабатидан шаклланган. Қаландарлик тариқатига кирган Машраб шаҳарма-шаҳар, кишлоқма-кишлоқ кўчиб юрарди. Унинг бирор шаҳар ёки кишлоққа келиши изсиз ўтмасди: уни оддий халқ самимият ва хурсандлик билан, ҳоким, амалдор ва риёкор руҳонийлар эса ҳадиксираб, душманлик кзи билан қарши олардилар. Чуқур ижтимоийлик ва кучли танқидий муносабат Машраб ижодида устворлик қилган ҳамда у яратган кўпдан-кўп асарларнинг асосий мазмунини ташкил этган.

Машраб ижодида сўфий адабиётда асрлар давомида қарор топган рамз-тимсоллар, тушунча-иборалар – ишқ, муҳаббат, ёр, жонона, гул, май, бода, висол ва бошқалар воситасида амалга оширилган.

Машраб "ёр" образи орқали худони тасвирлаб, унга эришмоқ учун киши ўзини билмас даражада "маст" бўлмоғи керак, дейди:

*Ошиқ улдур танда жонин билмаса,
Маст бўлиб хонумонин билмаса.*

Машраб тасаввуф анъаналарини давом эттириб, чин мусулмон бўлиш учун масжиду хонақо эмас, аввало, қалбда Илоҳга муҳаббат бўлиши кераклигини ўз шеърларида баён этади. Шоир бир ғазалида шундай дейди:

*Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ не керак?
Қолгон Иброҳимдин ул эски дўконни на қилай.*

Бу ерда тилга олинаётган "эски дўкон" Каъбадир. Машраб шаккоклик қиялпими? Йўқ. Машраб ўз қалбидаги Оллоҳга бўлган муҳаббатини Каъбага бўлган муҳаббатидан устун қўймоқда. У Оллоҳга тааллуқли бўлган барча нарса бирдай муқаддасдир, деб

таъкидлаяпти. Каъба ҳам, инсон юраги ҳам муқаддасликда тенгдир. Машраб учун Илоҳга муҳаббат ва Илоҳга сиғиниш бир-бирига айланиб нарсалардир. Бу ғоялар худо ва инсон муштараклиги – пантеизмни янада кучайтиради.

Машраб ижоди меҳнаткаш халқнинг, камбағалларнинг ночор аҳволига ачиниш, бой-амалдорларнинг фирибгарлиги, порахўрлик, макр-хйллалар учун дарғазабликнинг инъикосидир.

Каттакўрғон беклигидаги Минглар қишлоғида туғилган **Сўфи Оллоёр** (1644 - 1724) ўзининг "Мурод ул-орифин", "Сирож ул-ожизин", "Нажот ул-толибин" ва бошқа асарларида инсон ва адолатни, ҳалоллик ва тўғрилиқни, орифлик, ошиқликни тарғиб қилади, нафс ва худбинликни танқид остига олади.

Сўфи Оллоёрнинг "Сабот ул-ожизин" асари фалсафий-дидактик асар бўлиб, унда комил инсонни тарбиялаб етиштириш асосий масала сифатида қўйилган. Унинг фикрича инсон маълум бир эътиқодга эга бўлиши зарур. Эътиқодсиз, аниқ мақсадсиз киши беҳуда умр кечирган бўлади, умри зое кетади. Шоир инсон феълидаги салбий жиҳатларни қанчалик изтироб билан тасвирласа, ижобий томонларни шунчалик шавқ-завқ билан тасвирлайди:

*Очуқ қўллик, кушода юзли бўлгил
Мурувватлик, мулойим сўзли бўлгил...
Сучук тилдир ажиб ганжи муаззам
Ато қилгон ҳеч бўлмагай кам*

XVIII аср охири XIX асрнинг биринчи ярмида ўзига хос ўринга эга бўлган забардаст шоирлардан бири **Жаҳон отин – Увайсий** (1771-1845) ҳисобланади. Унинг ғазалларида лирик қаҳрамон камтар, одобли, назокатли, оқила, фозила, вафодор, ифбатли ва жозибали жонона сифатида намоён бўлади. Унинг шеърларида ўша давр аёлларининг орзу-умидлари акс этган. Барча шод бўлиб, унинг ҳиссаси қайғудан иборат бўлса ҳам, замон кулфатидан кўнгли доғ бўлса ҳам, ёри жафо ва ситам қилса ҳам у ёрга ҳамон содиқ қолади. Шу билан бирга шоирнинг кўп шеърларида мунг, қайғу оҳанглари янграйди, у ўзини танҳо ҳис қилади. Бадиий маҳоратнинг ёрқин намунаси бўлган анор ҳақидаги чистонда тўрт девор орасида унсиз фиғон чекаётган эрксиз аёлларнинг аччиқ тақдирини, бағри қонлар нидосини ифодалайди:

*Бу на гумбаздир, эшиги, туйинигидан йўқ нишон
Неча гулгун пок қизлар манзил айлабдир макон
Туйнугин очиб аларнинг ҳолидан олсам хабар
Юзларида парда тортуғлиқ турарлар, бағри қон*

XVIII аср охири XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон адабий муҳитида яшаб, ижод қилган, асли исми **Моҳлар ойим** бўлган **Нодира** (1792-1842) ўз лирик шеърларида севги, вафо ва садоқатни улуғлади. Унинг ҳаёти, фаолиятининг баъзи жиҳатларини инсонпарварлик ва шафқатсизлик масалалари билан боғлиқ ҳолда баҳс-мунозара дарсларимиздан бирида кўриб чиқамиз. Ҳозир эса унинг ижодидаги умумий томонларни кўрсатиш билан чегараланамиз.

Нодира ҳиммат, сабр, қаноат, номус, ҳаё ҳислатларини маърифат, яъни Оллоҳ васлига етишишни яқинлаштирувчи манзиллар сифатида қайд этади, одам ана шу шарафли ҳислатларни ўз руҳига мукаммал сингдириб олиши ва уни собитқадамлик билан кўнглида асрамоғини образли тарзда ифодалайди. Одамзот шу сифатлардан маҳрум бўлар экан, у риё йўлига кириб кетади.

Нодира ўз ижодида инсон, табиат ва жамиятни, инсоннинг рўҳий дунёсини жуда гўзал ва жонли мисраларда ифодалаб беради. У ўз шеърларида ислом руҳи ва ҳаёт фалсафасини чуқур идрок этган ҳолда ҳаётга ҳамма вақт умидбахш нигоҳ билан қарайди ва ундан яхшилик уруғини қидиради, ўзи бу йўлда амалий ишларни бажаради: "Уламоий дин ривожларига имдод еткурдим, то шеъри шариф ривож топти, зуҳд аҳлига ихлос ва ақида тан зоҳир қилдим, то дин ва миллат камол топти. Фазлу дониш қабиласига шафқат ва

марҳаматдин иноятлар кўргуздимким, эътибор даражасига тараққий қилидилар. Сойил ва гадоларни талабларига етқуриб, карам ва эҳсон эшикидин ноумид юбормадим. Мусхафи шариф ва кутуби диний ва расойили яқиний кўп ёздурдим. Барчасини холисанлиллоҳ вақф қилдим".

Шермуҳаммад Авазбий ўғли Мунис Хоразмий (1778-1829) таниқли ўзбек шоири, таржимон ва тарихчи олимдир. У "Мунисул ушшоқ" девонига кирган шеърларида инсонпарварликка суяниб, ўша даврдаги мавжуд зулм ва ноҳақликни, инсон ақл-заковатининг топталиши ва хўрланишини жонли тасвирлаб беради. Мунис ўз даври тузумининг адолатсиз эканлигини, синфлар тоифалар, табақалар мавжудлигини ва улар орасидаги зиддиятларни, адолат ва иехнат барча учун баробар эмаслигини, ахлоқ, ҳуқуқ, сиёсат, қонун бойлар учун бир хил, камбағалларга эса бошқа хил эканлигини кўрсатади.

Мунис шоҳларни икки хилга – одил ва золим шоҳларга ажратади. Ўз фуқароларининг оч ёки тўқлигидан хабардор бўлган ҳукмдорни одил ва доно шоҳ деб атайди. Шоир халққа адолат кўрсатадиган халқпарвар ҳукмдорни орзу қилади. Шоҳларни инсофга чақириб у "Сув" ғазалида подшоҳга қарата хитоб қилиб: "Эй шоҳ, зулм қилма, тагин мазлумларнинг ашки давлатинг биносини йиқмасин" дейди.

Мунис ижодида ахлоқ-одоб, шахс камолоти, халқпарварлик, одамийлик, яхшилик ва олижаноблик, меҳнатсеварлик, ҳурмат ва мурувват, саховат ва меҳрибонлик, самимият ва сидқидиллик, сабр ва қаноат, ҳалоллик ва жавонмардлик каби фазилатлар муҳим ўрин тутади.

Мунис ижодида маърифатпарварлик ғоялари кучли намоён бўлади. У халқни онгли, маърифатли бўлишга даъват этади ва жаҳолатдан йироқ бўлишга чақиради. У кишиларни ёшлиқдан илм эгаллашга киришиш зарурлигини кўрсатиб, илм-хунарда камол топишнинг энг муҳим фурсати "фасли шабоб" – ёшлик давридир дейди, шоир илм ўрганишда бу ғанимат фурсатни қўлдан бой бермасликни уқтириб ўтади:

*Камол касбида Мунис шитоб қилки эрур,
Ҳаёт фурсатиким бедаранг фасли шабоб.*

XIX аср Хоразм илмий ва адабий муҳитининг йирик вакилларида бири **Мухаммадризо Эрнийезбек ўғли Огаҳийдир** (1809-1874). Унинг ижлдида XIX аср Хива хонлигидаги ижтимоий ҳаёт ўз ифодасини топган. Бу даврга келиб Туркистон Россия томонидан босиб олинган. Халқ икки ёқлама зулм остида қолган. Огаҳий бундан қаттиқ кайғуради, халқнинг ҳур, озод яшашини орзу қилади.

Огаҳийнинг илм-фан, мактабнинг жамиятда тутган ўрни, ақлий ва ҳуқуқий тарбия ҳақидаги қарашлари диққатга сазовор. Унинг фикрича бола яхши фазилатларни фақат таълим ва тарбия натижасидагина олиши мумкин. Шунинг учун у бола тарбияси билан унинг кичиклигидан шуғулланиш лозимлигини уқтиради. Бола тарбияси жуда нозик иш эканлигини, бунда хатога йўл қўйиб бўлмаслигини, бола ёшлиқда жуда таъсирчан, тез қабул қилувчи бўлишини айтиб, у яхши фазилатни ҳам, ёмон одатни ҳам фаркига бормасдан қабул қилаверади, деб ёзади. Бола ярамас одатларни касб қилмаслиги, яхши оила ва жамоада тарбияланиши, бадхулқ одамлардан ўзини тортиши, улар билан ҳамсухбат бўлмаслиги даркор. Бола хушмуомала бўлиши, саломлашиш, ота-онани ҳурмат қилиш, ёлғон гапиришга ўрганмасдан, доимо тўғри ва рост гапиришни, ширинсуханликни пухта ўрганиши лозим. Бола бошқалар олдида ўзини камтар тутиши, сергап ва маҳмадона бўлмаслиги, гапиришдан олдин пухта ўйлаб олиши лозим. Кўп ва меъёридан ортиқ сўзлашни Огаҳий кишининг катта нуқсони деб ҳисоблайди:

*Сўзига боқ агар билмак тиларсан кимса аҳволин,
Ки, асрори ниҳони суратиға келди мазҳар сўз.*

Огаҳий инсоннинг ҳаёт гўзалликларини, муҳаббат завқ-шавқини тўлиб-тошиб тараннум этди. У ўз асарларига ижтимоий фикрларни маҳорат билан сингдириб юборади. Ргаҳийнинг юксак инсонпарварлик билан суғорилган ғоялари Хоразм хони ва шоир Ферузнинг сиёсий-маърифий тарбиясига таъсир қилади. Шоир хон Ферузга бағишланган

"Қасидаи насихат" асарида салтанатни бошқариш тўғрисида йўл-йўриқлар бериб, мамлакат ва халқни адолат билан идора этиш йўллари кўрсатиб беради. Шоирнинг фикрича, ҳар қандай давлат бошлиғи ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун ижобий фазилатларга эга бўлиши, подшоҳи ҳимматли, шижоатли, адолатли, ғайратли, саховатли, соф ниятли, маданиятли, ҳамиятли, камбағалпарвар бўлиши зарур. Огаҳий ҳукмдор шу фазилатларга эга бўлса ҳокимияти камол топади, мамлакати фаровон бўлади, деган фикрни илғари суради. Шоирнинг фикрича, шоҳ шариат аҳқомларига қаттиқ амал қилмоғи, айш-ишратдан, фитна ва ғийбатдан, ғафлатдан, ялқовликдан, зулм-разолатдан, молпарастликдан йириқ бўлиши лозим. Хива хони Муҳаммад Раҳимхон – Феруз унинг давлатни бошқариш тўғрисидаги маслаҳатларига қулоқ тутган, унинг ҳикматли байтларини мармар тошларга ёздириб арзхоналарга қўйдирган, кў эзгу ишларни амалга оширган.

Комил Хоразмий (1825-1899) ўзбек адабиётининг илғор намояндаларидан биридир. У том маънода лирик шоир бўлиб, унинг ҳаётга муносабати нафис лирик кечинмаларида ўз аксини топган. Комил Хоразмий ўз ижодида адолатни, тараққиётни ёқлаб, халқнинг эзгу умидларини қўлади, зулм ва жаҳолатни қоралади. Шунинг учун ҳам унинг ижоди ўша давр ўзбек адабиёти илғор вакилларига ҳамоҳангдир. Масалан, "Жухало" (Жоҳиллар) ғазалида у амалдорларнинг порахўрликка берилиб адолатни бутунлай унутганлигини, ёмонликка ривож бериб, кўп мол-дунё тўплаганлигини, олимларнинг обрусини тўкиб, жоҳил ва нодонларни ҳимоя қилганлигини ёзади.

*Нўш этиб риш ва майин, етмас улус додига,
Билмадилар даме ойини адолат жуҳало.
Бўлубон ҳомийи арбоби фасоду сирқат,
Жамъ қилдилар ўқуш давлату сарват жуҳало.*

Комил жамият ва ҳаётга бўлган ўз қарашларини шу давр ва унда ҳукм сурган ижтимоий-маънавий аҳволдан келиб чиқиб ифодалайди. Зулм ва жаҳолат авжига чиққан кунларни ўз кўзи билан кўрган шоир хон саройида ишлаган вақтда ва кейинги даврда ҳам доим халқ манфаатини ўйлади, халқни ўйлайдиган ақлли, фозил кишилар давлат ишларидан четлатилиб, таъқиб остига олинганидан норози бўлди.

Унинг ижодида кўпчилик дин аҳлларининг икки юзламачилиги ва фирибгарлиги танқид қилинади. Жамиятда софлик, ахлоқий етуклик учун курашга даъват қилади. Унинг асарларида кишилар ўртасидаги ишқ-муҳаббат, маърифатпарварлик, тинч-тотув яшаш ғоялари тарғиб қилинади. Унинг ижодида маърифатпарварлик етакчи ҳисобланади. У кишилар ўртасидаги муносабатларни, жамиятни яхшилашда билим-маърифат асосий роль ўйнашига қаттиқ ишонади ва одамларни маърифатга чақиради.

XIX асрнинг иккинчи ярмида мамлакатимиз ижтимоий фикри тарихида алоҳида ўрин эгаллаган таниқли шахслардан бири **Аҳмад Донишдир** (1827-1897). Унинг ижтимоий қарашлари Бухоро амирлиги шароитида мавжуд бўлган сиёсий тартиблар ва ҳаракатларни, давлат бошқаруви ва тузилишини, амирликнинг ички ва ташқи сиёсатини очиқ беришга хизмат қилади.

Аҳмад Дониш ўзининг "Наводир ул-вақое" ва бошқа асарларида ижтимоий тараққиётга ғов бўлаётган тартиб ва муносабатларни танқид остига олади. Бухоро хонлигини Европа давлатлари, жумладан, Россия билан таққослайди ва унинг иқтисодий, маданий соҳаларда орқада эканлигидан қўйилади. Уни қолоқликдан чиқариш учун ижтимоий-сиёсий тузумда ислохотларни амалга ошириш зарурлигини уқтиради. Бу албатта, ўша давр учун ғоят дадил фикрлар эди. У ўзи тузган лойиҳаларда давлат бир гуруҳ кишиларга эмас, балки бутун халқ манфаатига хизмат қилиши керак, деган ғояни асослашга ҳаракат қилади.

Донишнинг фикрига кўра ҳукмдор муҳим давлат ишларини ўз атрофидаги давлат арбоблари билан маслаҳатлашиб ҳал қилиши, маслаҳатчилар ҳам донишманд ва адолатли кишилар бўлиши, ҳукмдор уларнинг маслаҳатларига қулоқ солиши ва улар билан ҳисоблашиши керак, чунки кўпчиликнинг ақли бир кишининг ақлидан ортиқроқдир. Ҳукмдор билимдон, маърифатли, одил ва ўз фуқаролари манфаатлари учун хизмат қилмоғи

шарт. У қандай масалани ҳал қилмасин, энг аввал ўзини фуқаро ўрнида, уларни эса ўз ўрнида тасаввур қилмоғи лозим. Бу адолатни таъминлашга имкон яратади.

Табиатан билимга қизиқувчан бўлган Дониш Шарқ мутафаккирлари таълимотини ўрганиш билан бир қаторда Ғарбда тарқалган ижтимоий-сиёсий таълимотлар билан ҳам қизиқади. Унинг бу борадаги интилишлари кўп жихатдан Бухоро амирининг Россиядаги элчиси лавозимида кўрсатган фаолияти билан ҳам боғлиқ. Аммо унинг бу йўналишдаги фикрлари танқидга учрайди ва Дониш саройдан четлаштирилади.

Худди шу даврда ўзининг ижтимоий-сиёсий қарашлари билан Хива хонлигининг бутун маъмурий ва сиёсий идора усулини танқид қилган қорақалпоқ халқининг машҳур шоири **Бердимурод Қарғабой ўғли Бердақдир** (1827-1900). Ўзининг шеър, ғазал ва дostonларида хонликда олиб борилган ижтимоий сиёсатнинг халққа қарши моҳиятини каттиқ қоралади. Унинг ижоди хонлик ҳукмронлигини танқид қилишга, ундаги ижтимоий адолатсизликлар ва сиёсий тенгсизликни фoш этишга, инсонпарварлик, тенглик, сахийлик, адолат, ватанпарварлик, меҳр-шафқат, қаҳрамонлик ва мардлик, мустақиллик, миллий озодлик ва ҳақиқат учун кураш каби умуминсоний ва миллий қадриятларга бағишланган.

Бердақ оддий халқнинг хонга бўлган норозилигини ва хонлиқнинг сиёсий-маъмурий асосларини ўзининг "Ахмоқ подшоҳ" дostonида ифодалаб берди. Бунда у муҳтожлик чангалида эзилган, уқубат чеккан халқ учун эзгулик ва адолат бахш этмоқ йўлида эътиборга лойиқ фалсафий умумлашмалар қилди.

Бердақ ўз ахлоқий қарашларида Шарқнинг энг яхши анъаналарини давом эттирди. У "Издадим", "Халқ учун", "Яхшироқ", "Менга керак" каби шеърларида кишиларнинг ҳалол меҳнатини улуғлайди. Унинг ахлоқий қарашларининг яна бир томони – инсонни ҳурмат қилиш, айниқса, қариялар, заиф ва ногиронлар, камбағал ва бева-бечораларнинг иззат-нафсига тегмаслик, уларга иложи борица ёрдам кўрсатишга чақиришдир. Бердақ худди Навоий каби одамларни ахлоқ-одобига қараб уларни яхши ва ёмонга бўлади. Яхши одам деганда, у бутун инсоний фазилатларни ўзида тўплаган доно, ақлли, билимдон, ўзгаларга ёрдам берувчи, феъл-атвори ижобий кишиларни кўз олдига келтиради. Ёмон одам эса Бердақнинг назарида, халқнинг офатидир, у халқни ҳам, оға-инининг ҳам қадрига етмайди. Умуман олганда, шоир ахлоқий қарашларининг марказида инсонийлик туради.

Муҳаммад Аминхўжа Муқимий (1850-1903) ўз ижодида жамиятда маърифат, ижтимоий адолат ва халқ фаровонлигини таъминловчи тартиблар ўрнатиш зарурлигини акс эттирди ва ўз замонасига ана шу жихатдан баҳо берди.

Муқимий зулм ва жаҳолат остида эзилган меҳнаткаш деҳқонлар ва шаҳар камбағалларининг оғир аҳволини, бойлар, руҳонийлар ва амалдорларнинг ўзбошимчалигини ва жабр-зулмни ёрқин ифодалаб берди. У ўз меҳнати билан моддий бойликларни яратаётган оддий халқ очлик ва қашшоқликда яшаётган бир пайтда, бойларнинг айшу-ишратда кун кечираётгани билан ҳеч келиша олмайди.

Муқимий золимларни фoш қилиш билан чекланмади, у жамиятда ҳокимият "ғирчиллама ковуш ва силлиқ салла"ликлар қўлида эканлигини тушуниб етди ва халқни мавжуд тузум адолатсиз эканлигини чуқурроқ англашга чақирди, халқнинг бу тузумга нисбатан ғзаб ва нафратини оширди. У ўз давридаги хонлик тузумида мавжуд бўлган турли табақалар, ижтимоий кучлар мавжудлигини ва улар орасида кураш борлигини кўра олди.

Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат (1858-1909) шеърляти ўз замонидан нолиш, зорляниш билан бирга, эркинликка ва ёруғ ҳаётга интилишни акс эттиради. Масалан, унинг "Сайдинг қўя бер сайёд" шеърида алам изтиробляри умумлаштирилган, қулликка, зулмга норозилик туйғуляри баён этилган. Бу шеър ов ва овчи ҳақида ёзилган бўлса ҳам, жамият ҳаёти ва жамиятдаги эрксизлик, қуллик ҳодисаларини тасвирляйди. Шоир кийикнинг ҳолини ўз ҳолига ўхшатади. Бу билан шеърда тасвирланган воқеа ижтимоий ҳаётга, кишилар ўртасидаги муносабатлярга тааллуқли эканлини кўрсатади.

Фурқат бу шеърнинг ҳар бандида бандга тушиб қолган кийикнинг аҳволини тасвирляр экан, воқеликнинг, ҳаётнинг бирор томонлини чизиб беради. Бу шеърда унинг ҳам

кучли, ҳам кучсиз тарафи гавдаланади. Шоирнинг кучли томони – унинг эркпарвар, озодликни севувчи сифатида, қулликка, жабр-зулмга, ҳақсизликка қарши чақириғидир. Унинг кучсиз томони эса – озодликни золимдан сўраб олмоқчи бўлишида, яъни овчини кийикка раҳм қилишга чақиришида кўринади.

Шоир афсонавий жаннат боғлари ҳаёли билан эмас, одамзот ўзи яшаб турган табиат гўзалликларидан баҳраманд бўлиб яшашни афзал кўради. Шунда ҳам яққа эмас, балки дўстлар билан бирга табиатдан баҳраманд бўлишга чақиради. У ҳаётда шодлик билан кун кечириш орзуси – инсоний, гўзал орзу эканини айтади. У дўстлар билан шодлик ва суҳбат қилиб яшаш орзуси бўлмаган кишиларни одам ҳисобламайди. Унинг ушбу фикрлари айни ҳолда баъзи тасаввуфий тариқатлардаги тарки дунёчилик қарашларига қарши чиқиш ҳамдир.

Фурқат ҳаётда ишқ-муҳаббатни юксак даражага кўтаради. Унингча, севги кишига қудрат бағишлайди, руҳан бойитади, абадий ҳаёт беради. Фурқат ўша пайтда ҳукмрон бўлган феодал-патриархал қолоқликка, ҳуқуқсизлик, фанатизм, жоҳиллик ва нодонликка қарши чиқади ва кишиларни илм-маърифатга чақиради. Эски усулдаги, фақатгина диний илмлар берилувчи мактабларни дунёвий илмлар берилувчи янги шаклдаги мактаблар билан солиштиради, фарзандлар келажаги билимга боғлиқлигини, уларнинг дунёвий билимлардан хабардор бўлиши мамлакат равнақига катта таъсир қилишини таъкидлайди. Шоир ўз шеърларида халқ ҳаёти учун, умумий, тарихий тараққиёт учун илм зарур, илм-фангина тараққиётга йўл очади, афсоналарни ҳақиқатга айлантиради, деб тушунади. Фурқат илмнинг жамият ҳаётидаги роли, аҳамияти ҳақида сўзлаб, шундай хулоса чиқаради:

*Жаҳон басту қушоди илм бирла,
Надир дилнинг муроди илм бирла,
Кўнгилларнинг сурури илмдандир,
Кўрар кўзларнинг нури илмдандир.*

Фурқат фақат илм, ихтиронигина эмас, айни замонда унинг ижодкори бўлмиш инсонни ҳам самимий ҳурмат билан севган ва инсоний муҳаббатни, эркинликни улуғлаган. Унинг шеърларида олижаноб фикрлар, ғоялар, гўзал ҳиссиёт билан яшовчи, жамият тараққиётини ўйловчи, илгарига, янгиликка интилувчи, халқ учун қайғурувчи инсон гавдаланади. Унинг тушунишича, ақл, идрок инсоннинг энг яхши фазилатидир.

Фурқат ўз ижодида, бир томондан, ўз давридаги жамият тузумининг ҳоким синфлар, зулмкорлар жабрини аёвсиз танқид қилади, жаҳолат, нодонлик ичида яшаган халқнинг аҳволига ачинади, уни билим, маърифатга яқиради, шу йўл билан қолоқликни, зулмни тугатиш йўлини излайди. Шу маънода у оптимист маърифатпарвар, демократ шоир сифатида майдонган чиқади. Бошқа томондан эса, ўз орзулари, умид-тилақлари амалга ошмаганидан куюнади, дарбадарликда, ғурбатда юриб умидсизлик кайфиятига тушади, замондан шикоят қилади. Булар Фурқат ижодида XIX аср охири, XX аср бошларидаги ҳаёт, меҳнаткаш халқнинг кайфияти, ички кечинмалари акс этганини кўрсатади.

Юқорида номлари зикр этилган таниқли адиб, шоир ва олимлардан ташқари Гулханий, Анбар отин (1870-1915), Нозимахоним (1870-1925), Сатторхон Абдуғаффоров (1843-1902), Завқий (1853-1921), Аваз Ўтар (1884-1919), Ҳамза (1889-1929) ва бошқалар ўзларининг асарларида шахс ва жамият ҳақида жиддий ва илғор фикрларни илгари сурдилар. Уларнинг ҳар бири ҳаёт шароитлари ва фаолияти, айрим масалаларга турлича ёндошишлари билан бир-бирларидан фарқ қиладилар. Лекин уларнинг барчасининг диққат марказида мамлакатнинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан қолоқлиги сабабларини аниқлаш, халқни иқтисодий ва маънавий зулмдан маърифат йўли билан озод этиш масалалари турар эди.

6. Жаҳидчилик ҳаракати намоёндаларининг ижтимоий тараққиёт ҳақидаги фикрлари

Подшо Россияси ўз мустамлакалари бўлган ўлкалардаги миллий масалаларнинг кўтарилишига бор кучлари билан қаршилиқ кўрсатар, бу ерларда минглаб йиллар мобайнида

ривожланган миллий давлатчиликни йўққа чиқаришга ҳаракат қилар, илғор фикрларнинг ривожланишига тўсқинлик қилар ва халқни тубанликда, билимсизликда тутиб туришдан манфаатдор эди. Шу мақсадларда Туркистон Россиянинг хом ашё базасига айланиб борди. Оғир, асосан қўл кучига асосланган қишлоқ хўжалик меҳнати мустамлака ўлка халқларини асоратга сола бошлади. Шунингдек, халқни мустамлакага, ҳеч бир ҳуқуқсиз қулга айлантириш сиёсати сиёсий зуғумлар, ярим ҳарбий бошқарув, мукаммал полициячилик назорати ва қаттиқ жазолар қўллаш механизмлари билан мустаҳкамланди.

Ана шундай аянчли аҳволга қарамай Туркистон халқлари тарих сахнасида йўқолиб кетмади, балки ўзлигига қайтиш учун қайтадан уйғона бошлади. XIX аср охири – XX аср бошларидан ўз миллий озодлиги, мустақиллиги учун курашга астойдил бел боғлади. Туркистонда миллий озодлик учун курашга отланган дастлабки ижтимоий-сиёсий оқим – жадидлар ҳаракати эди.

Жадидчилик ҳаракати дастлаб XIX асрнинг 80-йилларида Қримда пайдо бўлган, унинг асосчиларидан бири Исмоилбек Гаспирали (Гаспринский) эди. Бу ҳаракат мустамлакачиларга қарши очикдан-очик курашдан воз кечар, билвосита кураш йўлини танлаган эдилар. Мустамлакачилик зулми натижасида халқ ўзлигини йўқота бошлаган бўлиб, у миллий дунёқарашни шакллантира олмас эди. Шунинг учун ҳам дастлабки ишни халқни маърифатли қилишдан, уни уйғотишдан бошлаш зарур эди. Маърифатли ва ўзлигини англаган халқда миллий онг тез ривожланиб, у ўз-ўзидан мустабид зулмга қарши чиқади ва ўзини миллий зулмдан озод қилади. Шунинг учун жадидлар ўзларининг илк ҳаракатларини маърифатпарварликдан бошлаганлар.

Бу оқим ўз ҳаракат шаклини маданий-маърифий тарзда кўрсатишга интиланган бўлса-да, унинг моҳияти ва замирида сиёсий кураш, ўз халқини мустамлакачилар зулмидан озод қилиш, мустақил давлат қуриш нияти бор эди. Шунга мувофиқ жадидизм ўз тараққиётида икки босқични босиб ўтган: маърифатпарварлик босқичи ва сиёсий ҳаракатлар босқичи.

Жадидлар мафқураси ҳам ўзига хос эди. Улар ўша пайтларда бутун дунёга кенг тарқалишга улгурган Европа маданияти ва ривожланиш ғояларини рад қилар, шу билан бирга янги пайдо бўлган социализм ва социал-демократик қарашларга қўшилмас, бу оқимлар Туркистоннинг келажаги учун хавфли эканлигини исботлашга ҳаракат қилар эди. Улар ўз мафқуралари асосий мезонларини ижтимоий адолат, миллий мерос, туркчилик ва миллий мустақиллик каби қадриятлар асосида шакллантирдилар. Шу билан бирга улар маънавий-маданий ва маърифий ҳаётни янгилашга, халқ турмуш тарзига фан ва техника ютуқларини олиб киришга, диний жаҳолат, бидъат ва мутаассибликка, шунингдек, қолоқликка барҳам беришга интилар эдилар.

XX асрнинг дастлабки 10 – 15 йилида Туркистонда янги "усули жадид" ёки "усули савтия" мактаблари очилди, миллий матбуот ва театрлар ташкил этилди. Турли уюшмалар, ҳаракатлар ва хайрия жамиятлари шаклланди. Жадидларнинг халқнинг миллий ўйғониши, мустақиллик учун кураш ғояларининг шаклланишида, шунингдек, унинг маданий-маърифий қарашларини бойитишда Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулҳамид Чўлпон, Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев каби таниқли кишиларнинг фаолияти катта аҳамиятга эга бўлди.

Маҳмудхўжа Бехбудий (1879-1919) 1913 йилдаёқ Туркистон халқлари орасида илм-маърифатни ривожлантириш уларнинг миллий-давлат манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур, деган фикрга келади. Халқни зулмдан озод қилиш учун оммавий ҳаракат вужудга келтириш керак, унга бирлашган кишилар умумий мақсад йўлида ўзларининг миллий фарқларига эътибор бермасликлари лозим, деган ғояни илгари суради. Ана шундагина Туркистон халқлари ўз вакиллари Давлат Дўмасига сайлаш орқали қонун доирасида халқ манфаатларини ҳимоя қила олади. Шу маънода, у Туркистон халқлари мавжуд ички зиддият ва қарама-қаршиликларга барҳам беришлари керак, деган фикрни билдиради. Бу фикр ўз аҳамияти жиҳатидан ҳозирги пайтда ҳам аҳамиятга моликдир. "Агар бутун Туркистон бирлашса қон тўкилмайди, ер ва мулк ҳам бўлинмайди, ана шунда керакли вазият вужудга

келади. Мавжуд зиддиятлар ҳақида қанчалик гапирмайлик, шундай қилсак – бирлашамиз, зиддиятлар кучайган сари – бахтсизлик сари борамиз", деб ёзади Бехбудий.

Феврал буржуа инқилоби жаидчиларни Россия таркибида автономияга эришиш мумкин деган фикрга олиб келди. Туркистонда миллий интилишлар инъикоси сифатида "Шурои исломия", "Иттифоқ" каби партиялар вужудга келди. Тез орада жаидлар Муваққат ҳукумат ва унинг Туркистондаги ҳукуматининг илгаригидек мустамлакачилик сиёсат олиб боришига ишонч ҳосил қилдилар. Энди улар мустақил Таъсис мажлиси чақириш ва Россия таркибида мустақил Туркистон автономияси тузиш учун ҳаракат бошладилар. Шуниси диққатга сазоворки, жаидларнинг ушбу даврда тузган ҳужжатларида бўлажан автономия республика бўлиши, унинг қонунлар қабул қилиш, Туркистонда бошқарувни амалга ошириш, суд ҳокимияти каби масалаларда мустақиллиги айтилган эди.

Октябрь инқилоби ушбу ниятларни амалга оширишга имкон бермади. Шунга қарамай, жаидлар большевикларнинг миллий ўз-ўзини белгилаш ҳақидаги Декларацияси берган ҳуқуқларидан фойдаланиб Қўконда Туркистон мухторияти номи остида мустақил республика туздилар. Жаидчилик ҳодисасининг ўзига хослиги шундаки, сўнгги уч юз йил ичида илк бор мустақиллик ғоясига асосланувчи миллий давлат тузишга ҳаракат қилинди.

Жаидлар ҳаракатининг илк босқичида улар Туркистондаги барча халқларни жипслаштиришга интилган эдилар. 1917-1919 йиллардан бошлаб эса Туркистон мухторияти орқали миллий манфаатларни ҳимоя қилишга эътибор қаратдилар. М.Бехбудий ҳеч ким ва ҳеч қандай ҳокимият халққа ихтиёрий равишда озодлик бермайди, деган фикрни асослаб берди. "Тарихдан маълумки, - дейди у, - ҳуқуқлар тухфа этилмайди, балки қўлга киритилади. Ҳар қандай миллат, халқ ўз кучларини бирлаштириш ва ўз интилишлари орқалигина ўз ҳуқуқлари, дини ва сиёсатини ҳимоя қилиши мумкин. Биз, мусулмонлар, жумладан Туркистон мусулмонлари, ҳеч ким бизнинг динимиз ва миллатимизга тажовуз қилмаслигини истаймиз, ўз навбатида биз ҳам ҳеч кимга тажовуз қилиш ниятимиз йўқлигини билдирамыз"¹⁸.

Ўлкамиздаги қолоқлик сабабларидан бири халқнинг илм-маърифатдан узоқлиги ва дунёвий билимларнинг кенг тарқалмаганидир, деган фикр жаидлар дунёқарашида катта ўрин эгаллайди. Жаидлар илм-маърифатнинг аҳамияти катталигини доимо таъкидлаганлар. Бехбудий озодлик кураш ва бирлашиш орқали қўлга киритилади. Бунинг учун Туркистондаги барча халқлар ўзаро зиддиятларни унутиб, бирлашишлари керак, деган фикрни қатъий айтади. Бу фикр илгаригидек маърифий йўналишда эмас, эндиликда сиёсий маъно касб этган эди.

Жаидлар Туркистоннинг келажаги ҳуқуқий билимларнинг ўрнига боғлиқлигини таъкидлаганлар. Бехбудий "Қонуни Оврупо", "Ҳақ олинур, берилмас!", "Лойиха", "Қози ва бийлар ҳақинда лойиха" мақолаларида ўлкамизда ҳуқуқий соҳадаги камчиликлар кўплиги ҳақида фикр билдиради. Жумладан ўлка маъмурияти ҳуқуқий масалаларни элликбоши ва қозилар қўлига бериб қўйди, аммо улар порахўрдикни авж олдириб юбордилар. Чунки шариятга асосланган ишларни ҳал қилишда ҳамма ҳам унинг иқир-чиқирларини чуқур билавермайди. Бу эса порахўрликка туртки бермоқда. Бу соҳадаги ҳолатни чуқур таҳлил қилган Бехбудий қозиликни бекор қилиш ва уларнинг ўрнига Туркистоннинг ҳар бир вилоятида давлат судларини ташкил этиш таклифини ўртага ташлайди.

Шуни таъкидлаш керакки, жаидларнинг кўпчилиги, хусусан М.Бехбудий халқда мавжуд салбий характердаги одат ва таомиллар ҳам ҳаётни яхшилашга ҳалақит бериши мумкин деб ҳисоблайди. Масалан, тўй-маракаларнинг ортикча дабдабазлик билан ўтказилиши, дафн маросимлари билан боғлиқ ортикча одатларнинг борлиги оилаларнинг моддий ҳолатига катта таъсир қилмоқда. Бундай одатларни имкон даражада қисқартириш керак. Бу ҳам охир-оқибат илм-маърифатга, кишиларнинг маънавий салоҳиятига бориб тақалади, дейди Бехбудий. Шу ўринда мазкур фикрнинг орадан юз йил ўтса-да ҳамон ўз аҳамиятини йўқотмаганлигини эслатиб ўтиш жоиз.

¹⁸ М.Бехбудий. Баёни ақиқат // "Улуғ Туркистон", 1917, 12 июнь.

Жадидчилик мамлакатимизда бир неча шаклда амал қилган: Бухорода "ёш бухороликлар", Хоразмда "ёш хиваликлар" ва юқорида эслатиб ўтилган Туркистон жадидчилиги кўринишида. Уларнинг фаолиятларини эса сиз тарих фани бўйича мавзулардан яхши биласиз.

1914-1915 йилларда бухоро жадидлари икки йўналишга ажралиб кетдилар. Ёш бухороликлар йўналиши катта ёшлилар йўналишидан фарқли равишда очиқ норозилик чиқишлари уюштириш йўлини тутдилар. С.Айнийнинг фикрича айни шу нарса ҳаракатнинг ҳалокатини белгилаб берган. У Ф.Хўжаев ва Фитратни узоқни кўролмаслик, вазиятни таҳлил этолмаслик ва ҳаддан ортиқ қизиққонликка берилишга мойилликда айблаган эди. Тарихий тараққиёт катта ёшлилар йўналиши вакиллари – Усмон Хўжаев, Муҳиддин Рафоат, Садриддин Айний, Муса Саиджонов кабиларнинг вазиятни тўғри баҳолашганини кўрсатди. Жадидларда динга мойиллиги катта бўлган халқ оммасига таъсир қилиш кучи етишмасди. Шунинг учун катта ёшли жадидлар йўналиши диндорларнинг халқни кўтара олиши мумкинлигидан келиб чиқиб, эҳтиёткорлик билан, қон тўқисиз, аста-секинлик билан, босқичма-босқич ислохотлар ўтказиш тарафдордори эдилар.

"Ёш бухороликлар" йўналиши (Ф.Хўжаев, Фитрат) советларнинг амирни ағдариш ва инқилобни амалга оширишида уларга чин дилдан ёрдам беришига ишонишарди. Ф.Хўжаев анча кейинроқ РКП (б)нинг ўз мақсадлари учунгина ёш бухороликлардан восита сифатида фойдаланганини тушунди.

Ёш бухороликлар партияси ўзининг ислохотлар дастурига эга эди. Унинг лойиҳаси Фитрат томонидан ишлаб чиқилганди. Сиёсий вазиятдан келиб чиқиб улар ўз олдига глобал вазифалар ёки бошқаришнинг республика шаклини куч билан жорий этиш вазифасини қўйишмаганди. Ф.Хўжаев буни минимум дастур деб атайди, унга мувофиқ "бошқаришнинг монархия шакли ўзгартирилмайди, конституция масаласи олдиндан ечилмайди,... икки мақсад қўйилган: Бухорода ҳуқуқий давлат тузиш, ўрта аср шарқ деспотизмига асосланган монархияни европача монархия билан алмаштириш, халқнинг маданий ва маиший ҳаётини яхшилаш асосида Бухоронинг иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳиятини мустақкамлаш"¹⁹. Ёш бухороликлар фикрича амирлик бошқариш тизими асосан сақланиб қолиши, фақат маҳаллий бошқариш даражасида оқсоқолларни халқ сайлашига имкон берилиши керак эди. Судлов тизими шариат қонунларига асосланиши ва улар рухонийлар қўлида қолиши кўзда тутилган эди.

Иқтисодий ва маданий соҳаларда эса ёш бухороликлар анча илғор фикрларни айтишган. Масалан, улар давлат ва одамларга тегишли ер солиқларини камайтиришни, аксинча, амир томонидан инъом этилган хусусий мулк ларга солиқларни кўпайтиришни тақлиф қилишган. Қишлоқ хўжалик банки очиш ва деҳқонларга техника сотиб олиш учун кредит тизимини жорий этиш, уларни техникани бошқаришга ўргатиш кўзда тутилган. Аммо мазкур дастурда амирликдаги мавжуд иқтисодий, маънавий, молиявий, армия тизимига унчалик таъсир қилмаслик ғояси устун туради.

Ёш бухороликлар Туркистон Марказий бюроси томонидан ишлаб чиқилган иккинчи дастур эса қандай қилиб бўлса ҳам амирликни ағдариш вазифасини қўяди. Унга мувофиқ халқ республикасини ўрнатиш ва ҳукумат таркибига аҳолининг таркибига мос равишда вакиллар киритиш, умумий сайлов ҳуқуқини жорий этиш кўзда тутилган. Ҳуқуқий тизим қайта ташкил этилиши лозим, жиноий судлар икки босқичли бўлиши керак: биринчи инстанция судлари халқ томонидан сайланади, иккинчи инстанция эса тайинланиши ва биринчи инстанция судлари қарорларини назорат қилиши керак. Мазкур дастурда 8 соатлик иш вақтини жорий этиш, қасаба ташкилотларини тузиш, кредитлар ва матлуботни ташкил этиш масалалари кўзда тутилган эди. Бундан ташқари давлат томонидан ишчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, меҳнатни муҳофаза қилиш, 18 ёшга кирмаганлар учун ёлланма меҳнатни тақиқлаш, меҳнатга лаёқатсизлар учун страхование масалалари аниқ ифода этилган эди.

¹⁹ Ф.Ходжаев. Материалы к истории Бухарской революции. Т., 1926, 35-бет.

Маълумки ёш бухороликлар таркибидаги икки оқим – коммунистик ва сўл бухороликлар гуруҳи ўзаро бирлаша олмадилар. Натижада РКП (б) Туркбюроси МК қарори билан мазкур партия асосида Россия коммунистик партиясининг бир қисми сифатида Бухоро коммунистик партияси ташкил этиш қарори қабул қилинди. Қолган воқеалар эса бизга тарихдан яхши маълум.

Таянч тушунча ва иборалар: зардуштийлик; монийлик; маздакийлик; тасаввуф таълимоти ва унинг атоқли намоёндалари; тасаввуфда баркамол жамият ва комил инсон масалалари; Ўрта Осиёнинг илм-фан вакиллари ва атоқли давлат арбобларининг ижтимоий қарашлари; жаҳидчилик;

Такрорлаш учун саволлар:

1. Зардуштийлик, монийлик ва маздакийликнинг умумий жиҳатлари нималардан иборат?
2. "Авесто"даги уч эзгуликни тушунтириб беринг.
3. Абу Наср Форобийнинг адолат ҳақидаги фикрларини изоҳлаб беринг.
4. Ибн Сино жамият тузилишидаги иерархияликни қандай тушунтиради?
5. Тасаввуф таълимоти вакиллариининг инсон ҳаёти ва ўзаро муносабатлардаги ахлоқий хислатлар ҳақида қандай фикрлари мавжуд? Уларни бирор-бир мутафаккир мисолида тушунтириб беринг.
6. А.Темур ўз "Тузуқлар"ида давлат ва жамият ҳақида қандай фикрларни илгари суради?
7. Навоий ижодида инсонпарварлик қандай намоён бўлади?
8. XVII-XIX асрларда юртимиз ҳудудида яшаган машҳур адиблардан кимларни биласиз?
9. Маърифатпарварларнинг асосий фикрлари нимадан иборат эди?
10. Жаҳидлар ўзбек халқининг XIX аср охирида қолоқлик гирдобига тушиб қолишининг сабабларини қандай изоҳлашган?

6-мавзу. Европада инсон ва жамиятнинг моҳияти тўғрисидаги ғоялар

1. Христиан назариётчиларининг жамият ва инсон ҳақидаги ғоялари

Христиан дини ақидаларини халқ оmmasига сингдириш, уларни ана шу қарашларнинг ҳақиқат эканлигига ишонтириш, расмий давлат бошқаруви тизимини ҳам унга мослаштириш, ҳаттоки ҳокимиятни унга бўйсундириш кўп жиҳатдан христиан назариётчиларининг ижоди ва фаолиятига боғлиқ бўлган. Ана шундай кишилардан бири **Аврелий Августиндир** (354-430).

У шимолий Африкадаги Нумидия давлатининг Тагаст шаҳрида туғилган, манихейчилик, платонизм орқали христианликка эътиқод кўяди ва 387 йили христианликни қабул қилади. Шимолий Африкадаги Гиппо шаҳри епископи даражасига кўтарилади. Унинг асосий асарлари "Тавба", "Учлик ҳақида", "Илоҳ шаҳри ҳақида" ("О граде божьем") ва бошқалар.

Августин дунёқараши **теоцентристик** характердадир. Худонинг бирламчилиги тамойилидан у яратган рухнинг, жоннинг танадан, ирода ва ҳиссиётнинг ақлдан устунлиги қоидалари келиб чиқади. Худо олий моҳиятдир. Фақат унинг мавжудлигигина ҳеч нарсага боғлиқ эмас, бошқа ҳамма нарсалар унинг иродаси туфайлигига мавжуддир. Худо барча нарсалар мавжудлигининг, улар ўзгаришларининг сабабидир; у дунёни нафақат яратди, балки уни доимо сақлаб туради, уни яратишда давом этади. Августин дунё бир мартагина яратилган, кейин унинг ўзи ривожланади, деган фикрни инкор қилади.

Жонни Августин Платоннинг идеяси руҳида тушунади ва у фикрлаш, ирода, хотира каби функцияларни бажаради ҳамда ҳеч қандай биологик функцияларга эга эмас, деб ҳисоблайди. Жон танадан мукамаллиги билан ҳам фарқланади ва бу мукамаллик худодандир, демак **жон, руҳ худога яқин ва ўлмасдир**.

Биз танадан кўра жонни, руҳни яхшироқ биламиз, худони ҳам тана эмас, руҳ орқали биламиз, тана билишга ҳалақит беради. Руҳнинг танадан устунлиги сабабли инсон фақат у ҳақдагина ғамхўрлик қилиши, ўзидаги ҳиссий завқланишни бостириши керак. Руҳий ҳаётда асосий нарс ақл, тафаккур эмас, **иродадир**. Инсоннинг моҳиятини пассив ҳисобланмиш тафаккур эмас, фаол бўлмиш ирода белгилаб беради. Августин бу тамойилни психологияга эмас теологияга ҳам жорий қилади: ироданинг фаоллиги илоҳий моҳиятга ҳам тегишлидир. Шу маънода унинг фалсафаси интеллектуализм ва рационализмдан **волюнтаризмга** боради.

Августин дунёқарашида ҳамма нарс ягона, мукамал, абсолют борлиқ бўлган худога такалади, унингсиз ҳеч нарсани амалга ошириб ҳам, билиб ҳам бўлмайди, моддий дунё эса худонинг маҳсули, ва унинг акс этишидир. Табиатда ҳеч бир нарс ғайритабиий кучлар иштирокисиз содир бўлмайди. Худо ягона борлиқ ва ҳақиқат сифатида метафизиканинг мазмунидир; худо билишнинг манбаи сифатида билиш назариясининг предметиدير; худо ягона бўлмиш яхшилик ва гўзаллик сифатида этиканинг предмети ҳисобланади; худо барча нарсга кодирлик ва меҳр-саховатга тўлаллик сифатида диннинг асосий масаласи саналади.

Августин фикрича **инсон ҳаётининг мақсади ва мазмуни бахтга эришишдир**. Бахтга эса ягоналик бўлмиш худога эришиш мумкин. Шу маънода инсоний бахтга эришиш энг аввало **худони англаш, билишни ва жонни синаб кўришни** тақазо қилади. Худо ҳақидаги ҳақиқат ақл билан эмас, *ишонч* билан англанади. Ишонч эса ақлга эмас, кўпроқ иродага тааллуқлидир. Ишонч ва тафаккур бир-бирини тўлдириши керак. "Ишониш учун тафаккур қил, ва аксинча, тафаккур қилиш учун ишон",- дейди Августин.

Августин этикасига кўра ёмонлик инсондан келиб чиқади, у ушбу мавжуд дунёга оид характердадир, яхшилик эса худодан вужудга келади, у худонинг меҳр-саховатиدير. Инсон яхшилик учун эмас, ёмонлик учун масъулдир.

Августин ижтимоий-сиёсий таълимоти тенгсизлик ғояси асосига қурилган, бу ҳолат ижтимоий ҳаётнинг абадий ва ўзгармас тамойилидир. Тенгсизлик худо томонидан яратилган ижтимоий организм иерархияли (қуйининг юқорига бўйсунishi) тузилишининг бир томонидир. Ердаги иерархия – худо "монарх" ҳисобланмиш осмоний иерархиянинг аксидир. Аммо у кишиларнинг еретик таълимотларга мурожаат қилишларининг олдини олиш учун барча кишилар битта отадан вужудга келгани сабабли худо олдида тенгдирлар, деган ғояни илгари суради.

Инсоният барча даврларда турли шакллардаги ижтимоий тартибларга асосланган жамиятларда яшашсада, улар Августин фикрича доимо икки даражага бўлинади: **инсонга монанд яшайдиганлар ва худога монанд яшайдиганлар**. Ер шаҳри одамлари (инсонга монандлар) дастлабки инсонлар Одам Ато ва Момо Ҳавонинг гуноҳлари туфайли, улардан вужудга келганликлари сабабли доимо гуноҳқордирлар, шунинг учун улар муносабатларида жуда кўп камчиликлар (тенгсизлик, эксплуатация, ахлоқсизлик, урушлар, қийинчиликлар ва ҳ.к.) мавжуд. Демак, бошланғич гуноҳнинг пайдо бўлиши сифатида Ёмонлик учун худо эмас, одамлар жавобгар. Осмоний шаҳар одамлари эса (худога монандлар) руҳонийлар ва худо йўлига ўз умрини тиккан черков ходимлари эса худо чизган йўлдан чикмай яшайдилар, улар муносабатларида тенгсизлик йўқ, уларнинг мақсади оллоҳга етишишдир.

Августин фикрича инсон заиф мавжудот, у ўз кучи билан гуноҳдан қочишга ҳам, ерда анча-мунча етук бўлган жамият қуришга ҳам кодир эмас. Лекин барибир бир пайт келиб яхшилик ва адолат ғалаба қозонади ва аввалдан белгиланган абадий тартибга кўра илоҳиётга мос даврга ўтилади.

Унинг фикрича инсоният ўз тараққиётида олти босқични босиб ўтади: чакалоқлик даври, болалик даври (хотира ривожланадиган пайт), ёшлик ("тубан ақл", ахлоқий онг), етуқлик (диний онгнинг тарқалиши), кексаликнинг бошланиши (руҳнинг худони англаши даври). Августин етуқлик, кексаликнинг илк даврларини диний томоннинг ғалабаси даври сифатида кўрсатади. Сўнгги давр эса Христоснинг туғилган давридан унинг иккинчи марта пайдо бўлишигача ўтган даврни ўз ичига олади.

Августиннинг таълимоти қадимги даврдаёқ катта таъсирга эга бўлган эди. Рим-католик черкови ундан ўзининг теократик фикрлари ва давлатга таъсирини кучайтириш мақсадларида фойдаланди. Черков олдидаги хизматлари учун унга Авлиё номи берилган.

XIII асрда Рим-католик черковини янада мустаҳкамлаган кишилардан бири доминикан монахи **Фома Аквинский** (1225/26-1274) ҳисобланади. Унинг асарлари кейинчалик ўрта аср черкови расмий мафжурасининг энциклопедияларига айланган. Асосий асарлари "Теологиялар суммаси" ва "Мажусийларга қарши сумма".

Христианлик ҳақиқати тафаккурдан устун туради, аммо у ақлга зид эмас. Ҳақиқат битта бўлади, чунки у худодандир. Фалсафа динга унинг ҳақиқатларини тафаккур категориялари орқали тушунтириш билан хизмат қилиши керак. Фалсафанинг ўзи ғайритабиий ҳақиқатни исбот қила олмайди, аммо у унга қарши бўлган асосларни заифлаштириши мумкин. Шунинг учун у теологиянинг қуролидир.

Дунё муайян тартибдаги системадир, у бир неча иерархик даражадаги босқичлардан иборат. Энг кенг босқич – жонсиз табиат, унинг устида ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси туради. Улардан эса олий босқич бўлмиш одамлар дунёси ўсиб чиқади. Одамлар дунёси эса ўз навбатида ғайритабиий ва руҳий соҳаларнинг асосидир. Энг етуқ реаллик, барча реалликларнинг чўққиси, уларнинг абсолют сабабчиси, мазмуни ва мақсади **худодир**.

Барча алоҳида нарсалар бошқа омиллар билан яратилгандир, яъни улар нималар биландир шартланганлик, тасодифийлик хусусиятига эга. Фақат худогина абсолют, ҳеч нима билан белгиланмаган. **Худо оддий борлиқдир, воқеदир; яратилган нарса ва ҳодисалар эса мураккаб борлиқдир.**

Инсоннинг жони, руҳи моддий эмасдир, у соф материясиз шаклдир, у моддийлик, материяга умуман боғлиқ эмас. Худди ана шу нарса унинг *йўқолмаслиги ва ўлмаслигини* таъминлайди. Руҳ танага боғлиқ бўлмаган субстанция бўлгани сабаб тана томонидан йўқотила олмайди, соф шакл бўлгани учун ўз-ўзидан йўқола олмайди.

Фома руҳнинг бир канча турлари борлигини таъкидлайди: ўсимликларга хос **вегетатив руҳ** (кўпайиш ва модда алмашинуви), ҳайвонларга оид **сенситив руҳ** (сезиш, тасаввур, эркин ва сабабли ҳаракат), одамларга хос – **тафаккур**. Демак, инсон ақли руҳга эга, у ўзида икки паст даражадаги руҳларни камраб олади. Шу маънода иродани тан олган Августиндан фарқли равишда, Фома ақлга катта эътибор беради. Унингча, интеллект иродадан устун туради.

Ахлоқий хислатлар, фазилатлар ҳақида гапирганда у *донишмандлик, мардлик, адолат, ўртамиёналикни* таъкидлаган анъанавий юнон қарашларига *ишонч, умид, муҳаббат* каби христиан сифатларини ҳам қўшади. Ҳаёт кечиришлан мақсад бахтга эришишдир, у эса *худони англаш ва у билан уйғунлашиб кетиш демакдир*. Билиш инсоннинг энг улуғ функциясидир, худо эса – билишнинг чексиз предметиدير. Инсон мавжудлигининг сўнгги мақсади худони билиш, уни кузатиш ва унга муҳаббатдир. Бу йўл синовларга бойдир, ақл инсонни илоҳий қонунни ифодаловчи ахлоқий тартиботга олиб келади; ақл инсонга ўзини қандай тутганда абадий роҳат-фароғат ва бахтга етишиш мумкинлигини ўргатади.

Фома давлат умумий фароғат ҳақида қайғуриш учун мавжуддир, дейди. Аммо у ижтимоий тенгликка кескин қарши чиқади, унингча табақавий тенгсизлик абадийдир. Фуқаролар бошқарувчиларга бўйсунishi керак. Монархия – давлатнинг энг яхши шаклидир. Руҳ танада, худо оламда қандай аҳамиятга эга бўлса, монарх ҳам ўз давлатида шундай бўлиши керак. Адолатли ва яхши қиролнинг ҳокимияти худонинг оламдаги ҳукмронлигини акс эттириши керак. Черковнинг роли давлатникидан устун бўлиши керак, шунинг учун дунёвий давлат ҳукмдорлари черков иерархиясига бўйсунishiлари лозим. Рим папаси худонинг ердаги вакилидир. Давлат черковга бўйсунмоғи лозим.

XII аср охири - XIV аср бошларида Фома Аквинский таълимоти асосида вужудга келган томизм назарияси ғалаба қилади. Аквинский унинг "биринчи доктори" деб тан олинади, 1323 йили у авлиё деб эълон қилинади, 1567 йили эса черковнинг бешинчи устози деб тан олинади. 1879 йили папа Лев XIII Фома Аквинский таълимотини бутун католик черкови учун мажбурий деб эълон қилади.

2. Уйғониш даври мутафаккирларининг инсон ва ижтимоий ҳаёт тўғрисидаги фикрлари

Европа Уйғониш даври – Ренессанс шу вақтгача ер юзида бўлиб ўтган революциялар ичида энг буюғи бўлди. Ана шу революция вазиятида ривожланиб борган табиийёт илми ҳам бошдан-оёқ революцион бўлиб, буюк италянларнинг уйғониб келаётган янги фалсафаси билан биргаликда ривожланар ва унинг жафокашлари гулхан ва зиндонларда қурбон бўлиб кетар эди. Шуниси характерлики, уларни таъқиб қилишда протестантлар билан католиклар ўзаро рақобат қилганлар. Протестантлар Мигель Серветни (1509/1511-1553 йиллар. *Испан мутафаккири, врач. Кичик қон айланиш доирасининг мавжудлигини айтган*) ўтда қуйдирган бўлсалар, католиклар Жордано Брунони (1548-1600. *Италиялик пантеист файласуф, дунёнинг чексизлиги ва қўплиги ҳақидаги қарашларни баён қилган*) ўтда қуйдирганлар. Бу давр гигантларга муҳтож бўлган ва гигантларни, билимдонлик, рух ва характер гигантларини вужудга келтирган давр бўлди. Бу шундай давр эдики, уни французлар Ренессанс, яъни антик маданиятнинг, фан ва фалсафанинг қайта тикланиши, уйғониши, деб тўғри атадилар.

Уйғониш даври тафаккури, мафжураси ва маданияти учун хал қилувчи тенденция **дунёни теоцентристик тушунишдан антропоцентристик тушунишга ўтилганлигидир.** Ўрта аср диний дуёқарашига қарши курашда Уйғониш даври маданиятида инсонпарварлик, антропоцентристик мотивлар олдинги планга чиқади. Ердаги ҳаётга паст назар билан қараш ўз ўрнини инсоннинг ижодий имкониятларини, унинг ақл-тафаккурини, ерда бахтли яшашга интилишини тан олишга бўшашиб беради. Инсонийликнинг амалга оширилишини эса ўтмиш маданияти эришган ютуқларсиз кўз олдида келтириш мушкул, шу маънода Уйғониш даври гуманизми (инсонпарварлиги) ўтмиш маданий меросига, антик фалсафа ютуқларини эгаллашга қизиқиш уйғотади. Шу сабабли яна Афлотун ва Аристотелнинг, стоиклар, эпикурчилар, Цицероннинг ҳамда бошқа антик мутафаккирларнинг фалсафаси янгича жозиба билан юз оча бошлайди.

Антропоцентризм томонга бурилишни "соф" материалистик қарашларнинг ғалабаси сифатида ҳаддан ортиқ юзаки тушунмаслик керак. Гап шундаки, Ренессанснинг инсонпарварлиги инсоннинг ички оламига, унинг ердаги "илоҳийлигига" эътибор берганликда, ташқи илоҳий "қоидалардан" чекинилганликда, инсонни ҳаётий фаолликка чақирганликда, инсонни ўзига ишонишни таъкидлаганликда ўз ифодасини топади. Аммо мана шу прогрессив ҳисобланувчи янгиликларнинг ўзи ҳам тарихий жихатдан белгиланган бўлиб, у ёки бу шаклларда диний рамкаларда юзага чиқиши мумкин эди.

Шу билан бирга Уйғониш даври гуманизмини идеаллаштириш ҳам нотўғри бўлади ва ундаги ички зиддиятларни ҳам кўрмаслик мумкин эмас. Улар XII–XV аср тарихий воқелиги билан белгиланади. Ана шу ўзига хосликлар ушбу ғояларнинг элитарлигида (яъни, сараланган, юқори табақага оид кишиларга мўлжалланганлигида), "аристократик" (оқсуяклик) тенденцияларида яққол кўзга ташланади. Масалан, ахлоқнинг инсонпарварлик ғоялари таълим олишга имконияти бўлган юқори табақаларга мўлжалланган. Шунини таъкидлаш жоизки, гуманизмни кўтариб чиққан кишиларнинг ўзлари ҳам антик маданият ва фалсафа ютуқларини ўрганиш имкониятларига эга бўлган кишилар эдилар, бир неча чет тилларини, айниқса Ренессансда алоҳида ҳурматга эга бўлган латин тили ва адабиётини эгаллаган кишилар эдилар.

Кўпинча Ренессанс ва Реформациянинг ўзаро муносабати ҳақида баҳслар олиб борилади. Баъзан уларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга ҳаракат қилинади. Бунда Ренессанс – халқаро ҳодиса, умумевропа ҳодисаси сифатида, Реформация эса – миллий, хусусан, немис ҳодисаси сифатида тушунилади. Нима бўлганда ҳам, муҳими уларнинг антифеодал йўналишга эга оқим эканлиги, уларни ҳаракатлантирувчи кучлар чириб бораётган феодал жамиятидаги шаҳар қатламлари эканлигидир. Агарда Ренессанс жамиятни оқсуяқларга оид маорифни ёйиш орқали жамиятни ўзгартиришни мўлжаллаган бўлсалар, Реформация эса ўрта аср доирасидаги киши нуқтаи назаридан худонинг жамолига етишишнинг янги йўлини таклиф қиладилар. Демак, Ренессанснинг ғояларини фақат юқори

табақа кишилари фаоллаштиришлари мумкин эди (умуман олганда унда ўрта ва паст табақа вакилларининг манфаатларини ифодаловчи инсонпарварлик ғояларининг ўзи йўқ эди), аксинча, асосий мақсади черков ва унинг ғояларини ўзгартириш саналган Реформация ғояларини ўз аҳволи ва кун кечириши билан диний тасаввурларга жипс боғланиб қолган жамиятнинг ўрта ва паст табақалари кўтариб чиқишга қодир эди.

Ренессанс ғоялари асосан шаҳарларнинг юқори табақалари, хунармандлар ва диний йўналиш олимлари томонидан ҳимоя қилинар эди. Шу маънода Ренессанс мафжураси икки йўналишда – бир томондан, антифеодал, иккинчи томондан, антиплебей (камбағал катламларга қарши) эди.

Ўрта аср консерватив мафжураси билан кураш жараёнида сифат жиҳатдан фарқ қилувчи ижтимоий-фалсафий қарашлар тизими вужудга келди. Унинг марказида шахснинг энг улуғ қадрият эканлиги, ҳар қандай индивиднинг қадр-қиммати, эркинлиги, инсоннинг эркин ривожланиши учун етарли шароит яратилиши лозимлиги, ҳар кимга ўз бахт-саодатига етишиши учун имконият берилиши кераклиги ҳақидаги фикрлар туради. Уйғониш даври дунёқарашида инсон тақдири унинг оилавий келиб чиқиши, даражаси, конфессионал мавқеи билан эмас, балки соф шахсий жасорати, фаоллиги, фикрлари ва амалий фаолиятининг олийжаноблиги билан белгиланади.

Уйғониш даври ўз тараққиётининг илк босқичида, яъни XIV-XV асрларда асосан "гуманистик" шаклда Италияда тараққий топди, XVI-XVII асрларда эса асосан "табiiй илмий йўналиш" шаклида бошқа Европа мамлакатларида ривожланди.

Данте Алигъери (1265-1321) ўзининг инсонпарварлик дунёқарашини "Комедия", "Пир", "Монархия" асарларида акс эттирган. Данте христиан ақидаларини ўзгармас ҳақиқат сифатида тан олса-да, илоҳийлик ва инсонга хос хусусиятларнинг ўзаро муносабатини янгича талқинда акс эттиради. У ушбу муносабатларни бир-бирига қарши қўймайди, балки уларни ўзаро бирликда кўради. Худони инсоннинг ижодий кучларига қарши қўйиб бўлмайди. Инсон икки ёқлама белгиланган: бир томондан, худо томонидан, бошқа томондан – табиат томонидан. Шу маънода бах-саодатга, фароғатга ики йўл орқали борилади: фалсафий таълим, яъни инсон тафаккури кучи билан боровчи ва муқаддас руҳдан келувчи "илоҳий таълим".

Унинг фикрича инсон ўз ҳаётининг яхшилиги ёки ёмонлиги учун ўзи масъулдир, бунда инсоннинг шахсий хусусиятлари белгиловчи аҳамиятга эга ва бунда унинг бойлиги ёки меросий аҳволи ҳеч қандай рол ўйнамайди. Инсониятнинг вазифаси тафаккурнинг имкониятларини амалга ошириш, айниқса назарий тафаккур имкониятларини амалий фаолиятга айлантиришдир. "Монархия" асарида у черков "абдийлик" масалалари билан шуғулланиши, амалий ҳаёт, ердаги ишлар эса кишиларнинг вазифаси бўлиши, кишилар интилишлари эса бахт-саодат, тенгликка ва умумий тинчликка асосланган жамият куришга сарфланиши лозим.

Франческо Петраркани (1304-1374) кўпинча "биринчи гуманист", "гуманизмнинг отаси" деб аташади. У "абдийлик"ни Дантедан фарқли равишда умуман инкор этади. Петраркани кўпроқ инсоннинг ички, ахлоқий масалалари қизиқтиради. "Менинг сирым" фалсафий диалогидида у инсондаги ички зиддиятларнинг қанчалик мураккаблигини очиб беради ва уни енгиб ўтишнинг йўллари кўрсатади. Петрарканинг ижоди реаллиги, инсон хурсандчиликлари ва азобларини чуқур тушуниши билан ажралаб туради.

Пико делла Мирандола (1463-1495) дунёни пантеистик тушунган. Дунё иерархия тарзида тузилган: у фаришталар, осмоний, элементар сфералардан ташкил топган. Ҳиссий дунё "ҳечнимидан" эмас, балки олий, аммо "танасиз" ибтидо бўлмиш "хаос"дан вужудга келган, унга эса ўз навбатида худо "туртки берган". Дунё ўзининг мавжуд зиддиятлари ва гармонияси билан гўзалдир. Унинг зиддиятлилиги шундаки, бир томондан у худодан ташқаридадир, иккинчи томондан эса – унинг вужудга келиши илоҳийдир. Худо табиатдан ташқарида мавжуд эмас, у доимо табиатда амал қилади. Буни пантеистик руҳда тушунмаслик керак. Пиконинг назарида худо дунё моҳиятининг ниҳояси, чўққиси сифатида тушунилан.

Пико "ёлғон" фан ҳисобланмиш "пайғамбарлик астрология"сини танқид қилади. У фанларни ўрганишдан мақсад амалий ва фойдали бўлмоғи лозим, дейди. У инсоннинг тақдирини юлдузларнинг ғайритабиий тўплами белгиламайди, тақдир инсон томонидан амалга ошириладиган эркин фаолиятнинг натижасидир, дейди. Пико "Инсоннинг қадри ҳақида"ги асарида инсон ўзига хос микрокосмосдир, уни неаплатончиларнинг уч "горизонтал" дунёси (элементар, осмоний, фаришгалар) билан тенглашгирмаслик керак, чунки у ана шу дунёларнинг барчаси орқали вертикал равишда ўтади, дейди. Инсон ўз шахсини ўзи қарор топтириш, ўз ҳаётини ўз иродаси билан эркин ва мақсадларига мувофиқ белгилаш ҳуқуқига эга. Шундай қилиб инсон табиатнинг бошқа қисмларидан фарқ қилади ва ўз "илоҳий етуклиги" сари боради. Инсон ўз бахтининг яратувчисидир. Шундай қилиб, Пико инсонни дунёнинг марказига қўяди. Инсон табиати ҳайвонот дунёси табиатидан фақли ҳолда юқори даражада ташкил топган, етукроқ; инсон "илоҳий" етукликка интила оладиган мавжудотдир. Бундай ҳолат туғма эмас, балки уни инсон ҳаракати вужудга келтиради.

Никколо Макиавелли (1469-1527) италян Уйғониш даврининг йирик вакили бўлиб, "Подшоҳ", "Тит Ливийнинг биринчи декадаси (ўн китоби) ҳақида мулоҳазалар", "Флоренция тарихи" каби асарлар қолдирган. Макиавелли сиёсий ҳодисалар, ижтимоий воқеалар ҳақида гапирганда теологияга, диний асосларга умуман ўрин қолдирмайди. Шу маънода у ўрта асрлар ва антик дунёда кузатилмаган янги бир қонун билан чиқади: сиёсий воқеалар, давлат шакллариининг ўзгариши худонинг иродаси билан ёки кишиларнинг истаги ва фантазияси билан эмас, балки объектив равишда "ҳодисаларнинг тасаввурдаги эмас, табиий равишдаги кечиши" таъсирида юз беради. У давлатга хос ҳаётни теологиядангина эмас, балки ахлоқдан ҳам ажратиб ташлайди.

Подшоҳ ҳокимияти мустаҳкам асосга қурилмоғи керак, акс ҳолда у қулайди. "...барча давлатларда ҳокимият асосида яхши қонунлар ва яхши армия туради. Яхши армия бўлмаган жойда яхши қонунлар бўлмайди ва аксинча яхши армия бўлган жойдаги қонунлар яхши бўлади". Шундан қўриниб турибдики, Макиавеллида қонунларнинг (демак, давлат ҳокимиятиниинг) суянчиги – армия, қуролли кучлардир. Бунда ҳуқуқ, адолат ва шу кабилар ҳақида сўз ҳам йўқ.

Макиавелли ҳар қандай ташқи таъсирлардан, шу жумладан, ахлокий сифатларнинг таъсиридан холи бўлган ва фақатгина подшоҳнинг истагига мос фаолият юритадиган ҳокимият яшашга қобил деб билади ва уни мустаҳкамлаш йўлида подшоҳнинг ҳар қандай ҳатти-ҳаракати оқланади, деб ҳисоблайди. Буни амалга оширишнинг икки йўли бор: бири – подшоҳни севиш, иккинчиси – ундан қўрқиш. Албатта уларнинг ҳар иккиси бўлишига эришиш яхши, аммо Макиавелли кўпроқ қўрқитишни танлашни маъқул қўради. Чунки Макиавеллининг фикрича одамлар "яхшилиқни билмайдиган, иккиюзламачи ва ёлғончидир, улар хавфдан қўрқадилар ва бойликка хирс қўювчидирлар". Ўз ҳокимиятини сақлаш учун подшоҳ ҳар қандай усулларни қўллашга ҳақли. Шафқатсизликни ҳамма вақтда, тинч даврда ҳам, уруш даврида ҳам қўллаш мумкин. Давлат ҳокимиятига душман бўлган кишиларни подшоҳ ўлдириб юборишда эркиндир. У жавобгарликдан қўрқмаслиги керак, чунки подшоҳ суд юрисдикциядан, яъни жавобгарликка тортиш тизимидан ташқарида ва унга бўйсунмайди.

Шундай қилиб, олий ирода ҳеч кимга ва ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаслиги керак ва абсолют ўз ҳукмини ҳамманинг устидан юритиши лозим. Ана шундай иродагина давлатнинг амал қилишини, унинг қудратини ва мамлакатдаги тартибни таъминлаши мумкин.

3. Европа мамлакатларида ҳаёлий социализм ҳақидаги таълимотлар

XVI-XVII асрларда Европа мамлакатларидаги ижтимоий фикрлар таркибида жамиятнинг келажаги тўғрисидаги социалистик қарашлар ҳам вужудга келди. Социал-утопистлар номини олган мазкур йўналиш вакиллари давлат, ҳокимият, ҳуқуқ муаммоларига ўтмишдаги озчиликнинг иродасини ифодаловчи бошқариш шакллариини тугатиб, моддий тенгсизликка чек қўйган ва хусусий мулкка барҳам бериб, умумий мулкчиликка асосланган

жамиятнинг сиёсий-юридик соҳалари қандай бўлиши керак, деган масалалар сабабли эътибор қаратдилар.

Паст табақа вакилларининг асрлар мобайнида ижтимоий адолатга интилишининг акси сифатида қарор топган ана шу ҳаракат таркибида бир-биридан фарқланувчи турли-туман қарашлар вужудга келди. Уларнинг баъзилари келгуси жамият амал қилишининг асосий тамойили сифатида тафаккурни, бошқалари – эркинликни, учинчилари – тенгликни ва ҳоказоларни илгари сурардилар.

Томас Мор (1478-1535) инглиз гуманисти, "Утопия" асарининг муаллифи, ҳаёлий социализм сарчашмаларидан бири. У парламент аъзоси сифатида қирол Генрих VIII нинг молиявий кирдикорларига, унинг зулмкорлигига қарши чиқади ва бу ҳаракати билан Лондон майда буржуазияси ўртасида ҳурмат қозонади. У Генрих VIII нинг қақслери сифатида қиролнинг реформаторлик интилишларига қаршилик қилгани учун қатл қилинади.

"Утопия" асарида у ўз даврининг ижтимоий ва сиёсий масалалари ҳақида фикр юритади. Бу асар диалог шаклида ёзилган бўлиб, унда расмий сиёсий қарашларни ёқлаш ва уларни инкор қилиш ўз аксини топади. Асарнинг биринчи қисмида Англия ижтимоий ҳаёти танқид қилинади, иккинчи қисмида эса ҳаёлий Утопия оролидаги жамият ва ҳаёт ҳақида гапирилади.

Англия воқелигида шафқатсизликлар билан содир бўлган капиталнинг дастлабки тўпланишини танқид остига олган Мор уларнинг сабабчиси хусусий мулк эканлигида, ҳаётни худди Утопия оролигидегидек ташкил қилиш учун ижтимоий мулкчиликка ўтиш кераклигини таъкидлайди. Бунда ижтимоий мулкчилик, юқори даражада ташкил қилинган ишлаб чиқариш, бошқарувнинг мақсадга мувофиқлиги натижасида ижтимоий бойликларни адолатли ва баравар тақсимланишига эришилган. Барча кишиларнинг ҳуқуқлари тенг ва улар меҳнат қилишлари керак.

У ана шу жамиятни маърифатли подшоҳ ёрдамида яқин келажакда амалга ошириш мумкин, деб ҳисоблайди. Худди ана шу ҳолат мазкур дунёқарашнинг ҳаёлий бўлиб қолганлигини белгилаб берди.

Унинг фикрича, жамият – бойларнинг фитнаси натижасидир. Давлат эса – уларнинг оддий қуролидир. Ундан бойлар халқни итоатда тутиб туриш, ўзларининг ғаразли мақсадларини ҳимоя қилиш учун фойдаланадилар. Улар алдов, қуч ва айёрлик билан камбағалларни ўзларига бўйсундирадилар. Бу нарсаларни улар қонун ёрдамида, ҳокимиятнинг буйруғи, давлатнинг иродаси сифатида ва давлат номидан амалга оширадилар.

Утопия оролида хусусий мулк йўқ. Ер – ижтимоий мулкдир. Ишлаб чиқарилган барча маҳсулот жамиятники. Уларни эса бирор бир нарса ишлаб чиқаришга ихтисослашган хунарманд-оилалар ишлаб чиқаради. Иш куни 6 соатдан иборат. Барча ишлайди.

Утопияда муҳтожлик нималигини ҳеч ким билмайди. Бунга эса ўзига хос йўл билан эришилади. Биринчидан, барча эркак ва аёллар мажбурий равишга меҳнатга жалб қилинади. Иккинчидан, эҳтиёжларнинг энг минимал даражага қисқартирилишига эришилади, яъни ҳар қандай дабдабазлик, тақинчоқлар, ортиқча кийим-кечак, уй-жой ва овқатланишга чек қўйилган.

Шуни таъкидлаш керакки, Утопияда қуллар ҳам мавжуд. Морнинг фикрича мазкур орол одамлари учун энг ифлос ишларни бажариш уят, шунинг учун қассоблик, турли-туман чиқиндиларни чиқариш каби ишлар қуллар зиммасига юклатилган. Бундай ишларни бажаришга кўнгиллилар деярли бўлмаганлиги сабабли қулларга эҳтиёж туғилган. Ҳарбий асирлар, жазони ўтаётган жинойтчилар, бошқа давлатларда ўлимга ҳукм қилинган, аммо ўтопияликлар томонидан сотиб олинган кишилар қуллар ҳисобланишади. Қуллик авлоддан авлодга ўтмайди, уларнинг фарзандлари – озод одамлардир. Уларнинг ўзлари ҳам қулликдан озод бўлиш имкониятларига эга.

Морнинг Утопия давлати федеративми ёки унитарлиги унчалик аниқ акс эттирилмаган. Аммо унда боқарув тизими аниқ ифодаланган: ҳар 30 оила **филарх** деб аталувчи бошқарувчини сайлайди, 10 филарх эса битта **протофиларх**ни сайлайди. Махсус йиғилишда филархларнинг барчаси ёпиқ овоз бериш йўли билан давлат бошлиғини

(принцепсни) сайлашади, у умрбод сайланади. Аммо у зулмкорликка интилса, уни бўшатадилар. Қолган мансабдорлар эса тажрибали кишилар бўлиб, ҳар йили сайланадилар. Мухим ишлар принцепс, сенат ва халқ вакиллари билан биргаликда ечилади. Бундай муҳим ишлар жумласига маъмурият ишлари, хўжалик режалари, ижтимоий омборлардан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни тарқатишни ҳисобга олиш ва ҳисобот ишлари ва бошқалар киради.

Томмазо Кампанелла (1568-1639) итальян гуманисти, "Қуёш шаҳри", "Христиан монархияси ҳақида", "Черков ҳокимияти ҳақида", "Испан монархияси ҳақида" асарларининг муаллифи. У черков ҳокимияти ва оксуяқлар ҳокимиятининг бирлигини ҳимоя қилади, протестант Реформацияси ғояларини инкор қилади ва папанинг барча христианлар устидан ҳукмронлигини эълон қилади.

У илоҳиёт подшоҳлигининг ерда ҳукмрон бўлишига эришиш учун кўплаб ижтимоий ўзгаришларни амалга ошириш зарурлиги ҳақидаги фикрни баён қилади, христианлик виждонига мос равишда хусусий мулк ва эксплуатацияни йўқотишга чақиради. Мордан фарқли равишда у ана шундай ҳолатга оммавий кўзғолон орқали эришиш мумкинлигига ишонади. У Калабрияда испанлар ҳукмронлигига қарши фитнага бошчилик қилади, фитна муваффақиятсизликка учрагач, у умрбод қамоққа ҳукм қилинади. Кампанелла турмада 25 йилдан ортиқроқ вақт бўлади, ўша ерда ўзининг асосий асарларини ёзади.

Т.Мордан фарқли равишда у ўзига маъқул бўлмаган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тартиботларни тўғридан-тўғри ва очиқ танқид қилмайди. Унда қуёш шаҳар-давлатларининг ифодаси илгариги ўринга чиқади ва танқидий фикрлар ана шу фон ортига яширилган.

Ҳокимият тармоқлари фаолият турларига мрс келувчи уч йўналишга бўлинади. Бу фаолият турлари: биринчидан, ҳарбий ишлар, иккинчидан - илм-фан, учинчидан – аҳолини ишлаб чиқариш, уни озик-овқат, кийим-кечак билан таъминлаш ва тарбиялаш. Ушбу ҳокимият тармоқларини Қудрат, Донишманд, Мухаббат деб аталувчи уч бошқарувчи ирода қилади. Уларнинг ҳар бири уч раҳбарга бошчи, улардан пастда эса яна уч мансабдор мавжуд. Ҳокимият тепасида Метафизик номли бошқарувчи туради, у ўз фуқароларидан олимлик, талант, тажриба ва амалиётда устундир. У руҳонийлик ва фуқаролик ҳокимиятларининг бошлиғи, у барча муаммоли масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқига эга, яъни сўнгги сўз унга тегишли. Олий ҳукмронликда Метафизик илм-фан, давлатни бошқариш ишлари ва ҳоказоларда ундан кўра юксакроқ киши пайдо бўлгунча туради. Ана шундай киши пайдо бўлса, Метафизикнинг ўзи унинг фойдасига ҳукмронликдан воз кечиши керак. Метафизикка давлатни бошқаришда унинг ақлда, ташкилотчиликда, ахлоқда беназир бўлган уч ёрдамчилари: Қудрат, Донишманд, Мухаббат ёрдамлашадилар. Ана шу тўртлик халқ иродаси билан алмаштирилмайди ва уларнинг ўзаро муносабатларига халқ таъсир қила олмайди. Бошқа барча раҳбарлар ва мансабдорлар сайлов йўли билан амал қиладилар.

"Қуёш шаҳри"нинг мазмуни илк социалистик қарашлардаги бир-бири билан келиштириб бўлмайдиган икки томонни акс эттиради. Инсоннинг интеллектуал, ахлоқий сифатлари унинг жамиятдаги ўрнини аниқловчи нарсалар эканлиги ҳақидаги фикрлар доимо авторитарлик, аскетизм, алоҳида олинган киши ҳаётига эътиборсизлик билан қараш, шунга мос ташкилий ва ҳуқуқий шароитлар яратилишига бефарқлик билан ёнма-ён туради. Ана шу зиддиятларнинг бирини олиб кўрайлик: Солярийлар сиёсий жараёнларда қатнашадилар, аммо улар бунда статистлар сифатида бўладилар, чунки уларнинг овози ҳал қилувчи эмас, нари борса маслаҳат овозига эга. Барча нарсани ягона бошлиқ-руҳоний (Метафизик)ва унга ёрдамчи бўлган Қудрат, Донишманд ва Мухаббат ҳал қиладилар. Солярийлар ҳаёти икир-чикиригача аввалдан ҳал қилиб қўйилган. Фуқароларнинг барча ҳатти-ҳаракати йўналтирилган ва назорат остида. Аммо бу бир хиллик уларни зериктирмайди. Улар шунга ўрганиб қолишган. Ҳамма нарса автоматизмга келтирилган. Уларнинг уй-жойи, кийим-кечаги, фаолияти, ўйин-кулгилари ва бошқалари бир хил. Алоҳидалик, ҳар бир шахснинг қайтарилмас хислатлари, мустақилликка интилиши, фаоллиги, ўзига хос манфаат ва

қизиқишлари борлиги ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Ҳамма соҳада давлат манфаатлари устун.

Шундай бўлса-да унда ижобий элементлар ҳам мавжуд. Масалан, у фаннинг катта аҳамияти, аҳоли таълими даражасининг роли, урушларга чек қўйилиши, хусусий мулкнинг тугатилиши, адолатли ва ақлга мувофиқ бошқарув ҳақида гапиради.

XIX асрнинг дастлабки ўн йилликларида Ғарбий Европа мамлакатларида либералистик ҳаракат вакиллариининг буржуа тартиботларини (хусусий мулкчиликни, ишбилармонлик ва конкуренция эркинлигини ва шу кабиларни) мустаҳкамлашга интилишлари билан бир қаторда ана шу жамиятни танқид остига олган А.Сен-Симон, Ш.Фурье, Р.Оуэнлар қарашлари ҳам ривожланди.

Анри де Сен-Симон (1760-1825) инсоният жамияти қонуний равишда илгарилаб, юқори даражага томон тараққий қилади, деб ҳисоблаган. Бир босқичдан бошқасига, ундан учинчисига ўтиш билан жамият ўз тараққиёнининг "олтин асрига" томон боради. Антик ва феодализм даврини ўз ичига олган **теологик босқич** ўз ўрнини буржуа даврини ифодаловчи **метафизик босқичга** бўшатиб беради. Ундан сўнг кишиларнинг барча эҳтиёжларини қондирадиган, уларни бахтли яшашларини таъминлайдиган **позитив (ижобий) босқич** бошланади. Агар биринчи босқичда жамиятда ҳукмронлик руҳонийлар ва феодалларда, иккинчи босқичда – юристлар ва метафизикларда бўлган бўлса, учинчи босқичда у олимлар ва саноатчиларга ўтади.

Сен-Симон фикрича ижтимоий тараққиёт доимий жараён эмас, унда нисбатан секин ривожланиш давлари ҳам, баъзан эса ижтимоий мувозанатни остин-устин қилиб юборадиган кескин тараққиёт пайтлари ҳам бўлади. Унинг учун ижтимоий ривожланишнинг ҳал қилувчи кучи ғоядир. Билимлар ва ахлоқий тараққиёт Сен-Симон томонидан ижтимоий прогресснинг ҳал қилувчи кучи деб талқин қилинади.

Жамиятни ўзгартиришни у баъзи бир хусусий реформалардан бошлашни таклиф қилади: бойликлари авлоддан-авлодга ўтувчи кишиларни бошқаришдан четлаштириш, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланмайдиган ер эгаларидан ерларни сотиб олиш, деҳқонлар аҳволини энгиллаштириш ва ҳ.к. Ана шундан сўнг сиёсий соҳани ўзгартиришга ўтилади: ишлаб чиқармайдиган синфлар (феодаллар ва "ўрта синфлар": юристлар, ҳарбийлар, ижарачи ер эгалари) ҳокимиятдан четлатилади ва сиёсий ҳокимият "саноатчи"ларнинг талантли вакилларига берилади. Халқ оммаси ҳеч нарсага аралашмайди, ҳамма нарса унинг учун қилинса-да у четда пассив кутиб туради.

Тарихнинг позитив босқичида илгариги монархлик, ҳукумат (министрликлар) сақланиб қолади. Аммо ҳокимият янгидан ташкил топган Саноатчилар Кенгаши қўлида тўпланади. У хусусий мулкчиликни тугатиш тарафдори эмас, мазкур муносабатлар саноатчилар ассоциацияси билан уйғунлашиб кетади.

Шарл Фурье (1772-1837) таълимотида ижтимоий тараққиёт хусусий мулкчилик ҳукмронлигига ва халқ оммасининг эзилишига олиб келганлиги ва уни ўзгартириш зарурияти асосланади. Хусусий мулкчилик шароитида қонунлар ва декларацияларда эълон қилинган турли ҳуқуқ ва эркинликлар аслида қоғозда қолиб кетади. Шу маънода Фурьенинг энг қимматли фикрларидан бири шуки, жамиятда энг аввало расмий равишда "меҳнат қилиш ҳуқуқи" қабул қилиниши керак ва у амалга оширилиши лозим. Чунки ана шу ҳуқуқсиз бошқа ҳуқуқлар ўз аҳамиятини йўқотади.

Фурьенинг фикрича халқ суверенитети ҳам, барчага тенг бўлган сайлаш ҳуқуқи ҳам, республика муассасалари ва бошқалар ҳам халқнинг азоб-уқубатларига чек қўя олмайди. Аҳвол жамият асосига ишлаб чиқарувчилар-истеъмолчилар ҳамкорлиги бўлмиш ассоциациялар (бирлашмалар) қўйилсагина кескин ўзгариши мумкин. Унинг таркибига турли ижтимоий ғуруҳларнинг (мулк эгалари, пролетарийлар, эркин касб эгалари, ишчилар, деҳқонлар ва бошқалар) аъзолари кирадилар. **Ассоциация тузуми** – "янги хўжалик ва социетар дунё" ячейкалари – **фаланга** ҳисобланади. Уларнинг ҳар бирида тахминан 1600 кишидан иборат коллективлар бўлади. Фалангалар тармоғи бир хил тузилишга эга бўлади, бир-биридан мустақил бўлади ва бутун мамлакатни, китъаларни ва ер шарини қамраб олади.

Мазкур тизим барча ишлаб чиқариш воситаларини умумлаштиришни талаб қилмайди. Фалангаларда муайян шаклларда хусусий мулк, меҳнатсиз фойда олиш, мулккий тенгсизлик мавжуд бўлади. Аммо саноат ва қишлоқ хўжалиги меҳнати шакллари, хизмат соҳаси ва тарбия фаланга аъзоларига ижтимоий бойликни кўпайтириш, жамоа ва шахсий манфаатларни мувофиқлаштириш, аста секинлик билан синфий зиддиятларга барҳам бериш, ҳар кимга ўз интилишларини, имкониятларини юзага чиқариш, эркин ва дўстона яшашга имкон беради.

Бу жамиятда ҳар кимнинг шахсий эркин бўлиши энг асосий талабдир. У "ҳеч қандай мажбурий Низомларнинг, ҳеч қандай монастирларча чекловларнинг бўлишига йўл қўймайди." Фалангада ўзининг зарурий нормаларига эга, албатта, аммо улар жамоа аъзоларининг барчаси билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилади, шу маънода улар барча томонидан онгли равишда, ихтиёрий бажарилади.

Фурье назаридаги фалангалар – бир-биридан мустақил бўлган ва бир-бирига боғланмаган ижтимоий муассасалардир. Улар ўз фаолиятларини мувофиқлаштириб турсаларда, бир-бири билан боғланиб ягона бир тизимни ташкил қилишмайди. Келажакда сақланиб қоладиган марказий ҳокимият ва унинг муассасалари фалангаларнинг ички ишларига аралаша олмайдилар, уларни ҳимоя қилиш ёки уларни бошқариш имкониятларига эга эмаслар. Ана шу анархистик характердаги фикр Фурьенинг Янги давр объектив воқелигига очиқ қарши борганлигини кўрсатади.

Роберт Оуэн (1771-1858) инглиз социалисти, 1810 йилларда капиталистик жамият шароитларида ишчилар аҳволини яхшилаш тўғрисидаги филантропик (фило, грекча – севиш, антропос - инсон), яъни камбағалларга ёрдам бериш, хайрия фаолияти олиб бориш тўғрисидаги режалари билан чиқади. Ушбу режани у Шотландиянинг Нью-Ланарк шаҳридаги тўқимачилик фабрикасида амалга оширишга уринади. Оуэн томонидан АҚШда ва Буюк Британияда ташкил қилинган коммунистик колониялар муваффақиятсизликка учради.

Оуэн қарашларининг марказий бўғини – инсон характери ҳақидаги ғоядир. Унинг фикрича инсон характери индивиднинг табиий тузилиши ва уни қуршаб турган муҳитнинг ўзаро таъсири натижасидир, бу муносабатда муҳит белгиловчи рол ўйнайди. Худди шу каби, яъни жамоалар, синфлар уларни қуршаб турган турмуш кечириш ташқи шароитларининг белгиловчи таъсири остида ўзларига хос характер касб этадилар. Оуэн ўзи ишлаб чиққан инсон характери ҳақидаги ғоя орқали кишиларга тўғри йўл кўрсатяпман ва бу йўл ақлга мос ва адолатли жамиятни қуришга олиб келади, деб ишонган эди.

Капиталистик муносабатлар ташқи муҳит сифатида кишиларнинг онги ва тақдирини белгилар экан, уларнинг тубанлиги ва билимсизлигининг, ахлоқнинг тубанлашувининг, очкўзлик ва нафрат руҳи ҳукмронлигининг, эҳтимолки, инсон ҳаётидаги баъзи тубанликларнинг сабабчиси сифатида, уларнинг барчаси учун ана шу муносабатлар жавобгардир. Барча ижтимоий камчиликларнинг асосий сабабчиси – хусусий мулкчиликдир. Шу маънода Р.Оуэн Сен-Симон ва Фурьедан фарқли равишда хусусий мулкчилик муносабатларига фаол ва изчил қарши чиқди.

Оуэн янги жамият қуришда икки ҳолатдан қочишга умид қилади. Биринчидан, революцияни зўравонликка асосланган давлат тўнтаришига айлантириб юборишдан. Иккинчидан, инқилобни маданиятсизлик шароитида саводсиз кишилар томонидан амалга оширилишидан. Унинг фикрича, зўравонлик ҳолларига йўл қўйилиши ва ижтимоий тартибсизлик шундоқ ҳам абгор бўлиб турган жамиятнинг ҳолатини янада ёмонлаштиради, инсониятни орқага тортади, нурли келажак вужудга келишини ортга суради. Инқилобни унга тайёр бўлмаган ва фақатгина синфий қасосга ташна кишилар амалга оширсалар оқибат табиий равишда ана шундай бўлади. "Мавжуд тузум ҳар қандай тубан бўлса ҳам, - дейди Оуэн, - уни ушбу масалаларда билимсиз бўлган ва кўпол кишилар қўли билан бузиб бўлмайди".

Ана шу келажак жамиятига ўтиш бўлғуси коммунистик жамоалар қуриш учун етарли капиталга эга бўлган ва ижобий истаклар раҳнамолигида ҳаракат қилувчи алоҳида

индивидлар ва кишилар гуруҳи томонидан амалга оширилади. Монархлар, министрлар, архиепископлар, ер эгалари, саноатчилар, умуман олганда бой ва сахий савобталаб кишилар (филантроплар), шунингдек, графликлар, ўрта ҳол кишилар ассоциациялари, фермерлар, савдогарлар, хунармандлар, фабрика ишчилари ана шундай кишилар бўлиши мумкин. Бу нарсанинг ҳаддан ортиқ ҳаёлийлиги шундай кўриниб турибди.

Келажак жамиятининг энг кичик асоси, "молекуласи" – ўз-ўзини таъминловчи коммунадир. Улар миллий даражадаги федерацияларга бирлашади, сўнгра эса дунёвий масштабда бирлашув юз беради. Ер шарида бир вақтнинг ўзида барча учун бир хил бўлган қонунлар тўплами фаолият кўрсата бошлайди, бир хил бошқарув тартиби жорий этилади. Ер аҳолиси катта бир оилага бирлашади.

Оуэн ана шундай "жамоа поселкалари" конституциясини ҳам ишлаб чиқди. Унга кўра ана шу коммуналарда 300 дан 3000 гача аъзолар бўлади, улар коллектив меҳнат, ижтимоий мулкчилик, унга кирувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тенглиги асосига қурилади. Кишилар ўртасида ўзаро самимий ёрдамга асосланган муносабатлар таркиб топади. Касаллар, ногиронлар, қариялар ва меҳнатга яроқсизларга нисбатан коллектив ғамхўрлик вужудга келади. Ахлоқ софлашади ва бу нарса мукофотлаш ёки жазолашнинг йўқолишига олиб келади.

4. XVII – XVIII асрларда инглиз ва француз мутафаккирларининг ижтимоий тараққиёт ҳақидаги гоялари

Томас Гоббс (1588-1679) атоқли инглиз мутафаккирларидан бири бўлиб, унинг фикрича кишилар бир-бирлари билан жисмоний ва ақлий жиҳатдан тенг яратилган, шунинг учун уларнинг ҳар бири "ҳамма нарсага эгалик қилиш" ҳуқуқига эга. Аммо инсонда айни ҳолда шахсиятпарастлик, очкўзликка интилувчанлик, кўркув ва шухратпарастлик хусусиятлари ҳам мавжуд. У ўзига ўхшаган, демак унга рақиб бўлган, ҳасадгўйлар, душманлар қуршовидадир. Шу маънода "киши кишига бўри", бундан эса жамиятда барча бир-бирига душман, "барча барчага қарши уруш олиб боради" деган хулоса чиқади. "Ҳамма нарсага ҳаққи борлик" ана шундай ўзаро уруш вазиятида амалда ҳеч нарсага ҳуқуқи йўқликка олиб келади. Ана шундай ҳолатни Т. Гоббс "инсониятнинг табиий ҳолати" деб атайди.

Унинг фикрича инсонда "ҳаммани ҳаммага қарши уруш"га чорловчи кучлардан ташқари уни ўзининг аянчли табиий ҳолатидан чиқишга чорловчи хусусиятлар ҳам мавжуд. Булар энг аввало ундаги бошқа барча интилишларни сиқиб қўювчи ўлимдан қўрқиш ва ўз-ўзини сақлаш инстинктидир. Шу билан бирга инсонда табиий ақл, яъни ўз ҳатти-ҳаракатларининг ижобий ва салбий оқибатлари ҳақида соғлом фикр юритиш хусусияти ҳам мавжуд.

Энг асосий табиий қонун инсонга тинчликка интилиш зарурлигини талаб қилади. Бошқа барча нарсалардан тинчликка эришишнинг усуллари сифатида фойдаланилади. Уларнинг ичиди энг муҳими ҳар бир кишининг ўз ҳуқуқларидан тинчлик ва ўз-ўзини ҳимоя қилиш манфаатлари талаб қиладиган даражада воз кечиш ҳисобланади (иккинчи табиий қонун). Ҳуқуқлардан воз кечиш кўпинча уларни шартнома бўйича муайян шахсга ёки муайян кишилар гуруҳига ўтказиш тарзида амалга оширилади. Шу тариқа иккинчи табиий қонундан учинчиси келиб чиқади: кишилар ўзлари тузган битимларни амага оширишлари керак, акс ҳолда шартномалар ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди. Ана шу учинчи табиий қонунда адолатнинг манбаи ва бошланиши мужассамланган.

Гоббснинг фикрича ана шу уч қонундан ташқари яна 16та табиий ва ўзгармас қонунлар мавжуд. Уларнинг барчаси қуйидаги қоидада мужассамлашган: бошқаларнинг сенга нисбатан қандай (муносабатда) бўлишларини хоҳламасанг, сен ҳам бошқаларга шундай (муносабатда) бўлма. Табиий қонунларнинг ҳақиқий прототиплари сифатида амал қилувчи (масалан, товар эгаларининг, мулк эгаларининг) ўзаро алоқалари алмашув актлари бўлиб юзага чиқади ва шартномалар шаклида ифодаланади. Шундай қилиб, айни алмашув ва шартнома Гоббснинг фикрича кишилиқ жамиятида тинчлик ўрнатиш асослари бўлиб чиқади.

Табиий қонунлар индивидларга уларнинг амалга оширилиши истагини қўяди, аммо улар кишилардан уларга мос ҳатти-ҳаракат қўрсатишни талаб қила олмайди. Шунинг учун кишиларнинг нимага ҳуқуқлари борлигини, ниманинг кимга қарашли эканлигини, ниманинг ҳуқуқ эканлиги ёки йўқлигини ечиб берадиган куч зарур.

Гоббснинг фикрича табиий қонунларни амалга оширадиган ва тинчликнинг кафолати бўладиган куч – давлатнинг абсолют ҳокимиятидир. У фуқаро қонунларини яратиб, индивидларни уларни бажаришга мажбур қилади. Табиий қонунлар тафаккурга таянса, фуқаро қонунлари кучга мурожаат қилади. Улар мазмун жиҳатдан бир хилдир. Фуқаровий қонунлар давлат авторитети ва қудрати билан мустаҳкамланган табиий қонунларнинг ўзидир. Уларни давлатнинг оддийгина истаги билан ўзгартириб ёки йўқотиб бўлмайди.

Макеавелли ва Гроций каби Гоббс ҳам давлатни теологик нуқтаи назардан эмас, балки тафаккур ва тажриба фаолияти натижасида таркиб топган ҳодиса сифатида тушунган. Унинг давлат вужудга келиши ҳақидаги қараш куйидагичадир. Давлат кишилар томонидан вужудга келтирилган бўлиб, "ҳамманинг ҳаммага қарши уруши"га чек қўяди, "ҳокимиятсизликнинг аянчли ҳолати"га доимий "ҳамроҳ" бўлмиш ҳимоясизлик ва мажбуран ўлим топиш хавфидан қўрқишдан қутқаради. Кишилар бир-бирлари билан ўзаро келишиб, бирор кишига ёки кишилар йиғинига ўзлари устидан олий ҳукмронликни ишониб топширишади. Айнан давлат ана шу шахс ёки шахслар йиғинидир ва у барча кишиларнинг куч ва воситаларидан тинчлик ва умумий ҳимоя учун ўзи зарур деб ҳисоблаган йўналишда фойдаланади. Ана шунинг ифодаловчиси – суверен, яъни олий ҳокимият эгаси, ҳукмдордир. У олий ҳокимиятга эга, бошқа барча унинг фуқароларидир. Бир марта ижтимоий шартнома тузиб фуқаровий ҳолатга ўтган индивидлар энди танланган бошқариш шаклини ўзгартириш, олий ҳокимият таъсиридан озод бўлиш имкониятидан маҳрум бўладилар. Уларга сувереннинг қарорларига қарши чиқиш, унинг ҳатти-ҳаракатларини қоралаш тақиқланади. Сувереннинг ўз фуқароларига нисбатан ҳуқуқлари эса жуда кенгдир. Бу ҳолат яна шуниси билан характерлики, суверен ўз халқи билан ҳеч қандай шартнома билан боғланмаган, яъни у шаклан халқ олдида ҳеч қандай масъулиятга эга эмас.

Давлат вужудга келишининг бошқа йўли ҳам мавжуд, дейди Гоббс, у олий ҳокимиятни куч билан олиш натижасида ҳосил бўлади. Бунинг натижасида патерналистик, яъни "отага монанд" (оиладаги ота ва фарзандлар муносабатига тақлид қилувчи) ва деспотик ҳокимиятлар вужудга келади. Шу маънода Гоббс давлатни икки турга ажратади: 1) ихтиёрий келишувга асосланган ёки сиёсий давлатлар, 2) жисмоний кучга асосланувчи давлатлар. Давлат қандай турда бўлмасин, уларда сувереннинг ҳокимлиги доимо абсолютдир, яъни чегарасиздир. Олий ҳокимият топширилган шахс (ёки уларнинг йиғини) фуқаровий қонунлар билан ҳам, фуқаролар билан ҳам боғлиқ эмас. Сувереннинг ўзи қонунларни амалга киритади ёки ҳаракатдан тўхтатади, уруш эълон қилади ёки сулҳ тузади, тортишувларни ҳал қилади, мансабдорларни тайинлайди ва ҳоказо. Сувереннинг ҳуқуқи бўлинмайди ва бошқа ҳеч кимга берилмайди.

Гоббснинг фикрича ана шундай абсолют ҳокимиятга эга давлат фақатгина миршаблик-ҳимоячилик вазифаларинигина бажармайди. Унинг вазифаларига шунингдек "кемачилик, деҳқончилик, балиқчилик, ишчи кучига талабни вужудга келтирувчи саноатнинг барча тармоқларини ривожлантириш" ҳам киради. Давлат меҳнат қилишдан бўйин товловчи кишиларни мажбуран ишга жалб қилиш, тарбиявий-маърифий фаолият билан ҳам шуғулланиши керак.

Гоббснинг фикрича давлатни идора қилиш уч шаклда бўлади: монархия, демократия (халқни бошқариш) ва аристократия. У давлат тузилишини организмнинг тузилишига қиёслайди: суверен – давлатнинг жони, ҳуфия агентлар – давлатнинг кўзлари ва ҳоказо. Фуқаролик жамияти соғлиққа қонанд, кўзғолон ва фуқаролар уруши эса – уни бузилиш ва ҳалокатга олиб келувчи касалликдир. Аммо Гоббс таълимотида давлатни биологик организмга ўхшатиш эмас, балки кишилар томонидан яратилган ва моҳирлик билан ясалган "сунъий инсонга" ўхшатишга мойиллик асосийдир. Бунда ўша даврдаги фанларда механиканинг таъсири кучли эканлиги акс этган. Гоббсдан бошлаб Ғарбий Европа сиёсий

тафаккурида давлатни узоқ ва мураккаб тақдирга эга машина сифатида тушиниш қарор топади.

1688 йилда Англияда давлат тўнтариши юз берди. Абсолют монархия амалиётини юритган қирол Яков II Стюарт ўрнига тахтга ўтирган Вильгельм Оранский феодаллар ва буржуазиянинг иттифоқини таъминлайдиган конституцияли монархия тартибини жорий қилди. Ана шу келишувчилик сиёсатини асословчи ғоя сифатида Жон Локк таълимоти юзага келди.

Жон Локк (1632-1704) ўзининг ижтимоий фикрларини 1690 йилда чоп этилган "Давлат ҳокимияти ҳақида икки рисола"сида ифодалаган. У ўз қарашларида табиий ҳуқуқ, ижтимоий шартнома, халқ суверенитети, шахснинг ажралмас эркинликлари, ҳокимиятлар мувозанати, золим ҳукмдорга қарши қўзғолоннинг қонунийлиги ва бошқа ғояларни ривожлантирди, уларни ўз даври талабларига мослаштирди ва янги фикрлар билан бойитди. Бунинг натижасида илк буржуа либерализми доктринаси вужудга келди.

Локкнинг фикрга кўра давлат вужудга келгунича кишилар табиий ҳолатда бўлишган. Бу пайтда "барчанинг барчага қарши уруши" бўлмаган. Индивидлар ўз мулкларини тасарруф этишда ва шахсиятларини амалга оширишда ҳеч кимдан рухсат сўрашмаган ва ҳеч кимга боғлиқ бўлишмаган. Бу ҳолда тенглик ҳукмронлик қилган, "унда ҳар қандай ҳокимият ва ҳар қандай ҳуқуқ ўзаро бўлган ҳамда ҳеч ким бошқадан қўп нарсасига эга бўлмаган". Табиий ҳолатда амал қилувчи муомала қонун-қоидалари (нормалари) бажарилиши учун табиат ҳар кимга уларни бузган кишиларни муҳокама қилиш учун имконият берган. Бироқ табиий ҳолатда кишилар ўртасидаги келишмовчиликларни беғараз ечадиган ва табиий қонунларни бузган кишиларни жазолайдиган органлар (муассасалар) йўқ. Бу эса одатда бир текис кечадиган ҳаётга таъсир қилади, қатъиятсизлик муҳитини вужудга келтиради. Тенглик ва эркинликни, шахсият ва мулкни, табиий ҳуқуқларини қатъий таъминлаш мақсадида кишилар сиёсий бирлашма, давлат тузиш ҳақида бир битимга келдилар. Локк келишувга оид қуйидаги таъкидни алоҳида кўрсатади: "Тинч вужудга келувчи ҳар қандай давлат халқнинг келишувига асосланади".

Локкнинг фикрича, давлат кишиларнинг ўзлари ишлаб чиққан ва улар ўртасидаги низоларни ечиш ҳамда жиноятчиларни жазолашга ваколатли бўлган судлов инстанцияларини яратувчи умумий қонун остида бирлашувидир. Давлат кишиларнинг бошқа турдаги жамоаларидан (оила, хўжалик ва мулкдорлар бирлашмалари ва ҳ.к.) сиёсий ҳокимиятни акс эттириши билан фарқланади, яъни жамоатчилик манфаатларини ифодаловчи (ҳамда турли санкцияларни қўзда тутувчи) қонунлар яратиш ҳуқуқига эга, улар эса мулкни сақлаш ва мувофиқлаштириш, шунингдек ушбу қонунлардан фойдаланиш учун ҳамжамоатнинг кучини ишга солиш ҳуқуқи ва давлатни четдан бўладиган босқинлардан ҳимоя қилишни қўзда тутади.

Кўнгилли равишда давлатни вужудга келтиришда кишилар ўз тафаккурига қулоқ солган ҳолда давлат ихтиёрига беришадиган ваколатларини аниқ белгилаб оладилар. Локк бунда Гоббс қўзда тугганидек, индивидларнинг ўзларига тегишли бўлган барча табиий ҳуқуқларидан давлат фойдасига воз кечади, деган фикрни инкор қилади. Унинг фикрича, яшаш ҳуқуқи, мулкка эгалик ҳуқуқи, эркинлик ва тенглик кабиларни инсон ҳеч қачон бировга бемайди. Булар инсондан бегоналаштирилмайдиган қадриятлардир.

Давлатнинг асосий белгиси деб Локк қонун ва қонунчиликни кўрсатади. Фуқаролик жамиятининг ёки қонунчилик органининг ҳар қандай кўрсатмалари қонун бўлавермайди. Умумий фаровонликка ва айни ҳолда кишининг шахсий манфаатларига мос келувчи онгли мазмундаги шахсий ҳатти-ҳаракатларга изн берувчи актларгина қонун бўла олади. Бундан ташқари, Локкнинг фикрича, қонун доимийлик (ўзгармаслик) ва узоқ амал қилиш хусусиятларига эгадир.

Қонунчилик ва тартиб-интизом муҳитини ҳамма нарсадан устун қўйган Локк қуйидагини алоҳида таъкидлайди: давлатда ким ҳукмдорликни эгаллаган бўлмасин, унга "тайёргарликсиз, шошилиш чикарилган фармонлар билан эмас, халқ томонидан ўрнатилган ва унга маълум бўлган доимий қонунга мувофиқ бошқариш" вазифаси берилади. Қонунлар

давлатнинг "асосий ва улуг мақсадларини" барчага маълум бўлган ва барча томонидан бажарилган ҳолдагина амалга оширади. *Давлатда ҳеч ким, ҳеч қандай орган қонунга буйсунмишдан озод этилмаслиги керак.* Локкнинг бундай позицияси унинг XVIII-XIX асрларда ишлаб чиқилган "ҳуқуқий давлат" ғоясининг асосий талабларидан анча илгарилаб кетганлигини кўрсатади.

Давлатнинг ўзи каби, ҳар қандай қонун ҳам кўпчиликнинг хоҳиш-иродаси ва қарорига кўра ўрнатилади. Кўпчилик билан бирга битта ҳокимиятга бўйсунувчи ягона сиёсий организм ташкил қилишга рози бўлган ҳар бир киши ўзига "кўпчиликнинг қарорига бўйсунмиш" мажбуриятини олади. Бу фикрлар Локк қарашларини либерал-демократик таълимот деб тавсифлашга асос бўлади.

Эркинликни таъминлаш, сиёсий ҳамжамоанинг "асосий ва буюк мақсади"ни амалга ошириш, Локкнинг фикрича, давлатнинг ваколатлари унинг турли органлари ўртасида аниқ-равшан бўлиб берилишини талаб қилади. Қонун қабул қилиш ваколати (қонунчилик ҳокимияти) бугун халқ вакилларининг йиғини бўлмиш парламентга тегишлидир. Қонунларни ҳаётга жорий қилиш ваколати эса (ижро ҳокимияти) монархнинг, министрлар маҳкамасининг тасарруфига киради. Улар, шунингдек, хорижий давлатлар билан алоқаларни ҳам тасарруф қиладилар.

Давлат ҳокимиятининг кимдир томонидан суиъистеъмол қилинишига йўл қўйилмаслиги, бу ҳокимиятдан деспотик фойдаланиш имкониятининг олдини олиш учун Локк "унинг алоҳида қисмлари"нинг ўзаро алоқалари ва муносабатларига оид тамойилларни ҳам белгилаб беради. Бунда ҳокимиятнинг муайян фаолиятни амалга оширувчи типлари иерархик тартибда жойлаштирилган. Биринчи ўрин олий орган сифатида қонун чиқарувчи ҳокимиятга ажратилган. Бошқа ҳокимиятлар унга бўйсунмиш керак. Аммо улар (айниқса ижро ҳокимияти) қонунчилик ҳокимиятига нисбатан пассив бўлиб қолмаслиги, балки унга фаол таъсир кўрсатиши керак.

Албатта, Локк тиранияга, яъни "ҳокимиятни ҳуқуқдан ажратиб амалга оширадиган ҳукуматга" айланиш хавфи бўлмаган идеал давлат шаклларининг бўлмаслигини яхши тушунарди. Қачонки ҳокимият органлари (қонунчилик ҳокимияти ёки ижро ҳокимияти, барибир) ҳуқуқ ва умумий келишувни эътиборга олмасдан, давлатда қабул қилинган қонунларни четлаб ўта бошласалар, мамлакатни бошқариш пароканда бўлади, мол-мулк ҳимоясиз бўлиб қолади ва халқ вайроналикка учрайди. Бу ҳолда ҳокимиятни қонунга ҳилоф равишда тартиб олган шахс (узурпатор)нинг мамлакатда тартибни, осойишталик ва тинчликни шу усулда ечиш мумкинлиги ҳақидаги таъкидларига, Локк улар хоҳлаётган осойишталик аслида тинчлик эмас, балки бир сиқим қароқчи кишиларгагина фойдали бўлган зўравонлик ва талон-тарож эканлигини қарши қўяди. Бундай ҳолда халқ "адолатни тиклаш учун куч ишлатишга ҳақлидир". Локкнинг фикрича халқ суверенитети унинг ўзи яратган ҳар қандай давлат суверенитетидан юқори туради. Агар халқнинг кўпчилиги ижтимоий шартномани бузаётган ҳукмдорнинг интилишига чек қўйишга қарор қилса ва уларнинг қонун, эркинлик ва умумий фаровонликка эришиш мақсадида қуролли куч билан давлатни қайта ташкил қилишлари ҳаққоний бўлади.

XVIII ва қисман XIX асрда бир қатор Европа мамлакатларида ва АҚШда эскириб қолган феодал жамияти тартибларига қарши вужудга келаётган капиталистик жамият дунёқарашини акс эттирувчи **маърифатпарварлик** ғоявий йўналиши тарқалди. Маърифатпарварликнинг атоқли вакиллари кишиларнинг "табиий тенглигига" асосланган "тафаккур салтанати", сиёсий эркинликлар ва фуқаролар тенглиги ўрнатилиши учун курашганлар. Улар учун характерли нарсалар шуки, мазкур ғоя вакилларининг барчаси янги тартибот ҳукмронлик қилувчи ана шундай жамиятни вужудга келтиришда кишиларга билимлар тарқатиш катта аҳамиятга эга, деб ҳисоблаган. Маърифатпарварлар диний дунёқарашнинг яқка ҳукмронлигига қарши курашганлар. Англияда Ж. Локк, Францияда – Вольтер, Ж.Ж. Руссо, Ш. Монтескье, П.А. Гольбах, К.А. Гельвеций, Д. Дидро, Германияда – Г.Э. Лессинг, И.Г. Гердер, Ф. Шиллер, И.В. Гёте, АҚШда – Т.Жефферсон, Б. Франклин, Т.

Пейн, Россияда – А.Н. Радищев, В.Г. Белинский, А.И. Герцен, Н.Г. Чернишевский кабилар маърифатпарварликнинг атоқли вакиллари ҳисобланадилар.

Вольтер (1694-1778) француз маърифатпарварлигининг асосий вакилларида бири сифатида эркинлик, инсонпарварлик ва бағрикенглик (сабр-тоқатлилиқ) талабларини юқори кўтарди. Жамиятда амал қилувчи ва йўқотилиши лозим бўлган ижтимоий ёвузликларнинг илдизини Вольтер энг аввало билимсизликда (жаҳолатда), хурофот ва ирим-чиримларнинг кучли эканлигида деб билди. Унинг фикрича буларнинг асосий суянчиғи ва сабабчиси черков, католицизмдир. Вольтернинг қатъий ишончига кўра диний фанатизм ҳар қандай эркинликнинг асоси бўлмиш сўз ва виждон эркинлигини ўз исканжасига олади ва ҳалок қилади. Католик черковига қарши мардона кураш олиб борса-да Вольтер дин ва динийликни инкор этмайди. У дин халқ оммаси учун зарур юган сифатида сақланиб қолиши кераклигини айтади.

У демократиклиги билан ҳам ажралиб турмайди. Унинг фикрича Маърифатпарварлик, унинг тамойиллари "тикувчилар ва этиқдўзларга мўлжалланмаган". Илм-маърифатни, тафаккурни, фикрлаш қобилиятини юксак даражада қадрлайдиган бу мутафаккир "қора халқ жиддий ўйлай бошласа, барча нарса ўлди демакдир", дейди. Жисмоний меҳнат кишилари Вольтер учун тиз чўкиб сажда қилишга арзийдиган одамлар эмас.

Ўз асарларида ўсиб келаётган буржуазиянинг барча одамларнинг тенглигини талаб қилишини ифодалаган Вольтер бу тенгликни сиёсий маънода, яъни барчанинг қонун ва ҳуқуқ олдидаги тенглиги маъносига тушунган. Ижтимоий ва мулкий тенгсизлик эса, унинг фикрича, ижтимоий барқарорлик ва жамиятнинг нормал ривожланиши учун зарурий асосдир.

Жан Жак Руссо (1712-1778) келиб чиқишига кўра паст табақа вакили эди. Шунинг учун унинг қарашларида жамиятдаги мавжуд тартибни кескин ўзгартиришга чақириқлар ўз ифодасини топган. Асосий асарлари: "Кишилар тенгсизлигининг вужудга келиши ва асослари ҳақида мулоҳазалар" (1754), "Абадий тинчлик ҳақида фикр" (1782 йилда чоп этилган), "Ижтимоий шартнома ҳақида, ёки сиёсий ҳуқуқ Тамойиллари" (1762).

У ўз қарашларида ижтимоий тенгсизлик масалаларига катта аҳамият беради. Руссо фикрича дастлабки даврда, яъни табиий ҳолатда кишиларда хусусий мулк бўлмаган пайтда, барча эркин ва тенгдир. Бу ҳолатда улар орасида фақат табиат ато этган жисмоний тенгсизлик бўлиши мумкин. Табиий тенгликка зид бўлган хусусий мулкнинг ва ижтимоий тенгсизликнинг дунёга келиши билан бойлар ва камбағаллар ўртасида кураш бошланади. Бу ҳолатдан чиқиш учун давлат ҳокимияти ва қонунлар тузиш ҳақида келишув тузилиши керак бўлган. Аммо бу мулкий ва сиёсий тенгсизликни вужудга келтирган. Руссо ҳақиқий тенглик ўрнатадиган ижтимоий шартнома тузиш таклифи билан чиқади. Бу ижтимоий шартноманинг оқибати унинг фикрича қуйидагича бўлади: "Шартнома муносабатларига киришаётган алоҳида одамлар бирлашма (ассоциация) тузишлари натижасида умумий йиғилишдаги овозлар миқдорига тенг бўлган шартли Ягона жамоани ташкил қиладилар. Бу Ягоналик умумий "Мен"нига, ўз ҳаёти ва иродасига эга бўлади. Мазкур юридик шахс қачонлардир **Фуқаролик жамоаси** деб аталган, ҳозир эса **Республика** ёки **Сиёсий организм** деб аталмоқда: унинг аъзолари мазкур Сиёсий организмни унинг пассив ҳолатида **Давлат**, фаол ҳолатида эса **Суверен**, бошқа унга ўхшаган ҳодисалар билан таққослашда эса **Мамлакат** деб атайдилар. Бундай ассоциациянинг аъзолари олий ҳокимиятни бошқаришда қатнашувчилар сифатида умумлашган ҳолда **халқ**, алоҳида ҳолда эса **фуқаро** деб, Давлат қонунларига бўйсунувчилар сифатида эса **фуқаролар** деб номланадилар".

Давлатга ўтиш шартини Руссо қуйидагича изоҳлайди: алоҳида индивиддан шартнома натижасида ҳосил бўлаётган умумийлик (халқ, суверен, давлат) фойдасига олиб берилаётган табиий тенглик ва эркинлик унга (яъни индивидга, ана шу умумийликнинг ажралмас қисми, суверен-халқнинг аъзоси, фуқарога) шартномавий ўрнатилган (ижобий) ҳуқуқ ва эркинликлар шаклида қайтарилади. Яъни, Руссо тили билан айтганда, кишиларнинг табиий ҳаёт тарзини фуқаролик турмуш тарзига "алмаштириш" юз беради. Ижтимоий шартномага кўра барча кишилар "келишув натижасида ва ҳуқуқ жихатидан тенг бўлиб қоладилар".

Хусусий мулкни инкор этмаган ҳолда Руссо фуқароларнинг мулкӣ ҳолатини бир-бирига нисбий яқинлаштиришни таклиф қилади, ҳаддан ортиқ бойлик ва ҳашамларни, бойлик ва камбағалликнинг кескин фарқланишини танқид қилади.

Умуман олганда ижтимоӣ шартнома, Руссонинг фикрича, сиёсий организмга (давлатга) унинг аъзолари устидан чекланмаган ҳумронликни беради. Умумий ирода томонидан йўналтирилувчи ушбу ҳокимиятни Руссо суверен номи билан атайди. Руссонинг фикри бўйича суверенитет ягонадир ва у фақат халқ суверенитети бўлиши мумкин. Руссо ягона суверен ҳисобланмиш "халқ" деганда яқобинчилар ёки марксистлар каби жамиятнинг муайян ижтимоӣ қатламини (камбағаллар, "учинчи табақалар", меҳнаткашлар ва ҳ. к. каби жамиятнинг паст қисмини) эмас, ижтимоӣ шартномада қатнашувчи барчани (яъни, аҳолининг, миллатнинг катта ёшдаги барча эркакларини) кўзда тутади. Халқ ҳокимият шаклини ўзгартириш, ижтимоӣ шартноманинг ўзини йўққа чиқариш ва ўзига табиӣ эркинликни қайтариш ҳуқуқига эга.

5. Немис классик фалсафаси вакиллариинг ижтимоӣ фикрлари

Иоганн Готфрид Гердер (1744-1803) фикрича инсоният ўз тараққиётида қонуний равишда гуманизмга келади, яъни улар табиат томонидан ато этилган кучларни ўзларининг тафаккур ва ахлоқини мукаммаллаштириш, бир-бирларига ижобӣ таъсир қилиш йўлида сарфлайдилар.

Унинг фикрича инсоният тарихи қуёш системаси тарихининг бир қисмидир. Тарихий тараққиёт, унинг фикрича, ундан илгари юз берган космологик тараққиёт билан боғланган. Гердер инсон ва ҳайвонот оламининг ўзаро боғлиқлигини қатъӣ таъкидлаган. Инсоннинг устунлиги унинг тик юра олишидир. Ҳайвонларда ҳид ва таъм сезгилари ривожланган, одамда эса кўриш сезгиси кучлироқ, унинг қуллари озод бўлгани сабабли унда яратувчилик фаолияти, айниқса санъат тараққий этган. Булар унинг нутқ қобилятини тараққий эттирган. Шу маънода Гердер Монтескье ишлаб чиққан географик детерминизм тарафдори бўлиб чиқади. Кишилар турмуш тарзи атроф-муҳит хусусиятлари билан белгиланган, аммо бу унинг фаоллигини чекламайди. Инсон ўз фаолияти билан ташқи муҳитни, иқлимни ўзгартиради.

Инсон табиат салтанати ва "гуманизм" ("инсонийлик") салтанати, яъни ўз кучи, ақл ва ахлоқини мукаммаллаштириш ва улардан фойдалана олиш соҳаси орасида туради. "Инсонийлик"нинг мазмуни бошқаларнинг азобларига ҳамдард бўла олиш қобиляти бўлиб, унинг энг юқори даражаси инсонда мужассамлашган. Табиатдаги "инсонийлик" қуртак ҳолида бўлиб, унинг атиргул мисол очилиши инсонга боғлиқ ва у жамиятнинг мазмунини ташкил этади. Шундай қилиб инсоният тарихи табиат тараққиётининг давомидир.

"Инсонийлик" иборасининг мазмунини худого монандлик деб тушуниш ҳам мумкин. Инсон ердаги энг мукаммал хилқат сифатида барча кучларнинг энг мукаммали – худонинг намоён бўлиши ҳисобланади. Худого монандлик одамнинг табиатнинг барча қонунларини англай олишида ҳам акс этади.

Гердернинг жамият ҳақидаги концепциясида ижтимоӣ тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи, субъекти сифатида унчалик буюк бўлмаган тарихий шахслар кўрсатилган. Жамиятнинг тараққиёти кашфиётлар, янги билимларга боғлиқ. Кашфиётчилар инсониятнинг ҳақиқӣ қаҳрамонларидир, дейди у.

Гердернинг фикрича жамият тараққиётининг муҳим омилларидан бири традициялар, анъаналардир. Ижтимоӣ ривожланиш кишилар фаолиятининг оқибатидир. Табиат кишиларни ижтимоӣликнинг илк босқичи бўлмиш оила ташкил этилишигача олиб келди. Бунда жамоа патриархал тамойилга асосланади. Жамиятнинг иккинчи босқичи - ҳокимият сайланувчи судьялар ва ҳарбий дохийлардан иборат. Учинчи босқич – деспотик ҳокимият бўлиб, у авлоддан авлодга ўтиш билан характерланади. У деспотизмни, монархияни аёвсиз танқиб остига олади. Унинг деспотизмни танқид қилиши буюк шахсларни танқид қилиш билан қоришиб кетган: "Тарихдаги энг буюк номлар инсон турини буғиб келган тождор жаллодлар ёки тахт эгаларининг яқинларига тегишлидир". Тарихнинг ҳақиқӣ қаҳрамонлари

инсониятнинг ижодий қобилиятини акс эттирувчи ва унинг санъатини ривожлантирувчи кашфиётчилардир.

Гердернинг фикрича инсоният тараққиётидаги энг буюк халқ греклардир. У ерда қонунчилик илк бор диндан ажратилган. Роҳиблар бу ерда бошқа халқлар ҳаётида юз берганидек чексиз ҳурматга эга эмасдилар.

Ҳақиқий инсонийлик Иисуснинг таълимотида мужассамлашган, у камбағаллар ва эзилганлар орасида ўзига қўплаб тарафдорлар топди, бироқ тезда роҳиблар уни яқсон қилдилар. Инсон авлодларидан Христос бошқалар бахти учун меҳнат қилувчи илоҳийлашган одамларни вужудга келтирмоқчи эди. Христианлик ҷамияти дўстлик ва биродарларча муҳаббат ҷамияти бўлиши керак эди. Бироқ у табақавий тенгсизликни тугата олмади ва тугатишни хоҳламади, шунинг учун унинг инсонийлигидан камбағаллик мерос бўлиб қолди. Европа мамлакатлари тарихи мисолида Гердер зўравонлик аста-секин ўз ўрнини тинчликсеварликка бўшатиб бериши ҳақидаги фикрни айтади.

Имманиул Кант (1724-2804) ўз қарашларида кўпроқ соф фалсафий, ахлоқий ва эстетик масалалар хусусида фикр юритган. Руссо қарашлари таъсири остида Кант ҳар қандай шахс олий мақсаддир ва у қандайдир вазифаларни бажариш йўлида восита сифатида қаралмаслиги керак, ҳатто бу мақсад энг олий бўлган тақдирда ҳам, деган фикрни айтган.

Кант инсонни табиат ва ҷамиятнинг пассив ҳодисаси деб тушунишларга қарши чиқади ва унда энг аввало мустақил ҳатти-ҳаракат юритувчи ва ўз-ўзини барқамоллаштирувчи субъектни кўради. У Руссо каби кишилардаги эркинлик уларнинг ўз шахсий истакларини жиловлай олиш ва бошқалар эркинлигини ҳурмат қилишда деб билади. Инсон ҳатти-ҳаракати ташқи сабаблар билан белгиланган ҳайвонлардан ўз ҳатти-ҳаракатининг мустақил асосланганлиги билан фарқ қилади. Мустақил мотивацияга қобил бўлган инсон "ўз-ўзига мақсад"дир, бошқа барча жониворлар эса оддий "воситалардир".

Мураккаб мантиқий йўллар билан Кант ўзининг ахлоқий қонун назариясини ифодалайди. Ахлоқий қонунга мувофиқ инсон ўзининг бошқа кишиларга нисбатан ҳатти-ҳаракатида уларнинг ўзи каби мустақил эканлигидан, яъни уларнинг ҳам бошқалар фаолияти учун восита эмас, балки ўз-ўзича мақсад эканлигидан келиб чиқиши керак. Мазкур ахлоқий қонунда бошқа кишиларнинг ҳам дахлсизлиги эътироф этилади. Шу маънода, Кантнинг фикрича, ҳар бир киши ўзи англамаган ҳолда (априори) инсоннинг табиатдаги бошқа нарсалар ва жониворлардан юқорида туришини ҳамда ўзларининг бошқа кишилар билан тенглигини кўрадилар.

Кантнинг фикрича, шартномага асосланган муносабатларни бажаришда ҳар икки томон шартнома, келишув, ваъда кабиларга асосланган инсоният ҷамиятини яқсон қилмаслик учун ўз эгоизмигагина эмас, балки ўзларининг чекланганликларига ҳам асосланадилар. Агар киши табиий эгоизм позициясини эгалласа ана шу "иккинчи табиат" зарар кўради. Шу маънода ахлоқий ҳатти-ҳаракат менинг ҳатти-ҳаракатим туфайли бошқаларга зарар етмаслиги, ана шу "иккинчи табиатни" сақлаш йўналишида бўлиши керак.

Георг Вильгельм Фридрих Гегел (1770-1831) ўз қарашларида немис фалсафий фикрини энг юқори чўққига олиб чиқади. Тарих унинг фикрича қонунийлик соҳаси бўлиб, бу соҳадаги қонунийлик табиий қонунийликдан фарқ қилади. Мазкур қонунийлик кишиларнинг онгли фаолияти орқали амалга оширилади.

Тарих "дунёвий рухнинг замондаги тараққиёти" ҳисобланади. Ҷамият тараққиётининг тарихи ўз мақсадига эга – бу эркинликнинг, "фуқаролик" ҷамиятида фуқаро эркинлигининг ривожланишидир. Эркинликнинг амалга оширилиши, Гегел фикри бўйича, рухнинг ўз-ўзини эркин ҳис қилишини англашни ҳам ўз ичига олади. Шу маънода тарих "эркинликни англаш йўлидаги тараққиёт" ҳамдир. Шу нуқтаи назардан Гегел дунё тарихида уч босқични бир биридан фарқлайди. Қадимги шарқ халқлари ягона битта инсон эркин эканлигини англаганлар, греклар ва римликлар эса муайян гуруҳни эркин деб ҳисоблаганлар ва фақат Гегелнинг замондошлари бўлмиш "герман" халқларигина барча кишилар эркинлигини тушунганлар. Умуман олганда ҷамият тарихи дунёвий рухнинг ўз-ўзини англаш томон ҳаракати босқичларидир.

"Дунёвий рух" тараққиёти автоматик тарзда рўй бермайди, у кишиларнинг амалий иштирокисиз, "умуман кишиларнинг фаоллигисиз" ҳеч нарса қилолмайди. Бир-биридан фарқланувчи эгоистик манфаатлар, қизиқишлар билан ҳаракатлантирилувчи инсоний фаоллик, Гегелнинг фикрича, ягона восита ҳисобланадики, унинг ёрдамида тарих ўзининг энг ички хоҳиш-мақсадини амалга оширади.

Рухнинг ўзи эса на ишлай олади, на курашади, у ўзи учун инсоннинг фаолият кўрсатишига имкон беради. Ўзларининг алоҳида манфаатларини кўзлаган кишилар эса, ўйлаганларидан ҳам кўра кўпроқ нарсани амалга оширадilar. Ўзлари англамаган ҳолда улар тарихни олға суриб, унинг қонуниятларини юзага чиқарадилар.

Жамиятда ҳақиқий тарихий қаҳрамонларнинг, "дунёвий фаолият кўрсатувчи индивидларнинг" ўрни ғоят катта, уларнинг манфаатлари, қизиқишлари тарихий аҳамиятга моликдир. Уларнинг ҳатти-ҳаракати ҳам уларнинг эгоистик мақсадларидан келиб чиқади. Аммо айни ана шу мақсадлар баъзан умумий "дунёвий рухнинг иродасига" мос тушади. Бунга мисол тариқасида Гегел Александр Македонский ва Цезарни кўрсатади. Эркинликни англаш сари тараққиёт жамият тарихининг ички мазмунини ташкил этади, аммо у Гегелнинг фикрича соф субъектив равишда, яъни эркинликнинг рефлексияси маъносида тушунилмаслиги керак. Ғоянинг ички характери Гегелда идея реалликка айланиши учун албатта ташқи ҳодисага айланади. Эркинликнинг тарихда объективлашуви давлат ҳисобланади.

Шу билан, Гегелнинг фикрича, тарих ва давлатнинг бирлиги ҳосил бўлади. Давлат яратмаган халқлар тарихга тааллуқли эмас, улар тарихий эмасдир, дейди Гегел.

Дунёвий рухнинг тарихий тараққиёти бир неча босқичлардан иборат, бунда эркинлик аста-секинлик билан, вақт бўйича тарихий жихатдан чекланган даврлар мобайнида амалга ошади. Мазкур даврларнинг ҳар бири учун муайян "халқ руҳи" ҳукмрондир, яъни шу даврда ўз характери, жамият ахлоқи, давлат тузилиши ва ҳ.к.ларга кўра энг муҳим аҳамият касб этган халқнинг ўзига ҳослиги акс этади. У ўз тарихий вазифасини адо этгач, ўз ўрнини бошқа халққа бўшатиб беради ва абадий тарзда чеккага чиқиб кетади.

Гегелнинг фикрича "халқ руҳлари" кетма-кетлиги қуйидагичадир: ҳаммадан пастда шарқ халқлари – Қадимги Хитой, Ҳиндистон, Форс халқлари туради. Улардан кейин грек дунёси, Қадимги Греция жамоалари туради, улар эса ўз навбатида римликларнинг универсал империясига ўрин бўшатиб берадилар. Дунёвий тарихнинг юксак даври герман дунёсидир, у Ғарбий Европанинг христиан халқларини ўз ичига олади.

Герман, яъни Ғарбий Европа халқларининг узоқ тарихи Гегелнинг фикрича уч асосий даврдан иборат. Биринчи давр германларнинг Рим империясига кириб келиши, христиан қадриятларининг эгалари сифатида уларнинг Ғарбий Европани эгаллашлари даврини олади. Бу давр тарихга Буюк Карлнинг чиқиши билан тугайди.

Иккинчи давр Буюк Карл ва Карл V даврларини (XVI асрнинг биринчи ярмини) ўз ичига олади. Бу давр христианлик маънавий мазмунининг таназзули, унинг олий табақалар, мулкдорлар, иқтисодий ва сиёсий манфаатлар билан боғланишини ўз ичига олади.

Герман дунёсининг учинчи даври немис Реформациясидан то Гегел замонигача бўлган Янги даврни ўз ичига олади. Реформация католик черкови ташқи авторитетнинг ҳурмати олдида чўкиш даражасига тушириб қўйган ички эркинликни янгилади ва чуқурлаштирди. Гегелнинг фикрича навбатдаги тараққиёт учун икки нарса муҳимдир: манфаатларга хизмат қилувчи давлат тузиш ва протестант динига мос эркинлик шаклини ва инсон ички дунёсини эркин равишда амал қила оладиган индивидуал иродага айлантириш. Реалликда бу нарса ҳунарлар билан эркин шуғулланиш, инсоннинг меҳнат қилиш ва қобилиятини сота олиш, барча давлат муассасаларига эркин кириш ҳуқуқларини англатади.

Сиёсий эркинликни амалга ошириш, Гегелнинг фикрича, тарихни ўзининг сўнгги босқичига, бизнинг кунларимизга олиб келади. Гегел француз буржуа революцияси туфайли амалга оша бошлаган эркинликни универсал инсоний ҳуқуқ сифатида дунёвий аҳамиятга молик ҳодиса деб ҳисоблайди. Шу маънода у революцияга тарихнинг буюк ҳодисаси деб баҳо беради: "Бу қуёшнинг ажойиб чиқиши бўлди".

6. Диалектик ва тарихий материализм инсон ва жамият ҳақида. Коммунистик жамият ҳақидаги ғоя ва унинг жаҳон тарихий тараққиётига ҳалоқатли таъсири

Инсоннинг вужудга келиши масаласида физик-химик эволюциясининг биологик тараққиётга олиб келиши, сўнгра уларнинг муҳит таъсирида табиий танланиш натижасида одамсимон маймунлар, сўнгра маймунсимон одамлар ва ниҳоят ҳозирги одамлар вужудга келиши масаласи марксизм асосчиларидан Ф.Энгельснинг асарларида акс эттирилган. Унинг "Табиат диалектикаси" асарига кирган "Маймуннинг одамга айланишида меҳнатнинг роли" рисоласида мазкур масалага муносабат ёритилган. Бунга кўра одамлар аста-секин давом этган моддий дунё тараққиётининг муайян босқичида, дарахтлардан ерга тушган одамсимон маймунларнинг шароит ўзгариши натижасида тик туришга ўтишидан, сўнгра эса қўлнинг бошқа фаолиятга мослашувидан, тайёр маҳсулотларни истеъмол қилишдан уларни тайёрлашга ўтишдан, нутқнинг вужудга келиши, уруғчилик, меҳнат ва шу каби омилларнинг мураккаб қоришмаси натижасида таркиб топишган.

Мазкур дунёқараш жамият тарихига синфлар кураши тарихи сифатида қарайди. Бу синфий кураш охир-оқибат албатта пролетариат (йўқсиллар) диктатурасига олиб келади. Йўқсиллар диктатурасининг мақсади эса синфсиз жамият қуришдан иборатдир. Марксча дунёқарашда фақатгина ижтимоий мулкчилик яшашга қодир, хусусий мулкчилик эса жамиятдаги барча иллатларнинг манбаи, деган нотўғри қараш ҳукмрон.

Тараққиёт ва ўзаро алоқадорликлар ҳақидаги кучли таълимот бўлмиш диалектикадан унумли фойдаланган мазкур дунёқараш ўзи танқид остига олган илгариги таълимотлар йўл қўйган хатони яна такрорлади. Дунёнинг анчагина қисмида унинг назариясига асосланган жамиятни қуриш жараёнида эришилган муваффақиятлардан "боши айланиб қолиб" тараққиётнинг чеки йўқ деган диалектик фикрга зид ҳолда, коммунистик жамият жамият тараққиётининг чўққиси, инсоният асрлар бўйи орзу қилган жамият ана шу ва ундан-да юксакроқ жамият бўлмайди деган фикрлар зўр бериб кишилар онгига сингдирилди. Марксизм таълимоти инсоният эришган энг юксак ғоя, у муттасил такомиллашиб боради, мавжуд ўзгаришларни акс эттиради, деб сўзда тан олинса-да, амалда бунинг тескарисини рўй берди. Ижодий танқид буғиб ташланди, жамиятни бошқарувчи куч бўлмиш марксча партиялар эса озчиликнинг манфаатларини ифодалай бошлади. Эришилган ижтимоий ўзгаришлар замон талабларига мос равишда янгиланиш ўрнига зўр бериб мустаҳкамлана бошлади. Социалистик мамлакатлардаги депсинишлар, кишилар онгига фақат илгариги даврларнинг инъикоси бўлган, янги давр талабларини кўра олмайётган, демакки, қотиб қолган марксистик қарашларни сингдириш, дунёда мавжуд муқобил яшаш тарзини, муқобил дунёқарашлар борлигини, уларни ҳам ўрганиш зарурлигини ўрганишга, уларни мавжуд социалистик турмуш билан қиёслашга имкон берилмади. Ана шундай интилишни намоён этганларга эса "душман" ёрлиғи ёпиштирилди, улар бошқалардан ажратиб қўйилди. Кишиларни озодликка чиқаришга ҳаракат қилган мазкур ғояга асосланган ижтимоий тузумлар ич-ичидан чирий бошлади. Яъни сўзда диалектикани тан олиш, амалда эса унга зид фаолиятни амалга ошириш объектив равишда, яъни ҳаёт диалектикасининг мантиғи билан уларнинг парчаланиб кетишига олиб келди.

Тарихни болға урадиган ишчилар ва ўроқ ўрадиган деҳқонлар, хулласи калом моддий бойлик ишлаб чиқарувчилар яратади, деган қоида барчанинг онгига сингдирилиб, тил теккизиб бўлмас муқаддас қоидага айлантирилди. Ишчилар синфи ва унга иттифоқ бўлган бошқа эзилган синфлар ва табақалар жамиятни ҳаракатлантирувчи ягона куч, деб эълон қилинди. "Йўқолсин бойлар, яшасин камбағаллар!" шиори тўлиқ амалга оширилди, яъни мамлакатда бой яшаш қандайдир камчилик, айб сифатида тушунилди, йўқсиллик, камбағал яшаш ғурурли бўлиб қоли, бойлар йўқотилди ва камбағаллар дунёси қурилди.

"Йўқолсин ўз фикрига эга зиёлилар!" шиори эса барча миллатларнинг неча минг-минглаб олиму фузалолари, шоиру доноларини ер қаърига тортиб кетганлигини, бунинг натижасида социалистик мамлакатлар фани, адабиёти, техникаси қанчалик орқага сурилиб кетганини тасаввур қилиш мумкин, холос. Мисол тариқасида СССРда генетика ва

кибернетика фанларининг "буржуа фани" сифатида қораланишидан қанчалик мудҳиш оқибатлар бўлганлиги, бу фанлардаги орқага қолишлар ҳамон кўпгина ана шу фанлар билан боғлиқ соҳаларга ўз таъсирини ўтказётганлиги сир эмас.

Деярли бир аср давомидаги тарихий амалиёт марксизмнинг жамият ва шахс муносабати ҳақидаги таълимоти шаклан ва моҳиятан хато эканини кўрсатди. Марксизм мулкдорлар ва меҳнаткашларни бир-бирига қарама-қарши қўйди, улар ўртасида ҳамкорлик бўлиши мумкинлигига қарши чиқди. Меҳнаткашлар ҳам ўзаро тафовутланиб, ишчилар синфи имтиёзли синф деб эълон қилинди. Натижада социализм даврида собиқ СССР нинг кўпчилик ҳудудларида, айниқса Россия ҳудудида мавжуд деҳқонларнинг "иккинчи нав синф" бўлишни истамаган қисми қишлоқлардан қочиб кетдилар. 1990 йилга келиб Россияда 139 минг 380 та қишлоқ бўшаб, хароба ҳолга келиб қолди. Бунинг сабабларини бир пайтлар Сталиннинг мамлакат ривожланган сари синфий кураш кучайиши ҳақидаги "кашфиёт"идан, кейинчалик ўзига тўқроқ деҳқонларнинг "мушпумзўр, қулоқ" сифатида қатағон қилинишидан, кейинчалик Хрушчев даврида қишлоққа, қишлоқ хўжалигига кўрсатилган "меҳрибонликлардан" кидириш керак. Буларнинг оқибатида мамлакат қишлоқ хўжалиги вайрон бўлди, жамиятда тарихан таркиб топган ишлаб чиқариш алоқалари ва муносабатлари барбод этилди. Бунинг оқибатларини эса ҳозирги авлод, ва афтидан, яқин келажакдаги авлод ҳам чекади.

Марксизм таълимотининг жамият тараққиёти қонунлари ҳақидаги қарашларининг зўравонлик билан сингдирилишини, уларнинг "мутлоқ ҳақиқат" эканлигини кўпчилик зиёлилар ҳазм қила олмадилар. Совет ҳукумати бунга қабул қила олмаган зиёлиларга ёт унсур деб қараб, чин ақл эгаларини чет элларга ҳайдаб чиқарди, лагерларга жўнатиб, уларни фаол ижодий ҳаётдан узоқлаштирди, кўпини жисмонан йўқ қилиб, уларнинг ўрнига ишчи-деҳқонлар орасидан фақат марксизм руҳида таълим-тарбия олган, бутун билими ва ижодини марксизмни улуғлашга бағишлаган илмий ходимлар авлодини шакллантирди. Улар бутун илҳом ва ижодини марксизмни кўкларга кўтаришга бағишлади. Шу боис социалистик лагер жаҳон тафаккур хазинасига сезиларли ҳисса қўшган йирикроқ мутафаккирни етиштириб бера олмади.

Таянч тушунча ва иборалар: *христиан назариётчилари; уйғониш даври; маърифатпарварлик даври; немис классик фалсафаси; коммунистик жамият гоёси ва амалиёти.*

Такрорлаш учун саволлар:

1. Христиан назариётчиларининг инсон ва жамият ҳақидаги теоцентристик фикрлари нимани англатади?
2. Уйғониш даври гуманизмининг моҳияти нимадан иборат?
3. Маърифатпарварлар дунёқарашида ижтимоий ҳаёт масалалари қандай ечилган?
4. Николло Макиавеллининг "мақсад унга эришишнинг ҳар қандай воситасини оқлайди", деган фикрига қандай қарайсиз?
5. Ҳаёлий социализм вакилларининг жамиятни янгилаш ҳақидаги фикрларини тушунтириб беринг.
6. XVII-XVIII аср инглиз ва француз мутафаккирларининг ижтимоий ҳаёт ҳақидаги фикрларида қандай камчиликлар бор эди?
7. Француз энциклопедистларининг ижтимоий фикр ривожига ўрнига қандай баҳо берасиз?
8. Немис мутафаккирлари дунёқарашида инсон ва жамият, ижтимоий тараққиёт масалалари қандай очиб берилган?
9. Инсоният тафаккури тарихида Гегель қандай ўринни эгаллайди?

7-мавзу. Ҳозирги даврда шахс ва жамият тараққиёти масалаларига доир фикрлар ва қарашлар

Сиз бундан олдинги мавзуларда инсон ва жамият ҳақидаги фикрлар тарихи билан танишдингиз. Уларнинг ривожланиш босқичлари ва йўналишлари хусусида муайян мулоҳаза ва тасаввурлар ҳосил қилгансиз.

Ҳозирги замон жамиятшунослиги ижтимоий тараққиёт ҳақида ўзидан олдинги тарихий қарашларининг мантикий давоми бўлиб, уларга ворислик муносабатларини намоён қилади. Яъни, жамият ҳақидаги таълимот ва назарияларнинг ижодий ривожлантирилиши, бир томондан унинг умумий ривожланиш хусусиятларини акс эттирса, иккинчи томондан, тарихий тараққиётнинг назарий, методологик, амалий жиҳатларини конкретлаштиради ва истиқболларини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан, ҳозирги замон жамиятшунослигини инсоният тараққиёти ҳақидаги илмий қарашларнинг давоми сифатида қараш лозим.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошлари инсоният тарихида илмий-техника инқилоби асри, деб ном олди. Бошқача қилиб айтганда, фан-техника тараққиёти ва унинг ижтимоий-сиёсий оқибатлари жамиятни янги сифат босқичларига олиб келди. Бу даврга келиб йирик инглиз тарихчиси ва социологи Арнольд Жозеф Тойнби (1889-1975) таъкидлаганидек: «Табиат устидан Инсон эмас, балки у яратган технология ғолиб бўлди. Натижада, инсон табиатдан, ўз мавжудлик асосларидан бегоналашмоқда, Технология инсондан кўра ҳукмдорроқ, ёвузроқ бўлиб, инсонни ўзига тобе қилди. Энди инсониятнинг ҳаёти нафақат таҳликали, балки фожиали бўлиб қолмоқда».¹ Бу эса, ўз навбатида, жамиятшунослик фанларининг андозалари, қарашлари тизимини ўзгартиришни тақозо қилди.

Ҳозирги замон жамиятшунослиги ғоят хилма-хил муқобил таълимотлардан иборат. Жамиятни ташкил қилган асос ёки уларнинг тизими ҳақидаги турли-туман қарашлар, инсоннинг ижтимоий муносабатлари таркибидаги айрим жиҳатларига муайян манфаатлар асосида ёндошиб, уларни мутлақлаштиришдан келиб чиққан. Жамият ҳақидаги муқобил қарашларнинг турли-туманлиги, бир томондан, уни комплекс-системали тасаввур қилишга имкон беради. Иккинчи томондан, «таълимотлар уммонидан» маъқулини танлашни мураккаблаштиради. Шунинг учун инсоният олдида: қайси таълимот илмий, объектив ҳақиқатга давогарлик қилиши мумкин, деган савол муқаррар бўлиб қолмоқда.

Биз жамиятшуносликнинг бирор таълимотини объектив ҳақиқат тарзида кўрсатиш фикридан йироқмиз. Зеро, ҳар қандай таълимотда рационал мазмун, муайян ижтимоий груҳ ёки табаканинг манфаати ифодаланган. Фақат уларнинг моҳиятини миллий ва умуминсоний манфаатларини қандай тарзда уйғунлаштирган, инсоният цивилизацияси келажагига қай даражада хисса қўшади, деган мезонлар асосида баҳолаш зарурлигини эслатмоқчимиз, халос.

1. Асосий оқимлар ҳақида

Ҳозирги замон жамиятшунослигидаги (бизнинг назаримизда, ҳозирча нисбатан кам ўрганилган) асосий йўналишларининг айримлари ҳақидаги фикрлар диққатинингизга ҳавола қилинмоқда.

Иррационализм (лотинча *irrationalis* - ақлсиз, онгсиз) фалсафий атама бўлиб, жамият ҳодисаларини билиш соҳасида ҳам икки хил маънода ишлатилади: биринчиси – жамиятни билиш, англаш мумкинлигини эътироф этувчи фалсафий таълимотга қарши бўлган «агностицизм» (яъни билиш мумкинлигини инкор қилиш) кўринишда ўз аксини топган. Яъни, фақат ақл ёрдамида билимга эга бўлиш тамойилининг қарама-қарши томонидир. Иккинчиси - билишнинг ноақлий (ёки, ақлдан қуйи, ёки юқори) босқичлари борлигини ҳам эътироф қилади ва шу босқичлар мазмунининг таҳлилига алоҳида эътибор беради. Шу маънода, иррационализм ақлий фаолият соҳасини жамиятшунослик соҳасида ҳам чекланган деб ҳисоблайди.

Иррационализм - инсон руҳий фаолиятининг рационаллик доирасидан ташқарида чикувчи хилма-хил жиҳатларини биринчи ўринга сурадиган турли фалсафий тизимлар ва йўналишлар тарзида намоён бўлади. Масалан, иродани (волюнтаризм), интуицияни (интуитивизм), онгсизликни (психоанализ) ва бошқаларни мутлақлаштирилганлигини

¹ Тойнби А.Дж. Цивилизация перед судом истории. М.: Прогресс. 1996. 396-бет.

кўришимиз мумкин. Барча динларнинг инсоннинг моҳияти ва жамият ҳақидаги мистик таълимотлари иррационал (норационал) табиатга эга. Ислом динида бу - тасаввуф, Ҳиндистонда шаклланган динларда - йога, Хитойдаги буддизимда - дзендир. Жамиятшуносликка оид диний догматика ва расмий таълимотларининг айрим шакллари (хусусан, теология) рационал хусусиятга эга. Шу маънода, иррационализм қарашлари қадимийдир. Фақат XVII-XVIII асрларга келиб, унинг нафақат табиатшуносликда, балки жамиятшуносликда ҳам рационалистик жиҳатлари устуворлашди ва XIX аср охириларига қадар ҳукумронлик қилди.

Ҳозирги давр фани рационалликка асосланган. Билишнинг рационал шаклидан бошқа юқорида даражалари мавжудлиги ҳақидаги қарашлар, қадимий манбалардан бўлган, Ҳинд фалсафий меросида баён этилган. Унда энг олий ҳақиқатга, ҳатто энг юқори даражада ривож топган ақл ёрдамида ҳам эришиб бўлмайди, деган ақида ҳукумронлик қилади. Бу таълимотда, Олий ҳақиқатга эришиш учун Олий реалликка сингиб, у билан уйғунлашиб кетиш керак, деган ғоялар илгари сурилган. Бундай сингиб кетиш натижасида, инсон онги «ёришади» дейилади ва бу тасаввуф фалсафасида Ҳаққа (Оллоҳ висолига) етишиш тарзида изоҳланади. Бундай ғояларни сўфийлар ижодида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, Насафийнинг «Зубдатул ҳақойиқ» (Ҳақиқатлар қаймоғи), А.Навоийнинг «Лисон ут-тайр» (Қуш тили) ва бошқа суфизм таълимотлари илгари сурилган тарихий манбалар, уларнинг намунасидир.

XX асрнинг йирик ҳинд мистик файласуфи Ауробиндо Гҳош: «Ақл - инсон табиатини (шу жумладан, ўз ижтимоий моҳиятини, жамиятни – М.С.) тўлиқ ўзгартира олмайди», - деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, ақл турли илмий тизим ва доктриналарни яратишдан нарига ўта олмайди. Ваҳоланки, бу тизимларда ифода этилган ғояларнинг ўзи нисбий ва тўлиқ эмас. Ижтимоий ҳаёт эса, ҳар қандай формула ва тизимларни четлаб ўтади, у инсон интеллектига, иродасига бўйсунмайдиган, бекиёс мураккаб ва чексиз яширин имкониятларга эгадир. А.Гҳош онг эволюциясининг ақлдан юқори ва ақлдан қуйи кўп поғоналари мавжудлигини, ҳозирги давр Европа иррационалистик фалсафий оқимлари, хусусан психоанализ онгининг ақлдан бошқа шаклларини ўрганиш учун эндигина қадам қўётганини кўрсатиб берди. Бундай диний- фалсафий қарашларни бугунги кунда ҳам Ошо ва Маҳариши Махеш Йоги таълимотларида кўришимиз мумкин. Бу таълимотлар, асосан Ҳинд қадимий манбалари ҳисобланган Ведаларда ўз аксини топган.

Позитивизм (лотинча *positivus* - ижобий) йўналишининг асосчиларидан бири Огюст Контдир (1798-1857). Конт таълимоти француз маърифатпарварлиги анъаналари кенг тарқалаётган даврда шаклланди. 1848 йилдаги инқилобдан кейин «Позитив сиёсат тизими» деган асарирда, у ўзининг ижтимоий-сиёсий қарашларини баён қилди. Конт позитив фалсафасининг асосий ғояси - фан ҳодисаларининг ташқи қиёфасини тасвирлаб кўрсатиш билан чегараланиши керак. Шу нуқтаи назардан Конт метафизикага шубҳа билан қарайди ва «метафизика» ҳодисаларнинг моҳияти ҳақидаги таълимот сифатида бартараф қилинмоғи лозим, деган даъво билан чиқади. О. Конт билиш тарихини 3 даврга бўлади. Унинг фикрича ҳар бир давр дунёқарашнинг муайян типига: теологик, метафизик ва позитив типларга мувофиқ келади. Конт ўзининг уч босқичли схемасидан фанларни туркумлаш ҳамда фуқоролик жамияти тарихини системалаштириш учун фойдаланган.

Конт фикрича, метафизик дунёқараш, теологик дунёқарашнинг ўзгарган шакли бўлиб, барча ҳодисаларнинг асосини - абстракт метафизик моҳиятлар ташкил қилади. Шунинг учун, теологик ва метафизик дунёқараш ўрнига, «мутлоқ билим» - (материализм ва объектив идеализм)дан воз кечадиган «позитив метод»ларни қўллашни таклиф қилади. Контнинг фикрича, фаннинг вазифаси ҳодисаларнинг «нима учун»лигини уқтириб бериш эмас, балки уларнинг «қандай»лигини ёритиб беришдан иборатдир.

Конт жамият ҳодисаларини изоҳлайдиган фанга «социология» терминини илк бор киритиб, социологик таълимотининг асосий ғояси – жамият тартибларини инқилобий йўл билан ўзгартириш бефойда, деб эълон қилди. Контнинг социологияси ижтимоий ҳодисаларни солиштириш ва таҳлил этиш услубларига асосланади. Конт оила, табиий муҳит, урушлар, маданият, санъат, иқтисодий ишлаб чиқариш ривожини ва бошқа жараёнларининг

ижтимоий масалаларини таҳлил қилади. Шу билан бир қаторда, социология фанини миянинг физиологик жараёнларини ўрганувчи физиология фанига боғлаб қўяди. Кейинчалик, позитивизмнинг ривожда инглиз олимлари Джон Стюарт Милль (1806-1879), Герберт Спенсер (1820-1931) лар катта рол ўйнадилар.

С.Милль Контнинг позитивизм ғояларини қабул қилди, лекин ижтимоий-сиёсий қарашларида, унга қўшилмайди. Унинг асосий илмий ғоялари «Мантиқ тизими» асарида (1843 й. чоп этилган) баён этилган.

Герберт Спенсернинг 1850 нашр қилинган «Социал статика» деган йирик асарида органик ривожланиш ғояларини ижтимоий таракқиётга тадбиқ этади. Спенсер тарихда буюк шахсларнинг ҳал этувчи роли ҳақидаги фикрларини бутунлай инкор этади. Ижтимоий эволюциянинг йўналишлари ва келажаги ҳақида гапирар экан, жамиятни уч турга ажратади. **Биринчиси**, давлат ҳокимиятига бўйсунувчи характерга эга бўлган ҳарбий тизимга асосланган зўравонлик (деспотизм); **иккинчиси**, давлат ҳокимияти ҳуқуқлари минимумга келтирилган ва шахс озодлиги ва фаолиятини таъминлайдиган саноат тизимидир. **Учинчиси** эса, социализмга қарама-қарши ижтимоий эволюциянинг келгуси босқичи сифатида эркин иқтисодий муносабатларнинг юзага келишидир. 1860 йилда Спенсернинг «Синтетик философия» номли 10 жилдлик асари нашрдан чиқарилган бўлиб, унда жамиятшуносликка оид оригинал ғоялар илгари сурилган. Кейинчалик, позитивизмнинг ривожланиши натижасида, неопозитивизм оқими вужудга келди.

Неопозитивизм (positivus - ижобий, neos - янги), яъни янги позитивизм - XX аср фалсафасининг ғарб мамлакатларида энг оммалашган, илмий-маънавий муҳитга катта таъсир кўрсатган ва нисбатан юксак мавқеига эга бўлган фалсафий оқимдир.

Неопозитивизмнинг ғоявий асосчиси Австриялик мантиқшунос ва физик олим Мориц Шлик (1882-1936) ҳисобланиб, XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб шаклланади ва тезда расмий фалсафий оқим сифатида эътироф этилган. Вена университетнинг кўзга кўринган математиклари Мориц Шлик раҳбарлигида «Вена тўғараги» номли уюшма тузишган. Бу уюшманинг диққат марказида турган муаммо - фалсафа ва фаннинг ўзаро муносабати масаласи бўлиб, фалсафанинг ижтимоий воқеликни бевосита билиши мумкинлиги, мустақил фанлиги инкор қилинса ҳам, мантикий равишда, методологик ролини эътироф этишга мажбур бўлишган. Бунда фалсафанинг аниқ тақиқот объекти йўқлиги рўқач қилинади. Неопозитивизм фалсафий тафаккур тарихида ишлаб чиқилган барча восита ва услублардан фойдаланади. Кейинчалик неопозитивизмнинг мантикий ва лингвистик позитивизм кўринишлари юзага келади.

Неопозитивистлар асосий эътиборни жамиятда ҳам мавжуд бўлган тимсол ва белгиларни мантикий зиддиятлардан (фалсафий абстракциялардан) халос этишни, илмий билишни математик мантиқ ва математика тамойиллари каби ихчам, аниқ атамаларга кўчиришга даъват этишган бўлса, «лингвистик таҳлил» фалсафасида илмий «тил»ни кундалик турмуш «тил»и даражасига яқинлаштириш асосий мақсад қилиб қўйилган эди.

Неопозитивизмнинг яна бир кўриниши **конвенционализм** ва **физикализмдир**. Конвенционализмнинг маъноси, фанда илмий тадқиқот учун қўлланиладиган атамалар «консенсус» (яъни, келишув, шартлашув) ёрдамида бутунлай «эркин» қабул қилинади, деган тезис асосий тамойил қилиб олинади.

Физикализм XX асрнинг 30-йилларида пайдо бўлган. Унинг вакиллари: австралиялик физиклар Р.Карнап, О.Нейрат, Г.Фейгл, Ф.Франк ва инглиз математиги А.Айерлардир. Физикализм таълимотининг асосий маъноси шундан иборатки, гўёки қандайдир универсал тил ёрдамида барча фанларни бирлаштириш мумкин. Физикалистлар фикрича, универсал тил вазифасини фақат математика, физика бажара олади деб, ижтимоий ҳодисаларни билиш соҳасига ҳам табиатшунослик ва аниқ фанларининг тушунчаларини тадбиқ этишга ҳаракат қилишган. Албатта, маънавий фаолиятнинг муҳим йўналиши сифатида, ҳар қандай фаннинг умумий тамойиллари мавжуд, лекин уларнинг нисбий мустақиллигини ҳам, тадқиқот объектлари хусусиятларини ҳам, услуб-воситалари хилма-хиллигини ҳам эътироф этиш керак.

Неопозитивизм вакиллари гуманитар ва ижтимоий фанлар соҳасига илмий техника инқилоби ютуқларини киритишди. Масалан, тил символик воситалар ва ижтимоий жараёнларнинг ўзаро муносабатларини тадқиқ этишга; ахлоқ одоб, эстетика, инсон фалсафаси муаммолари орқали кириб бориши шулар жумласидандир. Неопозитивизм оқимининг аксарият кўпчилик вакиллари гуманизм ва демократияни ёқлаб, авторитар ҳокимиятни, тоталитар давлатларни танқид қилиши билан ижтимоий-сиёсий ҳодисаларга ўз муносабатларини намоён қиладилар. Маълумки, бирор нарса ёки ҳодисага муносабат билдириш, уни билиш жараёнини ифодалайди. Инглиз мутафаккир-олими Б.Рассел изчил равишда тинчликни, демократияни тарғиб қилган ва унга эришиш учун курашган. Ёки К.Поппер ўз даврида тоталитаризм тизимига қарши курашиб, совет тузumi - «ёпиқ жамият»ни танқид қилган.

Неотомизм - (янги томизм) XIII асрда италиялик файласуфи Фома Аквинский (1225-1274) асос солган, томизмнинг XX аср воқелигида тиклашга уринувчи диний-фалсафий таълимотдир.

Неотомизмга 1879 йилда папа Лев XII ва Пий X томонидан 1914 йил эълон қилинган «24 тезис» асос бўлди. Неотомизм таълимотига кўра, илм ва диний эътиқод биргаликда мавжуд бўлади. Бошқача айтганда, диний эътиқод ва илмий билимлар оқилона бирлаштирилса, улар ўзаро зид бўлмайди, балки бир-бирларини тўлдиради. Дин ва илм, аслида битта мақсадга олиб боровчи икки йўлдир. Шунинг учун инсон ақл-заковатининг ягона мақсади – Худонинг марҳаматини англаш, уни билишдир. Барча жамиятшунослик фанлари ҳам бундан мустасно эмас. Фалсафа ва дин муносабати хусусида неотомизм: «Фалсафа - илоҳиятнинг хизматкоридир», деб таъкидлашади.

Неотомизм жамиятда ижтимоий ва мулкый табақаланиш жараёнини ўрганувчи социал илоҳиётчиликка ҳам катта эътибор беради. Бу соҳада ҳам уларнинг турли йўналишлари мавжудлигини кўрамиз, Масалан, христианликни «буюк ижтимоий умид» сифатида талқин этадиган сиёсий илоҳиётчилик ҳам неотомизмнинг муҳим йўналишидир. Бу соҳаларда У.Ассман, Р.Бланкор, Ж.Камблден, Б.Боровой, И.Метцва бошқалар ғоявий раҳнамолардир. Шунингдек, «Инқилоб теологияси», «Озодлик теологияси» ва «Тараққиёт теологияси»га доир масалаларда Г.Гутье, Р.Ресс, Л.Бофф, М.Ванино ҳозирги озодлик ҳаракатларига оид христианлик руҳидаги талқинлари баён қилинган. Ушбу талқинларнинг барчасига теологияни фалсафа билан, энг аввало, интиуцизм, прагматизм билан қўшиб изохлаш, католицизмни ҳозирги даврга мослаштиришга уриниш характерлидир.

Прагматизм (юнонча - *pragmatos* - «иш», «хатти-ҳаракат» маъноларини англатади) XIX асрда АҚШда вужудга келган фалсафий оқим бўлиб, асосий ғоялари Ч.Пирс (1839-1914) томонидан ишлаб чиқилди. XX асрларда Ғарб мамлакатларида кенг ёйилди. Ч.Пирс «Эътиқоднинг ўрнатилиши» деган асарида (1878-1879) эътиқод ва бурч ўртасидаги фарқни ажратишга уринди. Яъни, уларнинг биринчиси - ҳаракатга ундаса, иккинчиси - эътиқодга эришиш учун курашга рағбатлантиради. Прагматизмнинг характерли хусусияти шундаки, у ёки бу объектлар ҳақидаги тушунчаларнинг маъноси ва аҳамияти улар келтириб чиқарган амалий натижалардан кидирилади. Шунинг учун ҳам Ч.Пирс прагматизмни; «Ҳақиқатни кидириш, манфаатдорлик билан белгиланувчи таълимот» деб таърифлаган эди.

Прагматизмнинг асосий ғоялари Ч.Пирснинг «Ишончни мустаҳкамлаш» (1877) ва «Ғояларимизни қандай қилиб равланштириш мумкин» (1878) мақолаларида баён қилган. Пирснинг ғояларини давом эттирган шогирди У.Жеймс (1842-1910) фалсафий таълимотида инсон руҳий фаолиятининг табиатини тадқиқ қилишга уриниш етакчи ўринни эгалайди. Худога бўлган ишончда Жеймснинг тасаввури айнан америкача хусусиятга эга эди. Бошқа халқлар тасавбурида Худо буюк ва қудратли бўлса, унинг тасавбурида Худо инсоннинг ҳаётдаги ҳамроҳи ва инсондан Худога қанчалик наф тегса, Худодан инсонга ҳам шунчалик наф тегиши керак. Худо ва инсон ўртасидаги муносабат ўзаро мафаатдорлик муносабатига айланади. Бундай муносабатда инсонларни ўзаро бирлаштирувчи руҳий куч ўрнини, уларни бир-биридан ажратувчи манфаат эгаллайди.

Прагматизмнинг яна бир йирик вакили Ж.Дьюи (1859-1952) ҳисобланади. Дьюи фалсафаси учун марказий муаммо - «тажриба» тушунчасидир. У «тажрибани» «ҳаёт» тушунчаси билан айлантиради. Зеро, прагматизм, асл маънода, инсонни фойдали фаолиятга ундовчи, унинг «фойдага» қандай қилиб эришиш йўллари ва усуллари ҳақида мулоҳаза юритувчи таълимотдир. Умуман, прагматизмда «фойда», «тажриба» ёки «жамиyat» тушунчаларининг фарқи жузъий маънода ишлатилган бўлиб, инсоннинг иқтисодий, маънавий эҳтиёжларга хизмат қилади ва унинг манфаатларини ифодалайди.

Прагматизм эркин бозор иқтисодиётининг фалсафаси бўлиб, бизнес, жумладан, ҳар қандай «фойдали» фаолиятни ташкил этиш учун қулай бўлган методологик қурол сифатида, ўз вақтида Америка ишбилармонлари, менеджерлари, сиёсатдонлари ва давлат арбоблари ўртасида кенг ёйилган бўлса, бугунга келиб дунёдаги барча фаолиятларнинг фалсафасига айланмоқда..

Экзистенциализм (лотинча *existentia* сўзидан олинган бўлиб, «мавжудлик», «мавжуд бўлмоқ» деган маънони англатади.) Дастлаб экзистенциализмнинг макони Россия бўлган (Бердяев, Шестов). Кейинчалик. биринчи жаҳон уришидан сўнг Германияда кенг ривожланди. Бунда Хайдеггер, Ясперс ва Бубер каби йирик немис файласуфларининг ҳиссаси катта бўлган.

Экзистенциализм фалсафаси ўта зиддиятчи ва мураккаб бўлиб, унда турли туман фалсафий таълимотларнинг унсурлари мужассамланган. Масалан: бир томондан, Аристотель, Кьеркегор, Паскалнинг айрим фалсафий таълимотлари, иккинчи томондан, Гегел, Нитше, Достоевский қарашлари қисман қабул қилинган.

Экзистенциализмда атеистик (Сартр, Камю, Хайдеггер, Мерло-Понти) ва диний (Марсель, Ясперс, Шестов, Бубер, Бердяев) йўналишлар мавжудлиги унинг зиддиятчи эканлигини тасдиқлайди. Бундан ташқари, экзистенциализм таълимотларида Гуссерль феноменологияси, француз персонализми (Лакуря, Мунье, Недоннель), немис диалектик теологияси (Тиллих, Булетман)нинг таъсири сезилади.

Экзистенциализмнинг ўзагини «мавжудлик» ёки «мавжуд бўлмоқ» категорияси ташкил этади. Экзистенциалист файласуфлар «экзистенция» деганда, кишининг ҳар лаҳзада ҳаёт ва ўлим бўсағасида кечадиган ички кечинмалари ёки «борлиқда мавжудлик» жараёнини, «борлиқ» деганда эса, субъектнинг ўз мавжудлигини ҳис этишни тушунадилар.

Экзистенциализм – ўз моҳиятига кўра, инсон фалсафасидир. Яъни, инсон ниқоб остида жамиятда ўзининг қандайдир ролини бажариб беради. Бу хилма-хил ниқоблар ортида инсоннинг асл қиёфасини яшириниб ётади. Бу асл қиёфа очилиши учун инсонлар эркинликка, эркин гаплашиш ҳуқуқига эга бўлиш керак, деган фикрларни илгари сурадилар.

Сартр фикрига кўра, борлиқдаги барча жараёнлар «нарсa ўзида» бўлиб қолаверади, биз уларнинг сирини била олмаимиз. Унинг фикрича, ўлим муқаррар бўлган ҳолатда ҳам инсонда фаолиятни эркин танлаш имконияти бор. Агар инсон ўз эркинлигидан воз кечса, бу ўлимдан ҳам оғирроқдир, деб ҳисоблайди у.

Хайдеггер фикрича инсон ички моҳиятининг очилишига ёрдам берувчи воситалар тасвирий санъат ва мусиқадир. Айнан шу соҳаларда инсон табиатида яшириниб ётган ижодкорлик кучлари юзага чиқади. Ж.П.Сартр ва А.Камю асарларида инсоннинг эркинлиги, эркин танлаш ҳуқуқи асосий муаммолардан биридир.

Ясперснинг фикрича, ўлим билан бир қаторда парокандалик ҳолатида ҳам инсон меҳр қўйган нарсалардан ажралиб қолиши мумкин. Буларнинг ичида қадр-қиммат энг устун турадиган ҳиссиётдир. Бу қадрият моддий бойлик бўлмай, бу қалб хотиржамлиги, ички сокинликдир. Ички сокинликнинг ўзи буюк бир оламий кучдир.

Экзистенциализм фалсафаси XX аср бошлари ва ўртасидаги фойдали ҳодисаларни акс эттирди ва булардан чиқиш йўллари излади. Экзистенциалист файласуфлар Ясперс, Хайдеггер, Сартр, Камю илоҳий кучга, инсондаги руҳий кучга мурожаат қилишди. Уларнинг инсонпарварлик ғоялари таҳсинга сазовордир.

2. Жамиятшунослик илмлари ривожланишидаги хусусиятлар

Умуман, ҳозирги замон жамиятшунослигида **икки** йўналиш кўзга яққол ташланмоқда. **Биринчиси** – фан-техника тараққиёти ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий муносабатларнинг усуллари, воситалари, янги коммуникация тизимларини глобаллаштириб, универсаллаштириб, интенсивлаштириб юбориши билан характерланади. Бу йўналишда жамиятни яхлит тизим сифатида муштарак ўрганишнинг муқобил назарий асослари, қарашлар системаси вужудга келди.

Иккинчиси – жамиятнинг марказига ижтимоий муносабатлар субъекти бўлган инсон қўйилиб, уни ўрганиш жамиятшуносликнинг асосий тадқиқот объекти сифатида олиб қаралмоқда. Зеро, юқорида айтилган жараёнлар инсоннинг ижтимоийлашув даражаларини кучайтириб юборди. Бунинг натижасида эса, шахснинг индивидуаллашиш жараёнини, жамиятшунослик фанларининг тадқиқот объектларини шахс даражасида конкретлаштиришни тақозо қилмоқда. Шунингдек, жамиятшунослик фанларида ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларини ўрганадиган фанлар дифференциялашуви (тармокланиши) ҳамда турли ижтимоий ҳодисаларни ўрганадиган фан соҳаларининг интеграциялашуви (муштараклашуви) жараёнларини вужудга келтирмоқда. Масалан юқоридаги жараёнлар натижасида умумий социология таркибида «Оила социологияси», «Меҳнат социологияси», «Ёшлар социологияси», «Ҳуқуқ социологияси», «Экологик социология» ва бошқа шу каби йўналишлар пайдо бўлди. Шу билан бирга социологиянинг демографик, этнографик, географик ва бошқа шу каби фанлар билан боғлиқ бошқа интегратив йўналишлари ҳам вужудга келиши кузатилмоқда.

Инсоният тарихини ва уни ўрганувчи жамиятшунослик фанининг асосий тадқиқот йўналиши - жамиятни илмий ташкиллаштириш, бошқариш, назорат қилиш учун турли ижтимоий гуруҳларининг эҳтиёжлари ва манфаатлари ўртасидаги муносабатларни ўрганишга йўналтирилган. Жамиятни ташкил қилган структуравий элементларнинг эҳтиёжлари ва манфаатлари ўртасида зиддиятларнинг кескинлашуви турли йўналиш ва даражалардаги конфликтларни вужудга келтирмоқда. Уларнинг ижтимоий ҳаёт турли соҳаларида ўрганишда конфликтологиянинг конкрет йўналишларига асос бўлмоқда. Шунга кўра ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳаларида конфликтларнинг вужудга келиш сабабларини, намоён бўлиш хусусиятларини ўрганувчи махсус конфликтология фанлари пайдо бўладиган вақт узоқ эмас. Зеро, жамиятда, оилада, меҳнат жамоаларида, ижтимоий гуруҳлар ўртасида конфликтларнинг сабабларини ўрганиш, уларни бартараф қилиш, барқарор тараққиётни таъминлашга илмий асос бўлади.

Маълумки, конфликтлашувчи томонларнинг агрессивлиги ёки муросага мойиллик характери - конфликтларнинг хусусиятларини белгилаб беради. Шу нуқтаи назардан, конфликтлашувчи томонларнинг агрессивлик хусусиятларини ўрганувчи махсус тушунчалар аппарати, категориялари тизими ҳамда бу ҳодисанинг қонунларини ҳар жихатдан системали тарзда чуқур ўрганувчи «Агрессиология» фани шаклланди. Келажакда «Агрессиология» фани агрессив ҳатти-ҳаракатларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий ва рухий жихатларини муштарак-муассам ўрганувчи мустақил жамиятшунослик фанларидан бири бўлиши кутилмоқда. Чунки, ҳозирги даврда халқаро терроризм, диний экстремизмга оид ҳодисалар кўламининг кенгайиб кетиши инсониятни саросимага, таҳликага солмоқда. Шахс ва жамият эҳтиёжлари, манфаатлари ўртасида зиддиятларнинг вужудга келиши сабаблари, уларнинг ривожланиш тенденцияси ҳамда истикболлари ҳақидаги илмий таълимотлар муайян бир жамиятшунослик фани доирасида конкретлашади. Айниқса, манфаатлар ўртасидаги қурашларнинг инсон қони тўкилиши, ҳаёти барбод бўлиши билан боғлиқ урушларга муносабати турли жамиятшунослик фанларининг шу муаммо доирасида тадқиқот предметини, мақсади ва вазифаларини белгилаб беради. Шу билан биргаликда инсоният тарихида бўлиб ўтган биринчи ва иккинчи жаҳон урушларининг мудҳиш оқибатлари ва учинчи жаҳон урушининг хавфини, унинг дахшатли оқибатлари жамиятшунослик фанларининг умумий муаммосига айланмоқда. Жумладан, учинчи жаҳон уруши бўлиш-бўлмаслиги эҳтимолликларининг жаҳон сиёсий харитасини ўзгартиришга оид - сиёсатшунослик, вужудга келиши мумкин бўлган экологик вазият ҳақидаги - ижтимоий

экология, иқтисодий оқибатларини ўрганувчи - ҳарбий иқтисодиёт ва уларни умумлаштирувчи агрессияология фанининг вужудга келаётганлиги ҳам тасодиқий эмас.

Масалан, АҚШ иқтисодчи олимларининг ҳисоб-китобларига кўра, ишлаб чиқаришда бир ишчи ўрнини ташкил қилиш учун ҳарбий саноатга фуқаровий саноатга нисбатан 4 марта кўп моддий-молиявий маблағ сарф қилинади. Ҳарбий мақсадларга сарф-харажат қилинган 10 млрд. долларга 40 минг ишчига иш ўринлари яратиш мумкин. Дунёнинг бир йиллик ҳарбий харажатига 150 млн. га ерни маданий деҳқончилик учун ўзлаштириш, 1 млрд. кишини боқиш, 500 млн. аҳолига 100 млн. квартира, 650 млн. ўқувчига 1 млн. мактаб қуриш мумкин.²

Ҳозирги даврда келиб фуқоролар уруши кўламининг кенгайиб, дахшатли тус олиши характерлидир. Шунинг учун ҳам фуқоролар урушини вужудга келтирган сабабларни, уларни ҳаракатга келтирувчи механизмларни ўрганиш жамиятшунослик фанининг муҳим вазифаси бўлмоғи лозим. Чунки, инсоният тарихининг 1480-1941 йилларгача бўлиб ўтган 278 та урушнинг 78 таси фуқоролар уруши бўлган бўлса, қолган 200 таси давлатлараро сиёсий можаролар натижасида вужудга келган. 1945 йилдан XXI аср арафасигача дунёда 200 га яқин ҳарбий тўқнашувлар содир этилган. Шулардан ўндан тўққизтаси учинчи давлатлар томонидан амалга оширилган.³

Ҳозирги давр учун халқаро терроризм, экстремизм, фундаментализм ва бошқа ғайри инсоний ғояларнинг глобаллашуви ҳамда амалий ҳаракат кўламининг кенгайиши ижтимоий-сиёсий фанларнинг интеграциялашган ҳолда «Агрессиялогия» фани мақомини мустақамлашни кун тартибига қўймоқда. Бугунги кунда халқаро терроризмнинг хусусияти ва уларни бартараф этиш йўллари ҳақида Президентимиз И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқида жумладан шундай деди: «Халқаро террорчи кучлар қайтадан бирлашиб, бош кўтаратаётган, ўта маккор ва ёвуз услублар қўллаётган бугунги мураккаб вазиятда ҳаётнинг ўзи халқаро ҳамжамият, жумладан, минтақамизда жойлашган барча давлатлардан бу балога қарши курашда ҳамкорликни кучайтиришни, бир ёкадан бош чиқариб, бундай уринишларга кескин зарба беришни, ҳар қандай тажовуз ва террорчилик ҳуружларининг олдини олиш, уларнинг мафкуравий заминини йўқотиш ва аввало, ёшларимизнинг қалби ва онги, соғлом тафаккури учун курашни тақозо этмоқда».⁴ Бу вазифани мавсумбозлик ёки дабдабозлик билан амалга ошириш мумкин эмас. Аксинча, уларнинг негизларини илмий таҳлил қилиш асосида изчил дастурларга таяниб аниқлаш ва бартараф қилишнинг самарали чора-тадбирларини топиш зарур.

Шунинг учун бу фан шахс, ижтимоий гуруҳ ва жамият даражасида агрессив ҳодисаларнинг вужудга келиш сабабларини, ривожланиш қонуниятларини ва оқибатларини комплекс-системали таҳлил қилишнинг илмий асосларини кўрсатиши керак. Бу фаннинг асосий вазифаси агрессив ҳаракатларнинг маҳаллий, миллий ҳудудий ва умуминсоний хусусиятларини аниқлашдан, муаммоларнинг амалий ечимларини топишдан иборат бўлиши лозим.

Ҳозирги замон жамиятшунослигининг асосий тамойили: ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишдан иборат бўлмоғи зарур. Бу тамойилнинг ҳаётийлигини собиқ Россия империясидаги октябр давлат тўнтаришининг оқибатлари ҳам, Ғарбда жамиятни эволюцион (тадрижий) ривожлантиришга доир ижтимоий-фалсафий фикрларнинг тарихи ҳам исботлаб берди.

² Экономическая теория. М.: Пром-Медео. 1998. 590-бет.

³ Экономическая обзрение. М., 1998. 67-бет.

⁴ И.А.Каримов. «Ватанизмнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч қудратимизга, халқимизнинг ☐ амжи ☐ атлиги ва буқилмас иродасига боғлиқ». Т.: Ўзбекистон, 2004, 23-бет.

Индустриал ривожланган Ғарб мамлакатларида шахс эркинлиги, фуқаролик жамияти учун кураш тажрибалари, бошқаришининг демократик характери ҳақидаги қарашлари моҳиятини жамиятни модернизациялаштириш ҳақидаги муқобил илмий таълимотлар тизими ташкил қилади. Энг муҳими, жамиятнинг умумий ривожланиш қонунларига бўйсунган ҳолда вужудга келаётган миллий тараққиёт ғоялари жамиятшунослик фанларининг хусусиятларини белгилаб бермоқда. Шу назарияларга мос ҳолда жамиятшунослик фанларининг миллий йўналишлари вужудга келди ва ривожланмоқда. Хусусан, миллий менталитет билан боғлиқ жамият тизимини, шахс типларини ўрганиш, уларнинг эркинликларини таъминлаш йўллари ҳақидаги ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий миллий назариялар, таълимотлар тизими вужудга келмоқда.

Бу жараёнда икки тенденция кўзга ташланади, яъни миллий характердаги жамиятшунослик фанлари жаҳон халқларининг ижобий тажрибаларини умумлаштириш ва ижодий ўзлаштириш ҳамда миллий ғурур, ифтихор, эътиқодлар асосида миллатларнинг ўзлигини англаш жараёни кучаймоқда. Бу тенденциялар ўртасидаги мақсадга мувофиқликни таъминлаш - умуминсоният цивилизацияси манфаатларига бўйсундириш йўлларини, усулларини, воситаларини топиш-ҳозирги замон жамиятшунослигининг асосий вазибаларидан биридир.

Ҳар қандай жамиятда цивилизация типлари ва даражаларининг хилма-хиллигига қарамасдан, миллатларнинг ижтимоий «қиёфасини» сақлаб қолиш, умумжаҳон цивилизациясида ўз ўрнини топиш масаласига доир илмий қарашлар жамиятшунослик фанларининг муҳим хусусиятини белгилайди.

Ҳозирги даврда «инсон-инсон», «инсон-жамият», «жамият-жамият», «инсон-табиат», «жамият-табиат» муносабатларининг ўзгариши бу тизимлардаги инсон омилининг роли билан боғлиқ бўлиб келмоқда. Шу нуқтаи назардан инсоннинг табиатини ўрганиш, хусусан, юқоридаги тизим элементларига таъсир қилиш каналларини аниқлаш жамиятшунослик фанларининг мазмунини конкретлаштирмоқда.

Албатта, инсоннинг ижтимоий муносабатлари (ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий ва бошқалар) тизимида айрим муносабат йўналишининг устуворлигини эътироф этиш ва мутлақлаштириш натижасида муайян детерминистик қарашлар (жамият ҳақидаги таълимотларда асосий йўналиш сифатида) вужудга келаёттир. Натижада шахсни яхлит ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганиш ғоясига путур етмоқда. Масалан, шахснинг сиёсий, ҳуқуқий, диний, ирқий, ахлоқий қарашларини бир-биридан ажратиб мутлақлаштириш ҳозирги замон жамиятшунослик фанларига хос хусусият бўлиб қолмоқда. Ваҳоланки, шахснинг моҳиятини ижтимоий муносабатлар тизимининг муқобиллашган, айти пайтда, мувофиқлашган ҳолати намоён қилади. Шунинг учун ҳам ҳозирги замон жамиятшунослик фанларининг фалсафий методологияга бўлган эҳтиёжи кучайиб бормоқда. Бошқача қилиб айтганда, ҳозирги замон жамиятшунослигининг илмийлик мезонини муайян ижтимоий ҳодисани муқобил фалсафий таълимотлар асосида комплекс-системали таҳлил қилиш, объектив илмий ҳулосага келиш билан белгилаш мумкин.

Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар глобаллашуви ва универсаллашуви жараёнларининг жамият мафкуравий муҳитига, инсон онига таъсирини объектив талқин этиш масаласи, маълум маънода жамиятшунослик фанлари олимлари диққат-эътиборидан четда қолмоқда. Зеро, юқорида айтилган жараёнлар жамиятшунослик фанларининг тадқиқот объектларини ва парадигмаларини ўзгартириб, янги типдаги «логосфера», яъни таълимотлар олами шаклланишига, мантиқий маданият тизимининг ўзгаришига олиб келмоқда. Яъни ижтимоий - гуманитар фанларнинг мафкуравий жараёнларни комплекс тарзда, системали-структурали таҳлил қилиш зарурияти турли (метафизик, диалектик, герменевтик, синергетик ва бошқа) методлар, таълимотлар синтезлашувини, умуминсоният цивилизацияси манфаатлари асосида ўзаро муроасага (консенсусга) келишини тақозо қилаёттир. Ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида

«конфронтацион мантиқ» мутлақо нисбий ва шартли характер касб этаётган бир пайтда, жамиятшунослик фанларининг илмий метод ва таълимотлари, плюрализм тамойиллари классик ва ноклассик қарашлари ўртасидаги ворислик муносабатларини, уларнинг ўзига хос тарихий аҳамиятини истисно қилмайди. Лекин, бу борада Президентимиз И.Каримов «FIDOKOR» газетаси мухбири саволларига берган жавобларида, ҳақли равишда эътироз билдириб: «биз мамлакатимизда ижтимоий фанларнинг ривожини замон талабларидан ортда қолаётганини тан олишга мажбурмиз. Бу борада хато ва камчиликларни зудлик билан бартараф этиш чораларини кўришимиз лозим», деган эди.⁵

Дарҳақиқат, мустақилликкача бўлган даврдаги жамиятшунослик адабиётларида умуминсоний ғояларни ижтимоий ҳодиса сифатида тадқиқ қилиш муайян манфаатлар доирасида чекланиб қолган бўлиб, уни зўрлаб синфийлаштириш тенденцияси устувор бўлди. Яъни, ижтимоий тараққиёт мезонларига синфий–партиявий позициядан ёндошилиб, унинг амалий натижалари ҳамда ижобийлик мазмуни, фақатгина жамият сиёсий тизимининг, яқка ҳукумрон мафкуранинг манфаатлари билан боғланган. Ваҳоланки, ҳар қандай ғоя, шу жумладан миллий мафкура ҳам, муайян ижтимоий гуруҳларнинггина манфаатларига асосланса, барқарор ижтимоий тараққиётнинг инъикосига, сиёсий муносабатларнинг ҳаракатлантирувчи кучига айлана олмайди. Аксинча, жамиятни таназзулга олиб келиб, ижтимоий-сиёсий барқарор тараққиётга пугур етказди.

Ижтимоий–сиёсий муҳитнинг жамият ғояси, мафкураси шаклланишига ёки ғоя ва мафкураларнинг жамият тараққиётига таъсирини ўрганишда объектив ва субъектив омиллар, тарихий шарт-шароитлар, имкониятлар бирлиги асосида ёндашиш - жамиятшунослик фанларининг муҳим йўналиши бўлган идеология комплекслигини таъминлайди. Шунинг учун ҳам бундай таҳлил муқобил мафкураларнинг вужудга келишини, мавжудлик хусусиятларини ва ривожланиш истиқболларини муайян ижтимоий макон ва тарихий замонда кўрсатиш учун зарур бўлган илмий-методологик тамойил бўлиб ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, мафкураларни конкрет жамиятларнинг (жуғрофий, этнографик, демографик ва бошқа ижтимоий-сиёсий йўналишларидаги) ривожланиш хусусиятлари ва даражаларини миллий менталитет билан боғлаб таҳлил қилиш зарурияти – жамиятшунослик фанининг муҳим йўналиши бўлган **Миллий идеологияни** тақазо қилади.

Миллий идеология фанининг мақомини белгилайдиган юқорида кўрсатилган хусусиятлари, унинг асосий вазифалари кўламини белгилаб беради.⁶ Яъни, миллий идеология ҳар бир миллатнинг ижтимоий воқелигини илмий билишнинг махсус, нисбатан юқори даражаси сифатида қуйидаги вазифаларни бажаришга қаратилгандир:

-синтетик вазифаси –миллатнинг маънавий-тарихий борлиғи ҳақидаги алоҳида, махсус билимларни, уларнинг манфаатлари асосида бир бугун тизимга мантикий изчил бирлаштиришдан иборат;

-гносеологик вазифаси ғоявий–мафкуравий муносабатларнинг ўзаро сабабий боғланишлари ва даҳлдорликларини аниқлаб, уларнинг келиб чиқиш генезисини, ривожланиш характеристикасини мантикий изоҳлайди;

-методологик вазифаси - муайян назария базасида илмий тадқиқот фаолиятининг йўналишларини белгилайдиган, самарадолигини таъминлайдиган ҳар хил усуллар, услубиятларини шакллантиради;

-праксиологик вазифаси – миллий мустақиллик ва ривожланиш ғояларининг амалиётга тадбиқ қилиниши, яъни борлиқни ўзгартириш учун ҳаракатдаги қўлланма, дастур бўлиши билан характерланади;

⁵ И.Каримов Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир.-Т.: «Ўзбекистон». 2000. 26-бет.

⁶ С.Мамашоев, А.Ўтамурадов. ЎзМУ хабарлари. 2003, 2-сон. 97-бет.

-прогностик (олдидан кўра билиш) вазифаси - илмий фаразлар, назариялар асосида мафкуравий жараёнларнинг мавжуд ҳолати,⁷ ривожланиш тенденцияси, унинг келажакдаги хусусиятлари ҳақида хулосалар чиқарилади.

3. Миллий-мафкуравий омилларнинг таъсири ҳақида

Жамият тараққиётининг ҳар қандай босқичларида «инсон сифати»ни, жамият ижтимоий-сиёсий характериini белгилайдиган ғоявий-мафкуравий муносабатлар ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Айниқса ҳозирги даврда жамият мазмунини белгиловчи маънавий-маданий омиллар тизимида мафкуравий жараёнларнинг интенсивлашиб, универсаллашиб ва глобаллашиб бориши билан «инсон сифат»ларини ўрганишда идеология фанининг аҳамияти ўзгача характер касб этмоқда.

Ҳеч қандай жамиятда миллат ва Ватан манфаатларини ҳимоя қила олмайдиган шахснинг ҳам, жамиятнинг ҳам «мафкурвий сифатлар»ини юқори деб баҳолаб бўлмайди. Буни аниқлаш учун жамият ҳодисаларига нисбатан омиллар таҳлили йўналишларининг уйғунлашуви зарур.

Жамият ва шахс мафкуравий сифатларини ўрганадиган идеологиянинг илмийлигини, ҳаётийлигини белгилайдиган асосий мезонлардан бири - инсониятнинг эҳтиёж ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, конкрет жамият ва шахсни ўзгартиришдир. Бошқача айтганда, «мафкуранинг ҳаётийлиги унинг халқ табиатига, турмуш ва тафаккур тарзига нечоғли мос бўлиши, энг муҳими, жамиятнинг миллий манфаатларини, орзу интилишларини қай даражада акс эттириши билан ўлчанади. Фақат шундай мафкурагина ҳаёт ва давр синовларига бардош беради, одамлар унга ишониб, ўзининг иймон-этиқоди сифатида қабул қилади. Шундагина, у энг замонавий қуролдан ҳам кўра кучли руҳий – маънавий қудрат касб этади».⁸

Идеологиянинг фан сифатида шаклланиш ва ривожланиш қонуниятларини, инсон маънавиятининг таркибий қисми бўлган ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий ва бошқа шу каби қадриятлардан, уларнинг ривожланиши хусусиятларини ўрганадиган махсус жамиятшунослик фанларидан мустақил тарзда тушунтириб бўлмайди. Зеро, муайян ижтимоий муносабатлар ҳам, уларни ўрганувчи махсус фанлар ҳам, жамият ҳаётини тартибга солиб, бошқариб турадиган субъектив омил тарзида «инсон-инсон», «инсон-жамият», «жамият-жамият» муносабатларининг ўзаро таъсирини ва ривожланишини илмий асослашда, инсоният цивилизацияси тақдирида муҳим аҳамиятга эга.

Миллий идеологияга асос бўладиган маънавий-маданий меросни ижодий ривожлантириш мураккаб жараён бўлиб жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш эҳтиёжларига, тарихий шаклланган маънавий маданият даражасига мос келмаётир. Шунинг учун ҳам жамиятшунослик фанларида тарихий меросга муносабат бир-бири билан боғлиқ икки йўналиш уйғунлигини тақазо қилади, яъни: **биринчиси** – тарихий меросни, анъаналарни умуминсоний қадриятларнинг таркибий қисми сифатида асраб-авайлаш ва ижодий ривожлантириш; **иккинчиси** – мафкуравий муносабатларни назарий билиш ва амалий ўзгартириш жараёнида, жамиятнинг янги маънавий ривожланиш даражасига мос келадиган ғоявий тизимларни шакллантириб, ҳаётга жорий этишдан иборат.

Миллий меросни ривожлантириш - мураккаб педагогик-дидактик, мафкуравий вазифа бўлиб, унга онгли, ижодий муносабат шахснинг маънавий жихатдан ўз-ўзини англаши ва амалий фаолиятида ифодалаш усулидир. Шу нуқтаи назардан, жамиятшунослик фанларини ривожлантиришнинг тарихий негизлари ва мавжуд муқобил назарий қарашларни, умуминсоний мақсад ва манфаатларга мос бўлган турли мафкуравий воситаларни,

⁷ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., Ўзбекистон, 2000, 46-47- бетлар

⁸ И.Каримов. Миллий истиқлол мафкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир.-Т.: Ўзбекистон, 2000, 6-бет.

услугларни бир-бирига мувофиқлаштириш кутилган натижаларни беради. Шунга кўра, ҳозирги даврда идеологиянинг мавжудлик ҳолатини, унинг тарихий меросини ижодий ривожлантириш даражаси сифатида олиб қараш керак.

Ҳар қандай тарихий даврда жамиятшунослик фанлари ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий, ҳуқуқий-қонуний негизларини яратиш жамият барқарор тараққиётининг назарий-методологик асоси ва имконияти ҳисобланади. Шунинг учун ҳам давлат сиёсатида жамиятшунослик фанларини ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга бўлган вазифа ҳисобланади.

Жамият маънавий-маданий ҳаётини эркинлаштириш (либерализм) ғоясининг демократик мазмуни ижтимоий-гуманитар фанлар ривожланишига асос бўлади. Жамиятшунослик фанлари назарий, амалий, методологик жиҳатлардан «инсон-инсон», «инсон-жамият», «жамият-жамият» ва бошқа структуравий элементларнинг муносабатларини ташкиллаштириш, бошқариш, назорат қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

XX асрнинг сўнги ўн йиллигида дунёда «социалистик» деб аталган сиёсий тизимнинг, собиқ СССР ҳудудида эса, «қизил империя»нинг парокандаликка учраши билан, дунёнинг қарама-қарши кутбларга бўлинишига барҳам берилди. Дунё сиёсий майдонида мустақил давлатларнинг вужудга келиши натижасида, жамиятшунослик фанларида ҳам ўзига хос муқобил йўналишлар пайдо бўлди. Шу жумладан, Ўзбекистоннинг миллий мустақилликка эришиб, демократик ҳуқуқий давлатни, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириши, жамиятшунослик фанларини ҳукмрон коммунистик мафкура диктатурасидан ҳоли қилишнинг ижтимоий-сиёсий имкониятларини вужудга келтирди. Бугунга келиб Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишнинг «ўзбек модели», умуман ижтимоий-сиёсий ҳаётни, хусусан маънавий-маданий соҳани эркинлаштириш жараёнининг миллий хусусиятларини намоён қилмоқда ва бу жамиятшунослик фанларининг мазмунини белгилаб бермоқда.

Шуни эътироф этиш керакки, миллий жамиятшунослик фанларини ривожлантириш бошқа йўналишларга нисбатан оғир кечмоқда. Чунки, жамиятшунослик фанларини демократиялаштириш, эркинлаштиришнинг асосий хусусияти бир томондан, бу жараёнлар учун бир хил андозадаги қатъий белгилаб қўйилган ахлоқий нормалар, ҳуқуқий меъёрлар, универсал ижтимоий қоидалар мавжуд эмаслигидир. Иккинчи томондан, жамиятшунослик фанларининг нисбатан мустақил ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий асосларини мувофиқлаштириш билан боғлиқ ташкилий қийинчиликларни бартараф қилиш оғир кечмоқда. Шу билан биргаликда, уларнинг барчаси учун хос бўлган умумий қонуниятлар, талаблар ҳам мавжуд. Яъни, 1) жамият маънавий маданиятини ривожлантиришнинг устувор мақсадларини, вазифаларини амалга ошириб, унинг барқарор ўсиш истиқболларини, шахс баркамоллигини таъминлайдиган миллий ва умуминсоний манфаатлар бирлиги; 2) инсонларнинг миллатидан, иркидан, диний эътиқодидан, иқтисодий аҳволдан, сиёсий қарашларидан, маданий савиясидан қатъи назар, ҳуқуқий масъулияти ва ижтимоий фаолият эркинликларининг устуворлиги; 3) умуминсоният цивилизациясининг ахлоқий, ҳуқуқий, сиёсий, маънавий қадриятлар ва тарихий меросларига таяниши ҳамда миллий анъаналарини ривожлантириши; 4) миллат тарихий тараққиёти қонуниятларига, менталитет хусусиятларига мос тарзда жамиятшунослик фанларини эркинлаштириш имкониятлари ва шароитларининг ўзгариши; 5) мавжуд тизимнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатларида кескин зиддиятга бормаслик ва мурасасозлик хусусиятлари; 6) жамиятшунослик фанларини эркинлаштириш – жамият маънавий-маданий ҳаётининг динамик ўзгаришларини демократик тамойилларга, умуминсоний ахлоқий нормаларга асосланиб, босқичма-босқич амалга оширадиган сиёсий куч ва имкониятларни топиш муҳим аҳамиятга эга.

Бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган жамиятда ижтимоий-гуманитар фанларни ривожлантиришнинг муҳим демократик тамойилларидан бири - ҳуқуқлар,

имтиёзлар, имкониятлар тенглиги шароитида миллий манфаатлар асосида мувофиқликни таъминлашдир. Зеро, демократик жамият фикр, сўз, матбуот, эътиқод соҳаларида амалий фаолият эркинлиги учун шарт-шароит ҳамда имконият яратади. Шу нуқтаи назардан, жамиятшунослик фанларини сиёсатдан эркинлаштиришнинг демократик тамойиллари, бир томондан, халқаро ташкилотлар қабул қилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлигини эътироф этиши; иккинчи томондан, миллатнинг тарихий шаклланган маънавий-ахлоқий меъёрлари ва қадриятларига асосланиши, ўзлигини англаши билан умуминсоний моҳиятини намоён қилади.

Жамият тараққиёти билан жамиятшунослик фанларининг барча соҳаларини мутаносиб ривожлантиришнинг ижтимоий макон ҳамда тарихий замондаги хусусиятлари ўзгариб, уларнинг мақсадларида ва вазифаларида ички бирлик вужудга келаётир. Хусусан, республикамизда бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишнинг ҳозирги босқичида, ижтимоий-сиёсий фанлар соҳасининг мазмунидаги ўзгаришлар - умуминсоний демократик тамойиллар ва андозаларни миллий тараққиёт жараёнларига кенгроқ қўллаш билан характерланади. Бу жараённинг самарадорлиги, давлат тизимидаги «қонунчилик, ижро ва суд тармоқларининг ўзаро мувозанати ва мутаносиблигини, шу билан бирга, уларнинг мустақиллигини таъминлаш, ҳар қайси тармоқ ўз вазифа ва бурчини бажариш учун амалий механизмларни ҳаётда ташкил қилиб бериш» билан боғлиқ.

Ҳозирги даврда жамиятшунослик фанларининг ғоявий асослари ва ривожланиш тамойиллари, унинг анъанавий шаклланган тарихий қадриятларидан келиб чиққан бўлиб, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти куришнинг туб сиёсий мақсадларини ифодалайди. Яъни, шахс ва жамият эркинликларини кенгайтириш; давлатнинг марказий ва юқори бошқарув органлари ваколатларини босқичма-босқич қуйи тизимларга, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тузилмаларига ўтказиш; нодавлат, жамоат ташкилотлари – фуқаролик институтларининг бошқарувчилик ролини оширишдан иборат.

Жамият маънавий-маданий тараққиётининг демократик хусусиятлари давлат сиёсий функцияларини қандай усуллар ва воситалар билан амалга оширишига боғлиқ бўлади. Шу нуқтаи назардан, Президентимиз таъкидлаганидек, «давлатнинг куч қудрати – аввало, демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш, фуқаролар ва жамиятнинг барча сиёсий, ижтимоий салоҳиятини рўёбга чиқариш, тадбиркорлик ва иқтисодий ташаббуслар эркинлиги учун имкониятларни ташкил этиб бериш қобилияти билан ўлчанади». Зеро, жамиятни бозор муносабатлари талабларига кўра қайта куришда давлатнинг бош ислохотчилик роли жамиятшунослик фанларини ривожлантириш вазифаларни қандай уддалаши билан белгиланади.

Ўзбекистонда миллий мустақилликни мустаҳкамлашнинг маънавий асосларини – жамиятшунослик фанларини ривожлантиришда, давлатнинг бош ислохотчилик роли қуйидаги хусусиятларида намоён бўлмоқда: **Биринчидан** – маънавий-маданий ҳаётни ташкиллаштириш, бошқариш, ва назорат қилишнинг сиёсий институтлари тизимини, мукамал механизмларини, воситаларини вужудга келтириб, узлуксиз такомиллаштирмоқда; **Иккинчидан** - демократик конституционализмга асосланган амалдаги қонуний-ҳуқуқий асосларининг маънавий-маданий ҳаётни ривожлантириш манфаатларига мос келиши, ислохотчилик роли самарадорлигини белгиладиган мезон бўлиб ҳисобланади; **Учинчидан** - давлатнинг халқаро маънавий-маданий муносабатларни эркинлаштириш сиёсати миллий манфаатларга ва умуминсоний демократик тамойилларга, тенденцияларга мос келмоқда; **Тўртинчидан**- жамиятшунослик фанларини эркинлаштиришни миллий давлатчиликнинг мавжудлиги ва ривожланишини таъминладиган омиллиги англаиб, сиёсий фаолиятга назарий асос бўлмоқда.

Лекин, шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, жамиятшунослик фанларини ривожлантириш жараёнига кенг халқ оммасини жалб қилиш, унинг интеллектуал салоҳиятини, сиёсий онги ва фаоллигини ошириш билан, давлат функциялари устидан

назорат қилишни кучайтириш мумкинлигини, халқаро миқёсда эришилган амалий тажрибалар кўрсатиб бермоқда. Чунки, «ҳар қандай давлат тизими, унинг аппарати ва маъмурий органлари демократик андозаларга қанчалик жавоб бермасин - барибир ўз кучини, қолаверса ўз зўравонлигини ўтказишга ҳаракат қиладиган тизим бўлиб қолаверади»⁹.

Умумлаштириб ва аниқроқ қилиб айтганда, умуман ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимига, хусусан жамиятшунослик фанлари ривожланишига давлат аралашувини чеклашда демократик тамойилларнинг қарор топиши:

- 1) жамиятшунослик фанлари соҳасида зиддиятларини кескинлаштирувчи инқилобий ўзгаришлардан, сиёсий қарашлардаги радикализмдан воз кечиш ва умуминсоният манфаатлари устуворлигини эътироф қилиш;
- 2) маънавий-маданий муносабатларни демократиялаштириш, бу соҳада инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонун устуворлиги тамойилига амал қилишни таъминлаш, халқаро инсонпарвар ҳуқуқ меъёрларига қатъий риоя этиш;
- 3) миллатлараро маънавий-маданий муносабатлар эркинлиги, маданиятлараро толерантлик, жамият маданияти тараққиёти учун ҳар бир шахс, ижтимоий гуруҳлар ва миллатларнинг масъулият ва имкониятлари тенглигини таъминлаш;
- 4) маънавий-маданий соҳани бошқаришни эркинлаштиришга доир муқобил ғояларнинг мавқеларини эътироф этиш ва ҳурмат қилиш, халқаро маънавий-маданий муносабатларда сиёсий плюрализм, миллийлик ва умуминсонийлик уйғунлиги тамойилларига амал қилиш;
- 5) маънавий-маданий жараёнларни бошқаришда кенг халқ оммасининг, сиёсий партиялар, ижтимоий институтлар иштирокини таъминлаш ва фаолиятини демократик тамойиллар асосида ташкил этиш билан характерланади.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш даврида бу вазифаларнинг изчил амалга оширилиши жамиятшунослик фанлари тарихий тараққиётнинг тақозоси бўлиб, ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларидаги ислохотлар самарасини ва жамиятни эркинлаштиришнинг мазмунини белгилайди. Зеро, инсоннинг, жамиятнинг маънавий эркинлиги - демократиянинг моҳиятини ташкил қилади. Бунини ўрганиш эса, ҳозирги давр жамиятшунослик фанлари тизимининг асосий вазифасидир.

Таянч тушунча ва иборалар: *иррационализм; позитивизм; неопозитивизм; неотолизм; прагматизм; экзистенциализм; ҳозирги ижтимоий тараққиёт; модернизация; жамиятшуносликдаги ҳозирги қарашлар.*

Такрорлаш учун саволлар:

1. Иррационализмнинг мазмуни нимада?
2. Позитивизм ва неопозитивизм қандай ғояларни илгари суради?
3. Прагматизм ва экзистенциализмнинг мазмунини тушунтириб беринг.
4. Ҳозирги замон жамиятшунослигидаги қандай йўналишларни кўрсатиб бера оласиз?
5. Ўзбекистонда миллий истиқлол ғояси ижтимоий фанларнинг назарий асоси сифатида қандай вазифаларни бажаради?
6. Ўзбекистонда жамиятшунослик фанларини ривожлантириш йўналишлари қандай?
7. Жамиятни ривожлантириш ва шахсни баркамоллаштиришда жамиятшунослик фанларининг асосий вазифалари нималардан иборат?
8. Жамиятшунослигимизни ривожлантиришда давлатнинг роли қандай?
9. Ҳозирги замон жамиятшунослигида кўзга ташланаётган икки тенденциянинг мазмуни нимада?

⁹ И.Каримов. Янгилаш ва ўзгаришлар жараёни ортга қайтмайди. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессиясидаги маърузаси. "Ишонч". 2002 йил 5 апрел

III БОБ. ЖАМИЯТ: ТУЗИЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

8-мавзу. Жамиятнинг ижтимоий тузилиши масалалари

1. Жамиятдаги ижтимоий гуруҳлар, қатламлар ва синфлар таснифи.

Ўзбекистонда кичик ва ўрта мулкдорлар табақасининг пайдо бўлиши, унинг объектив ва субъектив омиллари

Ҳар қандай жамият мураккаб ички тузилишга эга. Бунинг сабаби турли одат, анъана, эътиқод, қизиқиш, манфаатларига кўра яшайдиган ва фаолият юритадиган кишиларнинг жамиятда турли гуруҳлар ташкил қилишидадир. Бундан ташқари кишиларнинг ўзига хос позициялари ва статуслари (мақомлари) турли ижтимоий структураларда янада кичикроқ гуруҳларга бўлиниш хусусиятига эга. Масалан, ана шундай гуруҳларга бўлиниш миллий белгига, мулкӣ белгига кўра амалга оширилиши мумкин. Демак, жамият таркибий жиҳатдан бир хил бўлмаган ҳодисадан иборат. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси бирданига бир неча гуруҳларга кириши ва бир-бирига боғланган бир неча ижтимоий маконда бўлиши мумкин.

Жамиятдаги ана шу хилма-хилликни гетерогенлик ва тенгсизлик тушунчалари орқали тушунтириб бериш мумкин.

Гетерогенлик жамиятдаги ранг-баранглик, турличалик, хилма-хиллик даражаларининг кўрсаткичлари йиғиндисини ифодалайди. Бу ана шу кўрсаткичларга кўра бир гуруҳда муайян социал позицияни эгаллаган бирор киши бошқа гуруҳда муайян позицияни эгаллаган бошқа кишидан юқори ёки пастда турганлигини аниқлаб бўлмаслигини англатади. Бошқа сўзлар билан айтганда, гетерогенлик кишиларнинг мартабалари, даражалари ҳақида эмас, балки индивидлар позицияларининг фарқлари ҳақидагина хабар беради, демакдир. Гетерогенлик инсоният жамиятининг горизонтал бўлинишидаги номинал кўрсаткичларни ифодалайди. Одамнинг жинси, миллати, диний эътиқоди номинал кўрсаткичларга мисол бўлиши мумкин. Шу маънода бирор бир кишини унинг жинси ёки динига кўра бошқа кишидан устун туради, дейиш мумкин эмас.

Гетерогенлик муайян инсоният жамиятининг қанчалик даражада зиддиятсиз ва барқарорлигини кўрсатади. Паст даражадаги гетерогенликка эга (ёки кўплаб номинал кўрсаткичлар бўйича бир хил бўлган) жамият юқори даражадаги гетерогенлик кўрсаткичларига эга жамиятга нисбатан барқарор ҳисобланади. Бошқача айтганда, бунда кишилар ўзлариники деб ҳисоблаган гуруҳларни қўллаб-қувватлайдилар ва уларни бошқа гуруҳлардан устун қўядилар.

Тенгсизлик жамиятнинг иккинчи асосий характеристикасини ташкил қилади. У жамиятдаги кишилар табиий аҳволининг бир неча кўрсаткичлар бўйича фарқланишини кўрсатади. Бундай кўрсаткичлар уларнинг мартабалари, даражаларини ифодалайди. Уларга кўра бирор бир киши ёки ижтимоий гуруҳ бошқасидан пастда ёки юқорида турганлиги ҳақида гапириш мумкин. Масалан, фойда бўйича тенгсизлик, мансаб бўйича кишиларнинг тенгсизлиги ҳақида гапириш мумкин, аммо уларнинг миллатига кўра тенгсизлиги ҳақида гапириб бўлмайди. Юқоридаги каби тенгсизликлар ҳар бир жамиятда муайян ижтимоий институциялар билан мустаҳкамлаб қўйилади. Бунда муайян нормалар, қоидалар тизимлари яратилади ва кишилар шуларга мувофиқ тенгсизлик муносабатларига киришадилар, уни қабул қиладилар ва унга қарши чиқмайдилар. Масалан, ҳар бир корхонадаги мансаблар кўрсаткичи, ахлоқий, ҳуқуқий, диний нормаларнинг муайян қисмлари. Бундай кўрсаткичлар ҳар бир жамиятда доимо кузатиб, баҳоланиб турилиши керак. Тенгсизлик кўрсаткичлари муайян даражадан ошиб кетмаслиги керак. Йўл қўйилган даражадан ортиб кетган тенгсизлик жамиятдаги кишилар ҳаёт кечириш даражаларида катта фарқларни вужудга келтириши бундай ҳолат дискриминация (камситилиш), баъзи гуруҳлар ҳуқуқининг чекланиши деб баҳоланишга олиб келиши ва оқибат натижада ижтимоий зиддиятларни келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун ҳар бир жамият ижтимоий тенгсизлик даражасини камайтириш механизмлари тизимини ишлаб чиқиши керак.

Кўпгина жамиятлар кўпроқ бойлик ва ҳокимиятга эга бўлган гуруҳлар ва ана шулардан маҳрум бўлган гуруҳларнинг мавжудлиги билан характерланади. Тараққиёт жараёнида ҳар бир жамият жамиятдаги гуруҳларнинг қатъий иерархиясини ўрнатади. Бир-биридан мартабалари, даражаларига кўра фарқ қилувчи гуруҳлар жамиятнинг статус гуруҳлари дейилади. Статус гуруҳларнинг икки асосий тури бир-биридан фарқ қилинади: стратлар ва ижтимоий синфлар.

Гуруҳлар бир-биридан тенгсизлик тамойили бўйича фарқланишса социал стратлар вужудга келади. "Страта" сўзи лотинча бўлиб, қатлам, табақа маъносини англатади. Шу маънода социал стратификация иерархияли тузилган ижтимоий тенгсизликни англатади. Социал стратификация назариясига кўра ҳозирги замон жамияти кўп даражали, қават-қават, ташқаридан қараганда ер қобикларидаги геологик қатламларга ўхшайдиган ҳодисадир. Социал стратификация икки белгиси билан оддий қатланишдан фарқ қилади. Биринчидан, бундай тузилган жамиятдаги юқори қатламлар ресурсларга эгалик ёки ҳақ олиш имкониятларига кўра пастки қатламларга нисбатан имтиёзли ҳолатда бўлади. Иккинчидан, юқори қатламлар унга кирувчи аъзолар миқдори бўйича ҳам паст қатламлардан сезиларли даражада кам. Бир-биридан фарқланувчи бир ўлчамли ва кўп ўлчамли стратификациялар мавжуд. Бир ўлчамли стратификацияда бир ўлчам боирасида амал қилувчи тенгсизлик ифодаланади, масалан, жамиятни олинадиган фойдага, ҳокимиятга эгаликка кўра стратификациялаш мумкин. Ҳозирги пайтда бир ўлчамли стратификациянинг уч тури кўпроқ қўлланилади: иқтисодий, сиёсий, касбий.

Жамиятнинг ижтимоий тузилишини синфий стратификациялаш тури ҳам мавжуд. Ижтимоий синф тушунчасини биринчи бўлиб К.Маркс ишлаб чиққан эди. Унинг фикрича синф ташкил қилувчи белги кишиларнинг мулкка муносабати ҳисобланади. Баъзи синфлар мулкка эга ва уни тасарруф қилиши мумкин, айти пайтда жамиятдаги бошқа синфлар мулкдан маҳрумдир. Жамиятнинг бундай бўлиниши синфлар ўртасида низоларни вужудга келтириши мумкин, бу низолар энг аввало мулкни қайтадан бўлиш ва қайтадан тақсимлашга йўналтирилган.

К.Марксдан фарқли равишда немис социологи Макс Вебер жамиятнинг синфларга бўлинишидаги бир қанча белгиларни кўрсатади. Жумладан, у ижтимоий синфнинг энг муҳим белгиларидан бири обрўдир дейди. Обрўдан ташқари Вебернинг фикрича бойлик ва ҳокимиятга эгалик, мулкка муносабат ҳам синфнинг белгилари ҳисобланади. Шунинг учун унинг фикрича жамиятда К.Маркс кўрсатгандан кўра кўпроқ синфлар мавжуд.

Ижтимоий синфларнинг ҳар бири ўзига хос субмаданиятга¹ эга бўлиб, у махсус ҳатти-ҳаракат усуллари, қабул қилинган қадриятлар тизимини ва социал нормалар тўпламини ўз ичига олади. Ҳукмрон синф маданиятнинг етакчилигига қарамай ижтимоий синфларнинг ҳар бири ўзининг шахсий қадриятларини, ҳатти-ҳаракат моделларини ва идеалларини ишлаб чиқади ва сингдиради. Ушбу субмаданиятларнинг етарли даражадаги аниқ чегаралари мавжуд бўлиб, унинг ичида индивидлар ўзларининг муайян синфга оидлигини ҳис қиладилар, ўзларининг ўхшашлигини англайдилар.

Ҳозирги пайтда жамиятнинг синфий тузилиши ҳақида кўплаб моделлар мавжуд. Улардан кенг тарқалганларидан бири У.Уотсон моделидир. Унга кўра ҳозирги замон жамияти олти асосий синфлардан ташкил топган. Унда айниқса жамиятнинг юқори ва ўрта синфлари қатъий кўрсатиб берилган. Бозор иқтисодиётига ўта бориш билан ана шу моделда ифодаланган синфлар тобора ёрқинлашиб бориши туфайли у ҳозирги пайтда катта аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасида изчил амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотларда мулк ва мулкчилик марказий ўринни эгаллайди. Давлатимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётини шакллантиришни ўзининг асосий мақсадларидан бири, деб белгилаб олди. Кўп укладли иқтисодиётни ва рақобатлашиш муҳитини яратиш эса бозор муносабатларига ўтишнинг асосий шартидир. "Мулкчилик масаласини ҳал қилиш, - деб

¹ суб... (лотинча – бўйсунувчи, остида, тагида, қисми маъноларини англатади) 1)ниманингдир тагида, ёнида жойлашиш; 2) бўйсунуш (субмаданият-маданиятга бўйсунуш); 3)иккинчи даражалилик (субподрядчик).

ёзади Президентимиз И.Каримов ўзининг "Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида" китобида, - бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қилади".

Инсоният тарихи шуни кўрсатадики, айнан мулкдорлар табақасига мансуб одамлар туфайлигина жамиятда барқарорлик, фаровонлик, тараққиёт асослари қарор топади. Мисол учун ҳар қандай иқтисодий ривожланган мамлакатни олиб кўрайлик. У ерда ҳал қилувчи куч ана шу мулкдорлар синфи ҳисобланади. Қаерда аҳоли таркибида ҳақиқий мулк эгаси бўлган одамлар ҳиссаси, шу жумладан ўртача мулк эгалари ҳиссаси, деярли катта бўлса, ўша ерда иқтисодиёт барқарор ривожланади. Чунки мулк эгаси қўлидаги мулкка хиёнат қилмайди, бу мулкнинг катта-кичиклигидан қатъий назар уни авайлайди, уни ўз моддий фаровонлигининг манбаи деб билади.

Ўрта мулкдорлар синфи асосан кичик ва ўрта хусусий корхона эгаларидан ташкил топади. Уларнинг яхши маош оладиган мутахассислари, ўрта бўғин бошқарувчилари бўлади. Ҳар икки соҳа вакиллари ҳам ўз касбидан даромад топади. Ўртаҳоллар табақасининг жамият тараққиётида тугган ўрни бир неча сабаблар билан изоҳланади. Уларнинг кўпчилик қисми елиб-югуриб, катта қийинчиликлар билан моддий фаровонликка эришган, ўзига тўқ кишилар. Улар фарзандларини маърифатли қилишдан, бунинг учун тинчлик-хотиржамлик сақланишидан ўта манфаатдор. Ўрта мулкдор табақага ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштирувчи куч сифатида қаралишининг биринчи сабаби шу. Ўрта мулкдорлар ҳар хил ур-сурларга қарши бўлиб, қонунни ҳамма нарсадан устун қўйишади. Ўрта табақа, биринчидан, мулкдор бўлса, иккинчидан, меҳнат билан банд. Уларнинг йўқотадиган нарсаси бор. Сийқаси чиққан шиорлар билан уларни йўлдан уриб бўлмайди.

2. Кишилар этник бирлигининг тарихий шакллари. Миллийлик ва байналмилаллик, миллий ғурур масалалари

Кишиларнинг ижтимоий бирликлари орасида уларнинг этник бирликлари катта аҳамиятга эга. Бундай бирликлар кишиларнинг ҳаётида уларнинг келиб чиқишига оид бўлган қон-қариндошлик белгиларининг белгиловчилигини билдиради. Масалан, инсоният тарихида энг узоқ давом этган ибтидоий жамоа тузумида кишилар ўртасидаги муносабатларни уларнинг қон-қардошлиги ёки бегоналиги белгиларига кўра ҳал қилиш катта аҳамиятга эга бўлган.

Этник бирлик кишиларнинг уруғ, қабила, элат, миллат ва бошқа бирликларидан иборат бўлган, тарихан таркиб топган алоҳида барқарор ижтимоий ғуруҳидир. Этник бирлик тушунчаси этнографик жиҳатдан *халқ* маъносини англатади. Келиб чиқиши, ҳўжалик юритиш фаолияти ва унга боғлиқ ҳолда маиший ҳаёт тарзи, ҳаёт кечириш мақсадлари умумий бўлган қон-қардош кишилар ғуруҳи уруғни ташкил қилишган. Уруғ кишилар ижтимоий бирлигининг этник белгига таянувчи дастлабки шаклидир. Уруғлар тараққий этиши билан уларда ўзаро никоҳга кириш тақиқланади, узоқ вақтгача бу тақиқ уруғнинг ҳаётига катта таъсир кўрсатиб келган. Ҳар бир уруғда ўзига хос одатлар, таомиллар мавжуд бўлган. Бир-бирига яқин уруғлар кейинчалик қабилаларни ташкил қилишган. Қабилаларда ҳўжалик фаолиятининг марказида барибир уруғлар қолаверишган. Уруғлар бир-бирлари билан ов қилиш ёки балиқ овлаш мавсумларида яқин ҳамкорлик қилишган. Қабила одамлари учун улар сўзлашадиган тил, одатлар, расм-русумлар, маслак-этиқодлар умумий бўлган.

Қулдорлик жамияти даврида қабиладан юксакроқ бўлган этник бирлик – элат вужудга келган. У кишиларнинг тил, ҳудуд ва маданий умумийлиги жиҳатидан таркиб топган бирлигидир.

Тарихий тараққиёт кейинчалик миллатларни вужудга келтирди. Миллат деб тил, маънавият, миллий ўзликни англаш руҳияти, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар асосида муайян ҳудудда яшовчи кишиларнинг этник бирлигига айтилади.² Миллатни тушунишда турли-туман қарашлар мавжуд. Масалан, инглиз олими Эрнест Геллнарнинг фикрича

² Политология. Маърузалар матни. Т., ЎАЖБНТ, 2000, 116-120-бетлар.

"миллатни инсон яратган, у инсон иши ва онгининг маҳсулидир", рус олими В.А.Тишков эса "Миллат илмий тушунча эмас, бу сиёсий шиор ва сафарбарлик воситасидир", деган фикрни билдирган. Бир пайтлар совет жамиятшунослигида миллатга таъриф беришда унинг белгиловчи томони синфий нуқтаи назардан тавсифланар эди.

Миллатни тушуниш учун унинг мазмунини ташкил этган томонларга эътибор бериш лозим. Миллат инсоният тараққиётининг маҳсулидир. Унинг шаклланишида моддий омиллар, хусусан, давлат ва иқтисодиёт муҳим роль ўйнаган, аммо улар миллатнинг моҳиятини тўлиқ очиб бера олмайди. Улар кишиларни жипслаштиришда катта роль ўйнайди, аммо миллатни бирлаштирувчи нарсa маънавий омиллар эканлигини эсдан чиқармаслик керак. Жумладан, руҳият, тил, маънавият, урф-одат, анъана, қадриятлар бу жараёнда белгиловчилик мавқеларидан бирини эгаллайди. Шу маънода миллатнинг шаклланишида моддий омиллар қандай роль ўйнаса, унинг салоҳияти ва барқарорлигини таъминлашда маънавий-руҳий омиллар ҳам ана шундай роль ўйнайди.

Олимларнинг фикрича ҳозир ер юзида 3 мингта яқин миллат мавжуд. Улар яшаб турган одамларнинг 96 фоизини бирлаштирадилар. 4 фоиз кишилар эса элат ва қабилалар кўринишида фаолият юритмоқдалар. Ҳар бир миллатнинг сони бир неча 10 мингдан бир неча юз минггача боради. Миллатларни сони бўйича 5 гуруҳга ажратиш мавжуд:

1. Буюк миллатлар: хитойлар, хиндлар, америкаликлар, руслар, японлар - ҳар бири 100 млн. дан ортиқ;
2. Катта миллатлар: инглизлар, французлар, испанлар, немислар, турклар ва бошқалар – 50 млн. дан 100 млн. гача;
3. Йирик миллатлар: ўзбеклар, португаллар, поляклар, эфиопияликлар ва бошқалар - ҳар бири 10 млн. дан 50 млн. гача;³
4. Ўрта сонли миллатлар: ҳар бири 1 млн. дан 10 млн. гача;
5. Кичик миллатлар: ҳар бири бир неча ўн мингдан 1 млн. гача.

Ҳозирги пайтда энг йирик 27 миллат Ер юзи аҳолисининг қарийб 75 фоизини ташкил этади.

Этник бирликларнинг тарихий ҳудуддан бошқа жойга турли сабаблар билан бориб қолиб, ўша ерда муқим яшаб қолган жамоалари кўпинча миллий гуруҳларга бирлашган бўладилар. Улар муайян мамлакат учун ёки маълум давлатнинг айрим минтақаси учун маҳаллий бўлмаган миллат ва элатнинг кичик бир бўлагидир. Миллий гуруҳлар сиёсий сабаблар туфайли ҳам шаклланиши мумкин. Давлатлар ўртасидаги чегараларнинг ўзгариши натижасида у ёки бу халқнинг маълум бир бўлаги ўз ўзагидан ажралиб қолиши мумкин. Масалан, Россия билан Хитой ўртасидаги чегаралар ўрнатилиши натижасида қozoқлар ва қирғизларнинг бир қисми Хитой ҳудудида қoиб кетган. Россия ва Афғонистон ўртасида ўрнатилган чегара ҳам ўзбек, тожиқ, туркманларнинг маълум қисмини Афғонистонда қолдирган. Ўзбекистонда ҳам маҳаллий миллатга мансуб бўлмаган миллий гуруҳлар мавжуд.

Собиқ шўро даврида миллий чегаралаш сиёсати миллий-этник хусусиятларни ҳисобга олмасдан ўтказилган. XX асрнинг ўрталарида оммавий репрессиялар туфайли қалмиқлар, қорачойлар, болқорлар, чеченлар, ингушлар, қрим татарлари, месхети турклари, немислар, корейслар, греклар, курдлар бошига кўп қисматлар тушди. Булар ҳақида тарих фанидан сизга кўп фактлар маълум. Мустақиллик даврига келиб ана шу миллатларнинг ҳуқуқлари тиклана бошлади ва бу йўналишда катта ижобий ишлар амалга оширилди.

Бундан ташқари деярли кўпчилик давлатларда бир-бири билан кучсиз алоқада бўлган бир неча минг ёки бир неча юз кишидан иборат кишиларнинг кам сонли бирлашмалари ҳам мавжуд. Улар этник гуруҳлар дейилади. Масалан Ўзбекистонда 258 дан ортиқ ингушлар, 140 дан ортиқ гагаузлар ва шу каби этник гуруҳлар ҳам мавжуд.

Таниқли адиб Чингиз Айтматов "Ўз тарихини билмаган халқ манқуртга айланади", деган эди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач Президентимиз Ислоҳ Каримов

³ Мустақиллик. ИЗОҶли илмий-оммабоп луғат. Т., "Шарқ", 1998, 120-бет.

халқимизнинг миллий ўзлигини англашга бўлган интилишини доимо гапириб келади. Унинг кўпгина асарларида миллий туйғу, миллий ўзликни англаш билан боғлиқ масалалар кўтарилган. Аммо у бунинг ҳеч қачон бошқа миллат ва халқлар ғурурини камситиш ҳисобига эмас, балки уларнинг ҳар бирининг ноёблиги, ўз ўрни, обрў-эътиборини жой-жойига қўйиш орқали амалга ошишини доимо таъкидлайди.

Миллий руҳиятни шакллантиришда "миллий ғурур", "миллий ифтихор", "миллий ҳис", "миллий характер" каби тушунчалар муҳим ўрин тутаяди.

"Миллий ғурур" - ҳар бир миллатнинг ўз-ўзини англаши натижасида содир бўладиган ички руҳий кайфият. "Шахс ғурури" – бу фахрланишдир. Ҳар бир шахс ютуқлардан мамнуният ҳиссини туяди, масалан, ота-она - қобил фардандлардан, устоз - истеъдодли шогирдидан, боғбон – сўлим боғидан фахрланади.

"Миллий ифтихор" – миллат маънавий камолотининг барча жиҳатларини, мероси ва бугунги қадриятларини ўз ичига олади. Бу миллатга тегишли муайян кишиларнинг, бошқаларда учрамайдиган хислатларнинг ўрни, мавжудлиги, хизмати ва шу қабиларнинг бошқаларга таъкидлай олишдан ҳосил бўлувчи туйғу. Эришилган ва эришилажак ютуқлар кўпайган сари Ўзбекистон билан фахрланиш туйғуси шунчалик оша боради.

"Миллий ҳис" – бу миллат манфаати билан яшаш, ўзининг қимлигини таниш. Миллий туйғуси, ҳиссиёти бўлмаган инсонда миллий ифтихор бўлмайди. "Миллий туйғу – деган эди Президентимиз И.Каримов, - инсон учун табиийдир, чунки у ота-оналаридан мерос қилиб олинган ва бало ўз ота-онасига, бутун дунёга айтган биринчи сўзида ифодаланган. Ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб, ўз халқини миллатларнинг бутунжаҳон ҳамжамиятида тенглардан бири сифатида идрок қилувчи ҳақиқий инсонни, ўз Ватанининг жонкуярини тарбиялаш мумкин эмас."

"Миллий характер" - ҳар бир халқнинг, миллатнинг асрлар давомида шаклланган ва аста-секин уларнинг қон-қонига сингиб кетган ўзига хос хислатлар, хусусиятлар жамланмасидир.

Асрлар давомида тарих шундан далолат берадики, давлат тузилиши, унинг фаолиятида жамиятда бўладиган муносабатларнинг табиий ривожланиш қонунларига асосланган ҳолда ўз фаолият йўналишларини белгилаб олиши зарур. Айниқса, миллатлараро муносабатларнинг барқарор ривожланиши учун ҳар бир миллатнинг сиёсий манфаатларини ҳисобга олиш давлат сиёсатида устувор бўлиши амалий аҳамиятга моликдир. Шунинг билан бирга миллатлараро муносабатларга сиёсий тус бериш хатарли эканлигини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Яъни миллатларнинг ўзаро муносабатларида юзага келиши мумкин бўлган у ёки бу салбий ҳолатлар давлат ҳокимиятини қўлга киритиш учун кураш даражасига кўтарилмаслиги керак. Чунки бундай жараён давлатни ҳалокатга, миллатлар манфаатларини эса паймол бўлишга олиб келади. Сиёсий жараёнларнинг ривожланиши миллатлараро муносабатларнинг барқарор тараққиётига хизмат қилиши лозим. Бу эса ўз навбатида бутун жамиятнинг барқарор тараққий этишига хизмат қилади.

Кўпчилик тадқиқотчилар XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида содир бўлган низоларни таҳлил қилиш асосида дунёда юз бераётган беқарорликларнинг асосий сабаби "бир жамиятда ёнма-ён истиқомат қиладиган турли этник ва маданий гуруҳларнинг бир-бирлари билан чиқиша олмаслигидир." Бундай низолар Руанда, Кипр, Шри Ланка, Ҳиндистон, Кипр, Босния, Косово ва бошқа кўплаб мамлакатларда рўй берди ҳамда кишилар бошига кўплаб қулфатлар олиб келди. Ҳозирги пайтда ҳам дунёда ана шундай низолар давом этаётган мамлакатлар анчагина.

Тарихий тараққиёт хусусиятлари ёки бошқа сабаблар туфайли кўпгина мамлакатлар ҳудудида битта эмас, бир нечта миллат ёки этник гуруҳга оид кишиларнинг истиқомат қиляётгани давримизнинг ҳақиқатларидан биридир. Уни инкор этиб ёки унга қарши чиқиб бўлмайди. Шундай экан турли миллат ва этник гуруҳлар истиқомат қиладиган мамлакатлар

нисбатан кам сонли ана шундай гуруҳларнинг маданий, лингвистик ва таълим йўналишлари бўйича ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг барчаси ҳар томонлама тараққий этишлари, ҳамжиҳат яшашларини таъминлаш механизмлари ишлаб чиқишлари муҳим аҳамиятга эга. Этник таркиби турлича бўлган мамлакатлар, шу жумладан, Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибаси ана шу йўналишда муайян намуна бўлиши мумкин. Биринчидан, турли миллат ва элат вакилларида ташкил топган этник мураккаб мамлакатда ҳар бир этник гуруҳнинг ўз миллий маданияти, қадриятлари, урф-одатларини ривожлантириши учун кенг имкониятлар, ҳуқуқлар яратилиши керак. Мамлакатимизда бу йўналишда конституциявий ва бошқа қонуний нормалар ишлаб чиқилди ва ҳаётга жорий этилди. Улардан энг кўзга кўринарлиси турли миллат ва этник гуруҳларнинг маданий-маънавий эҳтиёжларини қондириш, миллий маданиятлар ривожини таъминлаш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга қаратилган 135 та миллий маданий марказларнинг ташкил топгани бўлди.

Иккинчидан, этник жиҳатдан бундай кўп таркибли мамлакатларда ўзаро ҳурмат ва бағрикенглик тамойиллари таълим тизими, уларнинг ўз она тилларини ўқитиш ва оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб этилиши ва фуқаролар онгига сингдирилиши лозим. Мамлакатимизда бу йўналишда кўплаб илмий-амалий анжуманлар, доимий ҳаракатдаги семинарлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этилмоқда, маҳаллий ва марказий матбуот, радио ва телевидение орқали тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Ўрта Осиё мамлакатларида келиб чиқиши бир илдизга бориб тақаладиган, дини, тили, маданияти бир-бирига яқин бўлган халқлар аралашиб яшашди. Масалан, Тожикистон жами аҳолисининг 24,4 фоизини, Қирғизистон аҳолисининг 13,8 фоизини, Туркменистон аҳолисининг 9 фоизини, Қозоғистон аҳолисининг 2,5 фоизини ўзбеклар ташкил этса, Ўзбекистондаги жами аҳолининг 4,7 фоизини тожиклар, 4 фоизини қozoқлар, 0,9 фоизини қирғизлар, 0,7 фоизини туркманлар ташкил қилади.

Республикада ўқиш тожик, қozoқ, қирғиз ва туркман тилларида олиб бориладиган 1000 дан ортиқ мактаблар мавжуд. Олий ўқув юртларининг кўпчилигида ана шу тиллардаги мактаблар учун мутахассислар тайёрлайдиган махсус факультетлар фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон телевидениесида қozoқ тилида "Дидар", "Замандас", тожик тилида "Рангинкамон" кўрсатувлари намойиш этилмоқда. Бундан ташқари қирғиз ва татар тилларида ҳам кўрсатувлар ташкил этилмоқда. Радио орқали мазкур тилларда кўплаб эшиттиришлар олиб борилмоқда ва шу тилларда анчагина газеталар чоп этилмоқда. Ана шу халқлар тилларида ўқув адабиётлари нашр этилиши "Ўзбекистон" нашриёти орқали амалга оширилмоқда.

Учинчидан, барча миллат ва элатларнинг манфаатлари мамлакатдаги давлат бошқариш механизмлари орқали намоён этилишига имкон берилиши керак. Бунда уларнинг барчаси ўзларининг манфаатлари давлат тизимида мустаҳкам ҳимоя қилинаётганлигини сезиши мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистонда бу ишларга 1992 йил январда Вазирлар Маҳкамаси қарорига кўра ташкил этилган "Республика байналмилал маданият Маркази" мутасадди ҳисобланади. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ривожиди миллий-маданий марказларнинг аҳамияти катта. 1989 йилда Маданият вазирлиги қошида Республика миллатлараро маданият маркази ташкил этилганди. Унинг таркибида 12 та, жумладан, қozoқ, корейс, арман, озарбайжон, тожик маданият марказлари фаолият кўрсата бошлади. 2004 йилга келиб миллий-маданий марказлар сони 130 дан ошди. Ушбу марказлар умумхалқ байрамларини ўтказишда фаол иштирок этиб келмоқда. Навруз ва Мустақиллик байрамларининг ўтказилишида мазкур марказлар катта ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Миллий-маданий марказларнинг асосий вазифаси уч йўналишда олиб борилмоқда:

1. Ҳар бир миллатнинг тили, маданияти, урф-одатлари ва расм-русумларини тиклаш, тарихий Ватан билан алоқа ва муносабатларни жонлантириш, миллий ҳис-туйғуларнинг намоён бўлишига кенг йўл очиш;

2. Мустақил Ўзбекистонни ўзининг ҳақиқий ватани деб билиш, унга беминнат ва садоқат билан хизмат қилиш;
3. Ватан билан мушгарақ ҳаёт кечириш, унинг маданияти, турмуш тарзи ва тилини ўрганиш, давлатга ном берган миллат билан дўстликда, ҳақорликда ва тотувликда яшаш.

Тўртинчидан, бу йўналишда камситишнинг ҳар қандай кўринишлари тақиқланиши шарт. Ҳеч қайси миллат, элат ёки халқ вакили унинг айнан бир маданият, миллат, диний эътиқод ёки этник гуруҳга мансублиги учунгина мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидан четлатилмаслиги ёки маълум воқеа-ҳодисалар қурбонига айланмаслиги зарур. Кўриниб турибдики, кўп миллатли давлатларда миллатлараро муносабатлар бошқа ижтимоий муносабатлар каби доимий эътибор ва диққат талаб қилувчи масаладир.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда амалга оширилаётган миллий сиёсат – жамиятни янгилашнинг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Жамиятни янгилашнинг муваффақияти мамлакатда истиқомат қилувчи барча халқлар ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга кўп жиҳатдан боғлиқ. Республикамизда кўпчилиқни ташкил этган ўзбек миллатининг муқаддас бурчи она тилини, ўз миллий маданияти ва тарихини тиклашдангина иборат эмас, балки биргаликда ҳаёт кечирувчи бошқа, айниқса, кам сонли халқларнинг тақдири учун, уларнинг ўзига хос маданий-маънавий хусусиятларини сақлаб қолиш учун, камол топиши ва ўзлигини намоён этиш учун уларга тенг шароит ва имкониятлар яратиб беришдан иборатдир.

3. Оила - жамият социал тизимининг ажралмас қисми сифатида. Оиланинг моҳияти, тарихий Шакллари, ижтимоий функциялари.

Оила жамиятнинг бир бўлаги, унинг ҳам таянчи, ҳам қаноти, бошланғич ячейкасидир. Унга кўпинча қуйидагича таъриф берилади: "Оила – инсонларнинг табиий-биологик, никоҳ, қон-қардошлиқ, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий муносабатларига асосланган, турмуш бирлиги ва ўзаро жавобгарлик ҳис-туйғулари орқали боғланган ижтимоий гуруҳдир".⁵ Оиланинг ҳозирги шакли вужудга келиши аста-секинлик билан содир бўлган. Инсоннинг ёввойилиқдан маданий яшашга ўтиши жараёнида бир уруғ ёки қабилага мансуб бўлган қарама-қарши жинсларнинг тартибга солинмаган жинсий муносабатлари аста-секин тақиқ остига олинади, Илмий тилда бунга табу ҳодисаси деб аталади. Бунгача оиланинг эндогамия тури, яъни бир уруғнинг вакиллари орасидаги жинсий алоқаларга асосланган оила мавжуд эди. Табунинг ўрнатилиши эса турли уруғлараро, қабилалараро никоҳни, яъни экзогам оилани вужудга келтирди. Оиланинг бу икки шаклида ҳам дастлаб жамоавий никоҳ устунлик қилган. Яъни бир уруғнинг эркаклари дастлаб ўз уруғларидаги, кейинчалик эса иккинчи уруғдаги барча аёлларнинг эрлари ҳисобланган ва аксинча, иккинчи уруғнинг эркаклари биринчи уруғдаги аёлларнинг эрлари ҳисобланишган. Бундан 25 минг йиллар аввал жуфт никоҳга асосланган оилалар пайдо бўлишган.⁶

Инсоннинг дунёга келиши, янги авлод пайдо бўлиши – авлодлар алмашинуви асосан оилада содир бўлади. Фарзанд туғилиб, камолга етиб шахс сифатида шакллангунча лозим бўлган барча таълим, тарбия оила муҳитида берилади. Инсоннинг ота-она, қариндош-уруғига, қарияларга, атроф-муҳитга, табиатга бўлган муносабатлари дастлаб оилада шаклланади. Шу билан бирга оила урф-одатларни, қадриятларни авлоддан авлодга ўтказувчи социал институт ҳисобланади.

Оиланинг асосини эркак билан аёл ўртасидаги никоҳ ташкил этади. Аммо оила фақатгина эркак ва аёл муносабатини эмас, эр ва хотин, ота оналар билан болалар муносабатини ифодалайди.

Инсон биологик мавжудот, у бошқа биологик мавжудотлар қатори маълум инстинктив хусусиятларга эга. Бу энг аввало жинсий эҳтиёжлар ва муносабатлардир. Улар асосида ҳар бир жонли мавжудотга хос бўлган авлод қолдириш инстинкти ётади. Оилавий

⁵ Демографический энциклопедический словарь. М., 1985, 395-бет.

⁶ Бу ҳақдаги қизиқарли маълумотларни "Оила психологияси" (Т., Шарқ, 2001, 13-23 бетлар) ўқув кўлланимидан олишингиз мумкин.

муносабатларнинг илк пайдо бўлиши ҳам мана шу эҳтиёжларни қондириш асосида юзага келади.

Мулк муносабатларининг пайдо бўлиши эса никоҳ муносабатларини тарих сахнасига олиб чиқди. Албатта, бу узоқ давр мобайнида шаклланиб борган. У жамиятдаги омилларга, шарт-шароитлар, янгиланувчи урф-одатлар ва удумларга боғлиқ ҳолда шаклланиб бораверган. Оилавий муносабатлар шаклланиб бориши натижасида ундаги иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий муносабатлар ҳам ташкил топиб, ривожланиб борган. Шу маънода оила – кишиларнинг табиий-биологик, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий муносабатларига асосланган ижтимоий бирлигидир. Оила тор маънодаги маиший тушунча эмас, у ижтимоий жамоадир. Бинобарин оила жамиятнинг бир бўлаги. Ўз навбатида оилаларнинг йиғиндиси, ўзига хос бирикуви жамиятни ташкил этади. Жамиятдаги ўзгаришлар оилага таъсир этгани каби оиладаги ўзгаришлар ҳам жамиятга таъсир этади.

Таниқли мутафаккир О.Контнинг фикрича, оила жамиятнинг бирламчи асосидир, унинг келиб чиқиши инсоний муносабатлардаги табиий ҳолат ҳисобланади. Унинг фикрича, оилада ижтимоий муносабатларнинг барча кўринишлари ўз аксини топади, булар – тенгсизлик (авлодлар ва жинслар ўртасидаги), тобелик (оила аъзолари ўртасидаги, оила бошлиғи ва бошқалар, катталар ва болалар), ва ҳ.к. Шунга кўра оила кичик бир давлат бўлиб, бу давлатнинг шаклланиш асоси, унинг модели мавжуд, ижтимоий функцияси эса жамиятнинг функцияларини акс эттиради.

Никоҳ - эркак билан аёлнинг тарихан таркиб топган, жамият томонидан муайян тартибга солинган ўзаро муносабатлари шаклидир. Никоҳ ёрдамида жамият жинсий ҳаётни, эр ва хотиннинг ҳуқуқларини, бурчларини тартибга солади ва таъминлайди.

Оила никоҳга нисбатан мураккаброқ муносабатлар тизими бўлиб, унда эр ва хотиндан ташқари уларнинг болалари, яқин қариндошлари бирлашади. Оиланинг вазифалари, яъни функциялари қуйидагилардан иборат:

1. Авлодни яратиш ва давом эттириш (жамиятни давом эттирувчи авлод яратиш, инсон зотини давом эттириш).
2. Ижтимоий вазифа (фарзандларни тарбиялаш, уларнинг ўзаро ва бошқаларга муносабатини шакллантириш).
3. Иқтисодий вазифа (оила аъзоларининг озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа зарур воситалар билан таъминлаш, бошқа уй-хўжалик вазифалари).
4. Рекреатив, яъни ўзаро жисмоний, моддий, маънавий ва психологик ёрдам кўрсатиш ва бир-бирининг саломатлигини мустаҳкамлаш, оила аъзоларининг дам олишини ташкил этиш.
5. Коммуникатив, яъни оила аъзолари орасидаги ўзаро муносабатларни йўлга қўйиш, уларнинг мулоқотларини мустаҳкамлаш, ўзаро яқинлик туйғуларини вужудга келтириш.
6. Регулятив, яъни уларнинг ўзаро муносабатларини бошқариш.
7. Бурч ва мажбуриятларини ҳис қилишга ўргатиш.
8. Муомала муносабатларини қондириш.
9. Бўш вақтдан самарали фойдаланиш.
10. Ёш авлоднинг қариялар ҳақида ғажўрлик қилиши ва шу қабилар.

Ўзбекистонда оила ва никоҳ муносабатларининг асосини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Оила кодекси ташкил этади. Конституциянинг 14-боби бевосита оила масаласига бағишланган. 63-моддада никоҳ томонларнинг розилиги ва тенг ҳуқуқчилигига асосланиши таъкидланади. 64-моддада ота-оналарнинг ўз фарзанларини вояга етгунча боқишлари ва тарбиялашга мажбур эканлиги ҳақидаги фикр мустаҳкамланган. Шу бобда етим болалар ва ота-онасининг васийлигидан маҳрум болаларни боқиш ва тарбиялашни давлат ўз зиммасига олиши кўрсатилган. 66-

моддада эса вояга етган ва меҳнатга лаёқатли фарзандларнинг ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурлиги белгилаб қўйилган.

Оила ва унинг атрофидаги масалаларни ўрганиш мақсадида 1998 йил феврилида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан "Оила" илмий-амалий Маркази ташкил этилди ва у ҳозир ўз фаолиятини олиб бормоқда. Олиб борилган фаолият натижасида оналик ва болалик масалалари алоҳида диққат марказида бўлиши лозимлиги англанди ва давлатнинг бу борадаги барча ишлар Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил феврилидаги қарори билан тасдиқланган "Она ва бола" Давлат Дастури қабул қилинди.

Халқларнинг узоқ тарихи кўпинча давлатлар яшнашига ёки уларнинг таназзулига маълум маънода оиладаги ҳолат, айниқса ҳукмдорларнинг оилавий аҳволи таъсир кўрсатишига оид кўплаб мисолларни сақлаб қолган. Шу маънода оиладаги ички омиллар, оилавий тарбия муаммолари, оталар ва фарзандлар, акалар ва укалар, опалар ва оға-инилар ўртасидаги ўзаро бемехрлик, нифоклар, яқдилликнинг бўлмаслиги сабабли бир пайтлар донғи кетган сулолаларнинг завол топганлиги сир эмас. Айни шу сабабларга кўра Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Темурийлар салтанатлари ва бошқа давлатлар инқирозга юз тутган эди. Шу сабабли юртбошимиз мамлакатдаги умумий барқарорлик бир-бирига боғлиқ ва тизимий ҳодисалар хусусиятига эгалигини кўзда тутиб, "агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳалла тинч ва ҳамжихат, агар маҳалла мустаҳкам бўлса давлат осойишта ва барқарор бўлади", деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистон Республикасида ҳар йили 150-156 минг янги оилалар пайдо бўлади. Ва таасуфки, ҳар йили турли сабабларга кўра кўплаб никоҳларнинг барбод бўлиши ҳам юз бермоқда. 2001 йилда бу кўрсаткич 15 600 тани ташкил этган. Бу қурилаётган оилаларнинг 10 фоизи демакдир. Бу борада ҳали амалга оширилиши керак бўлган вазифалар ва муаммолар талайгина. Жамиятимизнинг ривожига эса уларнинг имкон қадар ижобий ечилишига умид туғдирмоқда.

4. Кишиларнинг ёш, жинс ва бошқа белгилар бўйича ижтимоий таснифи

Ижтимоий ривожланиш тарихи жамиятнинг турли белгилари бўйича ўзаро фарқланувчи одамлар йиғиндисидан иборатлигини кўрсатди. Уларни турли социологик йўналишдаги фан вакиллари тадқиқ этишади. Кишиларни ёшига кўра, мутахассислигига кўра, яшаш маконининг шаҳар ёки қишлоқдалигига кўра, жинсига кўра ва бошқа белгиларига кўра ўрганиш мумкин. Бу инсоннинг жуда мураккаб хилқат эканлигидан ва уни тадқиқ этиш имкониятлари кенглигидан далолат беради.

Жамият аъзоларининг бир-бирларига муносабатларини, жамият келажагига таъсирини, мавжуд ёки келажакдаги ишлаб чиқариш ва бошқа соҳалар ривожига таъсири ва бошқа кўплаб масалаларни ечишда аҳолини турли белгилари бўйича таснифлаштириш катта аҳамиятга эга. Бунда ҳар бир киши турли таснифлашда турли гуруҳларга киритилиши мумкин. Масалан, жинс бўйича кишилар икки гуруҳга – эркаклар ва аёлларга ажратилади. Ёшига кўра эса бир неча гуруҳлар фарқланиши мумкин: болалар, катта ёшдагилар ва қариялар (буларнинг ҳар бири янада кичикроқ гуруҳларга туркумлаштирилиши мумкин). Яшаш жойига кўра – қишлоқда ёки шаҳарда яшовчилар. Маълумотига кўра – олий, ўрта махсус, ўрта, тўлиқсиз ўрта, бошланғич маълумотлилар. Диний эътиқодига кўра – диндорлар ва динга ишонмайдиганлар. Сиёсий эътиқодига кўра – муайян бир партия аъзолари ва партиясизлар. Бу рўйхатни давом эттиришимиз мумкин. Аммо шундан ҳам кўриниб турибдики, кишилар мураккаб хилқат бўлмиш "ҳазрати инсондир", уларни қанчалик ўргансак шунча оз. Бу борада олдимизда ҳали очилмаган кўриқ турибди. Бу борада қанчалик кўп илмий маълумот ва билимларга эга бўлсак, шунчалик ҳатти-харакатимиз асослироқ бўла боради. Биз ўзимизни ва атрофимиздаги кишиларни қанчалик яхши билсак, бунда ҳар бир кишининг қайтарилмас хилқат эканлигини, чексиз уммондаги кичик заррача бўлмиш Ер шарининг биздан кейинги авлодларга ҳам қолиши зарурлигини англасак ҳамда ўзаро

муносабатларимизни шунга мувофиқ ташкил этсак, ўйлаймизки, мавжуд муаммолар ўз ечимини албатта топади.

Таянч тушунча ва иборалар: *ижтимоий гуруҳ ва қатламлар; этник бирликлар; миллат ва миллий муносабатлар; миллий гуруҳ ва миллатчилик; оила ва никоҳ; оиланинг вазифалари; фарзандлар ва ота-оналарнинг ўзаро мажбуриятлари; демографик вазият; хотин қизлар ва қарияларга эҳтиром; ижтимоий адолат масалалари.*

Такрорлаш учун саволлар:

1. "Тетерогенлик" тушунчаси нимани ифодалайди?
2. Социал страталар қандай маънони англатади?
3. Жамиятнинг ижтимоий гуруҳ ва қатламларга ажралишига сабаб нима?
4. Ўзбекистонда ўрта ва кичик мулкдорлар синфи вужудга келишининг объектив сабабларини кўрсатинг.
5. Кишиларнинг этник бирликлари нималардан иборат?
6. "Миллат" сўзининг мазмунини тушунтириб беринг.
7. Миллий гуруҳ деганда нимани тушунасиз?
8. Мамлакатимиздаги миллий-маданий марказларнинг аҳамияти ва вазифалари ҳақида сўзлаб беринг.
9. Оила қандай таркиб топган? Унинг қандай тарихий шакллари бўлган?
10. Ўзбекистонда оила масалаларига берилаётган эътибор ҳақида гапириб беринг.

9-мавзу. Жамиятнинг сиёсий ва ҳуқуқий тизими. Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик жамият қурилишининг асосий йўналишлари

Кишиларнинг ҳар қандай жамоаси фаолияти мувофиқлаштириш ва бошқаришга эҳтиёж сезади. Жамият ҳаёти – бу инсоний муносабатларининг вужудга келиши, ривожланиши ва тугалланишидан иборат бўлиб, улар алоҳида кишилар, кишилар жамоаларининг турли соҳалардаги манфаатларидан келиб чиқади. Шунинг учун жамиятда ҳатти-ҳаракатларни бошқариш ва мувофиқлаштиришнинг умумэтироф этилган шакли бўлмиш ижтимоий нормалар албатта пайдо бўлади.

Инсон ҳатти-ҳаракатларининг жамият манфаатлари нуктаи назаридан қандай бўлиши мумкинлиги ва қанақа бўлиши лозимлиги ижтимоий нормалар томонидан аниқлаб берилади. Улар одамлар онгли фаолиятининг натижаси бўлиб, ҳамжамоа бўлиб яшашни такомиллаштиришга йўналтирилган. Нормалар жамият тарихий тараққиёти жараёнида вужудга келади ва уларни конкрет тарихий муайянликдан ажратиб бўлмайди. Улар мавжуд жамиятдаги маданият типига ва унинг ташкилий характериға мос бўлади. Планетамизда турли-туман ҳуқуқий ва сиёсий тизимлар амал қилиши ҳодисасини худди ана шу нарса билан изоҳлаш мумкин. М.Вебер айтганидек, айнан *маданият* дунёга маъно бағишлайди, кишилар ўртасидаги муносабатлар ҳақида ҳукм чиқаришга асос яратади (бу ҳақда сиёсий маданият ҳақидаги фикрларга қаранг).

Юриш-туриш, ҳатти-ҳаракат нормалари давлатчилик пайдо бўлишидан анча илгари вужудга келган бўлиб, унинг аниқ вақтини айтиш мушкул. Аслини олганда бу "Шахс ва жамият" предметининг вазифасига кирмайди. Биз учун жамиятда ҳукмронликка оид муносабатлар қандай қилиб вужудга келганлигини, кишиларнинг ўзаро алоқадорликлари, ижтимоий муносабат жараёнларининг қандай бошқарилишидаги муҳим механизмларни кўриб чиқиш аҳамиятлироқдир. Кенг маънода ижтимоий нормалар воситасида бошқариш ҳар бир халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилашдек асосий ҳуқуқи² билан боғлиқ. Унга мувофиқ давлат бошқарув ва ҳокимият органлари конституцион воситалар ёрдамида ўзларининг фуқаролар ва уларнинг бирлашмалари билан ўзаро муносабатлари тартибини, шунингдек, суверен давлатнинг халқаро муносабатларда қатнашуви тартибини белгилаб оладилар.

² Ушбу ўқуқ 1966 йилги Инсон ўқуқлари ҳақидаги қарор иккала Халқаро Пактнинг 1-моддасида акс эттирилган. Ўзбекистон Республикаси 1995 йилдан уларнинг қатнашчиси қисобланади.

Ижтимоий бошқарув жамият ва давлатдаги ички тартибни таъминлаш воситаси бўлиб, халқларнинг бир-бирини яхши тушуниб олишларига ёрдам беради³. Жамиятдаги муносабатларни бошқариш жараёни давлатга хос ва нодавлат аспектларни, миллий ҳамда халқаро ҳуқуқий ва сиёсий воситаларни ўз ичига олади.

1. Жамиятнинг сиёсий тизими

"Жамиятнинг сиёсий тизими" ибораси сиёсий фаннинг муҳим тушунчаси сифатида XX асрнинг иккинчи ярмида қарор топди. Бу сиёсий жараёнларда қуйидаги сифатий янгиликлар пайдо бўлиши билан боғлиқ: айнан XX асрда давлат сиёсий ҳукмронликда ўзининг монополь аҳамиятини (яъни яккахокимликни) йўқотди ва партиялар, жамоат ташкилотлари, институциялар (ташкилий ҳодисалар) ва ижтимоий муносабатларга муҳим таъсир кўрсатувчи шу каби ташкилотлар қатори сиёсий тизим элементларининг бирига айланиб қолди. Айнан ана шу институциялар давлатнинг фуқаролик жамияти билан алоқасини ўрнатишга ва демократик характердаги ҳокимият вужудга келтиришга имкон берди. Ижтимоий ҳаётнинг сиёсий жараёнларга таъсирининг ана шундай кенгайиши "жамиятнинг сиёсий тизими" деган умумлашган янги тушунчанинг пайдо бўлишига олиб келди. Шунинг учун ҳозирги сиёсий жараёнларни ўрганишда нафақат давлат ва давлат ҳокимияти органлари тизимини, шу билан бирга сиёсий жараёнларда қатнашувчи ва сиёсий қарорлар қабул қилинишида иштирок этувчи барча ижтимоий-сиёсий институцияларни кўриб чиқиш керак.

Ҳозирги замон сиёсий луғатида "жамиятнинг сиёсий тизими" иборасидан-да зиддиятли иборани топиш қийин. Сиёсий тизимга таъриф беришнинг қийинлашувига унга турли мамлакатлардаги нафақат ижтимоий-гуманитар йўналишдаги фан мутахассислари (юрислар, сиёсатшунослар, тарихчилар), балки ушбу йўналишдан анча узоқ бўлган кишилар – *популистлар* ҳам таъриф беришга уринаётгани таъсир этмоқда. Шундай бўлсада, мавжуд кўплаб таърифларни қуйидагича умумлаштириш мумкин: *давлат ҳокимиятини ўрнатиш ва уни амалга оширишда қатнашаётган институциялар йиғиндисига жамиятнинг сиёсий тизими дейилади*. Демак, сиёсий тизимнинг белгилловчи, асосий категорияси ҳокимият ҳисобланади. Ҳокимият тушунчасини тўрт томондан кўриб чиқиш мумкин:



Жамиятнинг сиёсий тизими тушунчаси ҳар бир мамлакатдаги сиёсий тизим тушунчасига нисбатан кенгрокдир ва уларни белгилаб беради. Жамиятнинг сиёсий тизими

³ Масалан, ГФР президенти Р.Герцог 1995 йил 28 январда Давосда бўлган Жапон иқтисодий форумида сўзлаган нутқида планетамизда мавжуд 3500 этник гуруҳларнинг ўзаро бир-бирини тушунишига эришишнинг муҳимлигини таъкидлади.

ўзаро алоқадор бўлган тўртта асосий торроқ тизимни ўз ичига олади: *институциявий (ташкilotга оид), коммуникатив (муносабатга оид), норматив (қоидага оид), маданий-мафкуравий*.

Сиёсий институциялар – сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш билан боғлиқ ташкилот ва муассасалар йиғиндисидир. Сиёсий институциялар ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: а) давлат ва унинг органлари; б) жамоат ташкилотлари; в) юридик шахс мақомидаги бошқа ташкилот ва муассасалар. Сиёсий институцияларнинг хусусияти шундаки, уларнинг фаолияти амалда доимо қонун томонидан, яъни муайян норматив ҳужжатлар орқали бошқарилади.

Сиёсий ҳокимиятнинг асосий институти давлат ҳисобланади. Давлат сиёсий системанинг марказий элементи, асоси ҳисобланади, у ҳокимиятнинг асосий манбаси ва тимсолидир. Шунингдек, сиёсий системанинг муҳим элементларини *сиёсий воситачилик институциялари* ҳисобланмиш партиялар, таъсир кўрсатиш гуруҳлари, манфаатдор гуруҳлар ташкил этади.

Сиёсий муносабатлар – сиёсат субъектларининг ўзаро таъсирларининг шакли, сиёсий ҳокимиятни эгаллаш, ўрнатиш, амал қилиш, қўллаш, ривожлантириш ва ўзгартириш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлаш туридир; бу – сиёсий система институтлари, сиёсий ва ижтимоий системалар ўртасида таркиб топадиган ўзаро таъсирларнинг бир-бирига муносабатлари ва ўзаро таъсир шакллариининг йиғиндисидир.

Сиёсий муносабатларнинг марказида давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабати туради. Давлат ва жамият муносабатлари асосан уч турдаги тўғри ва тесқари алоқалар йиғиндисидан иборат (бунда "тўғри алоқа" – давлатдан жамиятга томон, "тесқари алоқа" – жамиятдан давлатга томон алоқаларни англатади):

- "Тесқари алоқа механизми" мавжуд бўлганда ва яхши тараққий этганда, унинг аҳамиятига юқори эътибор берилса сиёсий муносабатлар *демократик* характерда бўлади; Бундай тартибдаги давлатда сиёсий ҳокимият ишонтириш, мувофиқлаштириш, қонунийлик, парламентаризм, фақат қонун доирасидагина мажбурлаш воситалари билан амалга оширилади. Давлат олий органлари халқнинг ваколатига эга бўлади, ҳокимият халқ манфаатлари йўлида амалга оширилади, инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликлари кенг ҳимоя қилинади, жамиятнинг барча соҳаларида қонун устувор бўлади.
- "Тесқари алоқа механизми" қисман ёпиб қўйилиб, тўғри алоқаларнинг аҳамияти оширилса сиёсий муносабатлар *авторитар* характерда бўлади;
- "Тесқари алоқа механизми" тўлиқ тугатилганда ва фақат тўғри алоқалар бўлганда сиёсий муносабатлар *тоталитар* характерда бўлади. Ҳокимият диктаторлик, қучга асосланувчи воситалар билан амалга оширилади. Тоталитар тартибдаги жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинмайди, жамиятда қонунсизлик ва ўзбошимчалик ҳукмрон бўлади.

Ҳар бир мамлакатдаги сиёсий муносабатларга гуруҳлараро, гуруҳлардаги ички ва шахслараро муносабатлар ҳам қиради. Дунё миқёсидаги сиёсий муносабатлар эса давлатлараро (халқаро) ва глобал сиёсий муносабатларни ўз ичига олади. Шундан кўриниб турибдики, сиёсий муносабатлар ташкилий тузилиши жуда мураккаб ва кўп даражали тизимлардан иборат.

Сиёсий муносабатлар ишонч ва ҳамкорлик ёки рақобат, низо ва антагонизм характерида бўлиши мумкин. Юқорида айтиб ўтилган барча сиёсий муносабатлар йиғиндиси ҳар бир жамият сиёсий системасининг қандай амал қилишини белгилаб беради.

Сиёсий нормалар – жамият сиёсий ҳаётини мувофиқлаштириб, бошқариб турувчи норма ва анъаналар йиғиндисидир. Сиёсий муносабатларнинг қандай шаклда ва қанақа доирада бўлиши фақат давлат-сиёсий институциялари билангина эмас, шу билан бирга норматив тизим (мамлакат Конституцияси, бошқа қонун ва қонунга оид ҳужжатлар), булардан ташқари ёзилмаган сиёсий анъаналар, одатлар, жамоат ташкилотлари нормалари, ахлоқий нормалар билан бошқариб турилади.

Сиёсий маданият ўз ичига қуйидаги элементларни олади:

- муайян жамият учун типик бўлган ва мустақамланиб қолган сиёсий ҳатти-ҳаракат намуналари ва қадрият мўлжаллари;
- мазкур жамиятнинг сиёсий тизими, сиёсий институциялар ва жараёнларнинг хусусиятларини белгилаб берувчи билимлар, ҳатти-ҳаракат нормалари ва намуналари, қадрият ва анъаналари;
- ижтимоий гуруҳлар ва алоҳида кишиларнинг сиёсат соҳасидаги сиёсий ҳатти-ҳаракатларга таъсир кўрсатувчи тарихий тажрибаси, хотираси, ҳатти-ҳаракат маданияти, шахсий мўлжаллари ва кўникмалари.

Сиёсий маданият у ёки бу жамиятда ҳукмрон бўлган сиёсий режимнинг вужудга келиши, характери ва хусусиятларини, ижтимоий гуруҳлар ва индивидларнинг сиёсий онги ва ҳатти-ҳаракатларини тушунтириб беради. Сиёсий маданият қисмларини ўзаро мустақамловчи элемент жамиятнинг бутун фаолияти учун умумий бўлган ҳамда мафкурада акс этадиган қадриятлар, нормалар, дастурлар йиғиндиси бўлмиш *сиёсий дунёқараиш* ҳисобланади.

Сиёсий маданият субъектлари сифатида умуман жамият ҳам, шунингдек, синфлар, ижтимоий қатламлар, муайян жамоалар ва алоҳида шахслар ҳам чиқиши мумкин. Ҳар бир мамлакат ва ҳар бир халқ ўзига хос бўлган сиёсий маданиятига эга. Ҳар бир мамлакат сиёсий онги ва ҳатти-ҳаракатларидаги тарихий таркиб топган, нисбатан мустақам, одатий бўлиб қолган эътиқодлар, кўрсатмалар, тасаввурлар, ҳатти-ҳаракат намуналари унинг сиёсий маданиятини ташкил қилади ва уни бошқалардан фарқлаб туради. Масалан, кўпгина ғарб мамлакатлари учун тарихий таркиб топган формаллашган онг ва унга асосланиб ҳуқуққа, қонунга, шартномага ҳурмат, шахснинг бошқаларни ва ўз ўзини, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини юқори даражада ҳурмат қилиши, давлатнинг фуқаролар шахсий ҳаётига аралашмаслиги, индивиднинг ўз-ўзини юқори даражада чеклаши характерли бўлиб, ана шуларсиз ҳақиқий демократия ва ҳуқуқий давлатнинг бўлиши мумкин эмас.

Собиқ Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар ўрнида вужудга келган давлатлар сиёсий маданияти эса, аксинча, жамият ҳаётида *давлатнинг устунлиги* ва шунга боғлиқ ҳолда ҳокимиятнинг авторитар характердалиги, *патернализм* (*яъни давлатнинг жамиятга "ҳомийлик" қилишга интилиши*) ва ҳокимиятга оид муносабатларнинг патерналистик характердалиги, аҳолининг ҳокимиятга нисбатан *клиентилистик* (*яъни давлат ҳимоясида, ҳомийлигида бўлишга одатланиб қолиш*) муносабатда бўлиш, жамиятда давлатдан мустақил бўлган ва унга боғлиқ бўлмаган фуқаролик жамияти институцияларининг тараққий этмаганлиги, *ҳокимиятнинг сакраллашгани* ва *сиёсий муносабатларнинг персонификациялашуви* (*яъни қонуннинг эмас, балки алоҳида шахснинг устунлиги*) билан тавсифланади.

2. Давлат сиёсий системанинг асосий институти

Ижтимоий ривожланиш натижасида ҳар бир халқ тарихида давлат турли вазиятларда, турли даврларда вужудга келган. Давлатнинг пайдо бўлиши ҳақида бир-биридан фарқ қиладиган бир қанча назариялар мавжуд.

1. *Патриархал назария* вакиллари (Аристотель, Филмер) фикрича давлат оиланинг эволюцияси натижасидир, давлат бошлиғи патриархал оила бошлиғига ўхшайди ва ундаги жараёнлар оиладаги муносабатлар каби тузилган.

2. *Диний назариялар* эса давлатни ҳам бошқа ижтимоий ходисалар қатори илоҳий қаромат сифатида тушунишади, уларнинг фикрича давлат худо белгилаб берган нормаларни ўз фуқаролари орасига сингдиради ва уларнинг бажарилишини назорат қилади.

3. *Шартнома назарияси* вакиллари (Г. Гроций, Т. Гоббс, Ж.Ж. Руссо) фикрича давлат кишилар ўртасидаги келишув, шартнома натижасидир. Давлат кишиларнинг ўзаро келишуви натижаси эканлиги ҳақидаги фикрларни Эпикур ҳам айтган эди. Бу назарияга мувофиқ суверенитет умуман халққа тегишли, ҳукмдорлар эса – халқ вакиллари бўлиб, халқ олдида ҳисобот бериб туради ва халқ хоҳишига кўра алмаштирилади.

4. *Гегелнинг давлат ҳақидаги таълимоти.* Гегелнинг қарашлари унинг куйидаги таъкидидан келиб чиқади: "Воқеъ нарсаларнинг барчаси ақлга мувофиқдир". Гегель табиат ва жамият ҳодисаларининг асосида, демакки, давлат ва ҳуқуқ асосида ҳам, абсолют руҳий ва ақлий ибтидо – "абсолют ғоя" туради, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича давлат ахлоқ амал қилишининг олий шаклидир, у ҳеч кимнинг манфаатларига хизмат қилмайди, балки ўз-ўзича абсолют мақсад ҳисобланади. Гегел таълимотида давлат олий қадриятларнинг акс этиши сифатида тасвирланади, у шахсга нисбатан олийлик ҳуқуқига эга. Инсоннинг олий мажбурияти эса – давлатнинг муносиб аъзоси бўлишдир. Гегель шунингдек фуқаролик ҳодисасининг сиёсий-ҳуқуқий моҳиятини асослаб беради ва ватанпарварлик шахснинг муҳим белгиси эканлигини айтади.

5. *Истило назарияси.* XIX аср охири – XX аср бошларида вужудга келган. Унинг асосчилари (Л. Гумилович, К. Каутский, Е. Дюринг ва бошқалар) мазкур ғоянинг тўғрилигига исботни машҳур тарихий фактлардан (масалан, герман ва венгер давлатлари вужудга келишидан) қидирганлар. Австриялик тадқиқотчи Л. Гумилович шундай деб ёзади: "Тарих бизга давлатнинг фақат зўравонлик орқали вужудга келганидан бошқа бирорта мисолни кўрсата олмайди. Бундан ташқари, бу ҳамма вақт бир қабиланинг бошқаси устидан зўравонлиги бўлган, у кучли бегона қабиланинг кучсизроқ, аммо ўтроқ бўлишга улгурган аҳолини босиб олиши ва бўйсундириши сифатида намоён бўлган".

Давлатнинг вужудга келиши масаласи афтидан ҳали узоқ вақт мобайнида фанда мунозарали масала бўлиб қолади. Унга берилувчи жавоблар эса бир қатор объектив ва субъектив омилларга боғлиқ бўлади. Биринчидан, тарих, этнография, археологиянинг ривож билан биз давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши ҳақидаги янги-янги маълумотларни оламиз. Иккинчидан, ушбу маълумотлар доимо у ёки бу фалсафий мактаб вакиллари томонидан уларнинг концептуал мўлжаллари мазмунига мос равишда талқин қилинади.

Ҳар қандай давлат ундаги моҳият, мазмун ва шаклнинг бирлиги сифатида амал қилади. Давлат фаол амал қилиши, унинг механизми сифатли ва мутаносиб бўлиши учун қатъий ташкил этилган давлат ҳокимияти талаб этилади. Бу ерда давлат шакли биз учун асосий тушунча ҳисобланади. *Давлат шакли тушунчасида унинг бошқарув шакли, давлат тизими ва давлат сиёсий режими (тартиботи)нинг давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши сифатида акс этиши тушунилади.* Давлат шаклининг қандай бўлишига аҳолининг миллий таркиби, тарихий анъаналар, мамлакат ҳудудининг катта-кичиклиги ва бошқа омиллар таъсир кўрсатади. 1990 йилларнинг ўртасида собиқ Югославияда юз берган воқеалар, собиқ Совет Иттифоқи республикаларидаги мураккаб вазиятлар ҳар бир халқда "фақатгина унинг ўзига хос бўлган алоҳида, индивидуал шаклдаги конституцияси борлигини кўрсатди. Бир хил бўлган халқлар йўқ ва бир хил шаклдаги конституциялар ҳам бўлмаслиги керак. Кўр-кўрона кўчириб олиш ва тақлид қилиш бемаънилик, хавфли ва у ҳалокатли бўлиши ҳам мумкин".⁴

Бошқарув шакли олий давлат ҳокимияти ташкил этилиши усулини, унинг органлари ташкилий тартибини, уларнинг ўзаро алоқаси ва аҳоли билан муносабатларини, улар ташкил топишида аҳолининг қатнашув даражасини очиқ беради. Бошқарувнинг монархия ва республикадек асосий икки шакли мавжуд. Уларнинг олий органлари ташкил этилиш тартиби бўйича ҳам, таркиби бўйича ҳам, ваколатлари бўйича ҳам бир биридан фарқ қилади. Ҳозирги пайтда ҳар иккала кўринишдаги бошқарув шаклига эга бўлган давлатлар мавжуд.

Монархияда олий давлат ҳокимияти давлат бошлиғи - монархнинг (қирол, шоҳ, император ва ҳ.к.) якка ўзига тегишли бўлади, одатда улар тахтни мерос қилиб оладилар. Монархнинг аҳоли олдидаги масъулияти даражаси ҳар хил бўлиши мумкин: *адсолют (мутлақ) монархияларда* (масалан, Саудия Арабистонида) монарх давлатнинг ягона олий органи ҳисобланади; у қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади, ижро ҳокимияти органларини бошқаради ва олий судья ҳисобланади. *Чекланган монархияда* эса (масалан,

⁴ Теория государства и права. Под ред. В.М.Корельского и В.Д.Перевалова. М., 1999, 179-бет. Илгариги схемага □ам қаранг.

Швеция, Буюк Британияда) монарх ҳокимияти конституция, парламент, ҳукумат ва мустақил судьялар томонидан жиддий чегараланган бўлади.

Республикаларда эса давлат ҳокимияти маълум муддатга сайланган ва сайловчилар олдида масъулияти бўлган сайланган органларга тегишли бўлади. Тарихдан сизга маълумки, бошқаришнинг республика шакли қадимги кулдорлик давлатларида вужудга келган ва ўзининг ёрқин ифодасини Афина республикасида топган эди. Ўрта аср феодализида республикача бошқарув шакли ниҳоятда кам бўлган, улар баъзан ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқига эга бўлган "эркин" шаҳарларда (масалан, Венеция, Генуя, Любек, Новгород кабиларда) амал қилганлар, холос.

Ҳозирги пайтда республикалар парламентли ва президентлик республикасига ажратилади. Улар олий ҳокимият органининг қайси бири – парламентми ёки президент - ҳукуматни тузиши ва унинг ишига раҳбарлик қилиши ҳамда ҳукумат кимнинг олдида жавоб беришига кўра фарқланади. *Парламент республикасида* (масалан, ГФР) парламент нафақат қонунчилик ҳокимиятини амалга оширади, балки ҳукуматга ишончсизлик билдириб, унинг истеъфога чиқишини талаб қилишга ҳам ҳақли. Ҳукумат ўз фаолияти учун парламент олдида жавоб беради. Президент фақат давлат бошлиғи ҳисобланади, аммо у ҳукумат бошлиғи эмас. Сиёсий жиҳатдан бу нарса парламент сайловларида ғолиб бўлган партия (ёки партиялар) ҳукуматни тузишини аниqlатади, давлат бошлиғи эса – бордию у ана шу партиянинг раҳбари бўлмаса – унинг фаолиятини бошқариш имкониятидан маҳрум бўлади. Ҳукуматни Бош-вазир⁵ бошқаради.

Президент республикасида давлат бошлиғи парламентнинг муайян назорати остида ҳукуматни тузади, бу ҳукумат унинг олдида ўз фаолияти учун жавобгар бўлади. Одатда, лавозимини ҳам президентнинг ўзи бажаради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддасига мувофиқ "Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижроия ҳокимиятининг бошлиғи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти айна пайтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади". Президент ижроия ҳокимияти аппаратини тузади ва унга раҳбарлик қилади, республикада олий бошқарув ва давлат органларининг ўзаро муносабатларини таъминлайди, вазирликлар, давлат кўмиталари ва Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувининг бошқа органларини ташкил қилади ва тугатади, улар ҳақида кейинчалик Олий Мажлисда тасдиқлаш учун фармойишлар қабул қилади. У Бош вазирни, унинг биринчи ўринбосарини, Бош вазирнинг бошқа ўринбосарларини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурорини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади, бу фармойишлар кейинчалик Олий Мажлисда тасдиқланади (Конституциянинг 93-моддаси). Шундай қилиб Ўзбекистон Республикаси классик президентлик республикасидир.

Бундан ташқари "аралаш" ("ярим президентлик" ёки президентлик-парламентлик) республикалар ҳам мавжуд (Франция, Финляндия, Португалия), уларда парламент ва президент у ёки бу даражада ҳукуматни назорат қилиш бўйича ўз ваколатларини баҳам кўришади.

Асрлар мобайнида давлатлар бир биридан ички тузилиши (структураси) билан, яъни маъмурий-ҳудудий бирликларини ташкил этиш усули, шунингдек, давлат ҳокимиятининг марказлашув даражаси билан фарқ қилишган. Давлатнинг ушбу хусусияти *давлат тузилиш шакллари* дейилади, бунда давлатнинг ҳудудий тузилиши, ягона бўлган муайян давлатнинг ўз таркибий қисмлари билан муносабатлари кўзда тутилади.

Давлат тузилишининг унитар ва федератив деб аталувчи икки асосий шакли мавжуд. *Унитар давлатда ҳокимият марказлаштирилган бўлади, унинг маъмурий-ҳудудий бирликлари (вилоятлар, провинциялар, округлар ва шу кабилари) давлат тузилмаси мақомига, суверен ҳуқуқларга эга бўлмайди.* Унитар давлатда давлатнинг олий органлари, конституция, фуқаролик ягона булади. Давлат тузилишининг бу шакли давлатнинг


⁵ Ўша жойда, 181-бет.

бирлигини таъминлайди, у яхши бошқарилади. Шу пайтгача амал қилган давлатларнинг кўпчилиги унитар давлатлар бўлган.

Федератив давлат (федерация) – мураккаб иттифоқ давлатидир, унинг қисмлари (республикалар, штатлар, ерлар, кантонлар ва ҳоказолар) давлат ҳисобланади ёки давлат мақомига эга ҳодисалар бўлиб, улар суверенитетга эга. Қатъий илмий маънода конституция ёки шартномага асосланган давлатлар иттифоқига федерация дейилади. АҚШ, Канада, Бразилия, Мексика, ГФР, Ҳиндистон ва шу каби давлатлар федератив давлатларга мисол бўлади. Федерация таркибига кирувчи давлатга оид ҳодисалар ("федерация субъектлари") ўз конституциясига, фуқаролигига, конун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти каби давлат ҳокимиятининг олий органларига эга бўлиши мумкин. Федерацияда икки даражали (умум федерациявий ва унинг субъектларида) олий органлар тизимининг мавжудлиги уларнинг ваколатларини чегаралаш заруриятини туғдиради.

Жуда кам ҳолларда давлат тузилишининг *конфедератив* шакли учрайди. Қатъий қилиб айтиладиган бўлса, конфедерация давлат эмас. *Конфедерация – суверен давлатлар иттифоқи бўлиб, у муайян (иқтисодий, ҳарбий ва бошқа) мақсадларга эришиш учун ташкил этилади.* Конфедерация органлари аъзо-давлатлар фаолиятини, улар нима мақсадларда бирлашган бўлсалар, ана шу масалалар борасидаги фаолиятларинигина мувофиқлаштиради. Конфедерация суверенитетга эга бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси давлат тузилиши шакллари бир қатор хусусиятлари билан характерланади. Конституциянинг 68-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, посёлкалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасидан ташкил топади. Қорақалпоғистон Республикаси ўз маъмурий-ҳудудий тузилишини мустақил ҳал қилади. Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибига ўз суверенитетига эга бўлган ҳолда кирган бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси томонидан ҳимоя қилинади (Конституциянинг 70-моддаси). Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси доирасидаги ўзаро муносабатлари улар ўртасида тузиладиган шартнома ва келишувларга мувофиқ бошқарилади (Конституциянинг 75-моддаси).



3. Ҳокимиятнинг бўлиниш тамойили

Ҳокимиятнинг бўлиниш тамойили ҳозирги замон давлат ва ҳуқуқ назариясининг асосларидан бири бўлиб, кўп жихатдан француз маърифатпарварлигининг атоқли вакили, таниқли ҳуқуқшунос ва сиёсий арбоб Шарль Луи Монтескье (1689-1755) номи билан боғлиқ. Қомусий билимлар соҳиби бўлмиш бу олим ҳуқуқшунослик ва сиёсат масалалари билан бир қаторда фалсафа, ахлоқшунослик, тарих, социология, дин, сиёсий иқтисод, табиий фанлар,

санъат ва адабиёт билан ҳам шуғулланган. Монтескьенинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари унинг "Форс мактублари" (1721), "Римликларнинг буюклиги ва ҳалокати сабаблари ҳақида мулоҳазалар" (1734), "Қонунлар руҳи ҳақида" (1748) асарларида акс этган. Шунини айтиб ўтиш жоизки, Монтескье "Қонунлар руҳи ҳақида"ги китобини 20 йил мобайнида яратган.

Монтескье бошқаришнинг уч образини (шаклини) фарқлайди: республикавий, монархик ва деспотик. Республикача бошқарувда олий ҳокимият ёки бутун халқ (демократия) ёки унинг бир қисми (аристократия) қўлида бўлади. Монархия – бу қатъий ўрнатилган қонунлар воситасида бир киши томонидан бошқарилувчи давлатдир. Деспотияда эса барча нарсаси ҳар қандай қонун ва қоидалардан устун турувчи ҳукмдорнинг истаги ва иродасига қўра содир бўлади. Монтескье ана шу бошқарув шакллариининг вужудга келиши ва амал қилишини қонунчилик, ижроия ва суд ҳокимиятларининг сиёсий мувозанати, шунингдек, ушбу функцияларни амалга оширувчи органларнинг ўзаро муносабатлари характериға боғлайди. Унинг фикрича, ҳокимиятнинг ушбу уч тармоғи ўзаро мувозанатда бўлса бошқарув "мўътадил" бўлади, яъни бундай давлат тузумида "ҳеч кимни қонун талаб қилмаган нарсани бажаришга, аксинча, ҳеч кимни қонун рухсат берган нарсани бажармасликка мажбур этиб бўлмайди".

Ҳокимиятнинг бўлинишидан асосий мақсад - ҳокимиятни суиистеъмол қилишга имкон бермасликдир. Бундай имкониятнинг олдини олиш учун, дейди Монтескье, "шундай тартиб зарурки, бунда турли ҳокимиятлар бир-бирини тийиб туриши мумкин бўлсин". Ҳокимиятларнинг ўзаро бир-бирини тийиб туриши – уларнинг қонун томонидан белгилаб берилган ўз имкониятлари доирасида ўзаро қонуний ва уйғун амал қилишининг зарурий шартидир. "Бу уч ҳокимият осойишталик ва фаолиятсизлик ҳолатига келиши керакдек туюлади. Аммо ҳодисаларнинг зарурий оқими уларни фаолият кўрсатишга мажбур қилгани учун, улар ўзаро мувофиқлашган ҳолда фаолият юритишга мажбур бўлади". Бунда сиёсий тизимдаги белгиловчи ва асосий ролни, Монтескье асосли равишда, қонунчилик ҳокимиятига тегишли бўлади, деб ҳисоблайди.

Унинг фикрича ҳокимиятларнинг бўлиниши сиёсий эркинликни таъминлашнинг асосий шартидир: "Қонунчилик ва ижроия ҳокимиятлари бир киши ёки муассасада бирлаштирилса, эркинлик бўлмайди, чунки, ушбу монарх ёки сенат тиран (золим)ларча амал қилувчи тиран (золим, мустабид) қонунлар яратадилар. Суд ҳокимияти қонунчилик ва ижроия ҳокимиятидан ажратилмаса ҳам эркинлик бўлмайди. У (суд) қонунчилик ҳокимияти билан қўшилган тақдирда фуқаролар ҳаёти ва эркинлиги ўзбошимчалик ва зўравонлик ҳукми остига тушиб қолади, чунки бунда судья қонунчи ҳисобланади. Суд ҳокимияти ижроия ҳокимияти билан бирлаштирилган тақдирда судья зулм қилувчи, эзувчи бўлиш имкониятини қўлга киритади. Бордию бу уч ҳокимиятдан учаласи ҳам (яъни қонун яратувчи ҳокимият, умумдавлат характеридаги қарорларни бажарувчи ҳокимият ҳамда жиноятлар ёки хусусий шахсларнинг даъво ишларини суд қилиш ҳокимияти) бир кишида ёки мансабдорлар, оқсуяклар ёки оддий кишилардан иборат битта муассасада бирлаштирилган тақдирда барча нарсаси ҳалок бўлади."⁶

Ўзбекистон Республикасида ҳокимиятнинг қонунчилик, ижроия ва суд ҳокимиятларига бўлиниши Асосий Қонун – Конституцияда мустақамлаб қўйилган (11-модда). Асосий Қонуннинг бешинчи бўлими ("Давлат ҳокимиятининг тузилиши") қонунчилик, ижроия ва суд ҳокимиятларининг, шунингдек қонунчиликни бутун мамлакат ҳудудида аниқ ва бир хил бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи прокуратура органларининг тузилиши ва фаолияти тамойилларига бағишланган. Ушбу бўлимда Ўзбекистонда сайлов, молия тизимлари, шунингдек давлат хавфсизлиги ва муҳофафасини таъминлаш тамойиллари ҳам акс эттирилган. Ўзбекистон Республикаси давлат

⁶ Каранг: История политических и правовых учений. Учебник для вузов. Под ред. В.С.Нерсисянца. М., 1997, 287-288-бетлар.

ҳокимиятининг тузилиши масалалари қонунчиликнинг махсус ҳужжатларида (актларида) конкретлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ваколатлари доираси ғоят кенг бўлиб, улар Конституциянинг 78-моддасида акс эттирилган. Улар қаторига, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини, қонунларини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш; Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини аниқлаш ва давлат стратегик дастурларини қабул қилиш; Ўзбекистон Республикаси қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари тизимини ва ваколатларини белгилаш; Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш ва бошқа кўплаб масалаларни ҳалқилиш киради. Уларни сиз "Ҳуқуқшунослик асослари" фани орқали яхши биласиз.

2002 йил 27 январда бўлиб ўтган референдум (умумхалқ овоз бериши) натижасига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатали органга айлантирилди. Бу Ўзбекистон Республикасидаги барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасининг вакилликларини кучайтириш ҳамда қонунчилик фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида амалга оширилмоқда.

4. Ҳуқуқ – бошқарувнинг ижтимоий-сиёсий институти сифатида

Ҳуқуқнинг вужудга келиши ҳақидаги ғоялар давлатнинг келиб чиқиши ҳақидаги концепциялар билан мустаҳкам алоқадорликда бўлиб, албатта ўзига хос хусусиятларга эга. Ҳуқуқ таркиб топиши масалалари кўпинча ҳуқуқий бошқарув механизми ва ҳуқуқнинг табиати, моҳияти ва аҳамияти муаммолари билан биргаликда кўриб чиқилади.

Ҳуқуқ шунчалик даражада ўзига хос, мураккаб ва ижтимоий аҳамиятга молик ҳодисаки, унга бўлган илмий қизиқишлар асрлар мобайнида нафақат йўқолиб, балки тобора кучайиб бормоқда. Ҳуқуқнинг ўзи қандай ҳодиса эканлиги тўғрисида кўплаб илмий ғоялар, йўналишлар ва нуқтаи назарлар мавжуд.

Ҳозирги замон фанида "ҳуқуқ" ибораси бир неча мазмунда қўлланилади. Биринчидан, кишиларнинг муайян даъволари (талаблари) ҳуқуқ деб аталади, масалан – яшаш ҳуқуқи ёки юқорида эслатиб ўтилган халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи. Бундай талаблар инсоннинг табиати билан белгиланган ва "табиий" ҳуқуқлар деб ҳисобланади. Табиий-ҳуқуқий қарашларнинг ибтидоси қадимги дунёга бориб тақалади: "Қонун кишилар ҳаётига ёрдам беришга интилади. Аммо бунга фуқароларнинг ўзлари бахтли яшашни хоҳласаларгина эришиш мумкин; қонун унга бўйсунувчилар учун – уларнинг ўз яхши фазилатларидан далолат ҳолос", - деб ёзган эди Демокрит. Табиий-ҳуқуқий назариялар натижасида ҳуқуқ ва қонунни бир биридан фарқлаш имконияти вужудга келди, улар ҳуқуқ ва ахлоқни концептуал жиҳатдан бирлаштиришди.

Иккинчидан, ҳуқуқ деганда юридик нормалар тизими, яъни давлат томонидан ўрнатилган умуммажбурий қоидалар тушунилади, уларнинг бузилиши эса юридик жавобгарликни вужудга келтиради (ҳуқуқнинг объектив маъноси). "Ҳуқуқ" ибораси "конституциявий ҳуқуқ", "жиноят ҳуқуқи", "халқаро ҳуқуқ" ва шу каби сўз бирикмаларида айнан ана шу маънода ишлатилади. "Ҳуқуқ" ибораси шундай маънода кўплик шаклида ишлатилмайди. Норматив ҳуқуқ назариясининг асосчиси Г.Кельзеннинг фикрича, ҳуқуқ "асосий норма" бошчилик қилувчи иерархияли "пирамида"га ўхшайди. Бундай пирамидада ҳар қандай норма ўз ўрнига эга, унинг юридик кучи ўзидан юқорида турувчи нормаларга бўйсунishi билан белгиланади. Ҳуқуқни ушбу назария доирасидаги ҳозирги қарашларни қуйидаги схема орқали акс эттириш мумкин:

- Ҳуқуқ – бу норматив актларда (текстларда) баён этилган ўзаро боғлиқ ва ўзаро таъсир этувчи нормалар тизимидир;

- Ҳуқуқ нормалари давлат томонидан чиқарилади, унда қонун даражасига кўтарилган давлат иродаси акс эттирилади;
- Ҳуқуқ нормалари энг муҳим ижтимоий муносабатларни бошқаради;
- Ҳуқуқнинг ўзи ва унинг амалга оширилиши зарурий ҳолларда давлатнинг мажбур этувчи кучи орқали таъминланади;
- Ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши, ҳуқуқий онгнинг таркиб топиши, ҳуқуқий фаолият нормаларга боғлиқ бўлади.

Учинчидан, фуқароларнинг ёки юридик шахслар (ташкilotлар) ҳатти-ҳаракатининг расмий тан олинган имконияти чегараларига ҳам ҳуқуқ дейилади. Шу маънода, фуқаролар меҳнат қилиш, дам олиш, соғлиғини сақлаш, ижтимоий таъминот ва шу каби, ташкilotлар эса мулкка эгалик, давлат ва ижтимоий ҳаётнинг муайян соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқларига эга. Бу ҳолатларда ҳуқуқнинг субъектив мазмуни ҳақида фикр юритилмоқда, чунки бунда ҳуқуқнинг у ёки бу субъектига тегишли ҳуқуқ назарда тутилмоқда. Асосий ҳуқуқ ва эркинликларнинг қонунчиликка нисбатан бирламчилигини таъкидлайдиган табиий-ҳуқуқий назариядан фарқли равишда позитивизм деб аталган қараш субъектив ҳуқуқни давлат томонидан ташкilot этилган объектив ҳуқуққа боғлаб қўяди. Бу назарияга мувофиқ жисмоний ва юридик шахслар "позитив" ҳуқуқда, яъни давлат томонидан ўрнатилган қонунчиликда белгиланган ҳуқуқларгагина эгадир, бу ҳуқуқлар давлат томонидан тан олинган ва уларга "совға қилинган"дир. Позитивизмда ҳуқуқ ва қонун бир бирига тенглаштирилади.

Ҳар қандай миллий ҳуқуқий тизим минг-минглаб ёзма нормалар йиғиндисидан иборат бўлган ҳолат йирик ҳодисадир. Шунинг учун ҳуқуқнинг у ёки бу нормалари томонидан бошқариладиган ижтимоий муносабатлар (ҳуқуқий муносабатлар) мазмунига боғлиқ ҳолда ҳамда мўлжаллашни осонлаштириш учун ҳуқуқ тизимлари соҳаларга ажратилади. Ҳуқуқни соҳаларга ажратишнинг асосий белгиси у ёки бу ҳуқуқ соҳаси бошқарадиган ижтимоий муносабатларнинг бир таркибли эканлигидир. Масалан, фуқаролик ҳуқуқи мулк (мол-мулк, товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш ва шу каби) ва у билан боғлиқ номулк (муаллифлик ҳуқуқи, исм-шарифини, тасвирини, ор-номусини, кадр-қимматини ҳимоя қилиш ва шу каби) муносабатларни бошқаради. Меҳнат ҳуқуқи иш берувчи ва ишчининг иш вақти, меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнатнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий шароитлари бўйича ўзаро муносабатларини бошқаради. Жиноят ҳуқуқи жисмоний шахсларнинг қандай ҳатти-ҳаракати жамият учун хавфли эканини аниқлайди ва уларни амалга оширганлик учун жавобгарлик доирасини белгилаб беради.

Юқорида айтилгандардан ҳуқуқ умумижтимоий моҳиятга эга эканлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин. У жамиятнинг барча аъзолари манфаатларига хизмат қилади, ижтимоий алоқаларнинг ривож, барқарорлиги, тартиби ва ташкилийлигини таъминлайди. Инсоннинг ҳуқуқни қандай тушунишидан унинг ўз эркинлиги чегараларини тушуниши, демакки, унинг ўз ҳуқуқлари доирасидаги эркинлиги, жамиятнинг эса давлат шаклида ушбу эркинликларнинг ҳимоясида турганлиги аён бўлади. Ҳуқуқ (субъектив маънода) – бу оддий эркинлик эмас, балки қафолатланган, тажовузлардан ҳимояланган эркинликдир. Ҳуқуқ шарофати билан "яхшилик" ҳаёт нормасига айланади, "ёмонлик" эса ана шу норманинг бузилиши сифатида тушунилади.

Шу билан бир қаторда халқаро ҳуқуқ ҳақида ҳам бир неча оғиз фикр билдириш лозим. У кўпинча "халқаро муносабатларни бошқарувчи тамойил ва нормалар йиғиндиси" сифатида таърифланади. "Халқаро ҳуқуқ" иборасини инглиз мутафаккири И. Бентам (1748-1832) таклиф этган, у ушбу ибора давлатларнинг ўзаро алоқаларини (муносабатларини) билдиради, деб ҳисоблаган. Кейинчалик бу фикр юристлар томонидан қабул қилиниб, халқаро муносабатлар деганда фақат давлатлараро ҳуқуқий алоқалар тушунила бошлаган. Ҳозирги пайтда эса халқаро ҳуқуқ бошқачароқ, комплексроқ тушунилиши керак. Ҳозирги халқаро муносабатлар ижтимоий ҳаётнинг жуда турли соҳаларини – иқтисодий алмашувлардан тортиб спорт мусобақаларигача – қамраб олади. Уларнинг қатнашчилари ҳам

турли-туман, унда давлатлар, давлат бирлашмалари ва ҳатто оддий индивидлар ҳам бор. Халқаро ҳамжамиятнинг характеристикаси ҳам ноёбдир: қонунчилик, ижроия ва суд ҳокимиятларига бўлинувчи давлатлардан фарқли равишда халқаро даражада ана шундай вазифаларни бажарадиган органлар йўқ. Шунинг учун ана шу ҳамжамият аъзоларининг муносабатларини бошқарувчи ҳуқуқий нормалар ҳам ноёб ва қайтарилмасдир.

Халқаро ҳуқуқ – халқаро муносабатларни тинчлик ва давлатлар ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида бошқариб турувчи юридик нормалар тизимидир.

Ҳақиқатан ҳам, халқаро ҳуқуқнинг кўпчилик нормалари жисмоний ёки юридик шахсларнинг эмас, давлатларнинг ҳатти-ҳаракатини бошқаришга йўналтирилган. Чунки айнан давлатлар жаҳон майдонидаги асосий ҳаракат қилувчи кучларни ташкил этадилар. Бироқ тарихий тараққиёт давомида бирорта давлат ёки давлатлар гуруҳи жаҳон ҳамжамиятига ўз иродасини "ўтказа" олмади; аксинча, халқаро маъмурий муносабатлар ҳам узук-юлуқ ва нобарқарордир. Албатта, сиёсий ва ҳарбий иттифоқлар тузилиши шунини кўрсатадики, у ёки бу давлатлар гуруҳининг манфаатлари улар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг муайян даражада ўзаро мувофиқлаштирилишига олиб келади. Аммо универсал халқаро ҳокимият тизимлари мавжуд эмас: ҳатто БМТ Хавфсизлик Кенгаши ҳам "бутун жаҳон ҳокимияти" эмас, бу ташкилотнинг Бош Ассамблеяси "умумжаҳон парламенти" эмас, Халқаро Суднинг қарорлари эса ҳам юридик, ҳам сиёсий жиҳатдан чегараланган. Субъектларнинг ўзаро муносабатлари охири-оқибатда вертикаллик тамойилга асосланувчи миллий ҳуқуқий тизимлардан фарқли равишда халқаро муносабатлар асосан горизонтал ҳисобланади. Халқаро ҳуқуқ унинг моҳиятини ифодаловчи камида учта характерли хусусиятга эга:

- Халқаро-ҳуқуқий бошқариш объекти давлатлараро муносабатлар ҳисобланади. Бу муносабатлар халқаро ҳуқуқнинг объектив чегараларини белгилаб беради. Миллий ҳуқуқий тизимлар давлатларнинг суверен тенглиги тамойили жиҳатидан ҳам, ҳуқуқий тизимларнинг турли-туманлиги учун ҳам давлатлараро муносабатларни бошқаришга қодир эмас, албатта. Худди шунинг учун халқаро норматив тизимларнинг энг мунозарали масаласи туғилади: миллий ва халқаро ҳуқуқнинг нормалари ўзаро қандай муносабатда бўлади? Монистик⁷ қараш тарафдорлари миллий ва халқаро ҳуқуқ бўлинмасдир, чунки ҳар қандай юридик нормаларнинг табиати бирдир, дейишади. Дуалистик қараш тарафдорлари эса, миллий ва халқаро ҳуқуқни бир-биридан ажратишади, чунки уларнинг бошқариш объектлари ва уларга таъсир этувчи юридик воситалар турличадир. Миллий ҳуқуқнинг халқаро ҳуқуқдан устунлиги⁸ тарафдорлари эса халқаро ва миллий ҳуқуқ нормалари ўртасидаги зиддиятни миллий ҳуқуқ фойдасига ҳал қиладилар. Ниҳоят, ҳозирги пайтда кенг тарқалган қарашлардан яна бири халқаро ҳуқуқни миллий ҳуқуқдан устун қўювчи қарашдир. Уларнинг фикрича давлатлар халқаро шартномаларни имзолайдилар, бунда улар ўз иродаларига кўра халқаро тамойилларни тан оладилар, шунинг учун миллий ҳуқуқ нормалари халқаро стандартларга мослаштирилиши керак. Ҳозирги пайтда давлатларнинг кўпчилиги ана шу нуқтаи назарни ёқлаб чиқишмоқда. Ўзбекистон республикаси Конституциясининг Муқаддимасида ҳам "халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлиги" мустаҳкамлаб қўйилган.

- Халқаро ҳуқуқ субъектлари халқаро ҳуқуққа мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган халқаро муносабатларнинг қатнашчиларидир. Халқаро ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳажми турлича бўлгани сабабли улар асосий ва махсус субъектларга ажратилади:

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ СУБЪЕКТЛАРИ

⁷ Грекча "моно" – битта, миллий ва халқаро ҳуқуқнинг бирлиги тарафдорларига шундай дейилади.

⁸ Бу концепция вакиллари халқаро ҳуқуқнинг юридик кучини инкор этадилар. Уларни "халқаро-ҳуқуқий нигилистлар" деб ҳам аташади.



• Халқаро ҳуқуқ унинг асосий субъектлари ҳисобланувчи икки ёки ундан ортиқ томонларнинг ўз *хоҳиш-иродасини* (очиқ ёки сукут орқали) мувофиқлаштириши билан тузилади. Махсус субъектларда (Ватикандан бошқа) халқаро ҳуқуқ нормалари яратиш қобилияти йўқ. Халқаро ҳуқуқнинг асосий манбалари (амал қилиш шакллари) *халқаро шартнома ва халқаро одат (таомил)* ҳисобланади.

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ АСОСИЙ МАНБАЛАРИ

Халқаро шартнома – икки ёки ундан ортиқ давлатнинг халқаро муносабатларнинг муайян масаласи бўйича ёзма келишуви. Халқаро шартнома конвенция, пакт, келишув, статут, низоми ва бошқа номларда аталиши мумкин. Унинг номи халқаро шартноманинг юридик кучига таъсир этмайди.

Халқаро одат (таомил) – доимий амалиёт натижасида давлатлар шартли-шарқатининг мажбурий деб тан олинган ёзилмаган қоидалари. Халқаро одатлар йиғиндиси халқаро одатий ҳуқуқ деб аталади.

Халқаро Суд БМТнинг асосий судлов органи ҳисобланади, у Миллатлар Лигаси халқаро судлов Доимий Палатасининг ворисидир. Унинг Статути (Низомининг 38-моддасида халқаро ҳуқуқ нормаларининг энг ишончли манбалари рўйхати келтирилган. Асосий манбалардан ташқари, 38-моддада цивилизациялашган халқлар томонидан тан олинган *ҳуқуқнинг асосий тамойиллари*, шунингдек турли миллат вакиллари халқаро муносабатлар соҳасидаги энг юқори малакали ҳисобланувчи мутахассисларининг *судлов қарорлари ва доктриналари (таълимотлари)* ҳуқуқий нормаларни аниқлашдаги қўшимча восита (манба) сифатида келтирилган.

5. Фуқаролик жамияти тушунчаси

"Фуқаролик жамияти" тушунчаси инсоният сиёсий-ҳуқуқий тафаккури тараққиётининг барча босқичларида амал қилган деб хулоса чиқариш мумкин. У илғор фикрловчи кишиларнинг ақл-идрок, эркинлик, бахт-саодат, адолат ҳукмронлик қилувчи идеал жамият тузиш ҳақидаги интилишларини характерлайди. Фуқаролик жамияти вужудга келиши доимо ҳуқуқ ва қонун аҳамиятининг ошиши, жумладан, ҳуқуқий давлат вужудга келиши билан боғлиқ ҳолда тушинилган. Жумладан, қадимги дунёда (бизнинг тушунчамиздаги) фуқаролик жамияти масалаларига Платон ва Аристотель эътибор берган эдилар. Цицерон ўзининг "Диалоглар" асарида шундай дейди: "... қонун фуқаролик

жамиятининг боғловчи халқаларидир, қонун томонидан ўрнатилган ҳуқуқ ҳамма учун бирдир". XVI-XVII асрларда Н.Макиавелли, Г.Гроций, Т.Гоббс, Ж.Локк, Ш.Монтескье, Ж.Ж.Руссолар фуқаролик жамиятига ҳамма шаклдаги эмас, фақат муайян ҳокимият шакллари мос келиши ҳақида фикр билдирганлар. Шаркнинг буюк мутафаккирлари – Абу Наср Форобий (870-950), Абу Али ибн Сино (980-1037), Ибн Рушд (1126-1198) ва бошқалар "етук давлатлар" ҳақида ўзларининг ноёб лойиҳаларини олға сурганлар. Фуқаролик жамияти ҳақидаги қарашларга И.Кант ва Г.В.Ф.Гегель ҳам катта ҳисса қўшдилар. Фуқаролик жамияти ҳақидаги ҳозирги фикрларда унинг бир қанча муҳим белгилари борлиги қайд этилади. Уларни муфассалроқ кўришга ҳаракат қиламиз:

- Фуқаролик жамияти – энг аввало *эркин* индивидлар жамоасидир. Иқтисодий жиҳатдан бу нарса ҳар қандай индивиднинг мулкдорлигини англатади. Совет даври Асосий Қонунларида бундай нормаларнинг бўлиши мунозарали бўлган бўлсада, улардан фаркли равишда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг мулкдорлик ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган (36-модда). Эркинликнинг сиёсий жиҳати фуқароларнинг сиёсий партиялар ва бирлашмаларда⁹ қатнашиши, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига сайловларда қатнашиш қобилиятларини англатади. Фуқаролар эркинлиги қонун томонидан ўрнатилган суд ва маъмурий механизмлар орқали таъминланиши лозим.

- Фуқаролик жамияти ички ва ташқи жиҳатдан *очиқликни* намоён этади. Унда сўз эркинлиги, турли ахборотларни олиш эркинлиги, мамлакатдан чиқиш ва кириш эркинлиги, бошқа мамлакатлар билан ахборот, таълим технологияларини кенг даражали ва доимий алмашиш эркинлиги таъминланади. Бундай жамият инсонпарварлик тамойилларига содиқ бўлади, унда турли йўналишлардаги нодавлат нотижорат ташкилотлар¹⁰ фаолияти йўлга қўйилган бўлади ҳамда давлат халқаро ҳуқуққа мос равишда халқаро ташкилот ва муассасаларда иштирок этади.

- Фуқаролик жамияти – комплекс ташкиллашган *плюралистик тизим* демакдир. Бундай жамиятда плюрализмнинг устунлиги унда турли-туман ижтимоий институциялар (касаба уюшмалари, партиялар, тадбиркорлар бирлашмалари, истеъмолчилар жамиятлари ва шу қабилар) мавжудлигини англатади. Плюрализмда эркин дунёқараш тақазо этилади, мафжуравий камситишларга йўл берилмайди, инсон ҳуқуқлари ҳурмат қилинади, турли динларга, қарама-қарши фикрларга нисбатан сабр-тоқатли бўлинади.

- Фуқаролик жамияти - *ҳуқуқий демократик жамиятдир*. Бундай жамиятда фуқаро ва инсоннинг табиий ва жамият томонидан инъом этилган ҳуқуқлари жамият аъзоларини ўзаро боғлаб туради. Фуқаролик жамияти давлат билан биргаликда ҳуқуқий давлатга томон тараққий этади. Шу маънода ҳуқуқий давлат фуқаролик жамиятининг меваси, натижаси саналади.

Фуқаролик жамияти – шахсга томон йўналтирилган, ҳуқуқий анъана ва қонунларга ҳурмат вазиётини, умумгуманистик идеалларни яратувчи, ижод ва тадбиркорлик эркинлигини таъминловчи, инсон ва фуқаро ҳуқуқларини амалга оширувчи ва бахт-саодатга эришувчи таъминловчи эркин демократик ҳуқуқий жамиятдир.
--

Инсоният тарихидаги барча халқлар ўз тараққиётида уюшиб яшашнинг турли шакллари, яъни фуқаролик жамиятининг ўзига хос босқичларини босиб ўтишган. Унинг илк шакли давлатчилик вужудга келмасдан аввал пайдо бўлган турли жамоалар бўлган. Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон халқлари тарихида бу шакл маҳалла жамоаларига бирлашув шаклида бўлган. Уюшиб яшаш кўпгина масалаларни биргаликда ечишга имкон берган, хусусан, меҳнатни ташкил этиш, ҳимоя қилиш, тадбирларни ўтказишдаги ҳамжиҳатлик ва бошқалар бу жамоавий яшаш шаклининг узоқ даврлар мобайнида сақланиб қолишини

⁹ "Сиёсий партиялар ҳақида"ги қонун Олий Мажлис томонидан 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган.

¹⁰ "Нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳақида"ги қонун Олий Мажлис томонидан 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган.

таъминлаган. Бизнинг шароитимизда бу нарса қишлоқларда жамоалар, шаҳарларда – маҳаллалар шаклида шаклланган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда халқнинг ўзини ўзи бошқариш тизимига ўта бориш жараёнини мустақамлаш мақсадида тарихий илдизлари узоқ даврларга бориб тақаладиган маҳалла институтини қайта тиклаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шарқ демократиясининг ўзини оқлаган тарихий шакли бўлмиш маҳалла фуқаролик жамияти барпо этишдаги ўзига хос босқич ролини ўташи кўпчилик учун шубҳасиз ҳақиқатдир.

Маҳалла (арабча "маҳалла" – жой, ўрин, макон) Ўзбекистоннинг муайян тарихий шароитларида, асрлар давомида шаклланиб фаолият кўрсатаётган, аҳоли яшайдиган маъмурий-худудий бирлик. Маҳалла ўзини ўзи бошқарув тизимининг муҳим миллий-ижтимоий органи бўлиб, у Ўзбекистондаги ҳаёт тарзининг маҳаллий кўринишдаги шакли ҳамдир. Аслини олганда маҳаллалар 1917 йилгача жуда кенг иш олиб бориб, маҳаллий аҳолини бирлаштирувчи, уюштирувчи ташкилий тузилма бўлиб келган. Совет давридаги тузум ва мафкура маҳаллаларни расман тан олмади, аммо аҳолининг чуқур норозилигига сабаб бўлмаслик учун маҳаллаларни тақиқлаб ҳам қўя олмади, уни жамиятнинг бошқарув тизимига киритмади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин халқнинг ўтмишдаги қадриятларини топиш ва улардан жамиятни ривожлантириш учун фойдаланиш томон йўл тутилди. Бошқа кўплаб масалалар қатори, маҳалла ва унинг имкониятларидан фойдаланиш масаласига ҳам етарли эътибор берилди ва у ҳозирги кунда ҳаётимизда ўзига хос роль ўйнамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, "Маҳалла, таъбир жоиз бўлса, кишилик жамиятида алоҳида тарбиявий аҳамиятга молик бўлган ўзига хос маскандир дейиш мумкин. Бу ноёб тажриба, аҳолининг маҳалла бўлиб яшаш тарзи жаҳоннинг бошқа мамлакатларида кам учрайди. Шунинг учун ҳам инсонни жамият билан бирга яшашга ўргатадиган, шу руҳда тарбиялайдиган бирламчи ва бекиёс макон – бу маҳалладир".¹⁰

Мустақиллик йилларида маҳаллаларга муносабат тубдан ўзгарди. 1992 йил 12 сентябрда Президентнинг "Республика "Маҳалла" хайрия жамғармасини тузиш тўғрисида"ги Фармони, сўнгра Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 17 октябрдаги "Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. 1992 йилда республикада 8 мингга яқин, жумладан, Тошкент шаҳрида 279 маҳалла бор эди. 2000 йилга келиб уларнинг сони республикада 13 мингдан ортди, Тошкентда эса 481 дан кўпроқ маҳалла фаолият юритмоқда.

Маҳалла мавқеининг ошиб бориши қуйидаги ҳуқуқий асосларга таянади:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (105-модда);
- 2) Дастлаб 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган ва 1999 йил 14-апрелда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонуни.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига кўра "Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари" ҳисобланади. Маҳалла – она маскан, соғлом ижтимоий муҳитдир. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри маҳалла аҳолисининг ҳуқ-атвори, ўзаро муносабатларини адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради. Шу маънода маҳалла, Президентимиз таъбири билан айтганда ҳақиқий демократия дарсхонасидир. Маҳалла – таянч маркази, чунки у кам таъминланган, кўп болали оилалар, ёлғиз кексаларнинг таянчидир. Маҳалла – маънавий-ахлоқий қадриятлар, анъаналар маскани, у ёшларни касб-корга йўналтирувчи, ишсизларни иш билан таъминловчи ижтимоий ҳимоя ҳамдир. Маҳалла – оила тинч-тотувлигини,

¹⁰ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд, Т., Ўзбекистон, 1999, 305-306- бетлар.

шипслигини мустаҳкамловчи жой, у айна ҳолда тарбия маскани ҳамдир, зеро – "Бир болага етти қўшни ота-она", дейди доно халқимиз.

Маҳалланинг ўзига хос ажойиб ҳодиса эканлигини таъкидлаб Россиялик тадқиқотчи О. Брусина шундай деб ёзади: "Одатий ҳуқуққа асосланган ҳолда Ўрта Осиёда азалдан амал қилиб келаётган мазкур ижтимоий институт ўзининг мослашувчанлиги, айна ҳолда ички консервативлиги сабабли жуда мустаҳкам эканлигини кўрсатди."¹¹

Маҳалла қўмиталари бозор иқтисоди қонунлари асосида аҳоли учун тадбиркорликка имкон яратмоқда, олди-сотди, тўй-марака маросимларини уюштириш, ҳашарлар ташкил этиш, оилавий низоларни ечиш, беморлар ҳолидан хабар олиш каби қўплаб йўналишдаги савоб ишлар билан шуғулланмоқда. Маҳаллада ҳўжалик ва маданий ишлар, унинг ҳудудини ободонлаштириш, уй-жойларни ва шу ҳудуддаги маъмурий биноларни тоза сақлаш, озодаликни таъминлаш, тартиб-интизомни мустаҳкамлаш ва бошқа йўналишларда маҳалланинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда.

Юқоридагилардан маълум бўлмоқдаки, ҳозирги даврда шахсни қуршаб турган норматив ҳудуд жуда кенгдир. Турли туман одатлар, анъаналар, диний ва ахлоқий нормалар қатори шахснинг жамиятдаги ҳолатига сон-саноксиз сиёсий нормалар, миллий ва халқаро ҳуқуқнинг қоидалари ҳам таъсир кўрсатади. *Инсон бир пайтнинг ўзида сиёсатнинг ҳам субъекти, ҳам объекти, шунингдек, ҳуқуқнинг ҳам яратувчиси, ҳам ижрочиси ҳисобланади.* Шунинг учун *шахснинг сиёсий-ҳуқуқий мақоми масаласига* эътибор бермаслик мумкин эмас.

Ушбу категория *умумлашган*, универсал хусусиятга эга. У инсоннинг у ёки бу ижтимоий гуруҳга тааллуқли эканлигига (фуқаро, чет эллик, фуқаролиги бўлмаган шахс, қочоқ ва ҳоказо), ихтисослиги ёки ҳунарига боғлиқ ҳолда унда муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлари мавжудлигини билдиради. Айна ҳолда у инсоннинг *индивидуал* хусусиятларини акс эттиради. Сиёсий-ҳуқуқий мақом тушунчаси инсоннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини *ўзаро боғлиқликда* кўришни, давлат томонидан кўзда тутилган кафолатлар ва шахсий (ахлоқий ва ҳуқуқий) масъулиятни эътиборга олишни назарда тутаяди. Сиёсий-ҳуқуқий мақом жамият аъзосининг асосий ижтимоий характеристикаларидан биридир. Одатда шахс сиёсий-ҳуқуқий мақомининг беш "даражаси" фарқланади:

- Шахснинг *халқаро мақоми* халқаро ҳамжамят томонидан ишлаб чиқилган ва халқаро ҳужжатларда (масалан, 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, 1966 йилги Инсон ҳуқуқлари ҳақидаги Пакт, 1989 йилги Бала ҳуқуқлари ҳақидаги Конвенция, 1949 йилги Женева конаенциялари ва 1977 йилги уларга Қўшимча Протоколлар ва бошқаларда) мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ, эркинлик, мажбурият ва кафолатларни ўз ичига олади. Унинг ҳимояси ҳам миллий, ҳам халқаро воситалар билан амалга оширилиши мумкин.

- Шахснинг *конституциявий мақоми* у тегишли бўлган мамлакатнинг Асосий Қонунида ифодаланган фуқаронинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчлари ва гарантияларини ўз ичига олади. Конституциявий мақомнинг асосий хусусияти унинг барқарорлиги, мустаҳкамлиги бўлиб, у фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг конституциявий мақоми Асосий Қонунимизнинг "Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари" деб номланган иккинчи бўлимида акс эттирилган.

- Шахснинг *тармоққа (соҳага) хос мақоми* унинг ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги ҳуқуқ ва бурчларини акс эттиради, яъни бунда у ҳуқуқнинг алоҳида тармоқларидаги (меҳнат, фуқаролик, оила, жиноят ва бошқа) ваколатларини акс эттиради.

- *Фаолият турига оид (маҳсус) мақомда* инсоннинг бирор бир гуруҳга оидлиги ва унинг шу муносабат билан эга бўлган қўшимча ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс этади: ўқувчилар, талабалар, ҳарбий хизматчилар, нафақахўрлар, ногиронлар, диний уюшма аъзолари ва шу кабилар.

¹¹ Брусина О. Опыт адаптации к иноэтническому окружению в различные периоды XX века. // Диаспоры. 1999, № 2-3.

● *Индивидуал мақомда* алоҳида олинган конкрет инсоннинг жинси, ёши, касби, муайян жамоат ташкилоти ёки бирлашманинг аъзолиги, давлат ишини бошқаришда қатнашиш даражаси ва шу қабиларга тегишли ҳолатларининг хусусиятлари акс эттирилади. Индивидуал мақом алоҳида олинган шахснинг "ижтимоий портрети", унинг жамият аъзоси сифатидаги қайтарилмас хусусиятларининг акси саналади.

Таянч тўшунча ва иборалар: *сиёсий тизим; давлат; ҳокимият; сиёсий онг ва маданият; сиёсий муносабатлар; ҳуқуқ; қонун; конституция; парламент; ҳуқуқ тармоқлари; ҳуқуқий маданият; инсон ҳуқуқлари; Ўзбекистон сиёсий ва ҳуқуқий тизими; қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари; сиёсий плюрализм; сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар; фуқаролик жамияти; ўзини-ўзи бошқариш шакллари; маҳалла қўмиталари.*

Такрорлаш учун саволлар:

1. Жамиятнинг сиёсий тизими деганда нималар кўзда тутилади?
2. Сиёсий тизимда давлатнинг ўрни қандай?
3. Сиёсий институциялар қандай ташкилот ва муассасалар йиғиндисиدير?
4. Сиёсий муносабатлар марказида нима туради?
5. Сиёсий нормалар нима?
6. Сиёсий маданият ўз ичига қандай элементларни олади?
7. Давлатнинг вужудга келиши ҳақида қандай назариялар мавжуд?
8. Давлат тузилишининг турлича шакл ва турларини кўрсатинг ва уларнинг бир-биридан фарқини айтиб беринг.
9. Ўзбекистонда таркиб топган президентлик бошқаруви ва президентнинг вазифалари ҳақида гапириб беринг.
10. Ҳокимиятнинг бўлиниши тамойилининг қандай аҳамияти бор?
11. Фуқаролик жамияти қандай жамият?
12. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти вужудга келишида маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўрни қандай?

10-мавзу. Инсон ва жамиятнинг маънавий ҳаёти .

Ўзбекистонда маънавий янгилашнининг асосий масалалари.

1. Маънавиятнинг жамият ҳаётидаги ўрни

Инсоният яратилибдики у мукамалликка интилиб келади. Албатта бу ўринда маънавиятнинг, билим ва тарбиянинг ўрни беқиёсдир. Чунки инсон боласи билим ва тарбия воситасида улғаяди. Агар у билим олмаса, яхши тарбия топмаса ҳаётда ўз ўрнини топиши даргумон. Демак, олинган билим ва тарбиянинг инсон онгида уйғунлашиб унинг турмуш тарзига айланиши инсон маънавиятини юзага келтиради.

Маънавият деганда ҳар қандай табиий, ахлоқий, ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий билимларнинг инсон тафаккурида мужассамлашуви ва бу билимларнинг кўникма, малака ва ҳаёт тарзларига айланиб кетиши тушунилади. Ёки бўлмаса, маънавият – инсоннинг руҳиятини, ўз-ўзини англаш, диди, фаросати, адолат билан разилликни, яхшилик билан ёмонликни, гўзаллик билан хунукликни, вазминлик билан жоҳилликни ажрата билиш қобилиятини, ақл-заковатини, мақсад ва ғояларни қўя билиш, уларни амалга ошириш учун ҳаракат қилиш ва интилиш салоҳиятидир.

"Маънавиятга мазмун жихатидан яқин келадиган *маърифат, маданият, ахлоқ, тамаддун (цивилизация)* тушунчалари мавжуд. Маънавият улар орасида умумийроқ мазмун-моҳиятга эга. Гарчи бу тушунчаларнинг ҳар бири маънавият иборасидан озми-кўпми фарқ қиладиган муайян маънони англатса ҳам, кенгроқ нуктаи назардан қараганда, улар маънавият тушунчаси доирасига киради."¹

¹ С.Олим. Уч буюк мезон: қонун, мафкура ва маънавият диалектикаси. "Тафаккур", 2003, № 3, 13-бет.

Шундай қилиб маънавият (арабча, маънолар мажмуи) кишиларнинг фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, илмий, бадий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуини ташкил этади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, И.А.Каримовнинг "маънавият ҳақида гап кетар экан, мен аввало, инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини ўйғотадиган қудратли ботиний кучни тасаввур қиламан", деган фикрлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Маънавият инсоннинг онги, туйғуси, ҳиссиёти, билими ва эътиқодида мужассамлашган руҳий сифат бўлиб, у шахс камолоти ва баркамоллигини белгилаб берувчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади. Чунки фуқаролари маънавий баркамол жамиятгина ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксак чўқиларга кўтарилади.

Инсон ва жамият маънавий ҳаётининг ривожланишида ижтимоий ва индивидуал онгнинг роли каттадир. Чунки табиат ва жамиятда юз бераётган турли-туман ўзгаришлар, ҳар хил соҳалардаги янгиликлар фуқаролар онгида ўз аксини топади. Кишилар онгига таъсир этган воқеа-ҳодисаларга нисбатан улар ўз қарашларини, фикрларини ифодалайдилар. Ана шу ифодалаш ижтимоий ва индивидуал онг махсули сифатида намоён бўлади.

Ижтимоий онг табиий ва ижтимоий воқеликнинг инъикоси, жамиятнинг муайян даврига ёки қисмига тегишли бўлган умумий ҳис-туйғулар, кайфиятлар, қарашлар, ғоялар, назариялар мажмуидир. Масалан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мустақилликка нисбатан ўз ҳис-туйғулари, яъни мустақиллик туфайли юртимизда озодлик, эркинлик, демократия кенгаяётгани, одамлар руҳияти, мақсадларининг эркин баён қилиниши, долзарб муаммолар хусусида ўзларининг фикрларини айта олишларига имкониятларнинг тобора кучайиб бораётгани хусусида фикр билдирмоқдалар. Бу ижтимоий онгнинг ифода этилишидир.

Индивидуал онг эса муайян гуруҳ, элат ва миллатга мансуб бўлган айрим кишининг онги бўлиб, жамиятдаги воқелик ва реал борликнинг алоҳида олинган шахснинг онгида акс этишидир.

Ижтимоий ва индивидуал онгнинг моҳияти шундаки, жамият уларнинг мазмунига кўра ўз-ўзини англайди, ривожланиб, такомиллашиб боради. Масалан, агар жамиятимизда бирон-бир ижобий ёки салбий ҳодиса содир бўлса, у кишилар онгига таъсир кўрсатади ва унинг онгдаги инъикоси, албатта, ҳатти-ҳаракатлар, муносабатлар, баҳолар кўринишида ана шу воқеликка қайта таъсир кўрсатади. Чунончи Ўзбекистонда диний экстремистларнинг қилмиши халқимизнинг нафратига сазовор бўлиб, халқнинг фикри ижтимоий онг сифатида намоён бўлди ва экстремистларга қарши қаттиқ амалий чоралар кўрилди. Жамиятда осойишталик ўрнатилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ижтимоий онгнинг тузилиши ижтимоий муносабатлар ва кишилар фаолиятининг турларига мос бўлади, баъзан улардан илгарилаб кетади, аммо, баъзан улардан ортда ҳам қолиши мумкин. Ижтимоий муносабатлар қанчалик ривожланган бўлса, кишилар фаолияти турлари ҳам шунча ривожланади. Иккаласи ўзаро диалектик боғлиқ бўлиб, бир-бирини бойитиб, тўлдириб боради.

Воқеликни акс эттириш даражасига кўра, ижтимоий онг одатий ва назарий онгга бўлинади. Одатий онг ҳаётий тажриба асосида вужудга келган оддий ҳулосалар, қарашлар мажмуидан иборат бўлиб, кишиларнинг кундалик ҳаётидаги воқеаларни акс эттиради ва ривожлантиради. Назарий онг деганда, назариётчилар, олимлар ишлаб чиққан назарий қарашлар ва илмий билимлар тизими тушунилади. Назарий онг воқеалар моҳияти ва ривожланиш қонуниятларини акс эттириб жамият тараққиётига нисбатан тенг бўлиши ҳам, юқорида таъкидлаганимиздек, илгарилаб кетиши ҳам, ёки ортда қолиб кетиши ҳам мумкин.

Ижтимоий психология ижтимоий муҳит, кундалик турмуш шароитлари таъсири остида вужудга келади ва ривожланади. У муайян ижтимоий гуруҳ, элат, халқ ёки миллатнинг одатлари, урфлари, анъаналари, яшаш тарзидан келиб чиққан психологик ўзига хосликларини акс эттиради. Ижтимоий психологиянинг яна бир хусусияти шуки, унда муайян бир ҳудуддаги айнан шароитларда яшайдиган ва бир-бирига бевосита таъсир

қилувчи бир неча элат, миллатларга мансуб кишиларнинг онгидаги ўхшаш хусусиятлар ҳам акс этади. Бунга баъзи миллат вакилларининг яшаб турган жойларидан кўчиб кетишгани, аммо янги жойда улар кўпинча ўз миллатдошлари томонидан тушунилмагани, у ерда чиқиштирилмагани ... ва ниҳоят уларнинг яна илгариги ҳудудга, мамлакатга қайтиб келишганига оид кўплаб мисолларни келтиришимиз мумкин.

Мафкура (фикрлар мажмуи) ижтимоий психологиядан фарқ қилиб муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, жамият, давлат манфаатлари, орзу-истак ва мақсад-муддаолари ифодаланган ғоявий-назарий қарашлар ва уларни амалга ошириш тизимини англатади. Унда манфаатлари ифодаланаётган куч ва қатламларнинг ўтмиши, бугунги куни ва истиқболи ўз ифодасини топади.

Мамлакатимизда миллий истиқлол мафкураси худди шу вазифани бажаради. Ислом Каримов таъкидлаганидек "халқни буюк ва улуғвор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқарони ягона Ватан бахт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашга чорлаш, аجدодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишга эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш миллий истиқлол мафкурасининг бош мақсадидир." Гарчи шундай бўлса-да, Конституциямизда "ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилмайди", деб белгилаб қўйилган. Бу демократиянинг муҳим элементидир.

Ижтимоий психология ва мафкура жамиятнинг у ёки бу даражада ривожланганлиги билан ҳам боғлиқ бўлиб, агар у тўғри йўлга қўйилса жамият тараққиётини тезлаштиради. Инсонларни комиллик сари етаклайди, ўз ватани, қадриятларини эъзозлашга ўргатади, шу билан бирга ватанпарварлик, юрт тинчлиги, халқ фаровондиги йўлида хизмат қилишга чорлайди.

Айни пайтда ижтимоий психология ва мафкура ўзига хос хусусиятларга ҳам эгадир. Ижтимоий психология ижтимоий гуруҳлар ҳаётини муайян ҳис-туйғулар, қайфиятларда бевосита акс эттирса, ижтимоий мафкура (бизда миллий истиқлол мафкураси) ижтимоий гуруҳлар эҳтиёжлари, манфаатларининг ички моҳиятини, сабабини ҳар хил ғоялар, назариялар, таълимотлар шаклида акс эттиради. Айни пайтда мафкуранинг ўзига хослиги шундаки, у вайронкор мафкура сифатида ҳам майдонга чиқиши мумкин. У ҳолда у ҳалокатли кучга айланади.

Ижтимоий психология ва мафкуранинг ўзига хослиги билан бирга уларнинг умумийлик томони ҳам мавжуд бўлиб у жамият тараққиётига хизмат қилишида кўринади. Шунингдек улар бир-бири билан боғлиқ бўлиб, ўзаро таъсирга ҳам эгадир.

Юксак маънавият ҳақида одамлар асрлардан бери орзу қилиб келадилар. Жаҳон тарихида юксак маънавият эгалари ниҳоятда кўпдир. Шунингдек маънавияти юксак бўлган жамиятда тараққиётнинг ўзига хослиги ҳам яққол кўринади. Масалан, Япония бунга яққол мисол бўла олади. Юксак маънавиятнинг белгиси шуки, унда илм ва билим инсоний қадриятлар ва инсоний ахлоқ билан уйғунлашади.

Маънавий қашшоқлик масаласида мисоллар истаганча топилади. У оддий ахлоқ қоидаларининг бузилишидан тортиб геноцидгача боради. Атрофимизни ўраб турган нарса ва ходисаларга биз ҳар куни, ҳар соатда дуч келамиз ва ундан албатта маънавий қашшоқликдан маънавий юксаклик устун эканлигининг гувоҳи бўламиз. Агар жамиятда маънавий қашшоқлик устун турса бундай жамият ҳалокатга маҳкумдир. Чунки маънавий қашшоқлик устун бўлган жойда инсон манқуртга айланади ва ундан ёвуз кучлар ўз ғаразли мақсадлари учун фойдаланиши осонлашади. Демак тараққиёт, яратувчанлик, ривожланиш бор экан маънавий юксаклик маънавий қашшоқлик устидан ғолиб бўлиб бораверади. Зеро, инсоннинг орзуси ҳам шудир.

Маънавий фаолиятни такрорлаб бўлмайди. Чунки вақтни ва ҳар бир инсоннинг жисмоний борлигини такрорлаб бўлмаганидек, маънавий фаолият ҳам бетакрордир. Инсон бугун шуғулланган маънавий фаолиятни, унинг ўзига хослиги ва бетакрор жиҳатларини эртага такрорлай олмайди, балки шунга ўхшаш, ундан кучлироқ ёки кучсизроқ тарзда бошқа бир нарса билан шуғулланади, чунки ҳаётда эртанинг ҳам ўз ўрни бор. Шу сабабли инсон маънавий мавжудот сифатида доимо, у буни англайди, йўқми, бундан қатъи назар, ўз олдига қўйган мўлжалларига мувофиқ ҳатти-ҳаракат қилади, фаолият кўрсатади. Одатда, яъни нормал инсон маънавиятининг мўлжали – комилликка эришиш, баркамол инсон бўлишидир. Комил инсон - ҳар томонлама баркамол, юксак маънавиятли шахсдир.

XXI аср бўсағасига келганда жаҳон тараққиётининг барча жабҳаларида глобаллашув жараёнлари тезлашди. Жаҳонда иқтисодий, ҳарбий тараққиёт шу қадар тезлашган пайтда маънавий омиллар таъсирининг етишмаётганлиги кўзга ташланмоқда. Бўлаётган ўзаро урушлар, жаҳон бозори учун талаш, ёш ривожланаётган мамлакатлар устидан қудратли давлатлар ҳукмронлигининг ўрнатилишига интилиш, бойлик ва дунё тўплаш учун ҳеч қандай разилликдан қайтмаслик ҳолатлари бунга яққол мисол бўла олади.

Шу сабабли дунё тараққиёти ва маънавий омиллар уйғунлиги муаммоси долзарб масалага айланмоқда. Илғор фикрли зиёлилар ўз мамлакатлари тарихини қайтадан назардан ўтказиб, халқлари маънавий меросини тиклаш ва кўпайтириш, уни бойитиш ҳамда одамлар қалбига сингдириб, уларни эзгуликка ва адолатга етаклаш ҳақида ҳаракат бошладилар. Бундай ҳаракатлар бир қатор мамлакатларнинг Давлат дастурларига ҳам киритилдилар. Жумладан, бизнинг мамлакатимиз ҳам ана шундай хайрли, эзгу ишларни ўз ҳаракат дастури қилиб олган давлатлар сирасига қиради.

2. Мустақиллик ва халқимиз маънавиятининг қайта тикланиши

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин мамлакатни иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш чораларини кўриш билан бир қаторда маънавий кадриятларимизни тиклаш, миллий ўзлиқни англашни тиклаш вазифасига алоҳида эътибор қаратди. Чунки чор мустамлакачилиги ва мустабид шўро ҳукмронлиги йилларида маънавий кадриятларимиз камситилган, жаҳонга машҳур алломаларимиз ал-Бухорий, ат-Термизий, Мотуридий, А. Ғиждувоний, Яссавий ва бошқа буюк зотлар унутилган, ҳатто Амир Темурдек буюк саркарда ҳам "босқинчи" никоби остида қора бўёқларга бўяб ташланган эди.

Ундан ташқари халқимизнинг машҳур тарихий обидалари, масжидлар, мадрасалар, хонақоҳларнинг кўплари бузиб ташланган, омборларга, ишхоналарга айлантдирилиб, қаровсиз ҳолга келтирилган эди. Бундан асосий мақсад халқнинг тарихини йўқотиб, ўзлигини камситиш ва унга қўллик бўйинтуруғини кийдириш ҳамда ҳар томонлама тобе қилиш эди. Келгусида буюк халққа ассимиляция қилиб бутун-бутун миллатларни йўқ қилиб юборишдек манфур ният кўзланган эди.

Шу сабабли буюк истиқлолнинг биринчи навбатдаги вазифаси халқимиз онгида қўллик психологиясини йўқ қилиш, унинг тарихи, ота-боболари буюк эканлигини уқтириш, ҳеч бир халқдан кам эмаслигини улар онгига сингдириб Ўзбекистонни буюк давлатга айлантиришда халқни маънавий-руҳий жиҳатдан тайёрлаш бўлди.

Илғор миллат ва ривожланган давлат бўлишнинг зарурий шартларидан бири бой маънавиятга эга бўлиш эканлиги англаб етилди. Шу сабабли Президент И.А.Каримов: "Маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди", деб таъкидлайди. Шу сабабли мамлакатимиз раҳбарияти маънавият ва маърифатни кўтариш, тарғиб қилиш, бойитиш, ҳар бир фуқаронинг юксак маънавий даражасини таъмин этиш йўлида катта ишларни амалга оширмоқда.

Мустақиллик арафасида ҳали собиқ Иттифок ҳукм суриб турган пайтда 1990-йилдан бошлаб 21 март "Наврўз" байрами нишонланадиган кун, 1991 йил 20 июнда "Диний байрам – Қурбон ҳайитни дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида"ги Фармонлар Президентнинг катта жасорати эди.

Мустақиллик йилларида маънавий қадриятларимизни тиклаш йўлида дастлабки қадамлардан бири 1992 йил 22 мартда Ўзбекистон Президентининг "Рамазон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида"ги Фармони бўлди.

Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда, истиқлол йўлида буюк давлат барпо этишда маънавият ва маърифат омилларини ҳисобга олган ҳолда, умуминсоний ва миллий қадриятлар уйғунлигига асосланган фуқаролик жамиятини қуриш борасидаги фикр-мулоҳазаларни ва таклифларни эътиборга олиб 1994 йил 23 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилиқ маркази ташкил этилди.

1996 йил 9 сентябрдаги Президентнинг бу соҳадаги Фармонида ҳам "Маънавий-маърифий ислохотлар давлат сиёсатининг асосий, устувор йўналиши деб ҳисоблансин" дейилади. Ундан ташқари бошқа бир қатор қонуний ҳужжатларда, шунингдек И.Каримовнинг "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда" асарида иккинчи устувор йўналиш – жамият маънавиятини ривожлантиришдан иборат дейилса, "Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз" номли асарида маънавият соҳасида етгита бош вазифа аниқ кўрсатиб берилди.

Шундай қилиб мустақиллик йилларида ўтган тарихан қисқа вақт ичида тилимиз, динимиз халқимизга қайтарилди. Буюк бобокалонларимизнинг номлари тикланди, машҳур тарихий обидаларимиз таъмирланди. "Авесто" сингари буюк асарлар, унутилган кўплаб илмий ёдгорликлар қайта нашр этилди. Энг муҳими халқимиз онгига у ўз юртининг эгаси эканлиги, келажакни ўз кучига ишониб қуриши мумкинлиги, ҳеч бир халқдан кам эмаслиги гоёси сингдирилди ва бу улкан ишлар давом эттирилмоқда.

Лекин бу улкан ишларнинг амалга оширилиши баъзи бир мунофиқ, Ўзбекистонни мустақил, қудратли давлат сифатида кўришни ёқтирмаётган, унинг келажакдан қўрқаётган кимсаларга ёқмади. Натижада турли экстремистик кучлар динни ниқоб қилиб олиб юртимизни ўрта аср жаҳолатига қайтармоқчи бўлдилар. Маънавий тамойилларга экстремистларнинг қарашлари бутунлай зид эканлигини халқимиз тушунди ва уларга етарли зарбалар берилди.

Шарқнинг буюк маънавият ўчоғи эканлигини тарихнинг ўзи аллақачон исботлаган. "Нур Шарқдан" – бу Рим империясида кенг тарқалган мақол. Шарқда "Авесто" каби буюк асар майдонга келган пайтда Ғарб дунёси ҳали уйқуда эканлигини айтишнинг ўзи кифоя. Лекин ўқувчи фақат ўтмиш ютуқлари билан мақтаниб яшамаслиги, Ўрта асрлардан сўнг Ғарбнинг улкан қадамлар билан ривожланганлигини ва тараққиётнинг муҳим омили – интеллектуал ақл эканлигини, шунинг учун ҳам ўқиш, яратиш устида тинмай меҳнат қилиш лозимлигини тушуниши ва бунга амал қилиши зарур.

Ўзбек халқи бошқа халқлар каби ўз тарихига, маънавияти ва маданиятига эга. Бу халқнинг бошқа халқлардан устунлиққа эришиш, ёки уларга ўз таъсирини ўтказиб "катта ака"га айланиш нияти йўқ. Президентимиз И.Каримов "Туркистон" газетаси мухбирининг саволларига берган жавобида: "Биз ўзимизни доимо мустақил миллат – ўзбек халқи сифатида ҳис этиб келганмиз ва бу билан фахрланамиз", - деган эди. Машҳур сайёҳ Вамбери ўзбекларнинг "маънавий томонлари энг аввало уларнинг очиқ кўнгиллилиги, мардлиги, жиддийлиги, ҳақиқий туркий химматга эгалигида яққол кўзга ташланиб турибди", дейди ва ўзбеклар камгап, оғир-вазминлиги билан қўшниларида ажралиб туришини таъкидлайди. У ўзбеклар аввал ўйлаб сўнгра гапиради ва ўз сўзларида муҳим турадилар, дейди. Унинг ўзига хос характери, бошқа халқлардан алоҳида ажралиб турадиган белгилари: сабр-қаноатлилиги, бағри кенглиги, чидамлилиги, толерантлиги, меҳмондўстлиги, ўзга халқларни ҳурмат қилиши ва бошқа ахлоқий жиҳатлари мавжуд. Шу сабабли бу халқ дунёга ал-Хоразмий, Ибн Сино, ал-Беруний, ал-Фарғоний, ал-Форобий, ал-Бухорий, Алишер Навоий, Амир Темур каби минглаб буюк сиймоларни етказиб берди. Ҳар қандай озгина саводли инсон бу халқнинг буюк келажакига умид боғласа бўлади.

XXI аср – маънавият асри бўлиши шубҳасиздир. Чунки инсоният ўзи қирилиб битиши учун етарли даражада оммавий қирғин қуролларини яратиб қўйди ва яна яратмоқда. Бу

дахшатли қуролларни маънавиятсиз инсоннинг қўлига топшириб қўйилса Ер юзига қандай офатлар келтириши мумкинлиги аён. Шу сабабли ҳам маънавият, маънавий маданият, анъаналар, кадриятлар масаласига янгича ёндошув, халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш, инсоф-адолатга эришув, бошқа халқлар билан ҳисоблашиш ХХІ аср барқарорлигини таъминлашнинг қафолати ҳисобланади.

Жамиятнинг маънавий ҳаётида маънавий сиёсатнинг концептуал асосларини яратишда инсонпарварлик, тараққийпарварлик, халқчиллик, ватанпарварлик ва юрт тинчлиги мезонларига таянилади.

Мамлакатимизда маънавий ҳаёт соҳаларида ҳозирги пайтда бажарилиши керак бўлган вазифалар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- а. халқнинг маънавий-маданий меросини ўрганиш;
- б. шарқона ва умуминсоний кадриятлар асосида мамлакат, миллат келажагини белгилайдиган илғор ғояларни юзага чиқариш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш;
- в. жамиятдаги соғлом кучлар – юксак истеъдод ва тафаккур соҳибларининг ақлий ижодий салоҳиятини Ватан истиқболи сари йўналтириш;
- г. миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатликнинг аҳамиятини, юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлашни, ёшларни Ватанимизнинг ҳар томонлама етук фарзандлари руҳида тарбиялаш ва уларни истиқлол ишининг фаол давомчилари бўлиб етишишларини таъминлаш;
- д. маданий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий тараққиёт йўналишлари билан боғлиқ омилларни, миллий давлатчилик кадриятларини ўрганиш ва оммавийлаштириш;
- е. умумбашарий кадриятлардан фойдаланиш мақсадида мамлакат ва дунёдаги хилма-хил мафкура, эътиқод, ғояларни ўрганиш, соғлом дунёқарашни ҳамда сиёсий маданиятни шакллантириш;
- ж. жамоат бирлашмалари, илмий, ижодий муассаса ва ташкилотларнинг, оммавий ахборот воситаларининг ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлаш;
- з. хурфикрлилик, виждон ва дин эркинлигини қарор топтириш;
- и. жамиятнинг ахлоқий ҳаётини яхшилаш.

Албатта, ҳар бир жамиятнинг, халқнинг ахлоқий қоидалари, ўзига хос ҳаёт тарзи мавжуд. Бу ахлоқий ҳаёт бошқа диндаги, бошқа ҳаёт тарзидаги, демакки, бошқача қарашлардаги халқларга тўғри келмаслиги ҳам мумкин. Лекин барча халқлар учун умумий бўлган оддий ахлоқий қоидалар ҳам мавжуд.

Ахлоқ – кишиларнинг яхшилик ва ёмонлик, виждон, ор-номус ва шу кабилар нуқтаи назаридан бир-бирига, оилага, Ватанга, жамиятга бўлган муносабатларида намоён бўладиган ҳатти-ҳаракатлар йиғиндиси. Ахлоқ ҳар бир кишининг хулқини, ички дунёсини кўрсатади. Ахлоққа миллий урф-одатлар, анъаналар таъсир қилади. Ахлоқнинг юксак даражада бўлиши жамиятнинг ривожига бевосита таъсир қилади ёки аксинча.

Амалий ахлоқий муносабатлар ахлоқ нормалари билан тартибга солинади, улар ҳуқуқий нормалардан фарқ қилиб, мажбурий характерга эга эмас. Ахлоқий нормалар урф-одат, намуна кучи, жамоатчилик фикри таъсирида вужудга келади. Ахлоқий нормаларни бажариш ихтиёрий, виждонга боғлиқ. Унинг бузилишига нисбатан оммавий муносабат билдириш, жамоат иззаси қўлланилади. Ахлоқ ишонтириш, тушунтириш билан таъминланади. И.Каримов таъкидлаганидек "Ахлоқ – маънавиятнинг ўзаги". Ахлоқ маънавиятнинг амалидир. У инсоф ва адолат туйғуси, иймон ва ҳалоллик каби тушунчалар билан боғлиқ. Ҳусайн Воиз Кошифий қуйидагиларни айтади: "Инсоннинг ахлоқсизлиги унинг ўзигагина эмас, балки ўзгаларга ҳам салбий таъсир қилади... Дилозорлар, номуносиб фазилатлилар, пасткаш ва разиллар, тухматчилар, хоинлар, ёлғончилар, лакмалар давр учун ҳам, давлат учун ҳам хавфли кишилардир. Ҳеч қачон одобли-ахлоқли инсон бу каби салбий фазилатларга яқин юрмаслиги керак."

3. Диннинг инсон ҳаёти ва ҷамиятдаги ўрни

Дин – ижтимоий-тарихий ҳодиса бўлиб, кишилиқ ҷамияти тараққиёти жараёнида маълум босқичда пайдо бўлган ижтимоий онг шаклларида биридир. Бундай ёндошувга кўра, у муайян таълимотлар, ҳис-туйғулар, тоат-ибодатлар ва диний ташкилотларнинг фаолиятида намоён бўладиган олам, ҳаёт яратилишини тасаввур қилишнинг алоҳида усулидир. Диннинг моҳияти турлича изоҳланса-да, унинг асосида ишонч, эътиқод туйғуси ётиши деярли барча томонидан тан олинади.

Дин (арабча – ишонч, ишонмоқ) борлиқни яратувчи ва бошқарувчи, адолатнинг юксак намунаси, моддий оламга хос бўлмаган ва айни вақтда баркамолликнинг олий кўриниши сифатида тушунилувчи олий мавжудотга, яъни худога нисбатан муносабат, тасаввур, урф-одат ва маросимлар мажмуидир. Ибодат объектларига кўра – жониворларга, руҳларга, жин-алвасти, бутларга, турли илоҳларга сиғинувчи диний таълимотларни фарқлаш мумкин.

Миллий, этник, тил, ирқ, туғилган жойи, фуқаролик каби хусусиятларидан қатъий назар бутун ер юзи бўйлаб ёйилган жаҳон динларига эътиқод қилувчилар ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин. Христиан динига эътиқод қилувчилар миқдори 2 миллиарддан ортиқ, исломга эътиқод қилувчилар – 1,3 миллиард атрофида, буддавийликка эътиқод қилувчилар эса 700 миллион атрофида.

Ҳозирги замонда ушбу динларнинг ҷамиятдаги ўрни жуда каттадир. Диннинг инсон руҳиятига таъсири жуда кучли бўлиб, натижада диний психология вужудга келади ва у инсон онгида мустаҳкамланади. Айни пайтда дин – табиат, ҷамият, инсон ва унинг онги, яшашдан мақсади ҳамда тақдири, инсониятни бевосита қуршаб олган атроф-муҳитдан ташқарида бўлган, уни яратган, айни замонда инсонларга бирдан-бир тўғри, ҳақиқий, одил ҳаёт йўлини кўрсатадиган ва ўргатадиган илоҳий қудратга ишонишни ифода этадиган қарашлар, ғоялар йиғиндиси ўлароқ диний мафжура майдонга келади.

Диний онг – диний ғоялар, диний даъватлар, ақидалар, қадрият ва мақсадлар ифодаланган қарашлар натижасида юзага келади ва кишилар ҳаётида муҳим ўрин тутати. Диний онги умуман онгининг "бошқа таркибий қисмларига" нисбатан асосий мазмун ташкил этувчи кишиларда одатда диний эътиқод мустаҳкам бўлади. Диний эътиқод – диний ақидаларга ишониш ва унга мувофиқ амалларни тўла-тўқис бажаришдир. Ҳар бир динда унинг руҳига ва мазмунига мос кўплаб маданият обидалари мавжуддир. Диний маданият анча кенг тушунча бўлиб, у нафақат диний амалларни бажариш, балки диннинг обрусини сақлаш, эътиқодда, ҳаётда диний талабларга амал қилиш, унинг поклигини ҳар қандай шароитда сақлаш ҳамдир. Диний маданиятнинг юксаклиги тасаввуф намоёндаларида яққол ўз ифодасини топган.

Ҳар бир динда диний маросимлар тизими ҳам мавжуд. Улар ўша диннинг моҳиятидан келиб чиқади. Жумладан, христиан динидаги маросимлар ислом динидагидан фарқ қилади. Кишилар амалий ҳаётда бу маросимларни бажарадилар.

XX аср охирига келиб атеистик дунёқарашни тарғиб қилган собиқ Шўро давлатининг қулаши билан, айниқса собиқ Иттифокдан ажралиб чиққан ёш мустақил давлатларда, жумладан, бизнинг мамлакатимизда ҳам диний қадриятлар қайта тикланди ва диний онг қайта ўйғонди. Бунга сабаб жуда кўплаб масжид-мадрасаларнинг қурилиши, диний ибодат, диний амаллар учун қулай шароитнинг юзага келиши ва кўплаб диний адабиётларнинг эркин нашр қилиниши бўлди.

Диннинг ижтимоий-маънавий роли кучайиб ундан фуқароларни одоб-ахлоқли қилиб тарбиялашда фойдаланиш кучайди. Ислом Каримовнинг "дин инсон руҳини поклаши, одамлар ўртасида меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлаши, миллий қадрият ва анъаналарни асрашга хизмат қилиши билан ҳар қандай ҷамият ҳаётида муҳим ўрин тутати. Айниқса, инсоният мураккаб тараққиёт жараёнини бошидан кечираётган ҳозирги даврда диннинг турли халқлар ўртасида мулоқот ўрнатиш, уларни маънавий ва руҳий жиҳатдан яқинлаштириш, зулм ва зўравонликка қарши биргаликда курашга даъват этиш борасидаги аҳамияти беқиёсдир" деган сўзлари айниқса аҳамиятлидир.

Инсоният тарихидан шу нарса маълумки, дин, диний тасаввурлар билан бирга дунёвий фикр ва дунёвий турмуш тарзи ёнма-ён, тотувликда яшаб келмоқда. Ҳозирги ривожланган мамлакатларнинг кўпларида деярли шундай.

4. Диний экстримизм ва фундаментализм хавфи

Диннинг жамиятдаги ўрнига эътибор берадиган бўлсак, унинг бир қатор мамлакатларда давлат сиёсатини белгилашини кўрамиз. Ҳатто баъзи давлатлар номи ҳам шунга бориб тақалади. Масалан, Эрон ислом республикаси ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикасида ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

Лекин кўпгина давлатларда ислом омилининг ўсиши билан диндан сиёсий никоб сифатида фойдаланиб ҳокимиятга интилиш кучайганлигини кўрамиз. Шу сабабли илмий тилда диний экстремизм сўзи тез-тез кўзга ташланмоқда. Диний экстремизм – экстремизмнинг дин никобиди намоён бўлиш шакли бўлиб, у мавжуд муаммоларни ҳал қилишда ўта кескин чора-тадбирларни, фикр-қарашларни ёқловчи назария ва амалиётни англатади. Диний экстремизм намоён бўлишига кўра ҳудудий, минтақавий, халқаро шаклларга бўлинади. Бундай қарашлар жуда қадимий илдизларга эга бўлиб, ҳеч қачон чегара билмаган, миллат ва ҳудудни тан олмаган. Диний экстремизм барча динлар доирасида ривожланган.

Диний экстремистлар қаерда ва қайси дин байроғи остида фаолият кўрсатишмасин, мақсади диний давлатни барпо қилиш бўлиб, бу мақсадга ўзаро низолар, ихтилофлар, қуролли тўқнашувлар орқали, яъни қон тўқиш ва зўрлик билан эришишни кўзлайдилар. Бундай ҳаракатнинг ташаббускорлари "Ҳизбут-таҳрир" деб аталмиш бузғунчи, ғайриқонуний партия вакиллари дир. "Ҳизбут-таҳрир ал-исломий" норасмий, сиёсийлашган диний партия 1953 йилда Исроилда пайдо бўлди. Унинг асосчиси Қуддус суди аъзоси Тақийиддин Набаҳоний (1909-1979) Иорданиядаги "Мусулмон биродарлари" ташкилоти раҳбарларидан бири эди. Бу партияга мансуб кишилар ўзларининг қонунга ҳилоф ҳатти-ҳаракатлари билан жамиятдаги барқарор ҳолатга салбий таъсир кўрсатишга интилмоқдалар. Ўз моҳиятига кўра "Ҳизбут-таҳрир" партияси диний ақидапарастликнинг ошқора ифодаси бўлиб, унда диний фанатизм ва экстремизмнинг барча усуллари мавжуд. Бу усуллар фуқаролар ўртасидаги ва умуман жамиятдаги муносабатларни кескинлаштиришга қаратилгандир. Бу эса мустақилликка ҳам, жамият тараққиётига ҳам катта ғов бўлади. Экстремистик гуруҳларнинг ягона мақсади ҳокимиятни қўлга олиш бўлиб, бу йўлда улар энг жирканч усулларни қўллашдан ҳам тап тортмайдилар.

"Фундаментализм" атамаси илк бор расмий равишда 1908 йилда АҚШнинг Калифорния штати протестантлари тузган "Христиан динининг фундаментал тушунчалари конференцияси" томонидан қўлланилиб Исонинг туғилиши, қурбон бўлиши, қайта тирилиши, иккинчи бор келиши ва китобнинг дастлабки соф ҳолига келтирилиши каби маъноларни ўз ичига олади.

Ислом фундаментализми – соф ислом асосларига қайтиш, анъанавий ислом ақидаларига риоя қилишга қайтиш демакдир. Бир қараганда бу ижобий ҳодисага ўхшайди, лекин ҳаётда бунинг акси юз бермоқда. Улар исломни тобора сиёсийлаштирмоқдалар, сиёсат қуролига айлантирмоқдалар. Ислом фундаментализми асосида Мисрда биринчилардан бўлиб 1928 йилда "Ал-Ихван-ал-муслимин" (**Мусулмон биродарлиги**) номли сиёсий ҳаракат вужудга келиб ўз ташкилотини тузди. Бу оқим ёшлар орасида Ислом фундаментализмининг кенг ташвиқот қилишни бошлади. Бу ташкилотнинг асосий ғояси мусулмон бирлиги, тараққиётнинг Ислом йўли ва Ислом демократиясидир. "Ҳизбут-таҳрир"чилар "Демократия куфр низоми, буни ҳаётга татбиқ қилиб бўлмайди, халифаликни тиклаш билан ҳақиқий исломий ҳаётни қайтариш мумкин", - деб даъво қилади.

Ваҳҳобийлар – динни Пайғамбаримиз (с.а.в.) давридаги "асл ҳолати"га келтириш лозим, деган никоб остида ҳаракат қилиб, шу йўлда кураш олиб борадилар. Ваҳҳобийликка Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб (1703-1792) томонидан асос солинган. У улуғ саҳобалар қабрига қўйилган сағана тошларни бузишни, қабрларни зиёрат қилмасликни, авлиёларга назр қилмасликни, тамаки чекмаслик, қаҳва ичмаслик, расм чизмасликни тарғиб қилди. У ўз даъватларини ёйишда кўпроқ

қиличга таянар эди ва Ибн Сауд бошчилигида Саудия Арабистонини бирлаштиришга катта ҳисса қўшди.

Ваҳҳобийлик таълимоти илдизи Аҳмад ибн Ханбал (786-865), Такиаддин ибн Таймия (1263-1328), Ибн Қаййим (XIV аср) қарашларидан озуқа олган. Улар исломни бидъатдан тозалаш масаласини илгари сурдилар. Қуръон ва Суннадан ташқари барча таълимотларни бидъат (янгилик) санадилар.

Ҳозирги даврга келиб бу ҳаракат ҳар қандай халқни, ҳар қандай дунёвий давлатни куфрда, ширкда айблаб унга қарши курашиш қуролига айланиб қолди. Ваҳҳобийлар кўпчилик давлатларда яширин сиёсий фаолият билан шуғулланадилар. Ўз фаолиятига диний ҳиссиёти кучли ёшларни тортишга ҳаракат қиладилар, кишиларда мурасизлик, ўзгалар фикрига ҳурматсизлик руҳини сингдиришга интиладилар.

Ваҳҳобийлар ва "Ҳизбут-таҳрир" орасида катта фарқ мавжуд. Масалан, ақида масалаларида ваҳҳобийлар давлатни халифа бошқаришини ғоя қилиб олмайдилар. Ҳизбийлар халифалик давлатини тиклашни ғоя қилиб олиб, демократия бўлишини инкор этадилар. Улар асосан фикрий, фалсафий курашга эътиборни қаратадилар. Гарчи бу ҳаракатлар араб давлатларида пайдо бўлган бўлса-да, барча араб давлатларида уларнинг фаолияти тақиқланган. Чунки бу оқимлар исломга зид ақидаларни илгари сурмоқдалар.

Дунёдаги бир қатор расмий ва норасмий ташкилотлар, жумладан, ҳизбут-таҳрирчилар, таблиғчилар, нурчилар, тавбачилар ва бошқа ташкилотлар ислом динини ташвиқот қилиш ниқоби билан Ўрта Осиё давлатларига ўз таъсиларини ёйишга интилмоқдалар. Лекин ислом дини арконларини оламга машҳур қилган ал-Бухорийлар, ат-Термизийлар, Мотурудийлар юрти Ўрта Осиёга ислом динини ташвиқот қилиб ўтиришнинг ҳожати бормикан?

Бунинг устига Ўзбекистонда динга, шу жумладан ислом дини ва диндорларга мустақилликдан кейин бутунлай янги, ҳурмат билан муносабатда бўлиш бошланди. Мамлакатда минглаб янги мачитлар қурилди, ҳаж амалларини бажаришга кенг йўл очилди. Бу сиёсатдан барча мусулмонлар хурсандирлар.

Ўзбекистонда динга, диндорларга нисбатан давлат муносабати Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасида дин давлатдан ажратилган. Давлат диний ташкилотлар зиммасига ўзининг ҳеч қандай вазифасини бажаришни юкламайди. Диний ташкилотлар давлат вазифаларини бажармайди. Таълим тизими диндан ажратилган. Шунингдек Ўзбекистон Республикасининг "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида" (1991 йил 14 июнь, янги таҳрирда 1998 йил 1 май) Қонунида "виждон эркинлиги – фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат қатъий қарор билан конституциявий ҳуқуқидир" дейилади. Динга ишонини ёки ишонмаслик учун таъқиб қилинмаслик, жазоланмаслик, камситилмаслик виждон эркинлигининг амалда бўлишидир. Бирон-бир динга эътиқод қилишга мажбурлаш ҳам виждон эркинлигига зиддир. Виждон эркинлиги дунёвий давлат принципларидан келиб чиқади.

Ушбу қонунда виждон эркинлиги ҳуқуқи, фуқароларнинг динга муносабатидан қатъий назар тенг ҳуқуқлилиги, диннинг давлатдан ажратилганлиги, давлат органларининг ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг диний ташкилотлар билан ўзаро муносабат борасидаги ваколатлари, таълим тизими ва дин, диний ташкилотлар мақоми, диний ўқув юртлари, диний урф-одатлар ва маросимлар, диний ташкилотлар мулки ҳамда бошқа ҳуқуқлари белгилаб қўйилган.

Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон хавфсизлигига диний экстремизм ислом фундаментализми хавфининг қай даражада эканлигини халқимиз ўз бошидан кечирди. 1999 йил 16 февралдаги бегуноҳ одамларнинг ўлимига олиб келган воқеаларни, кейинчалик Тошкент вилояти, Сариосиё ва Узун туманларидаги, 2004 йил Тошкентдаги июль воқеаларини унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ислом фундаментализмининг рағбатлантирувчи ташқи омиларнинг фаолияти ҳали тугагани йўқ. Шу сабабли мамлакатимизда диний фундаментализм хавфининг олдини олиш, халқимизнинг ҳушёрлигини оширишга доир ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон турли динларнинг, турли маданиятларнинг ёнма-ён яшашлари, тинч-тотув, ўзаро

хурмат руҳида фаолият кўрсатишлари қонун билан мустаҳкам белгилаб қўйилган. Ҳозиргача бирон диний можаро рўй бермаган. Бу нарсa бошқа давлатлар учун ижобий мисол бўла олади.

5. Ҳуқуқий онг ва жамият

Ҳуқуқий онг – кишилар ўзарo муносабатларининг, уларнинг мавжуд ижтимоий ҳодисаларга, муассаса, таъкилот ва шу қабиларнинг фаолиятига муносабатларининг ҳақлик ёки ноҳақлик, қонунга мувофиқлик ёки номувофиқлик, тўғрилиқ ёки нотўғрилиқ нуқтаи назаридан акс этишидир. Кишининг ҳуқуқий онги қанчалик кучли бўлса, ҳуқуқ нормаларининг ихтиёрий бажарилишига олиб келади. Ҳуқуқий онг ҳуқуқий билимлар асосида шаклланади ва ҳуқуқий маданият орқали амал қилади.

Кишиларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият кучли бўлса жамият барқарор ривожланади. Жамият эса ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг ривожланиши учун шароит яратади. Демак иккаласи ўзарo алоқада бўлади.

Ҳар бир жамият фуқаросининг бурчи белгилаб қўйилади. Бурч – қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган айрим ҳаракатларни содир этиш, айрим ҳаракатларни содир этишдан тийилишдир. Фуқароларнинг бурчлари Ўзбекистон Конституциясида белгилаб қўйилган. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга, Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга, атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга, қонунда белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғинларни тўлашга, ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар. Бурчни бузиш турли жавобгарликка тортиш ва жазолашга сабаб бўлади. Бурчихтиёрий бажарилганда жамият тараққиётига ижобий таъсир қилади.

Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Албатта бу бурчларни бажариш фуқароларга бир қатор мажбуриятлар ҳам юклайди. Меҳнат қилиш, оилани, болаларни боқиш, ота-онага қараш ва ҳ.к. Бурч ва мажбуриятлар бир-бирлари билан ўзарo боғлиқдир, бири иккинчисини тўлдириб боради. Бири бажарилмай қолса иккинчисига ҳам таъсир кўрсатади.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қурмоқчи эканмиз фуқароларни ҳуқуқий тарбиялаш зарурияти доимо долзарб масала бўлиб қолади. Чунки фуқаронинг ҳуқуқий билими бўлмаса у оддий масалаларда ҳам қийналиб қолиши ҳеч гап эмас. Шу сабабли 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури"ни қабул қилди. Дастур фуқаро, жамият ва давлатнинг ўзарo муносабатларида аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини юксалтириш, фуқароларнинг ҳуқуқий таълими ва ҳуқуқий тарбиясини такомиллаштириш, давлат органлари ходимлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини тадқиқ этиш каби масалаларни ўз ичига олади. Ушбу дастурни бажариш бўйича кўп қиррали, ҳар томонлама аҳолининг ҳуқуқий билимларини юксалтиришга мўлжалланган қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳуқуқий маданият – фуқароларнинг етуқлиги ва онглилигини кўрсатувчи мезон. Ҳуқуқий маданият тушунчаси ҳуқуқнинг ривожланиш даражаси, аҳолининг ҳуқуқ ҳақидаги тушунчаси, қонунларнинг аҳволи, ҳуқуқни амалга ошириш ишларини ташкил даражаси, ҳуқуқнинг обрўи сингари элементлардан ташкил топади. Ҳуқуқий маданиятга ҳуқуқ фанининг ривожланиш даражаси, ҳуқуқни ташвиқот қилишнинг қандай йўлга қўйилганлиги, маданиятнинг умумий даражаси таъсир қилади. Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий онгнинг амалиёти, яъни ҳуқуқни қўллаш, амалиётга татбиқ этишдир. Шахс қанчалик ҳуқуқий билимга эга бўлмасин, қонун ва бошқа қоидаларга амал қилмаса, у жамият учун катта зарардир. Бу ҳуқуқий маданиятсизликдир.

Ҳуқуқий маданиятни шакллантириш учун ўрта умумтаълим мактабларида, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида, олий таълим муассасаларида ўқув курслари ташкил этилган. Ундан ташқари аҳоли учун махсус адабиётлар чиқарилмоқда, газеталарда шу ҳақда мақолалар, радио ва телевидениеда махсус эшиттириш ва кўрсатувлар ташкил этилмоқда.

Ҳукукий билимлар бўйича республикада махсус газеталар ва журналлар чоп этилмоқда ҳамда адвокатлар консультацияси пунктлари ишлаб турибди.

Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий таълимни ислоҳ қилиш бевосита "Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида олиб борилмоқда. Бундан асосий мақсад мутахассислар сифатини яхшилашдир. Шунингдек чет эл ўқув марказлари билан алоқаларни йўлга қўйиш орқали кадрлар салоҳиятини кўтариш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Кўрилган бу тадбирларнинг ҳаммаси кишиларнинг маънавий салоҳиятини, жамиятнинг маънавий қиёфасини яхшилашга қаратилган бўлиб, сезиларли натижалар бермоқда.

Хулоса қилиб шунни айтиш керакки, жамиятнинг маънавий ҳаёти ва Ўзбекистонда маънавий янгиланиш масалалари юқорида кўрсатиб ўтилганидек кишиларнинг маънавий оламини ривожлантиришга, жамиятнинг маънавий қиёфасини яхшилашга ва у билан ижтимоий-иқтисодий тараққиётни тезлаштиришга, пировард натижада Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини юксалтиришга қаратилган.

Таянч тушунча ва иборалар: *маънавият; ижтимоий-иқтисодий соҳа; ижтимоий онг; индивидуал онг; назарий онг; ижтимоий психология; комиллик; мафжура; глобаллашув; қадриятлар; фуқаролик жамияти; ахлоқ нормалари; диний онг; диний экстремизм; "Ҳизбут-таҳрир"; фундаментализм; ваҳҳобийлик; виждон эркинлиги; ҳуқуқий онг; ҳуқуқий маданият.*

Такрорлаш учун саволлар:

1. Маънавият деганда нимани тушунасиш? У қандай ҳодисаларни ўз ичига олади?
2. Индивидуал ва ижтимоий онгнинг ўзаро муносабати уларнинг қандай шакллари орқали намоён бўлади?
3. Ижтимоий психология ва мафжура нима?
4. И.Каримовнинг қайси асарларида маънавий тикланиш масалалари аниқ ифодаб берилган?
5. Истиқлолнинг маънавий қадриятларимизни тиклашга таъсири ҳақида мисоллар келтиринг.
6. Диннинг маънавий ҳодисалар орасидаги ўрни қандай?
7. Диний экстремизм ва фундаментализм фақат исломга хос ҳодисами?
8. Мамлакатимизда дин ва диндорларга муносабат қандай эканига оид фикрларингизни баён қилинг.
9. "Ҳизбут-таҳрир" оқимининг моҳияти нимада?
10. Ваҳҳобийликнинг вужудга келиши сабабларини ҳамда моҳиятини тушунтириб беринг.
11. Ўзбекистонда кишиларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш борасида амалга оширилаётган фаолият ҳақида гапириб беринг.

IV БОБ. ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИ: ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ИНСОНПАРВАРЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

11-мавзу. Халқаро муносабатлар – жаҳон тараққиётининг кўзгуси.

1. Халқаро муносабатлар нима ?

Дунёдаги халқлар ва давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жаҳон тараққиётида муҳим омил бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Халқаро муносабатлар – давлатлар ва давлатлар тизимлари, халқаро микёсда фаолият кўрсатувчи асосий сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа ташкилотлар ва ҳаракатлар ўртасидаги ўзаро сиёсий, иқтисодий, маданий, ҳуқуқий, дипломатик, ҳарбий ва бошқа муносабатлар йиғиндиси. Ўз мазмунига кўра халқаро муносабатлар бирон-бир давлат ваколатлари доирасидан ташқарига чиқади, давлатларнинг

қўшма ваколатлари доирасидаги ёки умуман жаҳон ҳамжамияти ваколати доирасидаги масала бўлиб қолади.

Халқаро муносабатларда асосий ролни давлатлараро муносабатлар ўйнайди. Жумладан, Ўзбекистон билан ҳар қандай хорижий давлатлар, Мустақил Ҳамдўстлик мамлакатлари, Ғарб ва Шарқ давлатлари ўртасидаги муносабатлар шунга мисол бўлади. XX асрда давлатлар ўртасидаги муносабатларни асосан икки лагерь – социализм ва капитализм ўртасидаги муносабатлар ташкил этди. Улар кўпроқ синфий характерга эга эди.

Ҳозирги босқичга келиб, айниқса социализм лагерининг емирилиши билан давлатлар ва халқларнинг бир-бирига ишончи – халқаро муносабатларнинг ўзагини ташкил қилади.

Икки тарафлама халқаро муносабатлар – икки давлат ёки икки корхона, ташкилот (трест, концерн, қўшма корхоналар, бирлашмалар ёки вазирликлар) ўртасидаги муносабатлардир. Кўп тарафлама халқаро муносабатлар эса давлатлар гуруҳлари ёки корхона ва ташкилотлар гуруҳлари ўртасидаги муносабатлардир.

Халқаро шартномалар – халқаро ҳуқуқнинг манбаи; икки ёки бир қанча ёхуд халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ўртасидаги келишувдир. Шартномаларда сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа муносабатларда давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар белгиланади.

Ишгирокчилар сонига қараб халқаро шартномалар икки томонлама ва кўп томонлама шартномаларга бўлинади. Кўп томонлама шартномалар очик (унга шартноманинг ўзида белгиланган тартибда бошқа давлатлар ҳам қўшилиши мумкин) ва ёпиқ (шартномага имзо чекмаган давлатлар шартнома ишгирокчиларининг розилиги билангина шартномага қўшила олади) бўлиши мумкин.

Халқаро шартномалар, одатда, ёзма шаклда тузилиб преамбулалар (шартнома сабаби ва мақсадлари), халқаро муносабатларни йўналтирувчи конкрет қарорлар ва хулосавий қарорлардан (шартноманинг амал қилиш муддати, уни ўзгартириш тартиби ва бошқалар) таркиб топади. Икки томонлама шартнома шартлашган давлатлар тилида, кўп томонлама шартнома эса бир, икки ёки ундан ортиқ тилларда тузилади. Имзоланган халқаро шартномалар, одатда, олий давлат ҳокимияти органи томонидан ратификация қилинади. Ўзбекистон Республикасида ратификация қилиш ваколати Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига берилган.

Халқаро шартномалар имзолангандан (агар шартномада шундай кўрсатилган бўлса) ёки ратификация қилингандан кейин, ёхуд саклаш учун ёрлиқлар бирор давлатга ёки БМТга топширилгандан кейин кучга киради.

Халқаро шартномалар белгиланган муддатнинг ўтиши, белгиланган мажбуриятларнинг бажарилиши, шартнома ижросини муддатидан илгари тугатиш учун ҳар икки томоннинг келишуви билан бекор қилинади. Шартнома денонсация (бекор қилиш), шартнома ишгирокчиларининг розилиги билан қайта кўриб чиқиш (тафтиш қилиш), шунингдек, томонлардан бирининг (давлатнинг) шартномадан бир томонлама воз кечиш йўли билан ҳам бекор бўлиши мумкин.

Халқаро шартномалар, одатда, ахдлашган мамлакатларнинг вақтли матбуотларида, ҳукуматнинг расмий нашрларида эълон қилиниши мумкин. Ўзбекистон Республикасида ратификация қилинган шартномалар Олий Мажлисининг ахборотномасида ва бошқа белгиланган нашрларда чоп этилади. Халқаро шартномалар турли номлар, жумладан, шартнома, битим, пакт, трактат, конвенция, декларация, коммюнике, протокол, акт ва бошқа номлар билан аталиши ҳамда тузилиши мумкин.

Тузилган шартномалар бўйича давлатлар ўзларига мажбуриятлар оладилар. Масалан, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, территория дахлсизлиги, уруш хавфи ва терроризмга қарши кураш ва ҳ.к. Олган мажбуриятини бузган давлатга халқаро ҳуқуқ мезонлари бўйича жавобгарлик тартибда турли санкциялар қўлланилади. Ҳозирги даврда бундай санкцияларнинг энг таъсирчани иқтисодий санкциялардир. Айрим ҳолларда жисмоний шахслар ҳам жавобгарликка тортилади. Тинчликка қарши жиноятлар, ҳарбий жиноятлар ва инсониятга қарши қаратилган жиноятлар учун индивидуал жавобгарлик

белгиланган. Масалан, бу йўналишдаги жиноятлари учун фашистлар ва япон ҳарбий жиноятчилари ўз жазоларини олишган.

Жамиятда нодавлат характеридаги халқаро муносабатлар ҳам мавжуд. Бундай муносабатлар турли давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари ўртасидаги муносабатлар, шунингдек, халқаро ноҳукумат ташкилотлари ва халқаро ҳўжалик уюшмалари орасидаги муносабатлардир.

Давлатларнинг ички ва ташқи сиёсати халқаро муносабатларга албатта ўз таъсирини ўтказди. Ички сиёсат – давлат ҳокимиятига тааллуқли ташкилотлар ва ҳукмрон шахсларнинг бир давлат ҳудудида жамият ҳаётининг турли жабҳаларини ҳуқуқий воситалар билан тартибга солишга қаратилган фаолиятидир. Ички сиёсат масалаларига қуйидагилар кирази: давлат ва жамият тузилиши ҳамда тараққиётини белгилаш; мавжуд иқтисодий ва ижтимоий тизимни ҳимоялаш ва уни ислоҳ қилиш; маданият ва таълим ривожланишининг устувор йўналишларини белгилаш; фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишни таъминлаш ва бошқалар.

Ички сиёсат фақат давлат бошқаруви идоралари томонидан амалга оширилмасдан, турли жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлар, жумладан, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, ноҳукумат ташкилотлари, шунингдек, фуқаролар томонидан ҳам амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси парламент, президент ва маҳаллий ҳокимият идораларига сайловларда иштирок этиш орқали давлатнинг ички сиёсатига таъсир кўрсатиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси ички сиёсатининг асосий йўналишлари: давлат ва жамият ҳаётининг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш; жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётини демократиялаштириш ва ислоҳ қилиш; сайлов тизимини янгилаш; мустақил, юқори технологияга асосланган самарали ва қулай иқтисодиётни яратиш; миллий онгни шакллантириш, миллат маданияти ва маънавиятини ривожлантириш.

Ташқи сиёсат давлатнинг бошқа давлат ва халқлар билан муносабатлари соҳасидаги фаолиятининг мақсади ва тадбирлари мажмуини ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати ва халқаро фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тамойиллари ва нормаларига, шунингдек, бу соҳага тегишли бошқа норматив ҳужжатларга амал қилади.

Ҳар бир давлатнинг ташқи сиёсати унинг ички сиёсати характери билан ҳам боғлиқ бўлади. Лекин халқаро вазият ва у билан боғлиқ бўлган ташқи сиёсат ички сиёсатга маълум даражада таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Демак, ички ва ташқи сиёсат бир-бирини инкор қилмайди, балки ўзаро таъсирда ривожланиб боради.

2. Халқаро муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатлари

Халқаро муносабатлар, албатта маълум даражада қабул қилинган халқаро ҳуқуқлар асосида олиб борилади. Халқаро ҳуқуқ – мустақил ҳуқуқ тизими бўлиб, давлатлар, шунингдек, халқаро ҳуқуқ тизимидаги барча субъектлар ўртасидаги муносабатларни, алоқаларни тартибга солиб, мувофиқлаштириб турувчи шартномавий ва одатларга (таомилларга) оид нормалар, тамойиллар мажмуи ҳисобланади. Давлатларнинг мавжудлиги ва ривожланишининг объектив шароитлари улар ўртасида сиёсий, иқтисодий ва бошқа муносабатлар, алоқалар ўрнатишни ҳамда уларни ҳуқуқий йўналтириб туришни тақазо қилади. Шу асосда халқаро муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатлари вужудга келади.

Халқаро муносабатларни тартибга солиш бўйича айрим қоидалар, хусусан элчи ва шартнома ҳуқуқи нормалари уруш олиб боришнинг айрим қоидалари қадим даврлардан бери мавжуд. Жумладан, элчининг дахлсизлик ва экстерриториал ҳуқуқи, шартнома ва иттифоқларнинг муқаддаслиги, ҳакамлар суди ва воситачилик, чет элликлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уруш эълон қилиш тартиби, ибодатхоналар ва бошқа муқаддас жойларга тегмаслик, захарли қуролларни тақиқлаш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Халқаро муносабатлар ҳуқуқий жиҳатларининг назарий томонлари қадимги Юнонистон олимлари Полибий (э.о. II аср), Платон, Аристотель ва Рим олимлари – Цицерон, Ульпиан (II-III аср) ва бошқаларнинг асарларида баён қилинган.

Ўрта асрларда Шарқда халқаро муносабатлар масаласида ўзига хос фикрлар айтилган бўлиб, бу масала ҳукмдорларнинг ташқи сиёсатида муҳим роль ўйнаган. Жумладан, Абу Али Ҳасан ибн Али Тусий –Низомулмулк (1018-1092) ўзининг "Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк" асарида давлатлар ўртасидаги муносабатларни ўрнатишда элчиларнинг роли ҳақида: "Элчи ҳам подшоҳлар хизматида бўлган, сўзлашда жасур, жаҳон кўрган, донишманд, ўткир хотирали, андишали ва чиройли бўлсин. Агарда элчи ёши улуг ва олим бўлса яхшидир, юборилган надим шу йўсинда бўлса, ишонч ўйғотади. Агар жасур ва кўркмас кишини элчи қилиб юборсалар ва у одобли, қурол ишлатишни, чавандозликни билса, мубориз бўлса, яхшироқдир. Унда бизнинг ҳақимизда ҳам бошқаларда худди шундай таассурот қолади. Элчи улугвор киши бўлса ҳам яхши, чунки унинг ҳурмати ошган бўлиб, унга ёмонликни раво кўрмайдилар. Шароб ичмайдиган, масхарабозлик қилмайдиган, кимор ўйнамайдиган, камгап, доно элчи яхшироқдир". Ушбу сўзлардан халқаро муносабатларда элчилар фаолиятига қандай катта аҳамият берилганлиги кўриниб турибди.

Маълумки, буюк бобокалонимиз Амир Темури даврида бошқа мамлакатлар билан халқаро муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. Темури "Тузуқлари"да шундай сўзлар келтирилади: "Ҳар бир мамлакатга ва диёрга савдогарлар ва қарвонбошилар тайинладимки, улар қарга боришмасин, Хитойгами, Хўтан, Чину Мочин, Ҳиндистон, араб мамлакатлари, Миср, Шом, Рум, Жазоир, Фарангистонгами, у ерларнинг нафис матолари ва муносиб тўхфаларидан келтирсинлар. Ўша мамлакатларда истикомат қилувчи кишиларнинг ҳол-аҳволи, туриш-турмуши ҳақида менга хабар олиб келсинлар. Ҳар бир мамлакат ҳукмдорининг ўз раиятига қандай муомалаю муносабатда эканлигини аниқласинлар."

Амир Темури ўз давридаёқ ҳеч қандай давлатнинг қўшнилари билан ўзаро алоқа тузмасдан истиқболи бўлмаслигини теран ва яхши англаган. Шу сабабли, у Европа ва Осиёни боғлашга хизмат қилган улкан ишларни амалга оширган. Бир томондан Хитой, Ҳиндистон, бир томондан – Франция ва Англия, яна бир томондан – Рум, Испания, Италия, Миср ва бошқа давлатлар билан алоқалар ўрнатган ва шу муносабатларни мустаҳкамлашга уринган. Ўзбекистон Президенти Исмоил Каримов "Амир Темури фаолиятидаги биз учун ибратли нуқталардан яна бири шундаки, у савдо-иқтисод муносабатлари орқали халқлар, мамлакатлар ўртасида ягона макон барпо этиш соҳасида шундай ютуқларга эришганки, бунга қойил қолмасдан иложимиз йўқ", деб ёзади. Амир Темури Испания қироли Генрих III, Франция ҳукмдори Карл VI, Англия қироли Генрих IV саройларига элчилар юбориб, мутаносиб равишда испаниялик, франциялик, англиялик, хитойлик ва бошқа қатор хорижий элчиларни ўз салтанатида қабул қилган.

Бу даврда Европа давлатларида ташқи муносабатлар билан шуғулланадиган идоралар ташкил этилиб, консуллик ҳуқуқи жорий этилди. XVI-XVII асрларда голландиялик юрис ва дипломат Гуго Гроций ва унинг издошлари халқаро муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган бўлса, XVIII-XIX асрларда суверен тенглик, мустақиллик, территориял дахлсизлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, шартномаларга амал қилиш, давлатни тан олиш, катта қулфатлар келтирувчи уруш қуролларини тақиқлаш ва бошқа тамойиллар халқаро муносабатлардан кенг ўрин олди.

XX асрга келиб халқаро муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатларини ёритишда ривожланган мамлакатларнинг мустамлакачилик сиёсатини оқлаш ва асослашдан иборат бўлган турли-туман назария ва концепциялар ҳам майдонга келди. Масалан, мандат тизимининг жорий қилиниши.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин муҳим халқаро ҳужжатларда, БМТ Низомида, 1966 йилги Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Пактда, 1970 йилги халқаро ҳуқуқнинг тамойиллари тўғрисидаги Декларацияда ва 1975 йилги Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик Кенгашининг қарорларида куйидаги асосий тамойиллар белгилаб берилган:

- а. халқаро муносабатларда қуч ишлатиш ёки қўллаш, қўрқитишни тақиқлаш;
- б. халқаро низоларни тинчлик йўли билан ҳал этиш;
- в. бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;

- г. БМТ Низомига асосан бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қилиш;
- д. давлатларнинг мустақиллиги ва тенглигини ҳурмат қилиш;
- е. халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаши;
- ж. БМТ Низомига асосан аъзоликка қабул қилинган давлатлар халқаро ҳуқуқ бўйича ўз мажбуриятларини виждонан бажаришлари зарурлиги;
- з. чегараларнинг дахлсизлиги;
- и. давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги;
- к. инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига ҳурмат.

Бу ўзгаришлар янги, ҳозирги замон халқаро муносабатларининг ҳуқуқий жиҳатларини ривожлантирди. Ҳозирги шароитда халқаро муносабатларда чегаралар дахлсизлиги, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик, тинч-тотув яшаш ва уни таъминлашга қаратилган асосий сиёсий ва ҳуқуқий шароитлар мустаҳкамланган.

Халқаро муносабатлар ишгирокчиси биринчи навбатда, асосан давлатдир. Янги давлатлар, бирор ҳужжатдан ёки халқаро муносабатлар ишгирокчиларининг хоҳишидан қатъий назар халқаро ҳуқуқнинг субъекти бўлиб қолади. Жумладан Ўзбекистон Республикаси мустақил бўлгач унинг Конституцияси 17-моддасида "Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир" деб ёзиб қўйилган. У барча давлатлар билан ўз хоҳишича халқаро муносабатларга киришишга ҳақлидир.

БМТ Низоми ва унинг 1960 йилдаги Декларациясига кўра, фақат давлатгина эмас, балки ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини ҳали қўлга киритмаган халқлар ва миллатлар ҳам халқаро ҳуқуқнинг субъекти ҳисобланадиган бўлди. Тузилиши ва фаолияти жиҳатдан халқаро ҳуқуқ тамойилларига зид бўлмаган халқаро ташкилотлар ҳам халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида тан олинади.

Халқаро муносабатларда барча давлатлар томонидан тан олинган ва ҳамма давлатлар учун мажбурий бўлган тамойил ва нормалар мавжуддир. Улар халқаро муносабатлар ишгирокчилари учун бир хил аҳамиятдаги ҳатти-ҳаракат қоидаларидир. Шу билан бирга "тамойил" ва "норма" тушунчаларининг бир-биридан фарқи бор. Умум тан олинган тамойиллар деганда халқаро муносабатлар субъектининг умумий ва жуда муҳим ҳатти-ҳаракатлари қоидалари тушунилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган 10 тамойил ҳозирги вақтда етакчи тамойиллар ҳисобланади. Нормалар эса давлатлар ўртасидаги ҳатти-ҳаракатларнинг аниқ қоидаларини, тамойилларнинг деталлаштирилишини англатади. Ушбу нормалар давлатлар ўртасидаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий, илмий-техникавий ва бошқа соҳадаги муносабатларни йўналтириб туради. Давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик илгари халқаро ҳуқуқ йўналишидан четда қолган, жумладан, тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш, фан, техника ва таълимни ривожлантириш, меҳнат шароитини яхшилаш, жиноятчилик билан курашиш (гиёҳванд моддаларни сотиш, терроризм ва ҳ.к.), атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, давлатларнинг космосдаги, денгиз ва океанлар остидаги фаолиятини ҳам қамраб олмоқда.

Халқаро муносабатларда мафжуравий омилнинг таъсиридан холи бўлиш ғоят мураккаб ва долзарб масаладир. Чунки собиқ Иттифок даврида коммунистик мафжуранинг рад қилган рад қилган давлатлар билан алоқалар яхши эмас эди. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин ўзининг мустақил ташқи сиёсатини юритмоқда ва 1993 йилдаёқ "мафжуравий қарашларидан қатъий назар ташқи муносабатларда ошқоралик" тамойилини белгилаб олган эди. "Республика ташқи сиёсатининг ошқоралиги принципини амалга ошириш барча тинчликсевар давлатлар билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга имкон беради. Мафжуравий омиллардан қатъий назар, мана шу принципга риоя қилинса, қисқа муддатлар ичида зарур бўлган жуда кенг ташқи алоқаларни йўлга қўйиш, ташқи дунёдан юз йилдан ортиқ вақт мобайнида ажралиб қолиш оқибатларидан халос бўлиш имконияти очилади",- деб ёзган эди Ислон Каримов. Ана шу тамойилга амал қилган Ўзбекистон дунё ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирди ва бу йўлдан жадал одимламақда.

Ҳозирги даврда ахборот узатишнинг мукаммаллашуви, дунё давлатларининг иқтисодий жиҳатдан ўзаро интеграциялашуви, шунингдек, халқаро чегараларни билмайдиган турли-туман хавфларнинг, жумладан, гиёҳвандлик, СПИД/ОИТС, терроризмнинг тарқалиши ҳам дунёнинг бир бутунлиги ва яхлитлигини таъминламоқда. Бирор мамлакатга солинаётган хавфдан бошқа давлатлар ҳам четда қолаётгани йўқ. Чунки ўзаро боғлиқлик натижасида бундай хавф-хатарлардан у ёки бу даражада бошқа давлатлар ҳам зарар кўриши табиий. Масалан, Афғонистондаги уруш натижасида жуда кўп давлатларнинг савдо йўлларига, азалий алоқаларига путур етди. АҚШдаги 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан дунёнинг деярли барча давлатлари азият чекди.

3. Ўзаро муносабатларда умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги

Ҳар бир мамлакат ўз миллати ва халқлари учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ўзига хос қадриятлари асосида ривожланади. Лекин барча халқлар учун ижобий аҳамият касб этувчи, инсониятнинг умумий манфаатларига мос келувчи моддий ва маданий ҳодисалар, мезонлар, қадрли жиҳатларнинг устувор бўлишига таянган ғоялар асосидаги фаолият мажмуи бўлган умуминсоний қадриятлар ҳам тан олинади. Чунки ҳар бир одам жинси, ирқи, миллати, ёши, касби, эътиқодидан қатъий назар авваламбор башар фарзанди, инсондир. Шу умумий моҳият барча одамлар, миллатлар учун бирдай аҳамиятли ва қадрли бўлган предмет, ҳодиса, жараён, муносабатларни фарқлашга имкон беради.

Умуминсоний қадриятлар инсоният тарихининг яхлитлигини ифодалайди, у даврлар ўтиши ва ижтимоий ҳаётнинг ўзгариши билан бир қаторда такомиллашиб, ривожланиб, тобора кўпроқ халқларни, миллатларни, инсонларни бирлаштирувчи, бир-бирига яқинлаштирувчи ва камол топтирувчи кучга айланиб боради. Инсонпарварлик ва ижтимоий адолат, эркинлик ва озодлик, барқарорлик ва фаровонлик, эзгулик ва тараққиётга бўлган интилиш умуминсоний қадриятларнинг муҳим жиҳатидир. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мамлакатимизнинг бу масалаги муносабатига тўхталар экан "мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан ҳамда давлатчилик қайта тикланганидан бошлаб, Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат ва умуминсоний, эътироф этилган идеаллар ҳамда қадриятларга асосланган фуқаролар жамияти қуриш йўлига тушиб олди", деб таъкидлайди.

Умуминсонийликнинг устуворлиги – бу ҳар бир инсон бахтли-саодатли, озод ва эркин бўлиши, жамиятда амалга оширилаётган барча ишлар, ўзгариш ва ислохотлар, шу жумладан халқаро муносабатларда амал қилинадиган тамойиллар ҳам, ўзаро муносабатлар ҳам инсон манфаатларига хизмат қилиши керак, деган қарашга асосланади. Демак, халқаро муносабатларда ҳам умуминсоний қадриятлар устун туради.

XX асрнинг иккинчи ярмида, хусусан 90-йиллардан кейин янгича иқтисодий муносабатлар ташкил топди. Тарихдан маълумки, йирик давлатлар билан, айниқса метрополия давлатлари ва мустамлака мамлакатлари, шунингдек собиқ Шўро давлати билан кўпгина собиқ социалистик давлатлар ўртасидаги муносабатларда йирик давлатлар манфаатлари албатта устун бўларди. Кўпгина шартномалар ўзаро манфаатли ҳамкорликка қаратилган бўлсада, мавжуд муносабатларга мос равишда бўларди.

Ҳозирги даврга келиб бу нарса бутунлай ўзгарди. Янгича иқтисодий муносабатларнинг қарор топишида ўзаро манфаатли ҳамкорлик асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси ҳам ўз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларни шакллантиришда "ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда" иш тутиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек "XXI аср, шубҳасиз, халқаро муносабатларда бутун дунё камраб олинadиган аср бўлади".

4. Халқаро ташкилотларнинг ўзаро муносабатларни барқарорлаштиришдаги роли

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) – тинчлик ва хавфсизликни сақлаш бўйича 1945 йил апрель-июнида Сан-Францискода (АҚШ) 50 мамлакат вакиллари иштирокида ташкил этилган. БМТ Низоми эса ўша йили 24 октябрда кучга кирган ва шу кун

БМТ Куни сифатида нишонланади. Халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, бунинг учун тинчликни бузувчиларга қарши биргаликда чоралар кўриш, халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш тамойили асосида барча миллатлар ўртасида дўстона муносабатларни шакллантириш ва ривожлантириш, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва инсоний характердаги халқаро муаммоларни ҳал этишда халқаро ҳамкорликни амалга ошириш БМТнинг асосий мақсадидир. БМТ кўпгина "оловли нукта"ларда тинчликни тиклаш ишига катта ҳисса қўшган. Жумладан Югославиядаги, Яқин Шарқдаги ва бошқалар.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) – 1975 йил 30 июль - 1 августда 33 та Европа давлатлари, шунингдек АҚШ ва Канада раҳбарлари учрашувида ташкил этилди ҳамда у кескинликни юмшатишнинг янги босқичига асос солди, ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатлар ўртасида тинч-тотув яшаш, тенг ҳуқуқли ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиш тамойилларини мустаҳкамлаш борасида муҳим қадам бўлди. У "совуқ уруш" сиёсатининг бефойда ва зарарли эканлигини тасдиқлади ҳамда дунёда халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлашдан иборат марказий вазифани ҳал этиш учун янги имкониятлар очиб берди ва бу соҳада сезиларли фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов бу ташкилотнинг 1994 йил Будапешт, 1996 йил Лиссабон, 1999 йил Истамбул саммитларида нутқ сўзлади. Кейинги саммитда халқаро терриризмнинг чегара билмаслигини ва шу сабабли унга қарши кураш марказини ташкил этишни кескин масала қилиб қўйди.

Шимолий Атлантика шартномаси Ташкилоти (НАТО) – 1949 йил 4 апрелда ташкил этилган бўлиб: дастлаб жаҳон социализм тизимига қарши кураш манбаи бўлсада, "совуқ уруш" тугагандан кейин халқаро кескинликни юмшатиш, террорчи ташкилотларга қарши кураш, диктаторлик режимларини тугатиш ишларида иштирок этмоқда. Ўзбекистон Республикаси НАТОнинг "Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик" дастури доирасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида аҳамият бермоқда.

Бу ерда биз дарс соатининг чекланганлигини ҳисобга олиб йирик учта ташкилотни келтирдик холос. Албатта, халқаро муносабатларга ўз таъсирини ўтказаётган бошқа ташкилотлар ҳам анчагина. Демак, юқорида кўрсатилган ва бошқа ташкилотлар халқаро муносабатларни барқарорлаштириш, сиёсий муътадиллик, тинчликни сақлаш, халқаро терроризмга қарши кураш, урушларнинг олдини олиш учун, халқлар ўртасида дўстлик, иқтисодий, маданий алоқаларни ривожлантириш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Шарқ ва Ғарб ўртасидаги ўзаро муносабатлар XX асрда анча мураккаб, кескин вазиятда кечган бўлса, XXI асрнинг бошига келиб бу муносабатлар ижобий томонга ўзгарди. АҚШ ва Европа мамлакатлари, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Япония ва бошқа давлатларнинг муносабатлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ қайта кўриб чиқилиб, "совуқ уруш" давридаги карама-қаршилиқлар тугатилди ва ўзаро манфаатли муносабатлар йўлга қўйилди. Шарқ билан Ғарбнинг тотувлиги Ерюзининг келажагини белгилайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, халқаро муносабатлар дунё давлатларининг тараққиётига муҳим таъсир ўтказиб келган. Шу сабабли жаҳондаги илғор, тараққийпарвар давлатлар халқаро муносабатларда тенг ҳуқуқлилиқ, ўзаро манфаатдорлик, хавфсизликни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш асосига қуриш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Таянч тушунча ва иборалар: халқаро муносабатлар; икки ва кўп томонлама шартномалар; ратификация; давлатларнинг мажбуриятлари; ички ва ташқи сиёсат; халқаро ҳуқуқ; халқаро ҳуқуқ тамойиллари; мафкуравий омил; умуминсоний қадриятлар; халқаро ташкилотлар; Шарқ ва Ғарб муносабатлари.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Халқаро муносабатларга таъриф беринг.
2. Халқаро муносабатларда қайси сиёсий ташкилот ва нима учун асосий роль ўйнайди?
3. Халқаро шартномаларнинг қандай турлари мавжуд?

4. Халқаро шартномалар қандай номланиши мумкин?
5. Тарихда давлатлар ўртасидаги муносабатлар ҳақида фикр юритган ва бу ҳақда асар қолдирган қандай кишиларни биласиз?
6. Халқаро ҳуқуқ нима?
7. Халқаро ҳуқуқнинг 10 тамойилидан икkitасини шарҳлаб беринг.
8. Халқаро муносабатларда умуминсоний қадриятларнинг устуворлигини қандай тушунасиз?
9. БМТ қачон ва қандай мақсадда тузилган? Ҳозирги пайтда унинг халқаро нуфузи қандай ахволда?
10. Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилаётган қандай халқаро ташкилотларни биласиз?

12-мавзу. Ўзбекистон халқаро муносабатлар тизимида.

1. Ўзбекистоннинг мустақиллика эришиши ва халқаро нуфузининг ошиши

Мустақил Ўзбекистон Республикаси тасодифан пайдо бўлган эмас. Бу ўлка энг қадимий давлатчилик марказларидан биридир. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин халқаро муносабатларда биринчи навбатда умуминсоний қадриятлар ва халқаро ҳуқуқ нормаларига амал қилиш билан бирга, ўзимизга хос бўлган тарихий анъаналарни ривожлантириб келмоқда.

Инсон табиатан эркин, лекин у ўзаро алоқалар ва мулоқотларсиз яшай олмайди. Бу нарсa «Қуръони карим»да ҳам ўз ифодасини топган. «Эй инсонлар, дарҳақиқат биз сизларни бир эркак ва бир аёлдан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишларингиз учун сизларни халқлар ва қабила-элатлар қилиб қўйдик», дейилади унда. Дарҳақиқат, бу сўзларнинг маъноси шуки, барча халқлар ўзаро таниш-билишлиқда, ўзаро алоқада, дўст-биродарлида яшамоқлари лозим. Буюк бобкалонимиз, соҳибқирон Амир Темурнинг Фарангистон кироли Карл VI га йўллаган мактубида «бизнинг истагимиз сизнинг ва бизнинг одамларимиз, бу икки эътиборли мамлакат ўртасида, ўзаро бориш-келиш қилсинлар, токи сизнинг ва бизнинг улуғворлигимиз ҳамма ерда мақтовга лойиқ бўлсин», дейилади.

Мустақил Ўзбекистон дастлабки кунларданоқ халқаро муносабатларда эркин ташқи сиёсат юрита бошлади. Бу сиёсат Ўзбекистон Республикаси Конституциясида тўла қонунлаштирилди. Конституциянинг 17-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа қоидаларига ва нормаларига асосланади» - дейилади. Бу қоидалар мутлақо янги мустақил давлатнинг ташқи сиёсатига қаратилгандир. Агар бу фикрларни 1978 йилги Ўзбекистон ССР Конституциясининг 26-моддасидаги: «Ўзбекистон ССР ўзининг ташқи сиёсий фаолиятида СССР Конституциясида белгиланган ташқи сиёсат мақсадлари, вазифалари ва принципларига амал қилади» - деган сўзлар билан солиштирсак манзара ўз-ўзидан равшан бўлади.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон жаҳонга юз тутди, халқаро майдонда ўз обрўсига, ўз нуфузига эгадир. 2002 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримовга «Халқаро миқёсдаги лидер» мукофотининг Нью-Йорк шаҳрида топширилиши Ўзбекистоннинг жаҳондаги нуфузини дунёнинг энг ривожланган, энг йирик, энг кучли давлатлари ҳам тан олганлигининг белгисидир. Шу билан бирга Ўзбекистон дунёнинг энг нуфузли ташкилотларида фаолият кўрсатмоқда ва маърифатли дунё сафларидан ўз ўрнини муваффақиятли эгаллади.

1992 йилда мамлакатимизнинг давлат мустақиллигини 120 мамлакат расман тан олиб, уларнинг 45 таси билан дипломатик алоқалар ўрнатилган бўлса, ҳозирги вақтда Ўзбекистонни 165 давлат тан олди ва дунёдаги 120 дан ортиқ мамлакат билан расмий дипломатия муносабатлари ўрнатилди. Тошкентда 45 мамлакат ва 20 та халқаро ташкилотларнинг миссиялари аккредитация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 2 мартда БМТга тенг ҳуқуқли аъзо бўлди. Нью-Йорк шаҳридаги БМТ биноси олдида мамлакатимизнинг давлат байроғи тантанали равишда кўтарилди. БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси 1993 йил февралда иш бошлади. Тез орада ушбу ваколатхонада БМТнинг бир қанча махсус муассасалари (Тараққиёт дастури, Болалар жамғармаси, Қочоқлар иши бўйича Олий Комиссари Бошқармаси, Саноат тараққиёт дастури, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Аҳоли жойлашиши жамғармаси кабилар) ҳам ўз фаолиятларини бошладилар. Халқаро миқёсдаги ана шундай обрўли ташкилотнинг фаолиятида иштирок этиш ҳар бир давлат учун фахрли иш ҳисобланади. Ўзбекистон ҳам бу ташкилотнинг қарорлари ва ташаббусларини қўллаб-қувватламоқда. 1993 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти БМТ Бош Ассамблеяси минбаридан нутқ сўзлади ва минтақавий ҳамда умумбашарий муаммолар ҳақида гапириб, дунёда тинчликни сақлаш бўйича аниқ таклифлар билан чиқди. Ўзбекистоннинг иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, соғлиқни сақлаш, маданиятни тиклаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа соҳаларда БМТ билан ҳамкорлиги кучайиб бормоқда.

БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги Ўзбекистон делегацияси таклифлари бўйича 1995 йил сентябрда БМТ Бош котиби Бутрос Галий кўмаги билан 31 давлат ва 6 халқаро ташкилот иштирокида Тошкентда Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масаласида семинар кенгаш бўлиб ўтди ва унда «дунё хавфсизлиги йўли минтақавий хавфсизликни таъминлаш орқали ўтиши» таъкидланди.

Ўзбекистоннинг БМТ фаолиятидаги иштироки бу ташкилотнинг 50 йиллиги муносабати билан Бош Ассамблеянинг 50-сессияси махсус тантанали йиғилишида республикамиз раҳбари Ислом Каримовнинг нутқ сўзлаши билан янги босқичга кўтарилди. Ушбу нутқда Афғонистон муаммоси кескин кўтарилди, бу давлатга қурол олиб киришни тақиқлаш таклиф этилди. Орол фожиасини БМТнинг ташкилотчилик фаолиятисиз ҳал қилиб бўлмаслиги айтиб ўтилди ва БМТ тузилмаларини ислоҳ қилиш бўйича бир қатор, жумладан, Германия ва Япония сингари давлатларни Хавфсизлик Кенгашига доимий аъзолар сифатида киритиш, Бош котиб ваколатларини кучайтириш, халқаро минтақавий ташкилотлар билан БМТ алоқаларини кучайтириш таклифлари киритилди.

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлиб, Президент И. Каримов таъбири билан айтганда «Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган кўп томонлама фаол ташқи сиёсатни амалга ошириш — давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш ва халқ турмушини яхшилашнинг зарур шарти ва ғоят муҳим воситасидир».

Ўзбекистон ташқи сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантиришда 1992 йилда белгиланган қуйидаги тамойилларга амал қилади:

Биринчидан, ўзининг миллий-давлат манфаатлари устун бўлгани ҳолда ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олиш. Мустақил давлатимизнинг бирон бир буюк давлатнинг таъсир доирасига тушиб қолмаслиги.

Иккинчидан, мамлакатимиз одамлар ва давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда умумбашарий кадриятларни устун қўйиб, халқаро майдонда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун, можароларни тинч йўл билан ҳал этиш учун курашади. Ўзбекистон ядросиз минтақа бўлиб қолади, тажавузкор ҳарбий блоклар ва уюшмаларга қирмайди. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги, ҳужум қилмаслик ҳақидаги, низоли масалаларни ҳал этишда куч ишлатишдан ва куч ишлатиш билан таҳдид қилишдан воз кечиш тўғрисидаги халқаро ҳужжатларни тан олади ва уларга оғишмай риоя қилади.

Учинчидан, республиканинг ташқи сиёсати тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидалари асосига қурилади.

Тўртинчидан, мафкуравий қарашлардан қатъий назар ташқи сиёсатда очик-ойдинлик тамойилини рўёбга чиқаришга ва барча тинчликсевар давлатлар билан кенг ташқи алоқаларни ўрнатишга интилади.

Бешинчидан, Ўзбекистон халқаро ҳуқуқий нормаларнинг ички миллий қонунчилик нормаларидан устуворлигини тан олади ва жаҳон ҳамжамиятига кирар экан халқаро талабларга риоя қилади.

Олтинчидан, Ўзбекистон тўла ишонч тамойиллари асосида ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама ташқи алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш учун, халқаро ташилотлар доирасида ҳамкорликни чуқурлаштириш учун ҳаракат қилади.

Шуни таъкидлаш керакки, ушбу тамойиллар И. Каримовнинг «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида янада катта куч билан таъкидланади. «Биз, - деб ёзади Ислом Каримов, - ташқи алоқаларни халқаро муносабатларнинг турли йўналишлари бўйича муваффақиятли ривожлантиришни хавфсизлик ва барқарорликнинг кафолати деб биламиз. Ўзбекистон дунё учун очиқ».

□ақиқатан ҳам, мамлакатимизнинг хорижий давлатлар билан сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалари йилдан йилга кучайиб бормоқда ва биз дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгалладик. □озирги пайтда ҳеч бир қитъада Ўзбекистонни билмайдиган халқ йўқ десак муболаға бўлмайди. Хорижий мамлакатлар билан алоқалар мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожига ҳам таъсир кўрсатмоқда. 2003 йилда мамлакат иқтисодиётига 2 триллион сўмга яқин, яъни аввалги йилга нисбатан 4,5 фоиз кўп чет эл сармоялари киритилди. Бу инвестицияларнинг асосий қисми мамлакатимизнинг жаҳон бозорида, дунё иқтисодий ҳаётида муносиб ўрин эгаллашида ҳал қилувчи роль ўйнайдиган иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини, шунингдек ижтимоий соҳа, жумладан таълим ва тиббиёт соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилди.

Демак, хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, маданий алоқалар мамлакат тараққиёти учун жуда катта аҳамиятга эгадир.

2. Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар, Америка, Европа ва Осиё давлатлари билан алоқалари

Ўзбекистон мустақилликка эришган давр ичида ўзининг жаҳон ҳамжамияти билан алоқаларини мустаҳкамлади. Унинг дунёда мустаҳкам ўрин олиши учун катта ишлар амалга оширилди. Мамлакатимиз барча қитъалардаги 40 та халқаро ташкилот ва 500 га яқин халқаро сиёсий субъектлар, шунингдек халқаро молиявий, иқтисодий бирлашмалар, йирик банklar, нодавлат ва ноҳукумат ташкилотлари билан алоқаларини ривожлантириб бормоқда ва ўтган давр ичида кўплаб халқаро конвенциялар имзоланди.

Республикаимиз БМТнинг ихтисослашган муассасалари бўлган ЮНЕСКО, ЮНКТАД, ЮНИСЕФ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилмоқда.

Булар орасида Европа Иттифоқи алоҳида ўрин тутди. 1996 йил февраль ойида Ўзбекистон Европа Иттифоқи билан муносабатларни ривожлантириш бўйича музокаралар бошлади ва июль ойида Флоренция шаҳрида шерикчилик ва ҳамкорлик ҳақида битим имзоланди. Европа Иттифоқи билан шерикчилик ва ҳамкорлик мамлакатимизнинг хавфсизлигини ва тараққиётини таъминлашда муҳим ҳисса ҳисобланади. Чунки бу шерикчилик иқтисодий, маданий ва илмий соҳалар билан бирга сиёсий соҳани ҳам қамраб олади. Бу битим Европа Иттифоқи ва унга аъзо бўлган мамлакатлар билан республикаимиз ўртасида ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий негизини яратишда муҳим аҳамиятга эга бўлди, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик учун кенг имкониятлар очди.

Бу битимнинг аҳамияти шуки, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек «Ўзбекистонда демократик жамият муваффақиятли куриляётганлигини, халқларимизни инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, фуқаролик эркинликлари ва ҳуқуқий давлат сингари умумий қадриятлар бирлаштириб турганлигини яққол тасдиқлайди». Ҳозирги пайтда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги товар айирбошлаш йилига 1,2 млрд. АҚШ долларини ташкил этмоқда. Улардан 47 % Ўзбекистондан экспорт ҳиссасига, 53 % эса Ўзбекистонга импорт ҳиссасига тўғри келади. 2003 йилда Европа Иттифоқи давлатлари

орасида яқин ҳамкорларимиз Буюк Британия, Германия, Италия, Бельгия, Франция, Нидерландия бўлишди. Европа Иттифоқи давлатлари иқтисодийтимизга тўғридан тўғри инвестиция киритаётган йирик шериклар ҳамдир. Ушбу мамлакатлар фирма ва компаниялари капитали ишгиросида мамлакатимизда 500 дан ортиқ корхоналар фаолият кўрсатмоқда, улардан 115 тасининг капитали тўлиқ шерикларимизникидир.

Инвестиция лойиҳалари ичида Ўзтелерадиокомпанияни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаётган Германиянинг "Сименс", ҳаво кемалари ҳаракатини бошқариш тизимини янгилаётган Франциянинг "Томсон", замонавий самолётлар сотиб олиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш марказини яратиб турган Германиянинг "Люфтганза Техник" ва бошқа кўплаб компанияларни кўрсатиш мумкин.

Ҳозирги пайтда ГФР билан Тошкентда халқаро таъминот маркази яратиш, касб-хунар таълими соҳасида кадрлар тайёрлашга оид, Франция билан – энергетика тизимини янгилаш ва мавжуд нефт-газ конлари самарадорлигини ошириш, ирригация ва шаҳарларда коммунал инфратизимни қайта қуришга оид, Буюк Британия билан – мамлакатимиз жанубидаги полиметалл руда конларини ишга тушириш бўйича истиқболли лойиҳалар тайёрланмоқда.

Ўзбекистон 1992 йил февралда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҚТ)га аъзо бўлиб кирди. 1992 йил 8-10 июлда И.Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Финляндияда расмий сафарда бўлиб ЕХҚТнинг йиғилишида иштирок этди ва 10 июлда бўлиб ўтган мажлисга Ўзбекистон Президенти Раислик қилди ҳамда нутқ сўзлади. Ушбу нутқда минтақамизда тинчликка ва барқарорликка таҳдид солиши мумкин бўлган можароларнинг олдини олиш ҳақида таклифлар ўз ифодасини топди. 1995 йилда Тошкентда ЕХҚТнинг алоқалар бўйича минтақавий бюроси иш бошлади ва 1996 йилда пойтахтимизда Марказий Осиё хавфсизлигига бағишланган симпозиум бўлди. ЕХҚТнинг 1995 йилда Будапештда бўлиб ўтган йиғилишида Ўзбекистон минтақамизда барқарорлик ва тинчликни сақлаб туриш, ЕХҚТнинг бу жараёнда, экология муаммоларини, хусусан ҳозирги пайтда миллийлик даражасидан чиқиб, умуминсоний муаммога айланган Орол муаммосини ҳал этишда янада муайянроқ иштироки билан боғлиқ бир қанча ташаббусни кўтариб чиқди.

1997 йилда ЕХҚТнинг Лиссабон саммитида Ўзбекистон хавфсизлик муаммоларига доир ўз қарашларини баён этди. ЕХҚТнинг Марказий Осиёдаги фаолиятини кучайтиришга оид мамлакатимиз делегацияси раҳбарининг талифи қабул қилинди ва Лиссабон декларациясида ҳужжатлаштирилди. Бу воқеа ЕХҚТ ўз ҳужжатларида минтақамизда барқарорликни қўллаб-қувватлаш ва можароларнинг олдини олиш ниятини баён этган биринчи ҳодиса эди.

Ўзбекистон ташаббуси билан Тошкентда ЕХҚТнинг бир қатор анжуманлари ўтказилди. Жумладан, «Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар» мавзусидаги халқаро семинар-кенгашда Осиё, Европа, Американинг 21 мамлакатидан, 29 та халқаро ва ноҳукумат ташкилотларидан вакиллар иштирок этиб инсон ҳуқуқлари масаласини кўриб чиқдилар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

1999 йил ноябрда ЕХҚТнинг Стамбул саммитида юртбошимиз сўзлаган нутқ халқаро майдонда катта шухрат қозонди. Ана шу нутқда кўтариб чиқилган асосий хулосани, яъни халқаро терроризм балоси чегара билмаслигини, уни йўқотиш учун халқаро ҳамкорлик зарурлигини бугунги кунда жаҳон аҳли чуқур тушуниб етди.

Демак, ЕХҚТ билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро муносабатлар йилдан-йилга ривожланиб бормоқда ва мамлакатимизнинг Европа давлатлари ўртасида обрў-эътиборининг ўсишига кўмак бермоқда.

Республикаимизнинг Шимолий Атлантика Иттифоқи (НАТО) билан ҳамкорлиги кучаймоқда. Айниқса унинг «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастурига 1995 йилда Ўзбекистоннинг қўшилиши мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда ва халқаро ҳамжамиятда обрўли ўрин эгаллашда, ҳозирги замон ҳарбий-техникавий ютуқларидан фойдаланишда ҳамда ҳарбий кадрларни тайёрлашда замонавий услубларни қўллашда муҳим аҳамиятга моликдир. НАТО раҳбарларининг бир неча бор Ўзбекистонда бўлиши дунё ва минтақадаги хавфсизлик масалаларида икки томоннинг фикрлари мос келишини кўрсатди.

Бу борада Марказий Осиёни ядросиз худуд деб эълон қилишга қаратилган Ўзбекистон ташаббусининг қўллаб-қувватланиши катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари ташкилоти (АСЕАН) ва Қўшилмаслик ҳаракати билан алоқаларини тобора мустаҳкамламоқда.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида устувор йўналишлардан бири дунёдаги йирик давлатлардан бири АҚШ билан муносабатлардир. 1991 йил декабрда ўша даврда АҚШ давлат секретари Ж. Бейкер Ўзбекистонда бўлган эди. Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида дипломатик муносабатлар 1992 йил декабрда ўрнатилди. 1995 йил октябрда Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг АҚШга ташрифи ўзаро алоқаларни юқори босқичга кўтарди. 2004 йилга келиб Ўзбекистонда 450 дан ортиқ ўзбек-америка қўшма корхоналари ташкил топди, улардан 124 тасининг капитали тўлиқ АҚШ томони ҳиссасидадир. Энг йирик корхоналардан бири йилига 50 тонна олтин ва бошқа нодир металллар ишлаб чиқарадиган «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонасидир. Ундан ташқари "БиЭсАй Индастриз Инк" кампанияси томонидан Хўжаободда газ сақловчи йирик ер ости омбори, "АББ Луммус Глобал" кампанияси томонидан Шўртан газкимёвий комплекси қурилмоқда. "Кейс Нью-Холланд" кампанияси билан қишлоқ хўжалик техникаси ишлаб чиқариш, лизинг ва уларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи "ЎЗКейс" қўшма корхонаси ташкил этилди. Тошкентда америка банки ва фирмаларининг қўллаб-қувватланиши очилган.

2000 йилда Ўзбекистон ислом ҳаракати ташкилотини АҚШ террорчи ташкилотлар рўйхатида киритди, унинг банклардаги ҳисоб рақамларини ёпди, ҳаракат раҳбарлари ва аъзоларини қонундан ташқари деб эълон қилди.

2001 йил апрелда Ўзбекистонга 20 миллион доллар кредит ажратиш бўйича шартнома имзоланди. 11 сентябрь воқеалари туфайли Афғонистондаги террористик тузумни тугатиш жараёнида АҚШга ҳарбий-ҳаво базасининг берилиши билан Ўзбекистон ва АҚШ жаҳон миқёсидаги антитеррор курашида иттифокчилар бўлиб қолди. 2002 йил март ойидаги Ўзбекистон Президентининг АҚШга навбатдаги расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни янада юқори босқичга кўтарди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида Европа давлатлари билан муносабатлар муҳим роль ўйнайди. 1993 йилдан Ўзбекистон Президентининг Германия, Швейцария, Франция, Англия, Нидерландия ва бошқа давлатларга қилган расмий ташрифлари ушбу давлатлар билан иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқаларни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Жумладан И.А.Каримов ҳозиргача Германияга уч марта расмий ташриф буюрди. «Мерседес-Бенц», «Сименс», «Дойчебанк» ҳамда бошқа кампаниялар билан муносабатлар йилдан-йилга муваффақиятли ривожланиб келмоқда. Шунингдек, молия, туризм, фан ва техника, наркотиклар контрабандасига қарши кураш ва бошқа соҳалар бўйича ҳамкорлик ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг Франция билан яқин ҳамкорлик алоқаларининг ўсишида Президент И.А.Каримовнинг 1993 йил октябридаги Францияга, шунингдек, Франция Президенти Ф.Миттераннинг 1994 йил апрелдаги Ўзбекистонга қилган расмий ташрифлари катта роль ўйнади. Франция Президенти Ф.Миттераннинг «ҳозирги сиёсий вазиятда Марказий Осиёда етакчи ўринни эгаллаб турган мустақил Ўзбекистон Шарқ билан Ғарб ўртасида ишончли кўприк бўлиши мумкин» деган сўзлари нақадар чуқур мазмунга эга эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Франциянинг «Кредит коммерсиал де Франс банки» «Эльф-Акитек» фирмаси билан биргаликда Қоровулбозордаги нефтни қайта ишлаш заводи қурилишини маблағ билан таъминлади. Бу завод 5 млн. тонна нефтни қайта ишлаш қувватига эга, унинг ишга тушиши билан минглаб ишчилар иш билан таъминланди ва у мамлакатимиз нефть мустақиллигининг таянчи ҳисобланади. □ Ҳозирги пайтда ҳам Франциянинг юзлаб фирмалари билан муваффақиятли ҳамкорлик давом этмоқда.

1993 йил ноябрда Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов Буюк Британияда бўлди ва Бош вазир Ж.Мейжор билан мулоқотда бўлди. Икки ўртада ўзаро иқтисодий алоқалар, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, ҳаво йўллари очиш ҳақида битимлар

имзоланди. Мамлаатимизда «Ренк Ксерокс», «Лонро», «Бабнок», «Барклайз», «Ротшильд», «БАТ Индастриз» ва бошқа компаниялар кон-руда саноатида, қурилишда, телекоммуникация, энергетика ва молиявий хизмат кўрсатишда, енгил саноатда, нефтни қайта ишлаш ҳамда бошқа соҳаларда самарали фаолият кўрсатмоқда.

Шунингдек Ўзбекистон Европанинг Голландия, Италия, Греция ва бошқа давлатлари билан ҳам ҳамкорликни кучайтирмоқда.

Осиё мамлакатлари ичида Туркия, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Жанубий Корея, Япония, Малайзия, Индонезия ва бошқа давлатлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Бу мамлакатларнинг барчасида юртбошимиз бир неча бор расмий ташриф билан бўлган, шунингдек Осиё давлатлари раҳбарлари ҳам Ўзбекистонда меҳмон бўлишиб, икки томонлама ва кўп томонлама алоқаларнинг ривожланишига муҳим ҳисса қўшганлар. Халқаро ҳуқуқ нормаларига оид шартномалар имзоланган. Бу мамлакатлар билан иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқалар кучайиб бормоқда.

Туркия давлати билан мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ муҳим алоқалар ўрнатилди. 1991 йил декабрида Ислом Каримов Туркияда расмий сафарда бўлди. Бу расмий сафар Ўзбекистон Республикаси Президентининг мустақил давлат бошлиғи сифатида биринчи чет эл сафари эди. Бу даврдан «Интернер», «Ўзтурк», «Ўзюксал» каби қўшма корхоналар фаолият кўрсата бошлади. 1993 йилга келиб Туркиядан 240 миллион АҚШ доллари миқдорида товарлар келтирилди. «Катекс», «Элтекс» фирмалари маҳсулотлари машҳур бўлиб кетди. 1993 йилда Туркия Республикаси Президенти Турғут Ўзолнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг янада ривожланишига катта ҳисса бўлди. Ҳозир ҳамкорликда 200 га яқин қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Туркия Президенти Сулаймон Демирелнинг қуйидаги сўзлари ўзбек-турк алоқаларининг истиқболи ҳақидадир: «Ўзбекистон ва Туркия икки буюк давлат. Бу давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳада мангу бўлишини истайман ва биз бунга амал қиламиз. Халқларимиз ўртасидаги қардошлиқ, турк ва ўзбек давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик тоабат раванқ топиб давом этажак».

Ҳиндистон ҳукумати Ўзбекистон мустақиллигини биринчилар қаторида тан олди. Тошкент ва Дехли ўртасида мунтазам ҳаво йўли очилди. Кетма-кет ўзбек-ҳинд қўшма корхоналари очилди. 1993 йилда республикаимизга усқуналар ва бошқа хил товарлар харид қилиш учун 10 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилди. Кўп ўтмай 100 млн. долларлик маҳсулот етказиб бериш учун 15 та савдо шартномаси имзоланди. Ҳиндистоннинг «Моди», «Хабир групп», «Акшой», «Ротан» ва бошқа фирмаларининг фаолияти кенг йўлга қўйилган.

Ўзбекистонда Покистон сармоялари иштирокида 120 дан ортиқ қўшма корхоналар ташкил этилган. «Табани», «Меркурий», «Метро», «Лаксан», «Лахор» каби кўплаб покистонлик фирмалар республикаимизда муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

1992 йил декабрда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Миср Араб Республикасига расмий ташриф билан борди ва иқтисодий, маданий соҳаларда битимлар имзоланди. Қоҳирада таълим олган ўзбек талабалари сони 200 дан ошди.

Айни пайтда Саудия Арабистони, Эрон ва бошқа давлатлар билан алоқалар яхши йўлга қўйилган. Ҳар йили минглаб кишиларнинг ҳаж сафарига бориши ушбу ҳамкорликнинг яхши натижасидир.

Хитой Халқ Республикаси билан 1992 йил март ойида 16 та ҳужжат имзоланди. Ислом Каримов таъбири билан айтганда «Хитой билан ўзаро муносабатларимиз тарихида янги саҳифа очилди». Хитой Ўзбекистондан «Ил 76» самолётларини сотиб олмоқда. Ўзбекистонда 100 га яқин қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда.

2004 йил 15 июнда Хитой раҳбари Ху Цзиньтао Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммитида қатнашиш учун Ўзбекистонга ташриф буюрди. Икки томонлама алоқаларни ривожлантириш мақсадида яна 10 та ўзаро манфаатли шартномалар имзоланди. Уларнинг умумий қиймати 1 млрд. доллардан ошади. Жумладан, Ўзбекистон ва Хитой ўртасида

шериклик муносабатлари, дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тўғрисидаги Қўшма декларация; наркотик воситаларнинг, психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши ва суиистеъмол этилишига қарши курашда ҳамкорлик қилишга, техникавий-иқтисодий ҳамкорликка оид битимлар имзоланди. Келажакда мамлакатларимиз ўртасида илм-фан, маданият, таълим, сайёҳлик, спорт, соғлиқни сақлаш каби соҳалардаги ҳамкорлик янада ривожланиши кутилмоқда.

Булардан ташқари, таълим соҳасида, хусусан, Тошкентда Конфуций номидаги институтни ташкил этиш бўйича ҳамкорлик тўғрисида битим, маданий ҳамкорлик ва нефт-газ компаниялари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги алоқаларни «ЎЗДЭУавто» корхонасисиз тасаввур қилиш қийин. □озир бу корхона ишлаб чиқараётган «Тико», «Дамас», «Нексия» автомобиллари дунёга машҳур бўлди ва мамлакатимиз экспорт салоҳиятида катта роль ўйнади. Жанубий Корея билан бошқа соҳаларда ҳам самарали ҳамкорлик ривожланиб бормоқда. Бу мамлакат жаҳондаги 10 та ривожланган давлатлардан биридир, мамлакат экспортининг 96 фоизини тайёр маҳсулотлар ташкил этади. «ЎЗДЭУэлектроникс» қўшма корхонаси ишлаб чиқарган бежирим телевизорларни қўпгина хонадонларда қўриш мумкин.

1999 йилда Тошент шаҳрида Ўзбек-Жанубий Корея «Кабул-Ўзбек К°» қўшма ишлаб чиқариш комплекси ишга туширилди. Умумий қиймати 114 млн. доллар бўлган бу корхона замонавий чет эл техникаси билан жиҳозланган бўлиб йилига 9 млн. метр юқори сифатли, жаҳон стандартига мос бўлган газлама ишлаб чиқаради ва маҳсулотнинг 98 фоизи хорижга экспорт қилинади. Корхона йилига 50 млн. доллар фойда келтиради. Худди шундай корхона Тошкент вилоятининг Тўйтепа шаҳрида ва баъзи вилоятлар марказларида ҳам қурилган.

Ўзбекистон ва Япония ўртасида 2002 йили стратегик ҳамкорлик йўналишидаги алоқалар ўрнатилган. Биз Япония ҳукумати томонидан 1994 – 2004 йиллар мобайнида 1,6 млрд. АҚШ доллари миқдорида кредитлар берилганини қайд этишимиз керак. Шундан 720 млн. доллардан ортиғи телекоммуникациялар, транспорт, энергетика, таълим соҳаларига йўналтирилган имтиёзли кредитлардир. Япония томонидан Ўзбекистон учун қайтармаслик шарти билан инсонпарварлик йўналишида ажратган ёрдам миқдори 131 млн. АҚШ долларини ташкил этади. □озирги вақтда Япониянинг «Тойота», «Мицуи», «Чори К° ЛТД», «Сони», «Панасоник», «Сумотомо» ва бошқа компаниялари мамлакатимизда муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. 1994 йилда Президент Ислон Каримовнинг Японияга ташрифидан сўнг қисқа муддатда 20 дан ортиқ япон делегацияси Ўзбекистонга келиб кетди. Япония мамлакатимизда нефтни қайта ишлаш корхоналарини қуриш ва таъмирлашда, телеалоқа соҳаларини такомиллаштиришда ўз сармоялари билан иштирок этмоқда. Япония капиталини темир йўллар тармоғини ривожлантириш, кимё ва тўқимачилик саноатига жалю этиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Мамлакатимиз тараққиётида чет эл давлатлари билан ўзаро фойдали ҳамкорлик катта аҳамиятга эга. Бунда ўзаро товар айирбошлаш учун транспорт йўллари, темир йўллар ва энг арзон транспорт йўли ҳисобланган денгиз йўллари катта аҳамиятга эга. Қуруқликда жойлашган мамлакатлар ташқи савдо алоқаларида экспорт ёки импорт қилинаётган юкларнинг қўплаб чегараларни кесиб ўтишлари катта харажатлар билан амалга оширилади. Жаҳон Валюта Фонди маълумотларига кўра денгиз билан чегарадош бўлмаган ривожланаётган давлатлардаги транспорт ва страхования хизматлари денгиз бўйи давлатларидан икки барабар қиммат. Давлатнинг денгиздан узоқ жойлашганлиги ҳам унга чет эл инвестицияларини жалб қилишни қийинлаштирувчи омил ҳисобланади. Валюта Фонди маълумотларига кўра денгиз портларига тўғридан-тўғри чиқа олмайдиган мамлакатлар ўз экспорт тушумларининг 40 фоиздан ортиғини транспорт ва страхования харажатларига сарфлашмоқда. Баъзан транспорт харажатлари, ташилаётган маҳсулотлар қийматидан ортиб ҳам кетади. Ана шу нуктаи назардан Ўзбекистон, Афғонистон ва Эрон ўртасида Афғонистон орқали транспорт коридори ташкил этиш ҳақида тузилган шартноманинг аҳамияти жуда каттадир. Агарда ҳозирги кунда Ўзбекистондан чиқарилувчи юклар Латвия, Литва ва Россия портларига етиб бориши учун 20 кун сарф этилаётган бўлса,

афгон транспорт коридори орқали Эроннинг Бандар-Аббос Ва Чахбехар портларигача 3 кунда етиб бориш мумкин. Бунинг натижасида транспорт харажатларнинг қанчалик қисқаришини, унинг мамлакатимизга қанчалик имкониятлар яратишини тушуниш қийин эмас.

Ўзбекистон Республикаси билан Малайзия, Индонезия давлатлари ўртасида ҳам турли соҳаларда ўзаро ҳамкорлик ўрнатилган ва бу борадаги ишлар кенгайиб бормоқда.

3. Ўзбекистоннинг Мустақил Давлатлар □амдўстлиги мамлакатлари билан ҳамкорлиги ва Ўрта Осиё давлатлари билан ўзаро муносабатлари

Ўзбекистон Республикаси Мустақил Давлатлар □амдўстлиги мамлакатлари билан иқтисодий, илмий-техникавий, маданий, сиёсий соҳаларда яқин алоқалар олиб бормоқда. Россия бизнинг энг муҳим иқтисодий шеригимиз бўлиб қолмоқда. СССР тарқалиб кетганидан сўнг Ўзбекистон Россия билан анъанавий дўстлик ва ҳамкорликни сақлаб қолишга ҳаракат қилди. Бу мамлакат билан кўп соҳаларда бир қатор шартномалар имзоланди. Шулардан энг муҳими 1998 йил Тошкентда имзоланган Давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик ҳақидаги шартномадир.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Россияда баъзи бир кучлар СССРни қайта тиклаш ва олдинги муносабатларга қайтишни тарғиб қилмоқдалар. □ар хил йўллар билан икки давлат ўртасидаги муносабатларга раҳна солишга уринмоқдалар. Собиқ коммунистик бюрократия ўз позициясини йўқотишни истамади. 1996 йилда коммунист-депутатлар ташаббуси билан Россия Давлат Думаси 1991 йил 8 декабрда Беловежское Пушчеда қабул қилинган СССРни тарқатиш ва Мустақил Давлатлар □амдўстлиги (МД□)ни ташкил этиш ҳақидаги резолюцияни бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Олий Мажлиси йиғилиши 1996 йил 15 мартда ушбу қарорни бутунлай рад этди ва Ўзбекистоннинг мустақиллиги ҳамда суверенитети 1991 йил 21 декабрда тасдиқланганлигини, бу масала муҳокамага муҳтож эмаслигини баён қилди. Россия Давлат Думаси резолюцияси икки давлат ўртасидаги муносабатларга соя ташласа-да, янги алоқаларнинг ривожланишига тўсқинлик қилолмади. □амкорлик муносабатларига алоҳида эътибор берилди. Россия-ўзбек қўшма корхоналари кўпайди ва 260 дан ошиб кетди. 30 дан ортиқ объектлар Россия капитали ҳисобидан қурилди. Ҳозирги пайтда 19 ўзбек-рус қўшма корхонаси кабел маҳсулотлари, электротехник машиналар ва жиҳозлар ишлаб чиқариш соҳаларида, 33 қўшма корхона саноат ва маиший жиҳозлар ишлаб чиқариш соҳасида, 68 қўшма корхона эса машинасозлик, машина ва жиҳозларни таъмирлаш соҳаларида фаолият юритмоқда.

Россия раҳбарияти Ўзбекистон билан муносабатларга, айниқса МД□ тизимини такомиллаштириш, мамлакатимизнинг минтақавий хавфсизликни сақлашдаги фаолиятига катта қизиқиш билан қарамоқда. Россия Президенти В.В.Путиннинг биринчи чет эл сафари Ўзбекистондан бошлангани ҳам бежиз эмас. Ушбу ташриф 2000 йил 18-19 майда бўлиб ўтди ва В.В.Путиннинг фикрича «Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар ҳозирги вақтда барча йўналишлар бўйича ривожланиб бормоқда. Мамлакатларимиз ўртасида бир-бирини тушуниш даражаси кундан-кунга ўсмоқда».

Тошкентдаги учрашувда президентлар терроризмга қарши биргаликда кураш олиб бориш ва икки давлатнинг ҳарбий ҳамкорлиги тўғрисида келишиб олдилар. Турли соҳалар бўйича битимлар имзоланди. Россия билан иқтисодий муносабатлар ривожини Ўзбекистон учун ҳам фойдалидир. Икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш 1 млрд. АҚШ долларида ошиб кетди. Ўзбекистоннинг бундан кўраётган фойдаси 600 млн. доллардан кўпроқдир. Ўзбекистон МД□ мамлакатлари ичида Россиядан қарзи бўлмаган ягона мамлакатдир. Расмий ташриф натижаларига тўхталиб И.А.Каримов «□ар бир учрашувда Россия ва Ўзбекистоннинг миллий қизиқишларига жавоб берадиган ҳамкорликнинг турли шакл ва методларини топмоқдамиз», деб таъкидлади.

2004 йил апрелда Россиянинг "Газпром" компанияси билан "Шахпахти" газ конидан газ қабиб олиш ва сотишда ҳамкорлик тўғрисида келишув имзоланди. Худди шу компания

билан Устюртдаги нефт-газ конлари минтақасида геология қидирув, казиб олиш ва йилига 10 млрд. куб метр табиий газни сотиш бўйича 1,4 млрд. АҚШ доллариға тенг инвестиция киритиш бўйича лойиҳалар тузилмоқда.

Ўзбекистоннинг Украина, Белоруссия, Болтиқбўйи давлатлари, Кавказорти мамлакатлари билан иқтисодий ва маданий алоқалари тобора муваффақиятли ривожланиб бормоқда. 1997 йилда савдо ҳажми Украина билан 350 млн. долларға етган бўлса, Белоруссия билан 300 млн. долларға яқинлашди.

Марказий Осиё халқлари қадимдан бир хил маданият ва бир хил маънавият таъсирида ўзаро биродар бўлиб яшаб келмоқда. Бу ерда ҳозирги кунда дипломатиянинг янги бир кўриниши – минтақавий дипломатия вужудға келди. Унинг ташаббускори И.А.Каримов бўлиб, бунинг моҳиятини оддий қилиб «қўшнинг тинч – сен тинч» сўзида ифодалаб берди. Минтақаға тегишли муҳим муаммоларни ечишда давлатлар ҳаморлиги, дўстлик ва ўзаро ҳурмат муҳим тамойиллар ҳисобланади.

Мустақилликка эришилгач Марказий Осиё давлатлари деярли бир хил муаммоларни бошидан кечирдилар. 1991 йил августида Тошкентда беш давлат бошлиқлари учрашуви бўлиб ўтди ва умумиқтисодий муаммоларни ҳал қилишда бир хил ёндошувни шакллантириш бўйича Консультатив кенгаш ташкил этишға қарор қилинди. Мустақилликдан кейин 1991 йил 13 декабрда Ашгабадда навбатдаги учрашув бўлди ва улар МДҚ муассислари бўлишға келишиб олдилар.

1992 йил 23 апрелдаги Бишкекдаги учрашувда Баёнот эълон қилинди ва тантанали равишда ўзаро муносабатларда куч ёки дўқ-пўписа қўлламаслик, яқин ҳаморлик тамойилларига амал қилиш, минтақавий хавфсизлик соҳасида келишилган сиёсат юритиш, демократик тамойилларни ҳурмат қилишларини эълон қилдилар ва интеграцион жараёнға асос солинди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари бир неча марта ўзаро учрашувлар ўтказиб давлатлар олдида турган иқтисодий, сиёсий, илмий-техникавий, маданий соҳалардаги вазифаларни муҳофаза қилдилар ва ўзаро қўшничилик, биродарлик алоқаларини ривожлантиришға муҳим ҳисса қўшдилар.

1995 йилда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан бошланган «Туркистон – умумий уйимиз» жамоатчилик ҳаракати ташкил этилди ва 1997 йилдан «Марказий Осиё маданияти» газетаси беш тилда чиқа бошлади. 1998 йилда Қозоғистон билан «Абадий дўстлик ҳақида» шартнома имзоланди ва унга бошқа қардош давлатлар ҳам қўшилдилар.

1999 йилда Тошкентдаги портлашлардан сўнг Марказий Осиё минтақаси хавфсизлиги масаласи янада муҳим бўлиб қолди. 2000 йил 21 апрелда тўрт мамлакат президентлари учрашиб терроризм, диний экстремизм ва халқаро уюшган жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорликни кучайтириш тўғрисида келишиб олдилар.

Шу билан бирга 2000 йилда Туркменистон билан савдо-иқтисодий алоқалар 1999 йилға нисбатан 2,5 марта ўсиб 180 млн. долларға етди, бу кўрсаткич Қозоғистон билан 316 млн. долларни ташкил этди.

Умуман олганда Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги қадимий анъанавий дўстлик алоқалари муваффақиятли ривожланмоқда, лекин ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар ҳам мавжуд.

Айни пайтда ташқи сиёсатда Ўзбекистон минтақавий муаммоларни ҳал қилиш юзасидан бир қатор ишларни амалға оширишға алоҳида эътибор қаратмоқда:

1. Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, хавфсизликни таъминлаш;
2. Афғонистон муаммосини тўлиқ ҳал қилиш;
3. Марказий Осиёда иқтисодий ҳамкорлик миқёсларини ҳар томонлама кенгайтириш;
4. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятиға кенг миқёсда интеграциялашувини таъминлаш;
5. Террорчиликка қарши кураш бўйича халқаро марказ барпо этишға оид ишларни янада кучайтириш.

Юқорида таҳлил этилганлардан, Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, «Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат борасидаги фаолиятининг асосини давлат миллий манфаатларининг устуворлиги, халқаро ҳуқуқ мезонлари, тенглик ва бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик, барча бахсли масалаларни тинч музокаралар йўли билан ҳал этиш каби жаҳон миқёсида эътироф этилган тамойиллар ташкил қилади», деб хулоса қилиш мумкин.

Таянч тушунча ва иборалар: *халқаро нуфуз; БМТ; жаҳон сиёсати; жаҳон ҳамжамияти; ташқи алоқалар; ташқи сиёсат тамойиллари; Ўзбекистон ва Европа мамлакатлари; Ўзбекистон ва Осиё мамлакатлари; Ўзбекистон – АҚШ муносабатлари; халқаро интеграция; Ўзбекистон ва МДҚ мамлакатлари; Ўзбекистон – НАТО, ЕХҚТ ва бошқа ташкилотлар; қўшилмаслик ҳаракати.*

Такрорлаш учун саволлар:

1. Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлар соҳасидаги фаолияти қандай қонуний асосларга эга?
2. Ҳозирги пайтда мамлакатимиз билан дипломатик алоқалар ўрнатган давлатлар сони қанча?
3. Ўзбекистон Республикаси БМТга қачон аъзо бўлди?
4. Ўзбекистоннинг ташқи муносабат соҳасида 1992 йилда белгиланган асосий тамойиллар нималардан иборат?
5. Ўзбекистон – АҚШ муносабатлари ҳақида гапириб беринг.
6. Россия ва Ўзбекистон халқаро алоқалари ҳақида нималарни биласиз?
7. Ўзбекистоннинг Европа давлатлари билан халқаро алоқалари қандай?
8. Осиёнинг қайси давлатлари билан Ўзбекистоннинг алоқалари юқори даражада?
9. Мамлакатимизда ташқи инвестициялар учун яратилган имкониятлар ҳақида гапириб беринг.
10. Марказий Осиёдаги давлатлар ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик ҳақида нималарни биласиз?
11. МДҚ давлатлари ва Ўзбекистоннинг манфаатли лойиҳалари ҳақида фикрингиз қандай?

13-мавзу. Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг вужудга келиши ва ривожланиши.

1. Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг сарчаималари.

Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи халқаро ҳуқуқнинг соҳаси сифатида XIX асрнинг 60-йилларида вужудга келди. Аммо бу унинг йўқ жойдан вужудга келганини англабмайди. Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи мазмун жиҳатдан давлатлараро ва ички низолардан азият чекадиган кишиларни ҳимоя қилиш, ана шундай ҳаракатлар пайтида ишлатиладиган қуроллар ва уришиш воситаларини чеклашга йўналтирилган қоида ва қонунлар йиғиндиси. Бу қонун-қоидалар эса инсониятнинг буюк заковат эгаларининг, номнишонсиз тарих қаърига сингиб кетган минг-минглаб кишиларнинг инсонпарварлик билан йўғрилган ҳатти-ҳаракатлари, ўй-фикрларининг натижасидир.

Тарих фанидан бизга маълумки, инсоният тарихида тинчлик ҳукм сурган даврдан кўра, тўс-тўполонлар, ўзаро урушлар, нотинчликлар юз берган даврлар кўп бўлган. Албатта, урушлар кишиларга ҳамма вақт қийинчиликлар, азоб-уқубатлар, хор-зорликлар келтиради. Бу ҳодисага жуда узоқ вақт давомида табиий ҳодиса сифатида қараб келинган. Лекин инсоният тарихи давомида урушдек ҳодисанинг оқибатларини юмшатиш, унинг кишиларга етказадиган нохуш оқибатларини енгиллаштиришга интилишлар бўлганлиги ҳам маълум. Деярли барча халқлар тарихида кишиларнинг ўзаро тотувликда яшашга интилишларига, урушда азият чекканларга – ярадорлар, асирлик холига, асоратга тушиб қолганлар, ана шундай алғов-далғовликлар сабабли уй-жойларини, ватанларини ташлаб кетиб

саргардонликка тушиб қолган кишиларга меҳр-шафқат кўрсатилганига оид кўплаб мисоллар сақланиб қолган.

Инсонпарварлик ғоялари тараққиётини хронологик кетма-кетликда кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Ибтидоий жамоа тузумида турли, аксарият ҳолларда ўзаро душман бўлган уруғ ва қабилаларга мансуб кишилар ўртасидаги муносабат инсонпарварлиги билан ажралиб турарди, деб бўлмайди. Аксинча уларнинг ўзаро муносабатлари биз шартли равишда «чангалзорлар қонуни» деб атайдиган муносабатларга мос келарди. Лекин цивилизациянинг илк босқичларига қадам қўйилишнинг бошланиши саналган ана шу жамиятда ҳам низолар пайтида баъзи бир «инсонийлик» излари намоён бўлишини кўриш мумкин. Масалан, кўпгина қабилаларда ўзаро урушнинг бошланиши ҳақида бир-бирларига аввалдан хабар беришган, жанг бошланиши олдиан ноғоралар чалинган, ҳаддан ортиқ зарар етказмасин деб ёй ўқлари кертик қилинмаган, уларга захар суртиш рағбатлантирилмаган (Папуа, Буркина Фасо, Кениядаги қабилалар).

Қулдорлик жамияти эса инсонни (қулни) чексиз эксплуатация қилиши билан ажралиб турса ҳам, у душман томонга мансуб одамнинг ўлдирилмасдан қулга айланттирилганлиги, яъни инсон ҳаётининг сақлаб қолинганлиги нуқтаи назаридан олға ташланган қадам ҳисобланади. Худди ана шу жамиятда давлатлар, кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни йўлга солиб турадиган дастлабки норматив бошқариш шакллари – удумлар, одатлар ва шартномалар пайдо бўлди. Улар шаклан ҳозирги халқаро-ҳуқуқий нормалардан унчалик фарқ қилмасалар-да, барибир, диний ёки ахлоқий қоидалар бўлиб қолавердилар. Ҳали уларда ҳуқуқийликнинг белгиси бўлган мажбурийлик хусусияти етишмасди. Икки ёки ундан ортиқ давлатлар ўртасида тузилган ёзма келишувлар тарихи дастлабки шаҳар-давлатлар даврига бориб тақалади. Бундан 6000 йиллар илгари Месопотамиядаги Умма ва Лагаш шаҳарлари хавфсизлик тўғрисидаги коллектив шартномани имзолаган эдилар. Бундай шартномаларда урушнинг олдини олиш мумкин бўлмай қолган тақдирда риоя қилиниши керак бўлган баъзи қоидалар акс эттириларди. Жумладан, урушнинг расмий эълон қилиниши, захарланган ўқ-ёйлардан фойдаланишнинг тақиқлангани, музокара олиб борадиган кишиларнинг дахлсизлиги, асирларни айирбошлаш қоидалари кўрсатиларди. Аммо булар жуда кам учраши ва камдан-кам амал қилиниши билан характерланувчи ҳодисалар эди. Аксар ҳолларда урушлар натижасида «енгилганнинг ҳолига вой» бўларди.

"Авесто"да жамиятдаги муносабатларни тартибга солувчи манба сифатида кишилар ёки жамоалар ўртасида тузиладиган шартномалар (аҳдлашувлар)нинг аҳамиятига катта эътибор қаратилган. Унда шартномаларнинг бир қанча турлари ажратиб кўрсатилган ва уларнинг турли қафолатлар (гаровлар) билан мустаҳкамланиши айтиб ўтилган.

Видевдатнинг тўртинчи фаргардида Зардушт Ахура Маздага шундай савол билан мурожаат қилади: "Ахура Мазда, сенинг аҳдларинг қанча?" Ахура Мазда жавоб беради: "Бундай аҳдларим олти... биринчи аҳдим – оғзаки кафиллик ("сўз"); иккинчи аҳдим – қўл сиқиш билан мустаҳкамланган кафиллик; учинчи аҳдим – қўй бериш билан кафиллик; тўртинчи аҳдим – йирик қорамол боши билан кафиллик; бешинчи аҳдим – қўл бериш билан кафиллик; олтинчи аҳдим – (бутун) вилоят билан кафиллик."¹ "Авесто"да аҳдномаларнинг махсус ёдга олинishi, чамаси, ўтроқ чорвачилик ва деҳқончиликни ривожлантириш учун ўша даврдаги турли қабилалар иттифокларининг тинч-тотув яшашларини таъминлаш талаби билан изоҳланади.

Тарихий фактларга мурожаат қиламиз. Ўрта Осиё ҳудудида Аҳамонийлар давлатининг (мил.о. 558-330) дастлабки даврларида кўплаб халқ қўзғолонлари бўлганлиги маълум. Доро I нинг машҳур Бехустун ёзувларида айтилишича, милоддан олдинги 522 йилда биргина Марғиёнадаги қўзғолонни бостиришда 55 243 киши ўлдирилиб, 6 572 кишигина асирга олинган. Бу кўрсаткич Дорога қарши қўзғолонлар кўтарилган бошқа барча ҳудудлардаги қурбонларнинг умумий сонидан анча кўпдир. Бу нарсани қисман Доронинг

¹ История таджикского народа. Душанбе, 1998, 1-том, 218-бет.

сатрапи бўлмиш Дадаршишнинг ўз қўшинларига кўзғолончилар «асирга олинмасин» деган буйруқ берганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Вергилийнинг (мил.о. 70-19) «Энеида» қахрамонлик эпосида айтилишича Троя урушида (мил.о. 1260) шаҳар ҳимоячиларининг асосий кўпчилиги қириб ташланган ва қолган озгина кишилар қулга айлантирилган.

Ўзининг ҳуқуқшунослари билан шуҳрат қозонган Рим ҳам инсонпарварлиги билан ажралиб турмаган: Вольсков, Регия, Вакки, Нумидия ва бошқа кўплаб шаҳар-давлатларнинг аҳолиси шафқатсиз қирғин қилинган.

Қадимги Римнинг машҳур «ўн икки тахтача-таблица» одатий қонунлар тўпламига кўра (мил.о. V аср) «душманга нисбатан барча нарсани қўллаш мумкин» эди. Ҳатто милоддан олдинги IV асрда диктатор Камилл жангда ярадорларга шафқат қилишга чақирган пайтда, ана шу ҳаракати учун у Рим сенати томонидан сургун қилинган эди. Юлий Цезардек (мил.о. 100-44) донг қозонган лашкарбоши ҳам бир неча марта бефойда қирғинларга қарши чиққан бўлса-да, барибир Аварикни олиш пайтида 40 мингдан ортиқ кишини қатл қилишга буюрганди, улар асосан қариялар, аёллар, болалар бўлган. Милоддан олдинги 52 йилда Цезарнинг буйруғи билан унинг ҳукмронлигига қарши чиққан Укселлодунум ҳимоячиларининг эса қўллари кесилган эди.

Бунга ўхшаш мисолларни дунёдаги ҳар бир халқ тарихидан истаганча келтириш мумкин. Ана шундай дахшатли воқеалар билан бир қаторда мағлуб бўлганларга нисбатан шафқатли бўлиш ҳақида кучсизгина чақириқлар ҳам пайдо бўла бошлади. Масалан, милоддан олдинги 1792-1750 йилларда ҳукмронлик қилган Бобил шоҳи Хаммурапи кўплаб қонунлар яратганлиги билан ажралиб туради, уларнинг кўпчилиги уруш олиб боришга боғлиқ бўлган. «Мен бу қонунларни қудратлилар заифларни забун этмасин дея жорий қилдим», - деб таъкидлаган эди у. Қадимги грек файласуфи Платон (мил.о. 427-347) ўзининг «Республика» асарида «Душман қўлига тирик тушган кишиларни улар билан ўз билганича иш тутиши учун уларга совға сифатида қолдириш маъқул эмасмикин?», - деб ёзган эди.

Деярли барча диний таълимотларда зиддиятли ҳолни учратамиз. Бир томондан – улар инсонийликка зид бўлган ҳарбий ҳаракатларни қораласалар, бошқа томондан – улар баъзан уруш олиб боришнинг баъзи ноинсоний усуллари оқлайдилар. Масалан, Инжилнинг Эски Аҳд қисмида Худо Моисей тилидан қуйидагича насихат қилади: *«Бирор шаҳарга уни босиб олиш учун келсанг, унга тинчлик таклиф қил. Агарда у сен билан тинчликка рози бўлса ва сенга ўз дарвозаларини очса, унда бўлган барча халқ сенга солиқ тўлайди ва сенга хизмат қилади. Борди-ю у сен билан тинчликка рози бўлмасдан сен билан урушмоқчи бўлса, уни қамал қил. Қачонки Парвардигор, сенинг Худоинг уни сенинг қўлингга топширса, ундаги барча эркак зотини қиличдан ўтказ. Фақат аёллар, болалар ва чорва молларини ҳамда Парвардигор, Худоинг сенга ато этган шаҳардаги барча нарсани, ўлжаларни ўзингга ол ва рақибларинг ўлжаларидан фойдалан. Сенга тегишли бўлмаган ва узоқларда жойлашган барча халқлар билан шундай муносабатда бўл».*²

Қадимги Ҳиндистонда яратилган Ману қонунлари жангчилардан енгилган душманга шафқат қилишни, ярадор ва таслим бўлганларни тирик қолдиришни талаб қилган. Унда уруш пайтида учи кертик қилинган, заҳарланган ва ёндирилган ўк ёйлардан фойдаланиш тақиқланган.

Милоддан олдинги IV асрда Хитойлик мутафаккир Се-Ма уй-жойлар ва ирригация тизимларини бузиб ташлашни танқид қилиб, ярадорларни муолажа қилиш, ўзини ҳимоя қила олмайдиган кишиларга ҳужум қилишдан ўзини тутишга чақирган. Худди ана шу даврда яшаган хитой ҳарбий назариётчиси Сунь-Цзи асирлар билан яхши муомалада бўлиш кераклигини таъкидлаган. «Уруш пайтида энг яхши сиёсат – унчалик зарар келтирмасдан давлатни босиб олишдир; унинг ҳеч насага арзимайдиган фуқароларинигина ўлдириш лозим... Душманнинг қуролини йўқ қилиб ташлагандан кўра, унга эга бўлган маъқулроқ», - деб ёзган эди у.

² Библия. Книга Священного Писания Ветхого и Нового Завета. Брюссель, изд-во «Жизнь с Богом». 1983, Второзаконие, 20:10-18.

Александр Македонский олиб борган урушлар натижасида грекларга тегишли хуудлар кенгайгач, кўпчиликка турли жойларда яшовчи кишилар бир-бирларидан принципаал жиҳатдан фарқ қилмаслиги аён бўлди. Бу ҳол инсонпарварликни ўзининг марказий ғояси сифатида қабул қилган стоицизм оқимини вужудга келтирди. Тахминан эрампиздан олдинги 310 йилда Зенон томонидан асос солинган мазкур таълимот қуйидаги ғояни тарғиб қилган: *ҳар бир жонли мавжудот ўз-ўзини севиш туйғуси билан сугорилган. Ана шу муҳаббат аста-секин уларнинг ўз авлодларига нисбатан ҳам ёйилади. Индивидуумдан тарқалувчи ана шу туйғу доира мисол унинг яқин қариндошларини, ҳамюртларини, ватандошларини, ва, ниҳоят, барча инсониятни, шу жумладан, рақибларини ҳам қамраб олади.* Шу маънода, бошқа кишига бўлган муносабат ўз-ўзига муносабатга тенгдир. Шундай қилиб, «бегоналар душман» деган таъкидга ўрин қолмайди. Стоиклар таълимотининг қанчалик муваффақият қозонганлигини Сенека ва Цицерондек кишиларнинг ҳам унга тарафдор бўлганлигидан билса бўлади. Улар шу пайтгача ҳукмронлик қилган «одам одамга бўри» шиорини «инсон ҳаёти муқаддасдир» шиорига ҳамда «енгилганнинг ҳолига вой» чақирғини киши руҳига илиқлик бахш этувчи «азоб чекаётган душман – душман эмас» чақирғи билан алмаштирдилар. Шунини қайд этиб ўтиш керакки, адолатли уруш ғоясини илк бор стоиклар ишлаб чиққан эдилар. Ўрта асрларга келиб эса мазкур ғоя қайта ишлаб чиқилди ва ниҳоятда шафқатсиз оқибатларга олиб келди. Инсон табиатининг мураккабликларидан анча-мунча хабари бўлган ҳар қандай кишига шу нарсаси маълумки, биз бошлаган ҳар қандай уруш – адолатли урушдир, душманимиз олиб бораётган уруш эса – албатта адолатсиз урушдир. Бу таъкид ҳамма вақт шундай бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Чунки ўзаро урушаётган томонлардан ҳар бири айнан у олиб бораётган урушнинг адолатли эканлигини таъкидлайди, унинг ҳақиқатан ҳам шундайми ёки йўқлиги, воқеликка мослиги ёки мос эмаслиги эса бошқа масаладир. Нима қилиб бўлса ҳам ўзининг «ҳақиқатини» кўрсатишга интилиб рақибларнинг ҳар бири диндан, ахлоқдан ва ҳуқуқдан асос излайдилар ва кўпинча ўзларининг куч ва маблағлари тамоман ниҳоясига етгунча можарони давом эттираверадилар.

Ўрта асрларда жуда катта маънавоий эга бўлган христианлик ва ислом ҳам инсонпарварлик ҳуқуқи ривожига сезиларли ҳисса қўшишган. Христианликда Иисус Христос яқинларни севиш тамойилини умумий қоидаси даражасига кўтарган. Инсоний муҳаббат илоҳий муҳаббатнинг акс этишидир – у ҳам абсолют ва беғараз бўлмоғи керак. Христиан черкови тез орада ўз тарихининг илк даврида зўравонликка қарши чиққанлигини унутган бўлсада (бу ерда авлиё Мориц ва авлиё Георгийларнинг III асрда Рим легионида хизмат қилиш ва бошқа христианларга қарши қурол кўтаришга рози бўлмаганликлари сабабли қийноққа солиниб, қатл қилинганлигини эслаш жоиз), умуман у урушларни муайян даражада инсонпарварлаштириш истагига содиқлигини кўрсата олди. Масалан, йирик христиан назариётчиси Августин (354-430) шундай фикрни баён қилган эди: *«Агар жанг қилаётган душман ўлиши керак бўлса, бу сенинг хоҳишинг билан эмас, балки заруриятга кўра содир бўлгани маъқул... маълуб бўлган ёки асир одамнинг шафқатга ҳаққи бор».*

Тарихдан яхши маълумки, христианларнинг муқаддас Қуддус шахридаги «Исо Масих қабри»ни гўё эгаллаб олган мусулмонларга қарши эълон қилган салб (ҳоч) юришлари ҳам, исломни кенг ёйишга хизмат қилган «жиҳод» («фатҳ», «ғазовот») урушларида ҳам кишилар бошига мислсиз азоб-уқубатлар келтирилган. Уларнинг тарихини кўриб чиқиш бизнинг вазифамиз бўлмаганлиги учун, унга оид бир лавҳани келтириш билан чегараланамиз.

«Рига... бир гуруҳ герман сипоҳийлари... ўз саркардаларининг нутқини... эшитардилар. Баланд бўйли, сокол-мўйлаби қиртишлаб олинган ливон қиличбозларининг саркардаси елка томонига қора хоч тасвири тикилган оқ чакманли жангчиларга жиддий ва буйруқона мурожаат қиларди. У сипоҳийларнинг вазифалари нимадан иборат эканини тушунтирар эди:

- Мен илгари ҳам гапирган эдим ва ҳозир яна қайтараман: Сиз гайридинлар – леттлар, ливалар, циталикларга қарши, айниқса ашааддий душман – рус худосизларига қарши аёвсиз ва ҳеч мулоҳазасиз жанг қилишингиз зарур. Сиз герман номининг шухрати учун курашингиз, қудратли олмон муштини шарққа йўналтиришингиз ва у билан шундай

зарба беришингиз лозимки, бизнинг йўлимизга гов бўлганларнинг барчаси янчиб ташлансин. Сизга рўпара бўлганларнинг барчасини ёввойи алафдек, супурги ўтдек йўқотинг ва бу билан Сизнинг шуҳратингиз абадийлашади. Билинги, ким урушда ҳалок бўлса, унга жаннат фароғати насиб бўлади. Ғолиблар эса хусусий қасрлар, боғлар, итоаткор қуллар, чорва моллари ва отларга эга бўлади. Лекин дастлаб барча бойликларни қўлга киритиш лозим. Биз бунга ўз қиличимиз билан эришамиз...

- Бизнинг иродамиздек кучли қўлингизда енгилмас герман қиличи. Унга разм ташланг. Қиличнинг дастаси худонинг хочига ўхшамайдими? Кимки муқаддас хочга қаришлик кўрсатса, кимки католиклар сардори Рим Папасининг муқаддас сўзларига бўйсунмаса, уларнинг барчасини даҳшат ва аёвсиз қатъийлик билан ағдаринг. Улуғ худонинг ўзи – енгилмас германларнинг ҳомийси - ҳамма вақт биз билан бирга бўлмай...

Хуллас, деярли барча даврларда, минтақа ва мамлакатларда ўзаро низолаардаги ўравонликларга давлатлараро низолаарни ҳал этишнинг анъанавий, ягона ва самарали йўли сифатида қаралган. Айтиб ўтилганидек, кўпинча бундай кампаниялар ўз ҳатти-ҳаракатларини диний ниқоб остида оқламоқчи бўлардилар. Душман томонни «мажусийлик», «дахрийлик»да айблаш ваҳшийлик, талон-тарож, кафандузшлик (яъни уруш ҳаракатлари ҳудудидаги аҳоли ёки жанг майдонида ўлган ва ярадор бўлганларни таловчилар)ни «ўёки» қонунийлаштиришга хизмат қиларди. Ана шундай даҳшатли воқеалар ҳақидаги яна бир парчага эътибор беринг:

Француз мустамлакачиларининг Жазоирдаги шафқатсизликлари ҳақида унга гувоҳ бўлган кишининг ҳикоясидан:

«Бош қумондон генерал Ровигонинг буйруғига кўра қўшинлар гуруҳи...1832 йил апрел кечаси Жазоир шаҳридан чиқиб, тонг чоғида Ал-уффия қабиласининг одамлари ўз чодирларида ухлаб ётган пайтда уларга қўққисдан ҳужум қилди ва бу бахтиқароларни битта ҳам қолдирмай, тигдан ўтказди. Жинси ва ёшига қарамай, барчани ўлдирар эдилар. Бу шармандали юришдан қайтаётган отлиқларимиз ўз найзаларининг учида кесилган бошларни олиб келардилар. Таланган қароргоҳдан ҳайдаб келинган барча чорва моллари даниялик консулга сотилди. Разил калакесарлик пайтида қўлга киритилган барча қонли ўлжа Боб Азун дарвозаси олдидаги бозорда сотиш учун ёйиб қўйилди. Уларнинг ичида кафти билан кесиб олинган қўллардаги аёллар билагузуклари, эти билан юлиб олинган қўлоқлардаги исирғалар... каби даҳшатли нарсалар учрар эди... Уларни сотишдан тушган пуллар қотилларга тақсимлаб берилди ва 8 апрелда ушбу шармандаликка бағишлаб чиқарилган буйруғида генерал қўшинларнинг фидокорлиги ва санъатидан чуқур мамнунлигини изҳор қилди»⁴.

1027 йилда Элън собори қарори билан христиан байрамлари пайтида ва шанба соат 15.00 дан душанба куни соат 6.00 гача ҳарбий ҳаракатларни амалга ошириш тақиқланди. 1041 йилги Монтриодонд собори бу муддатни чоршанба куни кечкурундан душанба куни эрталабгача узайтирди. «Пайшанба – меърож, яъни Исо Масихнинг арши аълога кўтарилиши шарафига, жума – унинг чеккан азоб-укубатлари шарафига, шанба – унинг дафн қилингани ва якшанба – унинг қайта жонлангани шарафига». Секин асталик билан баъзи христиан байрамларидан илгариги ва улардан кейинги муайян кунлар ҳам (масалан, Рождество рўзаси кунларидан Богоявлениягача, шунингдек, Пасхадан илгариги 70 кун...) вақтинча ҳарбий ҳаракатлар тақиқланган кунларга айланган. Шундай қилиб йилнинг тахминан тўртдан уч қисми тинчлик ҳукмрон бўлган кунларга айланди.

Худди шунга ўхшаш ҳолат ислом дини тарихида ҳам мавжуд. Унда ҳам, христианлик каби, жиноят, одамларга бесабаб шикаст етказиш ва қийноқлар қораланган, уруш таъсиридан қариялар, хотин-қизлар, болалар, мусулмон масжидлари ва уларнинг мулкини ҳимоя қилиш қоидалари ўрнатилган. Диний байрамлар пайтида ўзаро урушаётган томонлар урушларни вақтинча тўхтатиб туришган. 1280 йилда тузилган "Викоят" тўпламини уруш қонунларининг ҳақиқий мажмуи деса бўлади. Унда руҳий касаллар, ногиронлар, элчилар ва,

³ Заборов М.А. Крестовые походы. М., 1956, 189-бет.

⁴ Хрестоматия по новой истории 1640-1870. М., 1990, 251-252 бетлар.

тушунарли сабабларга кўра, булок ва фаввораларга ҳам юкоридагидек ҳимоя татбиқ этилган. Булок ва фаввораларни захарлаш тақиқланган.

Бу ҳоллар инсонпарварлик тўхтовсиз тараққий қилиб борган, деган хомхаёлга олиб келмаслиги керак: буни аста-секин юз берган эволюцион жараён сифатида, баъзан илгарига кетишлар, баъзан орқага чекинишлар билан юз берувчи тараққиёт, раҳмдилликнинг энг тубан ёввойиликлар билан ўрин алмашиб туриши сифатида тасаввур қилинса тўғри бўлади.

Янги даврга келиб кўпгина янги қоидалар пайдо бўла бошлади. XVI асрда француз кумондонлари уруш пайтида ўз қўшинларидан аёллар ва болаларга тегмасликни талаб қилганлар, шунингдек, мунофиқлик (масалан, душман кийим-бошидан фойдаланиш)ни, ҳарбий бўлмаганлар билан шафқатсиз муносабатда бўлишни тақиқлаганлар. 1553 йилда поляк ҳуқуқшуноси Жак Пшилуцки ўзаро урушаётган томонлар санъат асарларини ҳурмат қилиши кераклиги ғояси билан чиқади. Каноник ҳуқуқ бўйича атоқли испан мутахассиси Франциско Де Витториа ўз асарларида айбсиз кишилар ва асирларнинг ўлдирилишини танқид қилади. 1625 йилда «Уруш ва тинчлик ҳуқуқи ҳақида» деган асарида машҳур голланд ҳуқуқшуноси Гуго Гроций (1583-1645) ҳар қандай, шу жумладан, олдини олиш мумкин бўлмай қолган урушлар юз берганда ҳам улар ҳуқуқ ва инсонпарварлик тамойилларига кўра олиб борилиши керак, ғалабани таъминлаш учун зарур бўлганидан ортиқ шафқатсизликларни оклаб бўлмаслигини таъкидлаган.

1749 йилда Монтескье (1689-1755) шундай деб ёзади: *«Истило қилиб бўлгач ғолиблар энди (одамларни) ўлдиришни давом эттирмаслиги керак, чунки энди унга ўзини ҳимоя қилиши ва ўз-ўзини сақлашга оид ўз табиий ҳуқуқини амалга оширишга ҳожат йўқ».*

Нихоят, Жан Жак Руссо (1712-1778) 1762 йили «Ижтимоий шартнома» асарида куйидаги ажойиб фикрни баён қилади: *«Уруш – бу одамлар орасидаги эмас: балки давлатлар орасидаги муносабатдир, ва бунда одамлар тасодифан, онгли мавжудот ёки ҳатто фуқаро сифатида эмас, балки аскарлар сифатида бир-бирига душман бўлиб қоладилар...»*

Агар урушнинг мақсади – душман давлатини йўқотиш бўлса, унда бошқа томон унинг ҳимоячиларини - токи улар қўлларида қурол тутиб туриб турар эканлар - қириш ҳуқуқига эга, аммо улар қуролларини ташлаган ва асирга тушган заҳоти – улар душман ёки душманлар қўлидаги жиҳоз бўлмай қоладилар ва оддий одамларга айланадилар, уларни ҳаётдан жудо қилишга эса ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ».

Урушга нисбатан тубдан бошқача муносабат XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланди. Вақтнинг ўзи конунсизликнинг ҳалокатли ҳодиса эканлигини кўрсатди. Кишилар бу борада ҳам қатъий ҳуқуқий қоидаларни ўрнатиш зарурлигини англашга етиб келдилар.

ЎЙЛАБ КЎРИНГ

«Уруш ҳатти-ҳаракатлари пайтида миллатларнинг ҳуқуқи масаласи – бу тасаввур қилиш ҳам кийин бўлган энг нозик масаладир. Қандай қилиб ўз табиатига кўра ҳеч қанақа конунларни тан олмайдиган вазиятни бошқариш учун конунлар ўрнатиш мумкин?»
Иммануил Кант

Ҳозирги замон халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи яратилгунча ҳарбий ҳаракатларни тартибга солишга қаратилган 500 дан ортиқ ҳатти-ҳаракат нормалари, шартномалар ва шу каби ҳужжатлар қабул қилинганлиги маълум. Уларнинг орасида 1863 йилда АҚШ қуроли кучларида амалга киритилган «Либер кодекси» алоҳида аҳамиятга эга. У тарих давомида амал қилиб келган уруш удумлари ва конунларини тартибга келтириш учун қилинган биринчи ҳаракат эди. Колумбия университетининг профессори Френсис Либер АҚШдаги фуқаролар уруши даврида президент Авраам Линкольннинг илтимосига биноан қуроли кучлар учун ана шу кодексни тайёрлаб берган эди. Аммо у ундан бир йил кейин қабул қилинган Женева конвенцияларидан фарқли равишда шартнома кучига эга бўлмай, фақат шимолликлар армияси, яъни АҚШ қуроли кучларигагина тегишли бўлиб қолганди. Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг асосини ташкил қилган дастлабки кўп томонлама ёзма

шартнома 1864 йилда яратилган Женева конвенцияси ҳисобланади. Энди унинг тарихини кўриб чиқишга ўтамиз.

2. Анри Дюнан ва Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой Халқаро ҳаракатининг вужудга келиши

1859 йил 24 июнда Франция-Италия ва Австрия армиялари ўртасида Италиянинг шимолидаги Сольферино шаҳарчаси ёнида тарихда энг қонли ҳисобланган жанглардан бири юз берди. Кеч кирганда 6000 та ўлганлар ва 36000 ярадорлар жанг майдонида қолдилар. 500 ярадорга бир врачнинг тўғри келиши армиялар санитар хизматини ишга қўмиб ташлади. Бу ҳол сафдан чиққан юзлаб жангчилар ҳаётига зомин бўлди. Бундан ташқари, ҳарбий-тиббий хизмат ходимлари уларни бошқалардан ажратиб турадиган алоҳида белгиси бор кийим-бошга эга эмасликлари туфайли уларнинг ўзлари ҳам ҳужумга учраш хавфидан холи эмас эдилар.

Швейцариялик ёш тижоратчи Анри Дюнан хизмат сафарида эди – унинг Франция императори Наполеон III (1808-1873) билан учрашиш нияти бор эди. Жанг тугагандан кейинги куни у Сольферинога етиб келади. Ярадорлар, ҳалок бўлаётганлар ва инфекция ҳамда тасаввур қилиб бўлмас азоб-уқубатлардан қийналаётганларни кўриб уни «даҳшат ва раҳмдиллик ҳислари қамраб олди». Холбуки, уларга ёрдам берилиши мумкин эди.

Анри Дюнан маҳаллий аҳолидан бир гуруҳини тўплаб, ярадорларнинг урушувчи томонлардан қайси бирига мансублигидан қатъий назар, уларга дастлабки тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил қилди. Дюнаннинг олийжаноб ҳаракати унинг ҳамфикрларини шу қадар тўлқинлантириб юбордики, улар «бизнинг барчамиз оға-инилармиз», дея тан олишди.

Ўз ҳис-ҳаяжонларини бошқалар билан ўртоқлашиш ниятида Дюнан уйига, Женевага қайтади ва “Сольферино жанги ҳақида хотиралар” китобини ёзади. 1862 йилда нашр этилган Дюнаннинг бу асари бир неча тилларга таржима қилинади ва бутун Европада эътироф этилади. “Сольферино жанги ҳақида хотиралар”нинг муаллифи халқаро ҳамжамиятга икки конкрет таклиф билан мурожаат қилади:

Конвенция тузиш	Ёрдам кўрсатувчи жамият тузиш
“Турли миллатларнинг ҳарбий бошлиқлари... тўпланганларида... улар бундай йиғилишлардан қандайдир халқаро, жисноий ёки қатъий бўлган қоидалар ишлаб чиқиш учун фойдалансалар бўлмайdimи? Тасдиқлангач ва қабул қилингач эса улар турли мамлакатларда ярадорларга ёрдам бериш Жамиятларининг асоси бўлиб хизмат қилур эди...”	“Наҳотки уруш вақтида ярадорларга ёрдам кўрсатувчи ёки уларга ғамхўрлик кўрсатишни ташкил қилувчи ихтиёрий жамиятлар тузиш мумкин эмас? ...”

Буюк ғоянинг амалга оширилиши Анри Дюнаннинг ғоялари ҳуқуқшунос Гюстав Муанье ва Женеванинг бошқа таниқли фуқароларини тўлқинлантириб юборди. 1863 йил феввалида улар ярадорларга ёрдам кўрсатувчи Халқаро Қўмита туздилар, унинг тимсоли сифатида оқ фондаги қизил хоч танланди. 1880 йил мазкур Қўмитанинг номи Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси деб ўзгартирилди.

Қўмитанинг ташаббуси билан Швейцария ҳукумати дипломатик конференция чақиради ва 1864 йил 22 августда унда қатнашаётган 12 мамлакат вакиллари “Ҳаракатдаги армиянинг ярадор ва касал жангчилари қисматини яхшилаш ҳақида”ги Женева конвенциясини қабул қилдилар. 1907 йилга келиб Конвенция 57 давлат томонидан имзоланган эди, улар орасида Хитой, Россия, Туркия, Жанубий Африка Республикаси, АҚШ, Япония, Буюк Британия, Пруссия, Нидерландия ва Швейцария⁵ каби мамлакатлар бор эди.

⁵ Швейцария Женева конвенцияларининг депозитарияси ҳисобланади, яъни у конвенцияларнинг асосий нусхаларини сақлайди, уларни имзолаган давлатлардан ратификация ёрлиқларини қабул қилади ва расмий рўйхатга олади, конвенция матнларини расмий тилларга таржима қилишни таъминлайди.

Бугунги кунда Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси (ХҚХҚ) дунёдаги 60 дан ортик мамлакатда фаолият кўрсатмоқда. *ХҚХҚ алоҳида мавқега эга бўлган мустақил инсонпарварлик ташкилотини ҳисобланади.* Биринчи Женева конвенцияси қабул қилинган вақтдан эътиборан ХҚХҚнинг фаолият доираси кенгайди. У ўз фаолиятини асосан халқаро ва халқаро бўлмаган қуроли моҳаролар, ички тартибсизлик ва кескинликлар вазиятида амалга оширади.

Тимсоллар 1864 йилдан буён оқ фондаги қизил хоч тимсоли қуроли кучларнинг тиббий тузилмаларини англатувчи белги ҳисобланади. Бу тимсол Швейцария байроғидаги рангларнинг ўзаро ўрин алмаштирилишидан олинган. Кейинроқ баъзи мусулмон давлатлари қизил ярим ой тимсолидан, Эрон эса – қизил шер ва қуёш тимсолидан фойдалана бошлаганлар. 1929 йилда ана шу икки янги тимсол расмий тан олинган. 1980 йилда Эрон қизил шер ва қуёш тимсоли ўрнига қизил ярим ой тимсолини қабул қилди. Баъзи давлатлар амалдаги тимсоллар қаторига қўшимча янги тимсоллар қабул қилиш таклифлари билан чиқишмоқда: ҳозирги пайтда Исроил давлатида фойдаланилаётган Давиднинг қизил қалқони тимсолининг лойиҳаси кўриб чиқилмоқда.

Ҳозирги пайтда фақат икки тимсол – қизил хоч ва қизил ярим ой тимсолларини ишлатишга рухсат берилган.

Тимсол *ҳимоя қилувчи* белги ва *фарқловчи (танитувчи)* белги сифатида ишлатилади. Қуроли моҳаролар пайтида тимсолдан энг аввало ҳимоя белгиси сифатида фойдаланилади ва у қуроли кучлар тиббий хизматида тегишли мулк, транспорт воситалари, муассасалар ва хизматчиларни белгилаш учун ишлатилади. У узоқ масофадан ҳам билиб олиниши учун имкони борида катта размерда бўлиши керак. Фарқловчи (танитувчи) белги сифатида тимсолдан Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой Халқаро Ҳаракатида тааллуқли транспорт воситалари, мол-мулк ва хизматчиларни, шунингдек тез ёрдам машиналари ҳамда дастлабки ёрдам бепул кўрсатиладиган пунктларни ифодалаш учун фойдаланилади. Фарқловчи (танитувчи) белги сифатида фойдаланиладиган тимсол нисбатан катта размерда бўлмаслиги керак.

1863 йил Германиянинг унча катта бўлмаган Вюртемберг қиролигида ярадорларга ёрдам берувчи биринчи Жамият тузилган. *Ҳозирги кунда дунёда 176 та мамлакатда тан олинган Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятлари мавжуд* бўлиб, улар Миллий Жамиятлар умумий номи билан ҳам аталадилар. Тинчлик даврида уларнинг фаолияти аҳолининг соғлиғини сақлаш ва уларга ижтимоий ёрдам кўрсатишга йўналтирилган. Улар шунингдек, касалхоналар қурилиши, тез тиббий ёрдам хизматларининг тузилиши, ижтимоий тиббиёт соҳасида кадрлар тайёрлаш, қариялар ва ногиронларга ёрдам кўрсатиш, оммавий эмлашларни ўтказиш, қон йиғиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш, аҳолини ижтимоий гигиена ва янги туғилган чақалоқларга қарашни ўргатиш соҳасидаги билимлар билан қуроллантириш, фавқулодда вазиятларда қутқариш ишлари билан шуғулланадилар. Қуроли моҳаро шароитларида эса миллий жамиятлар қуроли кучларнинг тиббий хизматларига, ярадорлар, касаллар, тинч аҳолига ёрдам берадилар.

Турли мамлакатларнинг Миллий жамиятлари *Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари Халқаро Федерациясига* бирлашганлар. Федерация 1919 йилда, Биринчи жаҳон урушидан кейин, кўпчиликда энди уруш бўлмайди, деган ишонч мавжуд пайтда ташкил топди. Шунинг учун Федерациянинг асосий мақсади Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятларига тинчлик пайтида, айниқса табиий офатлар шароитида ёрдам кўрсатиш деб таъкидланди. Федерация ёрдам кўрсатиш бўйича халқаро операцияларни ташкил қилади ва мувофиқлаштиради, шунингдек, баъзан, масалан, моҳаро ҳудудидан ташқаридаги қочоқларга, бевосита ёрдам беради.

Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси, Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой миллий жамиятлари ва Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятлари Халқаро Федерацияси биргаликда **Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой Халқаро Ҳаракатини** ташкил қиладилар.

Ҳаракат ўз фаолиятини қуйидаги етти Асосий Тамойилга мувофиқ амалга оширади:
ИНСОНПАРВАРЛИК, БЕҒАРАЗЛИК, БЕТАРАФЛИК, МУСТАҚИЛЛИК, ИХТИЁРИЙЛИК, БИРЛИК, УНИВЕРСАЛЛИК.

Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг тузилиши ва мазмуни.

Энг аввало иборалар хусусида икки оғиз сўз. Адабиётларда «халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи» иборасига синоним бўлган "халқаро гуманитар ҳуқуқ", «қуролли тўқнашувлар ҳуқуқи», «уруш ҳуқуқи», «уруш қонунлари ва одатлари», "халқаро ҳарбий ҳуқуқ" ва "қуролли низолар пайтида қўлланиладиган халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи" каби бир қанча тушунчалар учрайди. Илмий доираларда, олий ўқув юртлари учун қўлланма ва дарсликларда, дипломатияда биринчи ва иккинчи иборалардан, қуролли кучлар, қонунни муҳофаза қилиш органлари ва шу қабиларда эса қолган иборалардан фойдаланишни афзал қўришади. Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқига қуйидагича таъриф бериш мумкин: ***Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи – бу уруш ёки қуролли можаро пайтида ҳарбий ҳаракатларда иштирок этмаётган, унда иштирок этишни тўхтатган кишиларни ҳимоя қилувчи ҳамда уруш олиб бориш усуллари ва воситаларини чекловчи қоидалар тўпламидир.***

Қўриниб турибдики, XIX қурол ишлатилиши билан боғлиқ вазиятларда қўлланилади. Тарихчиларнинг ҳисоб-китобларига қўра, инсоният тарихи давомида 14 мингдан ортиқ уруш бўлган, уларда ҳалок бўлганлар сони 5 миллиард кишини ташкил этади. Айниқса XX асрда юз берган икки жаҳон уруши юз миллиондан ортиқ кишининг ёстиғини қуритди.

Ана шундай уруш азоб-уқубатларининг яна қайтарилишига йўл қўймасликка азму-қарор қилган жаҳон ҳамжамияти 1945 йилда тузган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомида бу ҳақда шундай дейилади:

«Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзолари халқаро муносабатларида куч ишлатишдан ёки куч ишлатиш билан хавф солишдан ўзларини тиядилар»

БМТ Низоми, 2 (4) модда.

Аммо шунга қарамасдан, БМТ Низоми ҳам куч ишлатиш имконияти мавжудлигини инкор қилолмади. Унда давлатларнинг мустақиллиги ёки ҳудудий яхлитлигига таҳдид мавжуд бўлганда уларда индивидуал ёки коллектив ўз-ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқи борлиги тан олинди (51-модда). Бундан ташқари, БМТ Низомининг VII боби БМТ аъзолари бўлган давлатларга халқаро хавфсизлик ва тинчликни сақлаш ёки тиклаш доирасидаги коллектив ҳаракатларда куч ишлатиш ҳуқуқини беради.

Шундай қилиб, урушнинг «қонундан ташқари» деб эълон қилинганига қарамасдан дунёнинг турли бурчакларида юз бераётган қуролли можаролар ҳамон давом этмоқда ва уларнинг қурбонлари миқдори ортиб бормоқда. *Шу маънода, ХҚХҚнинг бу борадаги фалсафаси шундай: ҳамонки урушлар юз берар экан, уларнинг олдини олиш ҳамма вақт ҳам мумкин бўлавермас экан, келинглр, ана шу қуролли можаролар муайян қоидалар доирасида олиб борилишига эришайлик, уларнинг одамларга етказадиган азоб-уқубатларини иккн қадар камайтирайлик.*

Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи нормалари шартли равишда 4 гуруҳга ажратиш мумкин бўлган халқаро шартномаларда ўз аксини топган:

- урушдан жабрланганларни ҳимоя қилиш ҳақидаги шартномалар;
- баъзи қурол турларини тақиқлаш ва/ёки уларни қўллашни чеклаш ҳақидаги шартномалар;
- баъзи объектларни ҳимоя қилиш ҳақидаги шартномалар;
- халқаро юрисдикция (суд қилиш ҳуқуқи) ҳақидаги шартномалар.

Биринчи гуруҳга кирувчи шартномалар ўз мазмунига қўра «инсонпарварлик ҳуқуқи»ни ташкил этади, улар қуролли можароларда бевосита иштирок этмаётган кишиларни (яъни фуқаро аҳолини), ана шундай можарода қатнашишни тўхтатган кишиларни (яъни қуролли кучларининг ярадор ва касал аскарлари, ҳарбий асирларни) ҳимоя қилишга йўналтирилган. Унинг асосий қоидалари 1949 йилги Женева конвенциялари ва 1977 йилги

иккита уларга Қўшимча протоколларда мустақамланган. Шунинг учун инсонпарварлик ҳуқуқининг бу қисми кўпинча «Женева ҳуқуқи» деб ҳам аталади. Унинг асосий ҳужжатлари қуйидагилардир:

ЖЕНЕВА ҲУҚУҚИ
1864 йил. <i>Ҳаракатдаги армиялар ярадорлари ва касалларининг қисматини яхшилаш ҳақидаги ЖЕНЕВА КОНВЕНЦИЯСИ (I)</i>
1907 йил. <i>Денгиз қуроли кучлари сафидаги ярадорлар, касаллар ва кема ҳалокатида учраган кишиларнинг қисматини яхшилаш ҳақидаги ЖЕНЕВА КОНВЕНЦИЯСИ (II)</i>
1929 йил. <i>Ҳарбий асирлар билан муносабат ҳақидаги ЖЕНЕВА КОНВЕНЦИЯСИ (III)</i>
1949 йил. <i>Уруш пайтида тинч аҳолини ҳимоя қилиш ҳақидаги ЖЕНЕВА КОНВЕНЦИЯСИ (IV)</i>
1977 йил. <i>1949 йилги Женева конвенцияларига халқаро қуроли можаролардан жабрланганларни ҳимоя қилишга тааллуқли бўлган ҚЎШИМЧА ПРОТОКОЛ (I)</i>
1977 йил. <i>1949 йилги Женева конвенцияларига халқаро бўлмаган қуроли можаролардан жабрланганларни ҳимоя қилишга тааллуқли бўлган ҚЎШИМЧА ПРОТОКОЛ (II)</i>

Иккинчи гуруҳга кирувчи шартномалар ўз мазмунига кўра «уруш ҳуқуқи», «қуроли тўқнашувлар ҳуқуқи»ни ташкил қилади, улар ишлатилаётган қурол турларини, ҳарбий ҳаракатлар олиб боришнинг усул ва воситаларини чеклашга ёки тақиқлашга ҳамда урушаётган томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлашга йўналтирилган. Бу ҳуқуқнинг асосий мазмуни асосан 1899 ва 1907 йилларда Гаагада қабул қилинган конвенцияларда акс эттирилган. Шунинг учун булар кўпинча «Гаага ҳуқуқи» деб ҳам юритилади.

ГААГА ҲУҚУҚИ
1868 йил. <i>Портловчи ва ёндирувчи ўқлардан фойдаланишни тўхтатиш ҳақидаги САНКТ-ПЕТЕРБУРГ ДЕКЛАРАЦИЯСИ</i>
1899 йил. <i>Қуруқликдаги уруш қонунлари ва одатларига доир ГААГА КОНВЕНЦИЯСИ</i> <i>Тарихда илк бор уруш олиб бориш усуллари ва воситаларининг тартибга келтирилиши</i>
1925 йил. <i>Урушда бугувчи, заҳарли ёки шунга ўхшаши газлардан ва бактериологик воситалардан фойдаланишни тақиқлаш ҳақидаги ЖЕНЕВА ПРОТОКОЛИ</i>
1972 йил. <i>Бактериологик (биологик) ва токсин қуролларни тадқиқ қилиш, ишлаб чиқариш, заҳираларини тўплаш тақиқлаш ва уларни йўқотиш ҳақидаги КОНВЕНЦИЯ</i>
1980 йил. <i>Оддий қуролларнинг ҳаддан ортиқ жараҳат етказадиган ва танламайдиган характерда деб ҳисобланувчи конкрет турларини қўллаш чеклаш ёки тақиқлаш ҳақидаги ЖЕНЕВА КОНВЕНЦИЯСИ</i>
I <i>Протокол – илғаб бўлмайдиган осколалар ҳақида;</i>
II <i>Протокол – миналар, тузоқ-миналар ва бошқа қурилмаларни қўллаш чеклаш ёки тақиқлаш ҳақида;</i>
III <i>Протокол – ёндирувчи қуролни қўллаш чеклаш ёки тақиқлаш ҳақида.</i>
1993 йил. <i>Химиявий қуролни тадқиқ қилиш, ишлаб чиқариш, тўплаш ва қўллаш тақиқлаш ва уни йўқотиш ҳақидаги ПАРИЖ КОНВЕНЦИЯСИ</i>
1995 йил. <i>Кўр қилувчи лазер қуролига тааллуқли ЖЕНЕВА ПРОТОКОЛИ</i> <i>(1980 йилги конвенцияга IV Протокол бўлиб қўшилди)</i>
1997 йил. <i>Пийёдаларга қарши миналарни ишлаб чиқариш, (бошқаларга) бериш, заҳираларини тўплаш ва қўллаш тақиқлаш ва уларни йўқотиш ҳақидаги ОТТАВА КОНВЕНЦИЯСИ</i>

1977 йилда Женева конвенцияларига иккита Қўшимча протоколларнинг қабул қилиниши билан "Женева ҳуқуқи" ва "Гаага ҳуқуқи" бир бирига қисман сингиб кетишган. Уларнинг бир-биридан ажратилиши эса ўз мазмунини тарихий маънода сақлаб қолди.

Шуни эслатиб ўтиш лозимки, «Гаага ҳуқуқи» доирасига кирувчи қўпчилик шартномалар БМТ томонидан қабул қилинган, уларнинг ишлаб чиқилишига эса ХҚХҚ катта ҳисса қўшган. Гап бу ерда ҳужжатнинг ким томонидан қабул қилинишида эмас, балки уларнинг кишиларни ҳимоя қилишга йўналтирилганлигидир. Шу маънода БМТ ва ХҚХҚ

мақсадлари ягона бўлган, аммо унга турлича томондан, турлича усуллар билан ёндошадиган инсонпарварлик, тинчлексевар ташкилотлардир.

Учинчи гуруҳга кирувчи шартномалар маданият объектлари ва табиий муҳитни ҳарбий ҳаракатларнинг оқибатларидан ҳимоя қилишга йўналтирилган:

1954 йил. Қуролли можаро пайтида маданий қадриятларни ҳимоя қилиш ҳақидаги ГААГА КОНВЕНЦИЯСИ ВА ПРОТОКОЛИ

1976 йил. Табиий муҳитга ҳарбий ёки бошқа ҳар қандай душманларча таъсир қилувчи воситаларни қўллашни тақиқлаш ҳақидаги ЖЕНЕВА КОНВЕНЦИЯСИ

1999 йил. Қуролли можаро пайтида маданий қадриятларни ҳимоя қилиш ҳақидаги ИККИНЧИ ГААГА ПРОТОКОЛИ

Тўртинчи гуруҳга кирувчи шартномалар халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи нормаларини бузган кишиларга муносабат, яъни халқаро юрисдикция (суд қилиш ҳуқуқи) ҳақидаги масалаларни ўз ичига олади. ХИХни бузган кишилар икки хил даражада суд қилиши мумкин: а) ҳар бир мамлакатнинг миллий, ички қонунчилиги даражасида, б) халқаро даражада. Биринчи ҳолда одатда мамлакатлар ана шундай кишиларга панжа орасидан қарашади, баъзан эса улар миллий қаҳрамон даражасига кўтарилиши ҳам мумкин. Ана шундай пайтда, мамлакат миллий қонунчилиги ХИХ бузилишини «сезмаётган» пайтда, бошқа кўпгина давлатларнинг талаби асосида ушбу ҳуқуқбузарлар халқаро суд томонидан жавобгарликка тортилиши мумкин.

Халқаро суд ташкил қилиш амалиёти II жаҳон урушидан кейин бошланган. 1945 йилда АҚШ, СССР, Буюк Британия ва Франция ўртасида тузилган битимга кўра Германия ва Европадаги унга иттифокчи давлатларнинг асосий ҳарбий жиноятчиларини суд қилиш учун Халқаро трибунал ташкил қилинган эди. 1946 йилда тузилган Узоқ Шарқ учун Халқаро трибунал Япониянинг асосий ҳарбий жиноятчиларини суд қилишга чақирилганди.

Ушбу урушдан деярли ярим аср кейин, 1993 йилда 1991 йилдан бошлаб собиқ Югославия ҳудудида ХИХни жиддий бузишларда ва геноцидни амалга оширишда айбланган кишиларни таъкиб ва суд қилиш учун Халқаро жинойт трибунал тузилди. 1994 йилда Руанда ва унга қўшни мамлакатлар ҳудудида ХИХни жиддий бузишларда ва геноцидни амалга оширишда айбланган кишиларни таъкиб ва суд қилиш учун Руандада Халқаро жинойт трибунал тузилди.

Кўриниб турибдики, ушбу трибуналларнинг юрисдикцияси (суд қилиш ҳуқуқи) вақт ва маконда чегараланган. Халқаро ҳамжамият савий-ҳаракати билан 1998 йилда Римда Доимий Халқаро жинойт суд Статути (Низоми) қабул қилинди. Ушбу Статут 2002 йил 1 июлдан кучга кирди. Мазкур Статут ваколатига кирувчи жиноятлар ҳақида эса сиз "Шахс ҳуқуқий маданиятининг вужудга келиши" номли баҳс-мунозара дарсида кўпроқ маълумот оласиз.

3. Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи ҳимояси остидаги кишилар ва объектлар.

Юкорида келтирилганлардан маълум бўлдики, ХИХ қоидаларига кўра кишиларнинг муайян категориялари ҳимоя ва ёрдам билан таъминланади. Тарихий жиҳатдан қаралганда халқаро инсонпарварликҳуқуқининг ҳимояси дастлаб 1864 йилги Конвенцияга мувофиқ куруқликдаги қўшинларнинг **ярадорлари ва касал аскарларига** жорий қилинган. 1907 йилги Конвенция улар қаторига денгиз қуролли кучларига қарашли бўлган **ярадорлар, касаллар ва кема ҳалокатига учраганларни** киритди. 1949 йилда қайта ишланган I Конвенцияга мувофиқ энди **ана шундай ҳимоя қилинувчилар категориясига** қуролли кучлар таркибига кирмаса-да қуйидаги шартларни бажарадиган **кўнгилли қаршилик кўрсатиш отрядлари, халқ лашкарларининг ярадор ва касаллари** ҳам киритилди. Улар эса комбатантлар учун зарур бўлган белгиларнинг баъзиларига эга бўлишлари ва уларга бўйсунтиришлари керак. Бу ҳақдаги маълумотни сиз "Шахснинг кадр-қиммати ва эркинлиги" баҳс-мунозара дарсида кўриб чиққансиз.

Шунингдек бундай ҳимоя қуролли кучлар таркибига кирмаса-да, доимо улар билан бирга юрувчи қуйидаги шахсларга ҳам ярадор ёки касал бўлган тақдирда I

Женева конвенциясининг 13-моддасига биноан **қўлланиладиган бўлди**: а) ҳарбий самолётлар экипажига кирувчи фуқаролар, б) ҳарбий журналистлар, г) қуроли кучларга майший хизмат кўрсатувчи ишчи командалари ёки хизматларининг шахсий таркиби, таъминотчилар, д) душман яқинлашиб келиши билан стихияли тарзда қўлига қурол олган, аммо доимий қуроли кучга айланмаган, қуролини очик олиб юрадиган ҳамда уруш қонунлари ва одатларига риоя қилувчи тинч аҳоли. Худди шундай ҳимоя I ЖКнинг 24-32, II ЖКнинг 36-37 ва I Қўшимча протоколнинг 8, 15-моддаларига мувофиқ ҳарбий ва фуқаро тиббиёт хизмати ходимларига, уларнинг санитар-транспорт воситаларига ҳам тааллуқлидир.

Энди ҳимоя остига олинган ҳарбий асирлар масаласига эътибор берсак. 1929 йилги «Ҳарбий асирлар билан муомала ҳақида»ги конвенцияга мувофиқ **халқаро қуроли мижаро пайтида ушбу мижарода қатнашаётган томонларга мансуб қуроли кучларга тегишли бўлиб, душман қўлига тушган киши ҳарбий асир саналади**. 1949 йилги III Женева конвенцияси эса ҳарбий асир саналувчи кишилар категориясини кенгайтирди. Қуроли кучлар таркибига кирувчи кишилардан ташқари, **қўнгилли қаршилиқ кўрсатиш отрядлари, халқ лашкарлари** ҳам юқорида айтилган тўрт қоидага риоя қилинган ҳолда асирга олинган бўлсалар ҳарбий асир мақомини олдилар:

Шунингдек **ҳарбий асирлик мақоми қуроли кучлар таркибига кирмаса-да, доимо улар билан бирга юрувчи қуйидаги шахсларга асир бўлган тақдирда** III Женева конвенцияси 4 А моддасининг 4-6 пунктларига мувофиқ **қўлланиладиган бўлди**: а) ҳарбий самолётлар экипажига кирувчи фуқаролар, б) ҳарбий журналистлар, г) қуроли кучларга майший хизмат кўрсатувчи ишчи командалари ёки хизматларининг шахсий таркиби, таъминотчилар, д) душман яқинлашиб келиши билан стихияли тарзда қўлига қурол олган, аммо доимий қуроли кучга айланмаган, қуролини очик олиб юрадиган ҳамда уруш қонунлари ва одатларига риоя қилувчи тинч аҳоли.

Энди уруш пайтида тинч аҳолини ҳимоя қилиш масаласига эътибор қилайлик. **Қуроли кучлар таркибига кирмайдиган киши фуқаро шахс саналади**. Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи фуқаро шахсларга қуроли мижаро натижаларидан икки хил ҳимоя тақдим этади: а) умумий ҳимоя ва б) махсус ҳимоя. Умумий ҳимоя фуқаро аҳолининг барчасига ва алоҳида фуқаро шахсларга уларнинг ёши, жинси, ирқи, миллати, сиёсий ёки диний эътиқодидан қатъий назар кўрсатилади. Махсус ҳимоя эса қуроли мижаро вазиятида ҳомийлик остидаги баъзи шахсларнинг «ниҳоятда заифлиги» (масалан, **болалар, аёллар, қариялар** ва ҳ.к.) ёки «фуқаро аҳолига ёрдам кўрсатиш ва уларнинг яшаб қолишларини ташкил қилишдаги алоҳида фаолиятларига» кўра (масалан, **тиббий хизмат ва фуқаро муҳофаази ташкилотлари ходимлари**) кўрсатилади. Демак, фуқаро аҳолининг ана шу санаб ўтилган категориялари махсус ҳимоядан фойдаланадилар.

Қуроли мижаро пайтида ҳимоя остига олинган фуқаро аҳоли таркибига қуйидагилар қиради: **а) ўзаро низода бўлган томонларнинг душман босиб олган ҳудуддаги фуқаролари; б) ўзаро низода бўлган томонларнинг душман ҳудудида қолган фуқаролари; в) низода қатнашаётган мамлакатларнинг ўзаро урушаётган давлатлар ҳудудидаги фуқаролари**.

Албатта Женева конвенциялари ҳимояси остига олинган юқоридаги турли категория кишиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларга бериладиган ёрдамни таҳлил қилишнинг ўзи катта бир мавзудир

Энди ҳимоя остидаги объектлар ҳақида фикр юритамиз. Буларга энг аввало фуқаро аҳоли яшаб турган уй-жойлар, алоқа, озиқ-овқат ва майший хизматга тааллуқли объектлар, транспорт воситалари қабилар қиради. Бирор бир объектнинг мақомига шубҳа туғилган тақдирда у фуқаро объекти деб ҳисобланади.

Бундан ташқари баъзи бир объектлар алоҳида ҳимоя остига олинган. Маданий қадриятларни ташкил қилувчи объектлар ана шулар қаторига қиради. Булар тарихий ёдгорликлар, санъат асарлари, халқларнинг маданий ва маънавий ёдгорликлари ҳисобланувчи ибодат ва сиғиниш объектларидир. Улар ҳеч қачон душманларча ҳатти-ҳаракат объектларига айлантирилмаслиги ва улардан ҳарбий имкониятларни кучайтириш

мақсадларида фойдаланилмаслиги керак. Хужум қилинмайдиган объектлар қаторига фуқаро муҳофафасига тегишли бўлган объектлар, транспорт воситалари ва жиҳозлар ҳам киради. Ўз-ўзидан маълумки ҳарбий ёки фуқаровийлигидан қатъий назар тиббиётга тааллуқли объектлар, уларнинг транспорт воситалари ва ашёлари ҳам ҳужум объектига айлантирилмайди.

Хавфли ва бошқарилмас кучларни ўзида тутиб турган сув омборларининг дамбалари, туғонлар, атом электр станцияларига ҳам фуқаро аҳоли орасида ҳад-ҳисобсиз йўқотишлар бўлишининг олдини олиш мақсадида ҳужум объекти бўлмаслиги керак.

Бундан ташқари томонларнинг ўзаро келишувига кўра ташкил қилинган хавфсизлик зоналари, санитар зоналари, нейтрал зоналари ҳам ана шундай ҳимоядан фойдаланувчилар қаторига киради.

5. Ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш усуллари ва воситаларига нисбатан чекловлар

Уруш олиб бориш усуллари чеклашга тааллуқли бўлган халқаро ҳуқуқ нормаларининг тарихи 1868 йилги Санкт-Петербург Декларацияси, Либер Кодекси ва асосан 1899 ва 1907 йиллардаги Гаага конвенцияларидан бошланган. Юқорида эслатиб ўтилганидек, халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг бу қисми кўпинча «Гаага ҳуқуқи» деб аталади.

БМТ Низомига кўра давлатларга ўзларини қонуний ҳимоя қилиш мақсадида қуролли қаршилик кўрсатиш ҳуқуқи берилган бўлса-да, уруш олиб боришни ҳамма вақт халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг умумий тамойилларига бўйсунган ҳолда амалга ошириш керак.

1868 йилги Санкт-Петербург Декларациясининг Преамбуласида ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш ҳуқуқининг дастлабки концепцияси шундай акс эттирилган эди: «... уруш пайтида давлатнинг ягона қонуний мақсади душманнинг ҳарбий қувватини камайтиришдан иборат;

- ушбу мақсадга эришиш учун имкони борича кўпроқ кишиларни сафдан чиқариш етарли;
- душманни сафдан чиқариб, ярадор қилганда бефойда ҳолда унинг азоб-уқубатларини кучайтирадиган ёки уларни албатта ўлимга олиб келадиган қуролдан фойдаланиш эслатиб ўтилган мақсадга мос эмас, деб тан олинishi керак;
- ана шундай қуролдан фойдаланиш инсонпарварлик қонунларига зиддир».

1907 йил 18 октябрда Гаагада қабул қилинган Қуруқликдаги уруш қонунлари ва одатлари ҳақидаги IV Конвенцияда шундай дейилади: «Урушаётганлар душманга зарар етказиш воситаларидан фойдаланишда чексиз ҳуқуқдан фойдалана олмайдилар»

1977 йилда қабул қилинган I Қўшимча протоколда (35-модда) душманга зарар етказиш воситаларини танлаш эркинлигининг чексиз эмаслиги тамойили қуйидагича ифодаланди: «Ҳар қандай қуролли можаро пайтида ўзаро низода бўлган томонларнинг уруш олиб бориш усуллари ва воситаларини танлаш ҳуқуқи чексиз эмасдир.

Ҳаддан ортиқ жароҳат етказадиган ёки ҳаддан ортиқ азоб берадиган қуроллар, снарядлар, моддалар ва ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш усуллари қўллаш тақиқланади».

Уруш усуллари ва воситаларини чекловчи қоидалар қайси бир жиҳатлари билан рицарлик анъаналарини эслатади. Уларда ҳам душманга инсон сифатида ҳурмат билан қараш мавжуд эди. Шундан келиб чиққан ҳолда рақибга инсон сифатида ҳаддан ортиқ азоб берувчи уруш усуллари ва воситаларини қўллаш ман қилинганди. Умуман олганда ҳаддан ортиқ азоб берадиган усул ва воситалар ҳеч қачон қўйилган мақсадга эришишни осонлаштирмаган.

Тақиқ остига олинган уруш усулларида бири **мунофиқликдир**. I Қўшимча протоколнинг 38-моддасига мувофиқ, мунофиқлик «қуролли можаролар пайтида қўлланиладиган халқаро ҳуқуққа мувофиқ ҳимояга ҳақилик никоби остида ҳаракат қилиш, демакки душманнинг ишончидан фойдаланиш, унинг ишончини алдашга қаратилган ҳатти-ҳаракатлардир». Мунофиқликка оқ байроқ никобидан фойдаланиб ҳужум қилиш ёки ўзини сафдан чиққандек кўрсатиб, кейин ҳужум қилиш, қизил хоч ёки қизил ярим ой тимсолларидан, БМТнинг байроғидан ноқонуний фойдаланиш кабилар мисол бўла олади.

Такиқ остига олинган урушиш усулларида бири «ҳеч кимни тирик қолдирмасликка буйруқ бериш» ҳисобланади. Ярадорлиги сабабли сафдан чиққан душманни, асирларни ва босиб олинган ҳудудлардаги фуқаро шахсларни ўлдириш, касалхоналарга, ҳалокатга учраган самолётнинг парашютда ерга тушаётган экипажига ҳужум қилиш ҳам тақиқланади. Аммо парашютда ерга тушаётган ҳарбий десант кўшинларига ҳужум тақиқланмаган.

Энди тақиқланган қурол турлари ҳақида икки оғиз сўз. Бунда энг асосийси қўйилган **ҳарбий мақсадга эришиш учун зарур бўлгандан ортиқроқ зарар келтирувчи** қурол ва ўқ-дорилар кўзда тутилади. Чунки ҳарбий вазифани нисбатан озроқ миқдорда азоб-укубат келтирувчи қуролларни ишлатиб ҳам бажариш мумкин-ку. Худди шу маънода 1868 йилги Санкт-Петербург Декларацияси портловчи ва ёндирувчи ўқ-дориларни ишлатишни тақиқлади. 1899 йилги Биринчи Гаага тинчлик конференцияси эса портловчи «дум-дум» ўқларини, заҳарларни ва заҳарланган қуролларни қонундан ташқари деб эълон қилди. 1907 йилги Иккинчи Гаага тинчлик конференциясида эркин сузиб юривчи денгиз миналарини тақиқ остига олди.

Анча вақт ўтгач, 1980 йилга келибгина, оддий қуролларнинг жуда шифқатсиз конкрет турларини тақиқлашга муваффақ бўлинди. «Оддий қуролларнинг хаддан ортиқ жароҳат етказадиган ва танламайдиган характерда деб ҳисобланувчи конкрет турларини қўллашни чеклаш ёки тақиқлаш ҳақида»ги конвенцияга мувофиқ илғаб бўлмайдиган осколкаларга эга бўлган қуролларни ишлатиш тақиқланди, миналар, тузоқ-миналар ва бошқа қурилмалар, ёндирувчи қуролни қўллаш чекланди.

Оммавий қирғин қуроллари хусусида нима дейиш мумкин? 1925 йилги Женева протоколига кўра заҳарловчи газлардан фойдаланиш тақиқланган. Уларни тадқиқ қилишни, ишлаб чиқаришни, тарқатишни ва тўплашни тақиқловчи конвенцияни қабул қилиш эса 1993 йилга келиб амалга оширилди. 1925 йилги Женева протоколи бактериологик қуролни ишлатишни ҳам тақиқлаган эди. 1972 йилги Конвенция эса бактериологик (биологик) ва токсин қуролларни тадқиқ қилиш, ишлаб чиқариш, уларнинг заҳираларини тўплашни тақиқлаш ва йўқотиш ҳақида қарор қабул қилди.

Бундан ташқари ёндирувчи қуроллар, кўр қилувчи лазер қуроли ва бошқа қуроллар ҳам тақиқланган қуроллар қаторига киради.

Таянч тушунча ва иборалар: *инсонпарварлик ҳуқуқи сарчашмалари; низоларда қўлланилувчи одат ва удумлардан халқаро инсонпарварлик ҳуқуқига ўтиш; А.Дюнан ва унинг тарихий хизмати; ХИХни таъкил қилувчи ҳужжатлар; Женева ҳуқуқи ёки инсонпарварлик ҳуқуқи; Гаага ҳуқуқи ёки уруш ҳуқуқи; уруш олиб бориш усули ва воситалари бўйича чекловлар.*

Такрорлаш учун саволлар:

1. Нима учун инсоният тарихида тинчлик давридан кўра уруш ва тўс-тўпалонлар даври кўпроқ бўлган?
2. Тарихда уруш хавф-хатарларини чеклашга бўлган интилишларни тушунтириб беринг.
3. "Қиличлар ишга тушганда қонунлар жим туради" деган фикрни қандай изоҳлайсиз?
4. Ислоҳ динида қайси пайтларда урушиш ва қон тўкиш ман этилади?
5. Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқига таъриф беринг.
6. Анри Дюнан ўз тарихий хизматлари учун тинчлик бўйича биринчи Нобель мукофоти билан тақдирланганини биласизми?
7. Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг ҳужжатлари қандай гуруҳларга ажратилади?
8. Женева ва Гаага ҳуқуқининг бир-биридан фарқи нимада?
9. Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой Халқаро ҳаракатининг таркибий қисмларини санаб беринг.
10. Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой Халқаро ҳаракатининг асосий тамойиллари қайсилар?

У БОБ. ИНСОНИЯТНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

14-мавзу. ХХІ аср ва инсониятнинг ривожланиш истиқболлари.

1. Ҳозирги давр ва келажак тўғрисидаги турли қарашлар ва уларнинг мазмуни.

Ижтимоий баШорат (прогноз): моҳияти ва турлари.

Жамият тараққиётининг барча босқичларида инсон ўзининг кейинги ҳолати қанақа бўлишини, юз бериб турган ҳодиса ва воқеалар қандай ўзгаришларга олиб келишини билишга қизиққанлар. Бу олдиндан кўриш деб аталади. Олдиндан кўриш бир қанча турларга бўлинади: илмий, оддий ва интуитив. Бундан ташқари олдиндан кўришнинг диний шакли ҳам мавжуд (масалан, фол очиш, ром очиш, каромат қилиш кабилар). Улардан ҳозирги пайтда кенг тарқалгани прогнозлаштириш ҳисобланади (грекча – олдиндан кўриш, олдиндан айтиш). Умуман олганда прогнозлаштириш деганда бирор-бир ҳодисанинг келажакда қандай бўлиши эҳтимоли ҳақида фикр чиқариш тушунилади. Прогнозлаштириш олдиндан кўришнинг илмий шаклларида бири сифатида режалаштириш, программалаштириш, лойиҳалаштириш, бошқариш кабилар билан ўзаро алоқадорликда бўлади. Объектлар бошқарилмайдиган соҳада, яъни табиатшунослик соҳасида, уларнинг кейинги ҳолатлари ҳақида асосан статистик ва динамик қонуниятлардан келиб чиқиб у ёки бу даражада қатъий "баШорат" қилинади.

Ҳозирги пайтда кенг қўлланилаётган прогнозлар олдиндан кўришнинг бир қисми ҳисобланади, аммо уларни бир-бирига тенглаштириб бўлмайди. *Прогноз – илмий олдиндан кўришдир.* Олдиндан кўришнинг илмий туридан ташқари илмий бўлмаган турлари ҳам мавжуд. Бундан ташқари олдиндан кўришнинг илмий ва ноилмий турлари оралиғида жойлашган *эмпирик олдиндан айтиш* ҳам мавжудлигини қайд этиш керак.

Илмий бўлмаган олдиндан кўриш фантастик, реал бўлмаган, сунъий ўйлаб чиқилган ўзаро алоқадорликларга таянади. Кўпинча эса бу "фолбиннинг" ўзигагина аён бўлаётган "вахийларга асосланади" - унинг ягона мақсади одамнинг қарашлари ва ҳатти-ҳаракатида аслида асоси бўлмаган сабабларни қидириб топиш ва унга ишонтиришдир. Ғойибдан билиш, авлиёлик, каромат қилиш, фол (ром) очиш, астрология (юлдузларга қараб ром очиш) ва шу кабилар илмий бўлмаган олдиндан кўришнинг шаклларига киради. Бунга шунингдек, пайғамбарлик ҳам киради. Янги даврда вужудга келган ижтимоий утопияларни ҳам мана шу гуруҳга киритиш мумкин. Аммо уларнинг ноилмий характери уларнинг жамият ҳаётида, кишиларнинг қисматида албатта салбий роль ўйнайди, деган фикрни билдирмайди. Тарихдан маълумки, диний ва ижтимоий йўналишдаги шундай қарашлар жуда кўп ҳолларда илғор ва ижобий, ҳатто инқилобий роль ўйнаганлар.

Илмий олдиндан кўриш илмий ғоянинг натижаси бўлган, илмий назариялар доирасида қонуниятларни системали равишда илмий-назарий таҳлил қилиш асосида олинган ва уларнинг амалга оширилиш шароитларига таянувчи олдиндан кўришга айтилади. Фақат ана шундай, яъни реал шароитларни таҳлил қилишга асосланган олдиндан кўришгина "баШоратнинг" мумкин қадар ишончлилигини таъминлаши ва унга асосланган ҳатти-ҳаракатларга қатъийлик бера олиши мумкин ҳамда келажакнинг эҳтимол тутилган ва зарурий тенденцияларини аниқроқ кўришга имкон беради. Келажакни тўлиқ ва абсолют аниқ билиш ҳеч қачон илмий олдиндан кўришнинг ўзига хос белгиси бўла олмайди. Бундай билим, аслини олганда, мантикий жиҳатдан бемаънилиқдир. Прогнозлаштириш ўтмиш ва ҳозирги пайтдаги ҳодисаларнинг қандай кечганлиги ва ўзгаришлари тенденцияларини ўзаро солиштириш асосида уларнинг зарурий ва эҳтимоий келажagini айтиш мумкин бўлган чегараларгача олдиндан айтиши мумкин. Унинг характерли хусусияти шундаки, у қонунларни билишга ва ҳаққоний методикага суянади, прогнозлаштирилаётган воқелик ўзгаришини назарда тутиб, унинг натижалари текширилиши, аниқлаштирилиши ва янада ривожлантирилиши мумкин.

Эмпирик олдиндан кўриш кишиларнинг кундалик тажрибасига, ўзаро боғланишларнинг реал ёки фараз қилинган (хаёлий) ҳолатларига ёки доимийлигига суянади, аммо у назарий асосларга, тажрибаларнинг баҳоланишига, ҳодисаларнинг қонуниятларини

ўрганишга таянмайди. Бунга халқ орасида кенг тарқалган турли воқеаларнинг (масалан, ёмғир ёғиши, ёзда ҳосилнинг мўл ёки кам бўлиши, турли касалликларнинг сабаблари ва шу кабиларнинг) юзага келиши ҳақида фикр билдиришда турли белгилардан фойдаланиш амалиётини мисол қилиб келтириш мумкин. Бундай олдиндан билиш одатда ноаниқ ва ишончли бўлмайди. Аммо бу уларнинг тасодифан амалга ошишини ёки реал ҳодисаларнинг қонуниятларига суянгани сабаб тўғри чиқишини инкор қилмайди. Кишилиқ ҳаётининг жуда ўзоқ вақти давомида ана шундай олдиндан кўриш муҳим роль ўйнаб келган ва баъзи масалалар бўйича ҳозир ҳам катта аҳамият касб этиб келмоқда.

Илмий ва илмий бўлмаган олдиндан кўришнинг яна қандай фарқлари мавжуд? Биринчидан, прогноз реал мавжуд қонуниятлар ва ўзаро алоқадорликларга суянади, ноилмий шакллар эса фантастик, ҳаёлий, "ваҳий" асосларга таянади. Шунинг учун ноилмий шаклларни илмий далиллар билан инкор этиб бўлмайди, чунки улар илмий йўл билан текшириб кўриш мумкин бўлмаган "асосларга" таянадилар.

Иккинчидан, авлиёлик, каромат қилиш ўз табиатига кўра абсолют, ўзгармас ҳақиқатлик, ягона ишончлилик даъволари билан чиқади. Прогноз эса ақлий ва жисмоний жараён натижаси бўлиб доимо ривожланиб, билмасликдан билишга, нотўлиқ билимдан тўлиқроқ билимга томон ҳаракатни ташкил қилади ва у ёки бу даражадаги эҳтимоллик билан исбот этилиб туради.

Учинчидан, авлиёлик ва каромат қилишда худди утопиядаги каби тайёр, статик характердаги, қотиб қолган, ажралиб қолган ҳолатларнинг суратини таклиф қиладилар. Прогнозда эса, аксинча, воқеликнинг динамик, ўзгарувчан картинасини таклиф қилинади, бунда прогнозлаштирилаётган ҳолатлар ривожланаётган ягона ўзгарувчан воқеликнинг босқичлари сифатида чиқади, уларни эса реал шароитлар, зиддиятлар, ҳаракатлантирувчи кучлар ва қонуниятлар асосидагина тушуниш мумкин.

Тўртинчидан, илмий олдиндан кўришда реал ўзаро боғланишлар ва жараёнлар амал қилади ҳамда улардан прогноз вужудга келади, утопияларда эса мустақил тарихий куч сифатида хоҳишлар, баҳолар, ахлоқий талаблар қонуний алоқадорликларнинг ўрнини эгаллайди. Шу маънода ҳаёлий олдиндан кўришда ахлоқий дунёқараш ва баҳолар, субъектив истаклар ва талабларнинг келажак воқелик сифатидаги картиналари олинади.

Шу маънода прогноз – нарс ва ҳодисаларнинг илгари маълум бўлмаган ҳолати ҳақидаги фикрлар бўлиб, уни биз илмий назариянинг натижаси, бизга маълум ёки асосланган фикрлардан олинган хулоса сифатида қабул қиламиз.

Олдиндан кўриш табиатшуносликда, техник фанларда ва жамиятшунослик фанларида кенг қўлланилади. Табиатшунослик ва техникадан фарқли равишда жамиятдаги жараёнларни прогнозлаштиришда жуда мураккаб комплекслар билан иш кўришга тўғри келади. Ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари ва ҳодисалари жуда мураккаб ижтимоий организмлар сифатида амал қилади ва уларни фақат шартли равишда, вақтинча бир-биридан "ажралган ҳолда", унда ҳам "фақат тафаккурда ажратиб" кўриш мумкин. Жамиятнинг ўзи "кўп қаватли", ҳар бири бир-бири билан боғланган ва айни ҳолда "ўзига хос" ҳаёт кечириётган мураккаб ҳодисалар, нарсалар, шахслар, индивидлар, қолаверса, одамлардан иборат. Шундан келиб чиқиб бу соҳаларда турли-туман, "қават-қават", умумий, хусусий ва алоҳида прогнозлар бўлиши мумкин.



Ижтимоий ҳаёт соҳасида одатда бошқарилувчи ҳодисаларнинг келажакдаги ҳолати ҳақида фикрлар чиқарилади. Илмий прогнозлаштиришни ҳозирги пайтда прогнозчилар ва футурологлар асосан икки типга ажратишади. Бундай ажратишнинг асоси келажакни ўрганиш қандай йўналишда олиб борилиши билан боғлиқ. Биринчи тип прогнозлар – **қидирувчи** (тадқиқ этувчи, тренд) **прогнозлаштириш**, иккинчи тип – **норматив прогнозлаштириш** дейилади.

Қидирувчи прогнозлаштириш – кўзда тутилган вақт мобайнида ҳодисанинг мавжуд тенденциялари ўзгармаса ёки унга муайян бошқариладиган таъсирлар кўрсатилганда қандай ҳолатда бўлиш эҳтимолини таҳлил қилади. Бунда прогнозлаштирилаётган ҳодисанинг ўтмиш ва ҳозирги пайтдаги ривожланиш ҳолатини давом эттириш орқали келажакда қандай



бўлиши ҳақида хулоса чиқарилади. Бундай прогнозлаштириш ривожланиш қандай йўналишда бўлади? деган саволга жавоб беради. Қидирувчи прогнозлаштириш мақсадлари учун ўнлаб математик тенглама-моделлардан фойдаланиш мумкин. Улар ўз навбатида линияли ва линияли бўлмаган моделларга ажратилади.

Қидирувчи прогнозлаштиришнинг линияли модели математик ёки электрон ҳисоблаш машинасида таҳлил қилишга мўлжалланган ҳолларда ишлатилади. Бунда объектга (ҳодисага) таъсир қилаётган кўрсаткичлар бир-бирига тенг вақтлар оралиғида камаяётган ёки кўпаяётган бўлади. Бу ҳолатда тенденция арифметик прогрессия асосида ўзгаришти, деб характерланади. Уни график ҳолда **А** чизмадагидек ифодалаш мумкин. Линияли модел аниқ натижалар беришига қарамай, уларнинг мураккаб ижтимоий ҳодисаларни моделлаштиришдаги имконияти чегараланган. Бундай жараёнларда линияли бўлмаган моделлар яхши иш беради.


Б чизмада эса линияли бўлмаган экспоненциал модель акс эттирилган. Мазкур модель ривожланиш даражаси тезлик билан ўсаяётган ёки камаяётган жараёнлар ва тенденцияларга нисбатан қўлланилади.



Линияли бўлмаган моделлардан энг кўп қўлланиладигани экспоненциал (геометрик прогрессия бўйича) ривожланиш модели ҳисобланади. Бундай моделлар жараён ва тенденцияларнинг кескин ўзгариши характерли бўлганда самарали натижалар беради. Мисол тариқасида Т.Р.Мальтуснинг аҳолининг кўпайиши ва уларни зарурий моддий ресурслар, озиқ-овқат билан таъминлаш ўртасидаги боғлиқлик тўғрисидаги прогнозини келтириш мумкин. Бу каби модел ҳозирги пайтда экологик жараёнлар ва инсоният тараққиётининг келажаги масалаларида машҳур "Рим клуби" ҳисоботларида кенг қўлланилмоқда. Бунда асосан "мантикий эгри чизик" услуби қўлланилади – унинг мазмуни шундаки экспоненциал ўсиш кўрсаткичларининг муайян даражага албатта олиб келиши кўзда тутилади (В чизмага қаранг). Лекин ҳаёт шундайки, ҳар қандай мураккаб ҳодисага таъсир қилувчи алоқадорликларнинг ўзлари ҳам доимий таъсирлар натижасида кўплаб ўзгаришларга учраб туради. Шунинг учун ижтимоий ҳаётнинг кўплаб жараёнларини ўрганишда "мантикий эгри чизикнинг" аҳамиятини, унинг ўзгармаслигини ҳаддан ортиқ кўтариб юбормаслик керак. Чунки илгарироқ ўзгармас, абсолют ҳисобланган кўрсаткичлар ўзининг нисбийлигини, ўзгарувчанлигини намоён этмоқда. Шунинг учун бирор кўрсаткич ҳақида гапирганда унинг "чегаралари" ўзгармаслиги ҳақида эмас, балки уларнинг кетма-кетлиги, бир-бирини тўлдириб бораётган "мантикий эгри чизик" кетма-кетликлари ҳақида фикр юритган маъқулроқ. Бунда уларнинг умумий тенденциялари аниқланади, шунга кўра келажак тасвири акс эттириб борилади (Г чизмага қаранг). Бунини "айланиб ўтувчи эгри чизик модели" дейишади.



Ҳозирги пайтда кидирувчи прогнозлаштириш натижасини эҳтимол тутилган "келажак сценарийси" деб аташни таклиф қилаётган тадқиқотчилар ҳам мавжуд.¹¹ Турли-туман ана шундай сценарийлар асосида эҳтимол тутилган келажакнинг прогностик моделлари ишлаб чиқилади. Келажакнинг ана шундай спектрини Х. Ўзбекхон "антиципациялар" ибораси билан, Б. де Жувенель "футурибллар" ибораси билан, Ж. Форрестер "дунёвий моделнинг ҳатти-ҳаракати", Г. Кан эса "дунёнинг муқобил келажаги" деб атамоқдалар.



Юқорида айтганимиздек, кидирувчи прогноздан ташқари **норматив прогнозлаштириш** ҳам мавжуд. Уни кўпинча образли қилиб "тескари прогнозлаштириш" ҳам дейишади, чунки бунда тадқиқот келажакдан ҳозирга қараб йўналтирилган бўлади. Бунда ҳодисаларнинг мақбул (яхши, керакли, зарур) деб қабул қилинган ҳолатига эришиш учун нималар қилиниши кераклиги изланади. Яъни муайян норма, қарор, идеал, мақсад қўйилиб, унга қандай эришиш йўли изланади. Бундай прогнозлаштириш қуйидаги саволга жавоб беради: "Муайян мақсадга эришиш ёки қабул қилинган қарорни бажариш учун нима қилиш керак?" Норматив прогнозлаштиришнинг предмети субъектив омиллардир (ғоялар, фаразлар, тахминлар, ниятлар, мўлжаллар, ахлоқий нормалар, ижтимоий мақсадлар ва шу кабилар). Тарихдан маълумки, улар амал қилаётган жараёнлар характериини ўзгартириш, сифат жиҳатдан янги реалликнинг вужудга келишида жуда катта аҳамиятга эга. Бунда мавжуд ҳодисага тааллуқли қандай тенденциялар оптимал ўзгартирилса кутилган натижага олиб келиши мумкинлиги айтилади.

Норматив прогнозлаштириш экстраполяцияга, яъни нарса ва ҳодисаларнинг бир қисмини кузатиш асосида олинган хулосаларни унинг бошқа қисмига ҳам тааллуқли деб ҳисоблаш ва уларга ҳам татбиқ этишга асосланган ёндошувнинг принципиал жиҳатдан етарли эмаслигининг ва инсоният жамияти фаолиятида мақсадларнинг ўрни ва аҳамиятининг тан олинishi сифатида қабул қилинди. Ҳозирги пайтда бу соҳа мутахассислари келажакни кидирувчи прогнозлаштириш норматив прогнозлаштириш билан тўлдирилиши керак, деган фикрларни айтмоқдалар. Ана шундагина "инсон одамлар энергиясини назорат қилиш ва уни йўналтиришга қодир бўлган қудратли воситани яратиши ва тарихнинг ривожланишига таъсир қилиши"¹² мумкин, дейди таниқли олим Р.Юнг.

Прогнозлаштириш вужудга келиши мумкин бўлган келажак ҳақида тасаввурларни ишлаб чиқиш бўлиб, альтернатив имкониятларнинг эҳтимоли қандайлигини аниқлайди ҳамда уларга эришиш йўллариини излайди. Унинг асосида режа ишлаб чиқилади. Режада қўйилган мақсадларга эришиш йўлида бажариш кўзда тутилган у ёки бу ишлар кўрсатилади. Режа ёрдамида программа ишлаб чиқилади. Программада режани бажариш учун зарур

¹¹ Қаранг: Кузнецов Г.А. Экология и будущее. М., МГУ, 1988, 18-бет.

¹² Қаранг: Э. Янч. Прогнозирование научно-технического прогресса. М., 1974.

бўлган ресурслар ва уларни муайян фаолият турлари ўртасида тақсимлаш усуллари кўрсатилади. Шунингдек қабул қилинган қарорни бажариш юклатилган конкрет ташкилот, муассаса ёки киши ҳам кўрсатилади. Қабул қилинган программаларнинг бажарилиш даражаси назорат орқали баҳоланиб борилади ва у реал ҳолатнинг қандайлигини кўрсатади.

Прогноз ва режа келажак ҳақидаги информация билан иш кўриш усулига кўра бир-биридан фарқланади: мумкин бўлган ёки мақбул бўлган келажакнинг эҳтимолий (тахминий) ифодаси – прогноз бўлади; мумкин бўлган ёки мақбул бўлган ҳолатга эришиш тадбирларига оид директив (яъни, йўл-йўриқлар, кўрсатмалар, буйруқлар шаклидаги) қарорлар – режа бўлади. Режа ва прогноз бир-биридан мустақил ишлаб чиқилиши мумкин. Аммо режанинг самарали, оптимал бўлиши учун ундан олдин прогноз ишлаб чиқилиши керак, унинг узлуксиз бўлиши режаларнинг илмий асосланганлигини оширади.

Бундан ташқари прогнозлар катта икки гуруҳга ажратилади. Биринчи гуруҳга табиатшунослик фанлари билан боғланган прогноз турлари кирганлиги сабабли уларни кўпинча **табиатшуносликка оид прогнозлар** дейилади. Бунга қуйидагиларни мисол тариқасида кўрсатиш мумкин:

1. метеорологик (об-ҳаво, ҳаво оқимлари ва бошқа атмосфера ҳодисалари);
2. гидрологик (денгиз тўлқинлари, сув оқими, тошқинлар, цунами, бўронлар, акваториянинг музлаши ва эриши ва бошқа гидросфера ҳодисалари);
3. геологик (фойдали қазилмаларнинг жойлашуви, zilзилалар, вулқонлар ва бошқа литосфера ҳодисалари);
4. биологик (ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига оид ҳосил даражаси, касалланиш ва бошқа ҳодисалар);
5. медико-биологик (одамнинг касалликлари ва ҳ.к.);
6. илмий-техник (механизм ва машиналар, электрон аппаратлар ва умуман техника соҳасига тааллуқли технологик ва инженерлик ечимлари);
7. космологик (осмон jismlарининг ҳаракатланиши, космосдаги газлар, нурланишлар ва ҳ.к.);
8. микродунёдаги физик-химик жараёнлар ҳақидаги прогнозлар.

Иккинчи гуруҳ прогнозлар ижтимоий прогноزلар деб аталади ва улар асосан ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги ҳодисаларга боғлангандир. Уларга мисол тариқасида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. илмий-техник (илм-фаннинг тараққиёт йўналишлари, муассасалар ва кадрлар, уларнинг саноат, қурилиш, хизмат кўрсатиш, иқтисодиёт, шаҳар ва қишлоқ ҳаётидаги ҳолати, транспорт, соғлиқни сақлаш, ахборотлаштириш ва бошқалардаги хусусиятлари);
2. ижтимоий-тиббий (соғлиқни сақлаш, шу жумладан jisмоний тарбия ва спорт);
3. ижтимоий-географик (ер сиртини, шу жумладан дунё океанини, ўзлаштириш);
4. ижтимоий-экологик (жамиyat ва табиат муносабатларида мувозанатни сақлаш ва унинг бузилиши);
5. ижтимоий-космик (космосни забт этишининг келажаси);
6. иқтисодий (халқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг турли соҳалари тараққиёти);
7. психологик (шахс, унинг ҳатти-ҳаракати, фаолияти ва шу кабилар);
8. демографик (аҳолининг кўчиши, жинс ва ёш таркиби, кўпайиши ва шу кабилар);
9. филолого-этнографик (тилнинг, ёзувнинг, номларнинг, миллий анъаналар, одатларнинг ривож);
10. маданият ва таълимга оид (уларнинг моддий базаси, муассасалари, кадрлари, техник таъминоти ва ҳ.к.);
11. сиёсий, шу жумладан ички сиёсат ёки ташқи сиёсатга оид;
12. ҳарбий масалаларга оид ва шу кабилар.

Албатта уларнинг бир-бирига яқин йўналишларини ўзаро бирлаштириб, бошқа номда ҳам аташ мумкин. Бу ерда номланиш шартли бўлиб, уларни гуруҳлаштириш ҳақида бошқача фикрлар бўлиши мумкин ва табиий.

Ижтимоий прогнозлар кўпинча ўз ичига табиий ёки техник ҳодисалар прогнозларини қамраб олади. Шунга эътибор бериш керакки, масалан, об-ҳаво ёки ҳосилдорлик ҳақидаги прогнозлар турли ижтимоий шароитларда ҳам бир хилдадир. Аммо кишлоқ хўжалигининг ривожланиши ҳақидаги прогнозларни эса (об-ҳаво ва ҳосилдорлик прогнозларини ўз ичига олган ҳолда) жамиятнинг ижтимоий тузилиши характери билан боғлиқликда кўриш талаб қилинади.

Эслатиб ўтилганидек прогнозларни бир қанча белгиларга кўра гуруҳларга бўлиш мумкин. Масалан, уларнинг қанча вақтга мўлжалланганига қараб, яъни қанча вақтни ўз ичига олишига қараб кундалиқ, қисқа муддатли, ўртача муддатли, узоқ муддатли ва жуда узоқ муддатли прогнозларга ажратиш мумкин.

1. *кунлик, ҳафталик, ойлик – соатга, кунга, ҳафта ёки ойга мўлжалланган бўлади;*
2. *қисқа муддатли – одатда бир йилга мўлжалланади, аммо 1 йилдан 5 йилгача, яъни беш йиллик ёки 2-3 йилликка мўлжалланган бўлиши ҳам мумкин;*
3. *ўртача муддатли – 5 10 йиллик;*
4. *узоқ муддатли – одатда 10 – 15 йиллик, баъзи соҳаларда эса – 50 – 100 йиллик;*
5. *жуда узоқ муддатли – узоқ муддатлидан ортиқроқ.*

Реал ҳаётда биз динамик, яъни доимий ўзгаришда бўлган ва кетма-кет юз берувчи ҳолатларга дуч келамиз. Бунда ҳодиса элементларининг ўзаро таъсири натижасида унинг ҳақиқатда қандай ривожланиши тўғрисида амалда олдиндан бир нарса дейиш жуда мушкул. Шунинг учун маълум бўлган янги маълумотлар қутилаётган ҳолатни янада аниқлаштириш мақсадида доимо ҳисобга олиниши, демак прогнозлар доимо янгиланиб туриши керак. Бу эса ўз навбатида режанинг ҳам, программанинг ҳам, умуман олганда прогнозлаштиришдаги барча босқичларнинг доимий ўзгартириб турилишини талаб қилади. Буларнинг барчаси системали, узлуксиз прогнозлаштириш хизматини ташкил этиш заруриятини туғдиради. Шу маънода системалилик ва узлуксизлик "илмий прогнозлаштириш"нинг муҳим ўзига хос хусусиятларини ташкил қилади.

2. *Инсониятнинг келажаги тўғрисидаги оптимистик ва пессимистик баъзоратлар, уларнинг далилий асослари*

Ҳозирги пайтда инсоният кўп жихатдан ўз-ўзига яна бир бор назар ташлаб, ўзининг кимлигини кашф этмоқда, десак хато қилмаган бўламиз. Бунда у қувончга тўла хайрат ва завқланишдан кўра кўпроқ аччиқ таассуф ҳиссини туймоқда... Инсон – табиат ва тарихнинг энг ажойиб, ягона ва қайтарилмас муъжизаси, унинг келажаги ҳам бепоеъ ва ажойибдир, дейишади бир хил мутафаккирлар. Инсон – табиатнинг хатоси, унинг сон-саноксиз камчиликларга эга бўлган бахтсиз мевасидир, шунинг учун унинг келажаги йўқ, у ҳалокатга маҳкум, дейишади бошқа мутафаккирлар. Уларнинг қайси бирлари ҳақ? Қайси бирлари ноҳақ? Эҳтимол, биринчиси ҳам, иккинчиси ҳам ҳақ эмасдир, бу борада қандайдир бошқа, ўзида биринчи ва иккинчи ёндошувларни бир-бири билан қўша оладиган учинчи йўл бордир?

Инсоният томонидан босиб ўтилган минглаб йиллар мобайнида юқоридаги каби саволларга жавоб истаб, ўз-ўзини англаш, ўзининг нима мақсадда яратилганини, тақдирини англаш учун сон-саноксиз афсоналар, диний таълимотлар, фалсафий ғоялар, илмий қарашлар, ҳаёлий ва антиҳаёлий фикрлар яратилди. Дард-алам билан босиб ўтилган минг йилликлар мобайнида яратилган ҳаёлийлик ва афсоналар ўрнини асосли илмий қарашлар ола бошлади.

Шу билан бирга илмий-фантастик адабиёт, кино, телевидение орқали кишилар диққатига нафислаштирилган ҳолда албатта бўладиган, қатъий оқибат ҳисобланувчи инсоният келажагини ҳалокатдан иборат қилибгина кўрсатувчи манзаралар ҳавола қилинмоқда. Уларнинг сабаби кўпинча кибернетиклаштирилган, ген инженерияси натижасида олинган авлодларнинг назоратдан чиқиб кетиши, уларнинг илмий-техник кашфиётлардан фойдаланиши натижаси деб талқин қилинмоқда ва уларда келажак аянчли воқелик бўлади деган умидсизлик оҳанги устун. Бундай эсхатологик (яъни, охир замон

ҳақидаги қарашлар) фикрларда диний ғоялардан фарқли ўлароқ, келажакнинг яхши бўлишига умид қолдирилмайди, балки улар ўтмишда бўлган деган фикр уқтирилади.

Инсоният ҳозирги кунда ҳақиқатан ҳам кўплаб ечилмаган муаммоларга дуч келиб турибди. Уларнинг қандай ҳал қилиниши унинг келажаги қандай бўлишини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Буларга оламшумул муаммолар мисол бўлади. Уларнинг мазмуни билан келгуси дарсларимизда танишиб чиқамиз.

Умуман олганда ечими топилмаган муаммолар инсоният олдига, айниқса олим ва тадқиқотчилар олдига уларни "мавжуд кийим-кечаклардан", яъни ниқоблардан тозалаш, инсоният олдига ҳақиқатан ҳам жиддий, кескин вазият вужудга келгани ва унинг ечими келажакнинг қандай бўлишини тушунтириб бериш, уларнинг оптимал ечимини топиш ва уни амалга ошириш вазифаларини қўйган.

Ҳозирги пайтда дунёнинг аксарият мамлакатларидаги тараққиёт демографик, озиқ-овқат, энергия ва хом ашё билан таъминланиш, уруш ва тинчлик муаммоларининг қай даражада ҳал этилиши билан кўп даражада боғлиқлиги тобора англаб борилмоқда. Шунинг учун ана шу муаммоларга қаратилган прогнозлар ҳозирги пайтда кўпчиликни ташкил этади. Уларни ҳал этишнинг истиқболларининг ижобий ёки салбий ечимига қараб ана шу прогнозларни оптимистик ёки пессимистик руҳдаги прогноزلарга ажратиш мумкин. Яқин-яқинларгача собиқ Иттифоқ илмий тадқиқотларида капиталистик мамлакатларда яратилган прогнозларни пессимистик, аксинча, социалистик мамлакатлар олимлари томонидан ишлаб чиқилган прогнозларни эса оптимистик прогнозлар деб аташ расм бўлган эди. Ҳозирги пайтда прогнозларни бундай сунъий усулда гуруҳлаштиришга барҳам берилди ва уларнинг мазмуни, муаммоларнинг қай даражада объектив таҳлил этилганлиги ҳамда уларнинг ечими қанчалик илмий асосланганлигига эътибор берилди бошланди. Тарихга мурожаат қиладиган бўлсак, оптимистик прогнозлар қаторига инсониятнинг ёруғ келажagini чизиб берган кўплаб утопистик характердаги назарияларни кўрсатишимиз мумкин: ёрқин истиқболни кўрсатган Абу Наср Форобий, Т.Мор, Т.Кампанелларнинг қарашлари, социалистик келажак ҳақидаги француз утопик социалистларининг фикрлари, коммунистик истиқболни нафақат фарз қилган, балки уни қуришнинг амалиётини ҳам синаб кўрган марксча-ленинча ғояларни оптимистик руҳдаги прогнозлар сифатида қараш мумкин. Пессимистик прогнозларга эса инсониятнинг демографик ривожланиши ва уларни моддий таъминлашнинг боғлиқлигини геометрик ва арифметик прогрессиялар нисбати сифатида қараган Томас Роберт Мальтус ғоясини ва шу каби келажакни ҳалокат сари интилиш деб ҳисобловчи ва таназзул сифатида қарашларни мисол сифатида кўрсатиш мумкин. Кўриниб турибдики, оптимистик ёки пессимистик характер уларнинг ҳаётда ҳам худди шундай бўлишига тўлиқ қанолат бера олмайди. Файласуфлар айтганидек, барча нарсани амалий ҳаёт ҳал қилади, амалиётнинг ўзи уларни жой-жойига қўяди.

XX асрнинг 70-80 йилларидан бошлаб, яъни бир-бирига қарама қарши социалистик ва капиталистик тузумларнинг ҳаёт талаблари натижасида бир-бирига кўр-кўрона қарама-қарши чиқишларининг ўрнига мавжуд ва эҳтимол тутилган муаммоларни таҳлил қилиш, имкон қадар уларнинг ғоявий асосларини бир-бирига зид қўймасдан ечишга интилиш даври бошланди. Ғарбда келажакни олдиндан кўришга қаратилган кўплаб илмий марказлар, уюшмалар, масалан, "Инсоният 2000 йилда" халқаро илмий маркази, Рим клуби ва шу кабиларнинг ишлари натижасида кўплаб мамлакатлар сиёсий қатламлари, алоҳида мамлакатлар ва минтақавий ташкилотлар, БМТнинг халқаро органлари фаолиятида оламшумул муаммолар ва келажак масаласига эътибор кучайди. Агар "Рим клубига ҳисоботлар" деб аталмиш дастлабки илмий прогнозларда (масалан Ж.Форрестернинг "Дунёвий динамика" китобида) илмий-техник тараққиёт, ишлаб чиқариш, аҳолининг ўсиши ва шу кабиларнинг мавжуд даражада сақлаб қолиниши оламшумул муаммолар ечимининг калити сифатида қаралган бўлса, кейинги ҳисоботларда (масалан, М.Месарович ва Э.Пестелнинг "Инсоният бурилиш нуқтасида" китобида, Э.Ласло илмий жамоаси ва Д.Габор ҳамжамоасининг ҳисоботларида) илмий-технологик томонга берилган эътибор аста-секинлик билан жамиятдаги ижтимоий-ахлоқий, алоҳида индивидлар ва ижтимоий

омилларнинг ролини ҳисобга олишнинг муҳимлигини тан олишга томон ўзгарди. Бу ўзгариш Рим клуби Президенти А.Печчеининг 1980 йилда Системавий таҳлил халқаро институтида ўқиган маърузасида айниқса яққол кўзга ташланади. Бунда у келажакни оламшумул муаммолар аспектида кўришга ҳаракат қилади ва унинг ечимини минтақавий ва глобал даражаларда қабул қилинажак қарорлар, умуман дунёни бошқаришга кишиларнинг ўз-ўзларини бошқариш нуқтаи назаридан қарашни таклиф қилади. Бунинг учун, дейди у, энг аввало реал дунёда мавжуд ҳолатга мос равишда яшашга ўрганиш талаб этилади, боз устига келажак авлодлар ва мавжуд ҳаётнинг бошқа кўринишлари олдидаги мажбуриятларимизни бажаришимиз, ўз имкониятларимизни ривожлантиришимиз лозим. Шунинг учун, деб хулоса қилади Печчеи, оламшумул муаммоларга инсоний нуқтаи назардан қараш, унинг илм-фан, энергетика ва бошқалар ёрдамида нималар қила олиши мумкинлиги нуқтаи назаридан қараш керак.

Бундай хулосага Печчеи ҳозирги пайтда инсоният ўз тараққиётида ҳали энг юксакликка чиққани йўқ, унинг ижодий имкониятларидан ҳалигача тўлиқ фойдаланилмаяпти, деган ишончга таянган ҳолда келган. Шунинг учун Рим клубига қилинган ҳисоботлардан бири "Таълимнинг чегараси йўқ" деб аталса, бошқаси "Инсоний форум" лойиҳаси деб аталган.

Кўпгина ғояларда инсоният келажаги тафаккури, ақл-идроки жиҳатдан танланган алоҳида кишилар фаолиятига боғлиқлиги кўрсатилади. Масалан, америкалик социолог Д.Белл "Капитализмнинг маданий зиддиятлари" китобида бўлажак жамият, яъни "постиндустриал жамият" кишиларнинг мулкӣ муносабатларига эмас, балки уларнинг билими ва ихтисосликларига кўра характерланади. З.Бжезинскийнинг "Икки аср ораси" китобида "постиндустриал жамият" техника ва электроника, айниқса ҳисоблаш техникасининг таъсири остида "технотрон жамият"га айланиб боради, деган фикр асосийдир. Улар учун асосий куч "илм-фан элитаси"дир. Бироқ, мазкур ғоя танқидчилари асосли равишда таъкидлаганларидек, "олимлар ва билимли кишилар зарур, ... аммо улар ҳеч бир жамиятда бошқарув позицияларини эгалламайдилар, улар фақатгина иқтисодий ва сиёсий элитага хизмат қиладилар, холос".

Мазкур қарашлар илмий-техник тараққиётнинг ривожига барча муаммоларни ечишнинг калити сифатида қарайдилар. "Технократик оптимизм" тарафдорлари келажакда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий масалалар ечимида анъанавий ҳатти-ҳаракат ўрнига, илмий ва техник билимлар ролининг ошишини, маданиятда истеъмолчиликнинг кучайишини, элита ва мутахассислар аҳамиятининг кучайишини, бутун дунё микёсида индустриаллаштириш, таълим ва оммавий билимлилар аҳамиятининг кучайиб боришини кўрсатадилар. Ҳозирги кунда мамлакатлари тақдирини ўз қўлларига олган кўпгина мамлакатларда мазкур йўналишдаги лойиҳаларга эътиборнинг кучайиб бораётганини илғаш қийин эмас. Аммо бу ҳам мазкур муаммога бир томонлама ёндошишдир. Чунки фақатгина илм-фан ва унга тааллуқли томонларнинг ўзи билангина жамиятнинг барча соҳаларини ўзгартириш, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий муаммоларни ечиш кифоя қилмайди.

Технократик оптимизмга қарши фикрлар турли кўринишлардаги антропологик йўналишларда ўз ифодасини топомқда.

3. *Халқлар ва давлатлар ўртасида интеграция жараёни ва ўзаро ҳамкорликнинг кучайиши. Ягона халқаро норма, қоида ва стандартларга ўтишнинг объектив зарурлиги*

Инсоният тарихининг илк даврларидан бошлаб дастлаб бир ҳудудда ёки бир-бирига яқин ҳудудларда истиқомат қилувчи кишилар, уруғлар, қабилалар, кейинчалик эса, давлатлар ўртасида ўзаро алоқалар йўлга қўйилган. Минглаб йиллар мобайнидаги ана шундай муносабатлар ва алоқалар туфайли кишилар бир-бирларининг ҳаёт тарзларига, дунёқарашига ва маданиятларига озми-кўпми таъсир кўрсатиб келганлар ва бу жараён ҳозирги кунларда ҳам фаол давом этмоқда. Улар ўртасидаги халқаро муносабатлар баъзан ижобий аҳамият касб этган бўлса, баъзан, аксинча, салбий характерга эга бўлган. Нима бўлганда ҳам,

ҳозирги пайтда дунёда бошқалардан ажралиб қолган ва фақат ўзига хос ҳаёт кечираётган "робинзонлар" фақат ғавқулдда вазиятлардагина бўлиши мумкин. Дунёдаги барча одамлар, халқлар ва мамлакатлар кўзга кўринмас минглаб иплар орқали бир-бири билан боғланиб кетган, бу иплардан фақатгина ҳаёлан, тафаккуримизда "халос бўлишимиз" мумкин.

Айниқса ҳозирги пайтда, инсониятнинг XXI аср бошидаги реалликда дунёдаги барча давлатларнинг ҳолати бошқа давлатларнинг ҳолатига албатта таъсир қилиб туради. Дунёнинг икки қарама-қарши лагерга бўлинишининг тугаллангани, унинг кўп қутбли бўлиб қолганлиги ҳам кўпгина, айниқса ривожланган давлатларнинг ўзаро муносабатларда баъзан ўзларининг қандайдир мақсадларидан воз кечишини, умумдунёвий манфаатлар йўлида кўпчилик мамлакатларни қониқтирадиган мақсадларни қабул қилишини тақазо қилиб қўймоқда.

Дунёда маданият, билим, иқтисодиёт, сиёсат, ахлоқ ва шу кабиларнинг умумий даражаси ўсиши, уларнинг кўпчиликка тегишли бўла бориши билан бир қаторда ана шу соҳалар "маҳсулотларининг" барча учун тушунарлилигини, улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, таъбир жоиз бўлса, уларни ҳаммани "бирдек қониқтирадиган" қилиш учун халқаро стандартлар (қолиплар), қоидалар, нормаларга ўтиш заруриятини ижтимоий ривожланишнинг табиий оқибати сифатида тушуниш керак. Образли шаклда бундан қуйидагича тасаввур қилиш мумкин: инсон ким бўлмасин ва қаерда бўлмасин, ўзининг барча эҳтиёжларини ҳеч бир қийинчиликсиз амалга ошириши керак. Бунда у қийим-кечак, озиқ-овқатдан тортиб яшаш учун зарур бошқа ҳар қандай эҳтиёжларини ҳамма жойда деярли бир хил даражада қондириши лозим. Яъни унинг эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган нарсалар, воситалар қаерда, қандай мамлакатда ишлаб чиқарилиши, ким ёки қачон унга хизмат кўрсатилишидан қатъий назар – булар ва шунга ўхшаш хизматлар, товарлар ягона халқаро қолипларда бўлиши, бу йўналишда ягона қоидалар, нормалар амал қилиши керак. Айтиш мумкин бўлса, инсон ҳамма нарсанинг марказига қўйилиши, барча нарса инсон ва унинг оқилона манфаатларига хизмат қилиши керак.

Бу йўналишда кўпгина ишлар амалга оширилган ва амалга оширилмоқда. Мисол тариқасида биз товарлар, маҳсулотлар, хизматлар, хуллас, инсон эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган ўзига хос "таклифлар"нинг сифатига нисбатан қўлланилаётган халқаро стандартлар ишлаб чиқиш борасидаги баъзи масалаларнинг амалиётига эътибор қаратмоқчимиз.

Ҳозирги пайтда кўплаб ишлатиладиган "сертификат", "сертификатлаштириш" ва "мослик белгиси" каби тушунчалар мамлакатимиз ва фуқароларимиз ҳаётига бозор иқтисодиёти жараёнлари билан бирга кириб келди. Бу тушунчалар жуда яқин бўлиб турли-туман фаолият турларида – профессионал ўсишдан тортиб тадбиркорлик жараёнларигача амал қилади. Бу аслида мураккаб жараён бўлиб инсон олган муайян ихтисослик кафолати сифатида ҳам, маҳсулотлар ва хизматлар сифатини ошириш механизми сифатида ҳам, қонуний ўрнатилган норма сифатида ҳам амал қилади ҳамда унинг бажарилмаслиги ёки бузилиши нохуш оқибатларга олиб келади.

Ўтмишда маҳсулотнинг сифатини устанинг тамғаси, савдогарнинг муҳри ёки маҳсулот ишлаб чиқарган фабрика эгасининг исми шарифи билан тасдиқланган. Саноат ишлаб чиқаришининг ривож ва савдо алоқаларининг ўсиши билан бир хил эҳтиёжни қоплашга йўналтирилган турли ишлаб чиқарувчилар томонидан таклиф этилган, аммо сифати турлича бўлган бир хил товар ёки маҳсулотлар кўпайиб кетди. Бундай ҳолатда маҳсулот ёки товарлар инсон соғлиғи учун хавфли ҳам бўлиши мумкин. Сертификатлаштиришнинг вазифаларидан бири ҳам таклиф этилаётган товарлар, маҳсулотлар ва хизматларнинг хавфсиз эканлигини тасдиқлашдан иборат. Бундан ташқари сертификатлаштириш уларнинг муайян намунага мослигининг тасдиғи ҳам ҳисобланади.

Сертификатлашнинг ҳозирги замонавий тизимига XX асрнинг 30-йилларида асос солинган, ушбу тушунчанинг таърифи эса 1982 йилда Стандартлаш бўйича Халқаро ташкилот (ICO) томонидан берилган. Мазкур тушунчанинг 1996 йил ICO томонидан кирилган ўзгартиришдан кейинги таърифи қуйидаги кўринишдадир: **"ишлаб чиқариш**

фаолияти натижаси, товар, хизматларнинг норматив талабларга мослигини тасдиқлаш процедураси бўлиб, унинг воситасида учинчи томон маҳсулот, жараён ёки хизматларнинг ушбу талабларга мос келишини ҳужжат билан тасдиқлайди". "Учинчи томон" деганда мос келиш ёки келмаслик ҳақида ҳулоса берувчи мустақил ваколатли ташкилот (масалан, тадқиқот лабораторияси) кўзда тутилади. Ўз ваколати ва объективлигини тасдиқлаш учун мазкур ташкилот аккредитациядан ўтиши керак, яъни конкрет текшириш турларини амалга ошириш бўйича ўзи эга бўлган имкониятларнинг расмий тасдиғини олиши керак. Бунда "биринчи томон" – маҳсулот, товар ёки хизматлар ишлаб чиқарувчи, тақлиф этувчи томон, "иккинчи томон" эса харидор ёки истеъмолчидир.

Ўзбекистонда мазкур соҳадаги ишлар 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган "Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаш ҳақида"ги қонунга мувофиқ амалга оширилади. Сертификатлаш мажбурий ёки ихтиёрий бўлиши мумкин. Мажбурий равишда сертификатлаш талаб қилинувчи товарлар ва хизматлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Бундай рўйхат иккита: биттаси маҳаллий товарлар ва хизматлар учун, иккинчиси хориждан келтирилувчи товар ва хизматлар учун. Бошқа маҳсулот ва хизматлар учун норматив ҳужжатлар етарли. Норматив ҳужжатлар қаторига ГОСТлар, тармоқ стандартлари, техник шартлар стандартлари киради.

Ўзбекистонда МДХ давлатлари ва Туркия Республикаси сертификатларини тан олиш ҳақида шартномалар имзоланган. Кенг оммага тақлиф қилинаётган товар, маҳсулот ва хизматлар сифати ҳақида шубҳа туғилган тақдирда ҳар бир киши унинг мослик сертификатини талаб қилишга ҳақли ва сотувчилар бундай талабни албатта бажаришлари шарт.

Сертификатлашнинг реал фойда-зарари ҳақида қуйидаги мисолни келтириш мумкин: экспертлар фикрига кўра Россия Федерацияси машинасозлик маҳсулотларини экспорт қилишда маҳсулот жўнатувчилар чет элда тан олинган мослик сертификатларига эга бўлмаганлиги учунгина ҳар йили 30 фоиз фойдани йўқотадилар. Ҳозирги пайтда "ЎзДЭУавто" ўз маҳсулотларига ҳам, уларга бутловчи қисмлар тайёрловчилар маҳсулотларига ҳам ана шундай тизимни жорий қилиш арафасида турибди. "NOBAS TAPPO" қўшма корхонаси, "Ўзбекинвест" миллий страхования компанияси, "Давлат белгиси" корхонаси, "СамКочАвто" қўшма корхонаси, Навоий кон-металлургия комбинатининг заргарлик заводи, "Ўзбекхиммаш" заводи ва бошқаларнинг маҳсулот ва хизматлари ҳозирги кунда сертификатлашдан ўтказилган.

Мана шулардан ҳам кўриниб турибдики, ҳозирги кунда нафакат бизнинг мамлакатимиз, балки кўпчилик давлатлар олдида ўзаро бир-бирига яқинлашиш, фан ва ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида интеграциялашув долзарб аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда мустақиллик шарофати билан авиация саноати, автомобил транспорти, қурилиш саноати, алоқа тармоқлари, энергетика, кончилик, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда чет эл мамлакатлари билан фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жуда кўплаб қўшма корхоналар ташкил этилган ва буларни янада кўпайтириш сари дадил қадамлар қўйилмоқда. "Тошкент трактор заводи", "Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси", "ЎзДЭУ авто", "СамКочАвто" ва бошқа ўнлаб катта ва кичик корхоналар иқтисодиётнинг ўсишига самарали ҳисса қўшмоқда. Бундан ташқари халқ истеъмол моллари, озиқ-овқат, маиший хизмат соҳаларидаги кўплаб корхоналар ҳам халқимизнинг ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш, маҳсулотларни чет элларга экспорт қилиш ва шу билан мамлакатимизни халқаро соҳада ҳам намуна бўлишга хизмат қилмоқда.

Таълим ва фан соҳасида фаолият юритаётган кишилар ҳам бу соҳаларда дунёдаги илғор мамлакатлар илм-фан марказларида ўз билим ва малакаларини оширмоқдалар, мамлакатимизнинг салоҳиятини кўтариш ва уни илғор позицияларга чиқаришга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Соғлиқни сақлаш, қишлоқ хўжалиги, енгил саноат, маданият ва бошқа соҳалар хусусида ҳам шу каби фикрларни билдириш мумкин.

Таянч тушунча ва иборалар: келажак ҳақидаги прогнозлар; прогноз турлари; оптимистик ва пессимистик башиоратлар; технократик ва антитехнократик башиоратлар;

халқаро стандартларга ўтиш зарурияти; умумий сиёсий-иқтисодий макон; саноатлашган жамият; янги технология; ахборот-компьютер инқилоби.

Такрорлаш учун саволлар:

1. "Прогноз" ва "башорат" тушунчаларининг мазмунини тушунтиринг.
2. Илмий ва илмий бўлмаган прогнозлар ҳақида тушунча беринг.
3. Изланувчан ва норматив прогнозларнинг фарқи нимада?
4. Табиатшуносликка оид қандай прогнозларни биласиз?
5. Ижтимоий соҳага оид қандай прогнозлар мавжуд?
6. Прогнозлаштириш қамраб олиш вақтига кўра қандай турларга бўлинади?
7. "Рим клуби"га тақдим этилган турли прогнозлар ҳақида нималарни биласиз?
8. Ягона халқаро норма, қоида ва стандартларга ўтишнинг зарурати нимада?

15-мавзу. Замонамизнинг оламшумул муаммолари ва Ўзбекистоннинг келажаги.

1. Оламшумул муаммолар тушунчаси, уларнинг мазмуни, белгилар ва турлари

Инсоният тараққиётининг XX асрдаги ўзига хослиги шундаки, у кишилар ҳаёт кечиришининг турли соҳаларида жуда улкан муваффақиятларга эришди. Меҳнат қилишда асосий эътибор инсоннинг қўл кучи билан бажариладиган ишларнинг турли-туман машина ва механизмлар зиммасига юкланиши, транспорт соҳаларининг, айниқса, автомобил, темир йўл ва авиациянинг ривожланиши юз берди, алоқа, фан, технологиялар ва бошқа кўплаб соҳаларда мисли қўрилмаган муваффақиятларга эришилди.

Шу билан бирга айни XX асрда инсоният икки марта жаҳонни қамраб олган урушлар гирдобидида қолди. Уларда жуда катта, миллионларда ҳисобланувчи қурбонлар берилди. XX асрнинг 60 – 70 йилларида эса у яна мураккаб муаммолар – оламшумул деб тавсифланувчи муаммоларга дуч келди. Уларнинг вужудга келиши илмий-техника тараққиёти билан боғланган бўлиб, инсониятнинг табиий муҳитга таъсири, энергия билан таъминлаш, аҳоли сонининг тез суръатлар билан кўпайиши, моддий ресурслар билан таъминлаш кабиларни ўз ичига олади.

Шуни таъкидлаш керакки, олимлар орасида ҳалигача муаммоларнинг қайсиларини оламшумул деб аталувчилар гуруҳига киритиш борасида бир фикрга келинган эмас. Бунга ана шу муаммоларга турли нуқтаи назардан ёндошишлар ҳам сабаб бўлмоқда. Бунга сабаб бўлувчи қийинчиликлардан яна бири шундаки, бирор мамлакат учун атроф-муҳит муаммоси кескин бўлса, бошқаси учун аҳолини иш билан таъминлаш ва уларни боқиш масаласи муҳимроқ, учинчи давлатга эса энергия ва хом ашёнинг аниқ бирор тури билан таъминланиш масаласи бирламчи аҳамиятга эга ва ҳоказо.

Инсоният тарихи далолат берадики, жамият тараққиётининг турли давларида турли муаммолар унинг олдида долзарблик касб этиши мумкин, вақт ўтиши билан эса бир муаммонинг долзарблиги ўз ўрнини бошқасига, сўнгра учинчисига бўшатиб бериши мумкин. Тарих далолат беришича, қадимги римликлар Тибр сувларининг ифлосланганлигидан қайғуриб, чора қидира бошлаганлар. Эраמידан олдинги биринчи юз йилликда Лукреций «Нарсаларнинг табиати ҳақида» деган асарида ерни болани эмизадиган, боқадиган онага ўхшатади. Шарқнинг машҳур мутафаккирларидан бири Мохандис Ганди: "Ер ҳар бир кишининг очкўзлигини эмас, балки эҳтиёжини қондиради" деб айтган. У ер ҳосилдорлигининг ҳам чегараси борлиги, унга риоя қилиш зарурлигини уқтиради. «Авесто»да ҳам табиат билан инсон ўртасидаги мулоқотда мутаносибликка риоя қилиш ҳақида ажойиб фикрлар айтилади. Шу маънода турли илмий мактабларда оламшумул муаммолар турлича миқдорда талқин қилинади. Масалан, Г. Кан ва Ж.Фелпслар фикрича ҳозирги пайтда қаида 19 умумбашарий муаммо мавжуд бўлиб, улардан 9 таси асосий ҳисобланади.

XX асрнинг 60-70 йилларида мазкур муаммоларга инсоният эътиборини қаратган олимлардан Р. Хейлбронер, О. Тоффлер, П. ва А. Эрлихлар, Ж. Форрестер, Д. Медоузлар ўз

ишларида асосий глобал муаммолар сифатида планета аҳолиси миқдорининг кўпайиб кетиши, ресурсларнинг озайиши ва экологик муаммоларга эътибор қаратган бўлсалар, В. Леонтьев, М. Месарович, Э. Пестель ва бошқалар глобал муаммолар кўплигини таъкидлаганлари ҳолда, асосий хавфни ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий қолоқлигида кўрганлар. А. Печчеи, Э. Ласло каби социологлар эса асосий муаммо сифатида инсоннинг ўзгариб боровчи табиий ва ижтимоий муҳитга мослашуви масаласини кўрсатганлар.

Ҳозирги пайтда инсон ва жамиятнинг табиий муҳит билан муносабатлари, шунингдек ижтимоий муносабатлар соҳасидаги муаммоларни қуйидаги белгиларга кўра оламшумул муаммолар қаторига киритиш расм бўлган:

а) таъсир доирасига кўра ҳақиқатан ҳам умумпланета, умумжаҳон характериға эға бўлиб, барча халқлар, давлатлар ва давлатлар гуруҳларининг ҳаммаси учун ҳаётий аҳамиятға эға бўлса;

б) ечими топилмаган тақдирда бутун инсониятнинг, умуман барча цивилизацияларнинг мавжудлигига ҳалокатли таъсир қилса, энг камида ҳаёт кечириш ва ишлаб чиқариш кучлари тараққиётининг пасайишиға олиб келса;

в) кечиктирмасдан ечими топилишини талаб қилса;

г) ечими топилиши учун барча мамлакатларнинг, барча халқларнинг, бутун жаҳон ҳамжамятининг биргаликдаги саяй-ҳаракатларини талаб қилса.

Ҳозирги вақтда бутун инсониятни ташвишлантириб турган жаҳоншумул муаммоларға юқоридаги асослар бўйича назар ташланса асосан қуйидагилар қиради: а) инсониятни уруш хавфидан қутқариш; б) инсониятнинг ҳаддан ортиқ кўпайиб кетиши – демографик муаммо; в) ер юзидаги кўпгина мамлакатлар аҳолисини озик-овқат билан таъминлаш муаммоси; г) инсониятни хом ашё ва ресурслар билан таъминлаш муаммоси; д) инсоният жамияти ва уни қуршаб турган табиий муҳит ўртасидаги муносабатларда вужудға келган экологик муаммо; е) дунё океани ресурсларидан ва космосдан фойдаланиш муаммолари, ж) терроризм ва экстремизм хавфи муаммолари ва бошқалар.

1. Экологик муаммо. Инсоният цивилизацияси биосфера табиий-тарихий ривожланишининг қонуний натижаси бўлиб, унинг ҳозирги босқичида планетамиздаги барқарор экологик мувозанатни сақлаб қолиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, келажак авлодларға озод ва обод Ватанни қолдириш биз учун тақдирни белгиловчи муаммолар даражасига кўтарилди. Жаҳон соғлиқни сақлаш халқаро ташкилотининг ҳулосаларига кўра, долзарблиги жиҳатидан, табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси ядро уруши хавфини бартараф этиш билан бир тартибда турадиган энг муҳим вазифа, деб эътироф этилмоқда. Чунки, «Дунёда инсоннинг биологик тур сифатида яшашиға бевосита хавф-хатар мавжуд. Яъни, ялпи ядро уруши хавфи анча камайган бўлса ҳам, экологик танглик хавфи, биогенетик бузилишлар хавфи ҳамон тахликали ҳолатда сақланиб қолмоқда»¹³. Ҳақиқатдан ҳам, ҳозирги кунда, бир томондан, ядро қуролларига эға бўлган мамлакатларнинг ўзаро келишуви асосида «совуқ уруш» сиёсати аста-секин бартараф этилиб, планетар масшгабда, бу хавф-хатарнинг олдини олиш имкониятлари реаллашиб бориши билан, табиатни муҳофаза қилиш муаммоси олдинги ўринға чиқмоқда.

Умуман олганда мазкур муаммо янги эмас. Аммо у ҳозирги пайтдаги ишлаб чиқариш жараёнларининг тезлашуви боис янгича аҳамият касб этган. Агар у илгари асосан табиатнинг стихияли кучлари таъсирининг натижасида юз берган бўлса, ҳозир унинг моҳияти кундан кунға кучайиб ва кенгайиб бораётган инсон хўжалик фаолияти билан белгилаб берилмоқда.

Табиий муҳидаги энг асосий компонент бўлмиш кислороднинг аҳамияти бекиёсдир. Мутахасислар фикрича кислороднинг ярмидан кўпроғи қуруқликдаги ўсимликлар, қолгани эса сувдаги микроорганизмлар ва ўсимликлар томонидан ишлаб чиқарилади. Кейинги 500

¹³ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи мажлисидаги маърузаси. // Ватан саждаго □ каби мукаддасдир. т.3. -Т.: Ўзбекистон, 1996. 43-44 бетлар.

йилда инсон фаолияти натижасида ўрмонларнинг учдан икки қисми йўқолиб кетди. Уларнинг 40 фоизи сўнгги 100 йилда содир этилди. Бу жараён шу тарзда давом этадиган бўлса, 40-50 йилдан кейин тропик ўрмонлар йўқолиб кетади. Ўрмонлар эса кислород ишлаб чиқарувчи асосий манбалардан бири ҳисобланади. Уларнинг қисқариши муносабати билан ҳар йили кислород миқдори ҳам мутаносиб равишда йилига 10-12 млрд. тоннага камайиб бормоқда. Карбонат ангидрид миқдори эса ўрта асрларга нисбатан 10-12 фоизга ортди. Кислород умумий миқдорининг камайишига саноат ишлаб чиқариши, автомобил, ҳаво транспортидаги ички ёниш двигателларининг ишлаши ҳисобланади. Битта самолётнинг Европа ва Америка ўртасида қатнови натижасида ишлатадиган кислород миқдорининг 50-100 тонна эканлигини, уни ишлаб чиқариш учун 10 минг гектарлик ўрмон бир кун "ишлашини", ўрмонларнинг эса тобора қисқариб бораётганини тасаввур қилсак, бунинг қанчалик муҳимлигини тушунамиз.

Биосферанинг яна бир муҳим таркибий қисми сув ҳисобланади ва унинг инсон ҳаётидаги аҳамияти барчага аён. Ер юзида сув захиралари кўп бўлишига қарамасдан, уларнинг атиги 3 фоизигина чучук сувлардир. Унинг ҳам учдан икки қисми Арктика ва Антарктидадаги музликлар ҳолида турибди. Баъзи ҳисоб-китобларга кўра 2100 йилга бориб чучук сув захиралари ишлатиб бўлинади, 2230 йилга бориб планетанинг сув захиралари бутунлай тугайди.

Табиатнинг ифлосланиши шу даражага етдики, дарёлар, денгизлар, океанлар, ҳаво бассейни каби табиий тозаловчилар уларни тозалаб бера олмай қолмоқдалар. БМТ маълумотларига кўра 1970 йилда саноатнинг табиий муҳитни ифлослантирувчи чиқиндиларининг умумий ҳажми 40 млрд. тонна бўлган бўлса, XX аср ниҳоясида у 104-105 млрд. тоннага етди. Инсониятнинг салбий ҳўжалик фаолияти туфайли ҳозир қайта шўрланган ва ботқоқликка айланган, қайта қум босган, карьерлардан чиққан жинслар қоплаб ётган ерларнинг умумий майдони 4,5 млн. кв. км.га етган. Бу қуруқлик умумий майдонининг 3 фоизини ташкил этади. Ҳозир Ер юзидаги майдонларнинг 30 млн. кв. км. чўлга айланган бўлиб, улар қуруқлик умумий майдонининг 20 фоизи демакдир.

Илгари пайтларда муҳитнинг ифлосланиши локал характерда эди. Ҳозирги пайтда эса хавфли чиқитлар пайдо бўлган мамлакатдан жуда узоқда бўлган мамлакатлар аҳолиси ҳам унинг таъсирини бошидан кечирмоқдалар, яъни муҳит ифлосланиши чегара билмайди. Ифлосланишнинг глобал характер касб этиши билан бирга улар оқибатларининг экосферага – Ер юзида ҳаёт мавжудлигини таъминлаётган табиий жараёнлар тизимига – таъсири характери ҳам ўзгармоқда. Агарда шўшилиш чоралар кўрилмаса, ушбу оқибатлар иқлим, атмосфера ҳавосининг сифати, Ер юзидаги сув балансига ҳалокатли таъсир кўрсатади. Ҳозирнинг ўзидаёқ планетадаги яшил ўсимликлар билан қопланган майдонларнинг сезиларли даражада камайганлиги қайд этилмоқда. Бу жуда катта майдонлардаги ерларнинг эрозия таъсирига тушганлигида, кўплаб мамлакатларда саҳроларнинг кенгайиб унумдор ерларга бостириб киришида кўринмоқда. Инсон билан табиат мулоқоти пайтида инсон ўз эҳтиёжини ўйлаб, фақат эҳтиёжинигина эмас, балки очкўзлигини ҳам ўйлаб, табиатнинг ўзига хос биологик эҳтиёжлари борлигини унутиб қўйгани туфайли мазкур инкирозлар рўй бера бошлади.

Моддий неъматларни ишлаб чиқаришга бўлган эҳтиёжларнинг узлуксиз ўсиб бориши, табиатга "антропоген босимни" ошириб юборди, натижада биосфера экологик мувозанатига путур етмоқда. "Келажак ҳақида баҳс: Атроф муҳит" тўпламининг муаллифлари фикрича, ҳозирги кунга келиб, планетамизда ҳар йили 100 млрд. тонна фойдали қазилмалар қазиб олинмоқда, 800 млн. тонна турли металллар эритилмоқда, 60 млн. тонна сунъий материаллар синтез қилинаётир. Қишлоқ ҳўжалигида фойдаланилаётган 500 млн. тонна минерал маданий ўғитлар, 3 млн. тонна турли пестицидлар, захарли моддаларнинг учдан бир қисми сув хавзаларини, атмосфера ҳавосини булғатмоқда. Умуман, жаҳонда саноат ва бошқа соҳаларида ишлатилаётган 500 млрд. кубометр оқовалар сув хавзаларига йўналтирилиб, уларнинг дунё океанларидаги қаттиқ чўкмалари миқдори ҳар

йили 14,4 млрд. тоннани ташкил қилмоқда»¹⁴. Дунёда энергетика қувватларини ишлаб чиқариш ҳар 12 йилда, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш — 15 йилда 2 бараварга ошиб бориши билан XXI асрнинг дастлабки ўн йиллигидаёқ табиатга "индустриал босим"нинг 2,5 - 3 марта ошиши кутилмоқда.

Турли ёқилғиларни ишлатиш оқибатида атмосфера ҳавоси йилига 20 млрд. тоннадан кўпроқ углерод икки оксиди ва 700 млн. тоннадан ошиқроқ ишлаб чиқаришнинг буғ, газ, чанг чиқиндилари, асосан углерод оксидининг, "парник эффекти" натижасида, кейинги 60-70 йилда планета иқлимнинг ўзгариши, музликлар ва айсбергларни эритиб, дунё океанлари сув сатҳини йилига 1,5 мм. кўтариб, массасини 520-540 кубкилометрга оширмоқда. Агар ахвол шу тарзда давом этадиган бўлса, мутахассисларнинг ҳулосаларига кўра, келажакда океан сатҳи 68 метрга кўтарилиб, сув босиш ҳавфи бўлган жойларда қарийиб 1 млрд. кишини "экологик кўчишларга" гирифтор қилиши мумкин¹⁵. Ердан экологик мувозанат қонунларига амал қилмасдан пала-партиш фойдаланиш оқибатида, кейинги 100 йил давомида планетамизнинг 27 фоиз ер майдони маданий деҳқончилик учун яроқсиз ҳолга келган. Чунки, қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган унумдор тупроқ қатламининг ювилиб кетиши ёки шамол эрозияси туфайли кўчиши, ҳар гектар ҳисобига, ўртача 730 килограммни, ҳайдалиб деҳқончилик қилинадиган ерларда эса, 2 тоннани ташкил қилади. Ваҳоланки, 1 см гумусли тупроқ қатламининг йўқотилиши ҳосилдорликни 1 центнерга камайтиради. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бу ҳодисанинг олдини олиш билан 30 млн. кишини йил давомида боқиш учун етадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш мумкин¹⁶. Жаҳонда антропоген чўлларнинг пайдо бўлиш жараёни кучаймоқда. Планетамиздаги ҳар йили 50 минг квадрат километр ернинг чўлларга айланиш ҳодисаси шу даражада давом этса, XXI асрда 600-700 млн. кишининг (ер шари аҳолисининг еттитасидан бирининг) ҳаёти ҳавф остида қолиш эҳтимоллиги мавжуд. Ҳозирги кунда ер юзидаги 1 млрд. кишининг сурункали очликка маҳкум этилганлигини, уларнинг озиқ-овқат рационига 230 млрд. калория (37 млн. тонна ғалла) етишмаслигини ҳисобга оладиган бўлсак, ерларнинг экологик вазияти ёмонлашиб бораётганлигининг иқтисодий, сиёсий оқибатлари янада яққол намоён бўлади. Шунинг учун ҳам экологик барқарор тараққиётни таъминлаш вазифаси - инсоният ҳаёт даражасини оқилона ташкил қилишнинг шарт-шароитини яратиши билан - муҳим амалий аҳамиятга молик масаладир.

Экологик хато экологик инқироз томон кўйилган биринчи қадамдир. Экологик хатоликлар, тангликлар, инқирозлар асосида табиий-экологик қонунларни бузиш, уларни билмаслик, биосферанинг имконият чегаралари билан ҳисоблашмаслик ётади. Экологик инқироз деганда, фақат-атроф муҳитнинг ифлосланиши, турларнинг камайиб кетишигина тушунилмайди. Экологик инқироз деганда, экокомпонентлар орасидаги табиий боғланишларнинг бузилиши, ер усти ва ер ости бойликлари, табиат захираларининг камайиб бориши, экосистемаларнинг биологик маҳсулдорлигини пасайиши, иқлимнинг ўзгариши, сув, ҳаво, тупроқ сифатларининг салбий томонга ўзгариб кетиши ва техниканинг экологик асосланмаганлиги туфайли юзага келган экологик таҳдидлар тушунилади. «Экологик инқирознинг олдини олиш, - деб ёзади немис экологи Б.Грижимек, - унга қарши курашдан кўра доимо бир неча чандон арзонроқдир». Масалан, пахта яккахокимлигидан Ўзбекистонда олинган даромад (1960-1987йиллар), Орол денгизи ва унинг атрофидаги экологик инқирозни тугатишга кетадиган сарф-харажатдан кўра 7-10 баравар камдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида «Асрлар тугаш келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик ҳавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш - ўз-ўзини ўлимга

¹⁴ Каранг: Споры о будущем: Окружающая среда. М., Мысль, 1983.

¹⁵ Каранг: Будыко М.И. Климат в прошлом в будущем. М.: Гидрометеиздат, 1980; Будыко М.И., Бютнер Э.К., Винников К.Я. Атропогенные изменения глобального климата // "Метеорология и климатология", 1981, №8.

¹⁶ Каранг: Рябчиков А.М., Куракова Л.И. Природная среда: Состояние и проблемы. // В кн.: Споры о будущем: Окружающая среда. 16-б.

махжум этиш билан баробардир... Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтакавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган. Табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида мунособатда бўлади. Бу қонуниятларни бузиш ўнглаб бўлмас экологик фалокатларга олиб келади»¹⁷, деб кўрсатган эди.

Ўзбекистоннинг дастлаб чор Россияси, кейинчалик «қизил империя» мустамлакаси бўлиб қолиши минтақадаги экологик вазиятнинг кескинлашишида муҳим сиёсий омил бўлди. Хусусан, мустамлакачилик, тоталитаризм, субъективизм, волюнтаризм, маъмурий буйруқбозликка асосланган марказлашган давлат сиёсатига кўра, республикамизни қишлоқ хўжалиги, асосан техника экинлари ҳам ашё базасига айлантирилиши - экологик зиддиятларининг кучайишига олиб келди.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун табиатни эксплуатация қилиш тадбирлари "капитализм босқичини четлаб ўтган", "қолоқ" ўлкаларни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий ривожлантириш учун кўрсатилган ғамхўрлик намунаси", деб баҳоланди. Айниқса, Ўзбекистон мустақилликка эришгунча бўлган даврнинг кейинги 10-15 йил ичида суғориб деҳқончилик қилинадиган янги ер майдонларининг интенсив ўзлаштирилиши "экологик қашшоқлик" даражасини ғоят ошириб юборди.

1975-1990 йиллар мобайнида республика деҳқончилигида фойдаланилган ер фонди 1,4 мартага ўсди, лекин ҳар 100 гектар ердан олинadиган ялпи маҳсулот ҳажми, яъни меҳнат унумдорлиги 1975 йил даражасида қолиб кетгани ҳолда, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 1990 йилда 1980 йилга нисбатан 14,8 фоизга қисқариб, 632 сўмдан 542 сўмга тушиб кетди»¹⁸.

Иқтисодий эҳтиёжлар ва манфаатларнинг мутлақлаштирилиши, табиатни эксплуатация қилиш, экологик беқарор вазиятни вужудга келтирди. Ўзбекистон ҳудудида 1,0 млн. гектар ер майдонининг шўрланиш жараёни кучайди. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Сирдарё вилоятларида 90-95, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида 60-70 фоиз ер майдони кучли шўрланиш даражасига етди. Республиканинг аграр соҳасида хўжалик юритишидаги "пахта якка ҳокимлиги" 1986 йилга келиб, суғориб деҳқончилик қилинадиган ернинг 73,4 фоизини ташкил қилди. (Жаҳон илмий жамоатчилиги, етакчи мутахассислар ҳулосаларига, тажрибаларига кўра, бу кўрсаткич 50,0 фоиздан ошса, ер қашшоқланиб, ҳосилдорликке скин камайиши, кейинчалик эса, унинг маданий деҳқончилик учун яроқсиз ҳолга келиши исботланган). Натижада, Ўзбекистонда ерларнинг гумус миқдори 0,4-1,0 фоизга тушиб қолди.

Ўзбекистонда суғориладиган ер майдонларининг кенгайтирилиши, муқаррар равишда, биосфера мувозанатида сув ресурслари балансидаги ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. ҳозирги кунда республика халқ хўжалигида сув ресурсларидан фойдаланиш эҳтиёжи 61-65 кубкилометрни ташкил қилади. Шундан 85 фоизи — қишлоқ хўжалигида, 12 фоизи — саноатда, 3 фоизи — коммунал хўжаликда фойдаланишга сарфланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, Орол денгизи сув захираларининг кескин камайиши билан боғлиқ ижтимоий, иқтисодий, экологик зиддиятларни кучайтириб, оролбўйи ҳудудида барқарор тараққиётни издан чиқармоқда.

1932-1960 йилларда Амударё ва Сирдарёдан Орол денгизига тахминан 50 куб км. сув оқиб келарди. Кейинчалик дарёлар сувининг камайиши оқибатида Орол денгизида сув ҳажми кескин пасая бошлади, яъни Орол денгизига етиб келаётган сув миқдори 1970 йилда 35,2 км. куб, 1980 йилда 10 км. куб, 1983 йилда 3,25 км. кубни ташкил қилган бўлса, 1986 йилдан бошлаб Амударё ва Сирдарё сувлари денгизга деярли етиб келмаяпти.

Денгизнинг умумий ҳажми 65%га камайди. Сувнинг шўрлиги 3 марта ортди, унинг қуриган майдони 26 минг кв. км. ҳудудни эгаллаган бўлиб, чанг ва туз манбаи ҳисобланади. Ундан шамол билан йилига 70 млн. тонна туз ва чанг ҳавога кўтарилади. Умуман олганда,

¹⁷ 1.И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таъдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.: Ўзбекистон,1997. 112-113 бетлар.

¹⁸ Каранг: Охрана окружающей среды и использование природных ресурсов Узбекистана. -Т.: Ўқитувчи, 1993, 14-б.

Орол денгизининг туби туз йиғиладиган йирик манба бўлиб, табиий атроф муҳитга салбий таъсир кўрсатмоқда. Натижада, денгиз ва унинг атрофида жонли мавжудотлар ҳалок бўлмоқда, иқлим шароитлари 100-150 км радиусда кескин ўзгармоқда. Хорижий экологик хариталарда бу ҳудуд «ўлим учбурчаги» ёки «Тинч Чернобиль» деб аталмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизими вакиллариининг маълумотларига кўра, оғир экологик вазият ота-оналар организмига салбий таъсир кўрсатиши натижасида 89% болалар турли ирсий касалликлар билан туғилмоқда. Айниқса, ижтимоий ва экологик омиллар ўзаро боғланиб, болалар соғлиғига, ҳаётига бевосита таъсир кўрсатмоқда. 14 ёшгача бўлган болалар орасида юқумли касалликлар билан касал бўлиш анча юқори бўлиб, 30% ҳолатларда, уларнинг ўлимига олиб келмоқда.

Охириги 20 йил давомида бу ҳудудда аҳолининг ўлим даражаси 2 мартага кўпайди. Қозоғистоннинг Орол шаҳрида, ҳар йили туғилган 1000 боладан бир ёшгача 100 таси нобуд бўляпти. Бу кўрсаткич Қорақалпоғистоннинг Бўзатов туманида 110 болага тўғри келмоқда. Тахминан 90% болаларнинг организмида зарарли тузларнинг кўп миқдорда тўпланганлиги аниқланган.

Атроф муҳитнинг ифлосланиши бошқа ижтимоий, иқтисодий, психологик омиллар билан муштараклашиб, инсон саломатлиғига, ҳаётига салбий таъсир кўрсатиши натижасида, республика аҳолисининг ўртача яшаш даври 69,3 йилни ташкил қилмоқда. Экологик вазияти оғир ҳудудларда ўпка сили, ошқозон-ичак раки, қон айланиш системаси, нафас йўллари, буйрак ва бошқа "экологик касалликларнинг" кўрсаткичлари ўсиш тенденциясига эга. Умуман, олимларнинг хулосаларига кўра, республика аҳолисининг 20 фоиздан ортиқроқ касалланиши бевосита экологик вазиятнинг ёмонлашуви билан боғлиқ бўлиб қолмоқда¹⁹.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида табиий атроф муҳитга салбий таъсирларни камайтириш бўйича кескин чоралар қабул қилинди. Янги ерларни кенг миқёсда ўзлаштириш тўхтатилди, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш таркибий тизими ижтимоий ва экологик талаблар асосида ўзгартирилди. Атроф муҳитни қўриқлаш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича 2050 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Давлат дастури ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, «Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни тозаллиги бўйича ишлар Миллий режаси», «Табиий хилма-хилликни сақлаб қолиш бўйича Миллий стратегия режаси» ишлаб чиқилмоқда. Буларда атроф муҳитни қўриқлаш давлат сиёсатининг мақсадлари кўрсатиб ўтилган, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга, кишилар яшаши учун қулай табиий шароитлар яратишга йўналтирилган стратегиясининг асосий тамойил ва йўналишлари белгиланган. Экологик муаммонинг турли йўналишлари бўйича халқаро ҳамжамият ва халқаро ташкилотлар билан ҳам самарали ҳамкорлик ишлари олиб борилмоқда.

2. Ресурслар муаммоси. Инсоният ўз тарихи давомида ўзининг турли-туман эҳтиёжларини қондириш мақсадида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ривожлантиришга, уни доимо табиий ресурслар билан таъминлашга ҳаракат қилиб келган. Ҳозирги пайтда инсониятнинг ишлаб чиқариш тараққиёти жуда катта тезлик билан бормоқда. XX асрнинг 75 йили мобайнида дунёда саноат ишлаб чиқариши 16 марта, энергияни истеъмол қилиш 11 марта, нефть истеъмол қилиш эса 100 мартадан ортиқ, пўлат ишлаб чиқариш 25 марта, алюминий ишлаб чиқариш 2000 мартадан ортиққа ошди. Кўриниб турибдики, бу ҳолат ошса-ошадики, камаймайди. Ана шундай ҳолатда инсоният ўзига зарур бўлган табиий ресурсларни топа оладими, улар тугаб қолмайдими, деган саволлар туғилади.

Сўнгги пайтларда инсониятнинг минерал хом ашё ва энергия билан таъминланиш муаммоси муҳим аҳамият касб этмоқда. Фойдали қазилмалар, жумладан анъанавий энергия манбалари тезлик билан қимматлашмоқда, улардан баъзилари эса тугаб қолиш мумкинлиги хавфи пайдо бўлмоқда. Фойдали қазилмалар, ёки минераллар табиатнинг тикланмайдиган ресурслари қаторига киради, яъни уларнинг ҳосил бўлиш тезлиги улардан фойдаланиш

¹⁹ Қаранг: Шодиметов Ю. Региональные проблемы социальной экологии. -Т.: Узбекистан, 1992. с. III

тезлигига нисбатан жуда пастдир. Уларнинг бир марта фойдаланиладиган (масалан, углеводородлар) ва кўп марта фойдаланиладиган (масалан, металллар) турлари мавжуд. Ишлаб чиқаришнинг тараққиёти, хом ашёлардан фойдаланишнинг тезлашуви боис уларнинг камайиши ҳам тезлашмоқда. Масалан, яқин-яқинларгача нефтни глобал даражада янгиланувчи ресурс ҳисоблаш мумкин эди, чунки у XIX асрнинг ўрталаригача, яъни нефть маҳсулотларидан саноат, энергетика, транспорт ва маиший соҳаларда фойдаланиш оммавий фойдаланиш тезлашгунча тикланувчи табиат ресурси саналарди. Ҳозир эса унинг табиий ҳосил бўлиш жараёни унинг қазиб олинишидан анча орқага қолиб кетди, демак у тикланмайдиган ресурслар қаторига кирди. Турли металллар борасида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Ер юзи миқёсида табиий ресурсларнинг тугаб қолиш хавфи принципиал жиҳатдан ҳозирча йўқ. Лекин масала уларнинг қаерда, қанча миқдорда жойлашганлигида, уларнинг қазиб олиниши ва фойдаланиш учун технологик жараёнларнинг қанчалик такомилига етганлиги, уларни қайта ишлашнинг мақсадга мувофиқлиги, бу қайта ишлашнинг иқтисодий жиҳатдан ўз-ўзини оқлаши даражаси каби масалаларга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Демак, ҳозирги пайтда энергия ва хом ашёнинг абсолют тугаши хавфи йўқ. Аммо бу ҳолат ер юзининг у ёки бу ҳудудида, муайян мамлакатларда у ёки бу хом ашёга, у ёки бу турдаги энергияга ишлаб чиқаришдан келиб чиқувчи эҳтиёжларни қондириш масаласида муаммолар бўлмайди, дейишга асос бўлмайди. Бу эса ўз навбатида дунё иқтисодиёти, сиёсати, техник жараёнлар ва технологиялар, илм-фанлар олдига кўплаб мураккаб муаммоларни қўяди. Ҳозирги пайтда АҚШ, Буюк Британия, Яқин Шарқ давлатлари, Ироқ ва бошқа мамлакатлар тортилган мураккаб жараёнлар мантиғи ҳам ана шундан далолат бермоқда.

Энергия ва хом ашё муаммосининг кескинлашувига минерал ресурслар ва ишлаб чиқариш кучларининг ҳудудий жойлаштирилиши қандай эканлиги ҳам таъсир кўрсатади. Одатда халқаро меҳнат тақсимотининг кучайиши ва халқаро хўжалик алоқаларининг жипслашуви у ёки бу мамлакатни ўз табиий ресурсларига боғланиб қолишдан озод қилади. Айни ҳолда моддий ресурслардан фойдаланишда ташқи иқтисодий муносабатларнинг – савдо, инвестиция, илмий-техник, валюта-молиявий ва шу кабиларнинг аҳамияти кескин ошади. Бу эса давлатларнинг дунё хўжалик алоқаларида тобора ихтисослашиб бораётганидан, уларнинг ўзаро алоқалари кучайиб бораётганидан далолат беради. Ҳозирги пайтда бу соҳада илгари бўлганидек, социалистик ва капиталистик мамлакатлар орасида сунъий ўрнатилган тўсиқларнинг олиб ташланаётгани ҳам ижобий аҳамият касб этмоқда.

Бу борада мазкур муаммонинг кескинлигини ҳозирги пайтда табиий ресурслар ўрнини босувчи сунъий материаллардан фойдаланиш, улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, муқобил энергетика манбаларидан фойдаланишга ўтиш кабилар анча юмшатиши мумкин. Булар эса жамиятдаги бошқа муаммолар ечими билан узвий боғланиб кетган.

3. Дунё океанидан фойдаланиш муаммоси. Инсониятни табиий ресурслар билан таъминлаш ва табиий муҳитни сақлаш муаммолари билан бир қаторда жуда бой, афсуски ҳалигача имкониятларидан жуда оз даражада фойдаланилаётган Дунё океани билан боғлиқ муаммолар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Инсоният тарихида "Океан босқичи" буюк географик кашфиётлар давридан бошланади. Ҳозирги кунда океан муҳитининг нафақат кишилар ва юкларни бир жойдан бошқа жойга ташишдаги транспорт аҳамияти, балки биологик, геологик, озиқ-овқат, энергетик аҳамияти ҳам беқиёслиги тобора тўлиқроқ тушунилмоқда. Шу билан бирга океан нафақат нефть, табиий газ каби минерал хом ашёларнинг, балки кўплаб химиявий моддалар, қора ва рангли металлларнинг битмас-туганмас манбаидир.

Бу ерда шунга эътибор қаратиш керакки, юқоридагилар билан бир қаторда океан айни ҳолда тобора ифлосланиб бориши билан тозаллигини сақлашга ҳам муҳтождир. Шу маънода океан бойликларида фойдаланиш, уларни инсоният манфаатларини қондиришга йўналтиришни йўлга қўйиш, айни ҳолда унинг об-ҳаво ва муҳитни бошқарувчи асосий манба сифатида, халқаро хўжалик муносабатларининг муҳим элементи ва келажақдаги асосий

"озик-овқат омбори" сифатидаги ўзига хослигини сақлаб қолиш ва унинг ифлосланишига қарши курашиш – буларнинг барчаси мазкур масалалар ҳақиқатан ҳам унинг умумбашарий муаммо сифатида эътироф этишимизга имкон беради.

Дунё океани фойдали қазилмалар, биологик ресурслар, энергия манбалари, фармацевтика ва химиявий саноат учун ҳам ашёларнинг битмас-туганмас манбаидир. Бу фикр шунинг учун келтирилдики, ҳозирги пайтда ҳаддан ортиқ тезлик билан юз бераётган индустриал тараққиёт натижасида қуруқликдаги ана шундай манбаларнинг камайиб кетиши хавфи океандаги шу каби манбалардан фойдаланиш имкониятларининг очилиши билан бартараф этилса ажаб эмас. Бунинг исботи сифатида қуйидагиларга эътиборингизни қаратамиз. Океан бағридаги нефть ва газ захиралари ҳақидаги билимларимиз кундан кунга ошиб бормоқда. Масалан, XX асрнинг 40-50 йилларида улар 55 млрд. тонна деб ҳисобланган бўлса, 1966 йилда 207 млрд. тонна, 1975 йилда 400 млрд. тонналиги аниқланган. 1954 йилда денгизлар тубидан суюқ ва газ ҳолидаги 0,8 млн. тонна углеводородлар олинган бўлса (бу дунё бўйича умумий олинган миқдорнинг 0,12 фоизи), 1977 йилга келиб бу кўрсаткич 556,7 млн. тоннага етган (яъни, дунё бўйича умумий олинган миқдорнинг 23,4 фоизи). Цирконий, магнетит, олтин, платина, олмос кабиларнинг Дунё океанидаги захиралари миқдори мутахассислар томонидан уларнинг қуруқликдаги захиралари билан баробар деб ҳисобланмоқда. Қурилиш материаллари (масалан, қум, тош ва ракушкарлар) манбалари бўйича эса океан битмас-туганмасдир. Бу рўйхатни анча давом эттириш мумкин. Бунга океан сувида эриган ҳолда мавжуд бўлган минераллар захирасини ҳам қўшиш мумкин (шу жумладан, 4-5 млрд. тонна уран, 170-200 млрд. тонна литий ва бошқалар). Ҳисоб китобларга кўра унинг ҳар бир куб километрида 37,5 млн. тонна минераллар мавжуд.

Океандаги қўтарилиш-пасайиш тўлқинлари, оқимлар катта энергетик аҳамиятга эга. Олимларнинг фикрича, фақатгина Ла-Маншнинг пасайиш-қўтарилиш тўлқинлари энергияси бугун Европанинг энергияга бўлган эҳтиёжлар "чўққисида"ги талабларини қондиришга кодир.

Дунё океани планетада яратиладиган йиллик биомассанинг 43 фоизини беради. Инсоният анъанавий равишда денгизда яратилувчи биологик ишлаб чиқаришнинг сўнгги звеносини (яъни, умуман "нектон" номи остида ифодаланувчи балиқлар, сут эмизувчиларни) истеъмол қилади, холос. Дунё океанининг бир йилда нектон организмларини "ишлаб чиқариш" имконияти 200 млн. тоннага тенг. XX аср бошида ана шуладан 7 млн. тоннаси овланган бўлса, асрнинг 70 йилларига келиб бу кўрсаткич 73,5 млн. тоннага етди. Океан том маънода ҳаёт манбаидир. Уни адолатли равишда Ер юзидаги об-ҳавонинг "ошхонаси" ҳисоблашади. Ундаги фитопланктон барча тирик организмлар истеъмол қилаётган кислороднинг 50-70 фоизини яратади.

Албатта, ана шуларнинг барчасидан адолатли фойдаланишга ер юзидаги ҳамма мамлакатлар бирдай кодир эмас. Бу борада денгиз ва океанлар билан чегарадош мамлакатларнинг катта имкониятлари мавжуд. Аммо уларнинг барчаси ҳам мураккаб денгиз техникаси ва технологияларига, зарурий молиявий маблағларга, етук кадрларга эга эмас. Бунга қўплаб денгизбўйи мамлакатларининг денгизларнинг улар ҳудудига бирлашган жойлари устидан суверенитети ўрнатиш, континентал шельфлардан фойдаланишни назорат қилиш каби масалаларнинг мавжудлиги ҳам қўшилмоқда. Буларнинг барчаси Океан ва денгизлардан фойдаланиш масаласи жигал муаммолардан бири эканлигини кўрсатади.

4. Озик-овқат муаммоси. Ер юзи аҳолисини озик-овқат билан таъминлаш муаммосининг ечими ҳам жуда қийин кечади, бу айниқса аҳоли сонининг муттасил кўпайиб бориши билан янада мураккаблашиши мумкин. XXI асрнинг дастлабки уч йилининг ниҳоясига келиб дунё аҳолиси 6,2 млрд. кишига етди. Бу албатта инсониятнинг озик-овқатга бўлган эҳтиёжини янада оширади. БМТнинг Озик овқат ва қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ташкилоти (ФАО)нинг "Қишлоқ хўжалиги 2000 йилда" докладига мувофиқ озик-овқат маҳсулотларига эҳтиёж дефицити қиймати 1975 йилги 4 млрд. доллардан 25 млрд. долларга қўтарилиши кутилмоқда. Бу ўша пайтда очликдан азоб чекаётган 500 млн. бўлган кишиларнинг XXI аср бошига келиб 800 млн. кишига етишини билдиради (унинг 500 млн. дан ортиғи

ривожланаётган мамлакатлар ҳисобига тўғри келади). XX асрнинг 70-йилларида ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилиги очарчилик балосига гирифтор бўлдилар. 1972 йилда 49 мамлакатда, 1974 йилда 46 мамлакатда қурғоқчилик юз бериб, миллионлаб кишиларнинг ёстиғини қуритди. Очарчилик кишилар меҳнат қобилиятининг жисмоний томондан қониқарли эмаслиги, оғир касалликлар, ахлоқий тубанлашув ва психик касалликларнинг энг асосий сабабларидан биридир.

Кўпинча озиқ-овқат муаммосининг кескинлиги ривожланаётган мамлакатлар ҳисобига тўғри келиши айтилади. Бу нарса ушбу мамлакатлардаги умумий ривожланиш, технологик, молиявий, қишлоқ хўжалиги, маънавий-маърифий ва шу кабиларнинг паст даражаси билан изоҳланади. Аммо, шунга қарамай, мазкур мамлакатларда етиштирилган ҳосилнинг кўпайтирилиши, унинг сақланиши тизими етарли эмаслигига эътибор қаратиш керак. Масалан, БМТнинг Озиқ овқат ва қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ташкилоти (ФАО) мутахассислари фикрича ривожланаётган мамлакатларда етиштирилаётган дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари умумий ҳажмининг 20-40 фоизи сақлаш, ташиш ва сотиш жараёнида йўқолар экан. Мазкур ташкилот вакиллариининг фикрича, ривожланаётган мамлакатлар кўпинча фақат ташқи инсонпарварлик ёрдамига кўз тикишга мойилдирлар. Лекин бу масаланинг ечими эмас, чунки ташқи ёрдам қанчалик бўлганда ҳам муаммони ечиб беришга қодир эмас. Ҳар бир мамлакат уни ўз кучи ва ички имкониятлари ҳисобига ечиши керак.

Шу маънода кейинги пайтда қўшилмаслик ҳаракати мамлакатларининг ташаббусини табриклаш керак. Уларнинг бир неча конференцияларида миллий, минтақавий озиқ-овқат дастурлари ишлаб чиқилдики, уларда аҳолини иш билан таъминлаш, ерсизларга ишлов бериш учун ер ажратиш, кичик ва ўрта деҳқонлар манфаатларини ҳимоя қилувчи чораларни амалга ошириш кўзда тутилган. Албатта мазкур дастурларда четдан олинувчи ёрдамга ўрин ажратилган бўлса-да, асосий эътибор қишлоқ хўжалигини тез юксалтиришга қобил районларни аниқлаш, ирригация ва мелиорация тизимларини яратиш (кўпинча чет эл ёрдамида) ва улардан фойдаланиш тадбирларини ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилувчи давлатлар билан қишлоқ хўжалик ва ирригация соҳасида қўшма корхоналар тузиш, бу соҳага зарур бўлган кимёвий ўғитлар ва қишлоқ хўжалик техникаси ишлаб чиқариш ва сотиш орқали уларнинг баҳосини пасайтириш, саҳролар кенгайишининг олдини олувчи тадбирларни амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги экинлари касалликлари ва зараркунандаларига қарши курашиш, бу йўналишдаги илғор билимларни эгаллаш ва уларни ўзаро айирбошлаш, турли экинлардан юқори ҳосил етиштириш, уларни йиғиб олиш, ташиш ва сақлаш бўйича илғор технологияларни эгаллаш бўйича халқаро ҳамкорлик қилиш ва шу кабиларга қаратилиши керак. Мазкур йўналишларнинг кўпчилиги ҳозирги пайтда мустақилликка эришган МДХ давлатларида анча муваффақият билан амалга оширилмоқда. Бизнинг мамлакатимизда ҳам бу борада қатор ривожланган давлатлар билан ҳамкорликда кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, XX асрнинг 80-90 йилларидан бошлаб қудратли ривожланган давлатларнинг озиқ-овқат масаласига эътиборида анча ўзгаришлар юз берди. Бу мамлакатларда озодликка эришган давлатларнинг "асосий эҳтиёжлари" концепцияси кенг тарқалди. Бу қийин интенсив характердаги саноат тармоқларини мазкур мамлакатларга жойлаштириш орқали уларнинг саноатини ривожлантириш, айти пайтда уларни ўз ишлаб чиқариш тизимига бўйсундириб олишга интилишдан ҳам далолат беради. Бу янги стратегия қудратли ривожланган давлатларнинг ривожланаётган мамлакатлардаги озиқ-овқат, аграр соҳаларидаги муаммоларни ечишга ҳисса қўшиш орқали улардаги кескин ижтимоий ва сиёсий вазиятга таъсир қилувчи сабабларни ечишга қарор қилганини, айти ҳолда уларни ўз таъсирига олишга интилаётганини билдиради. Буни Ғарб давлатларининг етакчи иқтисодчилари ривожланаётган давлатларда амалга оширишни таклиф этаётган аграр, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ислохотлар мазмунида кузатиш мумкин.

Озиқ-овқат муаммоси – иқтисодий, ижтимоий, сиёсий жиҳатларга эга бўлган кенг қамровли мураккаб муаммодир. У ёки бу мамлакатнинг озиқ-овқат билан таъминланиши кўп

жиҳатдан табиий омилларга, қишлоқ хўжалигининг об-ҳаво ва иқлим шароитларига боғлиқ. Қурғоқчилик, сув тошқинлари, эпидемия ва чорванинг касалланиши ҳодисалари нафақат ривожланаётган, балки қишлоқ хўжалиги ривожланган мамлакатларнинг аҳволига ҳам катта таъсир қилувчи факторлардир. Булар билан бир қаторда озиқ-овқат муаммосига иқтисодий, сиёсий сабаблар ҳам белгиловчи таъсир кўрсатади.

Юқорида тилга олинган ва тилга олинмаган умумбашарий аҳамиятга молик муаммолар вужудга келишининг сабабчиси энг аввало инсоннинг ўзидир, Конкрет инсон эмас, Ер юзида яшаган ва яшаётган кишиларнинг барчасидир. Унда кимларнингдир роли ниҳоятда кам бўлса, кимларнингдир, айниқса бошқариш ва муайян қарорлар қабул қилиш имконияти бор кишиларнинг роли анча-мунча каттадир. Ана шундай кишиларда энг аввало қабул қилинажак қарорларининг ижтимоий оқибатлари, уларнинг келажакка таъсири ҳақида етарли ахборот бўлганда эди (эҳтимол, уларда ана шундай ахборотлар бўлгандир ҳам) улар ўзларининг оёқларига урилиши мумкин бўлган болтани кўтармаган бўлардилар. Шу маънодо XX асрда ана шундай умумбашарий муаммолар ечимини топиш, уларни бир қадар юмшатиш йўллари кидиришга бағишланган илмий изланишларни ташкил этишни мақсад қилиб қўйган, аммо бир пайтлар социалистик мамлакатлар олимлари томонидан танқид қилинган "Рим клуби"нинг ташкилотчиси Аурелио Печчеининг инсон ҳақида айтган қуйидаги фикрлари билан сўзимизни тугатамиз. "Биз спортчилар, космонавтлар ва астронавтларнинг баъзи хусусиятларини мукаммаллаштиришга, машиналарни, жихозларни, материалларни, товук, чўчкалар зотини, маккажухори сортини яхшилашга эришдик, меҳнатнинг самарадорлигини оширдик, инсоннинг тез ўқиш имкониятларини кучайтирдик, компьютерлар билан мулоқотга киришни ўргандик. Аммо биз ҳеч қачон ўзимизнинг дунёдаги янги ҳолатимизни ҳис қилиш, ўзимиз эга бўлган кучнинг қанчалик қудратли эканини англаш, умумбашарий масъулият ҳиссини ва ўз ҳатти-ҳаракатимиз оқибатларини баҳолаш қобилиятимизни ривожлантириш учун ҳеч нарса қилмадик... Олдимизда инсон сифатларини яхшилашнинг очилмаган чексиз имкониятлари мавжуд."²¹

2. Халқаро терроризм ва диний экстремизм – халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдид солувчи жаҳоншумул муаммо сифатида

Тинчлик-тотувлик, барқарорлик барча замонларда долзарб аҳамият касб этган. Чунки осойишталик, тинчлик барқарор бўлган жойдагина бунёдкорлик ва тараққиёт юзага келади. Одамлар кўнглидаги хотиржамлик, рўзғордаги қут-барақа, жамият ҳаётидаги барқарорлик ҳам ана шу омилга кўп жиҳатдан боғлиқ. Шу боис тинчлик учун бутун тарих давомида муттасил кураш олиб борилган. Кўриниб турибдики, тинчлик ҳамма вақт ҳимояга муҳтож бўлган. Чунки тинчлик ва барқарорликка турли-туман таҳдидлар хавф солган. Бугунги кун ҳам бундай таҳдидлардан холи эмас. Бу таҳдидларнинг энг хавфлиларидан бири терроризм балосидир.

Терроризм бегуноҳ одамларни қурбон қилиш эвазига жамиятда беқарорликни юзага келтириш, фуқаролар қалбида қўрқув ва ваҳима ўйғотиш, давлатлараро муносабатларни мураккаблаштириш, халқаро ва минтақавий даражадаги хавфсизлик тизимларига путур етказиш, халқаро ҳамжамятнинг тинчлигига зиён етказишни кўзловчи жирканч қилмиш ва айни ҳолда халқаро жиноят саналади.

Терроризм ижтимоий ҳодиса сифатида пайдо бўлиш даврига эга. У XVIII-XIX асрлардаги алоҳида террорчилардан иборат кичик гуруҳлар қиёфасидан XX аср охири-XXI аср бошларида бутун инсониятга таҳдид солувчи қудратли уюшган кучга айланди. Унинг кўринишлари турли-туман бўлиши мумкин. Жумладан, ҳозирги пайтда шартли равишда у а) жангари террорчилик, б) миллий террорчилик, в) ижтимоий-сиёсий террорчилик, г) халқаро террорчиликка ажратилмоқда. Жангари террорчиликнинг таянчи яхши қуролланган жангари тўдалар, гуруҳлар ва тузилмалардир. Ижтимоий-сиёсий террорчилик ички ижтимоий-сиёсий низолар асосида шаклланиб ўнг ва сўл террорчилик шаклида намоён бўлади. Буларга мисол

²¹ Печчеи А. Человеческие качества. М., Прогресс, 1985, 84-бет.

тариқасида Буюк француз инқилоби даврида (1789-1794 йиллар) сиёсий муҳолифлар ўртасида террор амалга оширилганини, Россиядаги фуқаролар уруши даврида (1918-1920 йиллар) "оқ" ва "қизил" террорлар бўлганини эслаш кифоя.

Миллий террорчилик этник белгиларга асосий эътиборни қаратиши билан ажралиб туради ва кам сонли миллий гуруҳларга тазйиқ ўтказишга қаратилган бўлади. Кўпинча ана шунинг натижасида кам сонли этник гуруҳ ҳам жавоб тариқасида ўз террористик гуруҳларини тузади.

Халқаро террорчилик эса диний, маданий, географик ва давлат чегараларини билмайди. У ҳозир наркобизнес билан ўзаро чирмашиб бораётир ҳамда йирик молиявий ва бошқа имкониятларга эга бўлган халқаро марказлар томонидан энг замонавий воситалар ва қуроллар билан таъминланиб, йўналтирилмоқда.

Ҳозирги кунда дунёда 500 дан ортиқ террористик ташкилотлар ва экстремистик йўналишдаги гуруҳлар мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти наркобизнес билан бевосита ёки билвосита боғлиқдир. Охирги ўн йил давомида улар томонидан дунёда 6 мингдан зиёд террорчилик акти амалга оширилиши натижасида 25 мингга яқин одам ҳалок бўлди.

Террорчилик қандай шаклда ва кўринишда бўлмасин унинг мазмун ва моҳияти бевосита зўравонлик, инсон ҳаётига таҳдид билан боғлиқ бўлиб ўзидан мудҳиш асорат қолдиради. Энг даҳшатлиси шундаки, бу ҳаракат содир этилганда қон тўкилади. Қурбоннинг ким бўлиши террорчини қизиқтирмайди, унга қон тўкилса, одамлар юрагига қўрқув, ваҳима солинса бас.

Шу жиҳатдан олганда унинг халқаро хавфга айланган шакллари мавзунинг бошида таъкидлаганимиздек, бошқа умуминсоний муаммолар каби белгиларга эга бўлгани учун – у умумбашарий муаммога айланди. Халқаро терроризмга қарши кураш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолди. Негаки, XX аср ва XXI бошида инсоният террорчилик фаолиятининг мисли кўрилмаган жиҳатлари билан тўқнаш келди. Аксарият ҳолларда диний экстремизм ва фундаментализм халқаро терроризмнинг нуқоби бўлса, гиёҳванд моддалар, қурол-яроғ ва одам савдоси унинг молиявий манбаси ҳисобланади. Шу боис экстремизм, наркобизнес, уюшган жиноятчилик ва халқаро терроризмга қарши ялпи кураш олиб бориш зарур.

Ўрни келганда бутун дунёда терроризмга қарши кенг қамровли кураш олиб борилаётганлигини таъкидлаш жоиз. Бунинг учун энг аввало халқаро ҳуқуқий пойдеворлар яратилганига эътибор бериш керак. БМТ доирасида "Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида"ги Конвенция қабул қилиниши терроризм тусидаги жиноятларни давлатлар томонидан миллий қонунчиликда таснифлаш имконини яратди. Бундан ташқари терроризмнинг барча кўринишларига қарши кураш олиб борилишини таъминловчи халқаро шартномалар борлигига эътибор қаратиш зарур. "Ҳаво кемаларини ноқонуний эгаллашга қарши кураш тўғрисида"ги Гаага конвенцияси, "Фуқаро авиацияси хавфсизлигига қарши йўналтирилган ноқонуний актларга қарши кураш тўғрисида"ги Монреал конвенцияси, "Кишиларни гаровга олишга қарши кураш тўғрисида"ги конвенциялар шулар қаторига киради.

Шу ўринда Хитой, Россия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон томонидан ратификация қилинган 2001 йил 15 июндаги "Терроризм, сепаратизм ва экстремизм билан кураш тўғрисида"ги Шанхай конвенцияси минтақамизда алоҳида аҳамиятга эга. Чунки бу ҳужжатда терроризм, сепаратизм ва экстремизм халқаро тинчлик ва хавфсизликка, давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантиришга, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишга таҳдид солаётгани қайд этилган. Бу ҳужжатда экстремизм жиноятига қуйидагича таъриф берилган: *"Экстремизм - ҳокимиятни куч ишлатиб эгаллаш ёки ҳокимиятни куч ишлатиб ушлаб туриш, шунингдек, давлатдаги конституциявий тузумни куч ишлатиб ўзгартириш, шунга ўхшаб жамоат хавфсизлигига куч ишлатиб таъжовуз қилиш, шу жумладан, юқорида қайд этилган мақсадлар учун қуролли уюшма ташкил этиш ва уларда иштирок этишга қаратилган миллий қонун билан тегишлича жиноят деб белгиланган ҳар қандай қилмиш тушунилади"*.

Халқаро терроризм ва диний экстремизм хавфини истиқдолнинг илк йилларидаёқ Президентимиз Илом Каримов кўрсатиб ўтган эди. БМТ, ЕХХТ ва бошқа ташкилотлар минбарларидан нутқ сўзлаб, жаҳон ҳамжамияти эътиборини халқаро терроризм ва экстремизмнинг глобаллашувига, айрим мамлакатларнинг халқаро террорчи ва экстремистларни тайёрлаш инкубаторига айланиб бораётганига қаратди.

Шунингдек Юртбошимиз бундан ўн йиллар олдинроқ диний экстремизм ва фундаментализм, накобизнес, қурол савдосидек уюшган жиноятчиликнинг халқаро террористик ташкилотларга кўмак бераётгани, халқаро уюшган жиноятчиликнинг мамлакатимиз хавфсизлигига очикдан-очик таҳдид солаётганига дунё ҳамжамиятининг эътиборини қаратган эди.

Давлатимиз раҳбари жаҳон ҳамжамиятини огоҳлантирар экан, қанчалар қудратли бўлмасин, ҳеч бир давлат бу офат хуружидан холи эмаслигини таъкидлади. Аммо бу огоҳлантиришларга унчалик эътибор берилмади. Бу борада жаҳон ҳамжамиятининг кўзи очилишига 2001 йилнинг 11 сентябрида АҚШда бўлган энг даҳшатли террорчилик ҳаракати сабаб бўлди. Натижада террорга қарши коалиция ташкил этилиб, Ўзбекистон унинг фаол қўллаб-қувватловчиларидан бирига айланди. 2001 йил 13 сентябрдаёқ Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар фазирлиги БМТ Бош қотибига баёнот йўллаб, терроризмга қарши халқаро марказни зудлик билан яратиш зарурати юзага келганини билдирди.

Нью-Йорк ва Вашингтонда амалга оширилган террорчилик ҳаракатларидан кейин терроризмга қарши коалиция кучлари ва энг аввало АҚШ томонидан Афғонистондаги толибларга ва "Ал-Қоида" террорчиларига зарба берилди. Шундан сўнг Ироқдаги режим бартараф этилди. Бу билан бетун ер юзидаги тинчликсевар халқларга хавф туғдириб турган халқаро террорчи ва экстремистларга жиддий зарба берилди. Бироқ улар ҳали узил-кесил йўқ қилинган эмас. Анча йиллардан буён Россия, Франция, Туркия, Индонезия, Испания, Исроил, Ливан, Ҳиндистон, Покистон ва бошқа мамлакатлар терроризмнинг жабрини тортиб келмоқдалар.

2001 йил декабрида Европа Иттифоқи илк бор террорчи ташкилотлар ва террорчиликда гумон қилинаётган кишилар рўйхатини эълон қилди ва у вақти-вақти билан тўлдириб борилмоқда. Уларга қарши курашнинг дастлаки қадамлари сифатида Европа Иттифоқи томонидан Умумевропа қамоққа олиш ордери, террористларга молиявий кўмак берилишининг олдини олиш каби тадбирлар Режасини ишлаб чиқди. Аммо кўпчилик экспертларнинг фикрича булар етарлича самара бермади ва яқинда Мадридда юз берган фожиали воқеаларнинг олдини ололмади. Яқинда Брюсселда Евроиттифок томонидан эълон қилинган Декларацияга мувофиқ 2004 йил 30 июнгача ушбу иттифокқа аъзо давлатларнинг барчасида қамоққа олиш бўйича ягона Европа ордери қабул қилинади. Бу нарса терроризмда гумон қилинаётган шахсни экстрадиция қилишда кўзда тутилган амалларни бажармасдан бир-бирига автоматик тарзда беришни англатади. Янги тадбирлар орасида чегараларда паспорт назоратини кучайтириш, Евроиттифок доирасида бир-бирини ахборотлар билан ҳабардор қилиш тизимини такомиллаштириш, бу йўналишда разведка хабарларини алмашишни такомиллаштириш қабиларни ўз ичига олади.

Терроризмнинг жирканч мантиқи шунда намоён бўладики, улар куч ишлатиш, яъни портлатиш, ўт қўйиш, радиоактив, биологик, портловчи, кимёвий, шунингдек, заҳарловчи моддаларни ишлатиш ёки ишлатиш билан қўрқитиш, ер усти, сув ва ҳаво транспорти воситаларини қўлга олиш ёки бундай транспорт воситаларига портловчи моддаларни жойлаштириш йўли билан портлатиш, энг даҳшатлиси, бундай ҳаракатларни фақат аҳоли гавжум ва оммавий тадбирлар ўтказилаётган жойларда амалга ошириш орқали ваҳима кўтариш ва тартибсизликлар келтириб чиқариш билан ўзларининг ғаламисларча мақсадларига эришимиз, деб ўйлайдилар. Бугунги кунда кўплаб мамлакатларнинг радио ва телевидение хабарларида янги ва янги жиноят усуллари ҳақида, яъни ёндириш, кўпоровчилик, кишиларни оммавий ўлдириш, уларни гаровга олиш, ерда, сувда ва ҳаводаги террорчилик ҳаракатлари, шаҳарларда, қишлоқларда, транспортда, ҳуллас ҳамма ерда, умуман ваҳшийларнинг носоғлом ҳаёли қасрни хоҳласа, ўша ерда амалга оширилаётгани

ҳақида ахборотлар берилмоқда. Уларнинг энг асосий мақсади – оммавий қотиллик – аҳолининг ҳимояга муҳтож бўлган қатлами бўлмиш болаларни, аёлларни, кексаларни ўлдириш. Улар учун инсон ҳаёти ҳеч нарса эмас.

2004 йил март ойида Мадридда бўлган бир қатор террорчилик ҳаракатларидан сўнг кўп Европа мамлакатларининг фуқаролари шундай жиноятлар уларнинг давлатида ҳам бўлиши мумкин, деб ўйламоқдалар. Бугунги кунда халқаро терроризм ва диний экстремизм бутун инсониятга – Вашингтондан Москвагача, Бали оролидан Тошкентгача, Ҳиндистондан Африкагача, Яқин Шарқдан Филиппингача хавф туғдирмоқда.

Юқорида айтиб ўтилган воқеалар туфайли, яъни АҚШдаги портлашлар, Россиядаги террорчилик ҳаракатлари ва бошқа шунга ўхшаш ҳодисалардан кейин икки йил ўтгач, 2004 йил апрелига келибгина Европа Иттифоқи доирасида террорчиликка қарши кураш Европа координатори лавозими жорий этилди. Мазкур лавозимни эгаллаган шахс (Гийс де Вриес – Нидерландия Ички ишлар вазирининг собиқ ўринбосари) ва унинг идораси яқин вақт ичида Евроиттифок давлатлари аҳолисини террорчи ташкилотлар томонидан эҳтимол тутилган хуружлар хавфидан ҳимоялашнинг ягона стратегиясини ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Терроризм ва экстремизмни енгиш учун чуқур, пухта ишлаб чиқилган ва доим ривожланишда бўлган стратегия керак. Бу борада барча мамлакатларнинг уюшган ҳаракатлари лозим. Бундай иттифокка уюшган давлатлар ундаги ҳар бир давлатнинг муаммосини ўз муаммоларидек қабул қилиши ва уни шерикчиликда ҳал қилишнинг йўллариини ишлаб чиқишлари керак.

Террорчилик ҳодисаларининг юз бераётгани турли мамлакатларда ана шу хавфли ҳодисага нисбатан қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари қабул қилиниши тажрибаси қандайлигини ўрганишни тақозо этади. Бу нарса мамлакатимизда шу каби қонунчилик актлари ишлаб чиқилишига намуна сифатида хизмат қилиши мумкинлиги жиҳатидан аҳамиятлидир. Масалан, АҚШда терроризмга қарши кураш ҳақидаги қонун 1996 йилда қабул қилинган бўлиб, унда 30 дан ортиқ хатти-ҳаракат терроризм сифатида кўрсатилган. Унда жумладан, АҚШ ҳукумати томонидан терроризмни қўллаб-қувватловчи деб тан олинган давлатларга ёрдам кўрсатилмаслиги аниқ кўрсатилган.

Перуда 1992 йилда қабул қилинган "Терроризм билан боғлиқ жиноятлар" норматив ҳужжат давлатнинг мазкур типдаги хавфга қарши курашига намуна бўла олади. Бу ҳужжатда террористик фаолиятда қатнашгани учун қаттиқ жавобгарлик жорий этилган. Бу мазкур давлатда мавжуд бўлган фаол террористик ташкилотлар, гуруҳлар, ҳаракатлар тарихи ва амалиётининг натижаси ҳамдир. Террористик ташкилотлар раҳбарлари ва дохйлари учун ушбу ҳужжатга мувофиқ умрбод қамоқ, оддий қатнашчиларга эса – 30 йил қамоқ муддати кўзда тутилган. Перу қонунчилигига мувофиқ терроризм билан боғлиқ жиноятлар учун судланган кишилар Жиноят кодекси ва Жазони ўташ Кодексида кўзда тутилган имтиёзларнинг ҳеч биридан фойдалана олмайди.

Испания қонунчилигида асосан террористик воқеалар билан курашишга эмас, уларнинг профилактикасига эътибор берилган. Унга мувофиқ қурол ва ўқ-дори сақлаш, портловчи, ёндирувчи, бўғувчи моддалар ва воситалар сақлаш, уларни ишлаб чиқариш, сотиш, етказиб бериш, шунингдек, уларни ўрнатиш ва фойдаланиш террористик ташкилотга аъзо бўлган кишилар томонидан ёки улар билан ҳамкорлик қилувчи кишилар томонидан содир этилса узоқ йиллик озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Францияда ҳам 1986 йилда терроризмга қарши кураш ва давлат хавфсизлигига хавф туғдириш ҳақида қонун қабул қилинган. Бошқа давлатлардагидан фарқли равишда унда терроризмга таъриф берилмаган. Бу мамлакат Жиноят кодекси томонидан у ёки бу ҳаракатни терроризм деб аташ учун икки шарт мавжуд. Биринчидан, бу жиноят жамоат тартибини хавфли равишда бузиш мақсадида амалга оширилса. Иккинчидан, уни амалга ошириш пайтида террор усуллари қўлланилса.

Юртимизнинг мустақил сиёсати, унинг тараққиёти суръатлари кимларгадир хуш келмаётган бўлиши мумкин. Мустақиллик – бу бизнинг ҳаётимиз, тақдиримиз, дунёқарашимиз. Ҳеч нарса – на террорчи ва экстремистларнинг ғаламисларча ҳаракати, на

тинч аҳоли ва садоқатли юрт ҳимоячилари бўлмиш аскарларимиз ва ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг 1999 йил февралдаги ва 2004 йил мартдаги воқеаларда бевақт ҳалок бўлиши мустақиллик ишининг тўғрилигига бўлган ишончимизни сўндира олмайди. Мазкур мавзу сўнгида Президентимизнинг Ўзбекистон телевидениесига 2004 йил 28-30 март воқеалари муносабати билан берган махсус интервьюсидаги қуйидаги сўзларни келтирмоқчимиз: "Халқимиз бундай синовларни илгари ҳам бошдан кечирган ва уларни мардона енгиб ўтган. Шунинг учун барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, қатъият билан ҳаракат қилишимиз, бизга аталган гўзал ва бетакрор юртимиз тинчлигини сақлашимиз зарур".

3. Ўзбекистон Республикасининг оламшумул муаммолар ечимига қўшаётган ҳиссаси

Юқорида тилга олинган ва олинмаган ҳамда жаҳоншумул муаммолар қаторидан ўрин олган масалалар, аслини олганда ҳаётимизга ташқаридан кириб келган эмас. Улар аста-секинлик билан вужудга келишиб, ижтимоий-иқтисодий, демографик, илмий-техникавий тараққиёт билан бирга кенгайиб, ривожланиб келишган. Уларнинг долзарб аҳамият касб этишига эса ҳар бир мамлакат, ҳар бир инсон "баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшган ва ҳамон ҳисса қўшишни давом эттирмоқда". Шундан келиб чиқадиган бўлсак, уларнинг ечими, улар кескинлигини камайтиришнинг йўллари ҳам мамлакатлар ва инсонлар қўлидадир. Бунинг учун ҳар бир давлат ва барча кишилардан, энг аввало мазкур муаммоларнинг нақадар долзарб аҳамият касб этганлигини тушуниш талаб этилади. Агарда ҳар биримиз дунёдаги ҳар қандай у ёки бу жиҳатдан оламшумул аҳамият касб этган муаммоларга шахсан дахлдорлигимизни англасак, уларнинг ечимига ҳар қандай ҳатти-ҳаракатимиз таъсир этишини тушунсак, шахсий, ишлаб чиқаришга оид фаолиятимизни шунга мувофиқ ташкил этсак уларнинг янада чуқурлашиб кетмаслигига, қолаверса уларнинг ечимига баҳоли-қудрат ҳиссамизни қўшган бўламиз. Чунки бизнинг атрофимизда, шахсий турмушимизда ана шу муаммоларга боғлиқ воқеалар, таъсирлар фақат бизга ва бизнинг уларга фаол муносабатимизга боғлиқ. Анча тумтароқ бўлсада, буни шундай ифодалаш мумкин: куну тун ёпилмайдиган водопровод жумрагини ёпиб қўйиш, қуриган ҳазонларни ёқмасдан ахлатхонага ташлаш ёки қўмиб қўйиш ва шу кабилар учун ҳар бир киши қуйина олса, бунга бефарқ бўлмаса, бутун маҳалла, туман, мамлакат, қолаверса дунё миқёсида юқорида тилга олинган муаммоларга ечими томон дастлабки қадам қўйилган бўларди.

Тилга олинган экологик муаммоларни ечиш учун энг аввало қонуний асослар бўлмоғи лозим. Республикамизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва аҳоли саломатлигини сақлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни тартиб солишга қаратилган бир қатор қонунлар қабул қилинди. Улар орасида "Табиатни муҳофаза қилиш ҳақида", "Алоҳида ҳимоя қилинувчи табиий ҳудудлар ҳақида", "Сув ва сувдан фойдаланиш ҳақида", "Фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилиш ҳақида", "Давлат санитар назорати ҳақида", "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ҳақида", "Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги ҳақида", "Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш ҳақида", "Ўсимликлар дунёсидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш ҳақида", "Ер кодекси", "Ўрмон ҳақида"ги ва бошқа қонунлар мавжуд.

Ана шу қонунларда белгиланган тадбирлар атмосферанинг ифлосланишини, асосий сув ҳавзаларининг тозаллигини ошириш, ишлатилаётган заҳарли пестицидлар қўлланилишини қискартириш, экин майдонларининг аҳолини яхшилаш ва бу соҳаларга халқаро ташкилотлар эътиборини тортишга имкон берди. 1991-2003 йиллар мобайнида республика бўйича атмосферага заҳарли чиқиндиларни ташлаш 2 марта, ифлос оқова сувларни сув ҳавзаларига ташлаш эса 2,2 марта камайди. 1998 – 2003 йиллар орасида пестицидлардан фойдаланиш 4 мартага камайтирилди.

Мамлакатимиз экологик муаммоларни умуминсоният кучи билан ҳал қилиш заруриятини ҳис этган ҳолда мавжуд халқаро шартномаларга қўшилмоқда. Жумладан, мустақиллик йилларида Ўзбекистон қуйидаги халқаро шартномаларга қўшилди:

- Озон қатламини муҳофаза қилиш ҳақида Вена конвенцияси (18.05.93);
- Озон қатламини бузувчи моддалар ҳақидаги Монреал протоколи (18.05.93);

- Табиий муҳитга ҳарбий ёки бошқа ҳар қандай душманларча таъсир этувчи воситаларни тақиқлаш ҳақидаги конвенция (26.05.93):
- Муҳитнинг ўзгариши ҳақидаги конвенция (20.06.93):
- Жиддий чўллашув ва/ёки қургўқчиликни бошидан кечираётган мамлакатларда, айниқса Африкада, чўллашишга қарши кураш бўйича конвенция (31.08.95):
- Биологик турли-туманлик ҳақидаги конвенция (06.05.95):
- Жаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш ҳақидаги конвенция (22.12.95):
- Йўқолиш хавфи остида бўлган ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо қилиш ҳақидаги конвенция (01.07.97):
- Кўчиб юрувчи ёввойи ҳайвонларни сақлаш бўйича конвенция (01.05.98):
- Озон қатламини бузувчи моддалар ҳақидаги Монреал протоколига Лондон қўшимчаси (01.05.98) ва бошқалар.

Ўрта Осиё минтақасидаги, хусусан, Ўзбекистондаги экологик муаммолар ечимида ушбу минтақа мамлакатларининг ҳамкорлиги катта аҳамиятга эга. 1993 йи март ойида Ўрта Осиё мамлакатлари давлат бошлиқларининг Қизил Ўрдадаги учрашувида Орол денгизи ва Оролбўйи муаммоларини ечиш, Орол минтақасининг экологик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш бўйича биргаликдаги ҳаракатлар ҳақида Келишув имзоланди. Ушбу учрашувда Орол денгизи муаммолари бўйича Давлатлараро Кенгаш ва Оролни қутқариш Халқаро жамғармаси тузилди. 1995 йил Нукусдаги Ўрта Осиё давлат раҳбарлари учрашувида қабул қилинган Нукус декларациясида Орол денгизи ҳавзасининг барқарор ривожланиши бўйича халқаро конвенция ишлаб чиқиш ҳақида қарор қабул қилинди. 1998 йил ушбу давлатлар раҳбарларининг Ашхобод учрашувида Оролни қутқариш халқаро жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Бу саъй-ҳаракатлар сўнгги 10-12 йил ичида амалга оширилган баъзи ишлардан дарак беради. Аммо республикадаги экологик вазият барибир кескинлигича қолмоқда. Сўнгги 35-40 йил мобайнида Орол денгизи 21 метрга пасайди, унинг акваторияси 3,5 мартадан ортиқ қисқарди, сув ҳажми эса 8 марта камайди, сувнинг шўрлиги 70 г/л. га етди. Республикада ҳар йили 100 млн. тоннадан ортиқ ишлаб чиқариш чиқиндилари ҳосил бўлмоқда, атмосферага йилига 2 млн. тоннадан ортиқ чиқиндилар чиқариб юборилмоқда, очиқ сув ҳавзаларига йилига 138 млн. куб метр зарарли чиқиндилар оқизилмоқда. Суғориловчи ер майдонларининг ярми эрозия ва иккиламчи шўрланишга учрамоқда.

Минтақада сув ҳавзалари кимёвий ифлосланишини камайтириш бўйича тадбирларнинг амалга оширилиши асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда уй-жой коммунал хўжаликларда ифлосланган оқова ва чиқинди сувларни тозаловчи қурилмаларнинг ўрнатилиши бўйича ижобий силжишлар кузатилмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикасида 1990 йилдан бошлаб мавжуд ҳолатни яхшилашга қаратилган Давлат дастури амалга оширилмоқда. Ўтган йилларда мамлакатимизда 13,5 минг км. сув қувурлари ишга туширилди. 1998 йилда Қорақалпоғистон бўйича 229,9 км сув қувурлари тармоқлари, 1999 й. январь-апрель ойларида 13,7 км сув қувур тармоқлари ўтказилди. Шунингдек, шаҳарларда, шаҳар типидagi посёлкаларда, туман марказларида яшаётган аҳолининг канализация системаси билан таъминланиши 1997 йил республика бўйича 53,3%, Қорақалпоғистонда - 38,8%, Хоразм вилоятида - 37% ни ташкил этади.

Айни ҳолда озиқ-овқат муаммосини ечиш томон дастлабки сезиларли қадамлар қўйилди. Республикада пахтага ажратилган экин майдонларининг камайтирилиши ҳисобига донли ва дуккакли экинлар, полиз ва картошка экинлари майдонлари кескин кўпайди. Бу мамлакатимизда амалга оширилаётган умумиқтисодий қайта қуриш, бозор муносабатларини шакллантириш ва мулкдорлар табақасини шакллантириш билан бирга қўшиб олиб борилмоқда. Бунда илгариги колхоз-совхозлар ўрнига ташкил этилаётган фермер ва деҳқон хўжалиқларини ташкил этиш катта аҳамият касб этмоқда.

Таянч тушунча ва иборалар: умумбашарий муаммолар; уларнинг белгилари; уруш ва тинчлик, экологик муаммолар; озиқ-овқат, демографик муаммолар; хом ашё ва энергия

билан таъминланиш муаммолари; фан-техника инқилобининг оқибатлари; халқаро терроризм; халқаро ҳамкорлик зарурияти; умумбашарий муаммолар ва Ўзбекистон.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Умумбашарий муаммоларнинг қандай белгилари мавжуд?
2. Қандай муаммолар умумбашарий муаммолар қаторига киради?
3. Экологик муаммолар вужудга келишининг сабаблари нимада?
4. Ўзбекистондаги экологик муаммолар мавжуд ҳудудлар ҳақида сўзлаб беринг.
5. Нима учун халқаро терроризм ва диний экстремизм умумбашарий муаммо ҳисобланади?
6. Ўзбекистоннинг халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши курашга қўшаётган ҳиссасини қандай баҳолайсиз?
7. Экологик муаммоларни ечишга мамлакатимиз қўшаётган ҳисса нимада?

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-ж., Т., Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Биздан обод ва озод Ватан қолсин. 2-ж., Т., Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-ж., Т., Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-ж., Т., Ўзбекистон, 1996.
6. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Т., Ўзбекистон, 1997.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. 5-ж., Т., Ўзбекистон, 1998.
8. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-ж., Т., Ўзбекистон, 1998.
9. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-ж., Т., Ўзбекистон, 1999.
10. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-ж., Т., Ўзбекистон, 2000.
11. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-ж., Ўзбекистон, 2001.
12. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун қурашмоқ керак. 10-ж., Ўзбекистон, 2002.
13. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., Ўзбекистон, 1999.
14. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т., Ўзбекистон. 2000.
15. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустақкам иродасига ишонаман. "Fidokor" газетаси мухбирининг саволларига жавоблар. 2000 йил 8 июн.
16. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., 2000.
17. Қуръони Карим. Т., Чўлпон, 1992.
18. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Т., Ўқитувчи, 1992.
19. Алимова Д., Буряков Ю., Филанович М. Объективность в истории – ответственность за будущее. // "Учитель Узбекистана", 2003 г., 16 мая.
20. Ахлоқ одобга оид ҳадис намуналари. Т., Фан, 1990.
21. Бекмуродов А. Ўзбекистонда жамоатчилик фикри. Т., 1997.
22. Бобоев Х., Норматов К. Миллий давлатчилик ҳақида. Т., Ёзувчи, 1999.
23. Буюк сиймолар, алломалар. Т., Мерос, 1-китоб - 1995, 2-китоб - 1996, 3-китоб - 1997.
24. Воҳидов Х.Ф. Ўзбек маърифатпарварларининг социологик қарашлари. Т., 1996.
25. Воҳидов Р., Неъматов Х., Маҳмудов М. Сўз бағридаги маърифат. Т., 2001.
26. Гафарли М.С., Касаев А.Ч. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик – тараққиёт асоси. Т., 2002.
27. Глобальные проблемы современности. М., 1979.
28. Гуревич П.С. Человек. М., 1995.
29. Жан Пикте. Развитие и принцип международного гуманитарного права. М., 1993.
30. Жумабоев Й.Ж. Ўзбекистон фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан. Т., Ўқитувчи, 1997.
31. Жумаев Р.З. Политическая система Республики Узбекистан. Т., Узбекистан, 1997.
32. Жумаев Р.З. Давлат ва жамият демократлаштириш йўлида. Т., Шарқ, 1998.
33. Жўраев Н., Азизов Ш. Ижтимоий асослари. Т., 2003.
34. Зиёмухамедов Б. Экология: тарих, назария ва ҳозирги давр. Т., Мехнат, 1991.
35. Иброҳим Ҳаққул. Ирфон ва идрок. Т., Маънавият, 1998.
36. Иброҳимов А. Бизким, ўзбеклар... Т., 2001.
37. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. Т., Ўзбекистон, 1996.
38. Ижтимоий борлиқни билишнинг ўзига хос хусусиятлари. Т., 1991.
39. Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. Т., Ўзбекистон, 1990.
40. Имом Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис. 1-4 жилдлар. Т., 1995-1997.
41. Имомназаров И. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. Т., Шарқ, 1997.
42. Инсон ва жамият курси бўйича қўшимча ўқув қўлланмаси. Т., 1999.

43. Искандаров.Б. Ўрта Осиёда фалсафий ва ижтимоий-сиёсий фикрларнинг Шаклланиш ва ривожланиш тарихидан. Т., 1993.
44. Искандаров Б. Тасаввуф фалсафаси. Т., 1995.
45. Кайковус Унсурулмоний. Қобуснома. Т., Ўқитувчи, 1988.
46. Каримов Р., Каримова Т. Миллий модел муаммолари. Т., Университет, 1993.
47. Кароматов Х. Хўрланган пайғамбарлар ғалабаси. Т., 1998.
48. Левитин Л., Карлайн Д. Ислох Каримов - янги Ўзбекистон Президенти. Т., Ўзбекистон, 1996.
49. Комилов Н. Тасаввуф. Т., Ёзувчи, 1-китоб - 1997, 2-китоб - 1999.
50. Маврулов А. Конформистское мировоззрение, или о реформах в мышлении. // "Учитель Узбекистана", 2003 г., 30 мая.
51. Мамашокиров С., Исамухамедов Х. Экологиянинг ижтимоий фалсафий муаммолари. Т., 1991.
52. Махмудов Т. Мустақиллик ва маънавият. Т.: 2001.
53. Мейеряков Б.Г., Мейеряков Н. Введение в человекознание. М., 1996.
54. Муминов И.М. Танланган асарлар. 1,2,3,4-жилдлар. Т., 1969-1971.
55. Муминов И.М. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Т., 1993.
56. Муродов Х., Мухаммадиев Н., Жамолов Ғ. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти сафида. Т., 2000.
57. Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. Т., Ўқитувчи, 1996.
58. Мустақил Ўзбекистонда миллатлараро муносабат маданияти. Т., Ўзбекистон, 1995.
59. Назаров □. Ижтимоий тараққиёт: инсон ва қадриятлар. Т., Ўзбекистон, 1991.
60. Пўлатов Ҳ.П. Ўзбек мафқураси. Т., Ўзбекистон, 1996.
61. Рахмонов Н. Рухиятдаги нур муроди. Т., 2002.
62. Сагдуллаев А. Тарихий-маданий мерос чегара билмайди.// "Маърифат", 2003 й., 25-июн.
63. Саидов А. Мустақиллик қомуси. Т., Ўзбекистон, 1993.
64. Саифназаров И.С. Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият. Т., Шарқ, 2001.
65. Саифназаров И.С. Ўзбекистон истиқлоли ва янги фалсафий таълимот. Т., Янги аср авлоди, 2003.
66. Саломова Х.Ю. Ижтимоий экология. Бухоро. 1992.
67. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. Т., 1997.
68. Станислав Е. Нахлик. Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи тўғрисида рисола. Т., Адолат, 1998.
69. Тансиқбоева Г.М. Халқаро гуманитар ҳуқуқ. Т., 1999.
70. Тараққиёт ва ҳамкорлик йўлларида. Ўзбекистон таШқи сиёсати ва дипломатияси. Т., 1993.
71. Темур Тузуклари. Т., ×ўлпон, 1991.
72. Тойнби А. Постигение истории. М., 1991.
73. Тошқулов Ж. Ёш бухороликлар: сиёсий-ҳуқуқий қарашлар тарихи. // "Инсон ва сиёсат" журнали, 1991, N 6.
74. Умаров А.С. Фалсафада одам муаммоси. Т., Университет, 1990.
75. Усмонов Қ., Ғаниев Д. Ўзбекистон: мустақил тараққиёт йўлида. Т., Ўзбекистон, 1994.
76. Усмонов Қ., Ғаниев Д. Ўзбекистон: мустақиллик одимлари. Т., Ўзбекистон, 1995.
77. Хайруллаев М.М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. Т., Ўзбекистон, 1971.
78. Халқаро гуманитар ҳуқуқ. Т., 2000.
79. Хуррам Барақа. Тасаввуф ва Хожа Ахрори Валий. Самарқанд, 1997.
80. Хўжамуродов И.Р. Маънавий қадриятлар ва миллий ўзлигини англаш. Т., Ўзбекистон, 1991.
81. ×еловек и общество. Обществознание. ч. 1-2. Под ред. Боголюбова Р.Г. и Лабезниковой А.Ю. М., Просвещение, 2003.

82. Чориев А. Инсон фалсафаси. I китоб. Инсон тўғрисидаги фалсафий фикрлар тараққиёти. Қарши, 1998.
83. Чориев А. Тасаввуф фалсафасида инсон қиёфаси. Қарши, 1997.
84. Чориев А. Миллатлараро муносабат маданияти. Қарши, 1993.
85. Чориев А. Инсон фалсафаси. II китоб. Мустақил шахс. Т., 2002.
86. Шайхова Х., Назаров Қ. Умуминсоний қадриятлар ва Шахснинг ахлоқий Шаклланиши. Т., 1995.
87. Шермухаммедов С. Биз қандай жамият қурмоқдамиз. Т., Ўзбекистон, 1999.
88. Шодиметов Ю.Ш. Ижтимоий экологияга кириш. Т., 1992.
89. Шорин С.С., Хукумов А., Саяпин С.В. Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи бўйича ўқув-услубий материаллар. Т., Минҳож, 2004.
90. Эркакев А. Маънавият - миллат нишони. Т., Маънавият, 1997.
91. Юлдошев С.А. Антик фалсафа. Т., 1999.
92. Юсупов Э.Ю. Инсон камолотининг маънавий асослари. Т., 1998.
93. Яссавий. Ҳикматлар. Т., 1991.
94. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. Т., 1995.
95. Ўрта Осиё халқлари ҳурфикрлилиги тарихидан. Т., 1990.
96. Қадриятлар ва ижтимоий тараққиёт. Т., 1997.
97. Ғайбуллоҳ ас-Салом. Эй умри азиз. Т., 1997.
98. Ҳақимов Н. Шахснинг сиёсий маданияти. Т., Университет, 1990.
99. Ҳақимов Р.Т. Халқаро гуманитар ҳуқуқ. Т., 2001.
100. Ҳомер. Илиада. Т., 1996.
101. Хукумов А. Проблемы анализа уровня экологического сознания населения Республики Узбекистан. Т., ТГЭУ, 1994.

